

МО ЯН

МУСАЛЛАС МАМЛАКАТИ

Роман



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2018

УЎК 821.581-31
КБК 84(5Хит)7
Я60

Хитой ва рус тилларидан
Амир ФАЙЗУЛЛА,
Севара АЛИЖОНОВА
таржимаси.

Ян, Мо.
Я60 Мусаллас мамлакати [Матн]: роман / М. Яннинг – Тошкент:
«O‘zbekiston» НМИУ, 2018. – 392 б.

ISBN 978-9943-25-437-4

Замонавий хитой ёзувчиси, 2012 йили адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори Мо Яннинг мазкур мукофотга лойиқ топилган «Мусаллас мамлакати» романининг ўзбек тилига таржима қилиниши ўзига яраша маданий воеа бўлди, десак, муболага бўлмас. Ўйлаймизки, мазкур роман мутолаасидан сўнг адабиёт ҳамда хаёт ҳақидаги тасаввурларингиз янада кенгаяди.

Азиз китобхонлар, сизларни Мо Ян оламига чорлаймиз.

УЎК 821.581-31
КБК 84(5Хит)7

ISBN 978-9943-25-437-4

© А. Файзулла, С. Алижонова (тарж.), 2018
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2018

БИРИНЧИ БОБ

I

Провинция прокуратурасининг маҳсус бўлими терговчиси Динг Гоузр кўмир ташувчи юк машина кабинасида чайқалиб борарди. Текширув ўтказиш учун Лошан шахтасига йўл оларкан, ўйлар миясида ғужгон ўйнарди. Илгарилари лойик келган эллик саккизинчи ўлчамли жигарранг бейсбол кепкаси негадир хозир бошини қисқичдай қисарди. Охири бўлмади, шартта бош кийимини ечди, қараса, у жиққа терга ботибди. Димогига бошқа аллақандай хид аралаш ёғли сочнинг бадбўй иси урилди. Намхуш ва муздек туолланг хид ниманики эканини тусмоллаёлмай, ўқчиб, томогидан ушлади.

Шахтагача қўл чўзса етгулик масофа қолганди, қоронги йўлда ғадир-будур ва ўйдим-чуқур жойлар кўзга ташлана бошлиди. Ўқдай учиб кетаётган юк машинаси тезлигини пасайтиришга тўғри келди. Улов бир у ёнга, бир бу ёнга чайқалар, Динг Гоузрнинг боши эса тинимсиз кабина шифтига уриларди. Кўхликкина ўш ҳайдовчи қиз йўлни ҳар қанча териб юришга уринмасин, бефойда эди, эркакчасига ғудраниб сўкинар ва бисотидаги барча ҳақорат сўзлар тилининг учida турарди. Терговчи беихтиёр қизга тикилиб қолди. Қиз ҳаворанг кийимда бўлиб, либос тагидан чиқиб турган пушти кўйлагининг ёқаси унинг оппок бўйини яшириб турарди. Қоп-қора кўзлари чақнар, сочи қалта қилиб қирқилган, қоралигидан ялт-юлт қиласиди. Оқ кўлқопли қўли чамбарни маҳкам ушлаб олган, бутун дикқати йўлда – ўйдим-чуқурлардан чаққон айланиб ўтишда эди. Машина чапга бурилганда кизнинг оғзи чапга, ўнгга юрса – ўнгга қараб қийшаярди. Хуллас, ҳайдовчи қиз нари бориб-бери келаётганди. Шўрликнинг бурнидан тер чиқиб, пешонасида тиришлар пайдо бўла бошлади. Манглайи

энсизгина, ияги қаттиқ ва дум-думалоқ, қалин лаблари унинг оташин ва эхтиросли эканини айтиб турарди. Юк машинаси қаттиқ чайқалди-ю, бехос иккисининг танаси бир-бирига тегиб кетди. Терговчидаги қизга якин сурилиб, уни қўллари билан ушлаш истаги пайдо бўлди. Малакали, кирқ саккиз яшар терговчи учун бундай ҳис-туйғулар одатда ғалати туюлади, айни вақтда эса ёқимли эди. У бошини силтаб, қиздан кўзини олиб кочди.

Йўл эса тобора ёмонлашиб бораарди. Машина бир чукурдан иккинчисига тушар, ҳар гал у ёқдан-бу ёққа қаттиқ чайқалар ва ғичирларди. Бироқ у олдинга юришдан тўхтамас, худди панжалари ана-мана шилиниб тугайдиган баҳайбат махлукка ўхшарди. Ниҳоят, турнақатор юк машиналарининг охиридан келиб жой олди. Ҳолдан тойган қиз ўзини хотиржам ҳис этиб, оёкларини узатди, моторни ўчирди, қўлқопларини ечди, рул чамбарини туртиб қўйди-да, терговчига ёвқараш қилиб:

– Онангни... яхшиямки, корнимда болам йўқ! – деди.

Терговчи титраб тушди ва қизнинг кўнгли учун мингиллаб қўйди:

– Бола бўлгандаям аллақачон тушиб қоларди.

– Тушса, тушиб ўлсин эди, – жиддий оҳангда эътиroz билдириди ҳайдовчи қиз. – Бир ўлик болага икки минг юан¹ беришади, – шундай дея у терговчига еб қўйгудек ўқрайди. Барibir ҳам, «Хўш, бунга нима дейсан?» – дегандек қараб турарди.

Динг Гоузрни ёқимли қўрқув ва қизиқиш қамраб олганди. Озгина бемаза сухбат давомида у бутун вужуди билан қизга боғланиб қолганди. Жинслар орасидаги парда аллақаेरга ғойиб бўлган, иккиси ўртасида энди ҳеч қандай масофа йўқ эди. Ҳайдовчи қизнинг сўзлари замирида ундаги кечинмага нисбатан нимадир мавжудлигини ҳис этиб, бирдан юрагида шубҳа ва қўрқув пайдо бўлди. У қизга сергаклик билан қаради, қиз эса лабларини бурди. Буни қўриб, терговчининг ҳафсаласи пир бўлди. Ахир, ҳозирги журъатли, бир сўзли, ғалати қиз қаёққа ғойиб бўлди? Аммо нафис дудоқларнинг бетакаллуф жилмайиши терговчининг кўнглига оғир ботди. Қизнинг юз

¹ Юан – Хитой пул бирлиги (*изоҳлар таржимонларники*).

ифодасидан ўзининг ҳеч ким эмаслиги, калтабинлиги, дардларини айтиб, бошини оғритишга арзимаслигини англади.

– Фарзанд кутяпсанми? – кутилмаганда сўради терговчи.

Танишувнинг барча қонун-қоидаларини бир четга суриб, киз хиёл шармсизларча шундай деди:

– Мен шўрхок ерман, ҳамма бало шунда.

«Сен тажрибали терговчисан, – ўйлади Динг. – Зиммангаг катта масъулият юкланган, бироқ аёл зиммасидаги масъулият ҳаммасидан катта. – Тўсатдан у жамоага қандай кулгиги бўлгани ҳақида эслади: «Динг Гоуэрга ўҳшаганлар ишни зумда очиб ташлайди». «Катта кетганга яхшигина дашном». У чўнтагидан мусалласли идишини олди, қопқогини бураба очди, бир култум ичиб, қизга узатди.

– Аслида қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассисман, хусусан, мелиорация бўйича.

Қиз зарб билан сигнални босди, бироқ жудаям паст, бўғиқ овоз эшитилди, холос.

– Онангнинг киндингини боссанг бўларди! – деди ғазаб билан бошқа юк машинасидан тушиб, уларнинг олдига келган хайдовчи.

Қиз шишани олди, сифатини билмоқчидай хидлаб кўрди, сўнг бошини кўтарди-да, қулқуллатиб охиригача сипкорди. Динг Гоуэр уни мактамоқчи бўлди, лекин мусаллас мамлакатида туриб мусалласнинг сифатига баҳо бериш қалай бўларкин, деб чурқ этмади. Терговчи оғзини артди ва қизнинг лўппи, мусалласдан намланган, қип-қизил лабидан кўзини узмай, дадиллик билан:

– Кел, лабларингдан битта бўса олай! – деди.

Қиз бирдан қип-қизариб кетди-да, шаллақилик билан бақира бошлади:

– Мендан эмас, бориб онангдан ол бўсани!

Эсанкираб колган Динг Гоуэр шошиб атрофга кулоқ солди, нариги юк машинаси хайдовчиси аллақачон кабинага кириб олган, улар билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Олдинда машиналар турнакатор бўлиб тизилган, орқада эшак қўшилган арава турибди, ундан кейин – тиркамали юк машинаси. Эшакнинг ясси пешонасидаги яп-янги, қип-қизил шокиласи зим-

зиё тунни ёлқиндай ёритиб турарди гүё. Йўлнинг ҳар икки четида чўзилган зовур, ўсиб кетган йўсинлар орасидан пастак, таналари касалванд дараҳтлар кўринади. Дараҳт баргларио ўт-ўланлар чангдан қоп-кора тусга кирган. Кузнинг сўнгги кунлари: зовурларнинг нарёғида ястаниб ётган сарғиш-яшил анғизлар¹ узра улуғвор сукуннага халал бермай ғиз-ғиз шамол эсади, манзарани қувончли деб ҳам, қайгули деб ҳам бўлмайди. Атрофда шахталар ўлкаси, сарғиш тутунлар орасида терриконлар² қад кўтарган. Шахта кудуғи олдида чиғирлар тинимсиз айланади, бу сирли ва ғалати туюлди. Унинг ярми кўриниб турар, қолган ярми юқ машинаси панасида эди.

Ҳайдовчи қиз пичинг қилиб: «Мен сенга бўса берайми? Ҳах, онангдан олгин бориб!» – такрорлади жойидан қимир этмаганча. Унинг қичкириб айтган сўzlари ҳар қанча қўрқинчли бўлмасин, Динг Гоуэр қаҳ-қаҳ уриб кулиб, кўрсаткич бармоғи билан қизнинг кўксига нуқиди. Бу гўё «старт тугмачаси»ни босиш бўлди-ю, қиз унга ўзини ташлаб, бутун гавдаси билан ўзига тортди, муздек кўллари билан унинг бошидан чангллади-да, лабларини чўзди. Дудоги совук ва юмшоқ, эҳтиорисиз, бамисоли момикнинг ўзи. Терговчининг ҳафсаласи пир бўлиб, бирдан унга қизиқиши сўнди ва ўзидан нари итарди. Бироқ бу дарғазаб шервачча унга қайта-қайта ташлашиб, тинмай бидирларди:

– Ҳах, онангни эмгур, эрқакмисан ўзи-йўқми?

Терговчи кўл-оёқларини типирчилатганча, ўзини олиб қочишигга уринди. Жиноятчиларни тинчлантирадиган усул билангина қизни инсофга келтиришга муваффақ бўлди.

Иккиси ҳам оғир-оғир нафас оларди. Динг Гоуэр қизнинг билакларидан маҳкам тутганча, унинг қаршилигини енгишга харакат қиласарди. Қиз терговчининг қучоғидан қочиб чиқишига бор кучи билан уринар, бутун бадани пружинадек эшиларди. Бир нималар деб ғўлдираб, бузоққа ўхшаган овоз чиқарарди. Бундан терговчи яна кулиб юборди.

– Нимага куляпсан? – тўсатдан сўради қиз.

¹ Ангиз – экини ўриб олинган ер.

² Террикон – кондан қазиб чиқарилган рудалар чикиндиси.

Қизнинг қўлларини қўйиб юбориб, терговчи чўнтағидан ташриф қоғози чиқарди:

– Мен кетдим, хонимча. Хоҳласанг, мени шу манзилдан топасан!

Қиз унга бошдан-оёқ разм солиб қаради, сўнг чегарачи сайёхнинг паспортига кўз солгандек, ташриф қоғозига қаради. Кейин яна бошқатдан тикилиб қолди.

Динг Гоуэр қизнинг бурнидан чимчилаб қўйди-да, чарм сумкасини қўлтиғига қистириб, машина эшиги тутқичидан ушлади:

– Хайр, қизалок. Шўрхок ербоп олий навли ўғитларим бор!

Машинадан энди тушган ҳам эдики, қиз унинг кийими четидан тутди. Қиз саросималаниб қараб тураркан, терговчи унинг ҳали ёш бола эканини, турмушга чиқмаган, хеч қачон эркак зоти билан ҳам бирга бўлмаганини англади. Маъсумалигидан ичи ачиши: Динг унинг кўлини силаб қўйди-да, са-мимийлик билан:

– Азизам, мен отанг қаториман-а, – деди.

– Ёлғончи! – деди қиз жаҳл билан пишқириб. – Машина устахонасигача дегандинг-ку!

– Деярли етиб келдик, – жилмайди терговчи.

– Жосус!

– Ҳа, бўлса бордир.

– Жосуслигингни билганимда, машинага чиқармаган бў-лардим!

Динг Гоуэр бармоғини тикиб, сигарет тополмаган бўш кутини қизга томон ирғитди:

– Бўпти, жаҳлинг чиқмасин.

Қиз унинг мусаллас идишини зовурга улоқтириди.

– Тағин эркак эмиш, идиши қуриб ётибди-ку.

Динг Гоуэр йўл четига сакраб тушди, эшикни қарслатиб ёпди-да, олға одимлаб кетди.

– Ҳой, жосус! – ортидан қизнинг овози янгради. – Йўлда қанча фалокат рўй берганини билмайсанми, мабодо?

Динг Гоуэр орқасига ўгирилиб, қизнинг ойнадан бошини чиқариб турганини кўрди-да, мийигида кулиб қўйди, аммо хеч нима демади. Қизнинг кулмоқ тулига ўхшаган чехраси

бир дақиқагина сақланды, холос, сүнг қадаға қуилған пиво күпикларидай йўқ бўлиб кетди. Кўмир конига олиб борувчи йўл ифлос ва тор, узуничақдай бир-бирига айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Юк машиналари, тракторлар, хўқиз қўшилған уловлар – барчаси ўзи думини ўзи гажиган даҳшатли махлукқа ўхшарди. Баъзи машиналар чироғи ўчирилған, баъзилари-ники эса йўқ. Олдинда трактор капотлари устига, орқада эса автомобилларнинг пастки қисмiga ўрнатилған қувурлардан кўкиштон тутунлар паға-паға бўлиб чиқарди. Чала ёнган бензин ва солярка жониворларнинг бадбўй ҳиди билан қоришиб, ҳавода осилганча, нафасни бўғарди. Терговчи шахта томон харакатланаркан, тоҳ машиналарга яқин бориб қолар, тоҳ пастак дараҳтларнинг каллакланган шоҳларига ўзини уриб оларди. Кабинада ўтирган деярли барча ҳайдовчилару арава шотисига суюниб олган аравакашлар баравар мусалласхўрлик қиласарди. Бу ерда рулдаги одамнинг ичиши тақиқланмагандек. «Буларнинг охири борми ёки йўқми?» – дея у ғазаб билан юкорига қаради: қазилаётган коннинг марказий қисмida нихоятда баланд кўтаргич хартумининг учдан икки қисми кўзга ташланарди. Кумуш рангли пўлат троc фидирак устидан текис ҳаракатланар, кўтаргичнинг ўзи эса ё занги сабабми, ёки бўёқданми, куёш нурида тўқ қизил ва исқирт кўринарди. Катта қора блок ҳам хунук кўринар, тўхтовсиз сирпанаётган троc жуда чақноқ бўлмаса-да, ваҳимали қумушранг учқунлар сачратарди ва шу туришида у заҳарли илонни эсга соларди.

Ранг ва жилваларнинг бу ўйинига монанд равишда айланадётган блокнинг ғичирлаши, таранг тортилган пўлат троcнинг ғириллаши ва ер ости портлашларнинг бўғиқ гув-гувлаши қулоқни қоматга келтиради.

Кон ёнидаги сўйри майдон ҳам машина ва араваларга лиқ тўла эди, йўл четидаги катор қайниларни кўмир чанги коплаган. Бошдан-оёғи ифлосланған барглардан чимдиш учунми ёки тумшуғини ишқалаб қашиш учунми, каштан шоҳлари орасига бош сукқан от бирдан пишқириб юборди. Бир арава ёнида талай одам тўпланганди. Юзлари офтобдан қорайган, бошларини қийиқча билан танғиган, кийимлари ти-тилиб кетган, белларига камар ўрнига чилвир боғлаб олган-дилар. Аравага қўшилған от ясси тўқима саватдаги пичанни



ғурт-гурт чайнар, эгалари эса майхўрлик билан овора эдилар. Каттакон түк бинафшаранг шиша давра бўйлаб айланар ва ҳар ким унга ошкора суқ билан ёпишарди. Барчалари навбати билан ёпки устидаги катта оқ турпдан карсиллатиб узиб оларди. Ҳузур қилиб кавшагач, ўшандай карсиллатиб узиб олгани тағин интилишарди. Динг Гоэрни ҳаммадан кўп ичади деб бўлмасди, лекин ичишни хуш кўярарди. Мусалласнинг қайси бири яхши-ю, қайси ёмонлигини ажратоларди, ҳавони тутган бадбўй ҳиддан англадики, мана бу шишадаги ичимлик у қадар мактагулик эмас. Шолғомли ароқ ҳиди, лоф эмаски, одам ели ҳидидан ҳам бадбўйроқ эди. Мусалласхўрларнинг кийимларию еб-ичаётган нарсалари уларнинг Жюгуо атрофидаги дехқонлар эканини яққол билдиради. Терговчи улар олдидан ўтиб кетаётганда, биттаси хирилдоқ овозда сўради:

– Соатинг неча бўлди, ўртоқ?

Соатига қараб, Динг Гоэр жавоб берди.

Кўзлари қизил ваmallаранг соқолли ёш дехқон йигитнинг чехрасида шундай газабли ифода зохир эдики, терговчининг юраги шиф этиб кетди ва у қадамларини жадаллатди.

– Дарвозани тезрок оча қолишса бўлмайдими, қоврилиб кетдик-ку, – орқадан луқма ташлаб қолди дехқон йигит.

Хўрликдан у ўзини йўқотай деди, аммо тан олиш керакки, бунинг учун асослар йўқ эмасди. Ўн бирдан чоракта ўтибди-ю, аммо коннинг бақувват қулф урилган темир панжарали дарвозаси ҳамон ёпик эди – қулф ҳам нақ тошбақанинг косасидай келарди ўзиям. Дарвозанинг ўзига саккизта пўлат варак копланганди. Уларга қизил бўёқда йирик-йирик иероглифлар билан ёзилган «Корхонада хавфсизликка риоя қилинг!» ва «Биринчи май байрами билан табриклаймиз!» сўзлари аллақачон уннишиб кетганди. Куз кунининг мафтункор ёғдусида кўп нарсалар тароватли кўринарди, коп-кора кон узра кўм-кўк осмон янада кўркамроқ акс этарди. Жойнинг баланд-пастлигига қараб бир кўтарилиб-бир тушган кўйи худуд атрофида одам бўйидан сал баландроқ кулранг ғиштин деворчувалиб кетган. Дарвоза табақасидаги эшик қия очик, унинг ортида каттакон mallаранг кўпрак эриниб, ағанаб ётарди, унинг боши узра кузги япроқдек нимжон капалак қанот қоқарди.



Динг Гоуэр эшикни очмоқчи бўлганди, кўпрак ғазаб билан унга ташланди, сал бўлмаса нам тумшуғи билан кафтининг орка томонига тегиб кетаёди. Тўғрироғи, итнинг тумшуғи кафтига келиб тегди, чунки терговчи унинг салқинини аниқ ҳис этди; ранги билан у нофармон каракатица¹ ёки личининг² пўстлоғини эслатарди.

Бироқ кутурган кўпракнинг тажовузкорлиги шу заҳоти кўркув билан алмашди. У йўлакдаги сояга ўзини отди, сўлиган софора³ буталари орасига сингиди ва ангиллаганча тўртбурчак бошини силкиди.

Динг Гоуэр лўқидонни сурди, эшикни итарди, орқаси билан муздек темирга тиранганча бирпас турди ва кўркиб кетган кўпракка ачиниб қараганча ичкарига қадам қўйди. Кўлига тикилди: суюклари ўйнаб, кўк томирлари бўртган; қонида алкоголь йўқ эмас, аммо унда на қувват, на айтарли нарса кўзга ташланарди. «Нега аввалига ташланиб, энди мендан қочяпсан?» – деб сўрагиси келиб кетди унинг кўпракдан.

Ювиниш тоғорасидаги илиқ сув ҳавода чайқалиб ёйилди. Ранг-баранг ва ола-була шаршара. Шундай бир капалакки, у ёлғиз қолишини истамайди. Кўпик ва қуёш. Умид. Бир дақиқача бўйнидан сув оқди, сўнг шабада келиб урилди ва ҳаммаёқ салқин тортди. Кўп ўтмай кўзлари оғирлашди, оғзи арzon атирупа таъмини берувчи шўр нарса билан тўлди. Шу заҳоти анчадан бери ювилмаган юз ҳиди ва бужмайган руҳий тажаллий уйғунлик касб этгандай туюлди. Шу лаҳзада кабинадаги ҳайдовчи қиз терговчининг хотирасидан қайтмас бўлиб ўчди. Угадага ўхшаган дудоклар ҳам ғойиб бўлди... Лекин кейин кўлида унинг ташриф қофозини тутган аёл аниқ ва кескин равишда шуури юзасига қалқиб чиқди, гўё олис туманли тоғлар акс этган табиат манзараси чизилган сувратдай. «Итдан тарқаган!»

¹ Каракатица – денгиз моллюскасининг бир тури.

² Личи – Хитой олхўриси.

³ Софора – дуккакли ўсимлик.

– Ўлгинг келдими, итдан тарқаган? – унинг олдида құлларида тогорача билан турған навбатчи жаҳл билан деп синди.

Динг Гоуэр бу билан унинг ўзига шама қилаётганини тушунди. Бошидан сув томчиларини силкиб ташлагач, кир дастрұмоли билан бўйини артди, томоғини кириб, тупурди. Бу қийин ахволдан чикиш учун кўзларини пирпиратди, ўзининг асл ҳолатига қайтди ва навбатчига тешиб юборгудек тикилди. Турли катталиқдаги, кўмирдай қоп-қора, ҳаёсиз, тўпори кўзлар, дўлана мевасига ўхшаш дум-думалоқ қизил бурун, кўкарған лаблар ва қайсарларча қисилған тишлар. Куйдиргувчи қандайдир тўлқин бамисоли илон ёкичувалчангдай эшилиб-тўлғониб аъзойи баданини силаб ўтди. Фазаб түғён урди, унинг алангаси тобора авж олиб борарди, бош чаноги ўчоқдаги писта кўмир ё яшин каби оппоқ тусга кирди ва кўксида орият ҳисси гуфрон урди.

Худди итга ўхшаб, навбатчининг қаттиқ ва қора увадалири ҳар томонга қараб осилиб ётарди. Афт-ангоро билан Динг Гоуэр унинг ўтакасини ёриб юборгани кўриниб турарди. Бурун катакларидан чиқиб турған туклар қалдирғоч думини эслатарди. «Бу лаънати қора қалдирғоч ўша ерда ин қурганга ўхшайди, – кўнглидан кечирди у. – Ин қурган, тухум қўйган, бола очган». У ўша қалдирғочни нишонга олди ва тепкини босди. Яна босди. Яна.

Жарангдор ва тиниқ ўқ товушлари кон дарвозаси олдидаги сукунатни бузди. Ўқ товушлари каттакон малла кўппак хуришини босиб кетди ва деҳқонлар эътиборини тортди. Энди кабиналардан сархуш ҳайдовчилар сакраб-сакраб туша бошлидилар. Эшакнинг юмшоқ лаблари қаттиқ қайин игналаридан жишига айланғанди. Аравага қўшилған хўқиз вазмин бошини кўтарди-да, кавшашдан тўхтади. Аввалига ҳамма қотиб қолди, кейин эса воеа содир бўлған жойга ёпирилиб келишди. Соат ўндан ўттиз беш дакика ўтганда Лошаннинг йўлак шахтаси навбатчиси бошини чангаллаганча ерга қулади. Оғзидан оппоқ қўпик чиқди, танаси жон талвасасида силкинарди. Юзида кинояли табассум ўйнаган ва қўлида ялтироқ тўппонча тутган Динг Гоуэр Ҳимолай чўккисидек қақрайиб турарди. Тўппонча оғзидан чиқаётган кўкимтири тутун уни ўраб олмоқдайди.

Дарвозанинг темир панжараларидан тутганча, оломон ҳангү манг қараб турарди. Чийиллаган овоз янграб улгургунчада жуда кўп вақт ўтганга ўхшаб туюлди:

– Ўлдирдилар! Навбатчи Лао Люйни ўлдирдилар!

Мана бу кўкиш-қора Ҳимолай заранги, яъни Динг Гоуэр заҳархандалик билан тиржайди.

– Бу қари кўппак қилган ёмонликларнинг санаб саноғига етиб бўлмайди.

– Ошпазлилак академиясига, маҳсус ошпазлилак бўлимига сотиш керак!

– Уни пиширишнинг ўзи бўладими, қари кўппак-ку!

– Маҳсус ошхоналарга оппоққина, баррагина ўғил болаларни олишади, бу чандир кимга керак?!

– Ҳайвонот боғига бериш керак, бўриларга озука!

– Бунака озука билан бўриларнинг кўнглини олиб бўпсан.

– Унда маҳсус турдаги гиёҳлар учун тажриба ерлари борку, қайта ишлаб, ўғит килишсин!

Динг Гоуэр тўппончани ҳавода ўйнатди. Ялтироқ сирти кумуш кўзгудай чараклаб кетди. Тўппончани илиб олиб, кафтига қўйганча уни дарвоза ортида турганларга кўрсатди. Ихчам, нафис, чиройли чизиқлар тортилган тўппонча револьверга ўхшарди.

– Ваҳимага тушманлар, дўстлар, – мийифида кулди у. – Ахир, бу болалар ўйинчоги-ку!

Тугмачани босиб, у тўппончани иккига ажратди, унча катта бўлмаган, тўқ кизил дискни қаттиқ пластикдан суғуриб олди-да, йиғилганларга намойиш қила бошлади.

– Ҳар бир тиш қофоз қобикдаги мош донасилик келадиган ўқни қисиб қолади, – тушунтириди у. – Тепкини босасан, диск айланади, ўқ товуши янграйди. Бу ўйинчоқдан театрда бутафория реквизити, спорт мусобакаларида старт тўппонча сифатида фойдаланиш мумкин. Бунакалари ҳар бир универмагда сотилади. – Шу сўзларни айтиб, у барабан тарновига ўқ сукди ва тўппончани йиғиб, тепкини босди: пак!!!

– Ана шунақа, – деди у мойфурушларга ўхшаб. – Ишон-масангиз, қаранг. – Шундай дея у тўппонча оғзини енгига олиб борди-да, яна тепкини босди.

– Ван Лян Жюй! – деди ҳайдовчилардан бири. Афтидан, у бир вактлар «Намунали «Қызыл фонус» пьесасини күрганди.

– Бу ҳақиқий түппонча эмас! – Динг Гоуэр қўлини кўтарди. – Қаранглар-а, агар ҳақиқий бўлганида, ўқ бу ёғидан кириб, у ёғидан тешиб чиқарди, тўғрими? – Унинг енгидаги сарғиш доф куёш нурида кўринди, ундан ўткир ўқ-дори хиди келарди.

Терговчи түппончани чўнтағига жойлади, ерда йиқилиб ётган навбатчи олдига борди-да, уни бир тепди:

– Тур ўрнингдан, ошна, ўликка ўхшаб ётганингдан иш чиқмайди.

Ўша-ўша бошини чангаллаганча навбатчи ўрнидан турди. Унинг юзи обдан пиширилган нянгаога¹ ўхшаб, касалмандлардай сарғайиб кетганди.

– Сени ўлдириб нима барака топардим, пўписа қилдим, холос, – давом этди Динг Гоуэр. – Ҳокимиятни суиистеъмол килиб бўлмайди. Соат ўн бир бўлди, дарвозани аллақачон очишинг керак эди!

Навбатчи қўлларини юзига олиб борди-да, сийпалай бошлади. Сўнг ишонмагандек, яна бошини туртиб кўрди, қўлларига яна бир карра қараб чиқди. Қон кўринмасди. Тириклигига ишонч ҳосил қилгач, у чукур хўрсинди ва ҳамон ҳадикли овоз билан сўради:

– Сен-чи, сен бу ерда нима қилиб турибсан?

Динг Гоуэр айёrona жилмайди:

– Мен коннинг янги директориман, шаҳардан юборишли!

Навбатчи коровулхонага ўқдай учиб кетди. Қўлида катта-кон ялтироқ қалит билан қайтиб келди-да, отнинг калласидай келадиган қулфни буради ва дарвозани ғийқиллатиб очди. Халқ шодон кийқириб юборди, хамма машиналар томон чопди, бир неча дақика ўтиб-ўтмай кўча моторларнинг гувиллашига тўлди.

Машиналар аста-секин, бир-бирига эргашиб, шарак-шуруқ қилганча зич қатор билан дарвоздадан кира бошлади: турган-битгани баҳайбат ва жирканч кўпоёқли занжир тасма. Динг Гоуэр шартта ўзини бир четга олди: юрагида тўсатдан

¹ Нянгао – гуручдан тайёрланувчи Янги йил таоми.

аңглаб бўлмас ғашлик пайдо бўлди. Кейин тўғри ичаги шунақанги бурадики, томири лўқ-лўқ ура бошлади, оғриқ тутди ва тушундикси, бавосил хуружи зўрайа бошлади. «Яна ўша, оғриқ ва ичимдан қон кетиши». Бироқ юрагидаги ғашлик анча босилди. Пешонангга битилганидан қочиб кутулиб бўлмайди. Бавосил муқаррар бўлганидек, тартибсизлик ҳам муқаррар, факат илоҳийлик моҳиятининг барҳақлиги бор, холос. Бу сафар эзгу моҳият нимада намоён бўларкин?

Навбатчи тўхтовсиз тавба киларди, унинг юзида мутлақо ғайритабиий табассум жилла бўлса ҳам кўринмасди:

– Марҳамат, муҳтарам раҳбар, навбатчилар хонасига марҳамат қилинг, у ерда лоақал ўтиргани жой бор-ку.

Вазиятга қараб муносабатни ўзгартиришга суюги йўқ Динг Гоуэр навбатчи орқасидан эргашди.

Кенг хона. Каравот. Қора адёл. Иккита металл термос. Баҳайбат буржайка печкаси. Катталиги итнинг бўйи баробар келадиган тошкўмир бўлаклари уюми. Деворда осиғлиқ янги йил сувратида унсиз кулганча оғзини очиб турган қип яланғоч, юзлари қизил, қўлларида умрбоқийлик рамзи бўлмиш шафтолини ушлаб олган гўдак тасвирланганди. Юраги бир тутам бўлди ва ичаги яна қаттиқ тортиб оғриди.

Хона ичи чидаб бўлмас дараражада иссиқ экан. Печкадаги олов гуриллаб ёнарди, азбаройи оловнинг зўридан мўрининг ярми-ю, печканинг бутун танаси чўққа айланганди. Иссиқ ҳаво оқимлари остида бурчакдаги ўргимчак тўри оҳиста чайкаларди. Шу заҳоти бадани қичишиб, бурни ачишли.

– Совуқми, ўртоқ директор? – хушомад килиб унга қаради навбатчи.

– Даҳшатнинг ўзи! – фижиниб тўнғиллади Динг Гоуэр.
– Ташвишланманг, ҳозир кўмирнинг хўроздидан ташлаймиз...

Эгилиб, навбатчи каравот остидан жигарранг-қизил сопли ўткир болтани олди. Терговчи қўлини беихтиёр белига олиб борди: у ерда ҳақиқий тўппонча яшириб қўйилганди. Навбатчи энкайганча печка ёнига борди, чўқкалади ва ёстиқдай келадиган кўмир харсангни аста кўтарди. Уни бир қўли билан ушлаб туриб, болта билан солган эди, харсанг қоқ иккига бўлинниб кетди. Текис бўлинган бўлак ялт-юлт қиласарди, бами-



соли чеккалари симоб билан қоплаб чиқилгандай. Навбатчи харсангни уришда давом этаркан, ялтироқ күмир парчалари ҳар томонга сачтарди. У печка эшикчасини очди ва худди шамол келиб теккандек у ердан гуриллаганча лаққа чўғлар отилиб чиқди. Терговчи юзларидан тер қуилиб кўмирни ичкарига ташлаётган навбатчини кузатиб турди.

– Ҳозир ўт олади, – ўзича минғирлади навбатчи узр сўрагандек. – Бизда кўмир юмшоқ, тез ёнади, бетиним ташлаб туриш керак.

Динг Гоуэр ёқасига тақалиб турган тугмаларини ечди ва пешонасидаги реза терларни сидириб ташлади:

– Сентябрданоқ печка ёқасизларми?

– Совуқ, ўртоқ директор, совуқ... – навбатчининг овози титрарди. – Совуқ... кўмир эса кўп, ана, тог-тоғ бўлиб ётибди.

Унинг куриган юзи бўғирсоққа ўхшарди, Динг Гоуэр уни бир кўрқитмоқчи бўлди.

– Мен ҳеч қанака директор-пиректор эмасман, – деди у. – Иш билан келганман. Шунинг учун дадилроқ ёқавер!

Девордаги гўдак тирикдай қиқир-қиқир кула бошлади. Кошини чимириб, Динг Гоуэр майсум болакайга қараб қолди. Навбатчининг бирдан юзи ўзгарди ва болтага қўл чўзди:

– Ўзингни директор қилиб кўрсатасан-да, одамларни тўппончадан отиб ўлдирасан... Қани, юр-чи, ҳозир сени муҳофаза бўлимига олиб бораман.

– Борди-ю, ростданам директор бўлсам-чи, унда нима бўларди? – мийифида кулди Динг Гоуэр.

Хайрон бўлиб қолган навбатчи бир неча марта жиддий оҳангда хихилаб кулди, болтани қайта каравот остига тиқди ва бир йўла у ердан бир шиша мусаллас олди. Фадир-будур тишлари билан пўқакни суғуриб ташлади, ўзи ҳам яхши ўрнашиб ўтириб олди, кейин эса хушомадгўйларча шишини Динг Гоуэрга узатди. Мусалласда одамгиёхнинг ок-сариқ илдизлари ва найзасиз, узун думли еттита қора чаён сузиб юарди.

– Ичинг, ўртоқ директор, – синовчан таклиф қилди у. – Бу мусаллас етмиш икки дардга даво!

Динг Гоуэр ундан шишани олди-да, чайқади. Чаёнлар одамгиёҳ чўплари орасида айланди, шиша ичидан эса ғалати



ҳид анқирди. Шиша бўйнига лабларини теккизиб қўйиб, уни навбатчига қайтарди.

Навбатчи нима килишини билмай, унга синовчан тикилди:

- Ичмайсизми?
- Ичолмайман.
- Бундан чиқди, маҳаллий эмас экансиз-да?

Динг Гоуэр девордаги Янги йил сувратига ишора қилди:

- Оппоқкина, нозиккина гўдак эканми, а, бобой?

У навбатчининг юз ифодасини дикқат билан кузатди. Навбатчи индамай яна бир қултум ичди ва тушунарсиз ғудранди:

– Буни қара-я, арзимаган кўмир ёниб битиби... Шугина нарса минг юан туришини кўриб, кулгинг қистайди.

Иссиқ тобора ёндиримоқда эди, Динг Гоуэр девордаги гўдак сувратига ачиниш билан қараб қўйди, эшикни очди ва қуёш нурига интилди. Ташқарида ёқимли шабада мунтазир эди, бундан терговчи ўзини анча яхши хис этди.

Динг Гоуэр 1941 йилда туғилган. Олтмиш бешинчи йилда уйланган. Уйланганидан кейин ҳаёти бир текис, равон кечди, хотини билан «кўш хўқиз» бўлди, битта ўғил фарзанд кўрди. Бирда меҳрибон, бирда «ит-мушук» ўйинини ёқтирувчи жазмани ҳам бор эди. Қуёш бўлиб чараклаган, ойдек яраклаган кунлари кўп бўлди. Бир қарасанг, мушукдай мулойим, бир қарасанг, қопафон ит. Гоҳ ажойиб мусаллас, гоҳ аччик-тахир дори. Хотини билан қўйди-чиқдиларгача борган, аммо яна бу ишидан қайтган. Жазмани билан ҳам худди шундай: бир қарасанг, муҳаббати аланг олган, бир қарасанг, совиган ошдек кўнгли қолган. Тоби қочиб қолганда, ҳар гал саратонга йўлиқдим, деб ваҳима кўтаради, касал бўлишдан саратондан кўркандек кўрқади. Ҳаётни ўлгудай севарди, аммо энди ҳаётининг ҳам путури кетиб бўлганди. Шунинг учун ўзини ўтга-чўққа ургани-урган, бир жойда қўним топгани тоқати йўқ. Гоҳо тўппончасини чаккасига тираган кунлар ҳам бўлган, аммо тепкини босишига журъати етмаган. Неча марталаб тўппончани кўкси ёки юрагига қадаб, иродасини синаб ҳам кўрган. Ҳаётда ягона қувончи – касби бўлиб қолаверган, бу иш сира жонига тегмайди. Прокуратурада у энг қобилиятли терговчи ҳисобланиб, уни турли ишларга



күйиш мумкин эди; юқоридаги бошлиқтардан баъзилари уни яхши биларди ҳам. Бўйи бир метру етмиш беш сантиметр, котмадан келган, қорача, кўзлари иргиб чикқан. Кашандалигига гап йўқ, ичишдан қочмайди, бироқ тез кайфи ошиб колади. Тишлари нотекис. Билиб-бilmай ишга кечикишни ҳам қотиради. Мўлжал олиши ҳар доим бирдек эмас: кайфияти жойидалигига ўқ нақ кўзлаган нуқтасига бориб тегади, кайфияти ночоғ маҳалларда эса – расвойи радди маърака. Жиндай иримчилиги ҳам йўқ эмас, омадга ишонади. Омади кулган вақтлар ҳам бўлган.

Прокуратура бошлиғи унга итқитган «Жунхуа» сигаретасидан биттасини суғуриб олган ўша тушликдан буён унча кўп вақт ўтганича йўқ эди. Чақмоқтошни ёқиб, Динг Гоуэр бошлиққа тутди, сўнг ўзи ҳам тутатди. Сигарета тутуни шунақангি хушбўй ва тотли эдики, ҳолвадай оғзида эриб кетмоқда эди. Бошлиғи сигарета чекишида нўнок эди – ҳаммаёни тутун қилиб юборарди. «Бобой сигарета чекишини билмайди, яхши сигареталар эса столда саргайиб қолмайди». Бошлиқ ғаладонни тортди, қандайдир хатжилд олди, у ёқ-бу ёғига каради-да, Динг Гоуэрга узатди.

Бу фош этувчи хат бўлиб, ҳойнаҳой, ўнг қўлда эмас, чап қўлда гоят хунук ва бепарволик билан ёзилганди. Динг Гоуэр уни тез ўқиб чиқди. «Имзо – Минишэн. Кўриниб турибдики, бу – лақаб». Хат мазмуни аввалига ҳанг-манг қилиб қўйди, кейин фикрини бир жойга тўплаб ўйлашга тўғри келди. У матнга яна бир бор тез кўз югуртириди. Бошлиқнинг ҳошияларда йирик-йирик қилиб ёзган кўрсатмаларини тақрор ўкиб чиқди. У бошини кўтариб, бошлиққа қараганда, раҳбар дераза раҳидаги ёсуман гулларини томоша қиласарди. Оппоқ гуллардан билинчар-билинчас бўй тарааларди.

– Бундай бўлиши мумкин эмас, – деди Динг Гоуэр. У гўё ўзи билан ўзи гаплашмоқда эди. – Бунга қандай қўли борди? Буни қаранг-а, «Гўдакларнинг гўштидан таом пишириб, едирилсин»миш!

– Котиб Ван терговга айнан сени жўнаташни тавсия этди, – атайлаб илиқ оҳангда минғирлаб гап бошлади бошлиқ.

Динг Гоуэр ич-ичидан суюнди, бироқ ташида:

– Бунақа ишлар билан нега биз, прокуратура, шуғулла-нарканмиз? Жамоат хавфсизлиги вазирилигидагилар ухлаб қолганми, нима бало? – деб ўзини гүлликка солди.

– Бу ерда – қўлимда машхур Динг Гоуэр ишлаганидан кейин ким айбдор бўларди! – тиржайди бошлиқ.

– Қачондан ишга киришиларкан? – хиёл хижолат тортди терговчи.

– Ўзинг қара! Сен-чи, ажрашдингми-йўқми? Ажраш-маслик учун ҳам матонат керак бўлади. Биз, албатта, бу хат-нинг бошдан-оёқ тухмат эканига умид қиласиз. Ҳаммасини мутлақо сир сақлаш шарт. Ҳар қандай услубни қўллашга рух-сат этилади, аммо қонун доирасида.

– Кетсам бўладими? – ўрнидан кўтарилидди Динг Гоуэр.

Бошлиқ ҳам ўрнидан турди, очилмаган «Жунхуа» кутисини олди ва стол устидан унга томон суріб қўйди.

Динг Гоуэр кутини олди-да, эшикка йўналди. Лифтга шошиб кирди. Кўчага чиқди. Ўғли кирган мактабга йўл олди. Қаршисида машхур Ғалаба хиёбони ястанган. Ҳар икки йўналишда машиналар турнақатор югуради, кўчани кесиб ўтишнинг имкони йўқ. Кутишга тўғри келди. Нариги томонда, чапроқда катта йўлни бир гурух боғча болалари кесиб ўта бошлади. Кунгабоқарларга ўхшаб, юзларини офтобга беткай тутган бари – қуёш нуридан йилт-йилт қиласиди. Болаларга яқинроқ бориш учун у шартта машиналар юрадиган кисм ёқалаб беихтиёр одимлаб кетди. Ёнгинасидан унга тегай-тегай деб велосипедчилар шувиллаб ўта бошлашди. Чараклаган қуёш остида уларнинг юзлари кўринмасди – ҳаммаси бир текисда оппоқ кўланкалар эди, холос. Болаларнинг бари яхши кийинган, лўппи юзлари оппоқ, маъсум кўзлари кулиб турибди. Худди тизимчадаги балиқлардек, барчалари қора чилвирдан ушлаб олган. Банди шохга маҳкам ёпишган ҳил-ҳил меваларга ўхшайди. Автомобиль тутунлари орасида қуёшнинг антрацитдай¹ чакноқ нури остида улар иштаҳани қитиқловчи зираворлар билан қовурилган жўжаларни эслатарди. Болалар – ватанимиз келажаги, ҳаёт гули, дунёдаги бебаҳо ёмби. Уларни ким босиб кетгиси келарди? Машиналар юришини

¹ Антрацит – тошкўмирнинг энг яхши нави.



секинлаштиради, ғийқиллатиб тормоз беради ва түхтайди. Гурухнинг бошида ва охирида оқ халат кийган иккита аәл одимлаб боради. Юзлари тўлган ойдек дум-думалоқ, лаблари чўғдек қип-қизил, ўткир оппок қурак тишлари худди эгизак кизларга ўхшарди, уларнинг ҳар бири чилвирнинг икки учидан ушлаб олиб, бетакаллуфона қичкираардилар:

– Чилвирни маҳкам тутинг! Қўлларимизни қўйиб юбормаймиз!

Динг Гоуэр йўлка чеккасида, барглари сарғайган дарахт тагида туаркан, болалар катта йўлни эсон-омон кесиб ўтишди. Машиналар оқими тўлқин-тўлқин бўлиб олға интилди. Унинг олдига келганда болалар сафи чалкашиб кетди ва чумчук галаси каби улар чуғурлаша кетишиди. Ҳар бирининг билаги қизил мато парчаси билан чилвирга боғлаб қўйилган, гарчи аралаш-куралаш бўлиб кетишиса-да, мато чилвирда қолаверди. Мураббийлар чилвир учларини тортиб қўйишгани ҳамон барча болалар яна сафга тизилишарди. Терговчи ҳозиргина «Чилвирни маҳкам тутинг! Қўлларимизни қўйиб юбормаймиз!» деган ҳайқириқни эслади ва ўзича қаҳри қайнаб: «Шуям иш бўлдими?! Боғлаб қўйилгандан кейин қўлини қандай бўшатиб олиш мумкин?» – деб дилидан ўтказди.

У деворга суюнганча жиддий оҳангда чилвирнинг олдинги учидан тутган мураббийга мурожаат қилди:

– Уларни нега боғлаб қўйдинглар?

Мураббий тундлик билан жеркиб:

– Ким бўласан ўзи? – деб сўради.

– Ким бўлишим билан ишингиз бўлмасин. Илтимос, саволимга жавоб беринг: болаларни битта қилиб боғлаш нимага керак бўлиб қолди?

– Тентак! – бўш келай демасди мураббия.

– Тен-так, тен-так! – унга қараб болалар жўрликда такрорлай кетишиди.

Ҳар бўғинни улар чўзиб-чўзиб талаффуз қилишарди: ким билсин, ё уларда бундай қилиш одат тусига кирган, ёки уларга шундай ўргатишган. Болаларнинг бу кадар тиник, нозик ва ёқимли овози – бунақа ёқимли сас ёруғ дунёда йўқ! – кўча узра шўх кушлар галасидай учиб ўтди. Болалар олға одимлаб кетишиди. Терговчи чилвирнинг охирги учидан тутган мураббияга



маъносиз жилмайиб кўйди, аммо мураббия унга қия боқиши у ёқда турсин, юзини тескари ўгириб олди. Динг Гоуэр болаларни нигоҳи билан кузатиб қолди, улар қадимий тор кўчалар – хутунлар ичига кириб ғойиб бўлишди, у ернинг ҳар икки томонида кизил бўёқ билан бўялган деворлар кад кўтариб туради.

Бир амаллаб хиёбонни кесиб ўтгач, қандайдир бир уйғур унга гаройиб бир лахжада қўй гўштидан кабоб таклиф эта бошлади. Динг Гоуэр рад этди. Ўша заҳоти бўйни узун, лаблари қалампирдай қип-қизил кизалоқ бир неча сих кабоб сотиб олди. У сихдаги гўштларни қутичадаги қалампирли мойга булаб-булаб олди-да, лабларини кулгили тарзда буриб, кабобни ея бошлади, афтидан, у лаб бўёгини чаплаб олишдан кўрқаётганди. Томогини олов куйдириб ўтгандек бўлди ва терговчи тескари ўтирилиб, у ердан кетди.

Кейин у мактаб эшиги олдига бориб, ўғлини кута бошлади ва сигарета тутатди. Ўғли сумкасини елкасига ортмоқлаб, дарвозадан чопиб чиқди, ҳатто уни пайқамади ҳам. Юзида сиёҳ доғлари кўзга ташланарди – мактаб ўқувчисига хос аломат. Терговчи уни чакирди. Ўғил у билан ортиқча завқшавқиз йўлга тушди. Динг Гоуэр иш билан Жюгуга кетаётганини айтганди, ўғли шартта:

- Менга нима? – деди.
- «Менга нима?» деганинг нимаси?
- «Менга нима?» деганим – бу «менга нима» деганим, – жавоб берди ўғил. – Бундан бошқа нима дегани бўларди?
- «Менга нима». Дарҳақиқат, «менга нима»? – такрорлади ўғлининг сўзларини.

Хавфсизлик бўлимида Динг Гоуэрни сочи такир қилиб олинган йигит кутиб олди. Баландлиги нақ шифтга етган каттакон шкафни очиб, у терговчига бир стакан мусаллас қўиди. Бу хонада ҳам печка ёниб туради: навбатчининг уйчасидаги-дек иссик эмас-у, барибир иссик эди. Динг Гоуэр музқаймоқни афзал кўрарди, бирок тақирбош ўзбилармонлик билан мусаллас манзират қилди:

- Мусаллас ичинг. Ичсангиз, совқотмайсиз.

Астойдил таклиф қилаётгани кўриниб туради ва Динг Гоуэр ортиқ таранг қилмади, стаканни олди-да, оз-оздан хўплай бошлади.

Эшик ва деразалар зич ёпиб қўйилганди, нинанинг кўзидай тирқиши йўқ: зичлаш борасида ҳаммаси жойида эди. Бадани қишишиб, манглайидан реза-реза тер думаларди.

– Фам чекманг: кўнглимиз тинч бўлса, жонимизнинг хузури шунда, – тақирбошнинг дўстона овози янгради.

Кулогида шангиллаш. «Болари, – хаёлидан кечди. – Бол. Болда қайнатилган гўдак болалар. Вазифа ғоят масъулиятли, панжа орасидан қарашиб мумкин эмас». Дераза ойнаси енгил дириллагандек бўлди. Ташқарида баҳайбат ускуналар оҳиста ва сассиз сузарди. «Ўзингни аквариумдаги балиқдай хис этасан. Бу ердаги техника ҳам қандайдир сарғишми-ей. Сариқ рангдан бошинг айланниб, сув ичгинг келаверади». У шу машиналар гумбур-гумбуруни эшитишга уринди, аммо беҳуда.

– Мен кон директори ва партия ташкилоти котибини кўрмокчиман, – кулогига ўзининг овози чалинди.

– Аввал иссангиз-чи, биродар, – тағин манзират қилди тақирбош.

Унинг меҳрибонлигидан кўнгли ийиб, Динг Гоуэр стакани кўттарди-да, бутунлай сипкорди.

У стаканинг қўйишга ҳам улгурмай, қўриқчи идишни яна тўлдириди.

– Бас, бошқа ичмайман, мени директор ва партия котиби олдига олиб бор.

– Хотиржам бўлинг, хўжайин, ичинг, стаканинг тўнка-ринг – кейин кетамиз. Йўқса, вазифамни бажармаётгандек бўлиб коламан. Яхши ишни такрор қилиш савобга киради. Яна битта олинг.

Катталиги муштумдек келадиган «стаканча»га қараб қўйиб, Динг Гоуэр таваккал қилгиси келмади, бироқ ишни деб нималар қилмайсан, у шартта мусалласни охиригача сипкорди.

Стаканинг қўйиган ҳам эдики, тақирбош уни яна тўлатди.

– Мени мажбурлайти, деб ўйламайсиз-да энди, хўжайин, бизнинг конда шунака тартиб бор: «Уч марта кўттармагунингча, жойингда ўтиrolмайсан!» – деди у.

– Кўттаролмасам, нима қиласай? – ёлворди Динг Гоуэр. – Бўлди, бир томчи ҳам кетмайди!



Стаканни иккала қўли билан ушлаб, тақирбош йиғламсираганча уни Гоуэрнинг оғзига олиб борди:

– Илтимос, хўжайин, ичиб юборинг, бўлмаса, жойимда ўтиrolмай қоламан.

Унинг оққўнгиллигидан Динг Гоуэр эриб кетди. Стаканни олиб, тагигача сипкорди.

– Бор экансиз-ку, э, баракалла! – жўшиб кетди тақирбош. – Яна икки-уч стакан кетадими?

– Йўқ, йўқ, кетмайди! – Динг Гоуэр стаканни қўли билан ёпди. – Мени тезроқ бошлиққа олиб бор!

Навбатчи қўлинин кўтарди ва соатига каради:

– Ҳали у билан кўришишга эртарок.

– Иш шошилинч, – жиддий деди Динг Гоуэр, гувоҳномасини силкитиб. – Шунинг учун ортиқ йўлимни тўсмасанг бўларди.

– Кетдик! – иккиланиб бош иргади посбон.

Динг Гоуэр охири кўринмас йўлак сари унинг ортидан эргашди. Қатор хоналар, исмлар ёзилган ёғоч лавҳали эшиклар.

– Партия ташкилоти бошлиғи билан директор бу ерда ишламайдими?

– Изимдан юринг. Сиз уч стакан мусалласимни ичдингиз, нима, мен сизни бекорга юргутишим керакми? Уларни ичмаганингиздайди, партия котибасига ҳавола қилган бўлардим, вассалом.

Чиқаверишдаги хира ойнада терговчи ўз башарасини кўрди-ю, беихтиёр титраб кетди: чаркоқдан ранги кўкариб, ўзини танимади. Чиқаётганида пружина ўрнатилган эшик гичирлаб келиб, орқасига урилди. Чайқалиб, сал бўлмаса ағдарилиб тушаёзди, бироқ баҳтига тақирбош қўлинин узатиб, уни ушлаб қолди. Кўз олувчи қўёш нурининг гўзаллигидан боши айланниб, кўз олди қоронғилашди, оёқлари пахтадай юмшаб, кулоқлари шанғиллади.

– Сал кайфим ошиб қолганга ўхшайманми? – мурожаат қилди у ҳамроҳига.

– Қанақа кайф, хўжайин?! – қўл силтади посбон. – Сиздай одамнинг кайфи ошармиди! Бизнинг бу ерларда ким бўкиб ичса, демак, у зиёли эмас, маданиятли одам эмас. «Қуёшли баҳорнинг опопқ қори» бўлганлар бўкиб ичишмайди. Сиз ана шунақалардансиз – демак, маст эмассиз.



Равон, тагигача чуқур ўйлаб айтилган бу сўзларга ишонмай бўларканми? Такирбош ортидан Динг Гоуэр думалоқ ёғочлар уйиб кўйилган ҳовлига чиқди. Ходалар йўғонлиги билан ҳам фарқ киларди – диаметри икки метрлиги ҳам, икки цунлиги¹ ҳам бор; тури ҳам ҳар хил: қайн дейсизми, қарағай дейсизми, эману қайрағоч дейсизми, баридан бор. Ҳатто одам тили келмайдиган номдагилари ҳам бор. Ботаникадан унинг билими ҳаминқадар: шуларни билгани ҳам катта гап. Ходаларнинг пўстлоғи ёрилиб, чирий бошлабди, улардан спирт хиди келарди; мастрларга ўхшаб, ходалар оралиғида бир неча қалдирғоч айланиб юрарди. Терговчи жуда катта эман олдида тўхтади, бироқ ходанинг юқори четигача етолмади. У мушти билан тўқ қизил дараҳт ҳалқасига аста уриб кўйди ва қўлида шира томчилари қолди.

- Даҳаҳт эмас, паҳлавон бу! – хўрсинди у.
- Бултур узумдан мусаллас тайёрлайдиган бир хусусий мусалласпаз унга уч минг юан бераман деганди, – терговчининг гапини илиб кетди тақирбош. – Лекин биз сотмадик.
- Унга нимага керак экан бу?
- Меш ясашга! Меши эмандан бўлмаган мусалласни мусаллас деб бўлмайди.
- Шартта сотиб юбориш керак эди, тамом. Ўзи уч мингга арзимайди ҳам.
- Биз якка хўжайинларнинг тегирмонига сув куймаймиз! – деди ғижиниб тақирбош. – Бизга деса чириб кетмайдими, аммо уларни кўлламаймиз.

Лошан конидаги жамоатчилик кайфиятидан Динг Гоуэрнинг дили тўлқинланиб кетди.

Ходалар ортида ҳолсиз чайқалганча икки ит худди фирт маstdай бир-бирининг орқасидан чопарди. Худди боя кираверишдагига ўхшаган баҳайбат кўппак. Зехн солиб қарасанг, унга ўхшамайди ҳам.

Шу тарика улар ходаларни бир-бир айланиб ўтиб, ўрмонни кесгани кетгандек, анча ичкарига бориб колишибди. Эманларнинг кенг ва қуюқ кўланкаси остида кўплаб чиройли замбуруғлар ўсиб ётарди, чириган япроқлар ва чўчкаёнғок

¹ Цунъ – узунлик ўлчови, 0,32 м. атрофида.



қатламлари қоплаган ердан авровчи спирт хиди димокқа уарди. Ола-була, баҳайбат дараҳт танасиға худди ёш болалардай, ғовлаб кетгән чүчқаёнғоқ новдалари тирмашиб олганди. Ҳаммаси пуштиранг, бурун ва күзлари аниқ акс этиб турибди, терисидаги күктомирлар ҳам бўртиқ-бўртиқ. Бунинг устига, нуқул хода бутчалари орасидан кўриниб турувчи болалар. Бошини силкиб, Динг Гоуэр хушини йиғди. Миясига давлат аҳамиятидаги ва ўлгудай чалкаш иш ҳақидаги вахимали, сирли таассуротлар ўрнашиб олганди. У керак бўлмаган жойда шунча вактни зое кетказгани учун ўзини сўқди, бироқ ўйлаб туриб, шундай тўхтамга келди: «Топшириқни йигирма соатдан сал кўпроқ вақт аввал беришди, бу боши берк кўчадан қандай қилиб чиқиши билволдим, минг айлантирганинг билан юқори самарадор кўрсаткич шу бўлмай, тағин нима бўлсин?» У такирбош ортидан юрагига тош босиб одимлай кетди. «Кўрайлик-чи, у юриб-юриб мени қаерга олиб бораркин?»

Улар яна бир чоққина қайнзорни айланиб ўтган ҳам эдики, олдинда бепоён кунгабоқар даласи пайдо бўлди: қуёшга қараган бошлар тукдор пояли кунгабоқарларнинг ям-яшил таналари узра заррин доғлардай кўринарди. Терговчи қайнининг ширин ҳидидан ютоқиб нафас олди ва куз манзарасини тўйиб томоша қилди. Қайнининг оппоқ қобиги ҳали қуримаган, силлиқ, ялтироқ ва нафис эди. Тана ҳали ўсишдан тўхтамаганди: ёриқдан янада ёшроқ пўст кўриниб турарди. Танага бинафшаранг-қизил тиллақўнғиз ўрнашиб олганди: катта, йўғон – шаппа тутиб олгинг келади.

– Ҳов анави ерда, кунгабоқарлар ортидаги томи қизил уйчаларни кўряпсизми, партия котиби билан директорни ўша ердан топасиз. – Посбоннинг овозида фавқулодда хурсандлик сезиларди.

Афтидан, уйлардаги хоналар ўнтадан кам эмасди. Қалин ўсган кунгабоқарлар узра қизил том якқол ажралиб турарди. Кунгабоқар поялари йўғон-йўғон, япроқлари кенг – суюқ ўғитни аяшмаган кўринади. Куёш нури остида у бошқача – тилларанг тусда товланади. Табиат манзараси ғоятда фусункор эди, бутун вужудни лаззат, хотиржамлик, теран ҳамда вазмин рух чулғаб олади. У ўзидан бу туйғуларни силкиб ҳайдаганда,



йүлбошловчи қорасини ўчириб бўлганди. Динг Гоуэр уни кидириб топишга уриниб кўрди, қайн дараҳтига иргиб чиқди – посбонни қутурған тўлқинлар орасидаги қайиқдай тасаввур қилди. Узокда, баланд террикон узра ҳамон тутун буруксир, аммо тонгдаги каби манзарадор эмасди. Кўмир кони устида, очик осмон остида одамлар кумурсқадай ғимирлар, пастда эса машина ва араваларнинг бутун бир галаси кўринарди. Одамларнинг овозлари ва жониворларнинг қичкириклари элас-элас қулоққа чалинарди. Терговчи қулоғимга бир нима бўлганга ўхшайди, деб ўйлади: у билан борлик олам ўртасида гўё шаффоф девор кўтариլгандек эди. Кон чоҳи ёнида шошмасдан, аммо аниқ тарзда ҳалиги сариқ техниканинг қўллари ёйилиб ётарди. Терговчининг боши айланди, букилиб, ходага чўнқайди. У ўзини шиддатли тўлқинлар орасида чарх ураётгандек ҳис қилди. Такирбош ростданам аллақаёққа ғойиб бўлганди. Динг Гоуэр қайниндан сирпаниб тушди-да, кунгабоқар даласи томон йўл олди.

Беихтиёр ўзининг феъл-атвори тўғрисида ўйлай бошлади. Олий раҳбарият хурмат қиласиган терговчи сувдан кўрккан лайчадек атрофга кўз солгани қайнин ходаси устига чиқиб оляпти. Ҳолбуки, унинг бу ҳаракатлари фавқулодда муҳим тергов ишининг бир кисми бўлиши муқаррар, борди-ю, далиллар исботини топса, бутун дунё ларзага келса, эҳтимол. Устига-устак, фотосуратлар пайдо бўлса-чи? Ҳалқ кулавериб ичаги узилиши турган гап. У барибир озгина кайфи борлигини ҳис этди. «Йўқ, бу тақирбошда бир гап бор. Тентак, гирт тентак». Шу заҳоти хаёлот қуши қанотларини кенг ёзиб парвоз қила кетди. «Ким билсин, балки у анави жиноятчилар – чақалоқчўрлардан биттасидир». Ходалар орасидан чиқиб келаркан, Динг Гоуэр қайтиш ўйлини чамалай бошлади: «Тузоқ тўла ўйлга чиқариб қўйшиди. Аммо менинг нималарга қодирлигимни билишимайди».

У папкасини қўлтиғига қисди. Унинг ичидаги қандайдир қаттиқ ва залворлигина нарса бордек эди: папкада хужжатлардан ташқари яна битта тўппонча ётарди. Қурол одамда жасорат ва ишонч пайдо қиласиди. Терговчи афсус ила қайнин, эман ва бошқа ходаларга – ўзининг ҳамкасларига сўнгги бор назар ташлади. Йўғон, нақшдор кесиклар нишонга ўхшарди.



Дарахт түнкаларига қараб қандай отишларини тасаввур қилди, оёклари эса кунгабоқар даласининг очиқ жойига олиб келганди.

Буни қарангки, шундоқ биқинда кон ишлаб турибди-да, шу ернинг ўзида овлоқкина қишлоқ, демак, одамзоднинг қўлидан ҳар нарса келаркан-да. Бошини кўтариб кунгабоқарларга бокқанча олға қараб кетди. Улар жилмайиб, гўё унга таъзим бажо келтирадилар, аммо зумрад-яшил ва оч сариқ юзларда мунофиқлик ва ғадорлик акс этарди. Кулокларида нафратомуз кулги жарангларди. Каттакон япроқлар шамолда шатиршутур қилиб силкинарди. Папкани қаттиқроқ кисиб, бошини баланд кўтариб, кўкрагини ғоз тутганча, кизил уйча томон одимлаб кетди. Терговчи уйчага қарапкан, кунгабоқарлардан кўркинч ҳис этди. Муздек, оқ тукли.

Эшикни итариб очиб, Динг Гоуэр уйга кирди. Мана, ниҳоят, шунча кечинмалару таассуротлардан кейин у кон директори ва партия кўмитаси котиби ҳузурида турибди. Ҳар иккала ишбоши ҳам эллик ёшлар атрофида. Бўғирсоқдай думдумалоқ, қон юргурган юzlари сояда қайнатилган тухумни эслатади, генералларга хос тарзда корин кўйган. Этниларида ихчам кулранг френч. Истарали, юzlарida мавқеларига мунносиб самимий табассум зохир. Уларнинг эгизаклар эканига шубҳа йўқ. Ҳар иккаласи терговчи билан қўл беришиб самимий сўрашди. Демак, қўл бериб кўришиш қоидасини ҳам тушунишади: бўш ҳам эмас, қуюқ ҳам, юмшоқ ҳам эмас, қаттиқ ҳам эмас. У аъзойи-бадани худди печкадан ҳозир суғуриб олинган бататдай¹ бозиллаб кетаётганини ҳис қилди. Шу чоқ папкасини тусириб юборди.

Ўқ овози янгради.

Папкадан кўкиш тутун буралиб чиқа бошлади, девор парчалари тўкилиб тушди. Кўркувдан яна бавосил хуруж қилди. Отилган ўқ йўналишини кузатаркан, «Шарқий денгиздаги Нечка жасоратлари» суратига қўзи тушди. Мусаввир оппоқкина ва дўмбоқкина болакай деб тасаввур қилган Нечжанинг нозик ерини ўқ юлиб ўтганди.

– Тўғри нишонга бориб тегди-я!

¹ *Батат* – ширин картошка.

– Қүшча бошини чиқарди-ю, асфаласоғилинга учдикетди.

Қаттық хижолат бўлиб Динг Гоуэр дарҳол папкани ердан олди, тўппончани чиқарди-да, сақлагич ичига жойлади.

– Ахир сақлагич ичига жойлаганим аниқ эди! – ғудранди у ҳар иккала бошлиқка мурожаат қилиб.

– Ўқиз милтиқ ҳам йилда бир марта отилади, дейдилар-ку.

– Ишқибоз мерғанларнинг отишма ўйинларини ҳар қадамда кўриш мумкин.

Директор ва партқўмита котиби унинг ёнини олиб гапиришларидан терговчи баттар хижолатдан ёнмоқда эди. Бу ерга келгандаги руҳланиш ва қаҳрамонликдан асар ҳам қолмаганди. У ҳатто «маъқул» дегандек бош ирғаб қўйди. Кейин шахсий гувоҳнома ва тавсияномани қидира бошлаганди, мезбонлар қўл силкишди.

– Хуш кўрдик, ўртоқ Динг Гоуэр!

– Конга хуш келибсиз, ишимиз бўйича фармойишлар кутяпмиз!

Менинг келганимни қаердан биласизлар, деб сўраш нокулай эди ва у хижолат ичидаги бурнини артди:

– Ўртоклар, мен ёш болаларни ейиш ҳақидаги ишни тергов қилиш учун ўртоқ Н. фармойиши билан сизларнинг шахтангизга келдим, иш ниҳоятда муҳим ва маҳфий.

Ўн сонияча мезбонлар бир-бирига қараб қолиши, кейин эса чапак чалиб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбориши:

– Бунга жиддий қарашибигизни сўрайман! – хўмрайди Динг Гоуэр. – Жин Ганжуан, Жюгую шаҳар кўмитаси тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлигининг ҳозирги муовини, бу иш бўйича биринчи гумондор, ахир у сизларнинг шахтангиздан-ку.

– Тўғри, – директорми, котибми, маъқуллади. – Бўлим бошлиғи Жин бир вактлар бизда бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб ишларди, ғоят қобилиятли ва тартибли эди, унақаси кам учрайди.

– Ана шу ўртоқ ҳакида гапириб беринг!

– Албатта-да, еб-иҷиб, бир йўла гаплашиб ҳам оламиз.

Динг Гоуэр рад этишга улгурмади: уни зиёфатлар залига етаклаб кетиши.

II

Ассалому алайкум, муҳтарам устоз Мо Ян!

Келинг, танишайлик: мен – Ли Идоуман.

Фан номзодиман. Жюгую Мусалласпазлик академиясида тақдикотлар билан шуғулланаман. Ли Идоу – менинг адабий таҳаллусим, ҳақиқий исмимни айтмаганим учун кечиринг. Бүгүн сиз адабий доираларда таниқли одамсиз (мен муболага құлмаяпман) ва менга таҳаллус нега кераклигини сиздан бошқа ким ҳам биларди. Жисмим Жюгугоники бўлса, жоним адабиётники, унинг баҳри муҳитдай бепоён кенгликларида кетаётирман. Шу боисдан ҳам менинг илмий раҳбарим, шунингдек, хотинимнинг отаси, қайнонамнинг эри, қайнотам – «Тиёнион тоги» – агар кенг маънода айтса, агар шунчаки айтадиган бўлсан, «қайнота», вассалом – профессор Юан Шуанъюй кўпинча менга «Сен ўз ишинг билан шуғулланмаяпсан», деб таъна қиласди, ҳатто қизим билан ажрасасан, деб пўтиса қиласди. Аммо мен қўрқмаяпман, адабиёт учун ўзимни жаҳаннамга ташлашга-да тайёрман, олов денгизидан ошиб ўтаман, унинг учун ўл десалар, ўламан, қол десалар, қоламан, халатим ҳаддан ташқари тор келиб қолганига ҳам ачинмайман.

Мен унга ҳар доим жавоб бераман: «Ўз ишингни қилмаяпсан, деганингиз нимаси? Толстой ҳарбий эди, Горький новвойхонада шилаган ва идиши-товоқ ювган, Го Можко шифокорликка ўқиган, Ван Мэн Янги демократик ёшлар уюшимаси Пекин бўлими котибининг ўринбосари бўлган. Адабий ижод билан шуғулланиш учун уларнинг барчалари касбларидан воз кечмаганимилар? Қайнотам менга тушунтириши учун жонини жабборга берарди, мен эса Жуан Цзидан ибрат олиб, унга нафратомуз кўзимнинг қири билан қарадим. Фақат мен буни унчалик қойиллатолмайман, нигоҳимдаги газабни бутунлай яширолмайман. Аммо Лу Син буни қойиллатолмасди, тўгрими? Сиз ҳаммасини биласиз, мен Сизнинг бошингизни қотиряпман, холос. Бу «Ҳикматлар»ни Конфуций эшиги олдида ёд олиш, қиличбозлик санъатини Гуан Юй қарисисида намойиш этиши ёки Жин Ганжусан олдида мусалласни қандай ичиши ҳақида сафсата сотиш билан баравар. Бироқ таомилдагидек, ўзимизнинг ҳикоямизга қайтайлик.



Мұхтарам устоз Мо Ян, мен Сизнинг барча буюк асарларингиз билан жиуддий танишиб чиқдим. Қошингизда етти букилиб таъзим қиласман, илоҳий лаззат олдим, рұхим бу оламни тарқ этиб, нирванага¹ тушиб қолди. Бу Го Можонинг қандайдир «Қақнус нирванаси», Горькийнинг «Менинг университетларим»ини эслатади. Ҳаммасидан ҳам Сизнинг мусалласдан ҳеч қачон маст бўлмайдиган илоҳдек кайфиятингиз мени кўпроқ ҳайратга солади. Мен Сизнинг ҳар бир эссенгизни ўқидим, унда Сиз «Мусаллас бу – адабиёт», «Мусалласлар турини билмайдиган одам адабиёт ҳақида оғиз очолмайди», деб ёзасиз. Бу сўзлардан кўзим мошдай очилди, гўё кўз олдимни тўсуб турган парда йўқ бўлди. «Юрагингни оч ва «маотай»² белаги билан сугор».

Сайёрамизда мусалласнинг қандайлигини биладиган одам кўп деганда юзтacha чиқар. Сизни истисно қилганда, албатта. Мусалласнинг тарихидан унинг тайёрланиши, таснифи, кимёвий таркиби ва табиий хоссасигача – буларнинг барини беш қўлдай биламан, шунинг учун ҳам адабиёт шайдосиман. Ўзимни адабий асарлар ёзоламан, деб биламан. Сизнинг мулоҳазаларингиз мен учун худди бир коса мусаллас. Ҳатояяма ҳибсга олишидан олдин, Ли Юйхэ³ онаси – Ли холага берган мусалласга ўхшаб, кишига шионч бағишилайди. Энди устоз Мо Ян, Сизга бу мактубни нега ёзаётганимни тушунгган бўлсангиз керак? Шогирдингиз етти букилиб таъзим бажо келтиради.

Яқинда Сизнинг асарларингиз асосида ишланган «Қизил гаолян⁴» фильмини кўрдим, уни ишилашда Сиз ўзингиз ҳам шитирок этган экансиз. Томошадан кейин шунақанги ҳаяжонландимки, деярли туни билан мижжса қоқмадим, мусалласни косалаб ичдим. Устоз, Сиздан шунчалик миннатдорманки, Сиз – Жюгуомизнинг фахрисиз! Шаҳар қўмитасининг барча раҳбарларига мактуб ёзишини ва улар Сизни шимолишарқий чуқурликдаги Гаомингиздан чиқариб олишларини та-

¹ Нирвана – буддизм дини таълимотига кўра: бу дунё ташвишларидан кечиб, ўзини роҳат-фароғатда сезиш.

² Маотай – энг машхур хитой шароби.

³ Ли Юйхэ – «Қизил фонарь» операсининг бош қаҳрамони.

⁴ Гаолян – Хитой жўхориси.



лаб қилишини күнглимга тугиб қўйдим – Сиз биз билан бирга бўлишингиз керак. Мен барча янгиликлардан Сизни хабардор қилиб тураман, устоз.

Муҳтарам устоз Мо Ян, мен шу қадар ношуд ва нобакорманки, Сизга ёзаётган мактубимда нималар дейшини ҳам билмайман. Бир ҳикоямни илова қуляпман, танқидий фикрлар айтиб, жўяли маслаҳатлар бершишингизни сўрайман. Мен буни «Қизил гаолян»ни кўргач, тунда уйқум келмай битдим. Ичib олиб ёзгандим, қаламим қоғоз устида шамолдай шиддат билан ҳаракатланди. Илтимос, устоз, ўқиб чиқсангиз, маъқул дессангиз, эълон қилишига лойиқ деб топсангиз, унда Сиздан бу борада ёрдам бершишингизни умид қилиб қоламан.

Битмас-туғанмас ижодий илҳом соҳиби бўлмиши устозга чексиз ҳурмат ва беғубор истаклар билан шогирдингиз Ли Идоу

P.S.: *Борди-ю, Сизда мусаллас тақчил бўлса, билиб қўйишингизни истардим: шогирдингиз ўша заҳоти муҳайё қилгай.*

III

Муҳтарам мусалласиунослик номзоди!

Хатингизни ва «Мусаллас руҳи» асарингизни олдим, ташвишланишга ҳожжат йўқ.

Мен ўзим тузук-кўруқ маълумот олганим йўқ, шу боис университетларда таҳсил олганларни қаттиқ ҳурмат қиласман, фан номзодлари ва Сиздек тадқиқотчилар ҳақида-ку, гапир-масаям бўлади.

Бизнинг кунларда адабиёт билан шуғулланиб, киши доно бўлиши амримаҳол. Касбимиз вакиллари бундан ортиқ ҳеч нима қилолмасликларини ўйлаб, «уф» тортадилар-да, олдинги шини қилишидан бошқага ярамайдилар. Ли Ци деган бир одам «Мени ит дея кўрманглар» номи остида бир нима ёзган ва унда турли қаланги-қасангилар, безорилар ҳаётини тасвирлаган. Ана шунаقا, одамларни ўйлдан уриш ва лақиллатиш, ўғрилик қилиши ва бошқа ишлар билан шуғулланиш қўлларидан келмагач, улар ўйлаб қолишади: «Ҳм, биз ҳам ёзувчилик қилсан қалай бўларкин?» Ҳеч нарсага шама қилаётганим йўқ, аммо Сиз ҳам бу китобни топиб, ўқиб чиқсангиз, ёмон бўлмасди.



Сиз фан номзодисиз, мусалласиунослик соҳасида тадқиқотлар билан шүгүлланасиз ва менинг Сизга қаттиқ ҳавасим келади. Ўйлашимча, Сизнинг ўрнингизда бўлганимда бу касбни ҳеч қачон алмисоқдан қолган адабиётга алмашмаган бўлардим. Наҳотки, Хитойда, ҳар атрофни мусаллас ҳиди тутган заминда мусалласиунослик бўйича тадқиқотдан кўра истиқболлироқ, келажаги порлоқроқ амалий машгулот бор бўлса?! Илгари шундай дейишарди: «Китобларда олтин кошоналар сотиб оласан, китоблар сенга хирмон-хирмон дон беради, китобларда ой чеҳрали, чарос кўзли паризодларни кўрасан».

Аммо ўтган асрларнинг оқсоч мозийи энди сондан чиқсан. «Китоб» сўзини энди «мусаллас» сўзига алмашириши керак. Лоақал Жин Ганжсуан бўлим бошлигининг муовинини олиб қаранг: бир денгиз мусалласни ишиб юборши шарофати билан юлдузга айланаб, Жюгую аҳолиси уни бошига кўтармаятими? Инсоф билан айтинг-чи, қайси ёзувчи сизларнинг Жин – бўлим бошлигининг муовини билан тенг келади? Шу боис, оғайни, Сизнинг қайнотангиз гапига қулоқ солишингизни, мусаллас ҳақидаги фан билан жонингизни бериб, жиддий шугулланишингизни, ҳақ ўйлдан тойилмаслигингизни ва навқиронлик дамларингизни хазон қилмаслигингизни сўрайман.

Сиз эссеини ўқиганингиздан кейин адабиётчи бўлишига қарор қилганингизни ёзибсиз. Узр, олдингизда қаттиқ гуноҳкорман. Қанақасига «мусаллас бу – адабиёт» бўларкан, қанақасига «мусалласлар навини билмаган одам адабиёт ҳақида оғиз очмасин» экан?! Хумор чогида оғзимдан чиқиб кетган бўлса бордир ва бунга ишониши керак эмас. Акс ҳолда мендек нобакорнинг ростданам ёргу оламда яшишига ҳаққим йўқ эди.

Асарингизни диққат билан ўқиб чиқдим. Назарий тайёргарлигим ноҷортигини тан оламан, гўзал нарсани ҳам тузукроқ ажратолмайман, шу боис бирвларнинг ишига тумшуқ сукмоқчимасман. Сизнинг асарингизни «Фуқаро адабиёти» таҳририятига юбордим. У ерда бугунги Хитойдаги энг етук адабий муҳаррирлар тўпланган ва борди-ю, Сиз «минг чақиримни бир сакраб ўтоладиган чавандоз» бўлсангиз, ўйлайманки, Сизга ўз Бо Лэйнгиз¹ топилади.

¹ Бо Лэ – қадимги Хитойда истеъодд мавбуди.



Бу ерда мусаллас унча тақчил эмас, мени ўйлаб айтган гапларингиз учун миннатдорман.

Соғлик ва омонлик тилайман!

Mo Ян

IV

«Мусаллас руҳи»

– Қадрли дўстлар, қадрли талабалар, Мусалласпазлик академиясида маъруза ўқишига таклиф этилганимни билгач, бу бекиёс шараф, февраль изғирини ўртасидаги баҳор шабадаси каби менинг қип-қизил ўт пуфагимни, кўқтомирли ичагим ва мовий ўпкамни, шунингдек, барча ишлар залворини итоаткорона зиммасига олган жигаримни чулғаб олди. Асосан уларнинг алоҳида қобилияtlари туфайли мен қарагай ва сарвдан ишланган, ранг-баранг садафлар билан безатилган мана бу илохий минбар ортида туриб, сизларга маъруза ўқиш имкониятига эга бўлиб турибман. Ўзингиз билганингиздек, танага келиб тушадиган алкоголнинг кўп қисми жигардан ўтаётib парчаланади...

Салобатли сукунат қаърида Мусалласпазлик академияси катта умумий аудиториясининг баланд минбари ортида туриб Жин Ганжуан ўз бурчини адо этмоқда. Биринчи маърузасида у кўламдор ва чукур маънога эга мавзу – «Мусаллас ва жамият» мавзусини очиб беради – ҳеч қандай аниқ маълумотларга таянмай, гўёки юқори лавозимдаги, таникли раҳбарларга хос тарзда. Ҳаммага юқоридан қараб, оғзига келганини гапирар, ўтмишу келажак ҳақида сафсата сотарди. Маъруза ўқишига таклиф этилган номдор мутахассис сифатида у маъруза мазмунини мутлақо рамкалар билан чегараламайди. У қанотли Пегас¹ каби шиддат ила тутқич бермай фалакларда парвоз қилолади, аммо вақти-вақти билан ерга қайтишига мажбур. Миясига келган ҳамма нарсани гапирса-да, хар бир жумласи бевосита ва билвосита мавзуга дахлдор.

¹ Юнон мифологиясида: афсонавий қаҳрамон Персейнинг қанотли тулпори.



Академиянинг барча – тўққиз юз нафар талабаси, шунингдек, профессор-ўқитувчи, асистентлари ва каллалари шишган институт раҳбарлари эс-хушидан айрилгандек унга бошдан-оёқ қараб турардилар – улкан ёритқич олдида митти юлдузчалар тургандек эди гўё. Бу ажойиб, куёшли баҳор тонгида минбар ортида турган Жин Ганжуандан тараалаётган шуъла олмос парма каби тешиб ўтмоқда, бундан кўзлар оғриб кетмоқда эди. Ана, тингловчилар орасида профессор Юан Шуанъюй ҳам бор. У олтмишни қоралаган. Ашаддий кайсарлик ила бошини баланд кўтариб олибди, оқ соchlари хилпиради, ўзини кўркам тутарди. Сочининг ҳар бир толаси кумушдай товланар, юзлари қип-қизил, улуғвор қад-қоматли – у дао билимдонига ўхшарди ва дао билимининг буюк алломаси каби ёргу дунё лаззатларидан воз кечган, «пучбулуту» «ёввойи турна»га ўхшарди.

Унинг кумушранг сочи бошқа бошлар орасида аниқ-тиник ажralиб турарди – худди кўй подасига кириб қолган түядай. Менинг илмий раҳбарим бўлмиш бу муҳтарам қариянинг ўзи билангина эмас, хотини билан ҳам таниш эдим. Кейинчалик мен унинг қизига ошиқ бўлиб қолдим, сўнг унга уйландим, шу тариқа у ва хотини, табиийки, менга қайнота ва қайнона бўлишди. Шу куни мен ҳам аудиторияда эдим: зеро мен фан номзоди, Мусалласпазлик академиясида тадқиқотлар ўтказман, қайнотам эса менинг илмий раҳбарим. Мусалласнинг рухи ва моҳияти – менинг ҳам рухим, менинг ҳам моҳиятимдир, бу ушбу мақоланинг мавзуси ҳамдир. Адабиёт билан бўш вақтларимда шуғулланаман, чинакам адабиётчи мажбуриятларини зиммамга олмаганман ва қаламимга тўла эркинлик бериб қўйганман, ёзётганимда ичишим ҳам мумкин. Зўр мусаллас! Ҳа, мусалласмисан-мусаллас-да! Мусалласжон, мусаллас, олтин қўллар ясар, бас! Бизнинг мусалласдан ичмабсиз, бу дунёга келмабсиз! Ичинг бизнинг мусалласдан, доно бўлгайсиз бирпасда! Мусалласли қадаҳни локли¹ баркаш устига кўяман ва атайлаб қилгандек, кўз олдимда катта аудитория суза бошлади. Лабораторияда эса шаффоғшишалар ичидагиз мусаллас ҳар хил рангда товланиб

¹ Лок – асосан Хитой ва Японияда ўсадиган, пўстлоғидан лок тайёрла-надиган дарахт.



қүйила бошлайди. Кундуз чироқлари гувиллади, мусаллас қонга оқиб киради, фикрлар вақт оқимига қарши оқади. Жин Ганжуаннинг энсиз, ғоят ҳаракатчан юзи қандайдир жозибали кўринади. У – Жюгунинг шараф-шони ва фахри, ўкув юртимиз талабаларининг хушкомати. Ҳомиладорлар туғилажак фарзандлари Жин Ганжуан каби бўлишини истайдилар. Келинлар қайликларининг унга ўхшаган бўлишларини орзу қиласидилар. Мусаллассиз зиёфат зиёфат эмас, Жин Ганжуансиз Жюгую Жюгую эмас. У катта қадаҳни охиригача сипқоради, ипакдай майин, нам лабларини шойи рўмолча билан одоб-ла артади. Тиқинлаштириш факультетининг биринчи гўзали Ван Госян дунёдаги энг чиройли гулдор юбкада, ўрганиб қолган ҳаракатлари билан қадаҳни яна тўлдиради ва таклиф этилган профессорларнинг миннатдорона нигоҳи остида помидордай қизарип кетади – айтиш мумкинки, унинг қизил лунжида баҳтнинг булат парчаси пайдо бўлади. Ишончим комилки, залдаги қизларнинг кўпчилиги рашк ўтида ёнарди, кўплар унга ҳасад қиласиди, айримлари ғазабдан ҳатто тишини ғичирлатарди. Жин Ганжуаннинг овози жарангдор эди, сўзлар ўзи оқиб келаверарди, томогини қиришига ҳам хожат қолмасди. Йўталиб олиш одати етук шахснинг арзимас камчилиги бўлиб, унинг тўқислигига асло путур етказмасди.

– Қадрли дўстлар, қадрли талабалар, – деди у. – Истеъдод олдида кўр-кўрона таъзим қилиш керак эмас. Истеъдод – бу машаққатли меҳнат ва фидойиликдир. Албатта, барча моддиончилар ҳам айрим одамларда бъязи аъзолар бошқаларидан кўра кўпроқ ривожланишини инкор этмайдилар. Бироқ бу ҳали ҳеч нарсани билдирмайди. Фараз қилайлик, менда туғилганимданоқ алкоголни парчалаш имконияти анча баланд, башарти, бу истеъдодимни тинимсиз машқлар билан ривожлантирганимда, маст бўлмасдан туриб кўп ичиш маҳорати, санъатида бу қадар ажойиб даражага эришмасдим.

У камтар, ўзи ҳақиқий истеъдодли одамлар камтар бўлади, ўз истеъодиди билан мактанаидиганлар эса бу даражага етмайдилар. Сен хитой мусалласидан яна бир қадаҳни чиройли қилиб кўтарасан. Соқий хонимча эса ноз билан уни тўлдиради. Хоргин қўлим билан ўзимга қуяман. Ҳозир бўлганлар худди

бир-бирини танигандай айёrona кулиб қўядилар. «Шоир Ли Боникида бир коса мусаллас юзта аъло шеърга тенг».

Ли Бо мен билан teng бўларканми, у пул олгани ҳамёнига қўл сукди. Менга бунинг зарурияти йўқ, хоҳласам, лабораториядаги мусалласдан ичавераман. Ли Бо – адабиёт арбоби, мен эса – ҳаваскор ва бўш вақтимдагина адабиёт билан шуғулланаман. Яхши билганларим ҳақида ёзишга мени Ёзувчиликар уюшмасидаги бўлимимиз раисининг муовини кўндириди – тез-тез унга лаборатория мусалласидан обориб турман. У мени лақиплатмайди. Хўш, у маъruzасида нималарни келишиб олди? Келинглар, биз, Академиянинг барча тўққиз юз нафар талабаси, бунақа митти хўтиқчаларнинг қулоғини динг килиб, бир ёқадан бош чиқарайлик.

Митти хўтиқчалар. Мехмонимиз профессор, бўлим бошлиғи муовини Жин Ганжуан юз ифодаси ва ўзини тутиши билан улардан унча фарқ килмасди. Минбар ортида туриб бошини айлантириб, думини силкитганда, ҳаддан ташқари ювощүриниб кетарди.

– Менинг мусаллас билан муносабатларим тарихини кузатиш учун қирқ йил ортга қайтиш керак, – давом этди у. – Қирқ йил олдин, чор атроф давлатимиз ташкил этилганини нишонлаётган бир пайтда мен энди онам қучоғида ўсиб келаётгандим. Бундан олдин маълум бўлишича, отам билан онам худди бошқалардай телбаларча суюнишган. Қувончли воқеаларнинг бу силсиласи вазиятга телбаларча муккасидан кетиш билан боғлиқ, ҳамма нарса кўкларга кўтарилиган, чунки мен телбаларча қувонч маҳсулиман, унинг қўшимча маҳсулотиман. Касбдошлар, барчамиз мусаллас билан нечоғли телбаларча севинч боғлиқ эканини биламиз. Зоро карнавал мусаллас Худоси байрами муносабати билан экани муҳим эмас, мусаллас Худоси байрамида Нитше туғилганлигининг тўғрилиги ҳам муҳим эмас. Мухими шундаки, ота-онам муҳаббати маҳсули бўлганим ва мана шу нарса мени мусаллас билан қисматим боғлиқлигини олдиндан белгилаб берган.

Ёзув битилган қоғозни очди, ўқиб бўлиб, мулойимлик билан:

– Мен партиянинг сиёсий ва мафкуравий ходимиман. Наҳотки, мен идеализмни тарғиб этолсан? Мен – сочимдан

товоримгача моддиюнчиман. «Модда бирламчи, онг иккиламчи» – бу сўзлар, мен ҳар доим баланд кўтарган ва бундан кейин ҳам кўтарадиган жанговар байроққа зар иплар билан тикилган. Инсон шаҳват устида ўзининг фоний жисмини тарқ этиб, ҳамма жойда айланиб юрувчи пок рух бўла олармиди? Майли, қадрли қасбдошлар, вақт бу – қимматбаҳо нарса, вақт – пул, вақт бу – ҳаётнинг ўзи ва бизнинг бундай бачкана нарсаларга ўралашиб юришимизга ҳожат йўқ, чунки бугун тушда базм, у ерда мен сармоядорлар ва биродарларга хизмат қилишим керак. Улар Маймун мусалласининг биринчи фестивалини қўллаб-кувватлайдилар, шу жумладан, келиб чиқиши хитой бўлган америкаликлар бор, Гонконг ва Макаодан қардошларимиз келишган, беодоблик билан уларни заррача хафа қилиб қўймаслигимиз керак, – деди.

Мен орқа каторда ўтирадим, Жин Ганжуан Маймун мусалласи ҳақида сўз қотганида, қайнотамнинг бўйин томирлари тортишганини ва қип-қизаридек кетганини кўрдим. Яrim умри давомида бу афсонавий, мўъжизакор мусаллас қарияга тинчлик бермай келарди. Маймун мусалласининг ишлаб чиқарила бошлиши, бу афсонавий ичимлик воқеликка айланishi, уни идишларга қўйиш мумкин бўлишдек қувончли воқеа Жюгунонинг икки миллионлик аҳолиси тушларигача кириб чиқарди. Бунинг учун маҳсус гуруҳ ташкил этилган, шаҳар ҳокимияти катта маблағ ажратган, қария шу гурухга бошлилик қиласи, шундай бўлгач, ундан бошқа ким ҳам жон куйдирсин? Юзи кўринмаётганди, аммо унинг ял-ял ёнаётганини кўз олдимга келтироламан.

– Қадрли талабалар, бир вақтлар фашистлар бошлиги Гитлер ёш немисларни «този итдек чакқон, теридек майин ва пўлатдек қаттиқ» кўришни орзу қилганди. Аммо йўқ, биргина, ҳатто энг яхши ўҳшатишни икки марта такрорлаш мумкин эмас, боз устига, уни ўйлаб топган одамдан ер юзидаги инсон зоти борки, ҳаммаси нафратланса. Аъло сифатли чет эл молидан кўра узоққа яроқсиз ва дағалроқ миллий маҳсулотни ишлатган маъқул. Бу масала жиддий, бунда заррача эҳтиёtsизлик қилиш мумкин эмас. «Барча даражадаги раҳбар ходимлар хушёр бўлишлари ва ҳеч қачон бепарволикка йўл қўймасликлари керак».

Ха, «Ҳар қанака, энг рамзли ўхшатиш ҳам оқсайди» – бу Лениннинг сўзлари; «Ўхшатишсиз адабиёт бўлмайди» – Толстой шундай деганди. Биз мусалласни жононга қиёс қиласиз, бошқалар жононни мусалласга ўхшатишади. Бу шуни англатадики, мусаллас билан жонон ўртасида хақиқатан ҳам кандайдир умумийлик бор, умумийликдаги ўзига хослик мусаллас ва жонон ўртасидаги тафовутни белгилайди. Бироқ мусалласда жононнинг назокатини ҳақиқатан ҳам илғай оладиган одамлар жуда оз, бу шу қадар ноёбки, хоҳланг – анқонинг уруғи денг, хоҳланг – қакнуснинг пати.

Унинг нутқи ўша куни ҳаммани ларзага солди. Билимлари учча чуқур бўлмаган биз талабалару чаласавод аспирантлар улар ичган мусалласчалик ҳатто сув ҳам ичолмаган бўлардик.

– Ҳақиқий билим амалиётдан олинади, қадрли талабалар. Мерганинг маҳорати отилган ўқларнинг микдори билан ортади, ичкилик маҳорати – ичилган мусалласдан. Муваффақиятга олиб борадиган қисқа йўл йўқ ва фақат хатарларни писанд қилмаган ботирларгина нотекис тоғ сўқмоғидан юришда давом этаверадилар, баланд чўқкиларга етиб борганларидан лаззат оладилар!

Биз ҳақиқат ёғусига кўмилдик ва аудитория гулдурос карсақлардан ларзага келди.

– Ҳамкаслар, болалигим қийинчиликларда ўтди. – Барча буюк инсонлар азоб-уқубатлар баҳри муҳитидан ошиб ўтганлар ва у ҳам истисно эмас. – Мен мусаллас ичгим келарди, аммо мусаллас йўқ эди.

У ўшандаги оғир шароитларда мусаллас ўрнига ичини тоблантириш учун техник спирт ичганини ҳикоя қилиб берди ва менда бу фавқулодда тажрибани соф адабий тилда тасвирлаш истаги пайдо бўлди. Мусалласни бир ҳўплаб, қадаҳни лок баркашга шарақлатиб кўяман. Тун чўқади, Жин Ганжуан каердадир йўлнинг ярмида бўлим бошлиғи муовини билан колиб кетганди. Эгнида йиртиқ ёмғирпўш, менга «Кетдик», дегандай кўл силкитди-да, қадрдон жойларидан олиб кетди.

Совуқ қиши туни. Ой тўлиб қолай деган ва осмонни тўлдириб сочилган юлдузлар Жин Ганжуаннинг қишлоғидаги уй ва кўчаларни ёритарди, толларнинг шоҳ ва барглари, олхўри гуллари қуриб битган. Яқинда кучли қор ёққанди,

шундан кейин икки марта қүёш күринди, унинг нурлари қорни эритиб юборди, уйларнинг похол бўғотларида билур сумалаклар осилиб турарди. Юлдузларнинг ёркин шуъласи сумалакларда элас-элас акс этар, том ва дараҳтлардаги қорлар жимир-жимир киларди. Бошлиқ муовини Жиннинг тасвирлаб беришича, бу қишки тун, афтидан, шамолсиз эди, чунки қаттиқ совуқ забтидан дарёдаги муз ёрила бошлаган, кеч тунда музларнинг қарсиллаб ёрилиши янада яққолроқ қулоққа чалинарди. Аста-секин чор атрофга сукунат чўқади. Олисадаги чекка шаҳарча бўлган Жюгум қаттиқ уйкуда. Қачонлардир бошлиқ муовини Жиннинг «Фольксваген-сантана»сида ушбу муборак жойлар билан танишиш, ҳар бир тепалик, ҳар бир жилга, ҳар бир майса, ҳар бир дараҳт шундай илик туйғу, шундай ҳузур уйғотадиган жойдаги муқаддас ём биларни кўриш имкони насиб этар. Буни қаранг-а, мухтоҗлик хукм сурган бу абгор қишлоқчадан аста-секин Жюгумни нурга чулғаганча мусаллас машъали кўтарила бошлаганди. Унинг ўткир ёғдуси кўзни қамаштиради, улар қайноқ ёшларга тўлади, юракни файриоддий хаяжон қамрайди: эски синик бешик ҳам бешик, уни ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайди. Бугунги аҳволга қараб гапирадиган бўлсак, бошлиқ муовини Жин олдидаги истиқбол ниҳоятда порлок. Биз у билан сайр қилган вақтларимиз, энди эса у олий мартабали раҳбар, унинг жонажон қишлоғи Жуаншижун – олмос қишлоқнинг чанг ва ифлос кўчаларидан юриб борганимиз, у ердаги жилга қирғогида сувнинг шилдирашларига қулоқ тутганимиз, ҳайқирган дараҳтлар остидаги дарё тўғони бўйлаб шошмай одимлаб кетаётганимиз, оғилхоналар ва отхоналар ёнидан ўтиб кетаётганимиз... Унинг қалбини болалик йилларидағи ғам-алам ва қувончларга тўлдириб турган шу паллада кўнглидан яна нелар кечётганийкин – севги ва орзуларми? Унинг одим ташлаши қандай? Юзидағи ифода-чи? Аввал қайси оёғини ташлайди – ўнгиними ё чапиними? Ўнг оёғини ташлаган вақтда чап кўли қандай ҳаракатланади? Оғзидан ниманинг ҳиди келади, қон босими қанақа? Юраги-чи, тез урадими, секинми? Жилмайганда тишлари кўринадими? Йиғлаганида бурни устида тиришлар пайдо бўладими? Яна кўп нарсаларни тасвирлаш ниятим бор эди, қани энди уларга сўз топилса. Қадаҳ кўтаришдан



бошқа иложим йўқ. Қор қоплаган ва музлаган дараҳт шохла-ри қирс-қирс қиласы, муз қатлами уч жи¹ келадиган қуриган қамишлар тиккайиб турибди. Тунги уйкуга кетган ёввойи ва хонаки ғозлар нимадандир уйғониб кетди-да, баланд овозда «ғақ-ғақ» қила бошлади. Совук ҳавода таралған бу овоз Ет-тинчи Амаки уйи томидан шарқий қанотта ҳам етиб борди. Жин Ганжуаннинг сўзларига қараганда, у ҳар куни шомда шу уйга келар ва кеч тунгача қолиб кетаркан. Уй ичи ним қоронги эди, шарқий девор ёнидаги уч ғаладонли эски стол устида ке-росин чироқ ёнарди. Еттинчи Хола билан Еттинчи Амаки кан-да² ўтиришарди.

Каннинг ёнгинасидан печкачи бола, дароз Лю, Фан Тўқ-кизинчи ва омборчи Жан жойлашган. Мен каби уларнинг бари ҳар куни узоқ қиши оқшомларида вакт ўтказиш учун келардилар ва уларни на шамол, на қор тўхтатоларди. Улар кундузи нима иш қилганларини сўзлаб берардилар, атрофдаги қишлоқлар янгиликларидан сўзлардилар, шу қадар жонли ва мароқли хикоя қилардиларки, кўз олдингизда қишлоқ расм-руслумлари яққол гавдаланаарди. Мана, адабиётчи дегани қаерларга бор-син! Изгирин ёввойи мушукдай эшик тиркишларидан мўралар ва оёқдан тишлаб оларди. У вактларда Жин Ганжуан бор-йўғи камбағалгина оиланинг боласи эди, бир жуфт пайпоқ олишга ҳам пули етмасди, қоп-қора қақроқ оёкларини қўғалардан тўқилган тор шиппакка тикиб юришга мажбур бўларди, чунки тагчарми ва бармоқлари орасидан муздек тер чиқарди. Зим-зии хонада керосин чироги янада ёрқинроқ кўринарди, деразалардаги оқ қофоз ялт-юлт қилас, ундаги тешиклардан муз-дек ҳаво кирап, чироқдан кўтарилиган дуд шаклини неча бор ўзгартирганча шифтга етиб борарди.

Бурчакдаги ўринида Еттинчи Хола билан Еттинчи Амакининг иккита боласи ухларди; қизалоқ бир текис, бола эса гоҳ баланд, гоҳ паст овозда хуррак отарди, яна гўё тушида бегона болалар билан уришгандек бир нималар деб алаҳсиарди. Олий маълумотли Еттинчи Холанинг дунёқарashi фоят тиник, бироқ сурункали асаб ҳиқиҷогидан азият чекарди, ҳиқиҷоги анча баланд чиқарди. Еттинчи Амаки доим мудраб ўтиради;

¹ Жи – узунлик ўлчови, 0,3 м. чамаси.

² Кан – анъянавий Хитой уйидаги печкали жой.



юзи худди няньгаога ўхшаб, на шакли ва на ифодаси билан бирон қолипга тушмасди.

У хира кўзларини чироқ алансига тикканча, ҳеч нима билан иши бўлмай тек ўтиргани-ўтирган эди. Аслида у ажабтовор одам бўлиб, бир вақтлар ғалати режа ишлаб чиққанди, шунинг шарофати билан Еттинчи Холага уйланиб олганди. У маълумотли аёл бўлиб, эридан ўн ёш кичик эди. Бу воқеа узоқ ва чигал бўлиб, икки оғиз қилиб айтиб бўлмайди. Ҳаваскор мол дўхтири Еттинчи Амаки чўчқанинг қулоғидаги кўктомирга эмлай олар, пенициллин ва глюкоза юборар, шунингдек, чўчқа, ит ва эшакларни бичишда ҳам қўли енгил эди. Қишлоқдаги барча эркаклар каби ичкилик жинниси эмасди. Ичишга нарсаси ҳам йўқ эди. Мусаллас олиш мумкин бўлган ҳамма нарсанинг таги қуриган, бирдан-бир энг муҳим масала егулик топиш эди.

– Узоқ қиши кечаларида очликдан қорнимиз қулдур-кулдур қиласди, – хикоясини давом эттириди Жин Ганжуан, – ўшанда ҳозиргидек бўлишимга ҳеч ким ишонмасди. Бу ҳам Худонинг марҳамати экан-да, ҳидни аниқ ажратардим, айниқса, алкоголга келганда, бунинг устига, ҳавоси бузилмаган қишлоқда. Совуқ оқшомларда энг турфа хидлар аниқ таралади, агар бир неча юз метрдаги уйда мусаллас ичишаётган бўлса, мен буни тезда билиб олардим.

Кеч тун эди, бир вақт шимоли-шарқий томондан мусаллас хиди димоғимга келиб урилди. Афтидан, восвосли хид келаётган жой анча яқиндек, лекин у билан орамизда уйнинг деворлари бор эди, холбуки, хид уй томларидаги кор қатламидан ўтиши, муз ва қордан совут кийиб олган дараҳтлар оша келиши, йўл-йўлакай товуқлар, ғозлар ва итларнинг кайфини ошириши керак эди. Итларнинг хуриши мусаллас шишиасидек қандайдир силликллашиб қолган, атрофдаги ҳамма нарса сархушлик ила нафас оларди. Бу хиддан осмондаги событи сайёralар баҳтдан милт-милт қилас, худди арғамидаги шумтакадек у ёқдан-бу ёққа чайқала бошларди; ундан дарёдаги баликлар сулайиб қолди: улар юмшоқ дарё йўсинлари устида ётиб, пуфакчалар чиқаарди. Шубҳасиз, совуқ тун ҳавосида мусаллас хидидан қушлар ҳам баҳра оларди, шу жумладан, қалин патли бир жуфт боййғли ҳам, ўзларининг ерости инла-



рида ўт пояларини кемираётган күрсичқонлар ҳам. Мана шу поёңсиз совуқдан қотган, лекин ҳаётга тұла кенглика тирик жон борки, ҳаммаси инсон олиб келган нарсадан тотиб күрди, мана шу муқаддас туйғу шундан келиб чиқди, бу маст этиш лаззати «кимларгадир қадымдаги сұлтонлардан, ё И Дидан, ё Да Кандан» мерос бўлиб қолди, у орқали худолар билан мулоқот килиш мумкин бўлди. Жон сақлайман деб биз нима учун аждодлар ҳақига мусаллас садақа қиласмиз? Мен буни айнан ўша куни тунда англадим. Бу ваҳий келиш туни эди. Ўша тун менда ухлаб ётган рух уйғонди, Фалакнинг буюк сири очилди, бу сирни тасвирилашга тил ожиз, гўзал ва нафис, муҳаббат ва эзгуликка лиммо-лим, жонингга жон киргизади, юракни орзиктиради, тароватли ва муаттар... биласизми?

У қўлини тингловчиларнинг бўйни чўзилган томонга узатди, биз эса кўзимиз ва оғзимизни катта-катта очганча, бу мўъжизали воситани бир кўришга интиқиб ўтирардик, кейин эса, гарчи ёнимизда ҳемири ҳам бўлмаса-да, ичиш илинжида эдик.

– Сенинг кўзларинг юракнинг туб-тубигача ёритган нур билан мунаvvар, Худо билан гаплашган одамлардагина шундай бўлади. Сен бизлар хаёлимизга келтиролмайдиган қиёфаларни кўрасан, биз эшийтмайдиган овозларни илгайсан, биз билмаган ҳидларни туясан – биз бошдан-оёқ ғамга тўлиқмиз! Лабларингдан тўклилаётган сўзлар мусиқага ўхшайди, бу ўз сувини равон оқизиб келган дарё, ҳавода ракс тушаётган ўргимчак қорнидан эшилиб чиқаётган ипак ришта; у ҳам дағал, ҳам нафис, худди товук тухумидек думалоқ ва силлик – ҳаммаси ҳаётдагидек. Биз шу мусиқадан сармастмиз, шу оқимда чайқаламиз, шу риштада ракс тушамиз, биз Худони кўриб турамиз. Аммо Уни кўришдан олдин бу оқим сувларида бизнинг жонсиз таналаримиз қандай сузишини кўрамиз...

Ўша куни тунда бойўғли сайроғи севишганларнинг майин ғулдирашига ўхшаганининг сабаби шу – ҳавони мусаллас хиди тутганди. Ёввойи фозлар ҳам ўша тунда хонаки фозлар билан бирин-кетин жуфтлашганди, айни қирчиллама кишида ва никоҳсиз мавсумда, бунга ҳам сабаб шу – ҳавони мусаллас хиди босиб кетганди. Бурним қаттиқ-қаттиқ уча бошлиди ва Фан Тўққизинчи қизиқсиниб сўради: «Нега бурнинг учади? Ё

аксирмоқчимисан?» Унинг овози худди бочкадан чиқаётганга ўхшарди.

«Мусаллас, – дедим бидирлаб. – Мусаллас ҳиди келяпти!»

Ҳамма бурнини кериб ҳидланарди. Еттинчи Амакининг бурни бутунлай жийрилиб кетганди: «Бу ерда мусаллас нима қилиб юрипти?» – «Аввал сиз бир ҳидлаб кўринг, ҳидлаб кўраверинг». Сўзларим айқаш-уйқаш бўлиб кетди, юрагим отилиб чиқиб кетаёзди.

Улар кўзлари билан ҳаммаёқни, ҳар бир бурчакни титкилаб чиқишиди. Еттинчи Амаки ҳам канда тўшалган бўйрани кўтариб кўрди, бундан Еттинчи Холанинг жон-пони чиқиб кетди: «Бу ёқда нега тимирскиланасан? Канда мусаллас пишириб кўйибдими? Ҳеч ақлим етмайди!»

Олдин айтганимдек, Еттинчи Хола зиёлилардан бўлиб, «ҳеч ақлим етмайди», дегани шундан. У шошилиб олдимизга кириб келди-да, гуручни кўп марта ювиб, витаминини кетказиб кўярканмиз, дея онажонимга танбех беришга киришиб кетди. Гуручнинг бу «витамин»идан онажоним бўларича бўлди, жони нақ ҳиқилдогига келди.

Мусаллас ҳидида протеин, липидлар, кислоталар, феноллар, шунингдек, кальций, фосфор, магний, натрий, калий, хлор, олтингугурт, темир, мис, марганец, рух, йод, кобалт каби элементлар бор. Яна А, В, С, D, Е, F дори-дармонларию бошқа моддалар мавжуд. Мен бу ерда, Бания дарвозаси олдида болтани ўйнатганча мусаллас таркибидаги нарсаларни билишимдан фахрланиб турибман, айни вақтда сизнинг профессорингиз Юан Шуаньюй буларнинг барини ҳаммадан кўпроқ билади.

Жин Ганжуаннинг мақтовларидан қайнотам бўйнигача қизариб кетди. Қариянинг чехрасида ҳаяжон сезилмас, у менга бутунлай кўринмасди.

– Аммо мусаллас ҳидида қандайдир ғайриоддий нарсалар ҳиди учрайди, бу шундай бир рух, шундай бир иймон, муқаддас иймон борки, уни фақат ақл билан билиш мумкин. Аммо сўз билан ифода қилиб бўлмайди – ҳар қандай сўз қўполлик килади, ҳар қандай ўхшатиш кемтик бўлади – иймон тўғри жоннинг ичига ёриб киради. Дўстларим, талабалар, наҳотки мусалласнинг фойдалими, зарарли эканини исботлаш учун яна асослар керак бўлса? Ҳе йўқ, бунга ҳожат йўқ, му-

саллас бу – қалдирғоч, қурбақа, қизилкүз ари, шилликкурт, бу – «ёмонликнинг күшандаси, жонли рух!»

Бутун вужуди билан, куйиб-пишиб, қўлларини қаттиқ-қаттиқ силкитаркан, тутакиб кетган Гитлернинг ўзи бўлди-кўйди.

– «Еттинчи Амаки, – хикоясини давом эттирди, – қаранг, мусаллас руҳи деразадан, шифтдан, барча тешигу тирқишлиардан кириб келяпти...» «Ҳах, тирранча-ей, мияси мундайроқ бўлиб қолмаганми, – ўзича мингирилаб деди Фан Тўққизинчи. – Ҳеч жаҳонда хиднинг ҳам ранги бўларканми? Уни кўз билан кўриш мумкинми? Ақлдан озгани шу-да!..» Улар бирин-кетин менга разм солиб қарай бошлашди, қарашлари шубҳали, гўё мен ростдан ақлдан озганман. Аммо менинг улар билан ишим йўқ! Оёғимни кўлимга олиб чопдим, мусаллас ҳиди анқиб турган рангдор кўприк бўйлаб чопардим, ха, учиб борардим... Шунда мўъжиза рўй берди, азиз ҳамкасабалар, мўъжиза рўй берди!

Ҳис-хаяжоннинг оғирлигидан Жин Ганжуаннинг боши эгилди. Мусалласпазлик академияси умумий аудиториясидағи минбар ортида турганча у хиркираган, аммо ўта жозибали тарзда давом этди:

– Миямнинг бир пучмоғида қорли тун ўртасидаги базми жамшид манзараси ўрнашиб қолган. Чарақлаган газ чироғи. Саккиз кишилик эски стол. Стол устида тос, ундан буғ эшилиб чикяпти. Столда тўртовлон ўтирибди ва ҳар бириннинг кўлидаги мусалласли паймона тонг нурлари билан тўлибтошади. Чехралар кўзга унча аниқ ташланмайди. Оббо сен-эй! Улар аниқ кўрина бошлашди ва мен ҳаммасини танидим... Партия ячейкаси котиби, катта ишлаб чиқариш бригадаси хисобчиси, халқ милицияси рота командири, хотин-қизлар уюшмаси раиси... Ҳар бириннинг кўлида кайнатилган кўй оёғи, уни сояли қайла ва кунжут мойида ивтилган саримсоқли зирвага ботириб оладилар... Уларни бармоғим билан кўрсатиб, Еттинчи Амаки ва шерикларига мурожаат қиларканман, худди шарҳловчидек гапирдим. Кўз олдимни туман босди, Еттинчи Амаки ва бошқаларнинг юzlари аниқ кўринмаётганди ва мен манзара ғойиб бўлишидан қўрқиб, кўзимни тортиб ололмадим... Еттинчи Амаки кўлимдан тутди-да, ғазаб билан силкиди: «Сяо Юйэр! Сяо Юйэр! Нима бўлди сенга, тобинг қочдими?»

Чап қўли билан у кўлимни силкиди, ўнг қўли билан елкамга туширди. Бамисоли мажақланган фишт бўлаклари кўлтиқнинг ойнадай силлиқ сиртига сочилиди, бошим ғувилларди, томчилар ҳар томонга қараб сачради, доира тўлқинчалар бирининг устига бири чиқиб, сув сатҳи лойқаланди ва манзарадан кўз ўнгимизда бўм-бўш жой қолди.

«Нега ундан қиласиз?! – гарангсиб қичқирдим. – Бундай қилишингиз яхшими?» Ҳамма ташвиш ичидаги менга қаради. «Туш-пуш кўрмаётганмидинг, мабодо, болажоним?» – деди Еттинчи Амаки. «Бу ҳечам туш эмас. Мен партия қўмитаси котиби, хисобчи, хотин-қизлар уюшмаси раиси ва халқ милицияси рота командири мусаллас ичаётганларини кўрдим. Ҳар бирида биттадан кўй оёғи, уларни туйилган саримсоқпиёзга ботириб-ботириб олмоқдалар, газ чироги ёниб турибди, ўзлари эса тўртбурчак стол атрофида ўтиришибди». «Кўзига кўринган», – оғзини бор бўйича катта очиб эснади Еттинчи Хола. «Лекин мен ҳаммасини ўнгимда кўрдим-ку!» «Тушда сув олиб келгани дарёга тушгандим, – гап қотди Дароз Лю, – ростданам хотин-қизлар уюшмаси раиси иккита аёл билан муздаги ўйик олдидаги кўй гўштини юваётганди».

– Сен ҳам жа олдинг-да! – учирим қилди унга Еттинчи Хола.

- Бу тўғри ҳам!
- Қанақасига тўғри бўларкан?
- Қарасам, овқатнинг чангини чиқариб уряпсизлар, бош кўтармайсизлар! – чийиллади Еттинчи Хола.
- Гап талашишни бас қилинглар, – деди мунгли оҳангда печкачи бола. – Ўзим бориб билиб келаман.
- Тентак бўлма! – ўшқириб берди Еттинчи Хола. – Сен ҳам бу чўпчакларга ишониб ўтирибсанми?
- Сиз шу ердан кимирламанг, – кўшимишча қилди печкачи бола, – мен эса кўз очиб-юмгунча бораману қайтаман.
- Тағин кўлга тушиб қолиб, гўштингни нимталаб ташламасин, – деди ташвиш билан Еттинчи Амаки.

Бироқ печкачи бола чиқиб кетиб бўлганди, ичкарига кирган шамол сал бўлмаса чироқни ўчириб юбораёзди.

Бола ҳансираб қайтиб келганида совуқ шамол эпкинидан чироқ яна ўчаёзди. У менга арвоҳни кўргандай лол тикилиб қолди.

– Хўш, нималар кўрдинг у ерда? – кинояли жилмайди Еттинчи Хола.

– Мўъжиза, ҳақиқий мўъжиза! – унга томон бурилди печкачи бола. – Сяо Юйэр ростданам фаришта экан, гойибдан кўраркан!

Унинг сўzlари бўйича, кўрган нарсалари мен тасвиirlаб берганларнинг айнан ўзи эди. Базми жамшид партия котибининг уйида ўтмокда эди. Уйи олдидаги девор унча баланд бўлмай, болакай ундан осонгина сакраб ўтибди. «Бўлиши мумкин эмас!» – оҳ тортиб юборди Еттинчи Хола. Кўчага чиқиб, печкачи бола тошдай музлаб қайтганди, кўлларида кўй калласини ушлаб олган. У каллани қўтариб, Еттинчи Холага кўрсатди. Холанинг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, унинг хатто ҳиқичоги тўхтаб қолганди.

Ўша куни кечқурун кўй калласини апил-тапил ювдик-да, қайнатгани қозонга солдик. У ёқда калла қайнаяпти-ю, бу ёқда ҳамманинг хаёлида мусаллас. Охири Еттинчи Холанинг ўзи муддаога ўтиб кўя қолди: спирт ичса, нима қилибди.

Чинакам ветеринар сифатида Еттинчи Амакининг дезинфекция учун олиб кўйган бир шиша спирти бор эди. Албатта, биз унга сув аралаштиридик. Шу тариқа тобланишнинг осон бўлмаган жараёни бошланди. Ветеринария спиртида суяги котган одам учун бошқа ҳар қандай алкоголь ҳеч нарсага арзимайди! Фақат печкачи бола билан Еттинчи Амакининг кўрбўлиб қолгани чакки бўлди-да.

Қўлини қўтариб, Жин Ганжуан соатига қаради:

– Қадрли талабалар, шу билан бугунги маъruzamiz ниҳоясига етди.

ИККИНЧИ БОБ

I

Шахта директори ва партия котиби бир-бирига юзма-юз турарди: ҳар иккаласининг чап қўли кўкси олдида эгик, ўнг қўли олдинга чўзилган. Кафтлари типпа-тик – интизомга ўргатилган йўл полициячиларининг худди ўзгинаси. Юзлари шунақсанги ўхшашки, бамисоли ойнадаги аксидек. Улар-

ни бир-биридан, чароғон йўлакнинг у бошидан бу бошига-ча тўшалган эни бир метр пояндоз ажратиб турарди. Иззатикромнинг бу самимий изҳори олдида Динг Гоуэрнинг бутун жанговарлик кайфиятидан асар ҳам қолмади ва у олдинга қадам ташлаймикан ёйўқми, дея икки раҳбар олдида нима қилишини билмай туриб қолди. Улар чехрасини қоплаган хушнудлик ёпишкок ёғ моддасига ўхшаб кетарди, модда ҳеч қаёққа ғойиб бўлмаётганди ва Динг Гоуэрнинг иккиланиши ортгандан ортиб бормоқда эди, холос. Илоҳлар гапирмайдилар, бу бор гап, улар сукут саклайдилар, аммо уларнинг туришлари ҳар қандай ширин нутқдан ҳам кучлироқ таъсир қиласиди, қаршилик кўрсатишнинг иложи қолмайди. Бир тарафдан чорасизлик, яна бир томонда миннатдорлик сабаб Динг Гоуэр олдинга бир қадам ташлади. Шахта директори ва партия котиби тенг томонли учбурчак ҳосил килиб, унинг ортидан йўлга тушишди. Йўлакнинг охири кўринмасди, терговчининг кўнглида шубҳалар ғимирлай бошлади. У аниқ эслади: уй тўрт томондан кунгабоқар билан ўраб олинган, унда камида ўнта хона бор – акс ҳолда бундай узун йўлакка на хожаг? Сутдай оппоқ гулқоғоз ёпиштирилган деворларда ҳар икки томондан ҳар уч қадамда бир-бирига тўғри қилиб машъал шаклидаги кизил рангли жуфт чироқдонлар ўрнатилган. Бу қизил машъалларни ушлаб турган темир қўллар ялт-юлт қилар ва жонлига ўхшаб кўринарди, афтидан, уларни деворнинг нариги томонидан ўтказиб ўрнатишган бўлса керак. Ҳар бир чироқдон ёнида девор ортидан барваста чўянкелбат пахлавон турганини тасавур қилиб, унинг юраги шув этиб кетди ва қизил пояндоз бўйлаб ҳаракат қилиш қуролларини шай тутган посбонлар орасидан юриб ўтиш билан баравар эди. «Энди мен – жиноятчиман, партия котиби ва директор – менинг қўриқчиларим». Даҳшатдан юраги ўйнаб кетди ва миёсида дарзлар ҳосил бўлди, улардан фаросатнинг бир қанча совуқ оқими сизиб кирди. У ўзининг муҳим вазифаси, муқаддас бурчи ҳақида ўйлади. Қиз билан ўйнаш бўлишдек муқаддас бурчни бажариш халакит бермайди, аммо манави мусаллас халал бериши тайин. Қиз билан ўйнаш бўлгач, бoshing тиниклашади, мусалласдан кейин эса ғум бўлади. У тўхтади.

– Мен ичгани эмас, тергов ўтказгани келғанман.

Унча силлиқ чиқмади. Директор ва партия котиби бир-бирига ўхшаш күзлари билан бир-бirlарига қараб қўйиши, уларда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади, овозлари аввалгидек тиник ва қувноқ жаранглади:

– Биламиз, биламиз. Қанақа ичкилик – ҳеч ким сизни ичишга мажбурлаётгани йўқ.

Динг Гоуэр барибир бу эгизак ака-укаларнинг қайси бири партия котибио қайси бири директор эканини билолмади, бирор хафа килишдан кўркиб, сўрашга журъят этмади. Чал-кашлик ўшандай қолаверди: барибир бу иккаласи бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаш, партия котиби ва директор лавозими ҳам бир-биридан кўп-да фарқ қилмасди.

– Марҳамат, марҳамат, ичишни истамасангиз, ул-бул ерсиз?

Динг Гоуэрнинг йўлда давом этишдан бошқа чораси колмаганди, ҳолбуки, учбурчак шаклидаги мана бу саф унинг нафратини қўзгатаётганди: биттаси олдинда, иккитаси орқада – гўё йўлак зиёфатхонага эмас, суд танобийсига олиб бораётгандек. Улар билан тенглашиш ниятида одимларини секинлатди. Аммо уриниши бехуда эди: одимларини секинлатди дегунча, унга эргашиб келаётган жуфтлик ҳам ўша заҳоти секинлаб қолди. Учбурчак шакли сақлаб қолинарди ва у кўриқдаги маҳбус ҳолига тушиб қолаверарди.

Йўлак бирдан бурилди, қизил пояндоз пастга қараб кетди, машъял чироқдонлар янада ёрқинроқ чараклади, уларни тутиб турган қўллар эса янада қўрқинчлироқ кўрина бошлиди, гўё ростданам тирикка ўхшарди. Миясида минг хил алоқчалоқ фикрлар пашшадек ғужфон ўйнарди ва терговчи савқи табиий ила хужжатлар солинган жилдни кўлтиғига маҳкамроқ кисиб олди. Қаттиқ пўлат қобирғаларига қадалмоқда ва шундан кўнгли бироз хотиржам тортмоқда. «Яна икки сония ва тўппонча оғзини манави нусхаларнинг кўксига тирасам бўлади! У ёги хоҳ жаҳаннамга тушай, хоҳ гўрга кирай, сенлардан кўрқмайман, итдан тарқаганлар».

Йўлак энди ерга кириб бораётгани маълум бўлди. Чироқдонлар ва пояндоз ҳамон ўшандай ёркинлигича колди, аммо совуқ бўлмаса-да, қандайдир рутубат сезиларди.

Йўлак охирида уларни чақноқ кўзли, тишлари оппоқ, чўғдай қизил либосдаги ва қоқ миясига пилотка кўндирган официант қиз қарши олди. Юзидаги енгил табассум – катта амалиёт натижаси – сочларидан таралиб турган хушбўй хид терговчининг асабларига ижобий таъсир кўрсатди. Унинг сочини силаш хоҳиши пайдо бўлиб, у ўз-ўзини чукур танқид қилиш ва ўзини англаш ҳолати билан машғул бўлди. Қиз зангламайдиган пўлатдан ясалган қулинг ўргилсин дастакни тутди-да, уларнинг истиқболига «Марҳамат қилсинлар, ўртоқ раҳбарлар» сўзлари ёзилган эшикни ланг очди. Учбурчак, ниҳоят, тарқалди ва Динг Гоуэр енгил нафас олди.

Уларнинг рўпарасида ҳашаматли зиёфатхона пайдо бўлди. Нафис ранглар уйғунлиги, беозор ёниб турган чироқлар – булар бари муҳаббат ва баҳт ҳақида ўйлашга туртки бўлиши кепрак эди, аммо хавода осилиб турган ғалати хид буни йўққа чиқаради. Кўзлари маккорона чакнаб, Динг Гоуэр табиий чарм қопланган ок сарғиши диванга, тоза шойидан тикилган оч сарик дераза пардаларига, гуллар тасвирланган оппоқ шифтга ва оппоқ дастурхон ёзилган столга бирма-бир разм солиб чиқди. Шифтнинг ўртасида осиғлик каттакон қандилнинг жимжимадор шишалари ва минглаб дурлари орасидан ёғду тараларди. Ялтироқ фаршнинг ойнадан фарқи йўқ эди, худди ҳозир сайқалдан чиққандай одам акси бемалол кўринарди. Бурчакдаги рангли телевизорнинг каттакон экранида караоке титрлари югурап, майнин шаҳвоний оҳанг таралар, чўмилиш кийимидаги қиз кўнгилни суст кетказадиган қиёфаларга кириарди. У хонага синчиклаб кўз югуртиаркан, партия котиби ва директор унга синовчан караб туришарди: меҳмоннинг мақсади бу ғалати хид қаердан келаётганини билиш экани уларнинг хаёлига ҳам келгани йўқ эди.

- Кулбаи вайронамизга хуш келибсиз!
- Фарибона жиҳозланган, олдингизда хижолатдамиз.

Динг Гоуэрнинг нигоҳи танобий бўйлаб кезишда давом этди: уч ҳадли баҳайбат думалоқ ресторон столи: биринчи ҳадда бақалоқ пиво стаканлари, мусаллас учун узун оёкли шиша қадаҳлар, оёклари сал узунроқ спиртли ичимлик қадаҳлари, чой ичиладиган қопқоқли сопол пиёлалар, филофчалардаги фил суюгидан ясалган овқат ейиш чўплари,



турли катталиқдаги ликопчалар, катта ва кичик косалар, зангламайдыган пичноқ ва санчқилар, «Жунхуа» ва «Янь-инь», Америка «Мальборо», инглиз «555» сигареталари, филиппин сигаралари, рангдор қутычали катта қызил бошли буюртма гүгуртлар, тилла суви юритилған газ чақмоктоши ҳамда думини ёйиб турған товус күрнишидаги сұнъий биллур кулдон териб күйилғанди. Иккінчи ҳадда саккизта таом мұхайё эди: тухумли ва «хайми» қолланған креветкали¹ убра, қалампирли аччиқ мол гүшти бүлаклари, карри қайласи солинган гулкаралар, бодринг парраклари, совитилған ўрдак панжалари, шакар сепилған нилуфар илдизлари, ошкүк илдизлари, обдан ковурилған чаёнлар. Күпни күрган Динг Гоуэрнинг күзига бу газакларда айтарлы фавқулодда нарса ташланмади – барчаси таомилдагидек. Учинчи ҳадда фақат тувакка солинган, ниналари қалин кактус. Кактусга бир қарагандаёқ бадани кишиша бошлади ва үзини ғалати ҳис қилди. «Нега янги узилған гуллар күйилмабди?»

Үтиришаёттанды барчалари бир-бирига энг қулай жойни күрсатыб ҳұрмат изхор этдилар. Динг Гоуэрнинг фикрича, думалоқ столда «юкори» ёки «паст» деган жойлар бўлмайди, бироқ партия котиби ва директор дераза олдидаги жой энг тўри хисобланади, деб туриб олишди. Динг Гоуэр ўша ерга ўтиришга мажбур бўлди, уй эгалари эса ҳар икки томондан унга ёпишиброқ ўтиришди.

Танобийда худди байроқлардай ол либосдаги хизматчи қизлар у ёқдан-бу ёққа зир югурап, улардан салқин ҳаво тўлқинлари тарааларди. Қизлар бутун танобий бўйлаб бу ғалати ҳидни тарқатардилар, табиийки, бу ис улар юзидағи упа ҳиди, кўлтикларидан чиқадиган ачимсик тер ва бошқа жойларидан чикувчи хушбўй ҳид билан қоришиб кетарди. Бора-бора бу қоришиқ ис димоққа камроқ урилиб, Динг Гоуэр эътиборини бошқа нарсага қаратди.

Уларнинг шундоқ рўпарасида шафтоли рангидаги унча катта бўлмаган сочиқ пайдо бўлди. У зангламайдиган эндор кискичларга осиб күйилғанди ва ундан буғ тарааларди. Куттилмаган ҳолдан чўчиб тушган Динг Гоуэр сочиқни қабул

¹ Креветка – майды қискичбака.

қилди, аммо унга қўлини артмади, аввал қисқичлар пайдо бўлган томонга кўз ташлади ва жажжигина, оппоқ қўлчани, думалоқ юзни ва киприклари узун қора қўзларни кўрди. Қизнинг қовоқлари қатлам-қатлам бўлиб юмилди ва гўё унинг кўзида ё чандик, ё кўтири бордек нохуш таассурот туғиларди, ҳолбуки, аслида бундай эмаслиги маълум бўлди. Қараб олгач, у иссик сочиқ билан юз-қўлларини артди: сочиқдан чирик олма хиди аралаш қандайдир атири хиди анкирди. У бу паст сифатли бўйга кўшиб, яна кечаги маний бадбўйини ҳам туди. Динг Гоуэр юз-қўлларини артиб бўлган ҳам эдики, ҳалиги қисқичлар сочиқни қайта олиб кетди.

Партия котиби лутф билан сигарета таклиф қилди, директор эса чақмоқтош ёқди.

Ўткир ичимлик қадаҳларига «маотай», мусаллас қадаҳларига «ванчао», стаканларга эса «чиндао» тўлдириб қуйилганди.

– Бизлар ватанпарвармиз, чет эл мусалласларидан воз кечамиз, – деди партия котиби ё директор.

– Айтдим-ку, мен ичмайман, – деди Динг Гоуэр.

– Ўртоқ Динг, дўстим, сиз узоқдан келгансиз, агар ичмасангиз, биз хафа бўламиз. Бу расмий учрашув эмас, шунчаки уйдаги меҳмондорчилик, агар ичмасангиз, юқори билан куйи ўртасидаги дўстона муносабатларни қандай ифода этамиз? Мусаллас – солиқ тушумларининг муҳим манбаи, бундан келиб чиқадики, мусаллас ичганингда, мамлакат ғазнасига ҳисса қўшган бўласан. Ичинг, озгина ичинг, акс ҳолда биз сизнинг кўзингизга қандай қараймиз?

Шу сўзларни айтиб, ҳар иккаласи қадаҳни баланд кўтарди ва Динг Гоуэрнинг юзи олдига олиб келди. Топ-тоза ва тиник мусаллас хиёл титрарди, ундан ёқимли ҳид келиб, димоқни қитиқларди. Томоғи қичишиди, оғзи сўлакка тўлди. Тилини кимирлатолмай, оғиз бўшлиғи намланди.

– Шунча нарсаларга ҳожат бормиди... Нима қилиб қўйибманки... – дудуқланиб мингирлади у.

– Қанақа нарсалар, ўртоқ Динг, ҳаммаси эски ҳаммом, эски тос! Конимиз унча катта эмас, тайёргарлик суст, шароитлар ўртacha. Емак-ичмагимиз ҳам шунга яраша. Сиз эса катта шаҳардан келгансиз, жаҳон бўйлаб кезгансиз, ажойиб ичим-



ликлар дейсизми, машхур мусалласлар дейсизми, ҳаммасидан татиб кўргансиз! Қўйинг, устимииздан кулманг, – эътиroz билдириди ё партия котиби, ёки директор. – Илтимос, дастурхонга караб ўтиринг. Бизлар, кадр ходимлари, шаҳар қўмитасининг «Белни маҳкам боғлаб яшамоқ керак», деган даъватига «Лаббай, хўп бўлади», деб жавоб беришимизга тўғри келади. Сиз, ахир, буни тушунасиз ва бизни маъзур тутасиз, деб ўйлаймиз.

Иккови тўхтовсиз гапирав, баланд қўтарилиган қадаҳ эса тобора Динг Гоурнинг оғзига яқинлашарди. У оғзида тўпланиб колган сўлакни базўр ютди, ўзининг қадаҳига кўл чўзди ва уни оларкан, қадаҳ ўзи кичкина бўлсаям ичидағи алкоголь зилдай эканини пайқади, партия котиби ва директорнинг қадаҳлари билан жарапнглаб тўқнашди. Қўли титраб кетди, бош ва кўрсаткич бармоқлари орасига бир неча томчи тўкилди, ёқимли салқинликни ҳис этди. Шуларни ҳис этиб, таҳаммул қилгунича, ҳар икки томондан хитоблар янгради:

– Энг аввал ҳурматли меҳмон учун, ҳурматли меҳмон учун!

Қадаҳларини сипқориб, партия котиби ва директор бир томчи ҳам қолмади дегандек уларни тўнкариб кўрсатишиди. Ҳатто бир томчи қолсаям учта жарима қадаҳи ичишга мажбурлигини Динг Гоур биларди. У қадаҳни ярмигача ичди ва оғзини ажойиб хушбўйлик қоплади. Ҳар икки бикинида ўтирганлардан бир оғиз ҳам ўпка-гина сўзлари эшифтмади, улар унинг рўпарасида охиригача олинган қадаҳларини тутиб туришарди, холос. Намуна кучига гап йўқ – Динг Гоур ҳам шартта қўтариб юборди.

Ҳар учала қадаҳ яна зумда тўлдирилди.

– Бошқа ичмайман. Мусаллас ишнинг заволи, – деди Динг Гоур.

– Яхши ишни такрорлаш – савоб!

У қадаҳни қўли билан ёпди:

– Бас, етарли!

– Даврага келиб ўтиредингми, уч қадаҳ оласан – бизда коида шунака.

Уч қадаҳдан кейин боши айланди, гуруч уграсидан татиб кўриш учун чўпларни кўлга олди. Угра сирпаниб тушиб кетар, сира эпга келмасди. Партия котиби ва директор дўстона ёрдам

қўлини чўзишди, чўплари билан бироз уградан қисиб, унинг оғзига олиб боришиди, кейин эса баланд овозда буюришиди:

– Ичингизга тортинг!

Динг Гоуэр куч билан ҳавони ичига тортди ва титраб турган угра «шилк» этиб оғзига келиб тушди. Хизматчи қизлардан бири кафти билан оғзини тўсиб, ҳиринглаб кулиб юборди. «Қизлар қиқиrlаганда, эркак ўша заҳоти жонланади». Шу тариқа даврада кайфият бирдан кўтарилид.

Қадаҳлар яна тўлдирилди ва партия котиби ёки директор ўз қадаҳини кўтарди:

– Тергов ўтказиш учун камтарона конимизга олий тоифали терговчи Динг Гоуэрнинг қадам ранжида қилиши биз учун катта шарафдир. Шу боис эски ходимлар ва ишчилар номидан сиз улар учун уч қадаҳ кўтаришни таклиф қиласман. Рад этгудек бўлсангиз, бу бизнинг ишчи синфимизга, исқирт кончиларимизга нафрatinгизни билдиради.

Хаяжондан нотиқнинг оқ юзи қизарип кетганини кўриб, қадаҳ сўзининг маъносини чақиб ва бу ўзига хос аҳамиятга эга эканини ўйлаб, Динг Гоуэр инкор этолмади. Назаридা, минглаб кончилар унга тик қараб тургандек туюлди – каска кийган, камарларини тортиб боғлаган, бошдан-оёқ коп-қора, факат тишлари ярқирайди. Нима бўлса бўлар, деди-да, мамнуният билан қаторасига уч қадаҳни сипқорди.

Бир қадаҳ сўзи айтувчининг ўрнини ўша заҳоти бошқаси эгалларди. Ўзининг саксон тўрт ёшли онаси номидан у Динг Гоуэрга мустаҳкам соғлиқ ва руҳий бардамлик тилади. Динг Гоуэр ичишдан бош тортганда, у шундай деди:

– Ўртоқ Динг, ҳаммамизни онамиз туғиб катта қилган, тўғрими? Наклда айтадилар-ку, етмиш уч ёшда ва саксон тўрт ёшда Янло-ван¹ хузурига чорлайди, деб биласиз-а? Бошқача айтганда, мана шу ёшда онаизорларимиз ёруғ дунёни тарк этишлари мумкин бўларкан. Наҳотки, бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда бўлган волидаи муҳтарамамиз номидан ичмасак?

Динг Гоуэр ҳам соchlари оппоқ онаизорини киндик қони тўкилган жойда қолдириб келганди. Худди унинг ўзи каби эл-юрт ичида хурматли бўлган ўғилнинг илтимосини мен-

¹ Янло-ван – Хитой халқ эътиқодига кўра, жаҳаннам маъбути.



симаслик инсофданми? Шуни ўйлаб, ҳатто юраги сирқираб кетди. Шундай онанинг ўғли учун ичмаслик қандай бўлади? Ўғиллик хурмати кучлилик қилиб, у қадаҳни олди-да, бир кўтаришда сипкорди.

Кетма-кет отилган тўқиз қадаҳ мусаллас курсокка келиб тушгандан кейин тана билан ҳуш бир-биридан ажрала бошлади. Ажрала бошлади эмас, ростини айтсак, ҳуш бир чиройли капалакка айлангандек бўлди. У ҳали қанотларини ёйганича йўқ, аммо қанотларини ёйиш унинг қисматига ёзилган ва айнан хозир у бош чаноғининг марказий нуктасидан чиқиб келмоқда. Ҳуш тарк этган қобиқ қурт тарк этган пилладек епенгил бўлиб қолади.

Энди бировлар учун барча «олинг-олинг»лар ортда қолиб, гўё кудукни тўлдириш учун қадаҳ кетидан қадаҳ кўтаришга навбат келганди. Мана шу ичкилиқбозлиқ давомида қизил либосдаги уч нафар қиз алангадек гуриллаб, у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турди. Худди тўсатдан чакнаган чақмоқ каби бирининг кетидан бири буги кўтарилиб, иштаҳани китиқлайдиган ажойиб мазали таомларни олиб кирадилар. У нақ шапалоқдай келадиган крабни пакъос туширганини, аччиқ қизил қайлодаги йўғон креветқадан татиб кўрганини, косаси яшилтоб, никобдаги янги русум танкага ўхшаб кетадиган ва ошқўкли яшил шўрвада сузиб турган катта тошбақанинг чангини чиқарганини, кўзлари юмуқ ва заррин пўстлоқли «тилларанг товуқ»ни бир ёқли қилганини, ёғлари сўлқиллаган, ҳали ҳам оғзини каппа-каппа очиб турган каррини жигилдонга урганини аранг эслади. Жуфт-жуфт қилиб пиширилган, эхром шаклида тахлаб қўйилган моллюскалар, хозир томорқадан кавлаб келинган, чайнаганда карс-курс қиласидиган қизил редискаларни танглайида айлантириб, ширин ва ёғлиқни, сирпанчиқ ва ёпишқоқни, нордон ва тахирни, аччиқ-чучукни, шўрни, чучмални туйди. Вужуди хилмажил сэзгиларга тўлиб-тошли, кўзлари айланиб кўтарилаётган ҳушбўй буг узра нари бориб-бери келарди, онгнинг ҳавода муаллақ сузиб юрган кўзи ҳар бир рангни бехато илғаб оларди, ҳиднинг хилма-хил шакл-шамойилдаги зарралари унинг назаридан четда колмаётганди, улар бепоён кенглиқда сарҳад билмай харакат қиласиди. Улар ҳаммаси биргаликда зиёфатхонада ташаббус кечиб кетади.

на бағрига ўхшаган ҳандасавий жисмни вужудга келтирганди, айримлари эса, албатта, гулқоғозларга, дарпардаларга, диван филофларига, чирокқонларга, қизил лиbosли қызларнинг мижжаларига, партия котиби ва директорнинг салқи манглайига, илгари шаклсиз бўлган, энди эса шаклга эга бу барча нур оқимларига ўтириб, ўрнашиб қолганди, бу нурлар гоҳ эгила, гоҳ тебранарди...

Кейин саккизоёқка ўхшаган кўппанжали қўл унга қизил мусаллас таклиф қилгандек бўлди. Қадаҳ ҳам бир қанча кисмларга бўлинарди, гўё нафис эҳром ёки маҳсус техника билан олинган фотосуратдек, нисбатан барқарор ва тиник оч қизил ранг устига оқ қизғиши турун сузиб чиққандай бўлади. Бу мусаллас қадаҳи эмас, уфқ ортидан кўринувчи қўёш, ўзининг сокин гўзаллиги билан улуғворлик касб этувчи олов зўлдир, севимли инсонингнинг қалби... Анави стакандаги пиво ҳам энди пиво эмас, балки ойдир – у ҳозиргина осмонда осилиб турганди, энди эса зиёфатхонага кириб олибди, сарғиши жигарранг, думалоқ – ҳаддан ташқари катта бўлиб шишган қурум супурги, сон-саноқсиз юмшоқ игналарга кўнган сарик пуфак, майнин тукдор алвасти тулки... Унинг хуши нафратомуз заҳархандалик билан шифт тагида осилиб қолганди: у охири кондиционердан келаётган муздек ҳаво моддасига ёриб кирди, модда энг юқори нуктагача етишга халақит беради; хуш аста-секин совиди ва унда гуллари бекиёс даражада чиройли қанотлар пайдо бўлди, у фоний жисмдан чиқиб қанотларини ёйди-да, парвоз қила кетди. У деразадаги шойи пардаларга тегиб кетди – албатта, унинг қанотлари юпқароқ, ёркинроқ эди – қандиллардаги шиша шокилаларга, қызларнинг олчадай қип-қизил лабларига, сийналарига тўкиларди, бошқа, янада дилбар, янада пинҳон жойларигача бориб етарди. У теккан жойдаги нишонлар ҳамма жойда манаман деб турарди: чой ичиладиган финжонларда, мусаллас шишаларида, полдаги тахталар туташган жойларда, соч толалари орасида, «Жунхуа» сигарети ғовакларида... Мулкларида санқиб юрган маҳлук боласидай у ўз ҳидини колдиради. У қанотларини кенг ёйди, чегара-пегарани писанд этмасди: шаклга эга бўлган ва эга бўлмаган ҳолда қандил осиғлиқ занжирнинг бир ҳалқасидан бошқасига осонгина ўтиб оларди. Кўнгилга келса бўлди, бир

карасанг, истаган томонида айланиб юради, бир қарасанг, у ёқ-бу ёкка бориб келаверади ва бемалол истаган ёкка кетиб қолаверади. Аммо бу эрмаклар унинг жонига тегади.

Ол рангли лиbosдаги қиз қаттиқ чучкирди ва Динг Гоуэрнинг хуши бир томонга, тўғри зиёфат столининг учинчи хадида турган кактусга ўқдай отилди. Карши ҳаракат кучи уни орқага отиб юборди, гўё кактус тиканли кафти билан унга шапалоқ туширгандай бўлди.

Динг Гоуэрнинг боши тарс ёрилай дер, қорни бураб оғрирди, худди кўплаб кўпикдор шаршаралар вужудга келган-дек, нукул қулдир-қулдир қиласади, аъзойи-бадани қичишиб, худди қизилча бўлгандек, олачипорлашиб кетганди.

Хиқ-хиқ қилиб йифлаганча дам олиш, нафасини ростлаш учун ҳуш унинг бошига келиб тушди. Ҳушнинг кўзи хира-лашди, Динг Гоуэрнинг кўзлари яна кўриш кобилиятини тиклади ва унинг қаршисида партия котиби ва директор қадаҳ кўтариб туришарди. Улар тепадан эгилиб қарап ва овозлари кутурган тўлқиндек гумбурлаб садо берар, қирғоққа келиб урилган тўлқинлар каби ҳар томонга сочилиб, тўртала девордан акс садо қайтарарди ва чўккида туриб олиб, олис тоғларга ёйилиб кетган отарини тўплашга ҳаракат қилаётган чўпон бола овози бўлиб кулокка чалинарди.

– Ўртоқ Динг, отагинам, аслида бизлар битта оиласиз, бир қориндан талашиб тушган оға-инилармиз, қадрон оғаниилар эса хоҳлаганча ичишлари керак. Маза қилиб яшаш керак, кувониб яшаш керак, қабрга ҳам ўйнаб-кулиб, шодон бориш керак... Қани, яна битта олинг-чи... Ўттиз чирпит... Бўлим бошлиги муовини Жин номидан... Ўттиз чирпит сен учун... Ич, ичавер... Ичмаган – эркак эмас... Жин, Жин, Жин... Жин Ганжуан ичишни билади... У хурматли одам, бутун бир денгизни ичиб юбора олади... Тўхтовсиз, хад-чегара билмайди...

Жин Ганжуан! Бу исм Динг Гоуэрнинг юрагини олмос пармадай тешиб ўтди, санчиб оғриганидан оғзи қийшайди ва лойқа суюқлик оқими билади бирга кўрқинчли сўзлар сачраб чиқа бошлади:

– Анави бўривой... – ўқчиб, яна қусади. – Гўдакларни ейди... – Яна қусади. – Бўри!



Хуш ҳуркиб кеттган палапондай инига учиб кирди; қорнидаги ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб кетди – оғрикки, таърифга сигмайди. Орқасидан астагина иккита мушт туртди, унинг кўнгли яна ағдарилди... Мусаллас... Шиллик, кўз ёшлари ва мишиклар, чўзилувчан ва охири йўқ оғриқ, кўз олдидা эса ям-яшил сув товланади.

- Сал дурустмисиз, ўртоқ Динг Гоуэр?
- Ўртоқ Динг Гоуэр, сал бўлсаям дурустмисиз?
- Қани, келинг, яна бир кучанинг, мана шу аччиғи охиригача чиқиб кетсин!
- Кусиш, кусиш керак, бу соғлиқ учун фойдали.

Ҳар икки томондан суяб, партия котиби ва директор унинг орқасидан дуп-дуп ураг, қулоғига таскин сўзлари куяр, сув ютиб қолган болани қутқарган қишлоқ фельдшери, тўғри йўлдан озган болага насиҳат қилган ёш ўқитувчи каби алдаб-сулдар, юпатардилар.

Динг Гоуэр бироз яшилтоб суюқликни чиқариб ташлаганидан кейин ол ранг либосли бир хизматчи қиз унинг оғзига бир пиёла «лунцзин» кўк чойидан қўйди; бошқаси сарик дамлама – шансий сиркаси билан сийлади; партия котибими ё директорми унинг оғзига чақмоқ қандли нилу-фардан солди; партия котибими ё директорми унинг бурни тагига асалга солинган «қорча» – нок бўлагини келтириб ҳидлатди.

Қип-қизил кийимли бир қиз тетиклантирувчи ялпиз мойи ва тўйинтирилган патли сочиқ билан унинг юзини артди; яна бири ердаги ахлатни тозалади, учинчи бири атирли шойи момиқ билан қолдиқларни артди; тўртинчиси эса столдан ишлатилган ликобча ва қадаҳларни йигиштириб олди, бешинчи-си янги идишларни териб қўйди.

Яшин тезлигига хизмат кўрсатишининг бу усули Динг Гоуэрга шунчалик таъсир килди, ҳозиргина мусаллас билан бирга отилиб чиккан кескин сўзлар туфайли ич-ичидан афсус қилди ва одоб билан кечирим сўрайман, деб турганида узоқдан ё партия котибининг, ё директорнинг овози қулоғига чалинди:

- Ўртоқ Динг, отагинам, хизматчи қизларимиз сизга ёқдими?

Хижолат ичидә Динг Гоуэр қизларнинг ғунча каби нозик юзларига кўз солди ва мақтov сўзларини тизиб ташлади:

– Ажойиб қизлар! Фоятда зўр! Қойил!

Афтидан кўравериб кўзлари пишган ол либосдаги қизлар худди оч кучукваччалар тўдаси ёки фахрли меҳмонларга гул олиб келаётган ёш кашшофлар дастаси каби ёппасига столга ёпирилишди. Столнинг барча ҳадида бўш қадаҳлар тўлиб ётарди ва қизлар биттадан қадаҳ олиб – бири каттасидан, бири кичигидан – ким қизил мусаллас билан, ким сариқ гуручли мусаллас билан, ким ароқ билан, ким лиммо-лим қилиб, ким тагидан қилиб қўйди-да, кимлар баланд, кимлар паст овозда жўр бўлиб Динг Гоуэрнинг шарафига қадаҳ сўзи айта бошлиди.

Қадаҳ сўзи эгасининг эса аъзойи-баданини ёпишқоқ тер коплаганди, лаблари қотиб, тили айланмаётганди. У бир оғиз ҳам сўз айттолмади, фақат тишларини қисиб ва кўзларининг паҳтасини чиқариб, ўз устидан мана бу кайф берувчи заҳарни куйиб юбориш қолганди, холос. «Саркарда ҳам гўзалнинг пистирмасига бас келолмайди», деб тўғри айтишган. Кўзни чирт юмиб, шартта...

Яна унинг мазаси қочди: бош чаноғида куткучи иблис яна ғивирлаб қолди ва қон миясидаги тешикча орқали қисиб кела бошлиди. «Кўнгил жойида эмас», дегани худди шу бўлади. Ҳозир жон шифтнинг аллақаерида осилиб туриши ҳақидаги азобли фикр чинакам даҳшат уйғотди, азоб бераётган жой – бош чаноғини кўллари билан енгмоқчи бўлди. Аммо бошни чангалаш одобдан эмас, шу заҳоти ўшанда, юқ машинасида ҳайдовчи қизга боплаб панд бергани хаёлидан йилт этиб ўтди. Бейсболка, хужжатлар солинган жилд ва ундаги тўппончани эсга солди, кўлтиги жиққа терлаб кетгани шундан эди. У атрофга олазарак қарай бошлиди, бу фаросатли бир қизнинг эътиборини тортмай қолмади ва жилдни аллақаердан олиб келди. Жилдни олиб пайпаслаб кўргач, «темир дўст»и аввалигидек жойида эканига амин бўлди ва шу заҳоти тер чиқиши тўхтади. Бейсболка йўқ эди. Дарвоза олдидаги кўриқчи кўпракни аниқ-тиниқ эслади. Кираверишдаги навбатчи, хавфсизлик бўлимидаги ёш йигит, кесилган дарахтлар омбори, кунгабоқарлар – булар барчаси ҳув олис-олисларда қолиб кет-

ганди ва булар барини у ўнгиде кўрганмиди ё тушдами, билмасди. У жуда катта хүшёрлик билан хоинлик ва худди қочиш режасини тузган рух амри билан бўлгандек тиззалари билан жилдни кисди, кўз олдида ёғду бир чараклаб, бир ўча бошлиди, бундан теварак-атроф бир аниқ кўринса, бир хиралашарди. Тиззалирида эса у кўплаб ёғ доғларини ва ифлос изларни кўрди, улар гоҳ Хитойнинг оппоқ ёритилган харитасига, гоҳ Яванинг қорайтирилган шаклига ўхшаб кетарди. Гарчи нимадир нотўғри тасвиirlанган бўлса-да, у ҳаммасини жой-жойига қўйиб чиқишига чиранди. У Хитой харитаси доим ёрқин ва аниқ, Ява харитаси эса қора ва пала-партиш бўлишини хоҳларди.

Жюгую шахар қўмитаси тарғибот бўлими бошлигининг муовини Жин Ганжуан келгунига қадар Динг Гоуэрнинг қорни ҳазилакам оғримади. Ичиди қандайдир англаб бўлмас тарзда бир нарса буралар ва ҳали у жойига, ҳали бу жойига кўчарди: нимадир санчиларди – санчилганда ҳам қанақа денг! – нимадир ёпишарди – ёпишганда ҳам қанақа денг! – қандайдир бир-бири билан чалкашиб, чатишиб кетган нарсалар чўзилар ва судраларди, бу ҳам етмагандай ўйиб-ўйиб оларди. Худди заҳарли илонлар кулча бўлиб олганми, дейсиз. Ҳаммаси равшан: ичакларга бир нима бўлган. Бу ёқда яна хуши турли бало-баттарларни тасаввурига келтириб ётибди: гуриллаган олов, чўлтоқ супурги, ошқозоннинг ғичирлаб тозаланаётган деворлари худди қалин ахлат билан қопланган гулдор тунги тувакка ўхшайди. «Вой ойижоним-а!» – ўзича ох тортиб юборди терговчи.

«Бунга қандай чидайман энди, шунчалик ҳам омадсиз бўламанми! Бу конга келиб қанақа тузоқча илиндим ўзи? Зиёфату мусалласдан қилинган тузоқ! Гўзал чехралардан қилинган тузоқ!»

Қаттиқ букчайиб, Динг Гоуэр ўрнидан турди, аммо оёқларини сезмади ва шу боисдан уни қайта ўтиришга нима мажбур қилганини айтиш қийин эди. Оёқларми ё миясими? Ол лиbosдаги қизалоқларнинг чақноқ нигоҳларими? Ёки партия котиби билан директор унинг елкасидан босиб тушишдими?

Стулга ўзини ташларкан, қулогига гўё олисдан, бир нима чўзиқ фийтиллагандек бўлди. Ол лиbosдаги қизлар



оғизларини кафтлари билан ёпиб, ҳириңглаб кулиб юборди. У қичқириб бермокчи бўлди, аммо кучи етмади: бадани жон билан хайр-маъзур қилиб бўлганди, балки яна ўша эски дарди хуруж килаётгандир – хоинлик хуши уни тағин тарк этмоқчи бўлаётгандир? Мана шу машаққатли ва ноқулай пайтда зиёфатхонанинг овоз ютувчи қора-қўчқил сунъий чарм копламали эшиги очилди ва Жин Ганжуан кириб келди. Олмосдек чараклаб ва атрофга пулнинг хидини таратиб, у бамисоли баҳор нафасидек, қуёш нуридек, олий мақсад тажассумидек, порлоқ умиддек пайдо бўлди.

Кўриниши кўркам, ўрта ёшларда, қорачадан келган, энсиз юзли, ўркач бурунли бир киши. Кумуш камончали тўқ жигарранг шиша линзали кўзойнаги ортидан қандилларнинг ёрқин нурида иккита тубсиз кудукдек кўзлар кўринарди. Ўртабўй, эгнида яп-янги тўқ кўк костюм, оппоқ кўйлак, ок-кўк йўл-йўл бўйинбог таққан, қора чарм туфлилари ялтиратиб чўткалланган, сочи тождай ўзига ярашган – жуда паҳмайган ҳам эмас, жуда силлиқ қилиб ҳам таралмаган – оғзида битта мис, балки тилла тиш яраклаб кўринарди. Жин Ганжуан деганлари, гапнинг индаллосини айтганда, ана шунака одам эди.

Бирдан караҳтиликдан чиқкан Динг Гоуэр англади: «*Бу – тақдир, мана, ҳақиқий раҳиб*».

Партия котиби ва директор шиддат билан ўрнидан туришди, стол қиррасига урилиб кетай дейишиди. Кимdir шошганидан енги билан пиволи стаканни ағдариб юборди-ю, тўқ сариқ суюқлик дастурхонга тўклилиб, тиззаларга тушди. Улар бунга эътибор беришмади. Стулларни суриб, улар столнинг ҳар икки томонидан меҳмонга пешвоз чиққани отилишиди. Пиво тўклишидан сал олдин уларнинг қувноқ қичқириклари янгради: «Бўлим бошлиғи Жин келди!»

Меҳмоннинг жарангдор кулгиси тўлқин-тўлқин бўлиб таралди, танобий ҳавоси қисилди, Динг Гоуэрнинг бошидаги чиройли капалак ҳам қисилди. Турмоқчи эмасди-ю, барибир турди. Жилмаймоқчи ҳам эмасди, аммо юзида чукур жилмайиш пайдо бўлди. Ана шу табассум билан Динг Гоуэр янги келганнинг истиқболига пешвоз чиққани ўрнидан турди.

– Танишинг: шахар қўмитаси тарғибот бўлими бошлиғи Жин, бу эса провинция прокуратурасининг маҳсус муҳим иш-

лар бўйича терговчиси Динг Гоуэр, – партия котиби ва директор уларни бир-бирига жўрликда танишириши.

– Ҳаяллаганим учун кечирим сўрайман, – деди беҳаёларча табассум билан Жин Ганжуан, эскичасига муштумини кўксига кўйиб саломлашаркан.

У кўлини Динг Гоуэрга узатди. У кўл бериб саломлашмоқчимасди, аммо узатилган қўлни сикиб кўйди. «Гўдакларнинг гўштини ейдиган бу иблислар раҳнамосининг панжаси муздай совуқ бўлиши керак эди, – ичидан таажжубланди у. – Қизик, унинг қўли юмшоқ ва иссиқ, нега? Намчил ва ёқимли...»

– Хуш келибсиз, хуш келибсиз! – қулоғига чалинди Жин Ганжуаннинг унга қаратилган илтифоти. – Бу учрашувни интиқлиқ ва интизорлик билан кутаётган эдик, сиз тўгрингизда кўп эшитганман.

Ҳамма бошқатдан жой-жойига ўтиргач, Динг Гоуэр тишларини қисди. «Ўзимни хушёр тутишим керак, бир қадаҳ ҳам ичмаслигим лозим. Энди ишни бошла!» – буйруқ берди у ўзига.

Энди у Жин Ганжуан билан ёнма-ён ўтиради ва ўзини ҳаддан ташқари хушёр тутиётганди. «Эҳ, Жин Ганжуан, Жин Ганжуан, ҳар қанча қоядек мустаҳкам бўлма, илдизинг ҳар қанча чуқур бўлмасин, арқонни ҳар қанча узун ташлама, бир марта қўлимга тушсанг бас, қутулиб бўтсан мендан. Башарти, ишим кўнгилдаги дик чиқмаса, бошқалар ҳам оладиганини олади!»

Жин Ганжуан ташаббусни ўзига олди:

– Модомики, кечикдимми, менга ўттиз қадаҳ жарима!

Кулокларига ишонмаган Динг Гоуэр ё партия котибига, ё директорга бурилиб қаради. У тушунгандамо жилмайди. Ол либосли қизалоқ баркашда ялтираган қадаҳларнинг янгиларини олиб келди ва Жин Ганжуаннинг олдига кўйди. Иккинчи қизнинг қўлида ароқли графин бор эди, нозли ҳаракатлар билан қадаҳларни тўлдириб чиқди. Унинг тажрибасига гап йўқ: у бир томчи ҳам тўқмай, дадил, аниқ ва шиддат билан куярди. Сўнгги қадаҳга куяётганида биринчисидаги майда инжу пулфакчалар ҳали ғойиб бўлмаганди. Гўё Жин Ганжуаннинг рўпарасида гаройиб гуллар барқ уриб очилгандек. Динг Го-

үэр бутунлай ҳаяжонда эди. Аввалига хизматчи қизнинг ноёб ва мислсиз маҳоратига қойил қолган бўлса, қолаверса, Жин Ганжуаннинг йигитларча ботирлигига лол қолди. Ростданам олмос пармасиз чиннига яқин йўлама: қўлингдан келмаса, йифиштири, тамом.

Жин Ганжуан костюмини ечди, уни ўша заҳоти қизалоклардан бири олиб кетди ва Жин терговчига мурожаат килди:

– Ўртоқ Динг, дўстим, нима деб ўйлайсиз, мана шу ўттизта қадаҳдаги мъяданли сувми ё ароқми?

Динг Гоуэр ҳидлаб кўрди, аммо димоги ўлгандек эди.

– Ноннинг таъмини билмоқ учун ундан тотиб кўриш керак, ҳақиқий ароқми ё ҳақиқий эмаслигини билмоқ учун ичиб кўриш керак. Илтимос, шу қадаҳлардан учтасини танланг.

Иш ашёларидан Динг Гоуэр билардики, Жин Ганжуанга бу борада ҳеч ким бас келолмайди, бироқ таваккал қилиб ҳам бўлмасди, бунинг устига, ҳар икки томонда ўтирганлар «олинг-олинг» қилиб, қизиқтирумокда эди. Шу боис у мана шу ўттиз қадаҳ орасидан учтасини танлаб олди-да, тилининг учини тегизиб-тегизиб, ичидагини текшириб кўрди. «Хушбўйгина, аччиққина – бундан чиқди, алдаимаётган экан».

– Бу учала қадаҳни ичишингизга тўғри келади, ўртоқ Динг, отагинам! – деди Жин Ганжуан.

– Тотиб кўргандан кейин ичилади, қоидаси шу, – бир томондагиси таъкидлади.

– Ичган – айб эмас, тўкиб қўйган – айб эмас, аммо бундай неъматни ташлаб юбориш – турган-битгани увол, – кўшимча бўлди иккинчи томондан.

Динг Гоуэрнинг учала қадаҳни бўшатишдан бошқа иложи колмади.

– Раҳмат, катта раҳмат, – ташаккур билдириди Жин Ганжуан. – Энди навбат меники!

У қадаҳни кўтарди-да, унсиз симириди. Лабини ҳўл килмади ва лабини теккизиб тотиб ҳам кўрмади, бир томчи томизмади ва бир томчи қолдирмади ҳам, вижданан, чиройли ва бежирим ичди. Шундок кўриниб турибди: ичиш бўйича тенги йўқ уста. Ҳар бир қадаҳдан кейин суръат ортиб борарди, аммо ҳаракатлар ўшандай аниқ, тўғри ва бир хил эди.

Охирги қадаҳни күттаргач, у шошмай кўкси олдида гўё камонча билан скрипка пардалари устидан юргизиб ўтгандек, чиройли ёйни чизиб кўрсатди. Зиёфатхонадан назокатли паст овозлар қуилиб келди-да, Динг Гоуэрнинг томирлари бўйлаб оқа кетди. Хушёрлик бироз бўшашгандек эди ва жилға чекка-сидаги муздан биринчи баҳор майсаси ёриб чиққанга ўхшаб, кўнглида Жин Ганжуанг нисбатан илиқ туйғулар униб чиқди. У сўнгги қадаҳни лабларига олиб борганда, унинг тиниқ, қора кўзларида қайғу милтиллади. Атрофга енгил, нафосатли ва гўзал қайғу нафасини таратаркан, бу одам оккунгил ва сахий бўлиб қолганди. Мунгли наволар тараала бошлади, салқин куз шабадаси тўқилган заррин япроқларни ўйнарди, сағаналар олдида майдо оқ гуллар очилганди. Динг Гоуэрнинг кўзлари намланди, гўё бу қадаҳда у қоялар ичидан отилиб чиққан ва чукур ложувард кўлга келиб тушадиган мусаффо чашмани кўргандек бўлди. У бу одамни яхши кўриб қола бошлаганди.

Партия котиби ва директор чапак чалар, олкиш сўзлар айтардилар. Бой шеърий таассуротларга тўлиб-тошган Динг Гоуэр бир оғиз ҳам сўз айтмади. Бирмунча вақт орага жимлик чўқди. Ол либосдаги тўрт нафар хизматчи қиз кулоқ солаёт-гандай қимир этмай турарди, гўё чукур хаёлга толган, бир-бирига ўхшамайдиган канна¹ гулларининг ўзгинаси.

Кондиционернинг ғалати гувиллашигина сукунатни бузарди. Партия котиби ва директор баланд овозда Жинга яна ўттиз қадаҳ сипқоришни таклиф қила бошлади, аммо у бошини чайқаб:

– Йўқ, мен бундай қилмайман, асалнинг ози ширин, дейдилар. Аммо ўртоқ Динг билан биринчи учрашувни нишонламай бўларканми – уттадан уч марта, – деди.

Ҳамма нарсани унугиб, Динг Гоуэр шу одамга қараб қолди: ўттиз қадаҳни пақкос урсаям, лоақал афти буришмади-я. Жиннинг хатти-харакатига шу қадар маҳлиё бўлиб қолган, ёқимли овозига шунчалик мафтун бўлиб қолган, унинг мис ё тилла тишининг енгил товланишидан шунчалик таъсирлангандикি, уч карра уч тўққиз бўлишини дарҳол англаб етмади.

¹ Канна – катта ёркин гулли тропик ўсимлик, безак сифатида фойдаланилади.

Унинг олдига түккизта түлдирилган қадаҳни қўйишиди. Жин Ганжуаннинг олдига ҳам ўшанча. Бу одамга бўлган эҳтиромига қарши тургани унинг мажоли қолмаганди, тана ва хуш бир-биридан айро эди: «*Ичма!*» – қўл эса шартта қадаҳни оғзига тўнкаради.

Тўккиз қадаҳ меъдага қуйиб бўлинганда, унинг кўзларига ёш қалқди. «Ие, нима бўлди ўзи, тағин зиёфатда-я? Ҳеч ким урмаган, ҳеч ким сўкмаган бўлса, нега йиғлаяпман? Қаёқданам йиғлардим. Сени қара-ю, бир гал ёш чиқса, дарров йиғлаган бўлаверадими?» Бироқ кўз ёшлари тобора тошиб келмоқда эди ва кўп ўтмай ёмғирдан кейинги япроқ каби бутун юзи жиққа хўл бўлди.

– Гуруч беринглар, ўрток Динг овқатланиб бўлгандан кеин дам олсин, – қулоққа чалинарди Жин Ганжуаннинг овози.

– Ҳали асосий таом берилгани йўқ!

– Э-ха... – Жин Ганжуан ўйланиб қолди. – Бўпти, тезроқ беринглар!

Ол кийимдаги хизматчи қиз кактусни олиб келди. Бошқа иккитаси каттакон тилла суви югуртирилган айланана баркашни олиб кирди, баркашда чордана куриб бир ўғил болача ўтиради; ундан ажойиб бўй тараларди, тилларанг-сариқ баданидан эса ёғ томарди.

II

Мұхтарам мураббий Мо Ян!

Хатингизни олдим. Шахсан жавоб қайтаришга вақт топганингиз, шунингдек, ҳикоямни «Фуқаро адабиёти»га шунчалик тез тавсия этганингиз учун Сиздан беҳад-беҳад миннатдорман. Кайфи ошиб, алжираяпти, деманг – эҳтимол, бу яхшимасдирип – аммо ушибу ҳикоя ижодий янгилик руҳига, мусаллас моҳияти руҳига тўла, инқиlobий руҳга тўла, мабодо, «Фуқаро адабиёти» уни эълон қилмаса, демак, мұхаррирлари кўр экан.

Жаноб Ли Цининг Сиз тавсия қилган «Мени им қаторига қўя кўрманг» китобчасини ўқиб чиқдим. Расвои радди бало экан-ку бу им. Тўгерисини айтсам, у менинг чапараста жаҳлимни чиқарди. Бу Ли Ци дегани аъло, мұқаддас адаби-

ётни уятсизларча поймол қиласы, модомики, бунақага сабр қилиши керак бўлса, унда сабр қилмайдигани қанақа бўлади?! Қачон бўлмасин, у билан учрашиб қолгудек бўлсан, шундай баҳслашаманки, ё нари, ё бери бўлади – ўрта йўл йўқ! Шунақанги эътиrozларни билдираманки, етти тешигидан қонлар тизилаб отилсин, баданида қўкармаган, ёрилмаган жойи қолмасин, онасини нақ учқўргондан кўрсин. На ўлиги, на тириги билинмай қолгунча дўппослайман, «Бир буддавий дунёга келса, бошқаси нирванага кетади», деган гапни қиласман ўшандо.

Устоз, мутахассисликни расамади билан ўрганиши менга Жюгуда порлоқ келажак ваъда қиласы, деб ёзганингизда Сиз мутлақо ҳақсиз: еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда бўлади, уйлик бўласиз, мартабангиз ортади, тул ва сувув аёллар бисотингизда. Аммо мен ёши йигитман, менинг ўз орзуларим бор ва бир умр мусалласда ачиб ўтиши хоҳишим йўқ. Мен Лу Синга ўхшагим келади, у адабиётни деб шифокорлик касбидан воз кечди. Мен мусалласни ташлаб, адабиёт билан шугулланишини, унинг ёрдамида тогни сурган Юй Гунга ўхшаб жамиятни ўзгартиришини, хитойликларнинг миллий онгини ҳам бошқа ўзанга солиб юборишни ўзимга мақсад қилганман. Мана шу олий мақсадни деб мен бошимни кундага қўйишга ва қон тўкишига тайёрман. Модомики, бошимни кундага қўйишга тайёр эканман, бошқа нарса тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади!

Устоз, мен адабиёт билан шугулланишига азму қарор қилдим, мени бу мақсаддан ҳатто ўнлаб қудратли суворий ҳам қайтаролмайди, айтишади-ку, «Бозорчи хотин тарози тошини ютиб юбориб, темирдай мустаҳкам бўлди», деб, бинобарин, мени аҳдимдан қайтишига уринишнинг кераги йўқ. Агар Сиз шунга бел боғлагудек бўлсангиз, менинг Сизга бўлган меҳрим нафратга айлангусидир. Адабиёт – халқ иши, наҳотки кимларгадир у билан шугулланиши мумкин-у, менга мумкин эмас?! Маркс олдиндан кўра билганидек, коммунизмнинг муҳим мақсадларидан бири санъатнинг меҳнат билан ҳамда меҳнатнинг санъат билан қўшилиб кетишидир ва биз коммунизмга етганимизда, ҳамма ёзувчи бўлади. Албатта, биз ҳозир бошлангич палладамиз, бироқ бошлангич



палла қонунларида мусалласиунослик номзодларининг романлар ёзишига рухсат этилмаслиги ҳақида лом-мим дейилмайди. Сиз, устоз, ҳеч қачон бу ярамас ҳаромзодалардан ибрат олмаслигиниз керак, улар ном қозониб оладилар-да, адабиёт олами устидан яккаҳокум бўлиб олишига ҳаракат қиласадилар. Бошқалар ҳам ёзаётганига қўзлари тушиши ҳамоноқ газабга минадилар. Халқ ҳикматларида бундай дейилади: «Янғизидаги бир долга бошқасига жой бергани каби, оқимдаги бир тўлқин ўрнига бошқаси келгани каби, ўрмонда эски япроқлар янгилари билан алмашгани каби, ёшлар ҳам тировард-оқибатда кекса авлод устидан ғолиб келадилар». Униб келаётган кучларни босишига ҳаракат қиласан ҳар қандай аксилиңилобчи аравани тўхтатиб қолишига чиранган бешиктерватарга ўхшайди.

Устоз, бизнинг лабораториямизда бир аёл маълумотнома ҳужжатларига мутасаддиллик қиласади. Унинг исми Лю Ян ва у ўзини сизнинг шогирдингиз деб билади. Сиз кичик зобит маркибининг Баодин билим юртида сиёсий йўриқчи бўлганингизда, Сизнинг машгулотларинингизга қатнашганини айтганди. Мен ундан кўп қизиқ нарсаларни билиб олдим ва натижада менда Сиз тўгрингизда тўлароқ тасаввур юзага келди. У Сизнинг машхур ёзувчимиз Ван Мэннинг тингловчилари олдида қандай салом берганингизни айтиб берди, у Сизнинг сўзларининг ҳафталиқ иловасида Ван Мэн ёш муаллифларни улар танлаган йўлдан четлатишга чақирибди, ҳолбуки, бу йўл шусиз ҳам гавжум бўлган. Аёлнинг эслалича, ўшандада сиз газаб билан унга ўшқириб берибсиз: «Адабиётда битта Ван Мэн ҳукмронлик қилиши мумкини? Овқат борида ҳамма овқат ейди, кийим борида ҳамма кийинади. Менга чекинишини тақлиф қилишаади, мен эса олга боришни истайман!»

Устоз, сиз билан боғлиқ бу ажойиб воқеадан дарак топгач, мен бир дафъадаёқ ярим литр узум мусалласини пақкос урдим. Бундан шунақсанги тўлқинланиб кетдимки, ўнта бармоғим баравар титраб кетди, томирларимдаги қон биқирилаб қайнади, қулоқларим саллагул япрогидаи қип-қизил бўлиб ёнди. Сўзларингиз бамисоли сурнинг жарангдор ово-

¹ «Хитой ёшлар газетаси»

зидек, гувиллаб өсгән шамолдек вужудимда жанговар рүхни уйготиб юборди. Бир вақтлар Сизда бўлганидек шох-шабба устида ухлашини, кўзларимдан учқун сачраши учун зардоб ялашини, ўзимни харига соч толаси билан боғлаб қўйшини ва оёгимга болга билан уришини, «қаламдан қурол ясаши»ни истайман.

Ўлсан ўламанки, ортга чекинмайман, муваффақиятга эришимасам-да, гоя учун қурбон бўламан.

Устоз, Лю Яннинг ўшандада Сиз қанақа бўлганингиз ҳақидаги ҳикоясини тинглаганимда ва Сизнинг хатингизни қайта-қайта ўқиганимда, вужудимни қайғу ва тушкунлик чулгаб оларди: ахир Сизнинг ўз вақтида Ван Мэн ёш адабларга (шу жумладан Сизга ҳам) маслаҳат берган нарсага даъват этмаяпсизми? Бундан жуда даҳшатли аҳволга тушиб қолдим. Устоз, ҳой, устоз, ёлбораман, анови беҳаё нусхаларга ўхшаб ит талаган гадойнинг таёгини олиб отиш ва бошқа гадойларга ташланиши ярашмаган иши. Ўтмиша, устоз, Сиз ҳам, менимча, маймундай озиб-тўзиб юргансиз, очликдан ичакларингиз кўкариб кўриниб турган, Сиз ҳам адабиёт йўлида қийинчиликлар ва муҳтожликларни тотгансиз. Шу боис бошдан кечирган азоб-уқубатлар ҳақида унумаслик керак, чунки Сиз нафақат менинг муҳаббатим ва ҳурматим, балки минглаб ёши адаблар меҳру муҳаббатидан маҳрум бўлишингиз мумкин.

Устоз, кечакорун яна битта нарса ёздим – «Гўшт болалар» деган. Назаримда, бу ҳикояда мен Лу Синнинг услугига анча яқинлашганман ва қўлимдаги қалам ўткир йўнгичга айланган, у билан чириган ахлоқдан «маънавий тамаддун» деган жозибадор қобиқни олиб ташлаяпман ҳамда унинг ваҳшиёна моҳиятини фоши қиляпман. Бу ҳикоя «аёвсиз реализм» тоифасига киради. Мен уни бугунги «кўнгилочар адабиёт»га қасдма-қасд ёзганман, ҳалқ оммаси тажрибаси сари боришига сўз билан даъват қилганман. Мен бу ерда, Жюгуда жиср бойлаган бизнинг барча мана бу сотқин амалдорларга даҳшатли зарба беришни ўйлаганман ва бу ҳикоя, шубҳасиз, «зулматли салтанатдаги ёѓду», бугунги «Телбанинг кундаликлари»дир.

Борди-ю, уни босиб чиқарадиган нашириёт топилса, у, албатта, ажойиб самара беради, кўпларнинг кўзини очади. Хат билан қўшиб, ҳикояни ҳам жўннатяпман ва уни ҳар томонла-



ма танқидга дучор қилинг. «Хақиқий моддиюн ҳеч нарсадан күркмайды», шу боис, устоз, худди аёлларга қилинганидек ҳеч қанақанги тақаллуғынинг кераги йўқ ёки ўзингизни ўтга-чўққа уришингизнинг ҳам ҳожати йўқ. Ўз нуқтаи назарингизни тўғри айтаверинг, мајсмагиллик ҳам қилманг, гапни айлантириб ҳам ўтируманг, бирорга тегиб кетаман, деб кўркманг ҳам – атрофга олазарак қараманг, кўнгилда борини чиқариб ташланг, ахир, айтадилар-ку, чумчуқдан кўрккан тариқ экмас, деб; бу бизнинг партиямизнинг жонли анъаналаридан бири.

Мабодо, «Гўшит болалар»ни ўқиб бўлиб, Сиз ҳикоя дара-жасини чоп этишига муносаб деб билсангиз, илтимос, уни нашр қиласидиган жойни ҳам топсангиз. Албатта, алоқалар бугун кераклигини тушунаман, марҳумни куйдиргани ўчоққа жўнатишшапти-ку, ҳикояни босмахонага бериш нима бўпти? Шунинг учун, устоз, уялманг ва шартта уларни бир ёқлиқ қилинг. Башарти, бирорни ресторонга олиб бории ёки совга қилиши керак бўлиб қолса, харажатлар тўланади (чипта олишини унумтуманг).

Устоз, «Гўшит болалар» – менинг катта саъй-ҳаралатларим меваси, мен бу ҳикояга бор қалбимни берганман, шунинг учун уни «Фуқаро адабиёти»га олиб борган маъқул. Бундай дейишшимдан мақсад: биринчидан, «Фуқаро адабиёти» – Хитой адабий доираларининг етакчи наци, у барча адабий оқимларни белгилайди ва у ерда бирон нарсани чиқарии вилоят ёки шаҳар нашириётларидан икки баравар қимматга тушади. Иккинчидан, «Фуқаро адабиёти»ни, бу мустаҳкам қалъани ҳужум билан олиш учун мен тактикага амал қиласман, яъни бошқасига парво ҳам қилмай, битта нуқтага уравераман!

Хурмат ва яхши ниятлар ила тинчлик ва хотиржасамлик тилаб шогирдингиз

Ли Идоу

P.S.: Устоз, бир ошнам иши билан Пекинга кетяпти, ундан Сизга деб бир қутти (ўн икки шиша) бизнинг Жюгуодаги энг аъло мусалласдан олиб бориб бершишини илтимос қилдим, бу – «Люй и чун де» бўлиб, уни ишилашда ўзим ишитирок этганман. Илтимос, татиб қўринг.



III

Мұхтарам мусалласиунослик фанлари номзоди, ассалому алайкум!

Олиб келингән «Люй и чун де» учун ташаккур: ранги ҳам, ҳиди ҳам, таъми ҳам ажсойиб. Фақат бир нарса тишига тегади, аёлдагига ўшаб, қандайдир умумий уйғунлик йўқ, аёлнинг юзи шундай бежисирим қилиб яратилганки, гўзал эмас дёёлмайсан, шунга ўшаган қандайдир ифода этиб бўлмайдиган фусун йўқ. Менинг киндиқ қоним тўклигган жойларда ҳам яхшигина мусаллас тайёрлашади. Аммо уни сизларнинг Жюгудагингиз билан тенглаштириб бўлмайди. Отамнинг ҳикоя қилишича, юзтacha аҳоли истиқомат қиласидиган мўъжазгина қишлоқчамизда иккита мусалласхона бўларкан, у ерда гаоляндан мусаллас қилишган, ҳар икковининг русуми бўлак-бўлак. Бир мусалласхонанинг номи «Жунжи», иккинчисиники «Жюйюан» бўлганди. Уларда ўнлаб иичилар ишишган, ҳўқизлар ҳам, отлар ҳам, хуллас, йўқ нарсанинг ўзи йўқ бўлган. Тариқдан сариқ мусаллас тайёрлашга келсак, бу билан деярли бутун қишлоқ шуғулланаркан, ҳақиқатан ҳам «ҳар бир уйда мусаллас бўйи, ҳар бир ҳовлида ширин булоқ бор».

Отамниг амаки укаларидан бири ўша вақтларда мусалласхоналарда мусалласни қандай қилишларини ва уларни қандай бошқаришларини батрафсил гапириб берганди: отам «Жунжи»да ўн ийлдан ортиқ ишишганди. Мен «Гаолян мусалласи» қиссаси устида ишишганимда, унинг тажрибаси энг қимматли аиё бўлиб хизмат қилганди. Қадрдон қишилогим узра унинг тарихидаги барча замонларда айланиб юрган бу мусаллас бўйи менга илҳом берганди.

Мусаллас мавзуси менга гоят мароқли туюлади, бунинг устига, мен мусаллас ва маданият ўртасидаги алоқа масаласи билан жиоддий шуғулланяпман. Изланишларим натижасалири озми-кўми даражада «Гаолян мусалласи»да акс эттирилган. Ҳозир мен мусаллас ҳақидаги романни ўйлаб қолдим ва буни қарангки, Сиз, мусалласиунослик номзоди билан рўбараў турибман. Буни омад деса бўлади, бунақасини етти ухлаб тушимда кўрмаганман. Энди, ҳойнаҳой, насиҳат беринг, деб



*Сизга мурожсаат қыламан, шекилли, шу боис, умид қыламанки,
Сиз мени ортиқ устоз деб атамайсиз.*

Сизнинг хатингиз ва «Гүшт болалар» ҳикоянгизни ўқиб чиқдим ва шу муносабат билан пайдо бўлган кўпдан-кўп мулоҳазаларимни ўртоқлашсан дегандим. Аввал Сизнинг хатингиз борасида:

1. Ўйлайманки, тентаклик ва оқиллик сингари инсоний зуҳурлар айни вақтда бир-бирига зид келса, бир-бiri билан боғлиқдир ҳам, шу боис, нима яхшию нима ёмон эканини айтиши қийин. Аслида ким тентак бўлса, ҳаётда гоят оқил бўлиши мумкин; ақсли бўлиб кўринган одам эса юрагининг ич-ичидан зўр тентак ҳам бўлиши мумкин. Шундай одамлар борки, баъзи ҳолларда ўзларини гирт жиннидай тутади, яна бир жойда кўрсангиз, ҳаддан ташқари сипо, оғир-вазмин. Гирт жинни ва муттасил оғир-вазмин бўлиб юриши ўзи йўқ нарса. Сизнинг, азизим, «маст жинни»нгизга келсак, бу кўпроқ кимёвий реакция натижаси ва сиздан ўтка-гина қилишига асло ҳаққимиз йўқ. Ичилган мусалласдан кейин сенинг улуғвор ҳис-туйғуларингга қойил қоламан, ичгандан кейин эса сен бир неча бор «Фуқаро адабиёт» манзили бўйлаб юриб ўтдинг, бу ҳам менга маълум бўлган ҳеч қандай қоидага хилоф келмайди, боз устига, сен уларни онадан олиб сўклидинг, фақат бир гапни айтдинг: «агар журнал чоп этмаса, муҳаррирлар кўр экан», дединг.

2. Ҳудди шундай роман ёзган Ли Цининг бу борада ўз фикрлари бор ва агарда сенга ёқмаса, китобни ёп-да, бир четга қўйиб қўй, уни ўқима. Агар бир замонлар уни учратиб қолсанг, бир жуфт «Люй и чун де»дан келтириб бериб, ундан қутул ва кўзига кўринма. Сўнг зинҳор-базинҳор инқилобий романтизмга мукласидан кетма, ҳеч қачон ва ҳеч қанақанги «жонга жон, қонга қон» қабилидаги баҳсга кириша кўрма. Бунинг устига, муштлашиб ҳам барака топмайсан. Бу жинқарча бағуаюан¹ усулларидан доҳабар, жиноят дунёси билан чамбарчас боғлиқ, у ёвуз ниятли ва шафқатсиз одам, ҳеч нарсадан қайтмайди. Айтишиларича, Пекинда бир парти кетиб, шарти қолган адабий мұнаққид қилар иши йўқлигидан мақола ёзибди, унда Ли Цининг ижодини роса танқид

¹ Хитой жанг санъати – ушунинг турларидан бири.



қилибди. Бу мақола босилиб чиққанидан уч күн ўттар-ўтмас Ли Ци шу мунаққидининг хотинини шерик-периклари билан қўшиб Таиланддаги бир фоҳишаҳонага сотиб юборибди. Шу боис, ёлвораман, эсинг борида этагингни йиғ. Бу ёргу оламда ҳатто Арии аълонинг ҳукмдорини ҳам аямайдиган одамлар тўлиб-тошиб ётибди. Ли Ци ўшандайлардан биттаси.

Борди-ю, сен адабиёт билан шугулланишига чиндан азму қарор этсанг, агар «бозорчи хотин тарози тошини ютиб юборган» бўлса, гумроҳ ўғил сингари сени олдинги йўлга қайтгин, деб кўндиришига ортиқ жазм этмайман, мени ёмон кўриб қолишингни истамайман ҳам. Борди-ю, беихтиёр кимгадир қарши тиши қайраётган бўлсанг, унда иложсим йўқ, аммо бунга атайлаб қўл уриши, эл айтганидек, ойнага қараф туриб, кўзнинг пахтасини чиқармоқ бўлади. Бусиз ҳам тасқараш тараққосман, тагин кўзимнинг пахтасини чиқарганим нимаси?

«Адабиёт оламига яккаҳокум бўлиши»ни хоҳлаётган мана бу «ярамас ҳаромзодалар»ни нега беҳуда яшираётганинг менинг парвойимга келмайди. Борди-ю, улар ичидан кимдир ростданам шуни ўйлаган бўлса, сенга қўшиб униям сўкаман.

Ўн ишдан кўпроқ вақт муқаддам Баодин ҳарбий билим юртида дарс берганимга келсак, мен машгулотларимга бир неча юз курсант келганини эшиштдим ва Ли Ян исмли иккита курсант қиз борлиги элас-элас эсимда: бири оппоқ юзли, кўзлари чақчайган, иккинчиси қорачадан келган, семиз ва бақалоқ – сен билан қайси бири ишилашини билмайман.

Аммо аудиторияда Ван Мэнни сўkkанимни эслолмайман. Ҳа-я, ёши адабларнинг ўзларига холисона баҳо бериш борасидаги таклифим баён этилган унинг мақоласини, янгилишимасам, ўқиганман ва ўша вақтларда бундай мақолани юрагимга яқин олган бўлсам бордир ва ич-ичимдан изтироб чеккандирман. Бироқ маъруза чогида Ван Мэнни сўкишиш, тагин коммунизм тарғиботи билан шугулланиб турганимда сўкишиш – бунақаси икки дунёда бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Аслида мен ҳалигача «гадойнинг ҳассаси»ни олиб отганим йўқ ва ўйлайманки, қачондир отишимига тўғри келганда ҳам «боиқа гадойга ташланиш» ниятим йўқ. Албатта, бунга кафолат беролмайман, чунки инсон ўзгаряпти ва бу ўзгаришилар кўпинча унга боғлиқ бўлмайди.

Энди Сизнинг асарингиз хусусида:

1. Сиз уни «шафқатсиз реализм» деб таърифлайпсиз. Ушбу «изм» нимадан иборатлигини тушунтириб беролмайсизми? Гарчи умумий маъноси равшан бўлса-да, бунинг нима эканини мен охиригача тушунмадим. Ҳикоядаги воқеалар тавсифидан ақл шошиб қолади, яхшиямки, бу бор-йўғи адабий асар экан. «Далил адабиёти» жанрида Сиз ул-бул ёзгудек бўлсангиз борми, нақ бошингиз балога қоларди.

2. Асар чоп қилишга арзийдими ёки йўқми деган масала-га келгунга қадар одатда иккита мезон қўлланади: сиёсат нуқтаи назаридан ва санъат нуқтаи назаридан. Ҳар иккала ёндашувни ҳам тушунмайман. Бу ерда ўзи ҳаммаси тушунарсиз. Шу боис мен «гайриоддий нарса»нинг ўзини кўрмаяпман. «Фуқаро адабиёти»да жуда кўп истеъододлар тўпланган ва Сиз уларнинг танқидий жавобларига дикқат билан қулоқ солсангиз бўлар экан.

Сизнинг асарингизни журнал таҳририятига жўнатиб юборганиман. Ресторанг тақлиф ва тортиқлар қилишга келсак, бу бутун бир илм-ку, менинг бунга тишим ўтмайди. Бундай ёндашув «Фуқаро адабиёти» сингари йирик нашириётларга нисбатан фойдалими, йўқми эканини англаш, афтидан, ўзингнинг зиммандаги ишга ўхшайди.

Омад тилаб қоламан!

Мо Ян

IV «Гўшт болалар»

Куз. Эрта тонг. Осмонда ой кўринди ва Фарб томонда ярми эриган, четлари хира муз парчасида осилиб қолди. Чукур уйқуда ётган Жюсянжун кишлоғи муздек ойдинга кўмилади.

Худди чукур ер остидан келаётгандек кимнингдир кўндоғидан хўрозднинг қичқириғи бўғиқ янграйди.

Бу товушдан Жиннинг хотини Юанбао қаттиқ чўчиб тушди. У адёлга ўраниб ўтириб олди-да, уйкусираганча атрофга ташвишли аланглади. Деразадан яшилтоб-оқ ойдин нури тушиб турар ва кора адёл устида кўплаб чорси шакллар ўлик тусда оқариб кўринарди. Ўнг томонда эрининг муздек

оёқлари чиқиб ётарди. Адёлнинг бурчагини кўтариб, эрининг устини ёпиб қўйди. Чап томонда ғужанак бўлиб ётган Сяо Бао бир маромда хуррак отарди.

Хўроз яна қичқирди, бу янада узоқдан, янада қулоқقا бўғиқроқ чалинди: аёл кунишди, шошиб ўрнидан турди, адёлни тортиб қўйди ва ҳовлига чиқиб, бошини осмонга кўтарди. Фарбда учта юлдуз чаракларди, Шарқда Етти Опа-сингил тўп бўлиб туарди, ҳадемай тонг отади.

У эрини турткилай бошлади:

– Туринг энди, тезроқ, Етти Опа-сингил чиқиб бўлибди.

Эри хуррак отишдан тўхтади, бир неча марта лабини ялади-да, туриб-ўтириб, талмовсираганча атрофга қаради:

– Нима, тонг отдими?

– Ҳадемай отади. Олдингидай бўлмаслиги учун сал эртароқ йўлга тушинг – куруқ бориб-келиб юравермай.

Эр енгил курткасини шошмай кийди, ўрнининг бош томонида ётган тамакидонига қўл чўзди, трубкани олиб тамаки тўлдириди-да, оғзига сукди. Кейин чақмоқтош, ёнилғи, куқун олди-да, ўт олдира бошлади. Катта-катта учқунлар сачради, учқунлардан битта-иккитаси куқунга тушди, у лабини чўччайтириб пулфлай бошлади. Қоронғиликда оловнинг қип-қизил тили ялтиради. Трубкани ўт олдириб, икки марта тез-тез тортди-да, оловни ўчиришга шайланди, аммо хотини уни тўхтатди:

– Чироқни ёқмайсизми?

– Шартмикин?

– Ёқинг. Озгина керосин кетгани билан камбағал бўлиб қолмаймиз.

Кўкрагини ҳавога тўлдириб, у куқунга узоқ пуллади, куқун тобора яллигланиб борарди, охири у росманасига алана олиб ёна бошлади. Хотини чироқни олиб келди, ёқиб, деворга осиб қўйди. Уй ичи хира яшилтоб ёғдуга тўлди. Эр-хотиннинг кўзлари тўқнаш келди ва дарҳол кўзларини олиб қочишиди. Ухлаб ётган болаларидан бири уйқусида гапира бошлади, гапирганда ҳам нақ наъра тортиб гапирди. Бошқа бири кўлинин чўзиб, қурум босган деворда айлантира бошлади. Учинчиси хиқ этиб қўйди. Эр боланинг кўлинин адёл тагига сукиб қўйди ва айни вақтда асабий тарзда ҳиқиллаганнинг социдан силади:



- Нега инграяпсан, зааркунандагинам?
- Сув иситайми? – хұрсанди хотин.
- Исит, – рози бўлди эр. – Икки чўмич, ортиғи керакмас.
- Бу сафар уч чўмич исита қолай, – ўйлаб туриб таклиф килди хотин. – Қанча тоза ювса, шунча ёқар.

Эр ҳеч нима деб жавоб бермади, факат трубкасини олдида, эхтиёткорона ширин уйқуни ураётган болакай ётган ўриннинг бурчагига яна қараб қўйди.

Хотин ёруғ хар икки хонага тушсин деб чирокни эшик устига кўчирди. Қозонни ювди, уч чўмич сув қўйди, қопқоқни ёпди, бир тутам похол тутантариқни чироқдан ўт олдириб, ўчокқа сукди. Похол гуриллаб ёна бошлади, хотин яна похол ташлади, оловнинг сариқ тиллари ўчоқ чеккаларини ялашга тушди, оловдан хотиннинг юзи ёришди. Эр ўрин яқинидаги пастак курсичага чўнқайди ва худди ёшариб қолганга ўхшаган хотинига маъносиз тикилди.

Қозонда сув жиғиллашга тушди ва хотин ўчоқقا яна похол ташлади. Эр трубкасини ўрин чеккасига итқитди-да, йўталиб, сўнник оҳангда гапириди:

– Қишлоқ кунчиқаридаги Сўйлок Суннинг хотини тагин бўйида бўлиб қолибди, олдингисини ҳали кўкракдан ажратгани ҳам йўқ эди.

– Ҳаммада бир хил бўлаверадими? – эрини маъқуллади хотини. – Ҳар йили биттадан бола туғишига ким йўқ дейди! Бунинг устига, уч эгизак!

– Зангтар Сўйлок жа йўлини топиб олган, қайниси борлигидан яхши фойдаланяпти, сифат назоратчиси: одамлардан олмайди, бундан эса – марҳамат. Уникининг иккинчи нав эканини овсар ҳам билади, лекин доим олий навга ўтказади.

– Азалдан шундай бўлиб келган, бой бойга бокар, сув сойга оқар, – маъқуллади хотин.

– Аммо бизнинг Сяо Баони биринчи навга баҳолашади, мана мени айтди дерсан. Ҳеч ким болага шунча пул сарфламаган, – давом этди эр. – Ахир сен юз жин¹ нўхат нонни, ўнталаб товоңбаликни, тўрт юз жин редискани паққос ургансан...

¹ Жин – 0,5 кг оғирлик ҳисобида.



– Мен пакъос урган эканманми? Қорнимга келиб тушганини айтмаса, ҳаммаси сутга айланиб, мана шу боламиз битта кўймай сўриб олди-ку!

Сұхбат асносида қозондаги сув қайнади, қопқоқ остидан паға-паға буғ кўтарила бошлади. Буғ юқорига кўтарилгани сайин чироқ оловнинг қизил ловияга ўхшаш тилчаси туманли ҳавода элас-элас кўзга чалинарди.

Хотин бошқа похол ташламади, эрига амр қилди:

– Тоғорани олиб келинг!

Эр жавобан нимадир деб тўнгиллади, ичкари эшикни очди, ҳовлига чиқди ва чеккалари кўчган, кора рангдаги катта тоғорани кўтариб қайтиб келди. Тоғоранинг тубидаги қолдик сувни юпқа муз қоплаганди.

Хотин қозондан қопқоқни олди, бирдан кўтарилган буғ сал бўлмаса чироқни ўчириб кўяёзди, кади чўмич билан қайнок сувни тоғорага қуя бошлади.

– Озгина совук сув солмайсанми? – сўради эр.

Хотин қўлини сувга солиб кўрди.

– Йўқ, ўзи яхши. Олиб келинг ановини.

Эр кўшни уйга ўтди ва эгилиб, уйкуда хуррак отаётган болани қўлига олди. Бола инграб кўйди.

– Ўзимнинг гавҳарим, Сяо Бао, – эркалатиб деди Жин Юанбао, унинг кетига шапатилаб. – Йиғлама, ҳозир даданг сени чўмилтириб кўяди.

Хотин эридан болани олди. Бола қоринчасини дўппайтириб, чучук тилда гапирганча унинг сийнасига интилди:

– Қорним оч, ойи... Қорним оч, ойи...

Хотин ноилож ерга чўқди-да, нимчаси тугмаларини ечди. Сяо Бао оғзини тўғри кўкракка олиб борди-да, хузур қилиб чўлп-чўлп эма кетди. Худди боланинг юки босгандек, она қаддини эгди.

Эр тоғорадаги сувни чапиллатиб урганча, хотинини шоширди:

– Эмизма, сув совийди.

Хотин гўдакнинг кетига шапатилаб:

– Болажоним, бўлди қила қол, айланай. Бир томчи ҳам колдирмай эмиб бўлдинг-ку. Кел, ювинтирайлик сени. Сени



оппоқ қилиб чўмилтирамиз-да, шаҳарга жўнатамиз, у ерда ҳаммадан яхши, тўқ яшайсан, – деди.

Она куч билан уни ўзидан ажратди, бироқ бола қўкракдан тишлаб кўйиб юбормаётганди, худди қайишқоклигини йўқотган эски резинадай, унинг қуруқшаган озғин сийнаси олдинга чўзилди.

Жин Юанбао силтаб болани ўзига тортди ва хотини «вой» деб юборди, бола эса чинкириб йиғлай бошлади. Ота унга бир тарсаки туширди-да, жаҳл билан ўшқирди:

– Чинкирма! Дунёни бошига кўтараман дейди-я!

– Оғирроқ бўлсангиз-чи, жа қўлингиз югурик бўлиб колибди, – хафа бўлди хотин. – У ер-бу ери қўкариб қолса, яна сифатини пасайтиришади.

Эр шартта боланинг кийимини ечди-да, бир четга улоқтирди, сувга қўлини солиб кўрди ва минфираб: «Иссикроқ, шуниси маъқул, кири яхши кетади», – деди-да, қипяланғоч болани тоғорага солди. Бола чинкириб юборди. Олдинги чинкириши ҳам чинкириш бўлибдими, буниси нақ дунёни бузиб юбораётди. Оёқчаларини қисиб, у тоғорадан чиқишига жон-жаҳди билан уринарди, Жин Юанбао эса уни тоғорага ботиришга ҳаракат қиласарди. Иссик сув хотиннинг бетига сачради, у болани иккала қўли билан маҳкам ушлаб, аста:

– Дадаси, жуда иссиқ экан-да, бадани қизариб, яна сифати бузилиб қолмасин, – деди.

– Чинкиришини кўрмаяпсанми бу шумтаканинг, худди бу менга керакдай, – тўнғиллади эр. – Бу иссиқ ҳам унга совук ҳали. Бўлти, ярим чўмич совуқ сувдан күя қол.

Хотин шошиб ўрнидан турди, осилиб турган сийнасини яширишга ҳам улгурмади, нимчасининг узун барлари ивиган байроқдай оёклари орасида осилиб ётарди. У ярим чўмич совуқ сув олиб, тоғорага қўйди ва қўли билан тез-тез айлантириб, сувни човуштириди:

– Яхши, энди ўзига келди. Йиғлама, жавоҳирим менинг, йиғлама.

Сяо Бао энди олдингидай чинкириб йиғламаётганди, лекин оёқ ва қўлларини типирчилатишдан тўхтамаётганди: у чўзилишни зинҳор истамаётганди. Жин Юанбао ўжарлик би-



лан уни тогорага олишга уринарди. Қўлида чўмич тутганча унинг ёнида миқ этмай турган хотинига ўшқириб берди:

– Нега ўлікдай жим турибсан? Бундоқ ёрдамлашсанг-чи!

Үйғониб кетгандай хотин чўмични қўлидан тушириб юборди. Тогора олдида чўнқайиб ўтириб олди-да, болага сув чалпиб, думба ва оёқларини юва бошлади. Нариги уйдан уларнинг тўнғичи – етти-саккиз ёшлардаги жажжи қизалоқ чиқиб келди, у оёқяланг, тиззадан келадиган қопсимон қизил иштонда эди, соchlари тўзгин. Бошини елкаси ичига тортганча уйкусираб кўзини ишқалади:

– Дада, ойи, уни нега чўмилтиряпсизлар? Тушликка қовуриб бермоқчимисизлар?

– Бор, ётиб ухла! – уришиб берди уни Жин Юанбао.

Опасига кўзи тушиши билан Сяо Бао баттар ўкириб йиглаб, уни ёрдамга чакирди. Опаси эса нафаси ичига тушиб, жимгина яна хонаси томон кетди, бўсағада тўхтаб, ота-оналарини кузата бошлади.

Сяо Бао йиглайвериб, бўғилиб қолди, энди у тўхтовсиз қичкириб йигларди, ора-чора кўз ёши тўхтаб, ҳиқ-ҳиқ қиласарди. Исик сувдан бола баданидаги кир ювилиб, сирпанчиқ ва ёғли бўлиб кетган, тогорадаги сув эса қоп-қора бўтанага айланганди.

– Ишқалагич билан атир совунни опке, – буюорди эр.

Хотин ўчоқ ортидан унисини ҳам, бунисини ҳам олиб келди.

– Энди уни ушлаб тур, – қўшимча қилди эр, – мен эса ювинтираман.

Улар жой алмашишди.

Жин Юанбао ишқалагични тогорага ботирди, косадаги сувга бироз совун солиб араплаштириди ва боланинг бўйни, думбаси ва ҳатто бармоқлари орасини ишқалади. Совун кўпигига қўмилган Сяо Бао яна овозининг борича чинкириб йиглай бошлади ва уй ичи даҳшатли бадбўйга тўлди.

– Ҳой, дадаси, бунча ҳовлиқмасангиз, – деди раҳми келиб хотин. – Терисини шилиб олдингиз-ку.

– Ҳечқиси йўқ, чойқоғоз эмас, – деди Жин Юанбао бепарволик билан. – Сал ишқалаганимга шунчаликми? Сен бу назоратчиларнинг қувлигини билмайсан-да: ҳатто боланинг



дүмбасини очиб қараради. Мошдай кирга күзлари тушгудай бўлса, тамом, сифати ёмон деб туриб олишади, бир улуш сифат эса ўн юандан ортиқ туради.

Нихоят, она болани чўмилтириб бўлди. Жин Юанбао ўғилчасини ушлаб турди, хотин эса тоза патли сочиқ билан арта бошлади. Чироқ ёғдусида эрнинг қизарид кетгани кўриниб турарди, ундан тоза баданнинг хушбўй хиди анқириди. Хотин боланинг янги кийимлари тўпламини чиқарди-да, йўл-йўлакай эри қўлидан дўндиқчасини олди. Сяо Бао яна оғзи билан кўкрак қидира бошлади ва онаси унга қидирганини берди.

Жин Юанбао қўлларини артди, трубканни тўлдирди ва эшик устидаги чироқдан уни ўт олдириди.

— Анави ифлоснинг дастидан бутунлай ивиб қолибди, — ғуранди у, пага-пага тутун пуфларкан.

Сяо Бао эмиб-эмиб ухлаб қолди. Алла айтаётган она эса у билан ажрашишини истамаётганди.

— Бу ёққа ол, ҳали қанча йўл юришим керак пойи-пиёда! — амrona деди Жин Юанбао.

Хотин кўкрагини сугурди. Гўдаккина тўё сийна ҳалиям оғзидаек нуқул тамшанарди.

Бир қўлида қофоз фонус ва иккинчи қўлида болани кўтарганча Жин Юанбао уйдан кўчага чиқди, кейин эса катта кўчага қараб бурилди. Шахдам одимлаб бораркан, у бўсағада қараб турган хотинининг нигоҳини кўз ўнгига келтириб, юраги бир тутам бўлди. Бироқ катта кўчага бурилган ҳам эдики, бу туйғу ном-нишонсиз ғойиб бўлди.

Ой ҳали ботиб улгурмаганди. Кулранг кўча-кўйларда теракларнинг япроқлари учиб юрарди, тераклар дароз бўйли азамат йигитлардай саф тортганди ва уларнинг шохлари яшилтоб оқ рангда товланарди. Тунги ҳавода сукунат ва ажал чарх уради, эр беихтиёр жунжиқди. Фонуснинг илик сарик ранги кўчага чайқалиб турувчи каттакон кўланка ташлаб турарди. Кимнингдир ҳовлисидан эринибгина ит бир неча бор акиллаб қўйди. У ҳам ортиқча қизиқишсиз итнинг қорайиб кўринган кўланкасига қараган бўлди, кейин эса қулогига итнинг сомонни шитир-шитир босиб, ғарам орасига кириб кетгани чалинди. Қишлоқдан энди чиқай деб турганида орқадан



бала йиғиси эшилди. Бошини күтариб, бир қанча уйларнинг деразаларидан сарғиши ёруғлик тушиб турганини кўрди ва бу уйларда ҳам одамлар у хотини билан қилган юмушлар илиа банд эканини англади. У бошқалардан ўзибди – шуни ўйлаб, юраги енгил тортди.

Қишлоқ чеккасидаги паноҳкор маъбуд эхромига етиб келгач, у қўлтиғи остидан маросим пуллар ўрамини чиқарди, фонус алансасида ўт олдирди ва эхром олдидаги манқалдонга қўйди. Олов қоғозга кичкина илончадай ўрмалай кетди, Жин Юанбао эса нигоҳини меҳробда савлат тўкиб ўтирган мангу ўлмас маъбуд ва унинг кўшалоқ хотинига олди. Уларнинг чехраларида муздек табассум қотиб қолганди. Маъбудни ҳам, иккала хотинини ҳам ҳайкалтарош Ван йўнган эди: маъбудни – қора тошдан, хотинларни эса – оқ тошдан. Маъбуднинг гавдаси аёлларнинг биргаликдаги гавдасидан ҳам каттароқ эди ва у икки болали отаги ўҳшаб кўринарди. Ван ўзи уста ҳайкалтарош бўлмагани учун ҳайкалларнинг башараси жуда хунук чиқарди. Ёзда эхромни сув босарди, шунинг учун тош ҳайкалларни тўс қоплаб, яшил пат қатламлари товланарди. Қоғоз ёниб бўлиб, қанотларини тез йиғиб олган капалакка ўҳшаган кулга айланди. Устида титраб турган қизил олов йўл ҳам тезда сўнди-да, эшиллар-эшилмас шитирлаб, сочилиб кетди.

Фонус ва болани ерга қўйиб, Жин Юанбао чўк тушди-да, маъбуд ва унинг қўш хотинига таъзим бажо этди.

Шу тарика болани турар жойидаги ҳисобдан ўчириб, ўрнидан турди, бир қўлига болани, иккинчи қўлига фонусни олиб, шошиб йўлдан юриб кетди.

Тоғ ортидан куёш чиқиб келганида Яншуйхэга етиб келди. Қирғоқдаги саксовул шишага ўхшарди, дарёдаги сув эса қизил рангда. У фонусни пуфлаб ўчириди-да, кирғоқ бўйидаги буталлар орасига яширди, кечув олдига келиб, нариги кирғоқдан қайик келишини кута бошлади.

Бола уйғониб йиғлашга тушди. Қичқириб, озиб қолишидан қўркиб, Жин Юанбао ўша заҳоти қандай қилиб бўлмасин, болани овутишга тутинди. Боланинг оёқлари чиқиб, юрадиган бўлиб қолганди ва ота уни қумлоқ соҳилга олиб борди, ўзи эса пайтдан фойдаланиб, чека бошлади. Трубка тутган кўли шишиб, сиркираб оғририди.



Бола күм устида югуриб юрган қора чумолиларни бутоқ билан саваларди. Бутоқни күттарганда у мувозанатни йўқотиб, ҳар томонга чайқалиб кетарди. Қүёшнинг қизғиши нури фақат дарё сохилинигина эмас, балки боланинг юзини ҳам ёритарди. Жин Юанбао болани ўйнасин деб ўз ҳолига кўйиб кўйганди. Дарё бу ерда тахминан ярим лигача¹ кўтарилиб, бўтана сувлари улуғвор оқарди. Тонгнинг илк нурлари унга тушиб, яшил баҳмал чодир узра қад кўттарган баҳайбат устунни эсга соларди. Бундай дарёга кўприк қуриш ҳеч кимнинг миясига келмаса керак.

Нариги ёқдаги қумлоқ соҳилда боғлаб кўйилган қайиқ ҳамон саёзликда чайқалиб турар ва жуда кичкина кўринарди. Қайиқ ҳақиқатан ҳам ихчам эди, у бу қайиқда кўп бор сузиб ўтган. Қайиқчи қулоги кар чол эди, у дарё ёнидаги ертўлада яшарди. Ертўладан мовий тутун эшилиб чиқа бошлаганди: афтидан, бу қуриган тўнка нонушта тайёрламокда. Жин Юанбао сабр билан кута бошлади.

Бирмунча вактдан кейин кечувга яна бир нечта одам келди. Ёшлари бир жойга бориб қолган эр-хотин, ўсмири йигит ва ўрта ёшли, кўлида бола кўттарган аёл. Қариялар ёнма-ён ўтиришар, худди шишадан ясалган хира кўзларини лойқа сувга тикиб олишганди. Биргина кўк иштон кийиб олган бола оёқяланг. Териси оппоқ оқариб кетган, балиқ тангачаларига ўхшаб, танасини қасмоқ босган. Сувнинг олдига югуриб бориб, болакай пешоб қилди, кейин Жин Юанбао ўғлининг олдига бориб, унинг бутоқлари зарбидан кора чумолиларнинг кумга қоришишини томоша қила бошлади. У яна Сяо Баога бир-икки оғиз тушуниб бўлмас сўзларни айтди ва исқири бола худди бир нарсани тушунгандек оппоқ сут тишларини кўрсатиб кулиб кўйди. Аёлнинг чехраси касалга ўхшаб рангпар эди; тароқ тегмаган патила-патила сочини оқ тасма билан боғлаб олибди. Эгнида тозагина кўк кофта ва қора шим. У болани тўсгани ўтқизганда Жин Юанбао ҳайратдан донг қотиб қолди – ўғил бола экан-ку! Яна битта рақиб. Бироқ синчиклаб қараб англадики, бола Сяо Баодан кўра анча ориқ, ранги кора, сочи сарғимтири, бир қулоғида эса оқ «ортиги» бор. «Бу Сяо

¹ Ли – узунлик ўлчови, 0,5 км атрофида.

Баонинг тукига ҳам арзимайди», деб ўйлади ва кўнглини тўқ қилишга ҳаракат қилди.

– Сиз ҳам ўша ёққами, синглим? – сўз қотди у.

Аёл унга шубҳали қараб қўйди-да, болани бағрига маҳкамрок босди. Унинг лаблари титраб кетди, аммо чурқ этмади.

Ундан ҳафсаласи пир бўлиб, Жин Юанбао бир четта кетди ва дарёнинг нарёғига қўз тика бошлади.

Куёш яна бир найза бўйи кўтарилиди ва сув сариқдан заррин шишарангга кирди. Қарши томондаги қирғоқ бўйида қайиқ ҳамон жим чайқаларди. Ертўла томи устида ҳам тутун кўтарилиди, бироқ қайиқчи қорасини кўрсатай демасди.

Сяо Бао билан қасмоқли бола қўл ушлашиб сув четидан аллаёққа қараб кета бошлади ва ташвишланган Жин Юанбао уларнинг ортидан чопди. У Сяо Баонинг қўлидан тутди, қасмоқли бола эса кўзларини катта-катта очганча хеч нарсани тушунмай унга тикилиб қолди. Сяо Бао инжиқланиб ерга тушириб қўйишини талаб этганча типирчилай бошлади.

– Йиғламасанг-чи, нега йиғлайсан? – овутишга ҳаракат қилди ота. – Қара. Ана, қайиқчи бобо қайиғини биз томонга қараб ҳайдаяпти!

Нариги қирғоқка назар ташлаб, у қайиқнинг олдига ростданам бир одам яқинлашганини кўрди, у одам камалакнинг етти рангида товланарди. Бу орада кечувга яна бир нечта одам шошиб яқинлаша бошлади.

Жин Юанбао ўғлини бошқа қўйиб юбормасликка аҳд қилди, бола бироз тарҳашлик қилиб, тинчиди, йигидан тўхтади ва овқат ейман, деб туриб олди.

Қўлтигини кавлаб, бир сиким нўҳат топди-да, Жин Юанбао уни чайнаб, ўғлининг оғзига тиқди. Бола яна овозининг борича чинқира бошлади, афтидан, бу нарса унга хуш ёқмади, бироқ барибири ютиб юборди.

Қайик дарёнинг ярмига келиб қолди, шу пайт саксовул буталари орасидан бола кўтарган баланд бўйли серсоқол одам шошиб чиқиб келди ва кечув олдида кутиб ўтирганларга келиб қўшилди.

Ташвиши ортган Жин Юанбао соқолли одамга қўз кири билан қараб қўйди ва нимагадир юрагини қўркув қамради. Халиги одам қирғоқда ўтирганларга ёвувларча разм солди.

Катта-катта қора күзли, ўткір учли қайрилма бурун. Қўлидаги ўғил бола бўлиб, яп-янги, заррин ёқали қизил костюмча кийдирилган. Кийими билан у бошқалар ичидаги яққол ажралиб турарди ва гарчи бошини елкаси ичига тортиб олган бўлсада, ҳаммани ўзига қаратарди. Сочи қалин ва жингалак, бадани оппоқ, нозик, аммо теварак-атрофни кузатиб чиқаётган кичкина-кичкина кўзлари чолнинг кўзларига ўхшар ва қараши мутлако катталардек эди. Қулоқлари ҳам ғалати – катта-катта ва гўштдор. Гарчи соқолли одамнинг қўлида ўзини ювощи тубиб, индамаётган бўлса-да, атрофдагиларнинг қизиқишини ўйғотмай қолмаётганди.

Яқинлашиб келаётган қайиқ оқимга қарши бурилмоқда. Ундан кўзини узмай қараб турганларнинг тоқати тоқ бўлди.

Саёзликка етиб келгач, қайиқчи кар чол эшкакни кўйиди, ғаров таёқни кўлига олди. Тонг ёғдусидан қизарган сувни кесганча қайиқнинг тумшуғи ниҳоят қирғоққа тўқнашди. Етти нафар хилма-хил йўловчи қайиқ тубидаги бўйинли қадига кира ҳақини ташлаб, ерга тушди. Қўлида таёқ тутган чол дарё сувининг шарққа қараб чопишини томоша қиласарди.

Ҳамма ўтиб бўлгач, кутиб турганлар қайиққа ташланышди. Жин Юанбао биринчи бўлиши мумкин эди, бироқ соқоллининг чиқишини пойлаб, бироз тўхтаб турди ва ундан кейин қайиққа оёқ кўйди. Унинг ортидан қўлида бола тутган хотин ва жуфт қария чиқишиди. Қарияларга қасмоқли бола қарашиб юборди. У аввал қайиққа кампирни, кейин унинг эрини олиб ўтди, шундан кейингина енгил сакраб тумшуққа чиқди-да, ўша ерда дадил туриб қолди.

Жин Юанбао келиб-келиб соқоллининг шундоқ қаршисида жойлашди, унинг тубсиз қоп-қора кўзларидан суст тортиб, кунишиб ўтиради. Боланинг чимирилиб қарашидан баттар кўрқиб кетмоқда эди. «Оббо исқиорт-ей, бола эмас, гирт иблисваччанинг ўзи, ўлай агар». Бундай тикилиб қарашга Жин Юанбао бардош беролмади. У ёқ-бу ёққа қимирлаб, қайиқни чайқатиб юбора бошлади. Қайиқчи чол ёмон эшитса-да, кўзлари жойида эди.

– Қайиқни чайқатма! – аста қичкирди у.

Митти иблисвачча нигоҳига тўқнашмаслик учун Жин Юанбао дарёга, қуёшга, сув узра ёлғиз парвоз қилаётган кўк

чағалайга қарай бошлади. Лекин бу ёрдам бермади, бадани кетма-кет жимирилаб кетди ва беихтиёр кўзини қайиқчининг яланғоч баданига олишга мажбур бўлди. Йиллар чолнинг қаддини дол қилган бўлса-да, аммо мушаклари ўша-ўша бақувват эди, териси эса узок йиллар сув билан бакамти бўлганидан обдан сайқалланган мис тангага ўхшарди. Унинг танасига қараб, Жин Юанбао қандайдир иликликини, рух қудратини хис этди, ундан кўзини узгиси келмай қолди. Қария қўлидаги катта эшқакни бир маромда ва енгил эшарди, лаппак сувда худди орқадан сузиб келаётган катта жигарранг балиқдай сирпанар ва гоҳ у, гоҳ бу томонга буриларди. Эшқакнинг чарм маҳкамлагичлари шитирлаши, сувнинг қайиқ тумшуғига чалпиллаб урилиши ва қариянинг кучаниб олган нафаси – ҳаммаси бирғалиқда аллага айланган-у, аммо юпатишнинг иложи йўқдай туюлмоқда эди. Сяо Бао тўсатдан чинқириб юборди ва бир нарсадан кўркиб кетгандай бор кучи билан бошини унинг кўксига урди. Жин Юанбао бошини кўтарди ва худди болға билан ургандай, кичик иблисваччанинг қарашидан гангиб қолди. Аъзойи-баданидан совук тер чиқиб, у бутун гавдаси билан эгилди-да, болани бағрига маҳкам босиб, тескари ўгирилди.

Қайиқ кирғокқа етиб келиши ҳамон у тердан хўл бўлиб кетган ўн юанлик қофоз пулни кадига тиқди, чайқалиб кетди, нам қумга сакраб тушди, болани қучоқлаб кўтарди-да, қирғоқ ёқалаб йўргалаб кетди. Дамбага тармашиб чиқиб, шаҳарга борадиган шоссега етиб келди ва ўша йўлдан ўқдай учиб кетди. Манзилга тезроқ етиб олгиси ва ҳаммадан ҳам – кизил кийимдаги анави муштдай иблисваччадан халос бўлгиси келди.

Кенг ва текис йўлнинг охири йўққа ўхшарди. Йўл чеккасидаги тарвақайлаб ўсган теракларнинг сарғайган барглари ҳали тўкилмаганди; чумчукларнинг чуғур-чуғури, қарғаларнинг қағиллашлари эшитиларди. Кеч куз ўз ҳукмини ўтказмоқда эди: баланд осмон ва тоза ҳаво, қаёққа қарама, бир парча булат кўринмайди. Аммо Жин Юанбаонинг кўнглига гўзаллик сифмаётганди, у олдинда бўрига тутқич бермай қочаётган қуёндай йўлни кўриб турарди, холос.

Шаҳарга у туш оқканда кириб келди. Оғзи қуруқшаб кетган, Сяо Бао эса алангаи оташ бўлиб ёнарди. Бир нечта майда



чақа топди-да, Жин Юанбао пивохонага кирди, бурчақдаги стулга ўтириди ва бир пиёла ўткир бўлмаган мусаллас буюрди. Озгинасини боланинг оғзига қуиди, қолганини ўзи тинчтди. Сяо Баонинг боши атрофида пашшалар айланиб гинғилларди ва ота уларни ҳайдаш учун қўлини кўтарди, худди яшин ургандек, у қўлини шу кўтарганча қотиб қолди.

Нариги бурчақда соқолли ўтириарди, стол устида эса қўлида стакан ушлаб, Жин Юанбаонинг юрагини олиб қўйган халиги иблисвачча ўтирибди. Бу исқирт мусалласдан кетма-кет, шунақангি хотиржамлик ва ишонч билан ҳўплардики, гўё у бунака жойларнинг ҳар доимги, кунда-шунда мижозидай. Гавдасининг катталиги унинг на ҳаракатларига, на юз ифодасига мос келарди ва бу шунақангি ғалати туюлардики, пивохонадаги ҳамма официантларнинг ҳам, мижозларнинг ҳам кўзи унда эди. Афтидан, девқомат соқолли дунёни сел босса, тўпигига чиқмайдиган хилидан, унинг фикру зикрию эс-марги «Тоу пин сан ли сян» корхонасининг аъло мусалласидан қулқуллатиб ютища бўлиб, бошқаси бекор эди.

Жин Юанбао пиёладаги мусалласини бир култум қилиб ютди-да, столчага овоз чиқармай тангаларни ташлади, Сяо Баони ушлади ва ияги кўкрагига теккудек бошини солинтирганча кўчага отилди.

Сяо Баони кўтариб олган Жин Юанбао маҳсус харидор бўлими – Ошпазлик академиясининг мустакил тузилмаси эшиги олдида пайдо бўлганида, кун қиёмига етиб қолганди. Томи қуббали ва «кой» дарвозали қизил ғиштин девор билан ўралган ўртача катталиқдаги оппоқ бино. Ҳовлида анвойи гуллар ва буталар барқ уриб ўсиб ётиби. Ўртада – катта ҳовуз, кўтарма тепалик ва қийғос очилгану тўкилишга-да улгураётган кўқонгул кўринишидаги фаввора. Фавворадан ҳовуз бетига сув шариллаб келиб тушар, ҳовузда эса косаси нақшиндор тошбақалар ва семиз, кўпол тиллабалиқчалар сузизб юрарди. Жин Юанбао бу ерда олдин ҳам бўлганди, бироқ ҳар гал Арши аъло эшиги олдида тургандек ҳаяжонланар ва баҳтдан терисига сифмай кетарди.

Навбатни тартибга солиб турувчи маҳсус темир тўсиқлар ичкарисида ўттиздан ортиқ одам тўпланиб бўлганди ва Жин Юанбао уларга қўшилгани шошилди. Унинг шундоқ



рўпарасида яна ҳалиги соқолли қизил кийинган иблисвачча билан пайдо бўлсами! Бу исқирт барзангининг елкаси оша бошини чўзиб, ҳар томонга тунд нигоҳи билан ваҳшийларча кўз соларди.

Жин Юанбао қичкирмоқчи бўлиб оғзини очди-ю, аммо қичкиришга журъати етмади.

Икки соатлик тинкани кутишдан сўнг бино ичидан қўнгироқ овози эшитилди. Навбатда туриб ҳолдан тойганлар шайланди, ҳамма ўрнидан туриб, болаларнинг юзи ва мишикларини артар, кийимларини тўғриларди. Хотинлар момик олиб, болаларнинг юзига упа суртар, кафтилага тупуриб, лаббўёқни ивитиб, болаларнинг юзини бўяб қизартирадилар. Жин Юанбао енги билан Сяо Баонинг юзидан терни сириб ташлади ва қўпол бармоқлари билан сочиндан силаб кўйди. Факат соқоллигина пинагини бузмаётганди, унинг қўлларида ғужанак бўлиб ётган иблисвачча нукул атрофга алант-жаланг қилиб қаар, одамларни ғайриоддий совуқконлик билан кузатарди.

Тўсиққа олиб борадиган пўлат эшик ғичирлаб очилди ва ортидан ёп-ёргуғ ҳамда кенг хона пайдо бўлди. Харид бошланди ва вақти-вақти билан сукунатни болаларнинг бигиллаб йиғлашигина бузарди. Харидорлар сотувчилар билан паст овозда музокаралар олиб борар ва чор атрофда ҳамжиҳатлик, дўстона муносабат ҳукмрондек бўлиб кўринарди. Иблисвачча билан кўзи тўқнаш келмаслигига ҳаракат қилиб, Жин Юанбао ундан сал нарига бориб турди. Барibir тўсиқ энсиз бўлиб, ундан фақатгина болали битта одам ўта оларди, орқадан ҳеч ким қисиб келмасди. Фавворадан тинимсиз отилиб турган сувнинг шариллаган овози бир кўтарилиб, бир тушарди, дарахтларда кушлар жўрликда ёқимли сайранди.

Эшикдан боласини сотган хотин чиқиб келди ва сухбатга иблисваччани олиб барзанги кирди. Жин Юанбао ўғли билан улардан уч метрча берида туради.

У ерда босиқ овозда нималар ҳақида сухбат бўлаётганини билиб бўлмасди, лекин Жин Юанбао кўркканига қарамай воқеаларни кузатиб бормоқда эди. Эгнига оқ ҳалат, бошига қизил ҳошияли, айвончали оқ қалпоқча кийган бир эркак соқоллининг қўлидан муштдеккина иблисваччани олди.



Ибليسваччанинг жиддий юзида бирдан кинояли табассум пайдо бўлди. Бу табассумни кўриб, Жин Юанбаонинг томирларида қон тўхтаб қолаёзди, бироқ қабул қилувчига бу чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. Ибليسваччанинг эгнидан кийимини ечиб, у шиша таёқча билан кўкрагига туртиб кўйди ва жажжи ибليسвачча қиқирлаб қулди. Бирмунча вақтдан кейин барзангининг ўкириги янгради:

– Иккинчи нав? Кимни лақиллатмоқчи бўляпсанлар?

Қабул қилувчи ҳам овозини хиёл кўтариб:

– Менга кара, ошна, агар молнинг фарқига бормасанг, ҳеч бўлмаганде бошқаларга солиштириб кўргин! Болангни енгил деёлмайман-у, аммо-лекин териси қалин, эти қаттироқ, бунинг устига, агар ёқимли кулишини айтмаса, умуман, у учинчи навдан бошқасига ярамайди! – деди.

Соқолли тўнғиллаб яна бир-икки марта ёмон сўкинди, узатилган қофоз пулларни олди, тез-тез санаб чиқди, қўлтиғига сукди ва бошини эгиб, тутина-суртина тўсиқ ортига ўта бошлади. Шу пайт Жин Юанбаонинг қулоғига «иккинчи нав» ёрлиғи ёпиштирилган митти исқиртвойнинг барзанги ортидан қичқириб айтган сўзлари чалинди:

– Онангни..., қотил! Кўчага чиқишинг билан юк машина тагида колгур, лаънати!

Овоз ингичка ва хирилдок эди, устига устак, манавиндай овозда айтилган болохонадор сўкишлар ҳали уч ёшга ҳам тўлмаган болакайдан чиққанига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди. «Жимитгина жаллоднинг ўзи», ўйлади Жин Юанбао, хозиргина кулиб турган, бирданига ғазабдан қийшайиб кетган башарага, чуқур-чуқур ажин қоплаган манглайга кааркан. Барча харидорлар кўркувдан гезарган ва бир лаҳза нима килишини билмай қолган ҳолда жон ҳалпида сакраб турди. Бир ёни билан турган ибليسвачча улар томонга оғиздаги ҳамма сўлакайни вараклатиб тупурди ва алпон-талпон юриб, ёрлик ёпиштирилган болалар тўдасига бориб қўшилди.

Бешала харидор ҳам қотиб қолди, кейин бир-бири билан кўз уриштириб олди-да, тасалли оҳангиди: «Ҳеч нима бўлгани йўқ-ку, тўғрими? Ҳа-да, ҳаммаси жойида», дейишди.

Шу тариқа ишни давом эттиришди. Столда ўтирган ўрта ёшлардаги, айвонли қалпоқ кийган, қизил юз ва очиққина



киши Жин Юанбаога қўл силкиди. У шошиб олға қадам ташлади. Юраги кўксидан чиқиб кетгудек қаттиқ урарди. Бола чинқириб йиғлар, ота дудукланиб уни юпатишга ҳаракат қиласади, ўтган гал бўлган воқеа эсига тушди: ўшанда у кеч қолган, болалардан керакли миқдорда олиб бўлишганди. Умуман, қабул қилувчиларни кўндингса бўларди, бироқ Сяо Бао шунақангиччириб йиғлардик, унинг энка-тинкасини чиқариб юборди.

– Яхши бола, йиғлама, – ёлворарди ота. – Одамлар йиғлаган болани ёмон кўришади.

– Бу бола алоҳида харидор бўлиши учун маҳсус туғилган, шундайми? – босик овозда мурожаат қилди унга харидор.

Жин Юанбаонинг томоги қуриб, сўзлар тикилиб қолаётганди, товуши ҳам ўзиники эмасди.

– Демак, бу бола одам эмас, тўғрими? – давом этди харидор.

– Демак, сен маҳсус маҳсулотни сотяпсан, болани эмас, шундайми?

– Шундай.

– Сен бизга мол берасан, биз унга пул тўлаймиз; сен сотишни истайсан, биз сотиб олишни, бу адолатли олди-берди бўлади. Олди-берди амалга ошгандан кейин ҳеч қанака даъво инобатга олинмайди, шундайми?

– Шундай.

– Жуда соз, мана бу ерга бармоғингни бос! – Харидор стол оша машинкада терилган ҳужжатни ва шахсий муҳрлар учун қизил бўёкли ёстиқчани олди.

– Ўртоқ, мен ўқиши билмайман, – икрор бўлди Жин Юанбао. – Бу ерда нималар деб ёзилган?

– Ҳозир сен билан мен гаплашган гаплар ёзилган.

Жин Юанбао кўрсатилган жойга бармоғини босиб, катта из колдирди.

Катта ишни амалга оширгандай, юраги тўлқинланиб кетди.

Қабул қилувчи аёл келиб, Сяо Баони унинг кўлидан олди. Бола ҳамон чинқириб йиғларди, бироқ аёл унинг бўйнидан бир бўғанди, бола жим бўлди-қолди. Жин Юанбао аёл Сяо Баонинг кийимларини қандай ечаётганини кўриш учун бу-

тун гавдаси билан әнгашди; у болани бошдан-оёқ тез, аммо синчиклаб күздан кечирди: ҳатто думбаларини йириб қаради, чуккаси учидаги терини йириб, бошчани чиқариб күрди.

Чапак чалиб, аёл столда ўтирганга сўз қотди:

– Олий нав!

Суюнганидан Жин Юанбао сакраб тушаёзди, кўзларига ёш қалқди.

Бошқа бир қабул қилувчи киши Сяо Баони тарозига қўйди ва босиқ оҳангда:

– Йигирма бир жин тўрут лян¹, – деди.

Харидор кичиккина машинка тугмачасини босди ва у ғижирлаб бир варақ қозозни лип этиб чиқариб берди. У қўли билан имлаб Жин Юанбаони чақирди, бир қадам яқинлашганда унинг қулоғига чалинди:

– Олий нав – бир жинига юз юан, йигирма бир жин тўрут лян икки минг бир юз қирқ юан бўлади.

У Жин Юанбаога бир даста пул ва варақ бериб:

– Сана, – деди.

Жин Юанбаонинг кўллари азбаройи титраганидан пулни олиб зўрға санаб чиқди. Миясида фикрлар айқаш-уйқаш бўлиб кетганди.

– Булар бари менгами? – такрор сўради у титроқ овозда, пулларга ёпишиб.

Харидор бош иргади.

– Кетсам бўладими?

Харидор яна бош иргади.

УЧИНЧИ БОБ

1

Бола тилла суви юритилган катта баркашда чордана куриб ўтиради. Заррин сарғиши танасидан хушбўй мой оқарди, юзида нодонларча табассум қотган – қараб, кулгинг қистайди. Танасига зумрад ошкўклар ва оч қизил тусдаги редиска шодаси кўрк берган. Бола на ўлиқ, на тириқ, терговчи унга ти-

¹ Лян – 50 г.



килди ва томогига келган сўлакни ютди. Бола терговчига жонли нигоҳ билан жавоб берди, унинг бурун катаклари ичидан буғ чиқарди, лаблари эса ана-мана гапириб юборадигандек қимирларди. Бу табассум, бу маъсумлик унинг миясида минглаб ўйларни жунбушга келтирди, боланинг юзи терговчига жуда таниш туйилди, гёё уни яқинда кўргандай. Қулоги остида жарангдор кулги янгради. Тугмадеккина оғзидан янги қулупнай ҳиди анкирди. «Дада, эртак айтиб беринг». «Отангни тинч қўй». Мана бу эса нимтабассум килиб турган хотиннинг кўлидаги юзи қип-қизил бола. Хотинининг юзидаги табассум ўрнини бирданига ғалати, кўрқинчли ифода эгалайди, унинг бети пир-пир учади, лекин у ўзини ҳеч нарса бўлмаганга солади. «Ҳаромзодалар!» – кўли билан столга қаттиқ уриб, ўрнидан туради.

Жин Ганжуанинг юзида маънодор ва кинояли табассум пайдо бўлади. Кон директори ва партия котиби сирли ва сермузозаматлик билан жилмайишади. Ёки булар барчаси тушида бўляптими? Кўзлари қинидан чиқкудай бўлиб, терговчи синчковлик билан тикилиб қарайди: йўқ, бола ҳали баркашда чордана куриб ўтирибди.

– Марҳамат, ўрток Динг Гоуэр! – дейди Жин Ганжуан.

– Бу бизда энг машҳур таом, – илиб кетади партия котиби директор билан бирга. – Бу таом «Силин ўғлини олиб келади» деб аталади. Бу билан чет эллик меҳмонларни сийлаймиз, уларда чукур ва унтуилмас таассурот қолади, улар буни кўкларга кўтариб мақташади. Ушбу таом ёрдамида биз мамлакат учун озмунча пул ишлаб олмадикми! Энг фахрли меҳмонларга тортамиз уни. Масалан, сизга ўхшаганларга.

– Марҳамат, марҳамат, ўртоқ Динг, отагинам! Махсус ишлар бўйича прокуратура терговчиси Динг Гоуэр, илтимос сиздан, бизнинг тансиқ таомимиздан татиб кўрсиналар, – овқат ейдиган чўпларни шай тутиб, улар тоқатсиз равишда қисталанг қилдилар.

Боладан тараалаётган хушбўй хиддан ҳар кимнинг ҳам иштаҳаси ҳакалак отиб кетарди. Сўлагини ютаркан, Динг Гоуэр кўлини жилдига суқади. Тўппончанинг силлиқ қувурчаси ва ўртасида беш қиррали юлдуз тасвири туширилган қобирғали дастасини пайпаслаб қўяди. Қувурча думалок,



«коровул» учбурчак; құл иссиқ ва түппонча совуққа ўхшарди. «Барча сезгиларим жойида, фаросатим – у ҳам жойида. Мен маст эмасман, мен – тергөвчі Динг Гоуэрман, мени Жюгуга Жин Ганжуан бошчылығидаги раҳбар ходимларнинг болалар гүшигини ейишлари ҳақидағи шини тадқиқ қилиши учун юборришган. Айблов жиiddий, иш озмунча мураккаб эмас, жисноят оғир, күз күриб, құлоқ әшиштамаган ёвузылк, мисли йүқ маңнавий инқиroz. Мен маст эмасман ва алахисирамаяпман, мабодо улар менинг құлымдан ҳеч нарса келмайди, деб ўйлаша, чучварани хом санашибди. Буни қаранг-а, олдимга боладан тиширилган таомни қўйишиди, унинг отини нима дейишиувди, «Силин ўғлини олиб келади»ми? Менинг ақлу ҳушимга ҳеч нарса қылғани йўқ, аммо ҳар эҳтимолга қарши ўзимни бир текшириб кўраман: саксон бешни саксон бешига кўпайтирса, етти минг икки юз йигирма беш бўлади. Оббо, шунчалик чуқур ўйлашганки, охирига етолмайсан киши: гўдакни ўлдиришганда, олдимга қўйишиган, ол, е, ош бўлсин. Оғизимга урмоқчи бўлишиган, фитначилар, ҳайвонлар, йиরтқичлар».

Түппончани қўлига олди-да, ўқири:

– Жойингиздан қимирламанг, қўлингизни кўтаринг, ҳайвондан тарқаганлар!

Уч эркак ўтирган жойида тош котди, ол рангли лиbosдағи қизалоқлар эса қий-чув қылганча қўрқиб кетган жўжалар сингари бир жойга ғуж бўлиб олишди. Қўлида түппонча билан Динг Гоуэр стулни сурди ва икки қадам орқага юриб, орқасини деразага қилиб туриб олди. «Жанговар тажрибаси бўлса, ундан нарига, – кўнглидан ўтди унинг, – бунака яқин масофада түппончани құлымдан бемалол олиб қўйишилари мумкин эди, лекин уларда бундай тажриба йўқ». Мана энди ҳар учаласи түппонча мили остида турибди, ҳеч ким лоақал бирон ножўя ҳаракат қилишга ботинолмаяпти. Динг Гоуэр сакраб турганда оёклари орасига қисиб олган жилд ерга тушганди. Бош ва кўрсаткич бармоқлари ораси билан у түппончанинг совуқ дастасини, кўрсаткич бармоғининг ўзи билан эса силлик тепкининг таранглигини сезди. Жилдни олаётганида у түппончани сақлагиҷдан чиқариб қўйганди, шу боис патрон ҳам, ургич муҳри ҳам шай: биргина ҳаракат кифоя – қурол ўт очади.



– Ҳаромзодалар, фашистлар! – сўкинди у. – Кўлларингни кўтaringлар, дедим!

– Ўртоқ Динг Гоуэр, отагинам, бу ҳазилингизнинг таги зил бўлиб кўринмаяптими сизга? – хотиржам жилмайди Жин Ганжуан.

– Ҳазил? – ғазабнок тиржайди Динг Гоуэр. – Сизлар билан ҳазиллашиб бўларканми? Болаларни ейдиган йиртқичлар билан-а?

Бошини орқага ташлаб, Жин Ганжуан қаҳ-қаҳ уриб кулди, партия котиби билан директор ҳам қандайдир ахмоқона тарзда хиринглашди.

– Эҳ, отагинам Динг, отагинам Динг, – кулди Жин Ганжуан. – Ажойиб одамсиз, ўртоқ, инсонпарварлик рухи сизда ғоят баланд ва бу ҳақиқатан ҳам хурматга сазовор! Аммо сиз хато қиляпсиз ва хатонгиз мутлако хусусий тусга эга. Диккат билан қаранг-а. Наҳотки бу бола бўлса?

Жин Ганжуанинг сўzlари таъсир кўрсатди ва терговчи нигоҳини баркашга қаратди. Боланинг юзида табассум ўйнарди, хиёл чўзиқ лаблари бамисоли ҳозир кулиб юборадигандек.

– Лекин у тириқдай-ку! – деди Динг Гоуэр.

– Ҳа-да, тириқдай, – маъкуллади Жин Ганжуан. – Аммо нима учун бу сохта бола тириқдай бўлиб кўринади? Чунки бизнинг Жюгуодаги ошпазларнинг маҳорати олий, ҳаддан ташқари нозик иш!

– Бугина эмас! – уни маъкуллашди партия котиби билан директор. – Академиямизнинг маҳсус ошпазлик бўлимида бир профессор аёл бола яратди, у ҳатто киприк қоқади. Ҳеч кимнинг унга ҳатто чўпини кўтаришга кўнгли бўлмайди!

– Куролни ташланг, ўртоқ Динг, отагинам, чўпларни олингда, келинг, бу мисли йўқ таомни биргаликда баҳам кўрайли! – шундай деб Жин Ганжуан кўлини туширди, кувноқ харакат билан Динг Гоуэрни дастурхонга таклиф қилди.

– Ҳе йўқ! – деди жиддий оҳангда Динг Гоуэр. – Эшитиб қўйинг, сизнинг бу одамхўрлик зиёфатингизда иштирок этолмайман!

Жин Ганжуанинг чехрасида ранжиш аломати кўринди, аммо овозида на хушомадгўйлик, на устунлик оҳангি бор эди:



– Бунча қайсар бўлмасангиз, ўртоқ Динг, дўстим? Ҳаммамиз муштумимизни баланд қўтариб, партия байроғи олдида қасамёд қиласмиз. Сизнинг вазифангиз – одамлар баҳти сари интилмоқ, бироқ бу бизнинг ҳам вазифамиз. Ер юзида ягона яхши одам мен ўзим, деб ўйламанг. Жюгуомиздаги болали базми жамшидларда баланд обрўли раҳнамолар, беш китъадан ташриф буюрган ҳурматли дўстлар, мамлакатда ва чет элларда таниқли санъат арбобларию жамиятнинг машхур кишилари бўлишган. Ҳаммалари бизни мақташган ва факат сиз, Динг Гоуэр, сизни юракдан кутиб олганларга қурол ўқталяпсиз.

Унга ё партия котиби, ё директор ҳамоҳанг бўлди:

– Кўзингизга бу туманни қайси бехосият шамол учирив киритди, Динг Гоуэр? Тўппончангиз оғзи синфий душманларга эмас, синф бўйича кардошларингизга қаратилганини биласизми ўзи?

Динг Гоуэрнинг қўлидаги тўппонча титраб кетди ва пастга туша бошлади, кўзларини парда қоплади, ўз пилласига қайтиб кирмоқчи бўлган чиройли капалак яна тепага қараб ўрмалай кетди. Кўркув оғир тош бўлиб елкасидан босиб тушди, терговчи аҳволининг ниҳоятда қалтис эканини ҳис этди: ўзини ҳозир бўлак-бўлак бўлиб тўкилиб тушадигандек туйди, ана у, тубсиз бадбўй чоҳ, унга бир тушиб кетган одам умрбод чиқолмай қолиши мумкин. Ўзидан илоҳий бўй таратиб турган, онасини маҳкам тутиб олган мана бу жажжигина шумтака ҳозир нилуфар гули устидами-ей, менга юзма-юз бўлиб ўтириб олган, нилуфар гулининг енгил ҳовурида мен томон қўлни узатиб турибди! Бармоқчалари калта-калта, гўштдор ва дўмбоқ, уларда учтадан қатламча бор. Кафтчасининг орқа томонида тўртта қабариқ. Хушбўй ҳид ичида ширин кулги борга ўҳшайди. Нилуфар гули тепага қараб чўзилади, унинг ортидан чақалоқ ҳам. Дум-думалоқ киндик, болаларга хос мъясум, худди юздаги кулгичнинг ўзгинаси. Гапларинг силлиқ, қароқчиваччалар! Жуда кўп гапириб юбордиларинг-ку, ҳали ҳам сувдан қуруқ чиқамиз, деб ўйлајпсизларми? Бекорларнинг бештасини айтибсизлар! Сизлар қайнатиб пиширган бола менга жайлайяпти. Бу чақалоқ эмас, машхур таом дейсизларми? Шунақаси ҳам бўларканми?! Урушқоқ салта-

натлар даврида И Я деган одам ўз ўглини пиширган ва Си салтанати ҳукмдори Ҳуан-гунга тортиқ қилган экан, гүшти ҳам барра кўзи этидай мазали, ундан майинроқ ҳам экан. Қаёқса жуфтакни ростламоқчи бўлдингиз, И Янинг издошлиари? Қани, қўлларингни кўтаринглар, ҳозир қиммишингизга ярашиасини оласизлар. Сенлар И Ядан ҳам бешбаттарсанлар. У ўзининг ўглини пиширганди, сенлар эса бировларнинг болаларидан таом тайёрлаяпсан. И Я дехқон, ер эгалари синфига мансуб эди ва ҳукмдорга садоқат у вақтларда энг олий ҳиммат саналарди. Сенлар эса, раҳбар ходимлар, чўнтағингни қаппайтириш учун халқ фарзандларини ўлдирмоқдасан. Бу ахир даҳшат-ку! Бугда буғлаб, ёғда қовуриб пишираётганда болаларнинг қанақанги зорланиб ишглашларини эшиштапман. Улар тақсимлаши пештахтасида, тузда, сояли соусда, сиркада, шакарда, арпабодиёнда, сичуан қаламтирида, долчинда, яшил ҳилда, гуруч мусалласида ишглаяптилар.

Болаларнинг йигиси сенларнинг ошқозонларинг ва ичакларингдан, ҳожатхона ва дудбуронлардан, дарё ва ахлатхоналардан келяпти. Уларнинг йигиси балиқларнинг қурсоғида ва дехқонларнинг далаларида; китлар, наҳанглар, илонбалиқлар, сабель балиқлари ва бошиға денгиз жониворларининг қорнида садо беряпти; бугдой бошогининг қилтигида, шоли донларида, соянинг ёши поясида, бататнинг буралиб ўсган новдаларида, гаолян рӯвагида, тариқнинг гулчангидаги янграяпти. Бу чидаб бўлмас, юракни ларзага солувчи йиги олмалардан, нок ва узумлардан, шафтолилар, ўрик ва ёнгоклардан эшиштилмоқда. Ҷақалоқ йигиси мева расталари, сабзавот ва гўшт дўқонларидан қулоққа чалинади. Бирининг кетидан бири ўлдирилаётган болаларнинг йигиси, баданни жимирлатиб, сочни тикрайтириб юборувчи қичқириқлар Жююғ базми жамишилларида акс садо беради. «Сенларга ўқ узмай, кимга узай?»

Пиширилган бола атрофидаги хира тутун ичиди худди калейдоскопдагидек бир кўриниб-бир кўринмай, семизликдан кат-кат осилган башаралар сузади. Мана шу лип-лип қилаётган башараларда яна бутун дунёга нисбатан нафрат ва ғазабга тўла маккорона табассумлар жилваланади. Адоватдан сийна алангаси олади. Ҳақли интиқом алангаси ловуллай-



ди, бутун атрофни нилуфар гулларининг ол ранг жилолари-га кўмади. «Ҳайвонлар! – унинг момақалдириқдек наъраси янграйди. – Сенларнинг кунларинг битди!» Ғалати-а, аммо бу наъра қоқ миясининг аллақаеридан таралаётганди. Товуш шифтга урилди, майда бўлакларга бўлинниб кетди худди букилаётган барглардек, зиёфатхонани қоплади, ўзидан қолдирган кизғиши турунсимон из думчалари чайқаларди. У тўппонча тепкисини куч билан босди, тўппонча мана шу парчалардан ташкил топган ва сочилиб кетаётган башараларга, мана бу ғаддор, ёвуз заҳархандаларга қаратилганди. Тепки ширқ этди, ўтолдиргич шиддат билан олдинга кетди ва мис рангида товланган патроннинг яшилтоб орқасига урилди-да, инсон кўзи илғамас тезлик билан ўт олди, жойи тор келиб қолган қизиган газлар олға, олға ва яна олға боса бошлади. Қурол орқага туртиб юборди, ундан гумбурлаб ўқ отилиб чиқди. Ўқ овози гўдак йигиси каби «ванг, ванг» қилганча тўлқинланиб ёйилди. Отганим ўқ овозидан барча ноҳақилклар, ноинсонийилклар ларзага келсин! Барча Яхишиликлар, Гўзалликлар муаттар бўй таратиб, шодон ханда отсин ва чапак чалсин. Яшасинadolat! Яшасин ҳақиқат, яшасин ҳалқ, яшасин республика! Яшасин ўғил болалар. Яшасин қиз болалар. Ўғил ва қиз болаларнинг оналари яшасин. Мен ҳам яшайин. Яшасин, яшасин, яшасин. Ҳар бири ўн минг йилдан ўн минг марта яшасин!

Махсус ишлар бўйича терговчи ҳеч ким ҳеч нарсани англаб бўлмайдиган килиб тўнғиллади. Оғзининг бурчакларида кўпик пайдо бўлди ва у чўқаётган кўхна девордек аста полга кулади. Тўппончали кўли билан столдан супуриб юборган қадаҳ ва стаканлардаги пиво, шароб ва узум мусалласи терговчининг юз ва кийимларига тўкилди. У ачитқи тоғора ичидан сугуриб олинган жасаддек юзтубан ётарди.

Жин Ганжуан, партия котиби, директор ва ғуж бўлиб олган официантлар ўзларига келгунча озмунча вақт ўтмади: ким ердан кўтарилиди, ким стол ёки бироннинг юбкаси тагидан бошини чиқарди. Барча хидларни босиб, зиёфатхона узра ўқ хиди сузарди. Динг Гоуэр отган ўқ тўғри пиширилган боланинг бошига бориб текканди. Бош чаноғи парча-парча бўлиб отилиб кетган, миясининг оқ ва қизил қатиги деворга чапланганди, ундан буғ ва ажойиб бўй таралар, турфа ҳисларни қўзгарди.



Бола бошсиз қолганди. Унинг қолган қисми – ё бош чаноғига ўхшаган тарвуз пўчоғими, ё тарвуз пўчоғига ўхшаган бош чаноғи зиёфат столининг иккинчи ҳадига қулаб тушган, трепангли¹ ва қовурилган қисқичбақали ликобчалар оралиғида тиқилиб қолганди ва ундан тарвуз суви томчиларди, у ё қонга ўхшаган тарвуз суви, ё тарвуз сувига ўхшаган қон эди, томчилар дастурхонни ифлос қилиб, кўзларни тўсарди. Полда думалаб ётган бир жуфт узум донаси кўзга ўхшарди, ё у узумга ўхшаган бир жуфт кўз эди. Биттаси мусаллас пештахаси ортига думалаб кетганди, иккинчиси эса официантнинг оёғи остига келиб тушиб, янчид юборилганди. Қиз чайқалиб кетди ва оғзидан чийиллаган «Ванг!» деган товуш отилиб чиқди.

Мана шу «ванг» раҳбарларнинг хушини, фалсафий қарашини, партиявий руҳини, қатъиятини, ахлоқини ва уларнинг аъмолини белгиловчи бошқа асосий фазилатларини ўзларига қайтарди. Партия котиби ёки директор кафтининг орқа томонига чапланган бола мия қатиғини яларди. Таъми ҳаддан ташқари зўр бўлса керак, у ҳатто тилини чапиллатиб:

– Вой ярамас-ей, шундай таомнинг расвосини чиқарди-я! – деди.

Жин Ганжуан у томонга норозиларча тикилди, бўлим бошлиғи мувовинининг танқидий нигоҳидан котиб қипқизариб кетди.

– Отахон Дингнинг туришига тез кўмаклашиб юборинглар, – буйруқ берди Жин Ганжуан. – Юзини артиб, хушига келтирадиган дори беринглар.

Официант қизлар фармойишни адo этгани ошиқиши. Динг Гоуэрни кўтариб, оғзи ва юзини артишди, аммо кўлига тегинишга журъат қилишолмади. Кўли ҳамон тўппончани тутиб турарди ва ҳар лаҳзада отилиб кетиши мумкин эди. Улар қадаҳ синикларини олиб ташлашди-да, полни артишди. Унинг бошини кўтариб, спиртда чайилган зангламас тилқошиқ билан қисилиб қолган тишларини ажратишди, қаттиқ пластикдан ясалган воронкани оғзига кўйиб, хушига келтирувчи қайнатмани қошиқлаб қуя бошлашди.

¹ Трепанг – денгиз типратикани.

– Қайнатманинг рақами неча әди? – қизиқсінді Жин Ганжуан.

– Бир рақамли, – жавоб берdi официант қызлар сардори.

– Яхиси, икки рақамл исидан беринглар, тезроқ хушига келтиради.

Официант қиз ўчоқбошиға йўл олди ва тилларанг суюқлик тўлдирилган шишани олиб, қайтиб келди. Ёғоч тиқинни суғуриб ташлашгач, атрофга тоза, юракни туб-тубигача тўлқинлантирувчи хушбўй хид таралди. Воронкага шишадагининг деярли ярмини қуишиди. Динг Гоуэр йўталди, томогини кирди ва воронкадан суюқлик фаввора бўлиб ташқарига отилди.

* * *

Салқин чашма оқими ичакларига етиб борди, у ердаги кутурган оловни ўчириди ва фикрлаш қобилиятини тиклади. Энди тана бошқатдан жонлангач, хүшининг ажойиб капалаги жойига қайтди. Кўзини очиб, Динг Гоуэр кўрган биринчи нарса тилла баркаш устида ўтирган бошсиз бола бўлди, кўрди-ю, юраги яна наштар тилгандек симиллаб кетди.

– Ойижон! – беихтиёёр унинг оғзидан шу сўз чиқди. – Ўзимни ёмон хис қиляпман! – шундай дея у тўппончасини кўтарди.

Кўлида чўпларни тик тутиб турган Жин Ганжуан унга му рожаат қилди:

– Ўртоқ Динг Гоуэр, агар биз ростданам болаларни ейдиган очофат бўлсак – отавер, қилмишимизга яраша бўлади бу. Лекин бундай бўлмаса-чи? Аблаҳларни жазолаш учун партия сенга қурол топширган, у ёқ-бу ёғингга қарамай ҳеч бир гунохи йўқларни отиш учун эмас.

– Ўзингни оқлаш учун айтадиган гапинг бўлса, гапир, аммо тезроқ! – деди Динг Гоуэр.

Жин Ганжуан чўпни бошсиз боланинг чукласига тиқсан эди, у бўлакларга бўлинниб ажралиб тушди.

– Боланинг қўли Гаолян қўлидан келтирилган йўғон нилуфар илдизидан қилинган, унга ўн олти гиёҳ ва зирва қўшиб, маҳсус ишлов берилган, – чўпдан кўрсаткич сифатида фойдаланиб, у тушунтира кетди. – Боланинг оёги аслида маҳсус

чүчқа колбасаси. Тана учун маҳсус тарзда ишлов берилган эмизикли ургочи чүчқа гүштидан фойдаланилган. Сен ўқ билан учиреб юборган бош – шакарқовун. Үндаги соч – оддий ошкўклар. Бу тансиқ таомнинг бутун таркибини муфассал ва аник таърифлаш, уни тайёрлашнинг барча майда-чуйдалари ҳамда мураккаблиги ҳақида ҳикоя қилиш, рости, менинг қўлимидан келмайди. Бу Жюгуонинг патенти, у ҳақда мен умумий тасаввурларга эгаман, акс ҳолда ўзим ошпаз бўлиб қолардим. Аммо дангал айтоламан: бу таом мутлақо қонуний, инсоний ва уни баҳам кўргани ўқ билан эмас, чўп билан киришиш керак эди.

Шу сўзларни айтиб, Жин Ганжуан чўплар билан боланинг қўлини тортиб олди-да, эзиб, катта-катта бўлакларга бўла бошлади. Партия котиби ёки директор кумуш санчқи билан иккинчи қўлини олди ва Динг Гоуэрнинг ликопчасига қўйди.

– Олсинлар, ҳурматли ўртотқ Динг, уялманг! – деди у одоб билан.

Саросимага тушган терговчи дикқат билан қўлга разм солди. Ҳақиқатан ҳам, нилуфар илдизига ўхшайди, аммо янада кўпроқ қўлга ўхшайди. Ундан тараалаётган ҳавасни келтирувчи ширин хушбўй ҳид чинданам нилуфар ҳидини эслатарди, бироқ унга ўхшамайдиган ҳидлар ҳам талайгина эди. Виждон азоби ҳаққи у тўппончани жойига солди. «Ҳа, мана сенга маҳсус топшириқ юклатилиши, аммо дуч келганнинг ёқасидан олавериши керак эмас-да. Эҳтиёткорлик билан иш тутмоқ зарур». Кичкина ўткир пичноқ билан Жин Ганжуан иккинчи қўлни шартта-шартта ўн бўлакка бўлди, биттасини олди-да, Динг Гоуэрнинг башарасига олиб келди:

– Беш кўзли нилуфар. Қўлда кўз бўлганини ҳеч кўрганимисиз?

«Ростданам нилуфар», – ўйлади Динг Гоуэр, бу пайтда Жин Ганжуан қисирлатиб қўлни буради. Динг рўпарасида ётган бўлакка кўз солди: есинми ё емасинми? Партия котиби ва директор аллақачон боланинг оёгини пақкос туширишганди. Жин Ганжуан унга пичноқ берди ва маъқуллагандек жилмайиб қўйди. Терговчи пичноқни олиб, қизиқсиниб унинг дамини бола қўлига қўйди. Худди оҳанрабо тортгандек пичноқ ғирчиллатиб нилуфар илдизини қоқ иккига бўлди.



Динг Гоуэр қўл бўлагини олди-да, афтини буриштириди ва оғзига солди. «Оҳ, оҳ-оҳ, жаннат неъмати!» – бир овоздан тан берди чашнагирлар. Чайнаш мушаклари бетўхтов жазавали қисқарап, томоғидан ҳатто миттигина қўлча чиқиб, ҳаммасини ичга туртиб юборди.

– Жуда зўр! – ҳазиломуз деди Жин Ганжуан. – Энди, ўртоқ Динг Гоуэр, биз сен билан битта дунёниг одамларимиз: сен боланинг қўлини единг!

Динг Гоуэр тахта бўлди, яна шубҳаларга берила бошлади.

– Ахир ўзинг айтдинг-ку, бу бола эмас деб.

– Эҳ, ўртоқжоним-а, – ёлғондакам куйинди Жин Ганжуан, – сенга битта гап айтиб бўлмайди. Ҳазиллашдим холос, ҳазил! Ўзинг ўйлаб кара, шаҳримиз Жюго – мутараққий шаҳар, ҳеч қанақа ёввойилар йўқ, хўш, болаларни ейишга ким изн беради? Сизнинг прокуратурангизда шунгача бориб етишганки, «Минг бир кеча»даги эртакларни рост деб билишади ва ўйлаб-нетиб ўтирмай тергов ўтказишга одам юборишади, ахир бу тасаввuri носоғлом ёзувчи даражасидаги гаплар эмасми?!

Коннинг ҳар иккала раҳбари қадаҳлар билан унга томон интилди.

– Отагинам Динг, бундай сурбетларча қилинган хужум учун жарима – уч чўмич!

Динг Гоуэр хато қилиб қўйганини тушуниб турарди ва жаримага қаршилик кўрсатмади.

– Сен, ҳурматли ўртоқ Динг, бузилган одамсан, душмансан, бирорни ёмон кўрасан, – деди Жин Ганжуан, – сенинг шарафингга уч қадаҳ.

Динг Гоуэрга хушомад ёқарди ва уч қадаҳли жаримага рози бўлди.

Олти қадаҳдан кейин ҳуши яна аста-секин хирадаша бошлади. Директор ё партия котиби унга боланинг иккинчи қўлини тутганда, чўпларни отиб юборди ва ёғига эътибор килмай, иккала қўли билан чангллади-да, ютоқиб тушира кетди.

Хуллас, шу ердагиларнинг кулгиси остида у қўлни ямлаб ташлади. Директор ва партия котиби официант қизларни қадаҳ олиб келинглар, деб шоширади. Улар нодонларча ка-

рашмалар билан оёғи олти, кўли етти бўлиб югуаркан, унинг ичига нақ йигирма бир қадаҳни қуишиди. Жин Ганжуаннинг у билан хайрлашган овози Дингнинг қулоғига ҳув шифтдан келаётгандек эди.

...Кейин партия котиби директор билан катта официантга кўрсатмалар берганини ва кетганини кўрди. Улар чиқиб кетишлари билан ол либосдаги қизлар стол олдига тўпланишиди ва бараварига овқатга ташланишиди, улар ҳаммасини бир бошдан олиб, оғизларига тиқардилар. Улар очофатларча овқатланар ва бир дақиқа олдинги қизларга асло ўхшамасдилар. Унинг ўз танаси қобиғи стулда жонсиз гўшт нимтасидек тўшалиб ётарди. Бўйни стул суюнчиғида, боши бир томонга бурилган, оғзининг бурчакларидан худди тўнкарилган мусалласли идишдай сўлаги оқарди. У шифт тагидан туриб ўзининг чала ўлик жисмига ёшли кўzlари билан каради.

– Манави овқатдан бўкиб қолган мушукни меҳмонхонага олиб бориб ташланглар, – катта официантнинг овози эши-тилди.

Икки қиз уни қўлларига олмоқчи бўлишиди, аммо у бами-соли суюксиздай кўтаришнинг иложи бўлмади.

– Ўлган итдай чўзилмай кетгур! – қарғанди қулоғи орқасида сўғали бор қиз.

Унинг шунаقاңги ғазаби қайнагандики!

Иккинчи қиз унинг қўзи ўнгиди жилдни ердан олди, ширилдоғини суриб очди, тўппончани олиб, қўлларида айлантира бошлади: «Қуролни жойига қўй! – кўркиб кичкирди у шифт тагидаги жойида туриб. – Отилиб кетади бўлмаса!» Лекин ҳаммаларининг қулоғи кар эди. «Ҳей илоҳлар, ўзингиз қўлланг!» Қизалоқ тўппончани қайта жойлади ва ички чўнтагидаги ширилдоқни суриб очиб, ҳалиги хотиннинг фотосуратини чиқарди.

– Ҳой, бу ёкка қаранглар, нима бор экан! – деди қиз.

Официант қизлар уни ўраб олишиди ва бири олиб-бири қўйиб, ҳар ким кўнглидагини айта бошлади.

Азбаройи ғазабдан у қизларни чангитиб сўка кетди, аммо қани энди уларнинг эшиттани қулоғи бўлса.

Ниҳоят, тўртала қиз менинг танамни кўтарди. Зиёфатхонадан олиб чиқди ва ўлик итдай пояндоз тўшалган бояги



йұлакдан судраб кетди. Қызлардан бири туғлиси түмишүегі билан бошимнинг орқасига атайлаб туртиб қўйди. «Ифлос суюқоёқ! Танам-қу, майли, ҳиссиз, аммо рұхим уйғок». Мен уларнинг бошлари узра уч жи баландликда қанотларимни бетартиб қоққанча учиб кетяпман, ўз жиссимидан бир қадам ҳам орқада қолмайман ва ўзимнинг шалвараган танамдан ғамгин кўзимни узмайман. Йўлак ҳеч тугай демасди. Ичган шаробим оғзимдан оқиб чиқиб, бўйнимга тушаётганини кўриб турибман. Аъзойи баданимдан бадбўй ҳид кўтарилар ва қызлар бурунларини маҳкам беркитиб олгандилар. Биттаси ҳатто қайт қилиб юборай деди. Бўйним саримсоқни ёзининг куриган, юмшоқ поясига ўхшар, бошим кўкрагимда осилиб ётарди. Башарам кўринмасди, фақат оқши-куранг қулогим диккайиб турарди. Қызлардан бири жислдимни олиб, гоз юриб келарди.

Узундан-узун йўлак ниҳоят тугади ва мен таниши катта танобийни кўрдим. Танамни гилам устига ташлашди. Башарамга қараб, ҳатто қўрқиб кетдим. Кўзларим юмуқ, баданимнинг ранги эски, ийртиқ дераза қозозининг ўзи. Оғзим сал очиқ, тишларимнинг ярми оқ, ярми қора. Ёқимсиз шароб ҳиди тепага кўтарилиб кела бошлади, мен ҳозир қусвораман, деб ўйладим. Гавдам худди беззак тутгандаи букилиб қолган, шимим ҳўл – бу шармандалиknи кўринг!

Нафасларини ростлаб, қызлар мени танобий ичидан судраб олиб чиқшиди. Ташқарида кунгабоқар даласи денгиздай чайқаларди ва ботаётган қуёшининг ол шафагида кунгабоқар бошлари ўзгача товланарди. Кунгабоқар даласидан нарёқда, маълум бўлишича, пўлат варагидай теп-текис бетон йўл кетаркан, ўша йўлда дабдабали кумышранг «Тойота-краун» лимузини турарди. Унга эгилиб кириб, Жин Ганжусан ўтириб олганди. «Тойота» аста ўрнидан қўзгалди, эгизак раҳбарлар орқадан қўл силкиб қолишиди ва бир лаҳзадан кейин лимузин ғойиб бўлди. Қызлар мени мана шу бетон йўлдан судраб кетшишиди. Дараҳт танасидай йўғон кунгабоқар пояси олдида кўпнак ҳура бошлади. Юнглари осилган, бошдан-оёқ қопқора, фақат қулоқлари оқ эди. Ҳар ҳурганда унинг танаси бир қисилар, бир ёйиларди, кўриб аккордеон гилофи дейсиз. Булар мени қаёққа олиб кетишяпти ўзи? Кончилар яшайдиган маскан чироқлари айёр қўзчалардек милтилларди, худди

эрталабгидек ўша техника, ўша чигир. Алюминий каска кийган, юзлари қоп-қора бир тұда одамлар қарши чиқди. Негалигини билмадим-у, улар билан юзма-юз келиши құрқинчли эди. Нияти яхши бұлса – Худо пошио, мабодо ёмон бұлса – әнди уларнинг құлидан омон чиқиб бўпсан. Кончилар бир четга ўтишиди, қизлар мени гёё саф олдидан олиб ўтгандаидай бўлишиди. Кончилардан ачимсиқ тер ҳиди ва коннинг рутубатли, чиркин рухи келиб туради. Уларнинг нигоҳлари вужудини пармалагандай бўлди. Кимдир ифлос сўзлар билан сўқинди, бироқ қизлар бошларини орқага ташлаб, кўкракларини олдинга чиқариб кетиб борарадилар, уларга эътибор ҳам қилғанлари йўқ. Фаҳш билан боғлиқ бу сўзлар менга эмас, қизларга аталганини кейин фаҳмладим.

Мени унча катта бўлмаган, алоҳида уйчага олиб киришиди, у ерда иероглифлар чизилган пештахта ортида оқ либосли икки қиз тиззаларини бир-бирига теккизиб ўтираради. Бизни кўрибоқ уларни ажратишиди. Биттаси девордаги тугмани босди, аста эшик очилди, ҳойнаҳой, лифт бўлса керак. Мени ичкарига олишиди ва эшик ётилди. Қарасам, ҳақиқатан лифт экан – у пастга шувиллаб туша кетди. «Худди шахтанинг ўзи, – ҳурматан ўйладим, – ҳаммаси ернинг тагида. Уларнинг Буюк Хитой деворини ернинг остида қуришига ҳам қурблари етади». Лифт гумбурглади-да, уч марта силқинди – етиб келдик. Эшик ланг очилди. Ўткир ёругдан кўзларим жисмиirlab кетди. Муҳташам танобий, мармар полда сувдагидек киши ўз аксими кўриши мумкин эди, шифтда бўртма безак ва бир неча юз дона келадиган нафис чироқдонлар. Катта-катта тўртта кўпбурчакли устун мармар таҳтачалар билан қолланган. Гуллар ва кўкатлар. Тилла балиқчалар сузиги юрган ўта замонавий аквариум, семизлигидан балиқчаларни кўриб, кўнглинг айнииди. Қизлар танамни авайлабгина тўрт юз ўнинчи хонага олиб киришиди. Ақлимга сизмайди, бу ерда тўрт юз ўн рақами нега керак? Осмонўпар биноми бу? Нью-Йоркдаги осмонўпарлар жсаннатга олиб чиқади, Жюгурдаги бинолар эса тўғри дўзахга. Қизлар оёғимни ечишиди-да, каравотга ётқизишиди. Жилдни хонтахта устида қолдириб, ўзлари кетишиди. Беш дақиқадан кейин эшик очилиб, оч жигарранг либосли оқсоқ кирди ва столга тиёла қўйди. Унинг танамга мурожсаат қилғанини эшийтдим:

– Чой ичволинг, хүжайин.

Жағоб бўлмади.

Қизгина роса бўянган, киприклари чўчқа жунидай тик-
райган. Каравот бошидаги тумбада телефон жиринглади.
Қоқ суюк қўлини узатиб, гўшакни олди. Хона шу қадар тинч
эдики, гўшакдан эркак овози қулогимга аниқ чалинди:

– Уйғондими?

– Қимир этмай ётибди, кўриниши ёмон.

– Қара-чи, юраги уряптими?

Қаттиқ нафратдан афти буришиб, қиз қўлини кўк-
рагимга қўйди.

– Уряпти.

– Бир рақамли ҳушига келтирувчи қайнатмадан озроқ бер!

– Яхии.

Қиз чиқиб кетди, аммо унинг ҳозироқ қайтиб келишини
билардим. У мол дўхтирлари фойдаланадиган пўлат шприц
билан қайтиб келди. Яхшиямки, нинаси юмишқ пластикдан
экан, шу боис ташвиши қўлмаса бўларди – эмламаскан. Нина-
ни оғзимга қўйиб, зардобни жўнатди.

Бирордан кейин ингрок эшишилди ва танам кўтарила боши-
лади. Қўлим қимирлади. Вужудим бир нима дегандек бўлди.
Ундан чиқаётган куч мени ўзига тортар, эгаллаб олишга
ҳаракат қиласарди. Қаршилик кўрсатганча каттакон сўргичга
айландим ва шифтга ёпишиб қолдим. Бироқ, афтидан, қан-
дайдир қисмимни танам сўриб бўлганди.

Базўр туриб ўтирдим, кўзимни очиб, узоқ вақт девор-
га маъносиз тикилдим. Пиёлани олдим, ютоқиб чой ичдим,
кейин эса яна каравотга қуладим.

Орадан анча вақт ўтди ва эшик оҳиста очилди. Ичка-
рига кўк шим кийган ўн тўрт ёшлардаги оёқяланг ўсмир
кириб келди. Унинг аъзойи баданини балиқ тангачаларига
ўхшаши қасмоқ қоплаганди. У мушукдай енгил ва товушиз
ҳаракат қиласарди. Мен унга бошдан-оёқ қизиқсиниб разм со-
либ қарадим. Башараси таниши: уни аввал кўргандек бўлдим.
Қаердадир учратганим аниқ. Тишида тол барги шаклидаги
унча катта бўлмаган ханжарни тишлаб олган, худди балиқ
тишилаган мушукка ўхшарди.

Чала ўлук бўлганим учун вужудимни фавқулодда қўрқув қамраб олди. Айни вақтда бу иблицавчча қандай қилиб бу ерга, ер остидаги бунақа хилват жойига келиб қолганини ўйлаб топши қолганди, холос. Эшик ўзидан-ўзи очилди ва хона ичи қулоқни шангиллатадиган сукунатга кўмилди. Бола танамга яқинлашиди, қоядаги тирқииидан ҳозиргина чиқиб келган панголиндек¹ ундан тупроқ ҳиди анқирди. Унга нима керак ўзи? Ҳар томонга осилиб ётган соchlарига думалоқ қўйтиканлар ёпишиган. Уларнинг аччиқ ҳиди илондек бурун катакларига ўрмалаб киради-да, миясигача етиб борарди. Бадан аксирди ва иблицавчча полга ташланди. Кейин ўрнидан турди ва кичкинагина панжаси билан томогимдан туртди. Тишлаб олган совуқ ханжари ялтиради. Танамни шунақанги ўйготгим келаётгандики, аммо уддалаёлмасдим. Бошим қотгандан-қотган, чигални ечмоқчи бўлардим: ахир, қачон, қаерда ва қай йўсинда бу шайтонваччанинг олдида гуноҳ иши қилиб қўйганман? У яна қўлини чўзди ва бўйин деган жойимдан чимчилади, гўё кўпни кўрган ошпаз сўйишидан олдин товуқни шундай қилгандек. Бу даҳшатли, қаттиқ панжаси сездим, аммо-лекин тана лоақал қилт этмади, у уйқусида оғир, эзгин хуррак отганча, Азроил жуда яқин келганидан бехабар ётарди. Тамом: ҳозир у оғизидан ханжарни олади, хуррак отаётган танамга ташланади ва менинг шифтда осилиб турган жонимни уқубатлардан халос этади. Аммо бундай бўлмади. Бўйнимдан ушлаб, у кийимларни пайпаслай, чўнтакларимни кавлай кетди. Авторучкамга тўқнаши келиб, у қалпоқчани олди ва перони кафтининг тангача боссан орқа томонидан юргиза бошлади. Бир чизик тортиб-да, қўлини тортиб олди, оғзи очилиб, башираси ё оғриқдан, ё кулгидан қийшиайиб кетди. Э-ҳа, қитиқдан қўрқаркан. Перо бўғиқ гичирлаганча тангачаларни тирнашида давом этди ва мен олтин пероли севимли ручкамдан айрилганимга амин бўлдим. Мукофотга олган ручкам намунални иши учун йигларди. Роса ярим соат ўтди, бироқ бу шайтон ўйини сира тугай демасди. У ручкани столга қўйди-да, чўнтакларни кавлашида давом этди. Рўмолчамни, бир қути сигаретим, электрон чақмоқтошим,

¹ Панголин – асосан Африка ва Жанубий Осиёда яшовчи калтакесакка ўхшаган йирик сутэмизувчи хайвон.



шахсий гувоҳномам, ўйинчоқ түптончам (у ҳақиқиیدай кўринарди), ҳамён ва иккита тангамни ўмарди. Мана шу бир талай хазинадан, айтиши мумкинки, унинг ҳатто боши айланаб қолди. Болаларча очкўзлик билан нарсаларни иккала оёғи ўртасига тўплади-да, ҳар бир буюмни навбатма-навбат ўйнай бошлиди, гёй бу ёргу оламда ундан бошқа тирик зот йўқдай. Ручкани ташлаб – шу ҳам ўйинчоқ бўлди-ю! – у табиийки, тўптончамни қўлига олди ва у ёқ-бу ёгини қарай бошлиди. Хромланган тўптонча чироқлар ёғдусида ярқилларди. Куролнинг аниқ нусхаси, бунақасини фақат америкалик полициячилар олиб юрадилар. Тўптончамисан тўптонча – қараб тўймайсан. Ўқдонда яна бир нечта «ўқ» қолганини билардим ва отганда босиқ гумбурлаш эшишиларди. У ўзига жуда ёқиб қолган ўйинчоқни берилиб томоша қилди ва катта-катта кўзлари завқдан бошқача чақнади. Ҳозир тепкини босиб юбориб, ўзини билдириб қўйса-чи? Бола қўлининг янги нилуфар илдизидан фарқи каттами? Менинг жиссимни аҳмоқ қилишиадими? Аммо бирон чора кўришга кеч бўлганди: у тепкини босиб юборди. Пақ! Ўқ товуши янграб, атрофни кўкиши тутун қоплади. Мен эшик ортидан қадам товушини эшишишини ва юзларига упа суртган қизлар билан бирга хонага қўриқчилар югуриб кишишларини кўришини кутгандим. Тундаги ўқ овози нимани англатиши мумкин? Ёки бирорни ўлдиришиган ёки бирор ўзини отган бўлади. Мен ўзимнинг тангачали меҳмонимдан кўпроқ ташвиши қилаётгандим. У хавф остида. Уни тутуб олишларини истамасдим. Тўғрисини айтсам, у мени авраб олганди. Бунга тангачалари сабаб эмас. Тангачалар балиқларда ҳам, илонларда ҳам, пантоминларда ҳам бор. Пантоминлар беўхишовроқ бўлиб, бироқ айёр мавжудот, улар менда айтарли нафрат ўйготмайди, аммо совук, сассиқ балиқларни ёқтирмайман, бадқовоқ илонларга ҳам тоқатим ийқ. Тахминларимда хато кетгандим: ўқ отилгандан сўнг ҳамма нарса шундоқ қолаверди, ҳеч ким югурмади ва эшикни қоқмади. Меҳмоним яна ўқ узди. Нафси замрини айтганда, бу гал ўқ овози кўнгилдагидек эмас, заиф чиқди, чунки хонада ажойиб овози тар қурилма бор эди, боз устига, гилам, шифт ва гулқогозлар товушини яхши ютарди. Тангачали бола пинагини ҳам бузмай хотиржсам ўтиради: у ё кар



эди, ё қўрқмас жсангчи. Ўйнаб бўлиб, тўппончани бир четга иргитди, ҳамённи очди, ичида ҳамма нарса: пуллар, маҳсулот варақаси, ошхона талони, мен ҳали ҳисобхонага топшириб улгурмаган товар чеклари. Сўнг чақмоқтошини ўрганишига тутинди. Чакмоқтоши ширқ этди-ю, аланга чараклади. У чекишига ҳаракат қилди, йўталиб қолди ва сигаретани гиламга ташлади. Ё алҳазар! Гилам ёна бошлиди ва куйган юнг ҳиди анқиди. Шу ерда ҳушим жойига келди: агар жиссими кийиб кулга айланса, тутун бўлиб у билан бирга ўзим ҳам йўқ бўламан. Ўйгонсанг-чи, ҳой тана!

Сени шунақангни ёмон кўраманки, тангачали иблисвачча!

Йўқ, ёмон кўриши ҳам гап эканми, қулгум қистайди, кулишининг эса уддасидан чиқолмаяпман. Гиламнинг ёнаётганини кўриб, иблисвачча аста ўрнидан турди, шимини тортди ва ёнаётган жойига чоптирди. Пешоб тизиллаб отилди. Олов вишиллади. Пешоб мўл эди, бунақа ёнгиндан иккитасини ўчиришига етарди. «Қойил, мана бунга тасанно айтиши керак, минг марта қойил!» – ўйладим пешоб билан шароб ҳидидан нафас оларканман.

У эгнимдан кийимларимни еча бошлиди. Қандай қилиб бўлмасин, камзулимни эгнимдан олишига қасд қилганди. Унинг зўр бериб ихраётганини эшишиб турардим. Ечиб олди-да, эгнига кийди: ўнгирни нақ тиззасидан келди. Гиламдаги барча ўйинчоқларни тўплади-да, чўнтағига тиқди. Тагин нимани ўйлаб қолди экан?

У оғзидан ханжарни олиб, атрофга аланглади. Кейин деворга тўртта хочсимон «ўн» иероглифини тирнаб ёзди, ханжарни – тол баргини – яна тишлари орасига олди ва ҳаддан ташқари узун енгларини силкитганча алпонг-талпонг юриб, хонадан чиқиб кетди.

Иблисвачча танамни шунақангни агдар-тўнтар қилгандики, жасадим аллақачон каравот тагига кириб қолганди. Аммо хуррак отишда давом этарди.

2

Устоз Мо Ян!

Сизни айнан шундай улуглашимга изн беринг, акс ҳолда жуда нокулай аҳволда қоламан, нима деяр-нима қиларимни билмайман, ўзимни қўйгани жой тополмайман.



*Устоз, Сиз – том маңнода, беқазил менинг устозимсиз.
Сизнинг нафақат романлар ёзишида сүягингиз йўқ, балки мусалласларни билишида ҳам ҳеч ким олдингизга тушолмайди.
Бир роман ёзишига киришидингизми, тамом – ҳаммаси хамирдан қил суғурғандек битади, худди оёққа бинт боғлаган кампирдай чаққонсиз.*

Мусаллас ҳақида сўз очгудек бўлсангиз, ишбилармонлик жсонибидан ҳам мазмунлироқ чиқади. Етук ёзувчини топиш бугунги кунда чўт эмас, етук мусаллас билимдонини ҳам қидириб топиш муаммо эмас, аммо ёзувчилик иқтидори билан яна етук чашинарлик салоҳиятига эга одамни учратиш – қарийб имкони йўқ нарса. Лекин Сиз, устоз, айнан ана шундай фазилат соҳибисиз.

Сизнинг «Лой и чун де» мусалласи борасидаги чуқур таҳлилингиз аниққина эмас, балки мутахассисларча ўтказилган текширув дейши мумкин. Бу мусаллас учун асосий маҳсулот сифатида гаолян ва тилларанг ловиядан фойдаланилади, уларни юз йиллик майхоналарда ачитиш керак. Ачитиш учун асосий восита арна, бугдой кепаги ва нўхат ҳисобланади, бироз шоли қипиги ҳам кўшилади. Ҳайдагандан кейин мусаллас тиниқ ва тоза чиқади, ранги яшилтоб, таъми аъло бўлади. Умуман, уни мусалласларнинг қуюқ, тиниқ ва ҳидга бой хилига киритиши мумкин. Унинг таъми ҳаддан ташқари ўткир, шу боис ёниш чогида биз унинг қусдирувчи хусусиятини қирқши учун ёввойи отни юганлашга ўхшаб, озмунча чоралар кўрмаймиз, бироқ ҳали катта ютуқларга эришганмиз, деб мақтанолмаймиз. Бунинг устига, уни олди-сотди кўргазмасида иштирок этиши учун расмийлаштиришига улгурганимиз йўқ – бор борича, йўқ ҳолича. Сиз айтиб ўтганингиздек, сифат бўйича «Лой и чун де» – мутлақ дурдона, биргина камчилиги – унчаям ўткирмас.

Тўғри топдингиз, чашина чогида рамзий тавсиф учун ажсойиб мусалласни сулув аёлга қиёс қиласилар. Биз қайнотам, профессор Юан Шуанъюй билан «Лой и чун де»ни яхшилаш лойиҳасини ўйлаб қўйганимизга анча бўлди, унинг таъмини янада топлироқ қилмоқчимиз, олдинга қўйилган вазифаларни амалга оширишига яқин турибмиз, аммо, афсуски, охирги



вақтларда адабиётта шунчалик шүнгіб кетғанманки, бошқа ҳеч нарасага вақтим қолмаяпты.

Устоз, одамларга тұла кенг бу дүнёда мусаллас ғенги-зи мавж уради, шароб дарёси тошиб оқади, «ажайыб мусалласни ичиб, гүзәл жонон билан айш сурган», чинакамига юксак даражаса етишигән ҳақиқий шинавандалар тонг юл-дүзи каби, қақнус пати ёки силин¹ мүгезидай, йұлбарснинг тукию динозаврнинг тұхуми каби ноәбdir. Шулардан би-рини Сиз, иккінчисини Сизнинг шогирдингиз деб билмоқ ке-рак, устоз. Яна бирек аудамын күст шинаванда бор, бу – менинг қайнотам Юан Шуанъюйdir, шундайларнинг тенг ярмиға бўлим бошлиги муовини Жин Ганжуанни ёзиб қўямиз. Уибу шинавандалар сирасида Ли Бо ҳам бор... «Аммо шишадошилкка ойни ҷақиридим, соялини ҳам тақлиф этдим – уч киши-лик давра бўлдик-қўйдик». Нега уч одам ҳақида гап кетяпти, деб сўрарсиз. Бири – Ли Бонинг ўзи, иккінчиси – ой, учинчиси эса – мусаллас. Чунки ой бу фалакдаги соҳибжамол Чан Э, мусаллас бу «Синлян» – «мовий нилуфар», заминдаги соҳибжамол. Ли Бо ва мусаллас битта бўлиб қўшилиб кета-ди, Ли Синлян шундан келиб чиққан – у ўзини шундай атаган. Айнан шунинг учун ҳам Ли Бода фарышталар билан бемалол мулокотда бўлиши учун бу қадар ажайыб тимсоллар мавжуд. Ду Фу бундай шинаванданинг ярмиғагина тортади, холос. У кўпроқ сифати наст, дагал ишланган, бева кампирдек камши-ра ва кучсиз ачитқуларни ичган, шу боис унинг шеърларида ҳалигидай жонли руҳ йўқ. Яна бир шинаванда сифатида Сао Мэндени тилга олиб ўтамиз.

Унда «мусалласни тараннум этмоқ» – «гүзәл жононни тараннум этмоқ»dir; умр қисқа, гүзәл жонон эса «тонгги шабнамга ўхшайди». Чирой бекарор, осон йўқолади ва имко-ни борича ундан лаззатланиб қолиши керак. Қадимги замондан бизнинг кунларгача ўтган беш минг йил мобайнида ажайыб мусалласни нўши этиши, худди гүзәл жонондай ундан лаззат-ланишининг юксак санъатини эгаллаган одамлар ўнта ё чиқар, ё чиқмас. Қолган барчалари – сассиқ, чарм мешилар. Савол түгилади: ҳаммаси ўша заҳоти чөлакдаги ювиндига айланган

¹ Силин – афсонавий ҳайвон, кўриниши бир шохли кийик ёки карки-донни эслатади.



жойда «Люй и чун де» ёки «Шибали хун»ни мана шу сассиқ мешига қўйши нега зарур?

«Шибали хун» ҳақида эслади демагунча, устоз, шогирдингизнинг юраги қафасдаги қушдай титирчилайди. Ҳақиқий зўр нарса, чинакам дурдона деб шуни айтса бўлади. Мусалласли тогорага пешоб қўйшиши – рамзий кучга тўлиқ ва кишини пол қолдирувчи ётиши усули – мусалласпазликда янги даврни очди. Энг гўзаллар орасида кўпинча ёмон унсурлар учрайди. Асал ширинлигини ҳамма билади, аммо у нимадан иборатлиги кўпларга маълум эмас. Айримлар у асосан гул чангидан олинади, дейди. Ҳа, мутлақо тўғри. Асал асосан гул чангидан ташкил топган дейшиши – мусалласнинг асосини этил спирти ташкил этади, демоқ билан баробар. Аммо бу ҳеч нимани англатмайди. Мусалласда ўнлаб маъданли моддалар борлигини биласизми? Мусалласда яна ўнлаб микроорганизмлар борлигини-чи? Бунақа нарсалар тўлиб-тошиб ётибди, санаб саногига етолмайсан. Мен билмайман, қайнотам ҳам билмайди, Сиз-ку, алалхусус. Асалда денгиз суви борлигини биласизми? Унда гўнг борлигидан хабарингиз борми? Янги чиқиндисиз асал бўлмаслигидан боҳабармисиз?

Яқинда газета варақлаб ўтиргандим, унда мусалласпазликда балони ҳам билмайдиган анави ёзиб-чиизувчилар, буни қаранг, Сизнинг ажойиб ва етук ижодингизни нопок деб эълон қилишибди. Айтишларича, мусалласга пешоб қўйшиши башарият маданиятига нисбатан ҳақорат эмиши, улар мусаллас тавсифи учун сувнинг тезоблиги ва сифати қанчалик катта аҳамият касб этишини мутлақо тушунмайдилар. Агар сувда ишқор кўп бўлса, мусаллас тахир чиқади ва уни ичиб бўлмайди. Бироқ унга соглом бола пешоби қўшилгани ҳамон «Шибали хун»дек машҳур мусалласга айланади (номнинг ўзиёқ «Жуанъюан хун» ёки «Нюйэр хун»га нисбатан яхшироқ жаранглайди, «асал каби томли хушибўй ичимлик»). Бу ерда ҳеч қандай бемаънилик йўқ, бор-йўқ қусур шундаки, мақолда айтилганидек, «кам кўрган кўп ҳайратланади». Мусалласпазлик номзоди сифатида айтаман: бу – илм! Илм – жиiddий нарса, ҳеч қанақа қалбакилик кетмайди. Бирор нарсага ақлинг етмай ҳолса, ўқимоқ керак, оёқни кўрсатиб, қўлни чўзши эмас, одамни ҳақорат қилиши тўғрисида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Сирасини



айтганда, пешобда нопок нима бор ўзи? Албатта, фоҳишиалар билан ётиб-туриб, заҳм, сўзак, ОИТС каби иллатлар орттириб олганларнинг пешобини пок деб бўлмайди. Аммо Сизнинг отангиз, устоз, мусалласли тогорага боланинг тоз чашмасидек тиник пешобини қўшиганди. «Илдизлар ва гиёхлар ҳақида рисола» номли мумтоз илмий асарда машҳур ўрта аср доришуносимиз Ли Шичжен аниқ-тиник қилиб ёзади: бола пешоби қон босими, юрак етишимовчилиги, атеросклероз, глаукома, мастиит ва бошқа кўплаб касалликлар учун дори тайёрлашда қўшилади. Наҳотки бу жоҳилваччалар Ли Шичженга ҳам ҳужум қилишдан тоймасалар? Бола пешоби ер юзидағи энг муқаддас, энг қутлуғ суюқлик бўлиб, унда нечта қимматбаҳо унсур борлигини ҳатто иблис ҳам билмайди. Японияда кўплаб таникли сиёсатдонлар ҳар куни эрталаб тетик ва соглом бўлиб юриши учун бир стакан пешоб ичадилар. Бизнинг Жюргуода шаҳар партия қўмитаси котиби Жян туйилган нилуфар илдизи ва бола пешобидан қилинган бўтқа билан кўп ийллик уйқусизликни тузатган. Пешоб – чинакам мўъжиза, бу ер юзидағи энг ажойиб суюқлик бўлиб қолмай, унда яна теран фалсафий мазмун ҳам бор. Устоз, келинг, бу маҳмадоналарга кўпам эътибор бермайлик. Халқ комиссари ўртоқ Сталин айтганидек: «Биз уларга эътибор бермаймиз!» Улар бошларидан от пешоби қуйиб ҷўмилтиришига арзийдилар, холос.

Хатингизда Сиз мусаллас тўғрисида роман ёзмоқчилигинизни эслатиб ўтибсиз. Зоро, Сизнинг жонингиз, устоз, мусалласнинг жони, бутунлай ва мутлақо, Сизнинг жиссингиз эса – мусалласнинг жисми, тўла ҳажмда. Сизнинг мусаллас моҳиятингиз назокатли ва нафосатли: Сиз жозибадорсиз, барча аъзоларингиз мустаҳкам, ўлчамдор, вазмин, бегидир. Сиз айни куч-қувватга тўлиб-тошган вақтингиз, Сиз олдимда тургандайсиз. Устоз, сиз «Шибали хун» шишиасининг жонли тимсолисиз. Мусаллас ҳақида ашиё тўплашада ёрдам бериш учун, шогирдингиз Сизга деб ўн шишиа «Люй и чун де», ўн шишиа «Хунзун лема», ўн шишиа «Динфан жэзяжен» тайёрлаб қўйган. Академиянинг Пекинга қатновчи биринчи автобусида юбораман. Бугундан бошлиб, устоз, шишиа ва қаламдан ажралимаган ҳолда дадил олга босинг. Тўққиз минг тўққиз юз тўққисон тўққизта асар яратишингизни истайман! Мана бу пайтавақулоқлар эса



бүрчакда ўтириб олиб, дийдиёсини айтшишаверсин. «Халқ омасининг яйраб-яшинаш куни синфий душманлар учун мотамдир», галаба, албатта, биз томонда бўлажсак.

Ўтган сафар Сизга юборган «Гўшит болалар» ҳикояси «репортаж адабиёти»га кирмаса-да, шу жсанрдан озгина фарқ қиласди. Жюгуодаги айрим таназзулга юз тутган раҳбар ходимлар инсонийликдан буткул маҳрум бўлиб, болалар гўшигини еяётганлари – мутлақ ҳақиқат. Эшишишимча, текширув ўтказгани кимнидир юборишганмиш, агар қачондир бу иши очилгудек бўлса, бутун дунё ларзага келгай. Бу йирик иши ҳақида «репортаж адабиёти» жсанрида Сизнинг шогирдингиздан боиша ким ёзарди? Бундай портловчи ашёга эга бўлиб, устоз, мен жинни бўлмай, ким жинни бўлсин?

«Фуқаро адабиёти»дан хат-хабар йўқ ҳалигача, умид қиласманки, Сиз уларни шоширасиз.

Бизнинг Лю Ян – юзида дөслари бор, кўзлари чақчайган қиз; Сиз эслатиб ўтган «юзи оқча мойил, ҳар доим кўзлари чақчайиб турадиган» аёл, эҳтимол, ўшадир. Юзидаги дөслар эса, ҳойнаҳой, бир неча бор хуфия бола олдириши натижаси бўлса керак. У бир гал айтгандики, ҳайдалган ери жудаям серҳосил экан, хоҳ қовурилган, хоҳ қайнатилган бўлсин, уруглар бир текис униб чиқаркан. Яна шуну ҳам айтгандики, чала тушиган чақалоқларни касалхона ходимлари олиб кетиб ейшишармиш. Эшишишимча, бундай олти ёки етти ойлик ҳомилаларнинг озуқалик қиммати жуда юқори бўлармиш, ҳар ҳолда, бунда қандайдир мантиқ бор. Ахир бузунинг ҳомиласи ажойиб тетиклаштирувчи восита эмасми? Ахир «тукдор тухум» қон ва юз рангини тиклайди, деб бежиз айтмаслар?

Ўзимнинг янги «Кайвони бола» асаримни юборяпман. У «иблисча реализм» жсанрида ёзилган. Камчилкларини тўғрилаб бўлганингиздан кейин уни ҳам «Фуқаро адабиёти»га юборсангиз. Бу иблислар дарвозасига етиб бормагунимча тинчимайман! Остонангиз рутбаси арши аълодан бўлсин, ёшлик жўшиқинлиги билан Сизнинг дунёнгизга кириб бораман!

Лутфу тақаллуф ила хотиржам ижод тилайман!

Шогирдингиз Ли Идоу



3 «Кайвони бола»

Жаноб ўқувчилар, яқинда сизларга «Гўшт болалар» ҳақида хикоя қилиб бергандим, унда қизил лиbosдаги болани тасвиrlашга алоҳида қунт билан ҳаракат қилгандим. Эҳтимол, сиз бу гайриоддий кўзларни эсларсиз – болаларга хос бўлмаган совуқлик ила ялтираб турган тор тешикчалар. Бўйи уч жи ҳам келмайдиган фитнагарнинг одатдаги кўзлари. Шу боис уларни унугтишимиз қийин бўлганди, шунинг учун улар Жюгуратро атрофидаги ерлардан чиқкан батавфиқ дехқон Жин Юанбаонинг нақ ўтакасини ёраёзганди. Ушбу унча катта бўлмаган ҳикоямизда моҳиятга чуқурроқ кириб боришимизга, бу боланинг қиссасидан сизларни воқиф қилишга имконият бўлмаганди. Ҳикояда у пайдо бўлган пайтдан бошлаб муайян тамсилни ўзида сақлаб қолади: соchlари қалин, кўзлари фитнагар, қулоклари катта-катта ва гўштдор, овози хирқироқ бола. У кўринишдан кичкина, бошқа томонлардан эса бунинг акси.

Ҳикоямиздаги воқеалар Ошпазлик академиясининг маҳсус харидлар бўлимида кош қорайганда содир бўлади. Муҳтарам ўқувчилар, «ҳикоямиз, сирасини айтганда, аллақачон бошланаб бўлганди».

Ўша куни кечқурун осмонда ой порлаб турарди, бизга шуниси керак. Тепалик ортидан каттакон ол баркаш аста кўтарилиб кела бошлади, пуштиранг нурлар икки қаватли деразадан шаршарадек тошиб кирди, кишилар чехрасини енгил ёғдуга чулғади. Бу бир гала ўғил болачанинг юзлари эди ва агар сиз менинг «Гўшт болалар» ҳикоямни ўқиган бўлсангиз, уларни аллақачон таниб олган бўлишингиз керак. Улардан бири ўша иблисвачча эди, у, бирпас сабр қилинг; кўп ўтмай уларнинг раҳнамосига, тўғрироғи, мустабидга айланади.

Болалар қуёш тепалик ортига яширгандаёқ тўйиб йиғлаб олишганди. Юзларида кўз ёшлари қолдирган хўл чизиклар, барчаларининг овози хир-хир қиласарди, албатта, иблисвачча бундан мустасно эди. У ўзи йиғлаш нималигини билмасди! Ҳамма ҳикиллаб йиғлаб турганда, у қўлларини орқасига чалиштириб, худди ғозларнинг каттасидай у ёқдан-



бу ёққа бориб-келарди. Бу шинам, кенг хонада «тоғлар» ҳам, «сувлар» ҳам бор эди, дам-бадам чинқириб йиғлаган болаларга ғазаб билан тепки туширади. Улар муттасил чийиллаб юборишарди-да, босиқ «хик-хик» қилишга ўтардилар. Унинг оёғи йиғига восита бўлиб қолганди ва у ўттиз битта боладан ҳар бирини тепки билан тақдирларди. Энг кичигининг хўрсиниқли йиғиси остида болалар тойчоққа ўхшаш чиройли ой тепалик бўйлаб чопиб кетишини томоша килишганди.

Дераза олдида тўпланиб ва дераза рахига суюниб, улар кўчадан кўз узишмасди. Суқилиб ўтиб олганлари олдинда турганларнинг елкасига суюнарди.

– Оймомо... оймомо... – деди пишиллаб кичкинагина, бақалоқ, мишиғи юзларига чапланган бола дўумбоқ бармоқ-часини кўтариб.

– Оймомо эмас, ойхола, – деди лабларини чапиллатиб бошқаси. – Бу ойхола бўлади.

Иблисвачча нафрат билан кулди. Кулги бойўғлининг увалишдек аллақаерда, баландликдан келарди. Болалар қалтқалт титрай бошлишди, кунишиб, ўша томонга қарашиди. Иблисвачча хона ўртасидаги тепаликнинг чўққисида чордана қуриб ўтиради. Ойнинг қизғиши ёғдусида қизил кийимли иблисвачча ёниб турган олов зўлдирга ўхшарди. Тепалик ёнбағридаги сунъий шаршаранинг узлуксиз оқиб турган суви қизил шойи бурмалари каби этакдаги ҳовузга келиб тушар, майда кўпиклар кип-қизил олчалардай ҳар томонга сачарарди.

Болалар энди ойга қарамай кўйишганди, улар бурилишдида, бир жойга ғуж бўлиб, кўркиб иблисваччага тикилишди.

– Болалар, – деди у пастроқ овозда, – кулоқ солинглар, сизларга бир гап айтаман. Анави тойчоққа ўхшаган нарса ҳеч қанақа момо ҳам эмас, хола ҳам эмас. Бу зўлdir, осмондаги сайёра, у ҳаммамизнинг атрофимиизда айланади ва Ой деб аталаdi!

Болалар ҳеч нарсани тушунмай, унга қараб туришарди.

У бир сакраб тепаликдан тушди, шалвираган қизил кийими орқасидан қанотлардай кенг ёйилди.



Кўлларини орқасида чалиштириб, болаларнинг рўпарасида у ёқдан-бу ёққа бориб-кела бошлади, ҳар замон-ҳар замонда енги билан оғзини артар ёки ялтираган тош полга туфларди. Кейин тўхтади, ориқ кўй туёғига ўхшаш қўлини кўтарди, сил-киб кўйди ва қатъий оҳангда сўзлади:

– Кулок солинглар, болалар. Сизлар туғилганингиздан бери ҳеч қачон одам бўлмагансизлар. Ота-оналарингиз чўчқа болалари ёки кўзичоқлардай сизларни сотиб юборишган! Шунинг учун бугундан бошлаб кимки йигласа ва ота-онасини чақиришга журъат килса, гарданига тушираман!

У күш панжасига ўхшаган кафтини силкитар ва томоги йиртилгудек бакириб гапиради. Кулранг-оқиши юзига ой нури тушди ва кўзлари яшилтоб ёғду бериб чақнади. Иккита бола дод солиб йиғлаб юборди.

– Йиғлама! – чийиллаб ўшқирди у.

Иккала йиғлоқини сугуриб олди-да, муштумини тугди ва зарб билан ҳар икковининг қорнига туширди. Улар полга йиқилиб, тўпдек думалаб кетишиди.

– Ким йиғласа, шунақа бўлади! – иблисваччанинг сўзлари буйруқдай янгарди.

Болалар бир-бирларига яна ҳам ёпишиброқ ўтиришиди, бошқа ҳеч ким йиғлашга журъат этолмади.

– Шошманглар, – деди иблисвачча, – мен сизларни ёруққа олиб чиқаман.

Сўнг мушукдай яшириниб, бу катта ғалати хона девори бўйлаб ўрмалай бошлади. Эшик ёнига келиб тўхтади ва бир нарсани чўтлаётгандек бошини кўтарди. Шифтдан бир қатор бўлиб, тўртта симли ўчиригич осилиб турарди. У қўлини кўтарди, бироқ ўрта бармоғидан сим охиригача бир метрча бор эди. Бир-икки марта сакраб кўрди, бироқ шунча эпчиллиги билан унгача ярим метр етмай қолаверди. Шунда у девор ёнига пўлат нарвонни келтирди, унга чиқди, куч билан пиликни тортди ва хонадаги барча чироқлар чарс-чурс ёниб кетди. Бу ерда кундуз чироқлари ҳам, чўғланма чироқлар ҳам бор эди – оқ, кўк, қизил, яшил, сариқ. Улар кўп эди: деворларда, шифтларда, кўтарма тепаликда, сунъий дараҳтларда ва ҳ.к. Улар чараклар ва хилма-хил рангларда товланарди, худди фаришталарнинг эртакнамо дунёсидагидек. Ўзларининг қайғу

ва азоб-уқубатларини унутиб, болалар чапак чалар ва шодон кийкираардилар.

Иблисвачча қылган ишидан завқ олиб, лабларини нафратомуз кийшайтирди. Кейин бурчакдаги бир шода мис қүнғироқчаларни олди ва ғазаб билан уларни силкитди. Қат-тиқ жангир-жунгир болаларни ўзига қаратди. У ўзига маҳсус олиб қўйилган шодани белбоғига қистирди, томоғини кириб йўтади ва тупурди:

– Биласизларми, болалар, бу ёруғлик қаердан келяпти? Билмайсизлар. Ҳа-да, сизлар ҳаммангиз тошдан олов чиқарадиган чекка қишлоқлардан келган бўлсангиз, бунақа нарсаларни қаёқдан ҳам билардингиз. Бўпти, айтиб бера қолай: ёруғни бизга электр олиб келади.

Жимиб қолган болалар кўзларини йилтиллатиб, унинг гапларига қулоқ солдилар.

– Электр – бу яхшими ё ёмонми? – сўради иблисвачча.

– Яхши, – яқдиллик билан жавоб берди болалар.

– Мен ақлли одамманми?

– Ҳа!

– Гапимга қулоқ соласизларми?

– Ҳа!

– Яхши, болалар. Сизга дада керакми?

– Ҳа!

– Ундей бўлса, бугундан бошлаб сизнинг дадангиз – менман. Сизларни химоя қиласман, ўқитаман, сизларга ғамхўрлик қиласман. Ким гапимга кирмаса, ҳовузга чўқтираман! Тушунарлими?

– Тушунарли!

– Энди менга уч марта «дада» денглар. Қани, ҳамма бараварига!

– *Дада – дада – дада!*

– Ҳамма чўқкалаб, дадага таъзим қилсин, уч мартадан!

Айрим болаларнинг ҳали кўп нарсага ақли етмасди ва иблисвачча айтгандарининг ҳаммасини охиригача тушунолмаётганди, аммо тақлид қилиш қобилияти жонларига оро кирмоқда эди. Улар тиз чўкиб, ҳириң-ҳириң кулганча иблисваччага таъзим қила бошлишди. У тепаликда чордана куриб ўтирган кўйи таъзимларни қабул қилди.

Таъзим қилиш ниҳоясига етгач, у болалар ичидан энг тили бурро ва шўх тўрттасини танлади-да, уларни тўрт гурухга бўлиб, ҳалиgilарни шуларга сардор қилиб қўйди.

– Болалар! – мурожаат қилди у. – Энди сизлар – жангчи-ларсиз. Жангчи – жангдан кўркмайдиган ва ғалабага интиладиган эркак. Бизни емоқчи бўлганлар билан қандай курашиши ўргатаман сизларга.

– Дада, бизларни ким емоқчи? – қизиқсиниб сўради биринчи гурух сардори.

– Маҳмадона! – қўнгироқчаларни силкитди иблисвачча. – Болалар дадаларининг гапларини бўлмайдилар.

– Айб менда, дада, – икрор бўлди сардор. – Бошқа бундай килмайман.

– Ўртоқлар, болалар, бизни кимлар емоқчи бўлаётганини хозир айтиб бераман, – давом этди иблисвачча. – Уларнинг кўзлари қизил, тирноқлари яшил, оғизларидаги тишлар тилладан!

– Улар бўриларми ёки йўлбарсларми? – сўради юмалоқкина, дўмбоқ юзида кулгичи бор бола.

Шу заҳоти одобсизлик қилгани учун биринчи гурух сардори унга тарсаки туширди.

– Дада гапираётганда унинг сўзини бўлмайди!

Юмалоқ бола тилини тишлади, лекин йиғламади.

– Ўртоқлар, болалар, улар бўрилар эмас, аммо бўрилардан ҳам ваҳшийроқ; йўлбарс эмас, лекин йўлбарслардан ҳам даҳшатлироқ.

– Улар нимага одам ейдилар? – ўзини тутиб туролмади бир болакай.

– Неча марта айтиш керак! – хўмрайди иблисвачча. – Айтдим-ку, гапимни бўлманглар деб! Сардорлар, қани, олиб ўтинглар уни, жазосига бир ўзи туриб, ўйлаб олсин!

Тўртала сардор вайсақини судраб келишди. Худди қатл қилгани олиб кетишаётгандек гуноҳкор ўзини уриб типирчиларди. Сардорлар салгина бўшроқ ушлашгани заҳоти у юлқиниб чиқди-да, икки сакраб бошқа болалар олдига қайтди. Тўртала сардор унга яна ёпишмоқчи бўлганди, иблисваччанинг овози янгради:



– Майли, қўяверинглар. Яна қайтараман: дада гапираётганда болалар қўшилмайдилар. Хўш, улар нима учун ёш болаларни ейишади? Ҳаммаси жуда оддий: чунки сигирлар, қўйлар, чўчқалар, итлар, хачирлар, қуёнлар, товуқлар, ўрдаклар, каптарлар, эшаклар, каламушлар, сассиккўзанлар, туялар, кулунлар, типратиканлар, чумчуқлар, қалдиғочлар, ёввойи ва хонаки ғозлар, мушуклар, силовсинлар уларнинг жонига тегди, шунинг учун улар болаларга ўтишди. Чунки бизнинг гўштимиз мол гўштидан ҳалимроқ, қўй гўштидан ширинроқ, чўчқа гўштидан хушбўйроқ, ит гўштидан ёғлироқ, хачир гўштидан майинроқ, товуқ гўштидан юмшокроқ, ўрдак гўштидан қимматроқ, каптар гўштидан жўнроқ, эшак гўштидан жонлироқ, тая гўштидан тансикроқ, той гўштидан кайишқоқроқ, типратикан гўштидан мукаммалроқ, чумчуқ гўштидан тўйимлироқ, таъми қалдиғоч гўштидан кўра тотлироқ, ёввойи ғозлар гўштига ўхшаб ошқўк ҳиди келиб турмайди, унда хонаки ғоз гўштига ўхшаб кунжара ҳиди йўқ, у мушук гўштидан жиддийроқ, каламуш гўштидан салмоқлироқ, сассиккўзаннинг гўштига ўхшаб бадбўй эмас, силовсин гўштидек у қадар ноёб ҳам эмас. Хуллас, бизнинг гўштимизни одамлар энг мазалиси деб биладилар.

Шунча гапни бир нафасда айтиб бўлиб, иблисвачча чарчагандек тупуриб қўйди.

– Дада, бир гап айтсан майлими? – тортинибгина сўради иккинчи гуруҳ сардори.

– Қани, – эснади иблисвачча. – Дада гапиравериб чарчаб турганди ўзиям. Чўкканга чўп мадад, дейдилар, буниям фойдаси йўқ.

– Дада, улар бизни қандай ейишади, хомлайнми? – давом этди сардор.

– Бизни ейишнинг йўллари жуда қўп. Масалан, ёғда қовуриб, буғда димлаб, дудлаб, тўғраб, сиркада тиндириб, кейин қовуриб, офтобда қотириб ейишлари мумкин. Йўллари қўп, аммо одатда хомлайн ейишмайди. Ҳолбуки, шундайи мумкин бўлса ҳам. Айтишларича, Шэн исм-шарифли бир бошлиқ япон сиркасига ботириб, бир ўғил болани хомлайн паккос туширганмиш.



Болалар яна ҳам гуж бўлиб олишди, энг қўрқоқлари эса аста ҳиқиллаб йиғлай бошлишди.

– Болалар, ўртоқлар, – жонланди иблисвачча, – худди шунинг учун ҳам сизлар мен айтгандек қилишларинг керак. Мана шу қалтис дамларда сизлар тез катта бўлиб олишларингиз керак. Бир тундаёқ кучли, ҳақиқий эркакка айланишингиз керак, ҳеч қанақа йифи-сиғи, мишиқ тортиш кетмайди. Бизларни ҳам емасликлари учун букилмас темир жамоага жислашувимиз керак. Типратиканга, жайрага айланишимиз керак. Жайраларни улар тўйгунча еб олишди, бизнинг гўштимиз эса майинроқ. Темир тиканли типратиканларга, пўлат жайраларга айланишимиз керак, бу одамхўр юхоларнинг лаблари ва тилларини кесиб, узуб ташлашимиз керак! Майли, тўйгунча еб олишсин, кейин эса хом гўштдан қорни дамланиб азобини тортишсин!

– Лекин... лекин мана бу чироқлар... – деди тутилиб тўртингчи гурух сардори.

– Бу ёгини айтмасанг ҳам майли, мен тушундим нимани назарда тутаётганингни, – кўлини силтади иблисвачча. – Айтмоқчисанки, модомики, улар бизни емоқчийкан, бизни манавинақа чиройли жойга жойлаштиришга не ҳожат эди, тўғрими?

Сардор бош иргади.

– Бўпти, айтаман. Ўн тўрт йил муқаддам, ҳали бола эдим, мен Жюгонинг амалдорлари болаларни ейишлари ҳакида эшитиб қолдим, бу миш-мишлар сирли ва даҳшатли тафсилотлар билан кўпайиб бораверди. Кейин менинг онам биринкетин укаларимни туғди, лекин улар бизницида икки йилча яшашди, кейин эса бирданига ғойиб бўлишди. Шунда мен англадим: укаларимни ейишган! Сўнг бу мудхиш воқеани фош қилишга қарор қилдим. Аммо ҳеч нима чиқмади, чунки ўша вактларда менда ғалати тери касаллиги бошланди: мени бошдан-оёқ тангачалар қоплади, салгина туртсанг, улардан йиринг оқиб чиқарди. Менга кўзи тушган одамнинг кўнгли айнирди, мени ейиш ҳеч кимнинг хаёлига келмасди, шу тариқа мен йўлбарс инига тушмай қолганман.

Кейин мен ўғрилик қила бошладим ва бир амалдорнинг уйида маймун суврати бор ёрлиқли мусаллас шишасини

бўшатганман. Тангачалар палахса-палахса бўлиб кўчиб туша бошлади ва қанча кўчиб тушгани сайн ўзимга ўхшамай борардим, сўнг охири ҳозирги ҳолимга келдим. Кўринишм – ёш боланики, ақлим эса – балойи азим. Одамларни хуфия тарзда ейиш фош этилиши керак ва мен сизларнинг халоскорингиз бўлажакман!

Болалар юzlари жиддийлашиб тингладилар, у эса давом этди:

– Бизларни нега манавиндай катта ва кўркам хонага жойлаштиришганини билмоқчимисизлар? Уларга бизнинг кайфиятимиз аъло бўлиши керак, акс ҳолда гўштимиз таҳир ва қаттиқ бўлиб қолади. Болалар, ўртоқлар, буйруғимни эшитинглар: бу ердаги ҳамма нарсани йўқ қилинглар, кулини кўкка совуринглар!

Сўнг тепалиқдан тош кавлаб олиб, иблисвачча уни қизил нур сочиб турган чироқдонга қараб отди. Унинг кучига гап йўқ эди, чунки учиб кетаётган тошдан салқин тўлқин ёйилди. Мўлжални олишга ололмади, тош деворга тегиб, бир четга сакради, болалардан бирининг бошини ёраёзди. Тошни олиб, иблисвачча мўлжал ола бошлади, яна куч билан отди, бироқ яна хато кетди ва болохонадор қилиб сўқинди. Яна тошни олиб, бутун гавдаси билан таранглашди. «Ху онангни!...» Бор кучи билан отилган тош нишонга тегди, чироқдон чил-чил бўлди. Чинни синиклари тўкилди, санчқига ўхшаган чўғланиш или эса бир қизарди-да, учди-кетди.

Болалар – майда қўғирчоқлар – унинг ҳаракатини кузатардилар.

– Хўш, бузмайсизларми! Нега қараб турибсизлар??!

Аммо болалар зерика бошлашди:

– Дада, ухлаймиз... Уйқумиз келяпти...

Улар томон сакраб тушиб, иблисвачча эснаганларни кўллари билан уриб, оёклари билан тепа бошлади. Калтак еганлар товушсиз йиғларди, ботирроқ ва кучлироқ биттаси жавоб зарбаси берди ва иблисваччанинг юзи қонаб кетди. Шундан кейин уники тутиб кетди ва шу қадар ғазаб билан болакайнинг қулогидан тишладики, қулоқнинг қоқ ярми узилиб тушди.

Худди шу паллада эшик очилди.

Оппоқ халат кийган энага югуриб кирди. У иблисвачча ва азбаройи бўкирганидан ҳозир хушсиз йиқиладигандек бўлиб турган болани базёр ажратди. Бир оғиз ҳам сўз айтмай иблисвачча оғзидағи қонни тупурди; унинг яшил кўзлари чақнарди. Тишлаб узиб ташланган қулоқ ерда диркилларди. Уни кўриб ва иблисваччанинг башарасига қараб, аёлнинг ранги ўчди, қўрққанидан аста қичқириб юборди, шартта бурилди-да, жўнаб қолди, фақат думбалари туфлисининг батартиб тақтуқига монанд ўйнагани кўриниб турарди, холос.

Иблисвачча яна пўлат нарвонга чиқди-да, барча чироқларни ўчириди.

— Фақат нималарнидир гапириб туринглар, — паст овозда дўқ урди у чўккан қоронғиликка қараб, — бўлмаса қулоғингиздан айриласизлар!

Кейин тепалик олдига келди ва шаршарадаги сувда қонли оғзини чайди.

Эшик ортидан қадам товушлари келди, афтидан, талай одам келмоқда эди. Иблисвачча чироқдонни уриб синдирган тошни кўлига олди ва темир дараҳт ортига яшириниб, кута бошлади.

Эшик катта очилди ва оқ кийинган бир одам деворга қапишиб, ундаги чироқ ёққични қидира бошлади. Иблисвачча одамнинг тепа қисмини мўлжалга олди ва тошни отди. Кўрқинчли фарёд янгради, одам чайқалди, эшик ортида кутиб турганлар эса қий-чув қилиб, ҳар томонга қочиб қолди. Кичкина шайтон оқ кийимлига яна битта тошни фириллатди ва одам ерга қулади.

Бирмунча вақтдан кейин эшик ортида узун-узун оппоқ ёғду пайдо бўлди ва кўлларида электр фонус тутган бир нечта одам ичкарига бостириб кирди. Иблисвачча чаққонлик билан бурчакка сирпаниб ўтди, полга ётди ва ўзини ухлаётганга солиб, кўзларини юмди.

Чироқлар баравар ёнди. Саккиз паҳлавон бошидан жиддий яраланган энагани, шунингдек, ҳушидан кетган болани кўтариб, хонадан олиб чиқишиди. Кейин бу машмаша кимдан чиққанини суриштира бошлашди. Бурчакда ётган иблисвачча ухлаётгандек хуррак отарди. Оқ кийинган кишилардан бири



уни ёқасидан тутиб кўтарганди, у бечораҳол мушук каби ми-евлаб кўл ва оёқларини силкитди.

Кидирув ҳеч қандай натижа бермади. Кун мобайннида чарчаган болаларнинг овқат егиси ва ухлагиси келарди, иблисваччанинг қийнагани дард устига чипкон бўлди, шу боис бу вақтга келиб улар бошларини уйқусираб эгиб олган, ҳеч нарсани англамасдилар, охири болаларнинг хурраклари остида кидирувни тўхтатишга тўғри келди.

Оқ кийимдаги одамлар чирокни ўчиришди, эшикни ёпишиди ва кетишиди. Коронғилик ичидаги иблисваччанинг мамнун кулгиси янгради.

* * *

Эрта аzonда, куёш ҳали чиқмаган ва хонада ҳеч нарсани билиб бўлмаган пайтда иблисвачча ўрнидан турди, кўлтиғидан кўнғироқчаларни чиқарди ва уларни қаттиқ-қаттиқ силкитди. Жаранглаган овоздан болалар уйғонишиди. Чўккалаb пешоб килишиди, кейин эса «дада»нинг ёвуз нигоҳлари остида гуппа ташлаб, яна уйқуга кетишиди.

Куёш мўралаб, хонани қизгиш ёѓдуга тўлдириди. Уйғонган болалар ҳиқиллаб йиғлаганча ерда ўтирадилар. Улар қаттиқ очқагандилар. Кечаги воқеалардан мияларида деярли ҳеч нарса қолмаганди, ўз тартибини ўрнатиш йўлидаги иблисваччанинг барча саъй-ҳаракатлари сувга уриб кетганди. Унинг юзида саросималик ва тушкунлик акс этарди: айтадилар-ку, қозонда бори чўмичга чиқади, деб.

...Нонушта мўл-кўл эди: ундан қилинган кичкина-кичкина кулчалар, сут, бўлка нон, мураббо, димланган ловия бутоқлари, кимизак қайлага солинган туруп бўлаклари, шунингдек, тухумли ва сабзавотли шўрва.

Овқат сузиладиган жойдаги чолнинг қўли-қўлига тегмайди. Ликобчаларга овқат солиб чиқар, пиёлаларга чой қўйиб, болаларга тарқатарди. Ўз улушини олиб, иблисвачча бошини эгди-да, чол менга эътибор бермасин, деб юзини ёқимли кўрсатишга ҳаракат килди, лекин чол унга бир-икки шубҳали караб кўйди.

Чол кетгач, иблисвачча бошини кўтарди ва кўзлари чақнаб тилга кирди:



– Ўртоқ болалар, зинхор-базинхор ҳеч нарса еманглар. Улар факат бизнинг тўйиб овқатланишимизни кутиб туришибди, кейин ўзимизни ейишади. Очлик эълон қиласиз. Қанча орик бўлсангиз, шунча узоқ яшайсиз, балки бутунлай тирик қоларсиз.

Болалар унинг иғволарига деярли эътибор бермаётганди, эҳтимол, унинг нима демоқчилигини тушунишмайдиганди. Овқатнинг мазали хидини туйиб, улар бошқа ҳамма нарсанни унутишганди. Ҳаммалари бараварига овқатга ташланишиди, қўллари билан оғизларига тиқа бошлишди. Қий-чув нақ қулоқни тешиб юбораётганди. Иблисвачча куч билан уларни бу аҳмоқона харакатдан қайтармоқчи бўлгани ҳамоноқ хонага қандайдир девқомат одам кириб келганини кўрди. Иблисвачча унинг оёқларини зимдан кузатиб, қайноқ сутли дўлчани олди-да, хўриллатиб хўплади.

Баланд бўйли барзангининг ўзига тикилиб қараётганини хис этиб, иблисвачча очофатларча сутни хўриллатиб ича бошлиди, бўғирсокдан тишлаб-тишлаб чайнади. У атайлаб бутун юзи ва қўлларини бўяб олганди ва қорни тўйиб кекираётган одамдек томоғидан турли товушлар чиқаарди.

– Вой чўчқача-еї! – барзангининг сўzlари унинг қулоғига чалинди.

Устунга ўшаган оёқлар олға ҳаракат қилди, иблисвачча эса бошини кўтариб, кўзини унинг орқасига тикиди. Қовунбош калласига қўндириб олган оқ қалпоғининг тагидан оппоқ жингалак сочининг бир нечта толаси чиқиб турарди. Барзангি орқасига бурилиб, иблисваччанинг қип-қизил башараси ва бир қизиқ шаклда осилган бурунни кўрди – чўчка ёғи суртилган сув ёнғогига ўхшарди.

– Хўш, болалар, қоринларинг тўйдими? – айёrona жилмайди барзанги.

Кўпчилик болалар «тўйдик» деди, баъзилари эса «йўқ» деб жавоб берди.

– Азиз болалар, – деди барзанги, – бир ўтиришда ҳаддан ташқари кўп овқат ейиш мумкин эмас, акс ҳолда ошқозонларинг ишдан чиқади. Келинглар, энди завқланиб ўйнаймиз, бўптими?

Күзларини пирпиратиб, болалар жим бўлиб қолишид. У бошига шап этиб урди:

– Эҳ, менга нима бўлган ўзи! Ахир сизлар кичкина-сизлар-ку, завқланиш нима эканини билмайсизлар-ку. Юинглар, кўчага чиқиб, «Бургут ва жўжалар» ўйинини ўйнаймиз, яхшимиз?

Болалар шодон қичқирганча гур этиб барзангининг ортидан ҳовлига йўл олишид. Уларнинг ортидан боришга ошкора кўнгли бўлмай иблисвачча ҳам аста одимлаб кетди.

Ўйин бошланди. Курк товуқ ролига узунбурун барзанги иблисваччани танлади – ҳар ҳолда у қизил кийими билан ажралиб тургани учун бўлса керак – унинг ортидан онасидан ажрамаган жўжалар бўлиб, колган болалар ғуж бўлиб олишид. Барзангининг ўзи эса бургутни ўйнади. У учид бораётган бургутдай қўллари – қанотларини қоқар, кўзларини чақчайтириб, бир нималар деб кулдир-кулдир қиласарди.

Қанотларни унудиб, бургут бирданига ерга иниб келди. Унинг бурни қайрилди, юкориги юпқа лабига тегай-тегай деди, кўзлари ваҳшиёна чақнади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг – ёвуз йиртқич болаларнинг боши узра кора кўланка бўлиб чарх ура бошлади. Иблисвачча унинг гиламдай тўшалган майсазор устига тушиб келганида, болалар билан ўйнаши, қулай пайтни пойлаётгани, ҳавога кўтарилганда эса ўткир тирноқларини қандай очиб-ёпаётганини дикқат билан кузатарди. Ҳақиқий йиртқичга хос бўлганидек, сабр-тоқатда унга teng келиб бўлмасди. Ташаббус ҳамиша ҳужумчи томонида бўлади. Ҳимояланувчи эса дикқат-эътиборини бир лаҳза ҳам бўшаштирмаслиги керак.

Бир вақт бургут шиддат билан жўжаларга ташланиб колди-ку. Иблисвачча ўзлари тизган сафнинг дум томонига шахт билан интилади, боши, тирноқлари ва тишлари билан имлай туриб, бургут чанглаб олган болакайни ажратиб олади. Бургут ҳамласидан ҳар ёққа тум-таракай бўлган болалар қувонч ва қўркувдан қулоқни тешиб юборгудек чийиллашади. Иблисвачча бир сакраб бургутнинг йўлини чаққон тўсиб чиқади. Унинг кўзлари ҳайратдан саросималанган бургутдан кўра ҳам ёрқинроқ чақнади.

Яна бир хужум – иблицвачча жўжаларни ортда қолдириб, яна олдинга ташланди. Унинг харакатлари шиддаткор ва аниқ эди, ҳечам болаларга ўхшамасди. Иблицвачча унинг бўйнигача бориб қолганини бургут сезмай ҳам қолди. Узун-бурунни чинакам қўркув қамраб олди. Бўйнига гўё улкан ўргимчак ёки панжалари оралигида қизил пардаси бор қонхўр кўршапалак ёпишиб олгандек туюлди ва болани иргитиб юборишга харакат килиб, асабий бошини чайқади. Бироқ фойдасиз, чунки иблицваччанинг тирноклари унинг кўзига ботиб бўлганди. Чидаб бўлмас оғриқдан барзанг қаршилик кўрсатолмай қолди ва қаттиқ қичқириб, кесилган терақдек майсазорга кулади.

Иблицвачча ерга сакраб тушди ва жилмайиб (бу жилмайишни ғаддорона, разилона ва ёвуздарча демай бўлмасди энди), болаларга яқин борди:

– Болалар, ўртоқлар, бургутнинг кўзини ўйиб ташладим, энди у бизни кўрмайди. Келинглар, ўйинимизни давом эттирамиз!

Кўр бургут ерда думалар, букри кўприкка ўхшаб gox та-наси икки букилиб қолса, gox аждарҳога ўхшаб билангларди. Юзини кафтлари билан яшириб олганди, бармоқлари орасидан билқиллаб кора кон оқарди – худди кора чувалчанглар судралиб юрганга ўхшарди. У сўкинар ва даҳшатли равишда юракни ларзага келтириб қичқиради. Болалар одатдагидек бир жойга ғуж бўлиб олишиди. Иблицвачча ҳушёрлик билан атрофга аланглади: ҳовлида ҳеч зоф йўқ, фақат майсазор узра бир нечта капалак учиб юрибди. Девор орқасидаги кувурдан қора тутун эшилиб тушар, димокқа қуруқ хид уриларди. Бургутнинг дод-войи тобора авж олмоқда эди. Ҳовлини ғазаб билан айланиб чиқди-да, иблицвачча бир сакраб бургутни мениб олди ва афтини кўркинчли тарзда буриштириб, қичкина, ўткир тирнокчаларини йўғонлашиб кетган бўйнига ботирди. Ҳойнаҳой, ўнта бармоқнинг бари унга бутунлай ботиб кетгандир. Иблицвачча одам бўйнига човут солиб, нимани ҳис қилди экан? Қизиган кум ёки қўл иссиқ жойга суқилган ҳолатними? Бу ёгини билмаймиз. Ўша онда қасосни ҳис қилдимикан ё лазатними? Бунисиям бизга қоронғи. Ҳурматли ўқувчилар ҳар доим ёзувчидан ақллироқ келадилар – қисса сўйловчи бунга



заррача шубха қилмайди. Ибليسвачча қүлини бўшатганда, бургут эшитилар-эшитилмас хирилларди. Унинг томоғидаги қон худди у ерга қисқичбақалар жойлашиб олгандек, гоҳ кучли, гоҳ кучсиз пуфаклар ҳосил қилас - қисқичбақалар пуфак чикаришни яхши кўради. Ибليسвачча икки қўлини тепага кўтариб, хотиржам эълон қилди:

– Бургут ҳадемай жон беради.

Болаларнинг журъатлироқлари атрофга тўпланишди, бундайроқлари уларнинг ортидан келиб туриб олишди, барчалари жон бераётган бургутнинг танасидан кўз узмасдилар. Бургут хали титраб-қақшар ва жон талвасасида эгилиб-букиларди, бироқ ҳаёт аломатлари тобора ғойиб бўлмоқда, характеристлари сусаймоқда эди. Қандайдир товуш чиқармоқчи бўлгандек у бирдан оғзини очди-ю, сас-садо йўқ. Вараклаб қон отилиб чиқди. Лахта-лахта кон ўтлар устига шалоп этиб тушди, у ёпишқоқ ва қуюқ эди. Ўтлар шу заҳоти сўлиди. Ибليسвачча бир ховуч тупроқ олди-да, бургутнинг катта очиқ оғзига тикиди. Бўғзидағи ғалати овоз худди портлашда бўлгандек қон аралаш тупроқ билан бирга отилиб чиқди.

– Қани, оғзига тупроқ тикиб тўлдиринглар, болалар, – буйруқ берди ибليسвачча. – Шундай тиқингларки, бизни еёлмайдиган бўлиб қолсин.

Болалар шу заҳоти буйруққа итоат қилишди. Жамоа – катта куч, ўнлаб қўллар шиддат билан ишга тушди. Бургутнинг оғзига тупроқ, ўт-ўлан, қум учиб кира бошлади, бурни ҳам, кўзлари ҳам беркилиб қолди. Болалар бу ишни зўр ишиёқ билан бажаар, уларнинг кайфияти аъло, ўйин улар учун ҳаёт дегани эди ва кўп ўтмай бургутнинг боши тупроқ тагида қолиб кетди. Болаларда бунақаси тез-тез бўлиб туради. Улар, масалан, барчалари бир бўлиб, шўрлик қурбақани, йўлни кесиб ўтаётган илон ёки ярадор мушукни тупроққа кўмишлари мумкин. Муродларига етгач, атрофга тўпланадилар-да, томоша қилиб лаззатланадилар.

– Хўш, ўлдими?

Бургут танасининг пастки қисмидан ҳаво юқорига кўтарилиб, бир нарса ёрилгандек бўлди.

– Гуп этганига қараганда, ўлмабди, тупроқдан ташланглар яна.

Яна тупроқ отила бошлади ва бургутнинг танаси тупроқ остида қолди. Ҳа, улар бургутни ҳақиқатан ҳам кўмиб бўлишганди.

* * *

«Гўшт» болалар овқатланадиган хона ҳовлисидан келаётган ваҳимали дод-фарёдлардан Ошпазлик академиясининг маҳсус ҳаридлар бўлими бўйича навбатчи аёлнинг юраги та-ка-пука бўлиб кетди, гўё бир нарса бўлишини олдиндан сезгандек безовталана бошлади.

У ўрнидан турди-да, телефон аппаратига яқинлашди. Бироқ ўнг кўли гўшакка тегиши ҳамон танасининг ярми кучли ток урганидан фалаж бўлиб қолди, навбатчи аёл жойига қайтди. Назарида, танаси қоқ иккига бўлингандай эди: бири муздек совуқ, иккинчиси ёғда қоврилаётгандек. У шоша-пиша ғаладонни тортди ва ўзига қараш учун кўзгуни олди. Юзининг ярми кўкиш-нафармон тусда, ярми қордек оппок. Жон-пони чиқиб, у яна телефонга чопди, бироқ қўлини узатган ҳам эдики, яна ток ургандек тағин орқага отилиб кетди. Ҳозир ҳушдан кетадигандек туюлди-ю, аммо миясида бирдан чараклаган нур унга қандайдир йўлни ёритиб кўрсатди. У ерда яшин урган бир катта дараҳт турарди: ярми оч яшил барглар билан қопланган ва мевалари шигил, иккинчи ярми қип-ялангоч, битта ҳам барги йўқ эди, шохлари бринчдан, танаси пўлатдан эди, барчаси куёш нури денгизига ғарқ бўлиб, эртакнамо жилваланарди. «Бу дараҳт – менман», – ўша заҳоти англади аёл. Бирдан кўнгли юмшаб, азбаройи тўлқинланганидан юзи бўйлаб севинч ёшлари жилгадек оқа бошлади. Саросимага тушган каби у дараҳтнинг яшин куйдирган ярмига маъносиз тикилиб қолди, энди нафратини қўзитаётган, япроқлар қоплаган нариги ярмига қарамасликка ҳаракат қиласарди. У туркираб турган ярмини йўқ қилиш, уни бринч ва пўлатга айлантириш учун чақмоқни чақирмоқда эди – аёл дараҳтни яхлит ялтираган бутунликда кўришни хоҳларди. Кейин телефонга чап қўлини чўзди ва аъзойи бадани ўт олгандек бўлди. Бамисоли ўн ўшга ёшаргандек ютуриб ҳовлига чиқди, у ердан «гўшт» болалар овқатланадиган хона олдидаги майсазорга



үтди. У тупроққа күмилиб ётган «бургут»ни күриб, қах-қах уриб, чапак чаларди.

– Вой болажонларим-а, уни боплаб тузлабсизлар-у, қойил! Энди эса бу ердан қорамизни ўчирамиз, фақат тезроқ! Баҳайбат қотилларнинг бу инидан қанча тез кетсак, шунча яхши, бўла қолинглар!

Болалар аёлнинг ортидан бораркан, бир нечта пўлат эшикдан ўтиб, Ошпазлик академиясининг боши-кети йўқ йўлкаларидан чиқиб олишди. Навбатчи аёлнинг режаси амалга ошмади. Барчаларини тутиб, қайтариб олиб келишди – иблисваччадан бошқа ҳаммасини. У яширинишига улгурди, навбатчи аёлни эса ишдан бўшатишиди.

Шундай савол туғилади, азиз ўқувчилар: уни деб бу ерда шунча қофозни қоралашибмага не ҳожат эди? Гап шундаки, у – менинг қайнонам, мусалласпазлик академиясининг профессори Юан Шуанъюйнинг хотини. Ҳамма уни эси бироз кирди-чиқди бўлиб қолган деб ҳисоблайди, мен ҳам шундай фикрдаман. Ҳозир у уззукун уйда күмилиб ўтиради, фош қилувчи даста-даста хатлар ёзади ва даста-даста қилиб жўнатади – марказий кўмита раисига ҳам, вилоят партия кўмитаси котибига ҳам, ҳатто бир мактубини Хэннага, Кайфэн бошқармасига, нақ Бао Жинтяннинг номига йўллаган...

* * *

«Икки гул очилса, аввал шохни тўгрилаб қўй». Тарқалиб кетган болаларни оқ либосдаги бутун бир оломон маҳсус овқатланиш хонасига қайтариб келди. Бунинг учун озмунча ҳаракат қилишмади, жанговар топшириқ олгач, бу ярамаслар айёрилик билан иш тута бошладилар. Улар дараҳт ва буталар орасига кириб олган, девор ўйиқларига кириб яширган, дараҳт учларига чиқиб кетган, ҳожатхоналарга ўзларини ташлаб юборишганди. Қаердаки сал пана жой бўлса, ўша ерга беркингандилар. Қайнона мустаҳкам темир дарвозани очар-очмас болалар ўша заҳоти тўғри келган томонга тарқаб кетишиди. Аслида аёл уларни баҳайбатлар инидан чикариб, кутқариб қоламан, деб ўйлаганди. Аммо бу хомхаёл эди, холос, чунки унинг ортидан фақат ўз соясигина эргашиб юрарди. Аёл Академия дарвозаси ортида туриб болаларни қочиб



қолишига ҳайқириб ундағанида, унинг овозини кампирлар ва чоллар әшиттеганды, улар чиқиндилар ичидан ейишга яроқлы ул-бул нарсалар тутиб олиш илинжида Академия оқовасининг анхорга оқиб тушадиган жойида бикиниб олгандилар. Уларни ҳаддан ташқари ғовлаб кетган қирғоқ бўйидаги ўсимликлар бекитиб турар ва қайнона уларни кўрмайтганди. Шундай юқори мартабали аёлнинг эси кирди-чиқди деб айтишига кимнинг ҳаққи бор? Уни ток урибдими ё бошқа бирон нарса бўлибдими? Бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз.

Болалар қочиб кетибди, деган хабар келиб етиши билан Ошпазлик академияси хавфсизлик бўлими зудлик билан кенгашга тўпланди, унда зарурий чоралар кўришга, жумладан, кириш ва чиқиш эшикларини ёпиб кўйишга қарор қилинди. Сўнг тезкор ходимларнинг бир қанчаси Академия худудини титкилаб чиқишиди. Қидирув чоғида «гўшт» болалар ўнлаб одамни ваҳшийларча тишлаб олдилар, бир аёлнинг кўзини ўйиб олишди. Академия маъмурияти яраланган ходимларга ҳамдардлик билдириди ва яраларнинг жиддийлигига караб кўз кўриб, кулок әшитмаган сахийлик ила мукофотлар берилди. Болалар устидан қаттиқ назорат ўрнатилди, йўқламадан кейин шу нарса аниқландики, битта бола кам. Тиклов муолажасидан кейин ўзига келган энаганинг айтишича, кочиб кетган бола уни ярадор қилган одамхўр экан. «Бургут»ни ўлдирган ҳам ўша бўлса керак. Аёл унинг қизил кийимдалигини, кўзи илондай совук бокишини элас-элас эслади.

Бир неча кундан кейин Академиянинг зовурни тозалайдиган ходими ҳаддан ташқари ифлос бир қизил кийим топиб олди, лекин иблисваччанинг ўзи, одамхўр ва қотил, «гўшт» болаларнинг раҳнамоси ном-нишонсиз гойиб бўлганди.

Мұхтарам китобхонлар, унга нима бўлганини билишни истайсизми?

4

Мұхтарам мусалласпазлик номзоди, иним Идоу!

Хат учун раҳмат. «Кайвони бола»ни ўқиб чиқдим, қизил байроққа ўраниб олган мана бу иблисвачча туфайли ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим, бир неча тун уйқум қочди.



Сенинг ҳикоянгда, ўртоқжон, санъаткорнинг қўли сезилади. Унда шу қадар гайриоддий ва руҳлантирувчи нарсалар борки, худди фикрлар оқими ҳеч қачон тинмайдигандек. Бунинг олдида менинг камтарингина қобилиятим нима бўлти? Барибир ҳам менинг фикримни билишини истасанг, унда бир нечта кичик-кичик танқидий фикрларимни айтганим бўлсин. Масалан, бу иблисвачча қаердан келиб қолганини тушуниб бўлмайди ва бу реализм тамойилларига мос келмайди: асар тузилмаси ғоваккина – пухта эмас, фақат ўз қарашиларигагина таянганинг ҳолда ёзувчи ҳамма нарсанни батафсил тасвирлашни хоҳлайди, шунга ўхшаб қоидадан четга чиқиб кетиши ҳоллари учрайди. Сенинг «иблисона реализм»ингга келсак, муҳтарам зот, бирон-бир бежороқ танқидий фикр айтишига жазм қилолмайман. Мен «Кайвони бола»ни «Фуқаро адабиёти»га жўнатиб юбордим. Бу – бообру нашириёт, ундаги қўлэзмалар шифтгача чиқиб кетган, шунчалик кўп тўпланиб қоладики, ташиб чиқшига ҳўқизнинг кучи етмайди. Шу боис юборилган ҳикоялар ҳақида ҳеч қандай янгилик йўқлигидан ҳайрон бўлма. Мен «Фуқаро адабиёти»даги икки таникли муҳаррир – Чжоу Бао ва Ли Сяобаога хат ёздим ҳамда текшириб кўришларини илтимос қилдим. Униси ҳам, буниси ҳам – хазина, биродарларим, ишончим комилки, улар ёрдам беради.

Мусаллас ҳақида ёзганингда хатингда нақ булбулигўё бўлиб кетасан: бир вақтнинг ўзида ҳам кулдирасан, ҳам ўлдирасан, барча жиҳатдан мукаммал. Ақлга бойлигинги айтмайсанми! Мусалласпазлик номзоди ёзганлиги шундоқ кўриниб турибди. Бу ҳар жиҳатдан мақтовга сазовор. Бу мусаллас ҳақидаги бизнинг охирги суҳбатимиз эмаслигига ишончим комил, зоро, мен ушибу мавзуга жуда қаттиқ қизиқаман.

«Гаолян мусалласи» деган кичиккина ишимда мусалласли тогорага пешоб қўшилган лавҳани, ўртоқжон, қандайдир янги технология деб кўкларга кўтарганингда, на кулишимни, на ишглашимни билдим. Кимёдан билимим ҳаминқадардан ҳаминқадар, шиша беркитишни-ку гапирмаса ҳам бўлади, ўз вақтида бу лавҳани мутлақо ҳазил тариқасида қистирма қилгандим – кўзлари қонга тўлган бу «эстет»лар устидан озроқ кулмоқчи бўлгандим. Илмий



назария ёрдамида сен бу лавҳанинг қонунийлиги ва юксак табиатлилигини исботлаб беролишингни кутмагандим, шу боис ҳайрат билан биргаликда ўз хайрихоҳлигини ҳам изҳор этмоқчиман. Бу «Уста усталик билан йўлини топади, ношуд икки қўлини бурнига тиқиб қолаверади», ёки яна бир нақл бор: «Аваилаб экилган гул қуриб қолади, наридан-бери суқилган таёқ ҳайқирган дараҳтга айланади»ни эслатади.

«Шибали хун» муносабати билан анча жиоддий суд иши чўзилиб кетади. Гарбий Берлинда «Қизил гаолян» фильмни қўйилгандан кейин мукофот олди, қишилоқдаги шихонамга маҳаллий мусаллас заводининг директори югуриб келди ва «Шибали хун»нинг бир тажриба партиясини чиқармоқчи эканини айтди. Бироқ маблаг етишимаслигидан бу ишини ҳадеганда бошлилаётмадим. Бир йил ўтиб, текширишига келган вилоят раҳбарияти «Шибали хун»дан ичиб кўрмоқчилигини айтди ва уезддагиларнинг¹ барчаси шарманда бўлди. Вилоят раҳбарлари кетгандан кейин уезд сармоядорлари заводга шу мусалласнинг синов партиясини тайёрлаши бўйича зарбор ғуруҳ учун маблаг ажратдилар. Ўйлашимча, синов партияси деганда, улар қўйидагиларни тушунгандар: мусалласнинг икки навини аралашибиши, шишанинг янги шаклини ўйлаб топиш, ёрқин ёрлиқ ёпишибиши – мана, сенга тайёр муваффақият. Улар бу мусалласга болалар пешобини қўшишибанми-йўқми, билмайман. Аммо-лекин завод «Шибали хун»ни уездга гердайиб олиб келиб, муваффақият ҳақида эълон бермоқчи бўлишганида, «Халқ киноси» журналида бир хабар пайдо бўлади, унга кўра Хэнан вилоятидаги Шансай уездига қарашли «Шибали хун» мусаллас заводи Шэнженда журналистлар учун матбуот анжумани ўтказаркан ва унга кино олами вакиллари таклиф этилибди. «Шибали хун» мусалласи «Қизил гаолян» фильмидаги «Шибали хун»нинг ўзи экан. Мусалласи қутиласга ёзилишича, «Қизил гаолян» фильмининг бош қаҳрамон қизи Даий Жюэр асли Шансай уездидан бўлган ва очарчилик вақтида отаси билан бирга Шандун вилоятининг Гаоми уездига қочиб кетган. Машхур «Шибали

¹ Уезд – шаҳарга яқин бўлган маъмурий-худудий бўлинишлардан бири.



хун» мусалласини тайёрлаш бүйича реңепт Шансай уездидан Гаоми уездига тушиб қолган, демак, Шансай уезди «Шибали хун»нинг асл ватани экан.

Бундан хабар топгач, бизнинг Гаомидаги мусаллас за-води директори шансайлик учарларни нақ оқ калтак-қора калтак қылдаки, құяверасиз. У ўша заҳоти «Шибали хун»ни менга етказди, токи мен асар муаллифи сифатида уни Гаомига қайтаришига ёрдамлашиб юборай – мусаллас айнан шу ердан келиб чиққан эди-да. Бироқ хэнанлик учарлар бу ерда ҳам чуб тушиб қолдилар: улар аллақачоноқ ортиқча дов-дастаксиз ва ҳеч бир ҳайиқши-пайиқши «Шибали хун»ни савдо-саноат палатасига ўзларининг савдо белгиси билан қайд этиб құйғандылар, натижада Гаомининг «Шибали хун»и қонундан ташқарыда қолиб кетди. Гаомилик юртдошли-ларим мендан судга мурожсаат қилишіда ёрдамлашиб юбори-шимни илтимос қилишди, бироқ мен бу ишининг тагига этиб бўлмаслигини айтдим. Дай Жюэр, аслида, тўқима қаҳрамон, унинг менга ҳеч қанақа аймоқ-маймоқлиги йўқ. Шансайдаги хэнанликларнинг унинг ўша ердан келиб чиққаны ҳақидаги гаплари қонунга қылча зид эмас ва Гаоми учун бу ярамас иши-дир. Фақат мағлубиятга индамай тан беришдан бошқа ило-жси йўқ. Кейин қулогимга шундай миши-мишлар этиб келдики, мана шу «Шибали хун» билан хэнанликлар ҳалқаро бозорга чиққаншии ва озмунча валюта шиламаганшии. Қанийди шундай бўлса. Маълум бўлишича, адабиёт ва мусалласининг бирикуви ўзига яраша ана шундай ялакат мағиз бўлиб кета-вераркан. Муаллифлик ҳуқуқи ҳақида бир янги қонунни ўқиб қолдим, шундан сўнг режиссёр Чжан Имоуни Шансайга бир келиб кетинг, деб таклиф қылмоқчиман: биз ҳам бир эрисак, нима бўпти!

Сен тилга олиб ўтган барча ажойиб мусалласлар ўзининг юқори сифати билан машҳур, лекин менда уларга әхтиёж йўқ. Аммо мусаллас ҳақидаги мақолалар жуда керак ва умид қиламанки, энг зарурларини танлаб-сарапалаб, менга юбориш имкониятига эгасан. Йўл чиқимларини тўлаш, табиийки, ме-ning гарданимда.

Энг яхши тилаклар билан

Мо Ян



ТҮРТИНЧИ БОБ

1

Терговчи киприкларини ажратди. Күзлари қуриб, тошга айланиб қолғанга ўхшарди, боши тарс ёрилгудек. Оғзидан қандайдир ифлос нарсанинг хиди келарди, ахлатми-ей. Милк-лари, тили ва ҳалқуми қандайдир куюқ ва ёпишқоқ нарса билан қоплангандай: на тупуриб, на ютиб ва на нафас олиб бўлади. Боши устидаги қандилдан сарғиши нур базўр тараларди ва хозир кун ё тун, тонг ё шом – билиб бўлмасди. Кўл соати аллақаёққа гумдон бўлган, биологик бузилишлар – корни зўр бериб қулдираиди, юрак тепишига монанд бавосили ташвишли лўқ-лўқ қиласди. Чўғ бўлиб қизиган вольфрам иплар гувиллаб титрайди. Қулоғи шанғиллайди, у тинганида эса юрагининг уриши эшитилади. Динг Гоуэр куч билан қўл ва оёқларини қимирлатиб, каравотдан туришга чиранди, лекин тана бўйсунмасди. Худди бир вақтлар кўрган туши каби мана бу шаробнинг ҳаммасини ичиб қуритганини аранг эслади. Шу топ каттакон баркашда чордана қуриб ўтирган хушбўй тилларанг бола унга кулимсираб карагандек туюлиб кетди. Терговчи ёқимсиз овозда босиқ қичқириди, унга ҳалақит берәётган ҳамма нарсадан ҳуши устун келди, худди ток урганга ўхшаб суяқ ва мушакларини куйдириб, фикрлари равон ишлаб кетди. Қискичбақа сувдан сакраб чиққандек у каравотдан сапчиб турди – чиройли эгилиб, фазодаги йўлини ўзгартириб, фазонинг ўзи ва оҳанрабо майдонини ҳам ўзгартириб, барча ранглар нечта бўлса, ёруғликни шунчага бўлиб, суяқка ташланган ит киёфасида бошини олдинга қилганча, синтетик гилам устига кўнди.

У ярим ялангоч ётаркан, деворга тирнаб ёзилган хочсимон «ўн»ликларга ҳайрон тикилди, шу заҳоти орқаси совуқ жимиirlаб кетди. Ичкилик ҳовури остидан тол баргига ўхашаш ханжарни тишида тишлаган, баданини тангачалар қоплаган бола сузиб чиқди. Кейин белнинг юқорисида тангачаларга кўзи тушмади: қовурғалари саналиб турибди, корни дўмпайган, кўксидаmallаранг ўсимликнинг айқаш-уйқаш бўлаклари, киндиги кирга тўла. Бошидан совуқ сув қуйиб, у ўзини кўзгуга солди: юзи шишган, хира, кўзи ўликники.



Тўсатдан шу ерда, ғуслхонада ҳаётимга нуқта қўйиб қўя колайми, деган хоҳиш пайдо бўлди унда. У жилдини топиб, ундан тўппончани олди ва тепкини кўтарди. Тўппонча дастасининг ёқимли силқинини ҳис қилганча кўзгу олдида туриб қолди, етти ёт бегонага, душманга карагандек, ўз аксига кўзларининг пахтасини чиқариб қаради. Тўппончанинг совуқ оғзини бурнининг учига шундай тирадики, бурни курол қувурчасига босилиб қолди. Шунда бурун парраклари-даги ғовак жойлардан гижжа куртчаларига ўхшаб териости ёғирғиб чиқди. Тўппонча оғзини чаккасига қўйди ва ўша жой териси севинчли титроқ билан жавоб қайтарди. Нихоят, тўппончани оғзига сукди ва лаблари билан маҳкам қисди. Оғиздан игна ўтиши ҳам амримаҳол эди. Башараси шунақангি кулгили кўриниш олдики, беихтиёр ўзининг ҳам кулгиси кистади. У мийифида кулди, кўзгудаги акси ҳам. Ўқ-дори ту-тунининг хиди уриб турган тўппонча оғзи тўғри ҳалқумига бориб тақалди. Бу тўппончадан у қачон ўқ узганди? Пак! Бар-кашда ўтирган боланинг боши тарвуздек парча-парча бўлиб сочилиб кетди ва ҳаммаёққа миянинг ранг-баранг зарралари тўкилди, ундан таърифлаб бўлмайдиган хушбўй ҳид тарааларди. Ҳозир бўлганларнинг баъзилари бу бўтқани ялаш учун очофатларча ташлангани эсига тушди. Қалбида виждон жунбушга келди, миясини шубҳанинг қора булути чулғаб олди. Бу ёлғон эмаслигига ким кафолат беролади? Боланинг қўли нибуфарнинг янги кавлаб олинган илдизимиди? Балки бу қўл ҳақиқийдир-у, факат уни шундай пиширишганки, беш кўзли нибуфарнинг илдизига ўхшар?

Эшик тақиллади. Динг Гоуэр тўппончани оғзидан олди.

Ширин жилмайганча кон директори ва партия котиби кириб келди.

Хотиржам кўринишда ажойиб бўлим бошлиғи муовини Жин Ганжуан ҳам ҳозир бўлди.

- Яхши ётиб турдингизми, ўртоқ Динг Гоуэр?
- Яхши ётиб турдингизми, ўртоқ Динг Гоуэр?
- Яхши ётиб турдингизми, ўртоқ Динг Гоуэр?

Жуда ноқулай бўлди-ку. У юнг адёлни елкасига тортди.

- Кийимларимни ечиб олишибди.



Бўлим бошлигининг муовини Жин бир оғиз ҳам гапирмай деворга пичоқ билан кириб ёзилган «ўнликлар»га тикилди ва юзида совуқ, тантанавор ифода пайдо бўлди.

- Яна у! – ғудранди Жин узок жимлиқдан кейин.
- «У» деганингиз ким? – хушёр тортди Динг Гоуэр.
- Пихини ёрган ўғри, ишини ғоят усталик билан уддайлайди. – Жин Ганжуан ўнг қўлининг букилган ўрта бармоғи билан деворни дукиллатди. – Ҳар бир жиноят жойида шунаقا аломат қолдиради.

Динг Гоуэр яқинроқ келди ва иероглифларга разм солиб қаради. Касбига доир савқитабий уйғонди ва хира тортган зехни тиниклашди, куриган қўзлари ёшланди, кирғий ёки лочинга ўхшаб, нигоҳи ўтқирлашди. Тўртта «ўнлик» олдинмакейин қилиб, бир қаторга тирнаб ёзилганди. Ҳар бир зарби билан ханжарнинг деворга деярли ярмидан кўпроғи ботиб кетарди, тешикларнинг ёnlари бўйлаб пластик гулқозлар кўчиб, тагидан сувоқлар тўкиларди.

Жин Ганжуаннинг чеҳрасидаги ифодани кўришга қарор қилиб, у муовиннинг чиройли қўзлари билан унга тикилиб турганини сезиб қолди. Терговчи ёт кўлларга тушганини, аёвсиз рақибга дуч келганини, тузоққа илинганини ҳис этди. Бирок Жин Ганжуаннинг чиройли қўзларида товланиб турган дўстона табассум онгига тикланган мудофаа деворига туйнук очди.

– Ўртоқ Динг Гоуэр, сиз бу соҳанинг қўли гул устаси-сиз, – деди у мусалласдек сархуш этувчи оҳангда. – Мана бу тўртта ўнлик нимани англатади, деб ўйлайсиз?

Сўзлар тилгача етиб келолмаётганди. Бош чаногидан ичимлик ювиб юборган онгнинг ажойиб капалаги ўз ўрнига ҳали яхшилаб ўрнашиб олмаган, шу боис Жин Ганжуаннинг ё тилла, ё мис тиш ялтираб турган оғзига маъносиз қарашдан бошка иложи қолмаганди.

– Менимча, бу безорилар тўдасининг белгиси, – гап бошлади Жин Ганжуан. – Ўнда ўттиз одам бор, тўртта «ўн» иероглифи шундан дарак беради. Албатта, Алибобо ҳам пайдо бўлиши мумкин. Борди-ю, ўртоқ Динг Гоуэр, шартта Алибобо ролини бўйнингизга олсангиз, бу икки миллион аҳолили Жюгуо учун ҳақиқий омад бўлар эди-да.



Шундай деб у терговчи олдида эскичасига құлларини күксаға қўйиб, таъзим бажо келтирди, бундан Динг кўпроқ хижолат чекди:

– Бу кирқ қароқчи ҳамма нарсамни ўғирлаб кетди: хужжатларим, ҳамёним, сигаретим, чақмоқтошим, соқололгичим, ўйинчоқ тўппончам, телефон рақамлари ёзилган ён дафтарчам.

– Худонинг қаҳридан қўрқмаганини қаранг уларнинг! – қаҳ-қаҳ уриб кулди Жин Ганжуан.

– Яхшиямки, улар менинг чин дўстимга тегишмабди! – тўппончасини силкитиб қўйди Динг Гоуэр.

– Отагинам Динг, мен хайрлашгани бирров кириб-чиққаним, Сизни кетиши олдидан ичишга таклиф қилмоқчидим, аммо-лекин бир нарсани эътиборга олмасам бўлмайди, Сиз, ҳазрати олийлари расмий мажбуриятлар билан бандсиз, ортиқ безовта қиломайман. Муаммолар бўлса – шаҳар қўмитасига, менга мурожаат қиласерсинлар. – Шундай дея Жин Ганжуан Динг Гоуэрга қўлини узатди.

Бамисоли туман ичидагидек, Динг Гоуэр унинг қўлини кисди, шунингдек, худди туман ичидагидек уни қўйиб юборди ва худди туман ичидагидек Жин Ганжуан партия котиби ҳамда директор ҳамроҳлигида шамол каби хонадан учиб чиқиб кетганини кўрди. Куруқ ўқчик жигилдонини ўйиб юбормоқда, кўқраги пичоқ санчгандек симиллаб оғримоқда. Хумор ўтиб кетмаётган, ахволни билиб бўлмаётганди. У бошини қарийб ўн дақиқа жўмракдаги сувга тутиб турди. Кейин бир пиёла яхна чой ичди. Бир неча марта кўзларини юмиб, чуқур-чуқур нафас олди, хушини йиғди, чарх урган фикрларини бир жойга тўплади, худбинона ва чалкаш мулоҳазаларни бир четга иткитди – мана, қарабисизки, кўзлар мошдай очилган, хуши қумқайроқда қайралган болтадай ўткирлашган, у билан кўзни босиб кетган йўғон чирмовуклару ингичка янтолкларни чопиб чопиб ташлади, экранда аниқ намоён бўлгандек янги тушунча намоён бўлди: Жюгуода йиртқич одамхўрлар тўдасини куроллантирмоқдалар! Базми жамшидда содир бўлган барча воқеа – усталик билан қилинган ҳийлагарлик.

У боши ва юзини артиб, куритиб бўлгач, пайпоқ ва туфлисини кийди, камарини тортди, тўппончасини ўқлади, бош

кийимини кийди, катак-катақ күк күйләгини эгнига илди (күйләкни тангадор бола гиламга улоқтирганди). Шиддат ила эшик томон йўналди, уни очиб, катта-катта қадамлар ташланча, лифт ё зинани топиш учун йўлақдан юриб кетди. Пештакта ортидаги бўянган қиз – бу тузоқ – уй ичидан қандай чиқиб кетиши йўлини бажонидил тушунтириб берди.

Кўчада об-ҳаво қандайлигини билиб бўлмасди: осмонда тўп-тўп қора булутлар сузиб юрар, бироқ айни вактда кўёш чараклаб турарди. Вакт тушдан оққан. Сузиб кетаётган булутлар ерга улкан соялар ташлар, сарғиш япроқларда эса қўёш нури жимжима қиларди. Бурни қичишиб, устма-уст етти марта акса урди, худди куритилган қисқичбақадай икки букилиб қолди, кўзлари ёшланди. Қаддини ростлаганда хира кўзи рўпарасида конга кираверишдаги қип-қизил чигирнинг баҳайбат ғилдираги пайдо бўлди. Шунингдек, оқиш-кулранг пўлат арқон ҳам унсиз ва тўхтовсиз сирпанарди. Ҳаммаси ўша-ўша: тилларанг кунгабоқарлар, ибтидоий ўрмондан келгандек ходаларнинг ёқимли ҳиди, илонизи темир йўлдан бир кўмир тоғидан бошқа кўмир тоғига зир катновчи вагонча. Вагончанинг унча катта бўлмаган электр моторидан узун қопламали сим чиқиб,чувалиб ётарди. Уни юзи кўмирдан корайиб, дур тишлари яркираган қиз бошқаарди. Қиз орқа томондаги супачада тик турар, худди тиш-тирноғигача қуролланган жангчидек ўзининг бутун кўриниши билан юракларга чўғ ташларди. Ҳар гал вагонча изнинг охирига етганда, қиз тормоз дастагини кескин босиб уни тўхтатар ва ялт-юлт килган кўмир доналари шаршарадек шовуллаб тўкиларди: қаердандир ён томондан ҳув ўша, йўлақда яшайдиган кўпакка ўхшаш бир искович ит отилиб чиқди. Ит унинг олдига келиб туриб олди-да, гўё дилидаги пинҳоний аламни йўқотмоқчи бўлгандек жон-жаҳди билан уни ялай кетди.

Ит қочиб кетди-ю, Динг Гоуэрнинг таъби тиррик бўлди. «Агар вазиятга холисона баҳо берииш керак бўлса, менинг аҳволимга вой, юз мингвой. Қаердан келдим? Вилоят марказидан. Нима мақсадда келганман? Муҳим шини тадқиқ қилиши учун. Коинотнинг бепоён кенгликлари орасида чанг заррасидек кичкина сайёрада бошқа одамлар баҳри муҳити ичидаги



күрінмай кетған терговчи Динг Гоуэр деган одам турибди. Унинг юраги беҳаловат, бундан яхши бўлишга у интилмайди, унинг руҳи синган, умидсиз ва ёлгиз». У мақсадсиз, ўзини хеч бир яхшилик кутмаётганига ва йўқотишга хеч нимаси колмаганига ишонганча юклаш худудига, анави гумбурлаб ишлаб турган машиналар томонга юриб кетди.

Аммо воқеалар оқимисиз роман бўлмайди.

– Динг Гоуэр! Динг Гоуэр! – тўсатдан бир жарангдор овоз уни чақириди. – Бу ерда нега ўралашиб юрибсан, ярамас?

У овоз келган томонга бурилди, кўзига аввал бир боғлам куюқ қора соч ташланди, кейин эса – ҳайдовчи қизнинг жонли, саркаш чехраси. У ўзининг юк машинаси ёнида қўлида бир жуфт ифлос оқ қўлқопни ушлаб турарди ва куёш нурида кичиккина хўтиқка ўхшаб кетарди.

– Бу ёққа кел, ярамас! – у сеҳрли таёқчадек қўлқопларини силкитди ва терговчининг кўнгли беихтиёр унга суст кетди. «Ялпи ёлғизлик»ка қаттиқ гирифтор бўлган Динг Гоуэр кизга яқинлашди.

– Э-ха, бу сенмисан, «шўрхок ер!» – деди бепарво оҳангда у, ҳолбуки, қизнинг олдида тўхтаб, худди бандаргоҳга қайтиб келган кемадек ёки онасини кўрган боладек вужудини ширин туйғу қамраб олганди.

– «Мелиоратор!» – киноя билан деди қиз оғзини тўлдириб гапирапкан. – Ҳалиям шу ердамисан, ярамас?

- Энди кетаман, деб турувдим!
- Мошинамда тағин бир айланишни истайсанми?
- Албатта.
- Бу сенга қимматга тушмасайди, дейман-да.
- Бир кути «Мальборо»-да.
- Иккита.
- Иккита бўлса иккита-да.
- Унда кутиб тур.

Олдиндаги юк машинаси атрофни мотор тутунига кўмиб, бутун бир кўмир булутини кўтарганча ўрнидан жилди.

– Бир четга ўтиб тур! – қичкириди қиз кабинага сакраб чиқаркан. Кейин рулни ушлаб, уни у ёқ-бу ёққа айлантира бошлиди, охири машина кузови тор изли темирийўл тамом бўлган жойга бориб қолди.



– Оббо қызлар-ей, қойил! – самимий мақтаб қўйди қора кўзойнакдаги аллақандай нусха.

– Бизда унақа алдам-қалдамчилик йўқ, айтишади-ку, хўжакўрсинга деб, унақаси кетмайди! Паровозларни итармаймиз! Тайшан тоғини бўлиб ташламаймиз! – деди у кабинадан чаққон ўзини отиб.

Суюниб кетган Динг Гоуэр бошини чайқаб кулди.

– Нега тиржаясан? – унинг устига бостириб келди қиз.

– Қачон тиржайибман?

Вагонча тарақ-турук қилиб, аста-секинлик билан катта қора тошбақадек ҳаракатга келди. Гилдираклар ғийт-ғийт қилганча, из бўйлаб юриб кетди, дам-бадам улардан учкун саҷарар, вагончанинг нарёғида эса симли қора резина илондайчувалиб ётарди. Орқа томонда турган қизнинг қатъиятли нигохи, жиддий чехраси ўзига тортарди. Вагонча тоғдан тушаётган итоаткор йўлбарсдек учиб борар, у ана-мана машина кузовига келиб урилади-да, ундан бир уюм темир-терсак қоладигандек туюларди. Аммо Динг Гоуэрнинг хавотири ўринли эмасди. Қизнинг ҳисоб-китоби аниқ, ҳаммасини яшин тезлигида ҳал қилас, мияси компьютердек ишларди. У тормозни босганди, вагонча кузови тўнкарилиб тушди ва ялтироқ кўмир машина кузовига қуйилди: бир дона ҳам кўмир ерга тушмади, бир дона ҳам кўмир қисилиб қолмади. Янги қазиб олинган кўмир ҳидидан Динг Гоуэрнинг кўнгли янада кувнаб кетди.

– Битта чекдирмайсизми, ошнам? – гадойга ўхшаб қўлини чўзди у хайдовчи қизга. – Гадойдан битта сигаретангни аяма, илтимос.

Қиз унга битта сигарета берди, иккинчисини ўзининг лабига кистирди.

– Нега бир ахволдасан? Талончиларга дуч келдингми, нима бало? – оғзидан тамаки тутунини чикариб сўради қиз.

Динг ҳеч нарса деб жавоб бермади – у хачирларга маҳлиё бўлиб қолганди.

Қиз билан биргаликда у кўмир гарди, бетон плита синиклари, чириган ёғоч ва занглаған симлар тўшалган йўлдан арава келаётганини кўриб турарди. Чап қўлида юган, ўнг қўлида қамчи ушлаб олган аравакаш мағрур ҳолда қўшалоқ

хачирни тезлаб келарди. Хачирлар қоп-қора, чиройли эди. Йирикрги – афтидан, бир кўзи филай – аравага кўшилганди. Кичикрого эса – унинг иккала кўзи ҳам жойида бўлиб, каттакатта жез кўнгироқчалардай чакнарди – шатакдай кетиб борарди.

– Ўҳ-хў-хў... Чу!..

Қамчи ҳавода хуштак чалиб ўйнади, кичкина хачир олдинга отилди, арава гичирлаб олға жилди ва шу заҳоти мусибат рўй берди! Бамисоли ялтироқ қора девордек хачир ка-софати чикиндиларга тўла ерга қулади. Сағрисига аравакашнинг қамчиси ёғила кетди, жонивор бор кучи билан туришга харакат киларди, туриб олгач, бутун танаси билан силкинди, у томондан-бу томонга чайқалар ва аянчли, юракни эзувчи овозда ҳангтарди. Аравакаш кўрқанидан қотиб қолди, кейин қамчини итқитди-да, аравадан сакраб тушди. Хачирнинг каршисида чўк тушиб, у икки тахта орасига қисилиб қолган туёқни сұтуриб олди. Динг Гоур ҳайдовчи қизнинг кўлидан ушлаб, воқеа содир бўлган томонга бир неча қадам ташлади.

Буғдорранг аравакаш туёқни кўлида ушлаб, қаттиқ зорланди.

Аравага кўшилган қари хачир жимгина турар, гўё мотам маросимидағидек, бошини куйи солиб олганди.

Қора хачирча уч оёқда турарди, дам-бадам яраланган тўртинчи – орқа оёғи билан чирик ёғоч бўлагини ноғора килиб «чалар» эди, ундан тизиллаб отилаётган қон ёғочни ва атрофдаги ҳамма нарсани қора қонга бўяб ташламоқда эди.

Динг Гоурнинг юраги қинидан чиқкудай типирчилади, у бурилиб шартта жўнавормокчи бўлган эди, бироқ ҳайдовчи қиз унга ёпишиб, кўйиб юбормади. Қизнинг кўллари кишандай унинг билагидан маҳкам қисиб олганди.

Тўпланганларнинг ҳар бири воқеага ўзича баҳо берарди: бирлари хачирга раҳми келса, бирлари аравакашга ачинарди; ким уни айбласа, ким ўйдим-чуқур ердан кўрарди. Худди карға уясидек, ғала-ғовур сира тинай демасди.

– Йўл беринглар! Нари туринглар!

Оломон бир қалқиб тушди ва шоша-пиша тарқала бошлиди. Ҳаммани итариб-суриб воқеа жойига икки озғин хотин учуб келди. Уларнинг ҳаддан ташқари оппоқ юзларини қиш

бўйи омборда ётган карамга қиёс қилиш мумкин эди. Иккаласи ҳам қордай оппоқ халатда ва ўшандай қалпокчада эди. Бирининг қўлида ғаровдан тўқилиб, мум суртилган сават, иккинчисида – тол чивикларидан тўқилган саватча. Кўриб, бир жуфт фариштами, дейсиз.

– Мол дўхтирлари!

– Мол дўхтирлари, мол дўхтирлари келди, йиғлама, ўртоқжон, мол дўхтирлари келди, ана. Тезроқ уларга туёқни бер, улар ҳозироқ жойига ўрнатиб қўйишади.

– Биз ҳеч қанақа мол-пол дўхтири эмасмиз! – хотинлар шоша-пиша тушунтира кетишиди. – Биз меҳмонхонанинг ошпазларимиз. Эртага конга шаҳар бошликлари келишяпти, директор ўлар-тириларингта қарамай ҳаракат қилинглар, ҳаммаси аъло даражада бўлсин, деб буйруқ берди. Товуқ, балиқ – буларни кўрмабмидик. Нима қилишимизни билмай турган эдик, бу ёқда хачирнинг оёғи синибди, деб эшитиб колдик.

– Ёнда қовурилган хачир туёғи, хачир туёғидан қилинган димлама...

– Аравакаш, туёқни сотмайсанми, а?

– Сотиш? Ҳе, йўқ... – Аравакаш туёқни бағрига босди, худди севимли одамнинг кесилган қўлини ушлаб олгандек, гўлайиб қараб турарди.

– Нималар деяпсан ўзи, а? – оқ кийимдаги хотинлардан бирининг жаҳли чиқди. – Нима, уни қайта жойига қўндиromoқчимисан? Бунча пулни қаердан топардинг? Бизнинг замонда одамга ҳам ҳар доим қўлни тикмайдилар, ҳайвон тўғрисида-ку, гапирмаса бўлади.

– Ҳақини яхши тўлаймиз.

– Бу атрофда ҳеч кимга истаганингдай сотолмайсан ҳам.

– Хўш... Қанча берасизлар?

– Донасига ўттиз юандан – нима, шу арzonми?

– Сизларга фақат туёқлар керакми?

– Фақат туёқлар... Бошқа ҳеч нарса керакмас.

– Тўрталаси ҳамми? Лекин хачир ҳали тирик-ку.

– Тирик бўлса нима қилиби? Туёқсиз бўлгандан кейин ундан сенга нима фойда?

– Барибир ҳам-да, ахир тирик у, ўлмаган.

- Вой, эзма бўлмай кет. Сотасанми, йўқми?
- Сотаман...
- Мана сенга пул! Санаб ол!
- Шатақдан еч уни, чаққонроқ бўл!

Пулни қўлида чангаллаб, иккинчи қўли билан аравакаш узилган туёкни оқ либосли хотинга узатди. Узатаётуб, қўли хиёл титраб кетди. Хотин туёкни олди ва авайлаб саватга солиб қўйди. Иккинчи хотин саватдан пичоқ, болта ва арра олди, сўнг қаддини ростлаб, тезроқ бўшатсанг-чи хачирни, деб бакириб шошилтира бошлади. Аравакаш тарвақайлаб ўтирида, хачир устидан энгашди. Колгани кўз очиб-юмгунча рўй берди – ҳикоя қилингандা бу кўпроқ вақтни олади. Оқ либосдаги хотин болтани олди, мўлжаллади ва хачирнинг кенг манглайига айлантириб солди. Болтанинг тифи шунчалик чукур ботдики, уни тортиб олишга ўзининг кучи етмай колди. Бу ёқда хачирнинг олдинги оёқлари букилиб, у бутун танаси билан аста чўқди ва нотекис йўлда чўзилиб ётиб қолди.

Динг Гоуэр чукур хўрсинди.

Хачирнинг бадани ҳали совимаганди, томоғидан хириллаган овоз келди. Болтанинг ҳар икки томонидан қон ингичка бўлиб отилар ва киприклари, бурни ва лабларини кўмиб юбормоқда эди.

Болта билан зарб берган хотин энди кўк сопли пичоқни қўлига олди. У хачирнинг олдига келди-да, туёққа ёпишди – туёқ катта ва қоп-қора, қўл эса нозик ва оппоқ эди – туёқ оёқ билан туташган жойда кўндалангига пичоқ тортди. Яна бир пичоқ билан айланма ҳаракат килди ва олд туёқ билан пастга инди – қарабсизки, у оёқдан ажраб турибди-да, уларни фақат оппоқ пай туташтириб турарди. Пичоқнинг қисқа бир ҳаракати кифоя бўлди – туёқ оёқдан абадий ажради. Оппоқ кўлча тепага сермалади, туёқ оқ либосдаги хотиннинг қўлига бориб тушди.

Учала туёқни ажратиб олишга хиёл вақт ўтгани йўқ. Бу хотиннинг қурол билан қанчалик чаққон ҳаракат қилишига маҳлиё бўлиб, бошқалар томошибин бўлиб қараб турардилар: хеч ким чурқ этгани йўқ, йўталгани ҳам, жойидан жилгани ҳам йўқ. Жангари хотин олдида бундай бепарволик қилишга кимнинг ҳам ҳадди сиғарди?



Динг Гоуэрнинг кафти терлади. Хаёлида хўқизни нимталаған ошпаз ҳақидаги матал айланарди.

Оқ либосдаги хотин болтани силкита-силкита охири ҳаҷирнинг манглайидан чиқариб олди. Ҳачир ниҳоят жон берди. Жасаднинг корни осмонга қараган, қотиб қолган оёқлар эса худди замбаракнинг қувуридай тўрт томонга чиқиб турарди.

Ниҳоят, юқ машинаси кон ҳудуди бўйлаб айланадиган ўнқир-чўнкирли йўлдан чиқиб олди. Ортда қолган қуюқ туман ичидан баланд терриконлар ва арвоҳларга ўхшаган тоғ техникаси қорайиб кўринарди, бу ерда анчадан бери на қоровул итининг ҳуриши, на вагончаларнинг тарақ-туруғи, на еости портлашларнинг садоси эшитиларди. Аммо ҳаҷирнинг замбарак қувурига ўхшаган оёқлари Динг Гоуэрнинг кўз олдидан кетмай, унга тинчлик бермаётганди. Ҳайдовчи қизга ҳам кичкина ҳаҷир воқеаси афтидан таъсир қилганди: улар тоғ конларининг ғадир-будур йўлидан кетиб боришаркан, аввалига қиз сир бой бермай турди, кейин шаҳарга олиб борадиган кенг шоҳроҳга чиққач, шартта тезликни алмаштирди, шамол кирадиган туйнукни очди ва газ педалини охиригача босди, бундан двигатель гувиллаб, тариллатиб ўқ уза кетди. Оғир юқ ортилган машина снаряддек чийиллаб олға интилди. Йўлнинг ҳар икки ёқасидаги дараҳтлар болта билан чопилгандек эгилиб турарди, ер шатранж тахтасидай айланарди, спидометрнинг йўғон калта мили саксон километрни кўрсатиб турарди. Шамол ғувиллар, фидирақлар чириллаб айланар ва ҳар уч дақиқада тутун чиқадиган қувур акса уради. Динг Гоуэр ҳайдовчи қизни кўз кири билан ҳайратланиб кузатаркан, ҳаҷирнинг оёқлари аста-секин эсидан чиқиб кетди.

Шаҳарга етай деб қолишганида бирдан радиатордан олдинги ойнага буғ келиб урилди. Гарчи буғ қозонини радиатордан ўзи ясаган бўлса-да, уни чапараста қилиб сўка кетди ва машинани йўл чеккасида тўхтатди. Динг Гоуэр у билан изма-из машинадан тушди ва шамол машина ичини совитиши учун капотни очиш жараёнини қандайдир ичиқоралик билан кузата бошлади. Двигатель ҳаддан ташқари қизиб кетганди, радиаторда сув биқирларди. Қўлқопни кийиб, қиз радиатор копкоғини бураб очди ва шу топда унинг чехраси кечкуунги шафақдай гўзал кўриниб кетди.

У ғазабдан тутақиб, пастдан бир пачоқ жез чөлакни олди:
– Сувга чоп!

Динг Гоуэр буйруққа итоат этмасликни хәёлига ҳам келтирмай, чөлакни олди, аммо тегажоқлик қилишдан ўзини ти-ёлмади:

– Мени сувга юбориб, ўзинг думингни хода қилиб көлмөкчимисан? Савоб қылсанг, бутун қил, дейдилар, кизгина, уйгача кузатиб қўяман, дедингми, энди кузатиб қўй.

– Миянг борми ўзи? – чийиллаб берди қиз. – Қочиб қолиш кўнглимда бўлганида тўхтаб нима қиласдим? Сув керак, сув!

Динг Гоуэр кулимсираб қўйди: бундай жүн ҳазиллар билан қиз боланинг кўнглини кўтариш мумкин, лекин аёл киёфасидаги мана бу балойи азим бунақага йўргалайдиган эмасди, бироқ барибир атайлаб шунга аҳд қилди. Қиз ростданам бобиллаб берди:

– Ҳозир ҳазил қилишга бало борми, галварс! Тез сувга чоп!

– Бу ерда на қишлоқ, на дўкон бўлса, қизалоқ, ахир сувни қаердан топаман, тавба!

– Қаердан топишни билганимда сенга айтиб ўтиармидим?!

Қиз билан ажрашишга кўнгли бўлмаётганди. Унга бир қараб қўйиб, Динг Гоуэр чөлакни олди, йўл чеккасидаги буталарнинг юмшоқ новдаларини ёриб, унча чукур бўлмаган сувсиз зовурдан ўтди-да, ҳосили йигиб олинган ангорда тўхтади. Бу дехқон далаларини ўзича тасаввур қилишга ўрганиб қолган ҳалигиндай бепоён кенгликлар эмасди. Ёнгинасида шаҳар, унинг қўли, тўғрироғи, бармоқлари мана бу далагача етиб келганди. Гоҳ у, гоҳ бу ерда кўп қаватли уй ёлғиз қад кўтариб турар ёки тутун чикиб турган мўри кўзга ташланарди, шу боисдан ҳам дала калейдоскопни эслатарди. Дингнинг юраги бир тутам бўлди. У бошини кўтариб, ғарб томонга қаради, у ёқда қип-қизил шом шафаги жимир-жимир қиласди. Юрагини эзган туйғу ғойиб бўлди ва катта-катта одимлаб, энг берида жуда антика шаклдаги бино томон йўл олди.

Бир қараганда, ботаётган қуёш ёғдусига кўмилган бу уй кўл узатса, етгудай яқин, лекин унга қараб юрганинг сайин узоқлашиб кетаверади. У билан бино ўртасига гўё осмондан

янги-янги далалар тушиб келиб, унинг манзилга етиб олишига халақит бераётгандаи. Аммо энг қизиқ иш қуруқ поялар қақкайиб турган маккажүхори даласида кутиб турарди.

Қоронғилик қуюқлашиб, еру осмон қизил узум мусалласи рангига чўмилди; маккажүхори поялари ун чиқармай теварак-атрофда тиккайиб турарди. Динг Гоуэр бир ёни билан уларни ёриб ўтиб бораради, бироқ барибир осилиб турган қовжирок барглар шитирлаб унинг ғасига тегарди. Кутимаганда худди ерни ёриб чиққан даҳшатли ҳайвондек ўз ботирлиги билан шуҳрат топган терговчининг рўпарасида баланд қора кўланка пайдо бўлди. Кўркқанидан терговчи тош қотиб қолди. Сочлари диккайди ва у савқитабий ила рўпарасида пайдо бўлган девга қараб белакни силкитди. Дев бир қадам ортга чекиндида, пингиллаган овозда қизиқсиниб сўради:

– Нега белакни силкитасан?

Ўзига келган терговчи бундок қараса, қархисида баланд бўйли бир чол турибди. Осмонда пайдо бўла бошлаган юлдузлар ёғдусида у иягини қоплаган қуюқ тикандек соқолни, патила-патила соchlар ва чўзинчоқ башарага ўрнашган яшига мойил кўзларни кўрди. Серямоқ кийими ва ғарип кулбасига қараганда – бу одам ёмон эмас, оддий қора ишчи, меҳнатсевар ва дангалчи. Кўкрагини тўлдириб оғир ва хириллаб нафас олар, ора-чора йўталиб кўярди.

– Бу ерда нима қилиб юрибсан? – сўради Динг Гоуэр.

– Тиллакўнғиз тутяпман. – Чол кўлидаги сопол кўвачани кўтариб кўйди.

– Тиллакўнғиз тутяпман, де?

– Қидиряпман-ку.

Кўвачадан қулоққа товушлар аранг чалинарди: тиллакўнғизлар сақраб, деворга ўзларини уради. Чол унинг рўпарасида чурқ этмай турар, ҳолдан тойган тиллакўнғизларга ўхшаб, кўзлари аланг-жаланг қиласиди.

– Тиллакўнғизлар, де? – тақрорлади Динг Гоуэр. – Бу ернинг ҳалқи тиллакўнғизлар жангига қизиқадими?

– Халқнинг жанг билан нима иши бор? Халқ уларни ейишга қизиқади, – деди аста чол.

У бурилди-да, икки қадам ташлади ва шовқинсиз ерга чўккалади. Титроқ маккажүхори барглари унинг боши ва



елкаси узра осилиб ётарди ва у мозор дүнглигига айландиколди. Юлдузлар янада ёрқинроқ чаракларди, сох ү, сох бутомондан салқын шабада эсарди: на сөядан, на издан номнишон бор – унинг бўлган-тургани ўзи бир сирли дунё эди. Терговчининг елкалари ва оркаси совқотди, ичида ҳам совуқ тўлқин юриб ўтди. Худди тушдагидек, атрофда сонсиз тиллақўнғизлар учиб юарди. Шу дам ҳамма томондан тиллақўнғизлар ўзларининг мунгли қўшиқларини бошлаб юборди. Гўё ҳамма жойда улардан бошқа жонзот йўқдай. Чол катталиги бошмалдоқдай келадиган фонусини ёқди ва унинг заррин ёғдуси маккажўхорининг йўғон пояси тагидаги семиз тиллақўнғизга тушди. Танаси чўғдек қип-қизил, боши тўртбурчак, кўзлари иргиб чиқкан, оёқлари йўғон-йўғон ва корни осилган – ҳар сонияда бир томонга сакраш учун нафасини ростларди. Чол бир дафъадаёқ унинг устидан унча катта бўлмаган тўрчани ёпди. У ердан тиллақўнғиз кўвачага тушди. Сал ўтмай у киздирилган ёғли қозонга, ундан кейин кимнингдир қурсоғига бориб тушади.

Терговчи «Антика таом» номи остидаги журналда босилган катта мақолани элас-элас эслади, унда тиллақўнғизларнинг тўйимлилик қиммати ва уларни пишириш усуллари ҳақида хикоя қилинарди.

Чол тиззалааб олга юриб кетди, Динг Гоуэр эса маккажўхоризорни кесиб ўтиб, ёруғлик сари шошилди.

Оқшом чиндан жозибали қиёфа касб этганди, у соғлиқ ва ҳаётга тўла эди, чунки тадқиқот ва кашфиётлар қўлни қўлга бериб юриб борар, иш ва ўқиши елкама-елка қадам ташлар, севги ва инқиlob бир-бири билан ялакат мағиз бўлиб кетган, осмондан ёғаётган юлдуз нурлари ердаги фонус зиёси билан ҳамжиҳатларча чатишган, бундан барча қоронги бурчаклар ҳам мунаvvар эди. Чароғон симоб чироқлар ёруғида зулмат каъридаги узун лавҳа кўзга ташланади. Кўзига челакни пана килиб, Динг Гоуэр сохта сун услубидаги катта-катта иероглифларни ўқиди, оқ ранг устидан кора бўёқда қуидагилар ёзилган эди: «Овқатнинг махсус турларини ишлаб чиқариш бўйича тадқиқот маркази».

«Тадқиқот марказига ҳам ўхшамайди-ку», – мулоҳаза юритди Динг Гоуэр бир нечта шинам уйлару чароғон ёритил-



ган бостирмаларга бир-бир разм солиб чиқаркан. Дарвозадан күк либосли, бошига фуражка кийган коровул сакраб чиқди ва бўғилиб бўкирди:

– Нима керак сенга? Мўралаб, искашини қаранглар! Ё бирор нарсани ўмарид кетмоқчимисан?

Динг Гоуэр коровулнинг камаридағи газ тўппончасио унинг сурбетларча электрошокерларни силкитганига қараб, тутикақ бетди:

- Оғзингга қараб гапир, болакай!
- Нима? Нима дединг? – тажовузкорона унинг олдига келди ёш қоровул.
- «Оғзингга қараб гапир, болакай!» дедим.

Жамоатчилик хавфсизлиги тизими, прокуратура ва суддаги катта одам, унинг гапига қулоқ солишларига ўрганиб қолган. Бу ерда бўлса аллақандай коровулвачча уни кўпоплик ва манманлик билан тўхтатяпти. Қўли қаттиқ қичишид, кўнгли шундай бехузур бўлдики, у ҳатто сўкиниб юборди:

- Бойлоқдаги кўпрак!
- «Бойлоқдаги кўпрак?! Нима-а?», деб кичкирганча унинг бурни тагига бориб ўкирди:
- Вой итвачча-ей, тағин мени ҳақорат қиласди! Отиб ташлайман! – шундай дея газ тўппончани чиқариб, уни Динг Гоуэрга тиради.
- Бу билан тағин ўзингни отиб ташлашмасин! – киноя билан кулди Динг Гоуэр. – Агар шу тўппонча билан кимни дир отмоқчи бўлсанг, ўзинг шамол йўлида туришинг керак бўлади.
- Э-ҳа, бир қараашда итваччадан фарқинг йўғ-у, аммо баъзи нарсаларга ақлинг етадиган кўринасан.
- Мен бунақа газ матоҳингта кетимни артмайман!
- Хўш, гапир!
- Ана, бошлиғинг келяпти! – Динг Гоуэр лаблари билан коровулнинг орқа томонини кўрсатди.

Коровул бурилиб қаради, бундан фойдаланган Динг Гоуэр эса шошмасдан қуличкашлади-да, чепак билан коровулнинг панжасига айлантириб солди – газ тўппонча ерга учиб тушди. Кейин оёғи билан коровулнинг электрошокерни ушлаб турган қўлига шиддат билан тепди. Қурол бир четга учиб тушди.

Коровул түппончага интилганди, Динг Гоуэр яна чөлакни күттарди:

– Энгашиб күр-чи, сүякка ташланган күппакдай учеб кетасан.

Коровул жиддий рақибга дуч келганини англали. У ортга бир неча қадам ташлади, бурилди-да, жонининг борича бир уйча томонга ўқдай отилди. Динг Гоуэр мийиғида кулганча дарвозадан кирди.

Үйчадан қоровулга ўхшаб кийинган одамлардан бир галаси отилиб чиқди. Биттаси темир хуштагини тўхтовсиз чаларди.

– Ана у, ана! – қичқиради Динг Гоуэрни кўрсатиб, хозиргина ундан таъзирини еган қоровул. – Бу итваччанинг терисига сомон тиқинглар!

Коровуллар ўнгатдан кўпроқ эди ва электрошокерларини силкитганча улар худди кутурган итлардек, Динг Гоуэрни ўраб олишди. Уларнинг башараларидан ҳеч қанақа яхшилик чиқадиган эмасди.

Динг Гоуэр шошмасдан қўлини камарга олиб борди. «Оббо! Тўптонча жайлда эди, жайлд эса машинада қолган».

Коровуллардан енгига қизил боғлаган бири – афтидан, сардори бўлса керак – таёғи билан Динг Гоуэр томонга нуқиди.

– Нима қилиб юрибсан бу ерда? – дўй уриб сўради у.
– Мен ҳайдовчиман, ахир, – чөлакни силкитди Динг Гоуэр.
– Ҳайдовчи? – ишонқирамай сўради сардор. – Бу ерга нега келдинг?

– Сувга. Радиатор қизиб кетди.

Кескинлик хиёл юмшади, баланд кўтарилиган таёқ пастга тушди.

– У ҳеч қанақа ҳайдовчи эмас! – қичқиради жабрдийда. – Оёқ билан тепиш – яхши ишми?!

– Бу сенинг ҳеч нарсага ярамаслигингни билдиради холос, – эътироуз билдиради Динг Гоуэр.
– Қайси ташкилотда ишлайсан? – сўроқни давом эттириди сардор.

– Мусалласпазлиқ академиясида, – тутилмасдан жавоб берди Динг Гоуэр юқ машинаси эшигидаги тамғани эслаб.

- Мошина қаёққа бораётганди?
- Конга.
- Ҳужжатларингни кўрсат.
- Курткамнинг чўнтағида қолибди.
- Куртканг қаерда?
- Мошинада.
- Мошина-чи?
- Шоҳроҳда.
- Мошинада яна кимдир бормиди?
- Бир жонон киз бор.
- Мусалласпазлик академиянгизда ҳайдовчи борки, ҳаммаси ҳанги, – хиринглади сардор.
- Ўзи шунака бўлгандан кейин бошқа нима ҳам дейсан, битта қолмай ҳанги улар.
- Жўна тезроқ, бориб ишингни қил! – деди амрона сардор. – Сув уйнинг ичидা, сен бўлсанг, бу ерда ивирсиб юрибсан. Унинг ортидан уйга йўналаркан, Динг Гоуэр сардорнинг ҳалиги қоровулга танбех бераётганини эшилди:
 - Галварс, аллақандай ҳайдовчи билан гаплашиб кўлингдан келмайди. Унинг ўрнида кирқ кароқчи бўлганда-чи? Бутун хўжаликни кўтариб кетса ҳам миқ этолмас экансан-да.
- Бино ичкарисидаги ёрқин нурдан кўз қамашарди, боши енгил айланди. Йўлақда қизил синтетика пояндоз, деворларда турли донли экинларнинг катта-катта рангли сувратлари: маккажўхори, шоли, буғдой, гаолян ва алламбало экинлар – ўзингиз билиб олаверасиз. «Қандайдир чатишмалар бўлса керак – қишлоқ хўжалиги бўйича бу ерда ишлайдиган мутахассисларнинг қаттиқ меҳнати натижаси». Динг Гоуэрга сал ён босиб қолган қоровуллар сардори ҳожатхонага қандай боришни кўрсатиб юборди, кўшимчасига у ерда латтани хўллагани жўмрак борлигини ва сув олиш мумкинлигини айтди. Динг Гоуэр унга ташаккур билдириди, сардор ўз кўл остидагилар билан хоналардан бирига кириб кетганини кўрди, хонанинг очиқ эшигидан паға-паға аччиқ тутун отилиб чиқарди. «Хойнаҳой, карта ёки маженг¹ ўйнашяпти, – деди ўзича. – Балки ким билсин, қандайдир йўл-йўрикларни

¹ Маженг – доминога ўхшаш хитойча соққали кимор ўйини.



ўрганишаётгандир». У мийигида кулиб қўйди ва челакни кўтариб ҳожатхона томонга йўл олди, йўл-йўлакай деворлардаги лавҳачаларни ўқиб борди: «Техник бўлим», «Ишлаб чиқариш бўлими», «Ҳисобхона», «Молия бўлими», «Архив», «Методика хонаси», «Лаборатория хонаси», «Видеозал». Сўнгги эшик қия очиқ эди, у ерда кимдир бор эди.

Кўлида чепак билан у ерга охиста киаркан, видео кўриб ўтирган бир эркак ва бир аёлга қўзи тушди. Телевизорнинг экрани ҳаддан ташқари катта эди. Унда чиройли босма ҳарфлар билан: «Тансик таомлар – «Товуқбоши» гуручи» деб ёзилган ёзув пайдо бўлди. Роликка ажойиб, юракни жизиллатадиган «Ранг-баранг булат ойни қувиб етади» Гуандун¹ куйи жўр бўлмокда эди. Бу роликни томоша қилишга, умуман, тариқча хоҳиши йўқ эди, аммо у нимаси биландир одамни тортарди, балки кадрларининг ёрқинлиги биландир. Товуқларни сўйишнинг автомат шакли. Товуқ бошлари аниқ, бир маромда тушиб турибди. Торли ва пуфлаб чалинувчи созларнинг кўтаринки оҳанглари остида сухандоннинг овози янграйди: «Кенг ҳалқ оммаси ва Озуқа маҳсус турларини ишлаб чиқарииш бўйича тадқиқот марказининг партия ходимлари... руҳланиб, «Асосий масалани ҳал қиларкан, унинг қийинчилигини писанд этмай» шиори остида гайрат ва фикрларини жамлаб кечаси ҳам, кундузи ҳам кураш олиб бормоқдалар...» Заҳил юзли, оқ либосдаги бир талай одам оғзи турли катталиқдаги шиша идишларда кимёвий тажриба ўтказмокда. Оқ пешбанд таққан бир нечта истарали аёл соchlарини оқ қалпокчалар тагига тартиб билан йиғишириб, кискичда хом гуруч донасини олади ва чопиб ташланган товуқ бошларига тиқади. Аёлларнинг яна бир гурухи – улар ҳам шундай кийинган ва улар ҳам истарали – гуруч билан тўлдирилган бошларни чўғдай гулли тувакларга солади. Кадр ўзгаради: тувакларда шоли майсалари кўринади. Уларни ўнлаб сувпуркагичлар суғоради. Яна кадр ўзгаради: базми жамшид дастурхони, табиий гуллар билан ороланган, бир қанча пиёлаларда саралаб-саралаб олинган гуручлар товланади – дурдай ярқироқ, қондай қип-қизил. Стол атрофида бир нечта бошлиқ ўтирибди – биттаси салобатли, иккинчиси –

¹ Хитой жанубидаги провинция.



семиз, учинчиси – узун ва мамнуният ила жилмайиб бу тансиқ таомдан татинадилар. Динг Гоуэр оғир хүрсинди, ўз қарашлари унчалик кенг эмаслигини шундагина англаң етди: кудук тубида ҳақиқий қурбақа ётибди. Ролик ҳали тугагани йўқ, эркак билан аёл эса сухбатни бошлаб юборишиди. Ногоҳ кўзлари тушиб қолишидан хавфсираб, Динг Гоуэр сувли чеълакни олди-да, шошиб эшик томон одимлаб кетди. Дарвоза олдида қоровул ёнидан ўтаркан, кўзларига нафрат тўлиб кетганини ҳис этди. Қоровул унга кўзлари билан тешиб юборгудек қараб турарди. Маккажўхори даласида қуруқ поялардаги барглар кўзларини савалаганидан ёш оқа бошлади. Тиллақўнгиз овловчи чол аллақачон гумдон бўлганди. Машинага етмасданоқ унинг қулогига ҳайдовчи қизнинг жонга тегувчи кичкириги чалинди:

- Ҳой, онангни... қаёққа кетдинг: Хуанхэгами ё Янцзигами? Челакни ерга кўйиб, у қаварган қўлини силкитди:
- Йўқ, Ярлун-Жанбо¹га боргандим, жин урсин.
- Мен бўлсам, тамом, онангни... ҳойнаҳой, дарёга тушиб кетиб, фарқ бўлгансан деб турувдим!
- Мен эса, онангни... фарқ бўлдимгина эмас, яна видео ҳам кўрдим.
- Вой онангни... кунфуними ё ялангоч аёлларними?
- Ҳе, йўқ, униси ҳам эмас, буниси ҳам эмас, бир тансиқ таом ҳакида, «товуқбош» деб аталаркан.
- Онангни... нимаси тансиқ бўларкан ўша «товуқбош»нинг? Бу қанақа ифлос одатки, оғиздан чиққани «онангни... онангни...»
- Агар «онангни...» деб гапирмасанг, сен ҳам чурқ этмай юришинг керак бўлади.

Динг Гоуэр ҳайдовчи қизни ўзи томон тортиб, белидан маҳкам кучди ва лабларини лабларига қаттиқ босди – лаблар ҳам ширин, ҳам аччиқ, ҳам нордон, ҳам тотли эди.

2

Устоз Мо Ян!

Хатингизни олдим.

«Фуқаролар адабиёти»дагилардан акс садо йўқ. Қаттиқ изтирофдаман ва умид қиласманки, Сиз устозлар: Чжоу Бао

¹ Ярлун-Жанбо – Тибетдаги дарё.

ва Ли Сяобаони яна бир шоширасиз, иложи борича тезроқ жавабөйттілесіндер.

Үшандан бери яна битта ҳикоя ёздим, «Эшак күчаси» деган. Үнда мен ус¹ адабиёттінинг ижодий усулларини құлладым. Илтимос, мураббий, уни Үзингизга хос донолик ила күриб чиқинг. Құләзмани Үзингизга маңқул бўлган ҳар қандай журналга юборишингиз мумкин.

Мусаллас бўйича ҳужжатларни мана шу хат билан қўшиб юборяпман, ўттиз шиша сара мусалласни эса машина Пекинга бориши билан жсўнатаман. Шогирдининг мусалласини ичиши – ҳар қандай мураббий учун оддий иши. Ахир Конфуций ҳам сабоқ ҳақи учун ҳар бир шогирдидан ўн тугун қоқланган гўшт олган.

«Фуқаро адабиёти»дан дарак бўлмаётгани таажжусубланарли, албатта, мен ҳатто ваҳимага тушиб кетяпман. Сиз, устоз, кўпни кўрган одам сифатида мендан нелар ўтаётганини тушунсангиз керак.

Ижодий муваффақиятлар тилайман!

Шогирдингиз Ли Идоу

3

Иним Идоу!

Хатни ва ҳикоя қўләзмасини олдим. Мусаллас бўйича ҳужжатларни ҳали олиб келишимади, аммо босма ҳужжатлар одатда хат каби у қадар тез етиб бормайди-ку.

Сенинг ҳолатингни тўла равишда тасаввур қдоламан, мен ҳам мана шундай қийинчиликларни боидан кечиришига мажбур бўлганман. Тўғрисини айтганда, ўз қўләзмамни босма шаклда кўришим учун мен қандай чоралар кўрмадиму қандай чоралар кўришини мўлжалламадим. Хатингни олишим билан Чжоу Баога сим қоқдим. У ҳар учала ҳикояни бир эмас, бир неча мартадан ўқиб чиққанини айтди. Унинг сўзларига қараганда, у нима қилишини билмаётганмиши, аниқ бир сўз дейдиган аҳволда эмас эмиши. Энди шу тўғрисида ўйлаб тургандим, дейди. У асарингни тездада танишиб чиқиб, ўз фикри-

¹ Ус – қаҳрамонлик рухидаги асарлар.

ни билдириши учун Ли Сяобаога жўннатиб юборибди. Охирида айтдики, барча учала қисмда, албатта, муҳокамани талааб этувчи жойлар кўп, лекин муаллифнинг истеъододли эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Сен шу ергача ўқиб келганингда юрагинг анча енгил тортар, деб ўйлайман. Ёзувчи учун дунёда энг муҳими – истеъодод. Озмунча одам уста ёзувчи бўлмадими, озмунча нарсалар ёзишмадими ва қандай қилиб буюк бўлиши йўлларини кашф этмадиларми, бироқ шунда ҳам осмондаги юлдузлар кифоя қилмади. Бу одамларда ҳаммаси бор, фақат истеъодод йўқ ёки истеъододлари унчалик эмас.

«Эшак кўчаси»ни мен уч карра ўқиб чиқдим ва умуман, таассуротларим мана бундай: у анча очиқ ва дангал ёзилган, ерда думалаб кетаётган ёввойи эшакка ўхшаб кетади. Қисқа қилиб айтганда, ўз-ўзидан биргина хулоса чиқади – бўлмаеур нарса. «Хунжун лема»¹га бўкиб олгандан кейин ёзмаганмисан, мабодо?

...«Эшак кўчаси»ни ҳам, ҳар ҳолда, «Фуқаро адабиёти»га юбораман. Агарда, у ерда олишимаса, яна қаерга тавсия этишимни ўйлаб кўраман.

Мен «Мусаллас мамлакати» (ишичи номи) романининг бир неча бобини ёзиб бўлганман. Аввалига мен мусаллас ҳақида яхшигина ёзоламан дегандим, чунки икки марта тўйиб ичгандим. Бироқ ишни бошлагагач, озмунча қийинчликларга дуч келмадим: сюжет чизиқлари бир дунё бўлиб кетди. Инсоннинг мусалласга бўлган муносабатида башарият ҳаёти ва тараққиёти жсараёнининг деярли барча зиддиятлари намоён бўлади. Буюк истеъодод соҳиби бу мавзуда чинакам ажойиб адабий асар яратоларди. Менинг қобилиятим, афсуски, етарли эмас ва шу боис нуқул кечинмалару тушкунликлардан бошим чиқмайди: афандининг кўртаси бошга етса, оёққа, оёққа етса, бошга етмайди. Умид қиласманки, кейинги хатларда биз мусаллас мавзусида кўпроқ гаплашамиз ва эҳтимол, ўшандада сал илҳомим келса.

Омад тилаб

Мо Ян

¹ Хунжун лема – арок тури.



4 «Эшак күчаси»

Азиз дўстлар, яқинда сизлар менинг «Мусаллас руҳи», «Гўшт болалар» ва «Кайвони бола» деган хикояларим билан танишдингиз. Энди янги асаримни тақдим этишга изн бергайсиз – у «Эшак күчаси» деб номланган. Хайриҳоҳлигингиз ва тушунганингиз учун сизлардан бағоят миннатдорман. Адабий танқид нуқтаи назаридан юқорида баён этилган бутун боши-кети йўқ гаплар, ҳеч бир ҳолатда қисса тўқимасига ёриб кирмаслиги керак, акс ҳолда бу унинг бус-бутунлиги ва тугаллигига хилоф бўлур эди. Аммо мен – фан номзодиман, мусалласпазлик соҳасида тадқиқот ишлари билан шуғулланаман ва Худонинг бермиш куни мусалласни ичишинга, уни ҳидлашимга, бағримга босишимга, бўса олиб лабимни тегизишинга, у билан узвий алоқада бўлишимга тўғри келади, мен учун, ҳатто ҳавонинг ҳар бир ҳўплами алкоголь билан тўлиқ. Менинг феъл-авторим ҳам, мизожим ҳам мусалласдан нуқс этган. «Таъсирот» дегани нима? Айнан шундай дегани. Мусаллас мени шунақанги тошириб юборадики, ақлимни йўқотиб қўяман, кўпчилик эътироф этган меъёлларга риоя этиш қўлимдан келмайди. Мусалласнинг феъл-автори – ўзбошимчалик, бетизгинлик, унинг мизожи эса – тўхтовсиз гапиришлик.

Демак, азиз дўстлар, менинг ортимдан юриб, Жюгуо Мусалласпазлик академиясининг катта, улуғвор шоҳона дарвозасидан чиқиб олинг. Мусаллас шишиаси шаклидаги ўқув биноси, қадаҳ кўрининишидаги лаборатория биноси ва академия бошқарадиган мусаллас заводининг атрофга муаттар мусаллас ҳиди тарататётган баланд дудбурони ортимиизда қолади. «Юкни итқитинг-да, олға илдам одимланг», тетик хуш ва тиник нигоҳ ила ортимдан юринг, йўлдан четга чиқиб кетманг, Лициоанъхэ – мусаллас чашмаси – дарёси устига курилган нафис арча кўприкчага қадам қўйинг ва шуларнинг барча-барчаси – шалдироқ оқим, кўзачалар, улар устида ўтирган капалаклар, пат-пат қилган оқ ўрдаклар, сузиб юрган балиқчалар, шу балиқчаларнинг сезгилари, оқ ўрдакчаларнинг кайфияти, сузиб кетаётган сувўтларнинг фикрлари, шу оқимнинг ши-



рин хаёллари орқада, онгдан панада қолади. Ошпазлик академияси дарвозасидан биз томонга жазавакор хушбўй ҳидлар тўлқин-тўлқин бўлиб бостириб келаётганига эътибор беринг! Қайнонам худди ўша ерда ишларди. Яқинда унинг ақли лат еди, икки қават дарпардали хона ичига қамалиб олди ва туну кун фош этувчи хатлар қоралайди. Аммо вақтинча уни ўз холича қолдирайлик ва Ошпазлик академиясидан келаётган хушбўй ҳидга-да эътибор қаратмаймиз. «Одамлар бойлик кетидан қувиб ҳалак бўлмоқдалар, қушлар озуқа кетидан қувиб қирилмоқдалар». Бу, шубҳасиз, хақиқат. Тартибсизлик ва инқироз даврида инсон қушга ўхшаб эркин бўлади, амалда эса унга ҳамма жойда овчиларнинг тузоқ ва турлари, ўқ ва пайконлари таҳдид солади. Бўпти, модомики устимизга Ошпазлик академиясидан чиқаётган хушбўй ҳидлар бостириб келибдими, келинг, бурунни чимчилаб, уни бир четда қолдиришга ҳаракат қиласайлик ва энсиз Буғу кўчасидан юриб борайлик, кўчада буғуларнинг бўкиришлари шунақангি аниқ эшитилиб турибдики, гўё улар ёввойи табиат орасида ўтлаб юргандек. Кўчанинг ҳар икки томонидан дўконга киравериша буғу мугузлари илиб кўйилган – чалиштирилган найза ва шамширларнинг бутун бир ўрмоними дейсиз. Биз кўхна тош йўлдан, сирпанчик йўсин қоплаган плиталардан юриб боряпмиз, плиталар орасидан ям-яшил ўтлар ўсиб чиқсан – кўзингизга қараб юрмасангиз, қоқилиб тушасиз. Битта-битта одимлаганча айланма йўл билан Эшак кўчасига чиқиб оламиз. Оёғимиз остида ўша тош плиталар. Улар шу дамгача неларни кўрмаган, уларни ёмғирлар ва шамоллар сайқаллаган, филдираклар ва туёқлардан ейилиб кетган, кирралари тўмтоқлашиб қолган, бамисоли бринч кўзгу сингари ялт-юлт қиласиди. Эшак кўчаси Буғу кўчасидан сал кенгроқ. Плиталар устида – қонли ифлос кўлмаклар ва қорайиб кетган эшак терилари. Буғу кўчасига қараганда бу ер янада тойғокрок. Қора патларини ялтиратиб, кўчада қағ-қағ қилганча қора қарғалар гердайиб юрибди. Бу ерда кўзингизга қараб юрмасангиз бўлмайди, шунинг учун огоҳлантираман: эҳтиёт бўлинг ва рухсат этилган жойлардан юринг. Гавдангизни тик тутинг, одимни қаттиқ ташланг, гоҳ ўнг, гоҳ чап томонга чайқалманг, қишлоқдан шаҳарга энди келган одамга ўхшамант. Акс

холда оёғингиз нақ осмондан бўлади. Ҳар қандай йиқилиш нокулай бўлади: фақат кийимингизни ифлос қилиб олмасангиз майли-я, нақ кетингиздан лат еб қолсангиз-чи! Умуман, йиқилиш – расво нарса. Ўқувчини зада қилиб қўймаслик учун келинг, нафасни ростлаб олайлик, кейин эса йўлда давом этамиз.

Бизнинг Жюгуомизда шундай таниқли кишилар борки, бир чеълак мусаллас исчса ҳам кайфи ошмайди ва уларнинг шарафига ҳамду санолар айтсанг арзиди; шундай ичонғичлар ҳам борки, хотинининг қириб-қиришилаб йиккан пулига май олиб ичади: яна бир тоифа беор ичувчилар ҳам бўлади: ёмон ётган нарса борки, ўмаради, жанжал чиқариб муштлашади, одамларни уради, киссавурлик қилиб, бирорвларни ўтдай куйдиради. Менимча, бугунги кунда Жюгуомизда ўғри Ли Кўкюзнинг ҳам, Яшил Ўт Илон лақабли Ли Сининг ҳам, кўчани кесиб ўтадиган Каламуш лақабли Чжан Саннинг ҳам ва ёвуз Ню Эранинг ҳам олдига похол тўшаб кетадиган издошлиари бор. Бу довюрак одамлар икки минг йилдан кейин ҳам ўзгармайди. Уларнинг бари Эшак кўчасига тўшанадилар – улар ҳам Жюгуонинг диққатга сазовор қадриятларидан! Анави биттасини кўряпсизми, оғзида сигарета билан эшикка суюниб олган; яна бир қўлида шиша билан «Жиринг чақа» ишляяпти. «Жиринг чақа» – бу қайнатилган эшак олати: уни бундай аташларига сабаб – унинг тўғралган парраклари ўргасида тешикчаси бор қадимги тангага ўхшаб кетади; учинчи бири қўлида қуш қафаси ушлаб, хуштак чалиб турибди – уларнинг турган-битгани шу. Қаранг, дўстларим, эҳтиёт бўлинг, уларга илакиша кўрманг, таг-тугли одамлар бу кўча чиқиндилигини четлаб ўтадилар – ахир янги пойафзалингиз билан атайлаб ахлатни босмайсиз-ку, тўғрими? Эшак кўчаси Жюгуомизнинг шарафи ҳам, исноди ҳам. Эшак кўчасидан ўтмабсан – бу дунёга келмабсан. Бу кўчада эшак гўшти сотиладиган йиғирма тўртта дўкон жойлашган. Эшакларни Мин сулоласи замонидан бўён сўйиб келадилар, Цин сулоласи вақтида ҳам сўйганлар, Хитой Республикаси вақтида ҳам сўйяптилар. Коммунистлар келиши билан эшакларни ишлаб чиқариш воситаси деб ҳисоблай бошлашди, уни сўйиш қонунга хилоф деб эълон қилинди ва Эшак кўчаси бутунлай таназзулга юз



тутди. Сўнгти бир неча йил давомида «мамлакат ичкарисида ишлаб чиқаришни ва ташки ошкораликни жонлантириш» сиёсати натижасида халқ ҳаёти даражаси муттасил ортиб борди, бу нарса гўшт истеъмолининг ортишига олиб келди, шу боис Эшак кўчаси файриоддий гуркирашни бошдан кечирмокда. «Осмонда аждар гўшти, ерда эшак гўшти» нақли шунда пайдо бўлган. Эшак гўшти хушбўй, мазали, уни тансик таом деб алкайдилар. Азиз ўқувчилар, меҳмонлар, дўстлар, хонимлар ва жаноблар, санъкайю вэйла мачжи, миситэ, миси¹, агар сизга фақат кантон таомларини тановул қилинг, десалар, ишонманг, бу фирт ёлғон, одамларни йўлдан уриш учун улар шундай гапларни атайлаб тарқатадилар! Мен сизга нима демоқчиман, кулоқ солинг. Хўш, мен сизга нима дейман? Жиу-гуонинг машхур таомларини санаб ўтаман, аммо кичик бир қисмини эслатаман, холос, ниманидир тушириб қолдиришим аниқ, чунки уни қидириб тополмайсиз. Эшак кўчасида турганингда ва Жиууга назар солганингда, чор атрофингда тансик таомлар осмондаги булатдай кўпки, кўзинг ўйнаб кетади: Эшак кўчасида эшак сўйишаётпи. Хўкиз кўчасида – хўкиз, Кўй кўчасида – кўй, Чўчқа кўчасида – чўчқа, От кўчасида – от, Ит ва Мушук бозорларида – иккаласини сўйишаётпи – санаб саноғига етолмайсан, ўйлар чалкашиб кетади, лаблар қақрайди, оғзинг қуруқшайди. Умуман, қай бирини олма – хар қандай тансик таом, хар қандай қуш, ҳайвон, балиқ, ҳашарот – ейишга ярайдиган ва дунёнинг тўрттала томонидан келтирилган ҳаммасидан бизнинг Жиуугода татиб кўришинг мумкин. Мабодо бу яна бирон жойда бўлса, демакки, бизда ҳам бор, ҳеч қаерда йўқ нарса ҳам бизда бор. Лекин энг асосийси, булар ҳаммаси борлиги билан бир қаторда, энг муҳими, энг жумбокли нарса шундан иборатки, булар барни қандайдир алоҳида, ўз услуби, тарихи, анъанаси, мафкураси, маданияти ва ахлоқи билан мавжуд. Балки бу қандайдир мақтанчоқликка ўхшаб кетар, бироқ ҳеч қандай мақтанчоқлик эмас. Бутун мамлакат бойиб кетиш васвасасига чалинган, бизнинг Жиуугода эса раҳбарлар бунга зийраклик билан ва ўзига хос тарзда қарайдилар, бойликка эга бўлишнинг янги усуллари ва маҳсус

¹ Инглизча «thank you very much, mister, miss» – «катта рахмат, жаноб, хоним»нинг бузилган шакли.



йўлларини қидириб топадилар. Азиз дўстлар, хонимлар ва жа-ноблар! Инсон дунёга келганида, унинг учун емак ва ичмак-дан ҳам муҳимроқ бошқа ҳеч нима бўлмаса керак. Оғиз нега очилади? Албатта, емоқ ва ичмоқ учун! Жюгуо меҳмонлари коринлари тўйгунча есинлар ва иссинлар. Хилма-хил егу-ликлардан татиб кўрсинглар, турли-туман мусалласлардан нўш этсинлар, еганлари ва ичганларидан мамнун бўлсинлар, шундай еб-исчинларки, бир сония ҳам дастурхондан бош кўтармасинлар. Овқат ва ичимлик ҳаётни тутиб туриш воси-тасигина эмас, балки ҳаётнинг ҳақиқий моҳиятини тушуниб етиш, борлик фалсафаси мағзини чақиши имконияти ҳам экан-нини англасинлар. Емоқ ва ичмоқ – бу факат физиологик жа-раён эмас, балки рухни, эстетик лаззатни такомиллаштириш ҳам эканини билиб олсинлар.

Шошмасдан қадам ташланг, кўрганларингиздан завқ олинг. Эшак кўчаси икки лига чўзилган, унинг ҳар иккала томонида гўшт дўконлари саф тортган, у ерда эшак сўйишади. Тўқсондан ортиқ ресторончалар ва мусалласхоналар бор, ун-даги таомларни фақат эшак гўштидан тайёрлайдилар. Менюни мунтазам алмаштириб турадилар, бирин-кетин ажойиб ғоялар пайдо бўлади, эшак гўштидан таом тайёрлаш санъати бу ерда акл бовар қилмас даражага етган. Эшак кўчасидаги барча тўқсон ошхона таомларидан татиб кўриб, умрингизнинг қолган қисмида эшак гўшти емасангиз ҳам бўлади. Уларнинг ҳар биридан тотиниб ўтган одам кўкрагига уриб: «Нима де-сангиз дeng-у, аммо-лекин мен эшак гўштига мириқдим!» – дея оламга жар солиши мумкин.

Худди қалин лугатдек, Эшак кўчасида шу қадар кўп нарса-лар борки, гарчи сўз қидириб чўнтакка қўл сукмасам, қатъян ва бирёклама мулоҳаза юритсан-да, барибир сўзлар етишмайди, ҳаммасини сўз билан ифодалаш қийин, ҳамма нарсани ми-ридан-сиригача ҳикоя қилиб беролмайсан. Агар рисоладаги-дек ҳикоя қилмаса, қандайдир юзаки чиқади, биринчи бобдан ўнинчи бобга сакраб ўтасан, шу боис мени кечиришингизни ва менга хайриҳоҳ бўлишингизни, шунингдек, тетикланиб олиш учун «Хунцуз лема» қадаҳини сипқоришимга изн беришин-гизни илтимос қиласман. Юз йил ичиди Эшак кўчасида шунчалик кўп эшак жон таслим қилганки, саногига етиб бўлмайди.



Кечасиу кундузи бу ерда гунохсиз ўлдирилган эшакларнинг рухлари гала-гала бўлиб юради, Эшак кўчасидаги ҳар бир тош, таъбир жоиз бўлса, эшак қонига бўялган ҳар бир ўт-ўлан эшак рухини сингдирив олган, ҳар бир ҳожатхонада унинг борлигини тўла хис этиб турасан ва Эшак кўчасида бўлган ҳар бир одам у ёки бу даражада эшактабиат бўлиб қолади. Эшакча моҳиятлар, қадрли дўстлар, Эшак кўчасини булутдай қоплаб олган, қуёш нурини ўтказмайди. Кўзингизни қисган заҳотингиз хилма-хил катталиқдаги ва хилма-хил рангдаги эшаклар тўда-тўда бўлиб, атрофингизда овозларини баралла кўйиб ҳанграётганини кўрасиз.

Бир афсона бор: тун чўкиб, борлиқни жимжитлик эгаллагач, жуда ҳам йўрга, қоралиқдан тундан ўтадиган бир эшак (қайси жинсдалиги номаълум) кўчанинг яшилтоб плиталари устидан шарқдан гарбга, кейин эса гарбдан шарқка қараб юриб ўтаркан. Туёқлари ғоятда нафис, кора ақиқдан ясалган мусаллас пиёлаларга ўхшаркан, силлиқ тошларга урилиб, жаранглаган овоз чиқараркан. Бу овоз кеч тунда фалак сайё-раларидан тараалган мусиқани эслатаркан – мунгли, сирли ва майин экан. Тинглаганнинг кўзига ёш қалқир, ингранар, мастлардай алаҳлар, кўксидан узун ва оғир оҳ отилиб чиқаркан. Осмонга тўлин ой чиққандা-чи...

Ўша куни оқшом чоғи «Ярим аршин» ресторанининг хўжайини, бақалоқ Юй Ичи тоза шаосин мусалласидан одатдагидан бир неча коса кўпроқ ичиб кўйибди ва кичик ноғорадай дўмпайиб чиққан очиқ қорнига иссиқ бир нима киргандай хис килибди. Тўқима курсини олиб, кўчага чиқибди-да, эски анор дарахти тагига бориб ўтирибди. Тош терилган кўчанинг плиталари ойдинда тиниқ ойнадай ялтиюлт қиласаркан. Куз ўргаси бўлиб, об-ҳаво ҳам шунга яраша экан, енгил шабада эсаркан, салқинда ўтириш ишқибозлари ховлидан кораларини ўчириб ултурган экан. Агар мусаллас ичмаганида, Юй Ичи ҳам кўчага чиқмаган бўларкан. Кундузи бу ерда одамлар чумолидай гужғон ўйнаркан, ҳозир эса ҳаво топ-тоза бўлиб, ҳар томондан ҳашаротларнинг чир-чир овозлари келаркан. Пайкон учидек ўткир бу товушларга ҳеч қандай тўсиқ писанд эмасдек туюларкан. Шабада ҳар гал қорнини силаб ўтганида бақалоқ бехад хузурланаркан. Боши-

ни орқага ташлаб ва пишиб ёрилган катта-кичик шириң анор меваларини у томоша қилиб ўтириб пинакка кетиб қолибди, бирок бирдан боши териси тортилгандек, баданидан эса чумоли ўрмалагандек бўлибди. Уйқуси қочса ҳам у жойидан кимирлай олмасмиш – худди ушу устаси айни жон жойига зарба туширгандек эмиш, ҳолбуки у ҳамма нарсани англаб ва кўриб тураркан. Назарида бир эшак осмондан тушиб, кўчада юргандек бўлибди. Эшак семизлигидан йилтилларкан, худди мумдан ясалганга ўхшаркан.

У ерда ағанабди, ўрнидан турибди ва силкиниб, кўринмас чангни қоқибди. Кейин бир сакрабди-да, думини хода қилиб, кўчадан шаталоқ отиб чопибди. Кўчанинг у бошидан бу бошига қора тутундан чизиқ тортиб уч марта бориб келибди. Туёғининг жарангдор тақ-туқи остида куз тунидаги ҳашаротлар чир-чири эшитилмай ҳам қолибди. Бирок эшак бирдан тўхтаб, кўча ўртасида туриб қолган экан, ҳашаротлар яна қўшикларини бошлиб юборибди. Ўша лаҳзада Ит бозорида итлар галасининг вовуллаши янграбди, Хўқиз кўчасида бузоклар, Кўй кўчасида кўзичоқлар маърабди, От гузаридаги тойчоқлар кишинабди ва ҳамма жойда, яқину йироқда хўрзлар қичкирибди... Қора эшак бирорни кутаётгандай кўча ўртасида тураверибди ва унинг тим қора кўзлари чироқдай ёнаркан. Юй Ичи бу эшак ҳақидаги ҳикояларни анча илгари эшитган экан, бугун эса уни ўз кўзлари билан кўриб туриши экан ва бу дунёда ривоятлар йўқ жойдан пайдо бўлмаслигини англабди ва қаттиқ кўрқиб кетибди. Гужанак бўлиб, нафасини ичга ютибди, чирик кундага ўхшаб қимир этмай, кўзлари чақчайиб, эшакни кузатишда давом этибди.

Шу тариқа анча вақт ўтибди, Юй Ичининг кўзлари оғриб кетибди, қора эшак эса ўша-ўша кўчанинг ўртасида ҳайкалдай котиб тураверибди. Шу чоғ узоқдан Жюгонинг барча итлари ўчакишиб хура кетибди. Юй Ичи чўчиб тушибди, томдан қадам товушлари эшитилибди, кейин қоп-қора кўланка пайдо бўлибди, худди атайлаб қилгандек, кўланка томдан сирғалиб кетибди-да, тўғри эшакнинг устига келиб тушибди. Эшак туёқлари билан тақ-туқ қилиб, осмондан тушган одамни устига миндирганча тутундай зумда гойиб бўлибди. Бўйи жудаям пакана бўлганидан Юй Ичи мактабга бормас экан, аммо

насл-насаби зиёлилар хонадонидан экан: отаси – профессор, бобоси – сюцай, аждодларининг бир неча авлоди – қзиньши¹, салкам Ханъминъ академиклари экан.

Уларнинг таъсири остида мингта иероглифларни ўрганган ва тўғри келган китобни ўқиб ташлайвераркан. У ҳозиргина ўзи кўриб гувоҳ бўлган воқеа Тан сулоласи вактидаги афсоналардан бирини эслашга мажбур этди, унда тутқич бермас бир саёқ жангчи иштирок этарди. Буни қаранг-а, илму-фаннынг шиддат ила ривожланишига қарамай, таърифлаб бўлмайдиган, аммо ҳақиқатда бор бўлган ҳодисалар учраб тураркан-да. У қўл ва оёкларини қимирлатиб кўрмокчи бўлди: оёқ-кўллари ёғочдай хиссиз бўлса-да, лекин қимирларди. Қорнини ушлаб кўрди – совуқ тердан намланиб кетибди.

Ойнинг сутдай ёғудусида Юй Ичи тушиб келган қора кўланкада ўрта бўйли ёш йигитчани кўрди, унинг баданини балиқ тангачалари қоплаганди, танасида ой нурлари акс этарди. Тол барги шаклидаги бир ханжарни тишида тишлаб олган, орқасига катта тугун ортмоқлаган.

Сиз, азиз ўқувчилар, хойнахой, оғзига келганини гапиравераркан-да, деб ёзғиришингиз мумкин. Ундан кўра битта-яримта ресторанга олиб борса, бир мусалласга тўйдирса, яхши эди, бу бўлса қаёқдаги Эшак кўчасиу шунинг атрофидаги сафсалалардан бўшамайди, деётгандирсиз. Ёзғиришингиз тўғри, ёзғиришингиз жуда ўринли ва нишонга урдингиз, шунинг учун келинг, кадамларни жадаллатайлик. Мени маъзур тутасиз, Эшак кўчасининг ҳар икки томонидаги ҳар бир дўконча ҳақида кўп гапиролмайман, ҳолбуки, у ерда ҳам, бу ерда ҳам ўзларининг бир-биридан кўли гул усталари бор. Ночор тилимни тийишдан ўзга чорам йўқ. Энди биз барча мана бу эшакларга эътибор бериб ўтирамаймиз – улар Эшак кўчасининг ҳар иккала томонидан кўзларини чақчайтириб, бизга караб турибди. Ўз мақсадимиз сари шошайлик. Мақсадларнинг каттаси ва кичиги бўлади. Бизнинг катта мақсадимиз – коммунистик жамият куриш, унда «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша». Бизнинг кичик мақсадимиз – Эшак кўчасининг нариги бошигача етиб олиш, у ерда «Ярим аршин» ресторани жойлашган ва у ерда

¹ Сюцай, қзиньши – қадимги Хитойда олимлик даражалари.



кираверишда йўғон, ҳар меваси косадай келадиган анор дарахти ўсади. Ресторан нега унақа аталади, деб сўрарсиз. Мен айтай, сиз эшигинг.

Ушбу ресторонча эгаси Юй Ичининг бўйи бор-йўғи бир чи беш цунь, бироқ барча паканалар каби у ёшини яширади, унинг неча ёшдалигини тусмоллаб топиш эса амримаҳол. Эшак кўчасида яшовчиларнинг хотирасида бу истарали ва хушфеъл пакана неча ўн йиллардан бери ўзини бирдек тутиб юради. Унга ажабланиб қараганларга мулоим табассум билан жавоб қайтаради. Табассуми шу қадар жозибадорки, киши қалбининг ич-ичига кириб боради ва ачиниш туйғуси уйғотади. Ўзининг фусункор табассуми туфайли Юй Ичи гам билмай яшаб келяпти, қорни тўқ, усти бут. Ўзи маълумотли, ота-онаси оиласида чуқур билим олган ва турли масалаларга тиши бемалол ўтади. Қандай ёзилса, шундай гапиради, ҳар айтган сўзи шундай қулогингда ўрнашиб қолади. Эшак кўчаси ахолиси учун бу озмунча қувонч эмасди: агар у бўлмаса, бу ердагилар зерикканидан ўлиб қолишлари ҳеч гап эмасди. Ўзининг табиий фазилати туфайлигина Юй Ичи бир умр егани олдида, емагани кетида бўлиб яшай оларди. Аммо у бундан кўпроғини хоҳларди, у садақалар билан кун кўришни истамасди, хуллас, ислоҳотлар ва ошкоралик сиёсатининг янги эпкинидан фойдаланиб, хўжалик фаолияти юргизишга лицензия олгани ариза берди. Ҳамёнидан қачонлардан бери тўплаб келаётган пуллардан бир тахламини чикарди ва унинг эски уйи ўрнида эндиликда бутун Жюгуода машхур «Ярим аршин» ресторани қад кўтарди. Эҳтимол, Юй Ичининг сўнгсиз бошқотирма гоялари «Ойнадаги гуллар» мумтоз романи билан бароридан келар, балки «Бутун дунёдан келган ҳайратли воқеалар»дан илҳом олар, лекин ресторан очилгандан кейин у «Жюгуо жибао» рўзномасига бўйи уч чидан баланд бўлмаган паканаларни ишга олиш ҳақида эълон берди. Ўшанда бу бутун Жюгуони ларзага солди ва аёвсиз баҳсларга сабаб бўлди. Булар, пакананинг ресторон очиши – социалистик тузум учун ҳақорат, беш киррали юлдуз нишонли ол байроққа доғ, чет эллик сайёҳлар кўпроқ кела бошлаб, Жюгуонинг дикқатга сазовор жойларидан завқ олганларида «Ярим аршин» ресторани буюк иснодга айланади, нафақат шаҳар, балки бутун



буюк хитой миллатининг обрўйига путур етади, деб билар эди. Бошқаларнинг фикрича, паканалар бутун дунёда бор ва буни ҳеч ким инкор этолмайди. Бошқа мамлакатларда паканалар садақадан қун кўришади, бизда эса улар пешона терлари билан нон топиб ейишади. Шу боис бу ҳеч қанақа иснод-писнодга кирмайди, балки жуда зўр шарафдир.

«Ярим аршин» ресторанинг мавжудлиги чет эллик дўстларимизни социалистик тузумнинг бемисл афзаллигини англашга даъват этади: у ёқда томонлар сўнгизиз кизғин баҳсга киришиб кетаверишсин, бу ёқда Юй Ичи оқова ариқдан шаҳар бошқармаси ҳовлисига ўтиб олди (катта эшикдан ўтиб бўлмайди, чунки дарвазадаги қоровуллар барчага йиртқичдай ташланардилар), бошқарманинг маъмурий биносига сирғалиб кирди, мэрнинг кабинетига кириб борди ва у билан анча вақтгача сухбатлашди. Сухбат мазмуни ҳакида ҳеч нарса маълум эмас. Мэр Юй Ичини ўзининг дабдабали «тойота-краун»ида Эшак кўчасига қайта олиб бориб кўйди ва шундан буён шаҳар рўзномасидаги баҳсларнинг уни ўчди.

Дўстлар, хонимлар ва жаноблар! Биз йўл олган «Ярим аршин» ресторани кўл узатса етади. Бугун мен меҳмон қиласман. Биз жаноб Юй Ичи билан яхши дўстлармиз, бирга-бирга мусаллас ичиш ва шеърлар ўқиши учун биз тез-тез учрашиб турамиз. Атрофимиздаги серқирра ва ёрқин оламга разм солиб қарапканмиз, бир-биридан ҳароратли шеърлар ўқигимиз, дилбар ва хушнаво оҳангларда хиргойи қилгимиз келади. У зўр йигит, пулдан кўра дўстона муносабатларни кўпроқ кадрлайди, йигирма фоиз чегирма билан имтиёзли шартларда хизмат қиласми.

Мухтарам дўстлар, биз «Ярим аршин» ресторани эшиги тагида турибмиз. Юқорига қарашингизни сўрайман, лавҳада аждар йўлбарс каби шиддаткор, ҳаётга тўлиқ иероглиф турибди. Уларни кора лок устидан тилла суви билан машхур хаттонимиз Лю Баньмин чизган. Унинг исми шарифидан сиз, балки то ярим шиша мусалласни пақкос туширмагунча битта ҳам иероглиф чизишга рози бўлмайдиган чинакам уста эканини англагандирсиз. Эшикнинг ҳар иккала томонидан «чўнтак» хонимчаси бизга қараб кулиб турибди – бўйи икки чи келади, кўкрагидан кўндалангига гулдор парча тасма ташлаб олган.



Улар эгизак, бу ерга Юй Ичининг «Жюгую жибао»га берган эълонини ўқиб, «Трайдент» реактив самолётида учиб келишган. Улар катта партия ходими оиласида ўсдилар, уларнинг оталари шунақангি катта амалдор эдики, агар унинг исмини айтсан, кайфингиз учиб кетади, шунинг учун бундан ўзимни тийиб тура қолай. Умуман, оталарининг қўли узунлигидан бу ойимчалар қандай хоҳласалар, шундай, данғиллама ҳовлида дориламон яшай олардилар, аммо улар бу ерга, Жюгуюга келиб, биз билан улфат бўлишни маъқул билишди. Бу иккала фариштанинг биз, оддий бандалар қаторига келиб тушиши Жюгунинг энг юқори партия раҳбарлари орасида шунақангি тўс-тўполон келтириб чиқардики, улар ўз ихтиёрлари билан, ёмғир остида бу иккала бебаҳо қизни кутиб олгани шаҳардан етмиш километр узунликдаги Таоюань тайёрагоҳига йўл олишди. Иккала фаришта билан бирга иззатли оталарининг рафиқаси ва бир гала котиблар етиб келганди. Тайёрагоҳдаги кутиб олиш, зиёфатлар ўтказиш, меҳмонхонага жойлаштириш ва турли-туман маросимлар билан боғлиқ сўнгсиз югур-югурлар роса яrim ойга чўзилди, лекин ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Дўстларим, Жюгумиз зарар кўрди, деб ўйлаш керак эмас. Бу калтабинлик, буруннинг тагидан нарини кўрмаслик бўларди. Шу боис мана бу фаришталару ойижонларининг зиёфатига озроқ чиқимдор бўлсак-да, лекин энди Жюгунинг мана бу олий рутбали бошлиқ билан қариндошлиқ ришталари бор, у қўлига қалам олиб, бир нечта тўғарак сувратини чизса, бас, савдода улкан имкониятларга эга бўлиб, мўмайгина пуллар ишлаб оламиз. Бултур бу хурматли одам Жюгуга келганида қаламининг биргина чизиги шарофати билан қанча пулга кредит олганимизни биласизми? Тағин бу банклар танг аҳволда қолиб, молиявий аҳвол ёмонлашган бултурги йилда бўлганди. Юз миллион юан, тағин паст фоизга! Тасаввур қиляпсизми, дўстлар – юз миллион-а! Бу пулларга Маймун мусалласи бўйича зарбдор ишчи гуруҳи туздик, бир кисмини Хитой мусалласпазлик музейининг муҳташам биноси қурилишига сарфладик, октябрда Маймун мусалласининг биринчи халқаро фестивалини ўтказдик. Агар бу икки фаришта бўлмаганида, бу хурматли зот Жюгуюга уч кунга келармиди? Шу боис, дўстларим, жаноб Юй Ичининг Жюгую олдида

хизмати ғоят катта, десам, муболаға бўлмайди. Эшишимча, шаҳар партия қўмитаси олий раҳбарият учун уни Бутунхитой намунали ходими унвонига ва «Биринчи май» меҳнат медали топширишга тақдим этишга хужжатлар тайёрляяпти.

Ҳозир бу иккала саҳоватли фаришта бизга мойил бўлиб турибди ва кулиб карайпти. Уларнинг ташқи кўринишлари ғоятда кўркам, киёфалари ораста ва агар пакана бўйларини айтмаса, ортиқча гап-сўзларга умуман хожат йўқ. Уларнинг олий зотлари олдида бош эгиб таъзим қиласиз ва илиқ табассумлар или қарши оламиз. Хуш келибсиз, хуш келибсиз! Раҳмат, раҳмат!

Яна «Пакана» деб аталадиган «Ярим аршин» ресторанинг ичини кўринг-да! Полга беш цунь қалинликдаги кўй юнгидан тўқилган гилам тўшалган, оёғингиз тўпиққача юмшоқ ботади. Деворларига Чанбайшанъ тогларидан келтирилган қайин тахталардан ишлов берилган, машхур рассомлар ва хаттотларнинг асарлари осиб кўйилган. Каттакон аквариумда кафтдай-кафтдай келадиган тилла балиқчалар эриниб сузиб юрибди, гулдонларда турфа гуллар қийғос очилиб ётибди. Танобий ўртасида кичкинагина қора эшакча турибди, синчиклаб қараб туриб, унинг табиий кўринишдаги ҳайкал эканини фаҳмлайсиз. Албатта, эшик олдида ҳалиги бир жуфт малак пайдо бўлгандан кейингина «Ярим аршин» ресторани ана шундай кўринишга эга бўлганди. Бу иззатли инсон кафтидаги бу кўшалоқ жавоҳир аллақандай овлоқ ресторончада ишлашига йўл кўйиб, Жюгую раҳбарлари ахмок бўлибдими! Ҳамма нарса бизнинг кунларда қандай қилинишини сизлар жуда яхши биласизлар, шу боис бир йил ичида «Ярим аршин» ресторанида қанақанги катта ўзгаришлар бўлиб ўтгани ҳақида сўзлаб ўтирумасам ҳам бўлади. Узр, аммо ўтмиш кунлар ҳақида ҳам икки оғиз сўзлашимга изн берсангиз. Ано-ви иззатли кишининг рафиқаси Шанхайга қайтиб кетаётган бир паллада Жюгую хокимияти иккала хурлико учун шаҳар ўртасидан жажжи уйча куриб берди, бу боғ ва дарё ёнида жойлашган, шунингдек ҳар бирига биттадан ихчам «фиат» инъом килди. Билмадим, сизлар эътибор килдиларингизми, йўқми, «фиат»лар кекса анор дарахти тагида турибди.

Эгнида қизил кийим, бошида қизил қалпоқ метрдотель бизга пешвоз чиқади. Бўйи икки яшар гўдак бўйидай, юзида-

ги сезги аъзолари ғоят бир-бирига монанд жойлашган, улар хам гүдаклардаги каби. У ўзини у ёкка, бу ёкка ташлаб юради, оёқлари гиламнинг қалин патига ботиб кетади, думбаси дирк-дирк қиласи, бамисоли дарё йўсини устидан сузид бораётган ўрдак боласидай. Яхши бокилган йўлбошловчи ит кўр одамни бошлаб кетаётгандай, у бизни бошлаб кетмоқда.

Қизил қарагай ёғочдан қилинган зинадан биз иккинчи қаватга кўтариламиз, у ерда қизил либосли мана шу болакай эшикни очади, бир четга ўтади ва йўл кузатувчи милициядек бир жойда туриб қолади – чап қўли кўксиде букилган, ўнг қўли бир томонга узатилган, қўллар таранг, чап кафт ичкарида, ўнг кафт ташқарида – ҳар иккала қўли билан бизга қаёқка юришни кўрсатади – Узум танобийсига!

Марҳабо, кираверинглар, азиз дўстлар уялманглар. Сизлар – фахрли меҳмонсизлар ва сизлар учун алоҳида кабинет ажратилган – Узум танобийси. Сизлар шифтда осилиб турган узум бошларини томоша қилиб турғанларингизда, мен бизларни бу ерга олиб келган болакайга кўз солдим: унинг нодонларча табассумидан чақнаётган кўзлари биз томонга иблисона ёғду билан нур сочди. Кўзларим саншиб оғриди ва бирзум кўрга ўхшаб қолдим.

Мана шу киска муддатли кўрлик вақтида мен беихтиёр кўркув ҳис этдим. Рўпарасида «Гўшт болалар» ва «Кайвони бола»да тасвиrlанган, қизил байроққа ўралган иблисвачча тириқдай дуч келгандай бўлди. Мени ўзининг ёвуз ва шафқатсиз нигоҳи билан титкилаб чиқкан ўша эди. Ўша, аниқ ўша. Кичкина-кичкина кўзлар, катта-катта қулоқлар, патила-патила соч, бўйи тахминан икки чи келади. «Кайвони бола»да мен унинг ошпазлиқ академияси маҳсус харидлар бўлимида қандай ғалаён уюштирганини батафсил ҳикоя қилгандим. У ерда уни сал бўлмаса ҳарбий харакатларнинг бош режасини ишлаб чиқкан жажжи фитнагар деб тасвиrlагандим. Мен унинг раҳбарлиги остида болалар уларнинг ортидан кузатган «қўтири бургут»ни ўласа қилиб дўппослаган, ўзлари тумтарақай қочиб, ховлида яширинишган жойгача ёзгандим. Менинг фикримча, исёнда иштирок этган болаларни битта кўймай тутадилар-да, Ошпазлиқ тадқиқотларининг қайнотам раҳбарлик қиласидиган марказига жўнатадилар, у ерда бола-

ларни қайнатибми, буглатибми ёки қовурибми пиширадилар. Ошпазлик академиясидан фақат иблисваччагина яширина олади, бирок очидан нақ ўлгудай бўлиб, егулик қидириб юрган гадойлар қўлига тушиб қолади. Шундан сўнг унинг афсонавий саргузаштларининг янги боскичи бошланади. Аммо у бўйсуниш нималигини билмайди, менинг ҳикоямдан кочиб кетди, Юй Ичи ихтиёридаги паканалар жамоасига бориб қўшилди ва ҳозир қизил рангдаги кенг расмий либосида, бўйнига оқ капалакнусха бўйинбоғ тақиб, бошига қизил қалпок, оёғига ялтирок кора лак туфли кийиб, кўз ўнгимда олифталарча гердайиб турибди.

Бу ғаройибдан-ғаройиб вазиятга қарамай, меҳмонларни эътиборсиз қолдиролмайман, шу боис юрагим тубида жўш урган хислар бўронини босаман-да, юзимга табассум югуртириб, қаторингизга келиб ўтираман. Юмшоқ ўриндиклар, оппоқ дастурхонлар, анвойи гуллар, сокин мусиқа туйгуларимни ром этади. Шу ерда бироз изоҳ бериб ўтмасам бўлмайди: ушбу паканалар ресторанидаги стол ва стуллар мижозларга қулагай бўлсин учун жуда паст қилиб ясалган. Устига дезинфекцияланган кўларткичлар ташлаб кўйилган баркашни кўтариб, қушчадай жажжи дастёр қиз бизга яқин келди. Шу кадар нозикки, мана бу баркашни зўрга кўтариб тургандай, раҳмимиз келиб кетди. Иблисвачча ҳеч ерда қорасини кўрсатмасди. Ўз вазифасини бажарди-да, кетди-қолди: меҳмонларнинг навбатдаги гурухини кутиб олиши ва кузатиб қўйиши керак эди – ҳаммаси бўлди. Барча ишлар рисоладагидай, аммо барабири ҳам унинг ғойиб бўлиши ортида қандайдир машъум ғаламислик ётарди.

Дўстлар, шу ерда бирпас ўтира туингизлар, мен эса йиғирма фоизли чегирмани олиш учун эски ошнам Юй Ичи билан кўришгани бормасам бўлмайди. Чекишингиз, чой ичишингиз, мусиқа тинглашингиз, ялтиратиб артилган дераза орқали ичкари ҳовличани томоша қилишингиз мумкин.

Қадрли ўқувчилар, аввалига барчамиз мана шу дабдабали эшак зиёфатида биргаликда иштирок этишни хоҳлагандик, бирок ресторан катта эмас, ҳалқ кўп, Узум танобийсида эса умуман бор-йўғи йиғирма олтига ўрин бор. Узримни қабул қилгайсиз. Лекин бунинг тагида бирон нохуш мақсад яши-

ринган деб ўйламасликлари учун нимаики иш қилмайлик, ҳаммасида ошкоралик бўлиши керак.

Бу ресторанни мен беш қўлдай биламан ва Юй Ичини топиш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Унинг кабинети эшигини очиб, нобоп вактда келганимни англашим. Эски ошнам стол устида туриб олиб, ғўч сийнали аёлга ёпишиб олиб бўса оларди.

– Оббо, узр, узр, – кечирим сўрай кетдим. – Жуда ноқулай бўлди-ку, эшикни тақиллатмабман ҳам, оддий одоб коидаларини ҳам унугибман.

Ёввойи мушукдай, Юй Ичи столдан сакраб тушди. Менинг карахт холга тушган авзойим унинг ҳақли кулгисига боис бўлди.

– Номзод! Ярамас! – чийиллади у. – Маймун мусалласи бўйича тадқикотинг қандай кетяпти? Фестивалгача маймун мусалласини яратиб улгуришинг керак эди-ку, шундай эмасми? Қайнотанг эса, тирриқлик қилиб, Хоушанъ тоғига қочиб кетди, у ерда маймунлар билан яшаб юрибди...

Шу жавраб кетдики, қани жаги тина қолса, нақ жонимни сугуриб олди. Лекин унинг олдига илтимос билан келгандим, шу боис тилим қисиқ эди, сабр билан тинглашга мажбур эдим, бунинг устига, ўзимни унинг жаврашлари ёқаётгандай қилиб кўрсатишим керак эди.

– Дўстларимни эшак гўшти билан сийлагани чақирган эдим... – гап қотаман унинг гапириб бўлганини хис этиб.

Юй Ичи ўрнидан туриб, аёлга яқинлашади. Боши аёлнинг тиззасидан келиб турибди. Аёл чиндан гўзал эди ва, афтидан, қизлик палласидан аллақачон ўтиб бўлганди. У ғоят мафтункор, лаблари дўмбокқина, қандайдир хўл, худди ҳозиргина шиллиқ қуртни чайнаб ташлагандай. Кўлини кўтариб, Юй Ичи аёлнинг думбасига шапатилаб кўйди:

– Сен энди юравер, азизам! Қария Шенга айт, жахли чиқмасин. Юй Ичининг темир қонуни бор: айтилган сўз – отилган ўқ.

Аёл ҳам ўзини эркин тутарди. Юзага келган ҳолатдан тарикча хижолат тортмай, у ташқарига туртиб чиққан семиз сийналари билан пастдан юқорига қараб турган Юй Ичининг башарасига оғир эгилди – шундай эгилдик, шўрлик пакана-

ни босиб қолай деди ва уни қўлида енгил кўтарди. Агар ҳажм ва вазнга қараб гапирадиган бўлсак, улар она билан болага ўхшарди. Аммо ўз-ўзидан равшанки, улар ўртасидаги муносабат анча бошқачароқ эди. Аёл уни жирканибгина ўпиб қўйди, сўнг баскетбол тўпидек ўзидан нари итарди, пакана тўғри бориб девор ёнидаги диванчага муҳрланди, аёл қўлини кўтариб, жазавали оҳангда:

– Яхши қол, бобой, – деди.

Юй Ичининг жуссаси диван пружиналари устида силкинарди, аёл эса кизил думбасини чайқаганча бурчакда кўздан фойиб бўлди.

– Яхши бор, арвоҳ тулкиой! – қичқиради у аёлнинг ортидан кўзларини қисиб қараганча.

Биз иккаламиз ёлғиз қолдик. Дивандан сакраб турдида, диван ёнидан катта тошойна ёнига борди, таранди ва бўйинбогини тўғрилади. Ҳатто тирноқчалари билан юзларини силаб қўйди, кейин эса бекаму кўст кийинган, салобатли ва жиддий, кўринишидан баобрў ва камина томон кескин бурилди. Агар ҳозиргина мен гувоҳи бўлган воқеа содир бўлмаганида, бу пакана мени шунаканги даҳшатта соглан бўлардики, нақ онамни учқўрғондан кўрардим.

– Сен эса, бобой, қизларга қолганда суюгинг йўқ экан! Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни, – дейман жилмайиб.

У маъюс ва нафрат билан пишқиради, юзи қип-қизил бўлиб кетади, кўзидан яшил нурлар чиқиб чакнайди, қузғун парвоздан олдин қанотларини чоғлаб олгандек, у елкаларини тўғрилайди. Кўриниши чиндан даҳшатли. Биз Юй Ичи билан анчадан бери танишмиз, лекин шунча вақт давомида уни ҳеч бу ҳолатда кўрмагандим. Бу ҳазилим билан унинг иззат-нафсига тегиб кетмадиммикан, деган андишада ич-ичимдан афсуслана бошладим.

– Вой ифлос-ей, – тишлари орасидан дейди у менга яқинлашиб. – Сен ҳали устимдан куладиган бўлиб қолдингми!

Кўзларимни унинг ўткир, ғазабдан титраётган тирноқларидан олмай орқага тисариламан ва томогим хавф остида эканини ҳис этаман. Ҳа-да, у ҳар онда яшин тезлигида елкамга сакраб чиқиши ва дабдаламни чиқариши мумкин эди.



– Бир қошиқ қонимдан ўтинг, акажонгинам, айб менда... – Орқам билан деворнинг бурма гулқофозига тиранаман, аммо янада олисрөк чекинмоқчи бўламан. Шунда бир нарсани фахмлаб қолдим: мен ўз юзимга ўзим аёвсиз шапалоқ тортяпман: тарс, турс! тарс, турс! – шапалоклар жаранглаб овоз беради, юзларим ловуллайди, қулогим шангиллайди, кўзларимдан учқунлар сачрайди... – Кечир, акажоним, мени ўлдирсанг ҳам оз, одам эмасман, ҳаромзодаман, эшакман, итман...

Мен уюштирган жирканч томошани кўриб, унинг қипкизил башараси оқ-сариқ туsgа киради, мен томон чўзилган кўллари аста пастга инади, мен эса енгил тортиб, ўзимга келаман.

Ўзининг чарм қопламали айланувчи тахти олдига қайтади-ю, бироқ ўтирумайди, балки у ерда чордана қуради, тамакидонидан қимматли сигарета олади, чақмоктошни чийиллатади, шувуллаб чикқан аланга тилида сигаретасини тутатади, ичига чукур торгади ва шошмасдан паға-паға тутун чиқаради. У чукур хаёлга чўмгандек ўтиради, девордаги пейзажга ўзининг иккита кўлга ўхшаган кўзлари билан узок, килт этмай тикилади. Мен эса эшик ёнида қунишганча, куйиниб ўйлайман, қандай қилиб, дейман, яқиндагина ҳамма калака қилиб юрган мана бу пакана манманликда тенгсиз зўравон ва мустабидга айлана қолди экан? Нима учун мен, таниқли тадқиқотчи, фан номзоди, бўйи бир ярим чи, вазни ўттиз жинъ ҳам келмайдиган аллақандай тасқараю тараққос олдиди бу қадар кўркяпман? Жавоб милтиқнинг ўқидек ўзимдан отилиб чиқади, бунинг нимасини ўйлаб ўтирасан, киши.

– Ҳа, мен Жюгудаги барча жононларни кирим дафтарига қайд этиб кўяман! – У бирданига ҳолатини ўзгартиради ва энди чордана қуриб ўтирумайди, балки айланувчи ўриндиқда тик туриб олади, муштуми тугилган қўлини ҳавога кўтаради ва тантанавор такрорлайди: – Жюгунинг барча жононларини кирим дафтирига қайд этаман!

У қаттиқ ҳаяжонда эди, башарасидан нур ёғади, баланд кўтарилиган кўли ҳавода қотиб қолади ва узок вақтгача қимир этмайди. Унинг хаёл мурватлари шиддат билан айланаётгани, рухнинг оқёл тўлкинлари хуш қайифини у ёқдан-бу ёққа ота-



ётгани күриниб турарди. Унинг хаёл риштасини узиб юбормай деб нафас ҳам олмайман.

Нихоят, у тинчланади, менга сигарета итқитади ва қошларини кериб сўрайди:

- Уни танидингми?
- Қайси «унни»?
- Ҳозиргина бу ерда бўлган аёлни-да.
- Йўқ... лекин юзи танишдай...
- Телевидениеда бошловчи.

– Э-ха, эсладим! – дейман манглайимга шапатилаб. – Ҳар доим микрофон билан чиқади, юзида жозибали нимтабассум ўйнаб туради, ҳар турли фийбат гапларни гапиради.

– Бу учинчиси! – газаб билан тутун чиқаради у. – Учинчиси... – унинг овози бирдан хириллайди, кўзларида ўт чақнайди. Семиз, силлик ва гавҳардек товланувчи юзи зумда ажин билан қопланади, бусиз ҳам ушоқ танаси янада кичраяди. У ўзининг тахтнамо ўриндиғига чўқади.

Фалати ошнамни изтироб билан кузатганча сигарета тортаман ва бирмунча вактгача нима дейишимни билмайман.

– Сизларга кўрсатаман ҳали... – ғудранади у кескин жимликни бузиб ва менга кўзларини кўтариб карайди: – Хўш, не юмуш билан келдинг олдимга?

– Шу, дўстларимни Узум танобийсига таклиф қилгандим... – дейман хижолат ичида. – Зиёли одамлар, бой эмас.

У сигаретасини олади ва бир нималар деб ғўлдирайди. Сигаретасини қўяди-да, мен томонга бурилади.

– Биз сен билан эски дўстлармиз, шу боис мен бутун эшакдан зиёфат уюштиришга келишгандим.

Дўстлар, қанақангি қорин байрами билан бизга мунтазир! Бутун эшакдан базми жамшид! Олий даражада! Миннатдорлик туйғусига тўлиб-тошган ва юрагимнинг туб-тубигача таъсирланган холда унга чукур таъзим бажо келтираман. Худди руҳи кўтарилиб ўзига келгандек, у яна чордана қуриб ўтириб олди ва кўзларидан яна ёрқин нур оқа кетди:

- Сен, айтишларича, ёзувчилик килаётганмишсан?
- Ҳа, майда-чуйда мақолачалар, айтишга арзимайди, шунаقا, оила бюджетига жиндай кўшимча бўлсин деб... – даҳшатдан бидирлайман.



– Кел, жаноб номзод, бир иш қилайлик!

– Қанақа иш экан у?

– Сен менинг таржимаи ҳолимни ёзасан, мен эса сенга йигирма минг юаң түлайман.

Хөвлиққанимдан юрагим типирчилаб кетди ва базёр күйидаги сүзларни чулдирадим:

– Менинг нұксонли адабий истеъдодим бунақа мухим топшириққа ярармикан?

– Дарров камтарлікка ўтавермагин-да, ахир, – қайириб ташлади у. – Демак, келишдік. Бу ерга хар сешанба кечқурун келиб турасан ва мен сенга ўз таржимаи ҳолимни айтиб бераман.

– Қанақа пул түғрисида гапирияпсиз, мұхтарам зот, – ти-ниб-тинчимайман. – Иззатли ақа сифатидаги бундай нодир одамга хайкал күйиш... ука сифатида менинг мұқадdas бур-чим... Қанақа пул?..

– Сурбетликни ҳам қотирасан-да, аблахвачча, – совук тиржайди у. – Пул бўлса, чангала шўрва, дейдилар. Балки, пулни ёқтиримайдиганлар ҳам бордир, лекин мен шу пайтгача учратмаганман. Нима учун мен Жюгудаги барча жононлар билан ётиб турганимни бемалол айтаверишимни биласанми? Буларнинг барига сабаб – муллажиринг!

– Ўзингиз ҳам жуда кўзга яқинсиз-да, мұхтарам зот.

– Шунақа итнинг кейинги оёғи бўлиб юраверасанми?! – димоқдан гпиринди у. – Раис Мао айтган: «Инсоннинг қадри ўзининг нимага арзишини билишида», – деб, шунинг учун менга ялтоқлик килишингнинг кераги йўқ. Энди қорангни ўчир!

У стол тортмасидан бир блок «Мальборо»ни суғуриб олади-да, мен томон суриб юборади. Сигаретани олиб ва ташаккурлар айтиб, мен Узум танобийсига қайтаман-да, дўстларим, хонимлар ва жаноблар билан бирга жойлашиб ўтириб оламан.

Бир нечта пакана чой ва арақ қуяди, ликопча ва пиёлаларни кўйиб чиқади, улар оёғи олти, кўли етти бўлиб атрофимизда гиргиттон. Гарчи маҳаллий ранг-рўйда бўлмаса-да, чой – «улун», арақ – «маотай», бироқ давлат қабули даражасида. Аввалига ўн иккита совук газак, нилуфар гули кўринишида:

эшак меъдаси, эшак жигари, эшак юраги, эшак ичаклари, эшак ўпкаси, эшак тили, эшак лаблари... ҳаммаси эшакники.

Дўстларим, ҳаммасидан татиб кўринг, аммо қаттиқ берилб кетманг, озгина жой қолдиринг, чунки менинг тажрибамдан келиб чиқадиган бўлсак, ҳаммасидан яхшиси ҳали олдинда. Дикқат, дикқат, дўстлар, иссиқ овқат олиб келишяпти, анови қиз олиб келяпти, эҳтиёт бўлинг, куйиб қолманг!

Пакана қиз – бошдан-оёқ қизил либосда: қизил кўйлак, қизил лаббўёқ, қизил юз, қизил туфли ва қизил қалпокча, умуман, бариси қизил, бамисоли қизил шам – буғи чиқиб турган таомли баркашни баланд кўтариб олган. У стол олдига йўргалаб келади, оғизчасини очади ва ундан дурга ўхшаб сўзлар отилиб чиқади:

- Қовурилган эшак қулоқлари, хузур қилиб енг!
- Буғланган эшак мияси, марҳамат, татиб кўринг!
- Дурлардек эшак кўзлари, марҳамат, татиб кўринг!

Эшак кўзларининг оқ ва коралари бир-биридан аниқ ажралиб турибди, катта ясси идишдаги икки халқобга ўхшайди. Чўпларни ишга солинг, дўстларим, кўрқманг. Улар тирикка ўхшаб кўринса ҳам бу пировард-оқибатда хитой ошхонасининг таоми, холос. Аммо узр, кўз бор-йўғи иккита, биз эса ўн нафармиз, буни қандай teng қилиб бўлиш мумкин? Айтолмайсизми, ойимқиз? Жилмайиб, «шам» ойимқиз санчкани олади, икки жойга суқиб-суқиб тешик очади ва қора марваридлар ёрилади. Идишда темирсимон суюқлик ҳар томонга қараб оқади. Қошиқни олинг, ўртоқлар. Битта-битталаб қошиқлаб олаверинг, кўриниши унчалик кўркам бўлмасада, лекин таъмига гап йўқ. Биламан, Юй Ичи ресторанида яна бир аъло таом бор, у «Дур ўйнаётган қора аждаҳо», деб аталади. Унинг асосий таркибий кисмлари – эшак олати ва бир жуфт эшак кўзи. Бугун бош ошпаз «Марваридли эшак кўзлари» тайёрлаш учун ишлатиб қўйибди, шу боис, афтидан, «Дур ўйнаётган қора аждаҳо» гумон остида. Балки бугун бизга моча эшак гўшти тортишгандир, ким билсин...

Хурматли дўстлар, илтимос, уялмангизлар. Камарларни бўш кўйинг, қоринлар бир яйрасин, бурнингиздан чиққунча енг. Ўзимизниkilар тўплангандан, мен ҳеч кимни ичинг, деб



қистамайман, хурмачангизга сиққанича ичинг. Ҳисоб-китобни ўйламанг, бугун ҳаммаси учун ўзим ечиламан.

– Қовурилган эшак қобирғалари мусаллас ичида, илтимос, татиб кўринг!

– Эшак тили ловия билан, илтимос, татиб кўринг!

– Эшак томоғи нок ва нибуғар илдизи билан, илтимос, татиб кўринг!

– «Олтин қамчи» эшак думи, илтимос, татиб кўринг!

– Эшак ичак-чавоғи ёғда қовурилгани, илтимос, татиб кўринг!

– Димланган эшак туёқлари, илтимос, татиб кўринг!

– Беш хил масаллиқдаги эшак жигари, илтимос, татиб кўринг!

Эшак гўштидан қилинган таомларнинг кети узилмайди, улар бутун дастурхонни тўлдиради, ҳамма тўйиб еб олди, коринлар чамбарак бўлиб кетган, ҳамма кекиргани-кекирган. Юзларни эшак ёғи пардаси қоплаган, жувозда айланавериб холдан тойган эшаклардай ёғ пардаси остидан чарчоқлик кўзга ташланади. Ўртоқлар чарчашибган. Пайтдан фойдаланиб, мен дастёр қизни тўхтатаман:

– Ҳали таомларнинг хиллари кўпми?

– Йигирма ёки шу атрофда таом бор. Аниқ билмайман. Мен нимани беришса, шуни олиб келаман, холос.

Дастурхон атрофида ўтирган дўстларимни кўрсатаман:

– Ҳамма тўйган ҳисоби. Таом миқдорини камайтиrsa бўладими?

– Сизлар бутун эшакка буюртма бергансизлар, – лаб бурди дастёр қиз, – ҳали ҳеч нима емагансизлар ҳисоби.

– Ахир биз ҳаммасини еёлмаймиз-ку, – ёлвордим, – ойимқиз, жонгинам, илтимос, ошхонадагиларга бориб айтинг; бизга раҳмлари келсин: энг яхши таомдан танлаб беришсин, бошқаларидан воз кечамиз.

– Оббо хўрандалар-ей, – ҳафсаласи пир бўлиб чўзиб деди қиз. – Начора, сиз учун бир оғиз айтиб кўрай-чи.

Дастёр қизнинг мурожаати инобатсиз қолмади ва ҳадемай сўнгги таомни олиб келишди:

– «Аждарҳо ва қақнус – яхшилик аломати», илтимос, татиб кўринг!



Қиз аввалига таомдан завқ олишни тавсия этади.

– Ушбу «Аждархо ва қақнус»ни тайёрлаш учун эшакнинг қайси аъзолари кўл келган?

– Жинсий аъзолари, – тап тортмай жавоб берди дастёр қиз.

Хоним шолғомдай қизариб кетади, аммо афтидан, қизи-кувчанлик устун келади:

– Ахир биз ҳозиргина бутун эшакни еб битирдик-ку, қандай қилиб... – Қиз лаблари билан «аждархо» ва «қақнус»ли таомни кўрсатди.

– Сизлар ўндан сал ортиқроқ таомнинг таомилдагидан камроғини едингизлар, – тушунтириди дастёр қиз. – Бош ошпаз ўзларини айбдор ҳис этяптилар ва сизга ушбу таомни тайёрлаш учун у моча эшакнинг жинсий аъзосини кўшди.

Татиб кўринг, жаноблар, хонимлар, ҳурматли дўстлар, уялмангизлар, бу – эшакдаги энг қиммматли нарса. Ташқаридан қараганда бу таом унчалик эмасдай, аммо-лекин есангиз, мазаси оғзингизда қолади. Еган дармонда, емаган армонда, деган таом шу бўлади. Енг, енг, «Аждархо ва қақнус – яхшилик аломати»дан татиб кўринг; тўйгунча еб олинг.

Овқатдан олгани чўпларини кўтартганча, ҳамма нима қилишини билмай туриб қолади, шу маҳал танобийга шошмай эски ошнам, Юй Ичи кириб келади. Мен сапчиб ўрнимдан тураман-да, уни таништира бошлайман:

– Мана бу киши машхур жаноб Юй Ичи бўладилар, «Ярим аршин» ресторанинг мутасаддиси. Шаҳар доимий сиёсий маслаҳат кўмитаси аъзоси, шаҳар ёзувчилари ва тадбиркорларининг дўстона учрашувлари ташкилотчиси, вилоят даражасидаги меҳнат илфори, бутун мамлакат илфори унвонига номлари кўрсатилган. Бугунги дабдабали базми жамишидда айнан мана шу ҳурматли жаноб бизни меҳмон киласди.

Оғзи қулоғига етганча Юй Ичи столни айланаб чиқади, ҳар ким билан қўл сикишиб кўришади ва айни дамда хушбўй хид таралиб турган ташрифномани улашади, унга хитой ва ажнабий тилда бир нималар деб ёзиб ташланган. Ҳамманинг юраги унга нисбатан самимий ихлосга тўлгани кўриниб турарди.

– Сизларга ҳам шундай тортишдими? – дейди у «Аждархо ва қақнус – яхшилик аломати»га тикилиб қараб. – Энди биз нима бўлганда ҳам эшак гўшти еган бошлиқ, дейишга тўла ҳақли бўламиз.

Столнинг ҳамма тарафидан ташаккур изҳори ёғилади, ҳамманинг чехрасида, ака-укалар ва опа-сингиллар юзида ширин табассум жилваланади.

– Ташаккурни менга эмас, анави одамга айтинглар, – мени кўрсатади у. – «Аждархо ва қақнус – яхшилик аломати»ни тайёрлаш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Бу «ахлоқсиз» таомлардан биттаси, бултур бир қанча таникли арбоблар ундан татиб кўрмоқчи бўлишганди, аммо бу уларга тўғри келмади, тоифа панд берди. Шу боис баҳт сизларга қулиб бокди, деб бемалол айтоламиз, зеро, мана мен деган мазаҳўракнинг эзгу орзузи!

У ҳар бир меҳмон билан уч қадаҳдан машҳур «Қора марварид» мусалласидан ичиб чиқади (буни бизда, Жюгуда килишади, у овқатни ҳазм килдириши билан шуҳрат топган). Бу мусалласнинг табиати портловчилик, гўшткиймалагичдай яхши ишлайди, ундан кейин қорнингда гумбур-гумбур бошланади.

– Қорнингизда гумбур-гумбур бўлаётганидан қўркманг, ёнгинамиизда мусалласпазлик доктори турибди. – Юй Ичи менга ишора қиласди. – Енг, енг, қани, бўла қолинг, «Аждархо ва қақнус – яхшилик аломати»дан татиб кўринг, акс холда совиб, бемаза бўлиб қолади. – У чўп учлари билан «аждархо»нинг бошидан чимдид олади-да, эшакнинг жинсий аъзосига бу қадар қизиқиши билдирган хонимнинг ликобчасига кўяди. У эса ортиқча такаллуфсиз ҳар иккала этни пок покиза туширади ва кўп ўтмай «Аждархо ва қақнус»дан ҳеч вақо қолмайди.

– Бугун тунда ухлашингизга хожат колмайди! – дейди Юй Ичи сурбетларча ишшайиб.

Улар нимани назарда тутаётганини англадингизми?

Дўстларим, хонимлар ва жаноблар, айтиш мумкинки, хикоя шу ерда охирлаяпти, мана, мен сизлар билан шунчалик дўистлашиб қолдимки, яна бир неча оғиз вайсақилик қилгим келганини яширолмаяпман.



Базми жамшид охири тугади ва биз улфатлар «Ярим аршин» ресторанидан гуррос чиқиб келдик. Шундагина кеч оқшом тушганини, бутун осмонга юлдузлар сочилганини, ерни тунги шудринг қоплаганини ва эшак күчаси бўйлаб яшилтоб нурлар жилва қилаётганини билдик. Мушукларнинг маастларча миёвлашлари эшитилади, ўзининг биринчилигини жон-жаҳди билан ҳимоя қилганча улар томга тирмасиб олган, сополчаноқлар ҳозир тўкилиб тушадигандек бўларди. Совуқ шудринг кировга ўхшарди, кўчанинг хар икки томонидаги дараҳтлар бирин-кетин баргларини тўқади. Менинг сара дўстларим орасидан биттаси овозини чўзиб-чўзиб қўшиқ айта бошлади. Бир мисра биттасидан, бир мисра бошқасидан, тўғри келган қўшиқдан олар, бунинг устига, ғирт лаҳжада бўлиб, нима деётганини англаб бўлмасди. Умуман, томлардаги мушукларнинг миёвлашидан қанчалик баҳра олсанг, бундан ўшанча ҳам баҳра йўқ деяверинг. Ярамас хулқ-атвордан бошқа мисоллар келтиргинг ҳам келмайди, киши. Худди шу паллада кўчанинг шарқий учидан туёкларнинг дўпири аниқ кулоққа чалинади. Кўз очиб-юмгунча рўпарамизда туёклари косадай дум-думалоқ, кўзлари фонусдай ёниқ қора эшакча ўқдай учиб ўтади. Мен кўрқиб кетдим, бошқалар ҳам кўрқиб кетганга ўхшади, чунки қўшиқ айтатётганлар ҳам, ўҳчиётганлар ҳам оғизларини беркитиб олгандилар. Кўзлари қинидан чиқиб, ҳамма маастларча эшакчага тикилиб қолганди, эшакча кўчанинг шарқий учидан бошлаб ғарбий учигача, ғарбий учидан бошлаб шарқий учигача шаталоқ отиб бориб-келарди ва бу ҳол уч марта такрорланди. Кейин у эшак кўчасининг ўртасида ҳайкалдай қотиб қолади, диркиллаган қора териси ялт-юлт қилас ва миқ этган товуш чиқармасди. Биз қотиб қоламиз, жойимиздан жилишга мажолимиз етмайди ва афсона ҳақиқатга айланишига умид боғлаймиз. Дарҳакиқат, том тарақа-турук қила бошлиди ва қора кўланка сирпаниб тушиб келиб, тўғри эшакнинг устига миниб олди. Бу ростданам катта тугунни ортмоқлаб олган ёш йигитча эди. Ялангоч бадани балиқ тангачалариdek йилтиллар, оғзида эса тол барги шаклидаги чоғроқ ханжар совуқ чақнарди.

Устоз Мо Янь, ассалому алайкум!

Ушбу соатда, ушбу дақықада мени изтиробга солған түйгүларни қандай ифода этишини билмайман. Азизим, энг жүрматли мураббийим, Сизнинг хатингиз бир шиша ажойиб мусалласдек, баҳорги момақалдириқдек, афъюннинг мақбул улушидек, дилбар қизалоқдек ҳаётимни баҳорга айлантируди, жиссимиға соглиқни қайтиб берди ва қалбимни севинчга тұлдырди! Ясама камтар иккюзламачилардан фарқли ўлароқ үзимнинг тұлыб-тошиб кетган, Ян Юйхуань сингари шу вақтгача ҳеч кимга маълум бўлмаган ва олис оромгоҳларда тинҳон ётган истеъодидим ҳақида, қишилоқда арава тортисига мажбур қилишган елдирим бедов ҳақида биламан ва у ҳақда кўпчилик олдида гапиришидан қўрқмайман. Энди бўлса, нихоят, оламга маълум бўлдик, қўлимизни қўлимизга берганмиз, Ли Лунц ва Бо Лэ! Менинг истеъодидимни Сиз ва жаноб Чжоу Бао тан олдиларингиз. Чжоу Бао Хитойнинг энг машҳур тұққиз муҳарриридан бири ва мен учун севинчим ишимга сизмай, шеърлар солинган тугунларимни тұғри келган жойда ечиб, оламга тақдим этиши палласи келган.

Буни қандай нишонламоқ керак? Фақат «дукан» билан! Бардан ҳақиқиي «дукан»нинг бир шишиасини олиб, тишим билан тиқинни сугураман, шиша оғзини оғзимга келтираман, босимни орқага ташлайман ва бир кўтаришида бутун шишиани қултиплатиб пақкос ураман. Шод-хандон, масту мустағриқ, фарогат арши аълосида қаламни тутаман-да, илҳомим жўши уриб, бемалол, енгил ва тез – худди товус патларини ёйгандек, юзлаб гуллар чаман бўлиб очилгандек, муҳтарам устозимга мактуб ёзаман.

Устоз, Сиз қаттиқ банд бўлишингизга қарамай, менинг ноқис «Эшак кўчаси» асаримни холисанилло ўқиб чиқиши учун вақт топибсиз, бу билан менда, Сизнинг шогирдингизда шундай миннатдорлик жўшидириб юбордингизки, мен шиғ-шиғ бурнимни тортаман ва афти-баширам ёшдан ҳўл бўлди. Энди эса, устоз, мактубда сиз кўтарған масалаларга тартиб билан жавоб қайтаришига изн беринг.



1. Менинг ҳикоямда қизил либос кийган, «гүшт» болалар салтанатида түркмен түштүрүлгөн күттарған иблисваччанинг пайдо бўлишига доир. Бундай одам аслида Жюгуода бор ва ҳикоя бўлиб ўтган воқеаларга асосланган. Айрим Худо урган амалдорларимиз, дарҳақиқат, шу қадар ўзбошимча бўлиб кетишганки, дунёдаги энг буюк тақиқни бузишгача бориб етганлар: улар ёш болаларни ўлдириб, гүштини еганлар. Бу ҳақда менга қайнонам, Ошазлик академиясининг собиқ доценти айтиб берганди, у маҳсус овқатланиши тадқиқот марказига мудир бўлган. Унинг сўзларига қарагандо, Жюгуо атрофида дунёга «гүшт» болаларини маҳсус келтирадиган қишилоқ бор. У ерда бу нарса табиий ҳол, ҳалиқ болаларни боқилган чўчқа болалариdek гүштга топширади ва ҳеч қанақа дунёвий момтам ҳиссини туймайдилар. Қайнонам ёлғон гапиурмас деб ўйлайман. Ўзингиз мулоҳаза юритиб кўринг-а: қайнонамга бундан на тариқча фойда бор, на шон-шуҳрат керак унга – мени алдаш унга зарил келибдими? Йўқ, у алдаётгани йўқ. Бу билан боғлиқ ҳамма нарса гоят жиiddий эканини мен тушиуниб турибман ва бу ҳақда ёзив, бошимга бало ортиришим ҳеч гап эмас. Аммо сиз, устоз, бир вакътлар айтгандингиз, ёзувчи ҳаётнинг кўзига тик қараиб билиши, таъбир жсоиз бўлса, таҳтдан тушиб қолишидан, бошига қилич келишидан қўрқмаслиги керак, дегандингиз. Мана, мен жонифидолик билан шу ҳақда ёздим. Албатта, адабий асарлар «ҳаётдан туғилиши керак, аммо ҳаётдан юксакка кўтарилиши» ҳам кераклигини биламан, «типик ҳолатларда типик характерлар» яратмоқ керак. Шу боис, ёзганимда бу ерга ёг қуяман, анати ерга сирка сепаман, гоҳ зирвак қўшишаман ва ҳоказо, қарабисизки, қизил либосли иблисвачча қиёфаси ёрқинроқ ўз ифодасини топади. Бизнинг Жюгуомиздаги бу исқиурт тангачали бола шунақа тутқич бермас олижсаноб жўмард бўлиб етишганки, нуқул савоб ишлар қиласи: фаҳини таг-туғи билан қуритади ва ёмонлик билан курашади, бойларни талайди ва камбагалларга ёрдам беради. У ўзининг ҳиммат ва шафқати билан Жюгуо кўчасида тентираб юрган барча гадойваччалару исқиурт-иркитларни шунчалик сарафroz этдики, улар унга Худодай сигинадилар. Мен ҳали унинг улугвор қиёфасини ўз кўзим билан кўриши шарафига мұяссар бўлганимча йўқ, лекин



уни күрмаганим унинг йўқлигига исбот бўлолмайди. Эшак кўчасида уни кўплар кўрган ва Жюгуода уни билмайдиган ҳеч ким йўқ. У тунлари нима шилар қилиб юрмасин ва бу қаерда содир бўлмасин, бу ҳақда каллаи саҳарлаб ҳамма боҳабар бўлади. У ҳақда ҳар гал сўз кетганда партияниң раҳбар ходимлари тишларини гичирлатадилар, авом ҳалқ ҳаяжонда, хавфсизлик хизмати бошигининг эса қорни бураб, оёги тортиб оғрийди. Устоз, бу миттигина олижсаноб қароқчи – жасамият тараққиётининг муқаррар оқибати. Ўйлаб қаралса, унинг жўмардона феъл-автори ҳалқ кайфиятининг мўътадиллашувига, газабнинг аланга олишига олиб келди, бу, ўз навбатида, барқарорлашув ва жисплашув имкониятини тақдим этди. Унинг борлиги ёргу дунё зўравонлари белгилаган носоглом қонунларни тўлдиради. Сиз нима дейсиз, нима учун ҳалқ барибир партия раҳбарларининг ақл бовар қилмас даражага етган сотқинликка қарши исён яловини кўтартмади? Чунки, мана бу тангачали бола бор! Бу бақалоқвой сотқин амалдорларнинг қаҷон жазосини бераркин, деб ҳамма зимдан кузатиб турибди. Бу жазо ҳалқнингadolat тантанаси бўлажак. Тангачали бола чиндан ҳамadolat тажассумига, ҳалқ хоҳши-иродасининг етакчисига, жасоатчилик тартибини сақлаши учун ишончли қуролга айланди. Агар у бўлмаганида, Жюгуо йирик галаёнлар уясига айланган бўларди. Гарчанд авж олган пораҳўрликка бас келолмаса-да, бироқ ҳалқ қаҳру газабининг аланга олишига йўл қўймай турибди. Сирасини айтганда, бу тангачали бола, гарчи қовоқбош амалдорларимиз уни қўлга олиш учун хавфсизлик идораларига буйруқ берган бўлсалар ҳам, ҳокимият учун катта тўсиқ, гов.

Тангачали болакай билан қизил либосдаги иблисвачча битта одамнинг ўзимикан? Ақлинни еган шогирдингизни маъзур тутарсиз-у, аммо-лекин назаримда, устоз, Сиз берган бу савол болаларча соддалиқдан бошиқа ҳеч нарса эмас. Бу битта одамми ё бошиқа-бошиқа одамми, бунинг Сизга қизиги бормиди? «Ҳа» бўлганда нимайдиyo, «йўқ» бўлганда нимайди? Адабиётнинг асосий тамойили – йўқ нарсадан бир нима чиқарииш, мияга келганни қоғозга тушириш. Бунинг устига, мен ҳали ҳаммасини ичимдан сугуриб чиқаргунимча, миямга келганини қоғозга тушириб улгурганимча йўқ! Ростини айтадиган



бўлсам, тангачали болан қизил кийган иблисвачча ҳам ялакатмагиз, ҳам моши очилмас бегоналардир. Гоҳо ушибу бутунликни ажратса бўлади, гоҳида эса унинг сира иложи бўлмайди. Ажралиш ва биринши, «Чархи фалакда узоқ вақт айро бўлиши, албатта, бирлашув билан якун топади, узоқ вақт бирлашув эса муқаррар тарзда ажрашува олиб келади».

Модомики, фалак қонуни шундай экан, нима учун одамларда бундай бўлмаслиги керак?

Сиз хатингизда яна айтгансизки, тангачали боланинг қобилиятлари шу қадар ошириб юборилганки, киши шионгиси келмайди. Мен бу танқидий фикрга қўшилишим қийин. Фан ва техника дадил қадамлар билан ривожсланаётган, одамлар Ойда ловия-нўхат эколган бугунги кунда том қўрраларига учиб чиқши ёки деворларда юриши нима бўлибди? Йигирма йил муқаддам қишилогимизда «Оқсоқ қиз» деган фильм-балет намойши қўлинганди, унда қаҳрамон қиз пайтоқда юрганди. Намойишдан сўнг биз ҳеч тинчланолмагандик: сен пайтоқда юроласанми, биз-чи, улардан биз каммизми?! Ўрганамиз! Бир кун бўлмаса, икки кунда бўлар, икки кун етмаса, уч кун машқ қиласмиз, уч кун етмаса – тўрт, беши кун кетар. Балки олти-етти кун кифоя қилас? Хуллас, саккиз кундан кейин қишилогимиздаги барча болабақралар – энг нодон Ли Эргуодан боиқа – пайтоқда юришини ўргандик. Шундан буён оналаримиз бизга оёқ кийим тикиб беришиганда, улар пайтоқни қалинроқ қилишларига тўёри келарди. Ана шунақа, модомики, бу қишилогидаги аҳмоқваччаларнинг бутун бир жамоаси буни уддаларкан, буюк тангачали болакайнинг қўлидан келмай, ўлибдими. Бунга энди кўнгилдаги қаттиқ нафратни қўшинг. Қасд олиш учун у ўз маҳоратини чархляяпти, шу боисдан баракали ҳаракат қиляпти, қарийб куч сарфланяпти, шу боисдан у бу шини қийналмасдан бажаряпти, ановманов ши унга чўт эмас.

Сиз усь романларининг фазилатлари ва камчиликлари ҳақида бу қадар мулоҳаза юритасиз, мен эса битта ҳам роман ўқиган эмасман ва Жинъ Юн ёки Гу Лун ким – етти ухлаб тушибимга кирган эмас.

Адабиёт билан мен жиiddий шуғулланаман, Горький ва Лу Синга ўҳшаганлар билан фақат битта метод – «инқилобий воқелик ва инқилобий романтизмнинг биркуви» методига



содиқман, ундан бир қадам ҳам ортга чекинмайман, китобхонларга ёқши учун тамойилларимни қурбон қылғанимдан үлганим яхши. Шундай бұлса-да, модомику, устоз, Сиздек жиiddий ёзувчиларни усь романларининг жозабаси асир айлаган экан, Сизнинг шогирдингиз, яъни мен ҳам улардан бирон нимани үқирман. Ким билсин, бунинг менга ҳам фойдаси катта бўлар. Ойимқизнинг «хонқизи» номини жамоат ҳожжатхонасида эшиштгандай бўлувдим. Айтишиларича, у ёрқин ифода этилган шаҳвонийтарастлик ила «ер тагидан қоядай чиқиб турувчи қип-қизил эт»га ўхшиаш тафсилотларни кўчириб беришни жонидан яхши кўрармиш. Унинг биронта ҳам китобчасини үқимаганман, яна бир-икки кундан кейин қўлим бўшайди, бир нечта китобчасидан топаманда, кўз югуртириб чиқарман. Мичурин Худонинг богини фоҳишаҳонага айлантириди, шундоқ экан, наҳотки, бошига ёзувчилик дафна чамбари кийдирилган ойимқиз Хуа социализмнинг адабий бодига ишратхона ташкил этмаса?

2. Устоз, Эшак кўчасидаги ресторанимда пиширишадиган «Ажедарҳо ва қаңус – яхшилик аломати» деган машҳур таом пашшаларни ўзига чакиралкан, деган хавотирларингизга Сизнинг шогирдингиз уларнинг атайлаб муболагалашибтирилганини айтиб ўтишига журъят этаман. Бу таомнинг нимаси ифлос экан? Ҳатто Пекиндан қадам ранжида қилиб турадиган буюк танқидчилару буюк машиоқлар оғизларини тўлдириб-тўлдириб шунақсанги туширадиларки, кўз илгамай қолади. Биз гўзалликка интиламиз ва фақат шунга интиламиз, бироқ агар бу гўзаллик ато этилмаган бўлса, у ҳақиқий эмас. Ҳусндан ато этилган гўзаллик ҳам ундан бўлолмайди. Хунукни ўзгартириш ўйли билан ҳақиқий гўзалликка эришилади. Бу ерда икки маъни бор. Йўқ, демасангиз, тушунтириб берайди. Биринчидан, агар эркак эшакникуга моча эшакникуга шунчаки сүқиб дастурхонга тортилгудек бўлса, ҳеч қанақсанги гўзаллик ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас: қон-қора бир балоки, кўриб кўзинг чиқади, ҳаддан ташқари ифлос ва баదбўй. Албатта, ҳеч ким унга қўл урмайди. Лекин «Ярим аришин» ресторанининг биринчи дараҷали бои ошпази уларни тоза сувда уч карра ивитади, уч карра қонда ювади ва уч марта намакобда қайнатади. Сўнг

томир ва жунларни олиб ташлайди, оҳор қўшилган ёгда енгил қовуриб олинади, паст оловда димланади, баланд босим остида буғлайди, шундан кейин пичоқ билан гоят усталик ила турли-туман нақшлар қўрқади, ноёб зирвакдан қўшади, сабзавотларнинг оптоқ ўзаклари билан безайди – қарабисизки, эркак эшак ҳўжалиги қора аждарҳога, моча эшак бисоти эса қора қақнусга айланиб турибди-да. Аждарҳо ва қақнус бўсаларга кўмилиб кетади ва думлари чирмашади, анвою ақсом масалтиқлар орасида идишининг у четидан бу четига эгилиб кетади – тирикми дейсиз; улардан кўтарилаётган хушибўй димогингизни қитиқлайди, булар бари жонингизнинг роҳатию кўзингизнинг қувончи – хунукнинг чиройлига айланиси бундан ортиқ бўладими? Иккинчидан, бу сўзларнинг ўзи – эркак эшакнинг олатиши моча эшакнинг бисоти – англовчи учун ҳаддан ташқари ифлос ва ҳақоратомуздир, кўнгли бўши одам эса ўз тасаввурига осонгина эрк бериб юбориши мумкин. Биз бирининг номини «аждарҳо»га, иккинчисининг номини «қақнус»га алмаштирамиз, чунки аждарҳо ва қақнус хитой ҳалқининг улугвор тимсоллариидир, улар барча олий, муқаддас, гўзал ҳамда ўзида ҳад-ҳисобсиз маъноларни англатувчи нарсани билдириб келади. Кўряпсизми, бу хунукнинг чиройлига ўзгариши бўлмай, тагин нима?

Устоз, Эшак кўчасидаги ушибу тансиқ таомни тайёрлаш жараёни бизнинг адабиёт ва санъатдаги ижодий жараёнга ўхшаб кетишими бирдан англаб қолдим. Зеро, униси ҳам, буниси ҳам ҳаётдан келиб чиқади ва ҳаётдан баландга кўтарилади! Униси ҳам, буниси ҳам башарият фаровонлиги йўлида табиатини ўзгартиради! Униси ҳам, буниси ҳам ифлосликни юксакликка айлантиради, фаҳини санъатга, донни алькоголга, мотамни эса кучга алмаштиради!

Бу таомни зинҳор дастурхондан олдирмайман, устоз, мени нима деб қўрқитсангиз, қўрқитаверинг.

«Севинч» ва «Қизил чигиртка»ни Сизнинг энг яхши ишларингиз дейшияпти. Сизнинг орқангиздан магзава агадараётганлар ё йўлдоши ва гўдаклар гўшитига тўйиб олганлар, ёки офтоб уриб, мияси айниганлар бўлиши керак. Уларнинг оғизларидан боди кириб, шоди чиқшишига эътибор бершингиз Сизга ярашимайди, устоз. Жюгумиздаги Ёзувчилар уюшма-



си раҳбари хүдди ўшанақалардан, йўлдоши емаса, бир кун ҳам яшолмайди. Ҳар куни катта косада товуқ түхуми солинган йўлдошли шўрвани уриб олади, унинг мақолаларидан «инсонийлик» таъми келиб туриши шундан.

3. Устоз, бу Юй Ичи ўзи қанақа одамлигига ҳеч ақлим етмаяпти, мен ундан жуда кўркаман. У таржимаи ҳолимни ёзасан, дейди, яхшигина тўлашига вайда беряпти, менинг эса жудаям бошим қотган. Бироқ модомики, Сиз менинг ёзувчилигимни маъқуллар экансиз, барибир ҳам ўзимни қўлга оламан-да, қалампирни гарчча тишлаб, ёзишига киришаман! Аммо-лекин Сиз, устоз, мен билан ҳамкорлик қилолишингизга янада кўпроқ умид боғлаб қоламан. Сиз таникли одамсиз ва агар унинг таржимаи ҳолини ёзишига розилик билдиргудек бўлсангиз, у севинчдан дўпписини осмонга отар эди. Бу Юй Ичи дегани дўпписини осмонга отганида орқаси қанақа лорсиллашини кўрсангиз эди: бамисоли қор устида думалаб ётган машина дейсиз! Унинг тули ачиб ётибди, сахийлик билан ҳаммага улашади, ҳовуч-ҳовуч улашади ва сизни, албатта, ҳурсанд қиласди. Бундан ташқари, устоз, Сиз бирров Жюгугога келмасангиз бўлмайди – диққатга сазовор жойларни кўрадингиз, дунёқарашингизни кенгайтирадингиз. Бу Сизнинг ижодингизга жуда фойдали бўларди деб ўйлайман – яъни, бола гўшти тортиладиган базми жамшидда еганларингиз соглиқ учун фойдали бўлгандай гап-да. Агар Сиз, устоз, Жюгугога келмасангиз, бу, қайси тарафдан туриб қараманг, катта зарар кўрган бўласиз, лоақал «Ажедарҳо ва қақнус – яхшилик аломати»дан татиб кўриши учунгина ҳам Жюгугога бир келиб-кетмасангиз бўлмайди.

4. «Эшак кўчаси»нинг бошланишига келганда, борди-ю, Сиз у «енгил ўқилади», деб мақтайдиган бўлсангиз, «қуруқ сафсата» нимаси билан Сизнинг дидингизга ёқмади? Ҳозир бизда шунчалик кўп қуруқ сафсатани шунчалик қўпол тил билан чоп этишияптики, унда «енгил ўқиладиган қуруқ сафсата»мни нима сабабдан бутунлай тушириб қолдирарканман? Сизнинг бу тавсиянгизга рози бўлмайман ва бўлолмайман ҳам.

5. Иккала пакана қизнинг отаси ҳақиқатан ҳам юқори лавозими раҳбар, шу боис унинг лавозимини нима учун пасайтирии кераклиги ҳеч тушунарсиз. Бунинг устига, мабодо, уни олис



төг қишилогоида қандайдыр раҳбарлық даражасига туширишини хоҳлаганимда ҳам у бунга рози бўлади, деб ўйлайсизми? Ҳа, у мендан тириклай қочиб кетолмайди. Бошқа томондан, адабиёт ва санъат – тўқима ва кимдир қаҳрамонларнинг ҳақиқий одамлар билан мувофиқларини қидириб топмоқчи бўлса, бу билан ўзлари шугулланаверишисин: бунга менинг заррача дахлим йўқ. Акс ҳолда газабдан у тарс ёрилиб кетса, ажаб эмас, кейин мен унга бошим билан жавоб берайми? Ҳе йўқ, агар бошим билан жавоб берадиган бўлсан, унда ишга киришаверай. «Жангчи ўтимдан кўркмайди, уни ўтим билан чўчитолмайсан».

Боини тутиб берши нима дегани? «Қалпоқни шамол учирниб кетгани билан тенг».

«Йигирма йил ўтиб кетади, мен яна бип-бинойидек йигитга айланаман».

Устоз, штимос, менинг номидан муҳтарам Чжоу Бао ва муҳтарам Ли Сяобаога айтиб кўринг-чи, уларда яхши мусаллас бормикин ва қанча экан. Қолаверса, октябрь ойида шаҳримизда сайёҳлар учун Маймун мусалласининг биринчи фестивали ўтказиласди. Бундай тадбир Хитойда биринчи бор ўтказилаётир, Жюгунони-ку гапирмаса ҳам бўлади. Ҳурматли омманинг таъмидан тотиб ҳузурланиши ва кайфиятини кўтариши учун бутун Ер юзидан мусалласлар тақдим этилади. Сизга, устоз Мо Ян, энг анво таомлар мунтазир бўлгай, улардан Сиз тўлиқ равишда баҳраманд бўлишингиз мумкин. Сизни ошлангиз билан таклиф этамиш. Қайнотам, профессор Юань Шуанъюй – техник масалалар бўйича Маймун мусалласи илк фестивали ташкилий қўмитаси раисининг муовини, шу боис ҳаммаси жойида, ҳеч нарсага муҳтожлик сезмагайсиз.

Доим соғ бўлинг!

Шогирдингиз Ли Идоу

БЕШИНЧИ БОБ

1

Маймун қўлларидаи узун қўллари билан Динг Гоуэр хайдовчи қизнинг белидан маҳкам қучоқлаб олди. Шу билан бир вақтда усталик билан қизнинг лабларидан бўсалар

ола бошлади. Қыз қутулиб чиқиши учун бошини ҳар ёққа чайқар, бирок Динг ҳам бошини унинг боши ортидан ҳаракат килдириб, уринишларини йүққа чиқаради. Энди қизнинг юмшоқ лабларини бутунлай ўзининг оғзига тортиб олғанди.

– Онангни!.. – кучаниб сўкинарди қызы ва сўкишлар тўғри йигитнинг оғзига келиб тушмоқда, тилида, милкларида ва ҳалқумида тўпланиб қолмоқда эди.

Тажрибадан у бу кураш узоққа чўзилмаслигига амин эди, кўп ўтмай қизнинг юзи қип-қизариб кетади, узиб-узиб нафас олади, корнининг пасти ёнади ва ювош мушукдай унинг қучоқларига ўзини ташлайди. Барча аёллар шунака. Аммо йигит янглишганди, умумийликни хусусийлик билан ҷоғишириб юборганди, салдан кейин рўй берган воқеа айнан шунинг исботи бўлди. Ҳайдовчи қыズни оғиз орқали қилинган «муолажа» билан бўйсундиришга муваффақ бўлмади. Тишларини қисқичдай қисиб, у қаршилик кўрсатишни зифирча сусайтирамди, аксинча, янада шиддатлироқ урина бошлади. У тирноқлари билан йигитнинг орқасини тирнар, оёклари билан тепар, тиззаси билан чотига зарба беришга ҷоғланарди. Қизнинг корни ости кўмир чўғидай ловуллар, нафаси ўткир мусалласдай маст қиласади. Қаттиқ ҳаяжонланиб кетган Динг Гоуэр жисмоний азобга тайёр эди-ю, лекин бўясасини тўхтатгиси йўқ эди. У ҳатто қизнинг қисилган тишлари орасидан тилини ўтказишга уринди. Айни шу ерда у панд еди.

Қыз тишларини озгина очганида йигитнинг тили зудлик билан унинг оғзига сирғалиб кирди, қизнинг айни шуни кутиб турганини у тасаввур ҳам этмаганди. Ҳайдовчи қизнинг тишлари қарс этди ва терговчи аъзойи баданини қақшатиб юборган оғриқдан додлаб юборди. Кўллари шу заҳоти қизнинг белини тарк этди. Динг ўзини бир ёнга ташлади. Ўткир суюқликка тўлган оғзидаги чучмал таъм ғашини келтирди, қўли билан оғзини қисиб ушлади-да, ўзича инграбиб: «Чатоқ бўлди, тилдан айрилдим», – деди. Ишқий саргузаштларининг бутун тарихида бу унинг биринчи аччиқ мағлубияти эди. «Бузуқдан бошқа нима ҳам қиласади», – сўкинди у бошини эгиб, қонни тупуаркан. Осмонда юлдузлар жимир-жимир қиласади, атрофдаги ҳамма нарса туман босгандай гойиб бўлганди. Гарчи кўзи билан кўрмаса ҳам бунинг қон эканига

у шубха құлмасди. Ҳаммасидан ҳам у тилидан ташвишда эди, тишлиари ва юқори лабига уни охиста текизиб күрди. Умуман тили бутундай эди, фақат унинг учиды кичиккина мөшдай келадиган тешикча бўлиб, ундан қон сизарди. Тишланган бўлсада, тил жойида эди ва оғир хаёллар юқидан эзилган Динг Гоуэр енгил тортди. «Битта бўсага яхшигина ҳақ тўлади», – алам билан ўйлади у. Қизнинг бир адабини бериб қўймоқчи бўлди, аммо миясида ўйлар чалкашиб, нимадан бошлашни билмаётганди.

Қиз унга юзма-юз турарди, ораларидаги масофа икки қадам чиқар. Оғир нафаслар яққол қулоққа чалинар, юпқа кўйлагидан баданининг иссиғи сезилиб турарди. Бошини баланд кўтариб олган, кўзлари чакчайган, кўлида қачон пайдо бўлгани номаълум гайка бурагич. Милтираган юлдузлар ёғдусида ғазабдан бужмайган, ҳаддан ташқари жонли чехра – шумтака қизалоқ чехраси аниқ кўриниб турарди.

– Тишинг ўткир экан, – беихтиёр заҳархандалик билан ғудранди йигит.

– Тағинам аяганим бу! – деди вишиллаб қиз, зўрға-зўрға нафас олиб. – Мен ўнлик пўлат симни тишлиб узоламан.

Мана шу сұхбат бирданига терговчининг жонига ора кирди ва тилидаги оғриқ босилди. У қизнинг елкасидан қоқиб қўйгани қўлини узатди, бироқ қиз хушёрлик билан орқага тисарилди-да, гайка бурагични боши узра кўтарди:

– Кўлингни текизсанг, соламан!

Йигит қўлини тортди:

– Нималар деяпсан, кизгина, наҳотки сенга тегсам! Йўқ, зинхор-базинхор. Балки ярашармиз, а?

Қиз бурагични туширди ва амронда оҳангда деди:

– Сувни радиаторга куй!

Тунги салқин туша бошлади, елкадан муздек ел силаб ўтди. Йигит итоаткорлик билан сувли чепакни олди-да, уни радиаторга куя бошлади. Двигатель иссиғи баданига уриб, ўзини илиқ хис қилди. Толиқиб, сувни ютоқиб симираётган ҳўқиздек, радиатор сувни кулқиллатиб, чапиллатиб ўзига олмокда эди. Учар юлдуз Сомон йўлини кесиб ўтди, атрофда чигирткалар чирилларди, олисда эса тўлқинлар қумлоқ саёзликка шовуллаб келиб урилгани қулоққа чалинарди.



Йигит олдинга, Жюгуонинг ёрқин чироқларига қараганча кабинага чиқиб ўтириди ва бирданига ўзини түдасидан ажраган күзичноқдай ёлғиз хис этди.

* * *

Хайдовчи қизнинг уйидаги шинам диванда ўтирақкан, Динг Гоуэр жаннатга тушиб қолғандек эди. Тер ва ароқнинг бадбүй хиди анқиб турган кийимлари ўз хидларини тубсиз осмонга йўллаган кўйи балконда ётарди, ўзи эса эгнига кенгковул, юмшоқ ва иссик ҳалат кийиб олганди. Хонтахтада обоймадаги бир неча ўнлаб патронлари билан унинг нафис тўппончаси ётиби. Тўппончанинг корпуси тўқ кўк тусда ялтирарди, патронлар эса тилларанг эди. Диванга чалқа тушиб ва кўзларини деярли юмиб олганча у ғуслхонадаги сувнинг чакиллашига қулоқ соларкан, душнинг иссик суви ҳайдовчи қизнинг елка ва сийналаридан оқиб тушишини тасаввур кильмоқда эди.

...Қиз ғуслхонадан ҳаммом ҳалатида, орқаси йўқ қизил илма шиппагини шалоп-шулуп қилганча чиқиб келди. Ҳўл соchlари ёпишган, бошчаси дум-думалок; худди сарғиши илиқ нур оқимида товланиб сузиб бораётгандек. Нима учундир «Гуллаб-яшнаш сари, фаҳшни илдизи билан қуритамиз!» шиори эсига тушди. Қиз унинг ёнида оёқларини хийла ке-риб тик турарди, ҳалати белидан боғич билан бўшгина боғланган. Динг Гоуэр жим ёнбошлаганча кўзларини қисиб қааркан, завқланарди. Қўлини шундок кўтариб, киндиги устидан боғланган боғични тортиб қўйса, бас, ҳайдовчи қиз унинг рўпарасида қип-ялангоч бўлади-қолади. Ҳеч қанақанги ҳайдовчи қиз эмас, йўқ-йўқ, пари-пайкарнинг ўзи. Йигит яна битта сигарета тутатди: тузоққа тушган ўлжани ўрганадиган айёр тулки.

– Бунча еб қўйгудай тикилиб қарамасанг, – ранжиганнамо деди қиз. – Қанақа коммунистсан?!

– Коммунист-махфий жосус хотинлар билан ана шундай курашганлар.

– Нималар деяпсан?

– Кинода.

– Сен артистмисан ҳали?



- Йўқ, энди ўрганяпман.
- Қанақа эканман? – сўради киз.
- Дуруст.
- Бу ёғи нима бўлади?
- Томоша давом этади.

Киз тўппончани қўлига олди, моҳирлик билан обоймани жойлаштириди ва ўртада масофа бўлиши учун бир қадам ортга тисарилди. Чироқлар нури хиёл заифлашиб, унинг танасини тилларангга қоплаганди, албатта, ҳамма жойини эмас. Тўппончани шошмай кўтариб, киз унинг бошини мўлжалга олди.

Динг Гоузэр енгил сесканди, қўзларини қўк рангда товланган корпус ва қувурнинг қора туйнугидан олмасди. Унинг ўзи ҳар доим тўппончани бошқаларнинг бошига тўғрилар, у ҳар доим мушук бўлар ва ўткир советига тушган сичқонни кузатарди. Ажал билан юзма-юз бўлганда кўпчилик сичқонлар кўркувдан даф-даф титрарди, уларда айик касали бошланиб, иштонларини тўлдириб қўярдилар. Фақат айримларигина хотиржамликни саклашга муваффақ бўларди, ҳолбуки, титроқ бармоқлар ёки учеб турган оғиз бурчаклари ичларидан нималар ўтаётганини билдириб қўярди. Энди мушукнинг ўзи сичқончага айланиб, илгари ҳукм чиқариб юрган одам эса айбдор бўлиб қолганди. У бамисоли биринчи марта кўраётгандек ўз тўппончасига қараб турарди. Ложувард кошиндан таралаётган мовий жило узоқ сақланган сара ва анво мусалласлар каби кўнгилга васваса солар, мукаммал шаклшамойиллар эса ҳаётдан эмас, ўлимдан дарак берарди. Ўша лахзада у Парвардигор эди, бу тақдир эди, ажалнинг у юборган шум хабари эди. Оппоқ қўл сайқалланган дастани қаттиқ қисиб ушлаб турар, узун ва нозик кўрсаткич бармоқ қаттиқ, таранг тепки устида ётарди. Биргина ҳаракат – варанглаб ўқ узилади. Ўз тажрибасидан билардики, бундай холатдаги тўппонча бир парча совуқ маъдан эмас, балки ўз фикрлари, туйгулари, маданияти ва ахлоқи бўлган жонли мавжудот, унда ўзини ураётган қалб яширинган ва бу қалб қўлида тўппонча тутган ўша оғатижоннинг қалби бор эди. Кескинлик аста-секин юмшади, ичидан ҳар лахзада ўқ отилиб чиқиши мумкин бўлган қувурдаги бир нуктани мўлжалга олиш ҳам гойиб



бўлди. Қувур яна тўппончанинг бир қисмигагина айланди. Терговчи ҳатто сўлиш олиб, сигаретани ичига чукур тортди.

Ховлидан эсаётган куз шамоли деразадаги шойи пардани сал ҳилпиратиб ўтди. Совиган буғ сувга айланиб, шифтдан тушаётган томчилар ваннага даранглаб урилганча тиркираб кетмоқда эди. Музейдаги ажойиб манзара каби у ҳайдовчи қизни сукланиб томоша қиласарди. Дунёнинг ишлари қизикда: отишга шай турган тўппончали ёш, қип-яланғоч аёл қандай қилиб бемисл ҳаяжон уйғота олсин? Бу энди шунчаки тўппонча эмасди, балки хужумга ташланишга шай аъзо, ғоят кудратли шаҳвоний қурол эди.

...Кора терга ботган ҳайдовчи қиз унинг қорни устидан илонбаликдай ўрмалаб ўтаркан, тепа томондан бироннинг нафратомуз кулгани эшитилди. Динг Гоуэр кўзларини очди ва чараклаган ёғдудан кўзлари қамашди. Фотоаппаратнинг затвори паст овозда ширқ этди ва видеокамера ғалтаги шитир-шитир қилди. Газаб ичиди у сапчиб туриб ўтирида, муштуми билан ҳайдовчи қизнинг шаҳвоний эҳтиросдан яллял ёнган башарасига қаттиқ туширди. Зарба нишонга аниқ етиб борганди: «тарс» этган овоздан кейин кетма-кет ёғдулар чараклади, қиз қорни тепадан бўлиб, аста ерга қулади, елкалари йигитнинг тўғри оёғига келиб тушди ва ҳамманинг кўзи ўнгидга озмунча авратли жойлари очилиб кетмади. Ёғдулар яна ярқ-юрқ қилди ва фитначилар у билан ҳайдовчи қиз на мойиш этган нодир гавда ҳолатларини тасмага муҳрлаб олдилар.

* * *

– Шунака, Динг Гоуэр, ўртоқ терговчи, энди гаплашамиз, – деди киноя билан Жин Ганжуан. У тасмали ғалтакни чўнтағига солди, оёқларини чалиштириб ўтириди ва бемалол орқаси билан диванга ташланди. Шунда унинг ўнг юзида ғуддалар ўйнаётгани кўринди ва Динг Гоуэр ўзини жуда ёмон хис қилди. У ўзини билмай ётган ҳайдовчи қизни нари силтаб юборди-да, туришга ҳаракат қилди, лекин оёқлари увушиб, худди каҳаҳт бўлгандек унга бўйсунмаётганди.

– Жуда соз! – давом этди ғуддаларини ўйнатиб Жин Ганжуан. – Мухим топшириқни бажараётган терговчи ишқий лаз-



затларга азбаройи берилиб кетганидан оёк-қўллари ишламай қолди.

Динг Гоуэр бу хушрўй, авайлаб-асралган башарага қаради ва кўксидагизаде фазаб алсанга олаётганини ҳис қилди. Аъзойи бадани бўйлаб қайноқ қон кўпириб оқа бошлади, муздек оёқлари бўйлаб эса минглаб аллақандай жондорлар ўрмалаётганга ўхшаб кетди. Кўлларига тиранганча кучаниб кўтарилиди, оёқлари қалт-қалт қиласади. Шишган оёқлари сал ўзига келгач, ҳаракатларини овоз чиқариб шарҳлаганча ҳаракат қила бошлади:

– Терговчи ўрнидан туряпти, қўл ва оёқларининг чигилини ёзяпти. Сочикни оляпти, терлаган баданини артяпти, қорнини ҳам. Қорнига Жюгую шахар қўмитаси тарғибот бўлими бошлиғи муовини Жин Ганжуаннинг ё хотини, ё ўйнашининг қуюқ ажратмалари суркалган. Шу боис ҳозиргина кўркувга берилганидан қаттиқ пушаймон қиласади. Ҳеч қанақа жиноятга йўл қўйганим йўқ, фақат жиноятчилар қўйган тузоққа тушдим, холос.

У сочикини улоқтириди, тўғри Жин Ганжуаннинг олдига – ерга бориб тушди. Унинг ғуддалари ўйнагандан-ўйнаб кетди ва юзи кўм-кўк қўкарди.

– Аёлингга гап йўқ, зўр, – қўшимча қиласади Динг Гоуэр, – афсус, яхши қовунга ит теккан экан.

Жин Ганжуан ҳозир портлаб кетади деб ўйлаб, кутиб турди, бироқ у қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб кулди, холос. Тағин шундай кутилмаган ва ғалати кулдикси, бунинг охири баҳайр эмасдек эди.

– Нега кулласан? Кулги билан ожизлигингни яширмоқчи бўляпсанми?

Жин Ганжуан бирдан кулгини тўхтатди ва дастрўмолини чиқариб, ёшларини артди:

– Ўртоқ Динг Гоуэр! Ожиз иккаламиздан қайси биримиз? Сен уйимга бостириб кирдинг, хотинимга тажовуз қилдинг ва бунга инкор этиб бўлмайдиган исботларим бор. – У тасмали чўнтагини шапатилаб қўйди. – Агар қонунни химоя килувчи шахс уни атайлаб бузса, айб икки баравар ортади. Хўш, қайси биримиз ожизмиз? – заҳархандалик билан сўзини тугатди у, оғиз чеккаларини учирив.

– Аслида сенинг хотининг мени зўрлади! – тишлириниғичирлатди Динг Гоуэр.

– Чинданам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа! – ғуддаларни ўйнатишда давом этди Жин Ганжуан. – Ушу билимдени, кап-катта ёшдаги, бунинг устига, қуролланган эркакни мутлақо қуролсиз аёл зўрлаганмиш!..

Терговчи нигохини ҳайдовчи қизга олди. У полда юзтубан, телба ёки мастга ўхшаб нигохини номаълум ёққа тикиб ётарди, бурнидан қон оқарди. Терговчининг юраги ўйнаб кетди, руҳида қиз ўзининг қайноқ бадани билан баҳш этган тотли туйғулар жўш урди, кўзлари ачишиб, ёш қалқди. Чўккаладида, полда ётган халатни олиб, бурни ва оғзидағи қонни артди. Қизга бундай аёвсизларча муомала қилганидан уялиб кетди. Кафтининг орқа томонида икки томчи сувга кўзи тушди: йирик томчилар қизнинг кўзларидан оқиб тушганди.

У қизни кўлларига кўтариб олди, каравотига келтириб ётқизди-да, адёл ёпиб кўйди. Кейин аста сакраб, қандилдан ички кийимларини тортиб олди ва эгнига илди. Балкон эшигини очиб, қолган кийимларини олди ва кийинди. Хонтахтада ётган тўппончага кўл чўзди – ғуддаларини ўйнатганча Жин Ганжуан уни кузатиб турарди. Тепкини жойига келтириб кўйди, тўппончани белига қистирди ва ўтириди:

- Хўш, орани очиқ қиласизми?
- Қанақа орани?
- Ўзингни гўлликка соляпсанми?
- Ҳеч қанақасига ўзимни гўлликка solaётганим йўқ, юрагим ачиапти.

- Юрагинг нимадан ачий қолибди?
- Шундан ачиаптики, партиямизнинг етакчи ходимлари сафига сенга ўхшаган тубан одамлар кириб қоляпти!

- Сенинг хотинингни ўзимга илитиб олганим учун тубан деяпсанми? Начора, тубанман ҳам дейлик. Аммо шундай одамлар ҳам йўқ эмаски, болаларни пишириб ейдилар! Бундайларни одам деб бўлармикан? Одамлар эмас улар, одамхўрлар!

Бунга Жин Ганжуан қаҳ-қаҳ уриб кулди ва ҳатто чапак чалди.



– Худди «Минг бир кеч»даги эртакнинг ўзи, – деди у мириқиб кулиб олгач. – Жюгуода ҳақиқатан ҳам машҳур бир таом бор, у тасаввур кучи ва ижодий ёндашувни ўзида мужассам этади, ундан олий рутбали раҳбарлар татиб кўрганлар, сен ўзинг ҳам еган эдинг. Агар биз ваҳшийлар ва одамхўрлар бўлсақ, демак, сен ҳам шундайсан!

– Агар виждонинг пок бўлса, мени мана бу хонимча билан кўлга туширишингга не ҳожат бор эди? – нафратомуз кулимсиради Динг Гоуэр.

– Прокуратурада сенга ўхшаган маразларнинггина шунақа хаёли бузук бўлади! – тутақиб кетди Жин Ганжуан. – Энди эса мен шаҳар қўмитамиз ва шаҳар бошқармаси раҳбарларининг фикрини сизларнинг ҳазрати олийингиз эътиборига ҳавола этмоқчи бўлиб турибман: биз тадқиқот ўтказиш учун шахримизга юборилган маҳсус ишлар бўйича терговчи Динг Гоуэрни кутиб оламиз ва унга кўлимииздан келганча ёрдам берамиз.

– Аслида сен менинг терговларимга халақит беришинг мумкин.

– Умуман, агар тўғрисини айтадиган бўлсам, – деди чўнтағига шапатилаб қўйиб Жин Ганжуан, – шаҳвоний қиликлар ҳар икки томоннинг розилиги билан содир бўлган, ҳолбуки, сенинг хулқингни беадабларча деб баҳолаш мумкин бўлса-да, сен конунни бузганинг йўқ. Мен, албатта, сени энг расво нусха сифатида ҳозироқ қайтариб юбориш имкониятига эгаман, аммо шахсий манфаатларни жамият манфаатларига бўйсундириш лозим бўлади, шу боис мен тўқсинглик килмайман ва сен ўз вазифангни бажаришда давом этишинг мумкин.

Барни очиб, у бир шиша «маотай»ни олди, тиқинни суғурди ва ҳаммасини иккита қадаҳга қўйди. Биттасини Динг Гоуэрнинг олдига қўйди, иккинчисини эса «Сенинг терговларинг муваффақияти учун!» деган сўзлар билан баланд кўтарди, у билан чўқишитирди ва бошини орқага ташлаб, бир кўтаришда яrim цзинлик ароқни пакқос урди. Кейин бўш қадаҳни кўтарди – ғуддалар ўйнар, кўзлар чақнарди – ва Динг Гоуэрга тикилди.



Шу ғуддалардан бейхтиёр газабланиб, Динг Гоуэр қадаҳни күтәрди ва – хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг – қулт-қулт қилиб охиригача сипқорди.

– Қойил! – деди далда бергансимон Жин Ганжуан. – Мана буни мен тушунаман, азamat! – У бирдан бир қучоқ шишани олди, ҳаммаси машхур навлар. – Энди құрамиз, ким кимни енгаркин! – деди у бутун бир лашкарни күрсатиб. Җаққонлик билан бир шишани очди-да, күя бошлади. Ароқда пұфакчалар күтәрилди, ичкилик ҳиди тарқалди. – Ичмаганнинг онаси бузук! – Ёнок ҳамон диркілларди ва энди, такаллуф ва одоблар бир четта суриб қўйилгач, Динг Гоуэрға ароқхўрнинг башараси қараб турарди. – Хўш, куч етмай қолдими? – гиж-гижлади у, ғуддалари ўйнаб ва бир кўтаришда қадаҳни бўшатиб. – Баъзилар бузукнинг ўғли бўлишга тайёр – ишқилиб, ичмасалар бўлгани!

– Ким айтди мени ичмайди, деб? – Динг Гоуэр қадаҳни олди ва охиригача сипқорди. Қоқ миясида шифт дераза очгандай бўлди ва хуши катталиги ойдин елпигичдай келадиган баҳайбат капалакка айланиб, чироқлар нурида чарх ура бошлади. – Ичиш... бутун Жюгуонгизни тагигача сипқорман, оналарини...

Кўзларидаги кафт думалоқ тўқима тугма катталигига-ча кенгайиб борди, ундан чиқиб турган бармоқлар шишага чўзилди, шиша аввал мих, кейин нинадек кичрайди-да, кейин яна бирданига бир неча баробар катталашди, темир челакдай, кир ювадиган ўқлоғдай катталашди. Капалак бир ўчиб, бир ёнган чироқ ёғдусида парвоз қиларди. Фақат тинимсиз учайдиган ёноккина аниқ кўриниб турарди. Ич! Ичкилик томогидан болдай ўтиб кетади. Тили ва қизилўнгачида ҳеч нима билан такқослаб ва таърифлаб бўлмайдиган бир туйғу. Ич! У арокни иложи борича тезроқ ютишга ошиқади. Суюқлик жигарранг кизилўнгачдан қулт-қулт қилиб пастга оқиб тушгани яққол кўриниб туради. Қандай хузурбахш сезги! Туйгулар девордан юқорига қараб ўрлайди.

Чироқлар ёргугида Жин Ганжуан аста бир жойдан бошқа жойга сузиб ўтади, кейин бирдан учар юлдуздай тезлиги ортади. Унинг қиёфаси хонадаги заррин нурга тўла кенгликни



пона каби иккига ёради ва энди у мана шу тирқишларда ўз ўки атрофида айланғандек ҳаракатланади. Кейин эса бутунлай тойиб бўлади.

Афтидан, ола-була капалак чарчади. Қанотлар тобора оғир ҳаракат қиласи, худди шудрингда ивиб қолгандай. Ниҳоят, у тилла суви юритилган катта шамдонлардан бирига тушиб келади ва унинг қобиғи полга оғир йиқилиб тушишини кузатиб тураркан, мўйлабини маъюс қимиirlатиб қўяди.

2

Устоз Мо Ян!

Шунча узоқ вақтдан буён Сиздан жавоб йўқ, юрагим энди алагда-палағда. Олдинги хатимда севинчдан ўзимни йўқотиб, бу қадар мақтансоқлик қилганимдан наҳотки жаҳлингиз чиққан бўлса? Агар таҳминим рост бўлса, Сизнинг шогирдингиз шундай даҳшатга тушадики, ҳамто қўрқанидан дагдаг титрайди. Ўз гуноҳи учун ўн минг марта ўлимга лойиқ. Аммо, айтишиади-ку, «баланд одам паст одамнинг гуноҳини кўрмайди, ҳукмдорнинг қалби шундай кенгки, кемасига чиқиб, сузиб кетавер».

Сиз дунёқарашигинизни мендек ёши боланинг дунёқараши билан таққосламаслигинизни ўтиниб сўрайман, мен умуман, Сизнинг мавқеингизни йўқотишни истамайман. Бугунги кундан бошлиб Сизнинг ҳар бир сўзингизни жон қулогим билан тинглайман, бундан кейин зинҳор ҳақиқатни қаттиқ сўз билан исботлашига азму қарор қилмайман, энди зинҳор бекорга жсанжал кўтаришман.

Борди-ю, Сиз «Аждарҳо ва қақнус – яхшилик аломати» таомини ошкораликка мойилликни ифодалайди деб билсангиз, мен уни зудлик билан «Эшак қўчаси»дан йўқотаман ва шу билан бу масала тамом. Шунингдек, «Ярим аришин» ресторани эгаси ҳузурига боришиим ва бу таомни таомномадан чиқариб ташлашини илтимос қилишиим мумкин. Бир неча кун илгари мен Сиз ҳақингизда сўз очгандим, унинг кўзлари чақнаб кетди. «Бу ўша «Қизил гаолян»ни ёзган одамми?» – сўради у. «Худди ўша, – жавоб бердим мен. – Менинг устозим». «Сенинг устозининг қип-қизил ялангоёқ, унинг сўзи билан



иши доим битта. Шунинг учун уни қаттық ҳурмат құламан». «Қанақа ярамас одамсан ўзи, менинг устозимни ялангоёқ де-йишига қандай тилинг борди?» – хафа бўлдим мен. «Бу менинг унга берган жуда баланд баҳом, – жавобан деди у. – Бизнинг замонда, дунё манман мунофиқларга тўлиб кетган бир вақтда сўзи билан иши бир бўлган ҳақиқий ялангоёқ олтин баробарида юради». Мундайроқ одамларга нисбатан, устоз, одатдаги мулоҳазаларни қўллаб бўлмайди, мана бу жсаноб Ичи деганлари – шунақанги галати одамки, у ўзи аслида ким ва қанақалигини ҳеч тушунмайсан. Одам билан мэнсимай ва қўпол гаплашади, лекин умид құламанки, Сиз бунга хафа бўлмайсиз.

Сиздан унинг таржимаи ҳолини ёзишда ёрдам беришингизни сўраганимни айтгандим, у суюнганидан терисига сиғмай кетди ва мен ҳакимда ёзишини фақат Мо Ян уддалайди, деди. Мен нима учун деб сўрагандим, у бундай жавоб берди: «Чунки Мо Яннинг зуваласи менинг зувалам билан бир жойдан олинган». Мен эътиroz билдиридим: «Устоз Мо Ян ҳозир анча танилиб қолган ёш ёзувчи. Қандай қилиб, ҳой пакана, ўзингни у билан битта тарозига қўясан?» «Мен иккаламизни зуваламиз бир жойдан олинган деганимда, мен уни осмонга кўтариб мақтаган бўламан, – нафратомуз жилмайди у. – Қанчалаб одамлар зуваласи менинг зувалам билан бир жойдан олинишини орзу құлмайди дейсан, қаёқда, чучварани хом санашибди!»

Сизнинг нарсаларга қарашингиз бошқача деб ўйлайман, устоз. Бизнинг замонда ҳамма нарса оёги билан эмас, боши билан юради. Ҳатто Жюгумиздаги биринчи рақамли гўзал деб тан олинган телебошловчи қиз у билан ётиб турган, шу боис кўрятсизми, қобилият бобида унинг олдига тушадигани йўқ. Унда пул бор, аммо шуҳрат йўқ, Сизда шуҳрат бор, лекин пул йўқ: бир-бирингизни шундоқ тўлдириб турасизлар. Сиз, устоз, ўзингизни Арши аълодаги одам деб таниширманг, у билан кичикроқ битим тузиб олинг, олам гулистон. Агар таржимаи ҳоли яхши чиқса, сизни хафа қилиб қўймаслигини қайта-қайта айтди. Устоз, камина шогирдингиз бу ишини қўлдан чиқариб юбормаслигингизни ўтнишиб сўрайди. Биринчидан, бир неча ўн минглаб юан ишлайсиз ва «камбагаллик ва

қолоқлик ботқогидан чиқиб оласиз». Боз устига, *Юй Ичи* – гайриоддий шахс, Сиз ўзингиз ҳам унга озмунча қизиқмайсиз. Бу майриқнинг бўйи бир чидан сал кўпроқ, холос, ўзи эса наҳ уриб мақтанаадики, гёё «Жюгуодаги барча жононларни таъминлаб турармиши», унинг гапида жон бордай, салкам барча гўзалларни рози қиласди у. Бу ерда одамни ўйлашига мажбур этадиган бир ўта нозик масала бор. Сизнинг, устоз, уммондек катта ўзига хос адабий лаёқатингизни, услубингизни ҳисобга олинса, «Юй Ичининг ҳаёт йўли», шубҳасиз, ўлмас асар бўла олади. *Юй Ичининг айтишичা*, агар Сиз унинг таржимаи ҳолини ёзишига қарши бўлмасангиз, Жюгуога келарканисиз, у барча қулайликларни, Сизнинг кўнглингизга қараб юқори тоифали меҳмонхонадан жойни, хоҳишингизга кўра, самовий ичимликларни, Сизнинг дидингизга ёқсан энг тансиқ таомларни, сиз маъқул кўрган аъло навли сигаретларни, сиз афзал билган машҳур чой навларини муҳайё қилишига тайёр. У яна қулогимга шивирлаб айтдики, агар Сизнинг кўнглингиз яна бир нималарни тусайдиган бўлса, у бажонидил бу хоҳишини ҳам бекаму кўст қондиришига ҳаракат қиларкан. Устоз, агар аиё тўплаш учун сұхбат қилиши Сизга малол келгудек бўлса, мен, Сизнинг шогирдингиз, бу меҳнатни ўз зиммамга олишига тайёрман. Бундай ажойиб таклифни кундуз чироқ ёқиб ҳам тополмайсан, бунга тирноқча ҳам ўйланиб ўтируманг, устоз, илтимос Сиздан.

Сизнинг фаоллигингизни ошириши учун, устоз ва *Юй Ичи* ҳақиқатан ҳам том маънода мумтоз тушунчадаги муносаб ашё эканига ишонтириши учун мен «Ярим аршиндаги қаҳрамон» номи остида «далил адабиёти» руҳида бир ҳикоя ёздим ва уни Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилмоқдаман. Борди-ю, таржимаи ҳол ёзгани Жюгуога келишига аҳд қилгудек бўлсангиз, бу ҳикояни ҳеч кимга беришнинг кераги йўқ. Сиз менга шунча кўп марҳаматлар кўрсатдингизки, бунинг учун Сизга қандай миннаторлик билдиришига ожизман. Майли, бу асар мен томонимдан арзимас совга бўла қолсин!

Ижодий муваффақиятлар тилайман!

Сизнинг шогирдингиз Ли Идоу

Мұхтарам Идоу!

Сенинг хатингни ва «далил адабиёти» рұхидаги «Ярим аришиндаги қаҳрамон» ҳикоянгни олдим.

Хатни жуда самимий ёзисан, миннатдорман, шу боис ортиқча ташвишланмасанғ ҳам бұлади. Жавобни ёшига бироз кечикдім, чунки уйда әмасдым. Ҳикояларинғда ҳозирча янгиликлар йүк, умид қыламанки, сабр қилиш әлеуметтік күннен күннеге деңгелілік қылмас.

«Аждархо ва қақнұс – яхшилик аломати» бирон-бир рұтбали хислатларсиз тайёрланған ошхона таоми, холос ва боз устига – унинг ошкоралық масаласига ҳеч қандай алоқаси йүк. Шу боис уни «Эшак күчаси»дан гүмден қилишининг ҳам, айниқса, «Ярим аришин» ресторани таомномасидан чиқариб ташлашынға қарата өткізу мүмкін. Қажонлардир мен бирданияна бориб қоларман ва бутун дүнёда машұр бу тансиқ таомдан татиб күришини күнгелім тусар ҳам... Бундан ташқары, бу нарасаларнинг озуқалық қыймати шу қадар баландки, уларни тановул эттаслық аяңчылауда да қаралады. Модомики, ейши керак экан, еймиз. Эхтимол, «Аждархо ва қақнұс – яхшилик аломати» уларни пиширишида энг маданийлашынан үзүлдір. Бундан ташқары, агарда сен уни таомнома рұйхатидан чиқариб ташлашыңыз қаралады да қаралады.

Бу Юй Ичи деганинг шахсияти мени жуда қызықтириб құйди. Умуман олғанда, мен унинг таржимаи ҳолини ёзишиңа розиман. Рағбатлантиришига келгандың да буны унинг ўзи белгиласын. Күп берса – яхши, оз берса – яна яхши, ҳеч нима бермаса – кераги ҳам йүк. Мен унинг таржимаи ҳолини түл түфайли әмас, балки унинг гаройиб ҳаёттің тажсрибаси түфайли ёзғым келяпты. Сезишімчы, бу Юй Ичи деганинг Жюгунгизнинг юрагига үшшайпты, бу қала фарышта ва қала иблиц үзіда замон рұхини мужассам этган. Эхтимол, бу одамнинг рұхий дүнёсіні очиб, мен адабиётта сезиларпен қынса құшарман. Бу гапларни жсаноб Ичига етказишиң мүмкін, тоқи у ўзининг шахсига ёзилған таҳминий бағони билиб құйсін.



Буюк «Ярим аршинлик қаҳрамон» асари бўйича илиқ сўзлар айтишига ҳатто тил айланмайди. Сен уни «далил адабиёти» руҳидаги ҳикоя деб атаяпсан, менинчя эса, бу турли бўлаклардан ҳосил бўлган бўламиқ, «Ярим аршин» ресторанида эшак гўшидан таркиб топган таом навларининг ўзгинаси. Бу ерда сенинг менга ёзган хатинг ҳам бор, «Жюгудаги гаройиб ишлар ҳақида қайdlар» ҳам бор. Юй Ичи ҳам бўлар-бўлмас нарсаларни вадираган. Хаёлот парвози шунчаликки, ҳеч бирини тутуб бўлмайди. Бир неча йил муқаддам мени ўзимни тутолмаслигум учун танқиð қилганодилар, бироқ сен билан таққослагандаги мен ҳатто ўта босиқ одамман. Биз жисдий меъёрлар даврида яшапмиз, бу адабиёт шишига ҳам дахлдор. Шу боис қўллэзмангни «Фуқаро адабиёти»га юбормоқчи ҳам эмасман – бу фойдасиз, уни вақтинча ўзимда қолдира тураман. Жюгуга бирров бораману қайтаман. Сенинг асарингга мен яна мурожсаат қиласман, гамхўрлик учун раҳмат.

Яна бир гап: сенда «Жюгудаги гаройиб ишлар ҳақида қайdlар»дан бир нусха йўқми? Агар бор бўлса, илтимос, зудлик билан жўннатиб юбор, ўқимоқчиман. Башарти, йўқолиб қолишидан қўрқсанг, мен учун яна бир нусха ол. Нусха кўчирши ҳақини юбориш имум мумкин.

Чин дилдан тинчлик ва хотиржамлиқ тилайман.

Мо Ян

4

«Ярим аршинлик қаҳрамон»

«Қани, кел, ўтири, номзод, бир дилдан гаплашайлик», – деди у менга қувноқ ва айни пайтда қандайдир қувлик билан, ўзининг мана шу чарм қопламали айланувчи ўриндиғига жойлашиб. Юз ифодаси ва сўзлашув оҳанги тонгдаги булувларга ўхшарди – ёрқин ва ҳаддан ташқари ўзгарувчан. У ус романларида тасвирланадиган бениҳоя жирканч ва разил таловчиларга, кўркинчли усга ўхшарди. Даҳшатдан титраб, унинг қаршисида баҳайбат диванда елка қисиб ўтирадим. «Қани, айт, абллаҳ, бу сассиқ така Мо Ян билан қачон қоронғида тошишиб, ўзиники бўла қолдинг?» – деди киноя билан. «У ме-

нинг устозим, – чуғурладим мен, бамисоли палапонларини овқатлантираётган тилларанг қалдирғочдай (холбуки, мен ҳеч кимни оқламаётгандим, фактад үзимни оқлаётгандим, холос). – Бизларни адабиёт боғлаб туради. Биз ҳали күришганимизча йўқ, бундан каттик афсусдаман, албатта». «Аслида бу кўтирип таканинг исми шарифи Мо эмас, – муғамбирона хиринглади у. – Унинг ҳақиқий исми шарифи Гуань. Ўзини Гуань Чжун зурёди, етмиш саккизинчи авлоди деб билади, аслида эса бу ғирт ёлғон, унга тенг келиб, бу ким бўлибди жа! Энди ёзувчи бўлиб қолганмиш ҳумпар. Мактантчоқлик ҳам эви билан-да. Ўзини нуқул осмонда чоғлайди... Ўтмишдаги унинг барча асарларини беш кўлдай биламан». «Ўтмишда устоз билан нималар бўлганини қаердан билиб ўтирибсан?» – таажжубландим мен. «Айтадилар-ку, ҳеч ким билмасин десанг, ҳеч нима килма, деб. Бу иркит болалигидан маълум эди – нақ Худонинг балоси эди. Олти ёшида бригада корхонасининг омборига ўт кўйиб юборганди. Тўққиз ёшида Мэн исмли муаллимага кун бермаганди, эрта-ю кеч унга «дум» бўлиб, ёнига одам йўлатмасди. Ўн бир ёшида памилдори ўғирлаб кетаётганида кўлга тушиб, роса калтак еганди. Ўн уч ёшида ҳам турп ўғирлаётганда фош бўлиб, қадрли раис уни Мао сурати олдида икки юздан кўпроқ ходимлар хузурида кечирим сўрашга мажбур қилишганди. Ўзи расво бўлса ҳам хотираси зўр, худди китобда ёзгандай қилиб гапиради, шунақанги қизиқ гапларни айтардики, одамлар ичаги узилгудек куларди, уйга келганида эса отаси уни бўрсиқнинг боласидай дўппослаб, орқаларини моматалоқ қилиб ташларди». «Менинг устозимни ерга уришга қандай ҳаддинг сифди?» – қичкириб эътиroz билдиридим. «Мен ерга урибманми? Ўзининг асарларида бу ҳақда ўзи ёзган-ку! – заҳархандалик билан деди у. – Ўша тирранчага бориб айт, менинг таржимаи ҳолимни ёзиб берсин, буни ундан бошқа ҳеч ким эплаёлмайди. Бунака расво истеъдод билан менга ўшаган расво қаҳрамонлар чиқишиди. Хат ёзгин-да, айт, Жюгуга тезроқ келсин. Мен уни қандай кутиб олишни үзим биламан», – қўшиб кўйди у, кўкрагига мушт уриб. Жимиб қолиб, чарм қопламали ўриндингини шундай куч билан айлантиридики, нақ шамолпарракнинг ўзи бўлди-кўйди. Қаршимда унинг бир башараси, бир калласи кўринарди. Бир

башара, бир калла. Хиёнаткорликка тұла башара, турли билимларға тұла калла. Айланаркан, у тобора юкорилаб борарди.

«Жаноб Ичи, мен устозим Мога армонсиз хат ёздим, аммо жавоб олмадим, – дедим. – Сизнинг таржимаи ҳолингизни ёзиши хоҳламаётган бўлса керак деб кўрқаман». «Ташвишланма, хоҳлаб қолади, – нафратли кулимсиради у. – Биринчидан, бу мараз аёл деса, ўзини томдан ташлайди, иккинчидан, чекади ва ичади, учинчидан, у доим пулдан сиқилади, тўргинчидан эса асарларини бежаш учун турли ифлосликлар, ақлбовар қилмас воқеалар ва ривоятлар тўплаш унинг жонудили. Шунинг учун келади. Менга бош эгади, ёруғ оламда уни ҳеч ким менчалик яхши билмайди».

«Қани, айт-чи, мусалласшунослик номзоди, сендан қанақа номзод чиқади? – мийифида аччик кулги билан такрор сўради у, айланувчи ўриндиғида пастга инаркан. – Мусаллас ҳақида нималар биласан? Бу қанақа суюқлик ўзи? Ҳеч бало! Нима, мусаллас Исонинг қоними? Бекор гап! Мусаллас рухингни кўтарадими? Қаёқда! Мусаллас – барча лаззатларнинг онаси, лаззатлар эса – мусалласнинг қизи. Сенга яна бир нарсани эслатиб қўймоқчиман, – тишининг орасидан деди у, менга тикилганча. – Мусаллас – бу бутун давлат машинаси учун мойлаш воситаси: бусиз у бир текис ишлай олмайди! Энди тушунгандирсан? Анқайған турқи тароватингдан яққол кўриниб турибдики, сен ҳеч балони тушунганинг йўқ. Анови итдан тарқаган Мо Ян билан биргаликда менинг таржимаи ҳолимни ёзиши ниятинг йўқми ҳали? Бўпти, ўзим ёрдамлашиб юбора қолай сенларга, сенларга мувофиқлаштириб турман. Умуман олганда, ҳақиқий ҳасби ҳол битувчи интервью ё шунга ўхшаган нарсалар олиб ўтиrmайди, зеро бу йўл билан олинадиган маълумотларнинг тўқсон фоизи ёлғон бўлади. Сенлар ёлғондан чинни ажратиб олишларинг, ёлғон пардаси ортидаги ҳақиқатни кўришларинг керак бўлади.

Сенга айтиб кўяй, мишиқи, анови муртад Мо Янга ҳам бориб айтишинг мумкин, бу йил Юй Ичи саксон бешга тўлади. Мўътабар ёш, тўгрими? Мен бир нарсани билмоқчиман, мен ёруғ олам бўйлаб сарсон-саргардан юрганимда сизлар, ҳайвонлар, қаерда одам бўлиб қолувдинглар? Балки,



маккажүхори сүталарап ичидадир ёки карам япроқларидами, ёки тузланган шолғомдами, ёки бодринг жүяклари орасидами, ёки бошқа жойдами? Анови разил Мо Ян ҳозир «Мусаллас мамлакати»ни ёзяпти, дейсанми? Жинни-пинни бўлиб колмаганмикан, наҳотки, бу унинг кўлидан келса? Бунақа ишга кўл ургунича қанча ичдийкин? Мана, мен – у ичган сувдан кўра кўпроқ мусаллас ичганман! Икковингизга ҳам битта савол: ҳар куни ойдинда мана шу Эшак кўчасидан эшак миниб ўтадиган анови тангачали бола ким? Ахир, бу мен-ку, мен! Аммо мен қаерданман – бу ёғи билан ишинг бўлмасин. Менинг ватаним – чароғон нурга кўмилган ўлка. Хўш, сенингча, ўхшамаяптими? Бўғотларга учеби чиқиш ва деворларда юриш мен учун писта чаққандай гап эканига ишонмайсанми? Майли, ҳозир сенга бир нима кўрсатаман, шундагина кўзинг очилади, ипириски».

Мұхтарам устоз, кейин содир бўлган нарсаларни айтай десам, тилим калимага келмайди. Мана шу ажойиб ғариб пакананинг кўзларидан бирдан икки қозикдай бўлиб, икки ёрқин нур отилиб чиқди. Кўзим нақ қинидан чиқаёзди, қарасам, у ўзининг чарм қопламали ўриндигида ғужанак бўлди-да, кора кўланкадай секин юқорига кўтарила бошлади. Ўриндик ҳамон айланарди, охири бориб шифтга дўқ этиб урилди. Ушбу қиссамизнинг қаҳрамони, бизнинг ошнамиз унга ёпишиб қолганди. Кўл ва оёқчаларида, ҳатто баданининг барча кисмларида сўргичлар ўсиб чиққанга ўхшади. Худди жирканч ва баҳайбат газандадек, у шифтда кезиниб юра бошлади. Ўша ёқдан унинг визиллаган овози қулоққа чалинди: «Хўш, қалай, таъвия, энди ишонгандирсан? Бу ерда таажжубланадиган хеч нарса йўқ. Менинг устозим бир кечаю бир кундуз шифтда мана шунақа осилиб тура оларди». Шундай дея у куйиб корайган бир парча қофоздай пастга учеби тушди.

Мана, у тагин ўриндиқда бемалол чордана куриб ўтирибди, мамнун ҳолда мендан сўрайди: «Хўш? Менинг кобилиятларимга энди ишонарсан?»

Унинг мисли йўқ маҳорати ва шифтга бориб тўқнашишидан мени қора тер босди, худди тушдагидай, кўз олдим тиниб кетди. Эшак минган ботир жулдирвоқи мана шу пакана экани кимнинг хаёлига келиби, дейсиз! Фалати бўлиб кетдим.



Бўлар иш бўлиб, бўёғи синганди, азбаройи ҳафсалам пир бўлганидан ўзимни кўйгани жой тополмаётгандим. Эсингизда бўлса, устоз, мен бу тангачали болакайни «Эшак кўчаси»да «ёрқин ой нури», «сехрли қора эшакча», «томдаги тарақтуруқ», «тишида тол барги шаклидаги ханжар тишлаб олган ботирвой» ва ҳоказо деб таърифлар бергандим... Сизнинг ҳам ҳафсалангиз пир бўляпти, сезяпсизми?

«Тангачали болакай ва мен битта одам эканимизга ишон-маяпсан ва ишонишини хохламаяпсан, – давом этди у, – буни кўзларинг шундок айтиб турибди. Аммо бу бор гап. Сен ичингда кунфунинг бу барча усулларини қаердан ўрганганимни сўрамоқчи бўлиб турибсан, лекин мен буни айтольмайман. Умуман, инсон ҳаётни оқкуш патидан ҳам енгилроқ деб билса, шунда у ўрганолмайдиган ҳеч нарса бўлмайди».

У сигарета тутатди, бирок ичига тортмади, фақат бир неча ҳалқа чиқарди, кейин эса тутунни ингичка пуфлаб, уларни бир-бирига улади. Бу шакл ҳавода узоқ муаллақ осилиб турди. Маймун тоғидан келган митти маймунга ўхшаб, унинг қўл ва оёклари бир дакиқа ҳам совқотмади. «Сен билан Мо Ян иккенинга, тасқара, мусаллас ҳакида бир воқеани сўзлаб бераман, – деди у ўриндиқда айланиб. – Бу қаёқдаги аҳмоқона тўқима эмас, аҳмоқона тўқималар – бу сизларнинг кўлингиздан кела-диган иш». Шундай деб у ҳикоясини бошлади:

«Бу ерда, Эшак кўчамиизда бир мусаллас дўкони бўлгувчи эди. Унга шогирд килиб ўн икки ёшлардаги, озгин, боши катта ва бўйни ингичка, кўзлари ҳам катта-катта (қараб тўймайсан!) бир болани олишганди. Болакай роса меҳнатсевар ва қўл-оёғи чақон эди: ҳали сув келтирган, ҳали пол ювган, ҳали столларни артган; нима иш топширилса, хўжайнинг кўнглидагидай килиб, бекаму кўст адo этарди. Бирок у дўконда пайдо бўлган кундан ғалати ишлар содир бўла бошлади: мусалласдан тушган пулларнинг баракаси учди. Бошқа ишчилар ва хўжайн нима қилишни билмай бошлари қотди. Бир куни дўконга йигирма-ўттизтacha тўрга солинган идишда мусаллас келтиришди ва бир нечта тоғора лиммо-лим тўлди. Нима гаплигини билмоқ учун хўжайн кечкурун тогоралардан сал нарида яшириниб олди. Туннинг биринчи ярми тинч ўтди. Толикқан хўжайн ухлагани ётмоқчи бўлганди ҳамки, яқинлашиб кела-



ётган мушукнинг миёвлашига ўхшаш овоз элас-элас қулоғига чалинди. Хўжайин хушёр тортди ва бу ёғи нима бўларкин деб кута бошлади. Бир қора кўланка пайдо бўлди. Хўжайин тун қоронғусига тикилиб қарайверганидан кўзи қоронғуликка ўрганиб қолганди ва қора кўланка ўз дўконидаги шогирд бола эканини кўрди. Унинг кўзлари мушук кўзларидай яшил нур бериб ёнарди. Хириллаб нафас олганча шогирд тоғора қопқоғини очди, мусалласга ташланди ва уни хўр-хўр қилиб ичига торта бошлади. Тогорадаги мусаллас сатҳи унинг кўз ўнгига пасайиб борарди. Лол қолганидан хўжайин уни чўчитиб юбормаслик учун нафасини ичига ютди. Бир қанча катта тоғорадаги мусалласни ичиб бўлиб, кичкина шогирд оҳиста, оёқ учида юриб у ердан кетди. Буларнинг барини кўрган хўжайин бир сўз ҳам айтмай ухлагани кетди. Эрталаб у барча тоғоралардаги мусаллас бир чига пасайиб қолганини кўрди. Бунақасини ким эшитган – бир одам шунча мусалласни ича оладими? Кўпни кўрган хўжайин шогирднинг қорнида «мусаллас жонони» деган машхур хазина борлигини англади. Агар уни кўлга киритиб, мусалласли тоғорага солинса, мусаллас ҳеч қачон тугаб қолмайди, сифати эса мислсиз даражада яхшиланиб бораверади. У боланинг қўлларини боғлашни, тоғора ёнига ўтқазиб қўйишни, егулик ҳам, ичгулик ҳам бермай, фақат тоғорадаги мусалласни тўхтовсиз шопириб туришни буюрди. Мусалласнинг муаттар хиди ҳар томонга ёйилди ва чанқоқлиқдан тинкаси куриган шогирд ох-нолалар қилиб, ерда думалай бошлади... Етти кундан кейин хўжайин уни озод килди, шогирд ўзини тоғорага отди, эгилди ва оғзини катта очиб, ютоқиб ичишга шайланди. Шу пайт «шалоп» этган овоз эшитилди ва бақага ўхшаб орқаси қизил, қорни сариқ бир маҳлук мусалласга келиб тушди».

«Бу митти шогирд ким эканини фахмладингми?» – деди менга маъюс қараб Юй Ичи. Унинг чехрасидаги изтиробли ифодани кўриб, мен нима дейишимни билмай: «Сен эмас-мидинг, мабодо?» – дедим. – «Бошқа ким ҳам бўларди! Ал-батта, мен-да! Агар хўжайин мендан бу хазинани ўғирлаб олмаганида мен бу ҳаётда мусаллас маъбудига айланган бўлардим».



«Бу сиз ҳам ишларинг яхши кетяпти, – тинчлантиридим уни. – Пулинг ҳам бор, амалинг ҳам, күнглинг тусаган нарсаны ейсан, күнглингта ёққанини ичасан, хоҳлаганча ўнабкуласан. Ҳатто подшоларда йўқ бундай ҳузур-халоват». – «Бехуда гаплар! Мана шу хазинани йўқотганимдан бўён барча ичиш қобилиятларимдан маҳрум бўлдим. Бундай бўлмаганда, келиб-келиб мен мана шу абллаҳ Жин Ганжуанга биринчиликни бой берармидим?» – «Бўлим бошлиғи муовини Жиннинг ҳам «мусаллас жонони» бўлиши керак», – тусмол билан дедим унга. – Ахир, у минг қадаҳни паккос урса ҳам қилт этмайди». – «Бекор гап! Шунда «мусаллас жонони» бўларканми?! Бир дунё мусаллас куртлари бор, десанг-чи! «Мусаллас жонони» бўлган одам мусаллас шоҳига айланиши мумкин, мусаллас куртлари билан нари борганда унинг девига айланади». – «Жонон»ни бошқатдан ютиб юборса, қалай бўларкин, ҳаммаси жойига тушиб кетармиди?» – «Кошки, сенинг бир нарсага ақлинг етса! «Жонон» корнимда ташналиқдан шунақанги қийналиб кетдики, тоғорага тушишим билан томогига мусаллас тиқилиб, ўша жойда тугаб кўя қолди». Ғамгин хотиралардан унинг кўзлари қизарди. «Акажоним Ичи, менга мана шу хўжайнинг исмини айт, бораман-да, унинг бутун дўконини супуриб ташлайман!»

Юй Ичи қаттиқ қаҳ-қаҳ урди, кулиб бўлгач эса шундай деди: «Одам деган ҳам шунақа нодон бўладими, ландовур, шу гапларга ишониб ўтирибсанми ҳали? Сени лакиллатиш учун атайлаб ичимдан тўқиб чиқардим. Ўзи «мусаллас жонони» деган нарса бўларканми ҳеч жаҳонда? Кўлида ишлаганимда хўжайн ҳикоя қилган латифалардан бири бу. Мусаллас дўкони борларнинг ҳаммаси тоғоралардаги мусалласимиз ҳеч қачон қуриб қолмасин деб орзу қиласди, бу гирт чўпчакдан бошка нарса эмас. Мен ўша дўконда бир неча йил ишлаганман, аммо бўйим панд берди, оғир ишларга ярамай қолдим, хўжайнимиз мени ҳаддан ташқари кўп овқат ейсан, деб минғирлагани-минғирлаган эди, яна кўзим ҳам жуда қопкора эмиш. Кейин эса шартта ҳайдаб юборди. Узоқ вақтгача юртма-юрт сарсон юрдим, тиланчилик килдим, егуликка пул топиш учун дуч келган ишни қилдим». – «Ҳа, кўп қайгуларни бошдан кечирдинг. Лекин энди сен давлатманд одамсан». –



«Бўлмаган гап, бўлмаган гап, бўлмаган гап...» Бу «бўлмаган гап»лардан талайини тупуриб ташлади-да, у бадҳохлик билан деди: «Сен бу қуюшқондаги гапларинг билан авом халқнинг бошини айлантиришинг мумкин, менга бу найрангинг ўтмайди. Қийналиб, азоблардан боши чиқмаганлар дунёда тўлиб-тошиб ётибди, бироқ охири мартабаларга етишиб, ахволини ўнглаб олганлар эса бармоқ билан санаарли, анқонинг уруғи. Бу дунёда ҳар ким ўз феъл-авторига ярашасини кўради. Тиланчи бўлиб туғилдингми, тиланчилик қиласан. Етар, ортиқ бу ҳақда гапириб, жағимни оғритмайман. Бундай нарсалар ҳақида сен билан гаплашиш эшагимнинг қулоғига танбур чертиш билан баробар. Бундай нарсаларни билгани миянг йўқ. Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб, мусалласпазлиқдан жиндай косанг оқарган, қолган нарсаларда эса балони ҳам билмайсан. Мо Ян ҳам шунака: адабиёт ишларида оз-моз тушунади, юзаки, бошка нарсаларда эса – миясьи ғум. Устоз билан шогирд иккаланг бир олманинг икки палласисанлар, тубансанлар, балога ҳам ақлларинг етмайди, тошбақадан тарқагансанлар.

Шунинг учун ҳам таржимаи ҳолимни ёзиш учун иккалангни таклиф қиляпман, иккалангнинг калланг қанақанги ифлос фикрларга тўлиқлигини бир шайтон билади. Қулоғингга кўрғошиндай қўйиб ол, рўдапо. Мўътабар аждодинг яна битта ривоятни сўйлаб беради».

Шундай дея у янги ҳикоясини бошлади:

«Бир ўсмир бўлган экан, мумтоз асарларни кўп ва хўб ўқиган экан. Кунлардан бир кун унинг кўчадаги сайёр ўйинчилар томошасига кўзи тушибди – бири йигирма ёшлардаги дуркун қиз, яна бири кар ва гунг чол экан, бир қарашда у қизнинг отаси эканини англаш қийин эмас экан. Бутун дастурни қизнинг бир ўзи олиб бормоқда экан, отаси эса бир четда чордана қуриб кимир этмай ўтирад ва ўйиннинг боришию майда-чуйда нарсаларни кузатаркан. Аслида ҳеч нарсадан хавотир олмаса бўларкан, чол бу ерда ортиқча экани яққол кўриниб тураркан. Аммо томоша гурухини чолсиз тўла тасаввур қилиб бўлмас экан, усиз ҳеч иш чиқмас экан, у мана бу соҳибжамол учун тагзамин хизматини бажааркан.

Аввалига қиз йўқ жойдан пайдо бўлиб қоладиган тухум ва кантарни, бир пайдо бўлиб, бир йўқолиб қоладиган катта-кичик буюмларни кўрсатибди. Томошабинлар қўпая бошлабди, улар кўзбойлогичларни ҳалқа каби ўраб олибди, нина ташласанг, ерга тушмасмиш. Муваффакиятдан рухланиб кетиб, қиз шундай дебди: «Ҳурматли томошабинлар, саховат соҳиблари, хозир биз «шафтоли дарахти ўтқазилиши»ни намойиш этамиз. Томошани бошлашдан олдин қуйидаги жумлани ёд этиб оламиз: «Бизнинг адабиётимиз ишчилар, дехқонлар ва аскарларга хизмат қиласди». Ердан бир шафтоли данагини олиб, у саёзгина чукур қазиди, оғзида сув сепди ва амrona: «Униб чиқ!» – деди. Ердан ростданам қизгиш новда бош кўтариб чиқа бошлади, у ҳамманинг кўзи ўнгига юқорига кўтарила-кўтарила тез орада дарахтга айланибди. Кейин гуллади, куртак ёзди ва шохларга банди билан осилган ок-қизил мевалар ғарқ пишди. Қиз бир нечта шафтолини узиб, томошабинларга улаша бошлади. Лекин хеч ким уни татиб кўришга журъят қилмади, факат бир йигитча шафтолини олдию кўз очиб-юмгунча пакқос туширди. Ундан шафтолининг мазаси қандай экан, деб сўрашганида, у, жуда зўр, деб жавоб ёзибди. Қиз яна томошабинларга мевадан татиб кўришни таклиф этибди, бирок барчалари кўзларини катта-катта очганча жим қараб тураверибди. Уҳ тортиб, қиз қўлини силтабди, шафтоли дарахти мева-чеваси билан ғойиб бўлибди, ерда кичкина чукурча қолибди, холос.

Томоша тугабди, қиз ва чол нарсаларини тахлашибди ва йўлга отланишибди. Йигитча қиздан кўзини узмасмиш – у қизни севиб қолган экан. Қиз тушунганинмо жилмайибди: лаблари ёкут, тишлари садаф, юзи шафтоли рангида – севишига боис ҳаммасидан бор. «Укажонгинам, – дебди кўзбойлогич қиз, – факат сен менинг шафтолимни единг, демак, тақдир бизларни бекорга учраштирумаган. Мана сенга манзил. Қачондир ёдингга тушиб қолсам, мени шу жойдан топасан».

Қиз қофоз-қалам олиб, манзилни ёзибди-да, йигитга тутқазибди. Йигит қофозни қимматбаҳо ёмбига олиб, маҳкам яшириб қўйибди. Қиз отаси билан йўлга тушибди, йигит сеҳрлаб қўйилгандай уларга эргашибди. Бир неча ли юришгач, қиз тўхтабди: «Энди қайт, укажон, вақти келиб

биз яна күришамиз». Йигитнинг юзидан ёш думалаб кетибди. Қиз қызыл шойи рўмолчаси билан унинг ўшларини артибди. «Укажоним, – дебди бирдан қиз. – Сени ота-онанг кутяпти!»

Йигит бурилиб қарабди ва ҳақиқатан ҳам орқадан отаси билан онаси шоша-пиша судралиб келишаётганини күрибди, улар кўлларини силкир ва нимадир деб қичкирар эдилар, аммо ҳеч қандай товуш йигитнинг қулоғига кирмаётганди, у яна орқага бурилибди, бироқ на қиздан, на кар ва гунг чолдан ном-нишон бор эмиш. Йигит тағин ота-онаси томон бурилган экан, улар ҳам уйга қайтиб кетишган экан. Йигит ўзини ерга ташлаб, хўнграб йиглабди. Узоқ йиглабди, чарчаб ерга ўтирибди ва кўзларини олдинга маъносиз тикибди. Бирпас ўтириб, кейин ерга чўзилибди ва денгиздек мовий осмонга, эриниб сузид юрган булутларга қарабди.

Уйга қайтиб келгач, йигит ишқ ўтида қоврила бошлабди. У туз тотмас, чурк этиб оғиз очмас ва кун бўйи атиги бир пиёла сув ичаркан, холос. Бориб-бориб, у шунақанги озиб кетибдики, қуруқ сугаюни териси қолибди. У атрофидаги ҳеч нарсани кўрмас экан, бироқ кўзини юмди дегунча ёнгинасида ҳалиги гўзал қиз пайдо бўларкан. Қизнинг хушбўй нафаси унга уриб тураг, муҳаббат тўла кўзлари билан андухли қаар экан, шунда йигит овозининг борича қичқириб деркан: «Хой, соҳибжамол қиз, сенсиз ўламан!» У қиз томон отилар, лекин кўзини очиб қарасаки, яқин орада ҳеч ким бўлмас экан. Энди унинг ҳеч нарсани кўргиси келмай қолибди. Ота-онаси қаттиқ ташвишга тушибди, маслаҳатлашгани йигитнинг олисдаги амакисига одам юбориб чақиришибди. Амакиси олим, узоқни кўрувчи ва ҳар кимнинг дилидагини бир қарашда биладиган зийрак, гап-сўзлари тамизли, тутган жойидан кесадиган ўткир киши экан. У жиянининг афт-ангoriga бир қарашдаёқ дардининг сабабини дарров англабди. «Акажон, янгажон, яхши гап билан ҳам, ёмон гап билан ҳам ўғилларингизнинг дардига малҳам бўлолмайсизлар, – дебди у хўрсиниб. – Агар иш шундай кетаверса, у бекордан-бекорга ўзининг гулдек умрини хазон қилиши тайин. Таъбир жоиз бўлса, буни даволаш ўлган отни даволаб тирилтириш билан баравар. Умид оз, аммо ётиб қолгунча отиб қол, дейдилар, чиқмаган жондан умид.

Уни боши оққан томонга қўйиб юборишдан ўзга чора йўқ. Қизни топса – топгани, ҳаммаси кўрмагандек бўлиб кетади. Топмаса – балки эсидан чиқариб юборар». Ота-она пиқ-пиқ йиғлай бошлабди, лекин қўлларидан нимаям келарди – амакининг маслаҳатига хўп дейишибди.

Учалови йигитнинг олдига келибди. «Жияним, – дебди амаки, – ҳозир ота-онанг билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, сени бошинг оққан томонга қўйиб юборишга қарор қилдик – ўша қизни ўзинг қидириб топ».

Йигит ўрнидан сапчиб турибди, амакиси пойида тиз чўкибди ва қайта-қайта таъзим қила бошлабди. Азбаройи тўлқинланганидан рангпар юзига бирдан қизиллик югурибди.

«Ўғлим, – мурожаат қилишибди унга ота-онаси, – сенинг ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ, аммо катта максадларни кўзлаб иш тутасан, биз сени яхши тушунмаган эканмиз. Энди биз амакингнинг маслаҳатига кириб, сени ўз эркингга қўймокчимиз, токи ўша сулув қизни қидириб топ. Сенга кекса хизматкоримиз Ван Бао ҳамроҳлик қиласди. Қизни топсанг – яхши, топмасанг – тезроқ уйга қайт, бизни ортиқ ташвишга қўйма. Сенга яхши хонадондан чиройли қиз топиб берамиз. Бу дунёда икки оёқли бақа – ноёб, аммо икки оёқли қизлар худо уриб ётибди. Шу боис, ўйланма, одам дунёга қайта-қайта эмас, бир марта келади».

Бунга жавобан йигит, менга арши аълодаги фаришталар ҳам керак эмас, менга фақат ўша қиз керак, дебди.

Кўпни кўрган ота ҳам ўғлига насиҳатомуз дебди: «Сенинг ўша сеҳргар қиз ёмон юрагингдан урибди, болам. Мол оласи тошида, одам оласи ичида, деган гап бор, унинг канакалигини на сен биласан, на биз. Кўзингни юмсанг, унинг хунукми ё чиройли эканини қаёқдан биласан – ҳозир у бизга худди шундай, ҳам қиз – бир қиз».

Аммо, табиийки, йигит айтганидан қайтмабди. Бу ошик-маъшуқлар ҳам ғалати халқ бўлади-да! Улар учун ота-она ҳам бир, етти ёт бегона ҳам. Начора, бакувват бир эшак то-пишибди, ярим ойлик озуқа ғамлашибди, кекса Ван Баога яхшилаб керакли йўл-йўриклиарни беришибди, кейин кўз ёши тўкиб, ўзларини ҳар томонга уриб, нолаю афгонлар билан



ўғилларини қишлоқ чеккасигача кузатиб чиқишибди-да, ўғил ҳайё-хув деб йўлга тушибди.

Эшакда кетиб бораркан, йигитнинг хаёли олис-олисларга парвоз қилибди ва ҳалиги қиз билан тезда кўришувини ўйлаб, севинчдан дик-дик сакрай бошлабди, ташқаридан қараган одам уни ақлдан озган деб ўйларкан.

Йигит йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, йўлга деб олган озуқалари ҳам, пули ҳам тугабди, аммо Ғарбий Шамол тоғидаги Шафтолиранг ғорнинг қаердалигини ҳеч ким айттолмабди. Кекса хизматкор орқага қайтайлик, деб Худонинг зорини қилибди, лекин қани энди йигит кўна қолса! У ҳеч нарсага қарамай, ҳеч нарсани эшитмай кунботиш томон кетаверибди. Ван Бао билдиrmайгина қочиб кетибди-да, йўлни сўраб-сўраб, бир амаллаб уйга етиб олибди. Кейин эшак ўлиб колибди. Йигит эса бир ўзи пойи-пиёда парво қилмай кетаверибди. Бутунлай тинкаси қуриб, ортиқ бир қадам ташлашга курби етмай, ахволи танг бўлгач, у катта бир харсанг устига ўтирибди-да, хўнграб йиглаб юборибди, бироқ шунда ҳам кўз ўнгидан ҳалиги қизнинг сиймоси кетмабди-кетмабди. Шу пайт момақалдироқ гумбурлабди, ер ёрилибди-да, харсанг, унга қўшилиб йигит ҳам ерга кириб кетибди. Бундок қараб, не кўз билан кўрсинки, у ҳалиги қизнинг илик бағрида висол лаззатидан маству мустағриқ ётган эмиш. Қаттиқ севинчдан йигит хушдан кетибди...»

«Ўша йигитча аслида менинг ўзим эдим! – деди Юй Ичи айёrona жилмайib. – Мен кўзбойлогичлар труppаси билан кўп айландим, қиличини ютишни, арқонда юришни, олов қайт этишни ўргандим... Сайёр кўзбойлогичларнинг ҳаёти қизиқ, воkeаларга бой бўлади, соатлаб сўзлаган билан тугамайди. Таржимаи ҳолимни ёзганида мана шу даврни, айниқса, бўрттириб ифодалаш, қуюқ ранглар билан бўяб-бежаш керак бўлади».

Устоз Мо, бу Юй Ичининг тасавурлари ана шундай бой ва ранг-баранг! Назаримда, у ҳозир айтиб берган воқеани мен қаердадир учратгандайман – Ляо Чжайнинг китобидами-ей, ёки «Рухларни қидириб» асаридами-ей.



Яқинда «Жюгудаги ғалати ишлар ҳақида қайдлар»ни варақларканман, у ерда қуидаги ривоятни кўриб қолдим ва уни Сиз учун кўчириб олишга аҳд қилдим.

Республиканинг дастлабки кунларида Ізюсян қишлоғида сайёр кўзбойлогич қиз пайдо бўлди. Бу кизнинг ҳусни жамолини Ой саройидаги фариштага киёс қилса бўларди. Уни қуршаб олган ҳамқишлоқлар орасида Юй хонадонига мансуб Ичи исмли йигитчага ҳам бор эди, унинг лақаби Моис эди. Унинг кирқ яшарли ота-онаси бекаму кўст яшар, фарзандларидан жонини аяшмасди. Бола ўн уч ёшга кирган бўлиб, ақл ва ҳусндан Худо берган, дурдай тоза эди. Қиз унга қараб жилмайиб қўйибди ва йигитчанинг юраги капитардай типирчилаб кетибди. Қиз томошани бошлабди. У шамол ва ёмғирни чақирап, оғзидан паға-паға тутунлар чиқааркан. Томошабинлар қийкириқ ва чапаклар билан тинмай олқишиларкан. Бир вакт қизнинг қўлида бармоқдай келадиган бир шиша идишча пайдо бўлибди, қиз уни боши узра баланд кўтарибди ва ҳалойиққа мурожаат қилибди: «Бу идишча фаришталар истиқомат қиладиган форга бориб туташади. Орангизда мен билан бирга ўша жойга саёҳат қилишни хоҳловчи борми?» Одамлар бир-бирларига қарай бошлишибди, ҳамма ҳайрон эмиш: идишча бор-йўғи бармоқдай келса, унга қандай сифиш мумкин, тағин бир эмас, икки одам? Афсунгарлик билан бошимизни айлантиряпти бу қиз. Шунда қизнинг ҳуснига мафтун бўлиб қолган Ичи олдинга чиқибди: «Сен билан бу идишчага мен киришга тайёрман». Боланинг лақмалигидан ҳамма қах-қах уриб кула бошлабди. Қиз эса бундай дебди: «Рухинг пок, ўзинг хушрой экансан, йигит, сендан аллақандай муаттар ҳид келяпти, сен оддий бандалар оломонидан ажралиб турибсан. Мен сен билан бирга мана шу идишчага кираман, бу эса учала ҳаётда бир-биримиз учун яралганимизни англатади». Шу сўзларни айтиб, қиз бармоғини кўтарибди, бармоқ орхидея гулига айланиб, унинг учидан енгил тутун шувиллаб чиқа бошлабди. Ҳалойиқ ой нуридай минглаб қиёфаларда ҳар томонга жўнаб кетибди. Ичи панжа бўғимида қизнинг баҳмалдай майин ва нозик қўлини ҳис этибди, бармоқлари ипакдай силлиқ бўлиб, суюксизга ўхшаркан. «Юр орқамдан», – шивирлабди



қиз. Унинг овози қалдирғоч сайрашидек жарангларкан, нағасидан эса атру бүй тараларкан. У идишчани аста иткітди, юқорига күтарили, у ёқда оқшом шафагининг заррин нурлари ва муаттар бўйга тўлиқ, тоза ҳаво ҳар томонга тараларди, идишча қимматбаҳо гавҳардек чараклаб айлана бошлиди. Идишнинг бўйни кенгая бошлиди, бир соат ўтар-ўтмай бир чжандан баландроқ ой дарвазаси шаклига кирди. Қиз Юйнинг қўлидан ушлади, у ҳамманинг кўз ўнгидаги кичрай бошлиди. Кейин қизнинг танаси ҳам кичрайиб, иккаласи идишча ичига иккита пашшадай учиб кирди. Халойиқнинг хайртдан оғзи ланг очилиб қолди.

У ёқда ичкарида гуллар сўқмоқларни кўмиб юборган, ям-яшил тераклар соя солган, атрофда ажойиб қушлар чарх урган ва турфа ҳайвонлар у ёқдан-бу ёққа юргурган. Маст бўлгандек, Юй ҳеч нарсани тушунмай, қотиб қолибди. Унинг жинсий майли жўш урибди ва шодликдан ўзини йўқотиб, қизни қучоқлаб олибди. Бироқ қиз жилмайиб кўйибди, холос: «Қишлоқдаги чолларнинг кулгисига қолишдан қўрқмайсанми?» Қизнинг қўли кўрсатган томонга қараб, Юй идишчадан ташқаридаги томошибинларни кўрибди, улар бошларини кўтариб, тепага қаттиқ тикилиб турардилар. Юй ўша заҳоти маъюс тортиб қолибди. Юраги ҳеч ўзига келмасмиш, фикрлари чалкашиб, томоғи бўғилибди ва бир оғиз ҳам сўз айттолмабди. «Сенинг туйғуларинг теран ва ўйларинг жонли, – нидо солибди қиз. – Мен тўлқинланиб кетдим, агар менинг зотим пастлигидан ва турқим хунуклигидан ҳазар қиласанг, илтимос, Гарбий Шамол тоғидаги Шафтолиранг тоғига мен билан учрашгани яна бир йилдан кейин кела қол, ўшанда сени эрим деб билиб, тўшак тўшайман». Азбаройи қаттиқ ҳаяжонланганидан Юй бутунлай ўзини йўқотиб кўйибди. Қиз қўлини силтабди ва яна чараклаган қуёш, булутсиз осмон ва кафтидаги бармокчалик келадиган шиша идиш йигитнинг кўз ўнгидаги намоён бўлибди. Қизнинг енгидан ғайриоддий хушбўй хидтараларкан.

Қиз бир қовоқ уругини олибди, ерни кавлаб, шу жойга муаттар сўлагини туфлаб, амр қилибди: «Ўсиб чиқ!» Ўша заҳоти новда кўринибди, палак ёйибди, палакда бирин-кетин япроқлар пайдо бўлибди ва кўп ўтмай палак бир неча

чжанга ёйилибди. Палак гажак-гажак бўлиб ва яшил булутдай пағаланиб чўзилиб кетаверибди. Қиз йўл халтасини елкасига солибди-да, япроқма-япроқ тирмашиб чиқа бошлабди. Бир чжан жойга етганда, у Юйга қараб жилмайибди: «Айтган сўзларимни унутма, жоним». Шу сўзларни айтиб, у чайқалиб турган ям-яшил япроқлар орқали юқорига интилибди ва зумда кўздан ғойиб бўлибди, қовоқ палаги эса сўлиб-куриб, тупроқ билан битта бўлибди. Томошибинлар узоқ вақтгача жим туриб-туриб, охири тарқалибди.

Юй уйга қайтиб келибди, бирок соҳибжамол кизнинг сарв қомати, тўлин ойдек чехраси кўз ўнгидан кетмабди. У емак-ичмакдан бош тортиб, туз тотмай қўйибди, туну кун тўشاқдан бош кўтармай ётар ва нуқул алаҳсирар экан, худди атрофини инсу жинслар ва девлар қуршаб олгандек экан. Жонларида жон қолмаган ота-она кўлларидан келган ҳаммасини қилишибди, табибу ҳакимларни чақиришибди, аммо Тайшань тоғига ўхшаб, касаллик сира қайтай демасмиш, ичган дори-дармонлари енгил булутчадай ҳам таъсир қилмабди. Юйнинг жисми ҳам, жони ҳам қил устига келиб қолибди. Ота-онаси тинмай кўз ёши тўкар, лекин нима қилишни билмас экан. Шу топ, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, дарвоза олдида кўнғироқ жаранглабди ва кетидан овоз янграбди: «Бу менман, ўғлингизнинг амакисиман!» Шу сўзларни айтиб, уйга барваста бир киши отилиб кирибди. «Куёвжон, сингилжон, бизлар ўшанда ажралишгандан кейин омон-эсон юрибсизларми?» – дебди у қайта-қайта таъзим бажо келтириб. Бурни дўнг, оғзи катта, соchlари похолсимон ва кўзлари кўм-кўк бу одам Юй онасининг ҳамюрларига сира ўхшамас экан ва она унга қараб туриб, бир оғиз сўз айтишга ҳам холи келмабди. Ўқдай учеб, меҳмон ўғлининг тўшаги томон йўналибди. «Жияним севги деган бедаво дардга йўликибди, – дебди у. – Кошкийди унга дори-дармонлару қайнатмалар кор қилса. Сиз иккала қария, аслида ўғлингизнинг тузалиб кетишини эмас, ўлиб кетишини хоҳлар экансиз!» Юй анчадан бери ўсал бўлиб ётар экан, худди ўлгандек кўзлари юмук, нафас олгани билинмас, чакирса, жавоб қайтармас экан. Меҳмон унинг устига энгashiбди ва у ёқ-бу ёгини қараб, бундай дебди: «Бу ёш ва нозик чехрадаги бундай



консизлик жиянимнинг бахтсизлигидан нишонадир». У учта кизил ҳабдори олибди-да, уларни Юйнинг оғзига солибди. Йигитнинг юзига бирдан қизиллик югурибди, хириллаб нафас олаётгани эшитилибди. Уч марта чапак чалиб, меҳмон хитобан дебди: «Нодон жияним-а, бир йил муқаддам берган сўзингнинг устидан чиқиш соати келди, сен бу вақтга озмунча интиқ эмасдинг. Сўзингнинг устидан чиқишига ва йўлга отланишга тайёрмисан?» Юйнинг кўзлари катта-катта очилиб чақнабди, у каравотдан сакраб турибди ва шап этиб пешонасига урибди: «Агар сиз ёрдам бермаганингизда, амакижон, мен бу гапларни эсимдан чиқариб юборар ва иккала кўлимни бурнимга тиқиб қолаверардим». «Тезроқ бўл, – буйруқ берибди меҳмон, – бирга жўнаймиз, хозироқ». Шундай дея у бошини баланд кўтариб уйдан чиқибди. Кийимини алмаштирмай, оёғига пояфзал илмай, соч-почига ҳам тароқ урмай, Юй сакраб турибди-да, унинг ортидан йўлга тушибди. Ота-онаси «болам-болам»лаб йигласа ҳам уларга лоақал қайрилиб қарамабди. Меҳмон от миниб, йўл ёқасида кутиб тураркан. Маймуннинг қўлларидаи узун қўлларини чўзиб, у Юйни худди жўжадек ердан кўтарибди. Отига қамчи босибди, от бир кишинабди-да, шамолдай елиб кетибди. Юй қўллари билан отнинг ёлига тармасиб олибди, кулоклари тагида шамол ғувиллабди. Бирдан у меҳмоннинг: «Кўзингни оч, жияним!» – деган овозини эшитибди. Юй қарасаки, улар Гоби сахросининг овлоқ бир бурчагида туришибди. Атрофда ковжираган гиёҳлар, тошлардан ўзга на ўлик, на тирик жон кўринаркан. Бир оғиз ҳам сўз айтмай, меҳмон отга қамчи босибди ва ўқдай учиб кетибди, зум ўтмаёқ олисдаги сарғиш туман ичига кириб, кўздан фойиб бўлибди.

Бир ўзи колиб, Юй тошга чўкибди-да, йиглаб юборибди. Бирдан унга тош бир томонга қараб думалаётгандай туюлибди. Қаттиқ гумбурлаган овоз эшитилибди, чараклаган заррин ёғудудан Юйнинг кўзлари қамасибди, кўрққанидан хушдан кетиб йиқилибди. Ўзига келгач, у юзига нозиккина кафт урилганини сезибди, ундан хушбўй хид таралиб тураркан. Кўзини очибди ва тепасида ўша киз турганини кўрибди. Кўзларидан севинч ёшлари тиркирабди. «Кўзларим йўлингда тўрт бўлиб кутдим, жонгинам», – дебди қиз.

Улар қўлларини ушлашиб, шошмай юриб кетишибди, кўз олдиларида турфа дараҳтлару анво гуллардан иборат боғ пайдо бўлибди. Ҳар барги қўға елпифичдай келадиган бир улкан дараҳтнинг шохларида жажжи болаларни эсга солувчи мевалар шифил экан. Тушлик вақтида олтин бола солинган баркашни олиб кўришибди, бола азбаройи ўзига ўхшаганидан қўл билан туртишга ҳам киши журъят қилмаскан. «Бўйи нақ беш чи келадиган эркак ҳам шунақа кўрқоқ бўладими?!» – дебди қиз ва чўпни шиддат билан болакайнинг чукласига суқибди. Болакай майда бўлакларга бўлинниб кетибди. Унинг қўлининг бир қисмини илиб олиб, қиз оч бўридек унга ташланибди. Юй баттар кўркиб кетибди. «Бу ҳеч қанақа бола-мола эмас, – нафратомуз излжайибди қиз. – Бу бола кўринишидаги мева, аммо сенинг кўрқоқлигинг менга ёқмади». Юй базўр ўзини қўлга олибди ва чўплар билан қулоқни қистириб, аста оғзига солибди. Қулоқ бамисоли эриб кетибди, вужуди мислсиз даражада хузур килибди. Бундан дадилланган Юй овқатга ташланибди ва пайдар-пай жигилдонга ураверибди. Оғзини қўли билан ёпиб, қиз мийифида кулибди: «Татиб, таъмини билмагунча назарига илмаётувди, энди таъмини тотиб кўриб, чангини чиқаришини кўр!» Овқатга берилганидан Юй қизнинг гапига жавоб қайтаришни ҳам эп билмади. Овқатнинг ёғи оғизларига чаплашиб, жуда кулгили кўринмокда экан. Кўшимчасига қиз мислсиз бўй таратиб турган бир кўза кўк мусаллас узатибди ва бундай дебди: «Бу мусаллас Маймун тоғидан териб олинган мевалардан тайёрланган бўлиб, ер юзидағи энг ноёб мусаллас саналади...»

Устоз Мо, Сиз мутолаа қилган нарса кифоя деб ўйлайман, мен талай нарсани кўчирдим. Сизнинг эътиборингизни қуйидагиларга жалб қилмоқчиман: ушбу ҳеч нарсага ўхшамайдиган ижодда эслатиб ўтилган далиллар, айнан болаларни ейиш ва Маймун мусалласи ҳозирги Жюгуода ҳам ҳаддан ташқари муҳим, бу, айтиш мумкинки, унинг сирларини англаш қалитидир. «Жюгуодаги ғайриоддий ишлар ҳақида қайдлар»нинг муаллифи номаълум, илгари мен бу китоб ҳақида эшитмаганман ҳам. Сўнгги бир неча йилда уни рўйхатга қараб қўлма-қўл ўқиганлар ва миш-мишларга

караганда, шаҳар қўмитаси тарғибот бўлими уни олиб ташлаш ҳақида фармойиш эълон қилган. Шу боис ўйлайманки, китоб муаллифи – замондошимиз, у тўрт мучаси соғ ва Жюгуода истиқомат қиласди. Бунинг устига, асардаги бош қаҳрамоннинг ҳам исми шарифи Юй Ичи. Шу боис мана шу «Жюгуодаги файриоддий ишлар ҳақида қайдлар» унинг иши деган шубҳа йўқ эмас.

«Жаноб Юй Ичи, охири мени боплаб лақиллатдингиз-ку. Бир карасам, мусаллас дўконида югурдаксиз, бир карасам, балиқ тангачали ёш қаҳрамонсиз, гоҳ цирк труппасидағи қизиқчисиз, энди эса умуман рестораннынг даҳшатли ва бообрў бошқарувчисисиз. Сизнинг ҳаётингизда ҳақиқат ва тўқима бир-бiri билан чатишиб кетади, у турли-туман ўзгаришларга тўлиб-тошган – хўш, таржимаи ҳолингизни қандай ёzsак дейсиз?»

У баланд ва товланган овозда қах-қах уриб кулди. Паканинг жўжаларча жигилдонидан шундай сержаранг қах-қаха чиқиши кимнинг хаёлига келарди дейсиз. У телефон аппарати тугмачаларини савалай кетди, бундан унча катта бўлмаган электрон қурилманинг ичи, эҳтимол, ағдар-тўнтар бўлиб, кўзлари жимиirlab кетган бўлса, ажаб эмас. Энг нафис цзинъдэчжэнъ¹ чиннисидан ишланган пиёлани шифтга қараб улоқтириди ва пиёла чой билан бирга бутун олам тортишиш қонуни бўйича янада каттароқ тезлик билан пастга тушди, чой ва чинни парчалари қўй юнгидан тўқилган башанг кимматбаҳо гилам бўйлаб сочилди. Стол тортмасини тортиб, ундан бир даста рангли фотосуратни чиқарди ва юқорига итқитди. Ҳавода чарх уриб учаркан, улар бир гала ола-була капалакни эслатарди. «Бу аёлларни биласанми?» – мамнун холда сўради у. Мен ердан суратларни олдим-да, сукланиб томоша қила бошладим, юзимга сурбетларча уялганнамо ифода бердим. Жононлар бир-биридан малоҳатли эди, барчаси қипяланғоч ва қандайдир танишга ўхшарди. «Ислами орқада», – деди у. Дарҳакиқат, орқа томонида бу аёлларнинг қаерда ишлаши, ёши, исми ва у билан қўшилган санаси кўрсатилганди. Барчалари шу ерлик, Жюгуолик эди. Ўзининг кўпол гапларини ҳаққониятга айлантиришга жуда якин турарди.

¹ Цзянси провинциясидаги шаҳарча, хитой чинниси ватани.

«Хўш, номзод, бундай муваффақиятларга эришган тасқара пакана унга ҳайкал ўрнатиш учун муносибми, йўқми? Анови ярамас Мо келадиган бўлса, тезроқ келсин, акс ҳолда кечикади, палакат босиб, ўзимни ўлдириб қўйишим мумкин.

Менким, Юй Ичи, ёшим номаълум, бўйим етмиш беш сантиметр. Ёшлик йилларим камбағалчиликда ўтган, шаҳарма-шаҳар ва қишлоқма-қишлоқ армонсиз кезганман. Ўтра ёшларимда омадим чопгандан-чопди. Шаҳар Хусусий тадбиркорлар уюшмаси раиси. Вилоят даражасидаги меҳнат зарбдори. «Ярим аршин» ресторанинг бош бошқарувчиси. Жюгунонинг саксон тўққиз нозанини билан жинсий алоқада бўлганман, оддий банда тасаввур қилганидан кўра руҳан баландман, менинг қобилияти эса ҳар қандай одамнинг қобилиятидан афзал туради. Менинг таржимаи ҳолим дунёдаги энг ғаройиб китоб бўлади. Анави манфур Мо Янингга бориб айт, тезроқ бир ёқли қилсин – ёзадими ёки йўқми. Майли, бақириб айтмасин, шивирлаб айтсин, фақат аниқ қилиб тўғрисини айтсин!»

ОЛТИНЧИ БОБ

1

Четларига тилла суви юритилган дўзах дарвозаси шарақлаб очилди. «Кўланкаларнинг зим-зиё оламини қаранглар, афсоналарда уни худди шундай тасвирлайдилар! – таажжубланди Динг Гоуэр. – У заррин-зумуррад тусида, бир вақтнинг ўзида қуёшнинг қизил ва ойнинг кўкиштоб нуридан кўзни олар даражада чарақлаб турибди». Унинг тинчгина чайқалаётган танаси атрофида денгиз жондорлари – ранг-баранг нақшлар билан қопланган тошбақалар ва юмшоқ пайпаслагичли кискичбақалар гала-гала бўлиб сузиб юрарди. Бир ёркин товланувчи балиқча учли бурни билан унинг бавосилига тумшуқ уриб, моҳир проктолог шифокор сингари ириган тўқималарни кўчира бошлади. Узок танаффусдан кейин бош чаноғига ҳуш капалаги яна қанот қоқиб келди ва миясини салқинлик қуршаб олди. Maxsus ишлар бўйича терговчи бўкиб ичгандан кейин бутунлай ўчиб қолган бўлиб, мана, энди кўзини очди.



Ёнгинасида она қорнидан ҳозир тушгандай бўлиб ҳайдовчи қиз ўтиради ва қандайдир ачимсиқ ҳидли модда шимдирилган сочиқ билан ўзини ишқаларди – бу сочикдан у машинани артишда фойдаланарди. Маълум бўлишича, терговчи ҳам тик дараҳт ёғочидан килинган, одам башараси кўринадиган дараҷада ялтироқ пол устида қип-яланғоч ётарди. Миясига астасекин бўлиб ўтган воқеалар қалқиб чиқа бошлади. У туришга уриниб кўрди, лекин қўлидан келмади. Худди болани эмизишдан олдин оналар сийнасини артганидай ҳайдовчи қиз бошқа хеч нарсага чалғимай кўқрагини зўр бериб артарди. Унинг кўзларидан инжу доналари битта-битта думалаб тушмоқда эди. Юрагининг тубидан аллақандай илохий туйғу кўтарилиб кела бошлади. Терговчи бир нима демоқчи бўлди, бироқ ҳайдовчи қиз сапчиб келиб лаблари билан унинг оғзини ёпди. Атрофидаги бўшлиқда яна балиқларнинг қилтаноқлари сузар эди – улардан чиқаётган бадбўй ҳид ҳавода муаллақ осилиб колганди. Бўшлиқни тўлдириб турган мусаллас ҳовури эркакдан аёлга гувиллаб ўтаётгандек бир сезги ҳукмрон эди. Шу аснода терговчи ўзига келди. Қиз эса ғалати бир қичкирди-да, пол узра ёйилиб ётиб олди.

Чайқала-чайқала терговчи бир амаллаб ўрнидан турди. Боши айланар, кўз олди қоронги эди, йиқилиб тушмаслик учун деворни ушлашга тўғри келди. Азбаройи заифлик енгганидан вужуди тери қоплаб қўйилган бўшлиққа ўхшарди. Ҳозиргина қасқондан олинган балиқдай ҳайдовчи қизнинг баданидан буғ кўтарилади. Кейин бу баданни тер доначалари қоплади, улар йилт-йилт этиб, полга томарди. Қиз ҳиссиз ётарди, унга қараб юрагингиз ачишиб кетарди. Ачишиш шиддат билан заҳарли гиёҳга айланниб, ғовларди, аммо бу аёлнинг макри ва қаҳри терговчининг юрагини зада қилиб кўйганди. Ҳатто баъзи ҳайвонларга ўхшаб қизнинг устидан пешоб килиб юборайми ҳам деди, лекин ўша заҳоти бу жирканч фикрни миясидан ҳайдади. Жин Ганжуан ёдига келди, муқаддас бурч ёдига келди ва тишларини қисди: «Йўқол бу ердан! Сенинг хотининг билан ётиб туриши – кунда бўлиб турадиган иш, сизлар эса болалардан овқат пиширасизлар ва уларни ейсизлар – бу эса гоят оғир жиноятдир». У яна ҳайдовчи қизга кўз ташлади ва бу энди Жин Ганжуан-



нинг жисмоний интилишлари нишони эди. «Мен бу нишонни тешиб улгурдим ва адолат ўқи парвоз қилишида давом этмоқда». Динг Гоуэр жавонни очди ва ундан тўқ яшил рангдаги оврўпача юнг костюмини танлаб олди. Костюм бамисоли унга атаб тикилганда лоп-лойиқ келди. «Мен сенинг хотининг билан ётдим, – ўйлади у, – кийимингни кийдим, охир-оқибатда эса менга сенинг ҳаётинг керак». У ўзининг эски кийимидан тўппончани олди-да, чўнтағига жойлади. Музлаткичдан бир дона бодринг олиб еди. «Чжанъёй»дан оғзини тўлдириб ютиб олди.

Мусаллас гўзал аёлнинг баданидай майин эди. У чиқиб кетишига чоғланган ҳам эдики, ҳайдовчи қиз ўрнидан кўтарилиди ва курбақага ё эмакловчи болага ўхшаб, кўллари билан полга тиранганча тўрт оёқлаб туриб олди. Қизнинг кўзларида шундай ачинарли бир ифода бор эдики, Динг Гоуэр беихтиёр ўғлини эслади ва юрагида оталик меҳри жўш уриб кетди. Терговчи қизнинг олдига борди-да, эгилиб, бошини силади:

– Жажжигинам, бечора қиз.

Қиз унга меҳр билан қараганча оёқларини кучоқлаб олди.

– Мен кетаман, – деди Динг Гоуэр. – Эрингни кўлдан чиқарип юборишини истамайман.

– Мени ўзинг билан олиб кет. Уни ёмон кўраман, мен сенга ёрдам бераман. Улар болаларни ейди.

Қиз ўрнидан туриб, тезда кийиндию жавондан сарғиш кукуни шиша идишчани олди.

– Бу нима эканини биласанми?

Терговчи йўқ дегандай бош чайқади.

– Бола гўштидан қилинган кукун, қувватни оширади, уларнинг ҳаммаси буни истеъмол қиласади.

– Уни қаерда тайёрлашади?

– Шахар касалхонаси қошидаги маҳсус озуқа бўлимида.

– Тирик болаларданми?

– Бўлмаса-чи, тирик болалардан. Уларнинг йиғлагани эшлилиб туради.

– Унда кетдик касалхонага.

Қиз ошхонага борди-да, катта чопқи билан қайтиб келди.

Терговчи мийигида кулиб, ундан чопқини юлқиб олди-да, столга кўйди.



Хайдовчи қызы бирдан хандон отиб юборди, бу ҳозиргина тухум туғиб чиққан товукнинг қақақлашига, тош йўлдан юриб бораётган арава ғилдиракларининг тарақлашига ўхшаб кетарди. Кейин худди кўршапалақдай тағин йигитга ташланди. Нозик қўллар унинг бўйнига темир чамбардай ўралди, оёқлари билан эса ўшандай нафосат ила куймичидан кучоқлаб олди. Йигит уни ўзидан базур ажратди, бироқ қызы дапқур-дапқур унга ташланаверди, худди ҳайдаган билан кетмаётган ёмон тушга ўхшарди. Терговчи унинг ҳамлаларига чап берәётган маймундай у ёқдан-бу ёққа сакрашга мажбур бўлаётганди.

– Яна бир ёпишсанг, отиб ташлайман! – бўғиқ овозда босик қичкирди у.

Қызы қўркканидан унга тикилганча, бир зум қотиб қолди, кейин эса тўсатдан жазавага тушиб қичкирди:

– Қани, от, от! От, аблах, ҳайвон!

У кўйлагини сийнасидан шарт айриб юборди, сиёхранг шиша тугмача ўқдай отилиб полга урилди, қандайдир номаълум кучдан ҳаракатга келгандек аллақандай митти жонивор каби у ёқдан-бу ёққа думалай кетди. Унга на ернинг тортиш кучи, на ишқаланиш кучи таъсир қилмаётгандек. Унинг оёқ остида айланиб, пайпоги ва туфлисининг қалин тагчарми орқали оёғининг қитиғини келтираётгандек, терговчи жаҳл билан уни оёғи билан босди.

– Қанақа одамсан ўзи, ҳой қыз?! Сенга Жин Ганжуан шундай қил деб ўргатганми? – жисмоний яқинликдан кейинги қызга нисбатан ачиниш ҳисси гойиб бўла бошлаган, юмшоқлик ўрнини пўлатдай қаттиқлик эгаллаганди. – Бундоқ олиб қараганда, сен ҳам ўшаларнинг биттасисан, сен ҳам бола егансан, – нафрат ила тиши орасидан деди у. – Мени тўхтатиб колишга, тадқиқотимни йўққа чиқаришга фармонни сенга Жин Ганжуан берган.

– Қанчалик бадбаҳт аёлман... – пиқ-пиқ йиглади қызы, кейин эса чинакамига, титраб-қақшаб кўзларидан дув-дув ёш тўқа бошлади. – Беш марта ҳомиладор бўлдим ундан, ҳар гал бешинчи ойда у мени болани олдиргани касалхонага юбораверди... чала тушган болани ер эди...



У ўзини ҳар ёнга ташлаб йифлаганидан ҳозир ағдарилиб тушадигандек кўринарди. Терговчи шошиб унга қўлини чўзди ва шу заҳоти қиз унинг бағрига қулади. Оғзини унинг бўйнига аста текизиб, енгил сўргандек ҳаракат қилди, ке-йин бирданига тишлари билан томоғидан тишлади. Терговчи оғриқдан инграб юборди ва муштуми билан қизнинг қорнига зарба берди. Қиз қурбақадай «вак» дедиу полга қулади. Унинг тишлари қанчалик ўткирлигини терговчи биларди ва бўйнига қўлини текизганди, караса, бармоқлари қон. Қиз кўзларини чақчайтириб, юзтубан ётарди. Терговчи кетиш учун бурилган ҳам эдики, қиз сапчиб ўрнидан турди-да, кичқириб унинг йўлини тўсди:

– Мени ташлаб кетманг, акажон, қолинг, сизни бир ўпай...

Шунда терговчининг миясига бир фикр келди: у балкондан нейлон арқон келтирди-да, хайдовчи қизни стулга боғлаб кўйди. Қиз кутулиб чиқишга уриниб оёқ ва қўлларини типирчилатар ва чийилларди:

– Сотқин, хоин! Ўла-ўлгунча тишлайман, ўла-ўлгунча!

Терговчи рўмомчасини олди-да, уни қизнинг оғзига тикиди, бўйнидан тугун қилиб боғлаб кўйди. Сўнг қочиб кутулмоқчи бўлгандек уйдан югуриб чиқди ва эшикни зичлиб ёпди. Ичкаридан стул оёқларининг полга тақиллаб урилган овози қулоғига чалинди. Бу тиниб-тинчимас қароқчи қиз стул-пустули билан орқасидан отилиб чиқиб келишидан кўрқкандек туфлиси билан бетон зиналардан тақ-туқ босганча пастга отилди. Қиз яшаган уй унча баланд эмасга ўхшаганди, аммо зинапоя бамисоли чукур дўзахга олиб тушадигандек уни тобора пастга тортиб кетмокда эди. Бурилишлардан бирида у қаршидан чиқиб келаётган бир ёши катта хотин билан тўқнашиб кетди. Хотиннинг мешдай қорни айрон тўла саночга ўхшарди: ҳимарадиган жойи қолмаган, лиммо-лим қилиб тўлдирилган суюклиқдан бошқа ҳеч нарса сезилмасди. Хотин калта-калта, семиз қўлчаларини силкитди-да, орқаси билан зинага қулади. Киш ярми қазноқда ётган карам бошига ўхшаш кенг юзи оппоқ оқариб кетганди. Терговчи ўзининг шум қисматини болохонадор қилиб сўкканча бошида заҳарли замбуруғларнинг бутун бир оиласи ўсиб чиққандек ҳис қилди. У пиллапоялардан зина



майдончасига сакраб тушди-да, кампирга ёрдамға шошилди. Кампир күзларини юміб ётар ва юз оханғда мунгли чийилларди. Терговчининг виждони чидамади ва күттармоқ учун күлини кампирнинг белидан ўтказиб, эгилди. Зилдеккина экан, устига-устак, гоҳ у-гоҳ бу томонга оғиб кетмоқда эди. Азбаройи қаттиқ кучанганидан пешона томирлари ўқлоғдай бўртиб чиқди, ҳозир ёрилиб кетадигандек туюларди, бўйнининг хайдовчи қиз тишлаган жойи қаттиқ санчиб оғирди. Яхшияники, кўллари билан бўйнидан қучоқлаб, кампир унга ёрдам бериб юборди – охири бир амаллаб уни кўтариб турғазди. Бироқ ўзининг ёпишқоқ бармоқлари билан кампиршо айни ярадан ушлаб олсами, оғриқдан баданидан нақ қора тер чиқиб кетди. Кампирнинг оғзидан чириган олма хиди келарди. Ҳидга чидаёлмай, терговчи қўлини тортиб олди ва кампир ўша заҳоти шилқ этиб зинага ўтирди, шу туришида у тилларанг ловиядан килинган дирилламага тўла қопга ўхшарди. Шу заҳоти кўркўрони харакат билан унинг шимидан маҳкам ушлаб олди. Кампирнинг қўлларига балиқ тангачалари ёпишиб қолганди, у олиб келаётган пластик халтачадан эса иккита тирик балиқ – зогора ва илонбалиқ сирғалиб тушиб кетди. Зогорабалиқ бутун гавдаси билан эгилиб, зинапояда жон-жаҳди билан сакрарди, симга ўхашаш мўйловли илонбалиқ эса оғир ва сирли биланларди. Халтачадан чиқкан сув аввал бир, кейин иккичи зинани хўллаганча аста пастга қараб оқарди. Терговчининг кулоғига ўзининг овози чалинди:

- Қалайсиз, опажон, дурустмисиз?
- Белим синди, – деди тамшаниб кампир, – ичакларим ҳам узилган.

Кампир олган жароҳатларининг муфассал таърифини эшишиб, терговчи англадики, шўрлик бошига яна бир мусибат соя солиб турибди – афтидан, мусибатларнинг чек-чегараси йўқ эди. Мана шу зоғорабалиқдан кўра ҳам у кўпроқ омадсиз экан, илонбалиқ ҳам унга қараганда кўпроқ ютуқли вазиятда эди.

Хаёлига келган биринчи фикр шу бўлдики, у хайр-маъзурни насия қилиб, жуфтакни ростлаб қолиши керак, аммо бунинг ўрнига у кампир томонга энгалиб:



– Опажон, келинг, мен сизни касалхонага олиб бориб қўяй! – деди.

– Оёғим синган, – нолиди кампир, – иккала буйрагим эзилиб кетган.

Ич-ичида ғазаб жўш урадди. Бу ҳам етмагандай, зоғорбалиқ шалоп этиб оёғига урилди, у оёғини бир силтаган эди, балиқ темир тўсикка урилиб, учиб кетди.

– Балиқнинг ҳақини тўлайсан ҳали!

Терговчи биланглаб келаётган илонбалиқни ҳам тепиб юборди:

– Сизни касалхонага олиб бораман!

– Қанақа касалхонага! – бобиллаб берди кампир унинг оёқларидан ушлаб.

– Онажон, ахир белингиз синган, оёғингиз ҳам, ичакларингиз ҳам узилиб кетган, буйракларингиз эзилган. Хўш, касалхонага бормай, шу ерда ажалингиз етишини пойлаб ўтираверасизми?

– Ўлсам, сени ҳам ўзим билан олиб кетаман! – деди қатъий оҳангда кампир унинг оёқларига янада маҳкамроқ ёпишиб.

Терговчи уҳ тортди: нима қилсин энди? У зинага кўз югуртириб чиқди, нафаси ўчган зоғорбалиқ ва илонбалиқка нигоҳ ташлади, синиқ ойнадан кўриниб турган маҳзун сурранг осмон парчасига қараб қўйди. Нима қилса экан? Ташқаридан ич-килиknинг қуюқ хиди анқир ва кимдир жез идишни ураётгандек даранглаган овоз қулоққа чалинарди. Унинг вужуди муз котгандек чунонам ичгиси келмоқда эдики, асти қўяверинг.

Шу маҳал юкоридан маъюс кулги овози келди. Пошналар тақа-так қилди ва зинадан майда қадамлар билан гавдасини тараптутганча хайдовчи қиз стулни ортмоклаб тушиб келарди.

Терговчи хижолатли жилмайди. Қизнинг пайдо бўлишидан у пинагини ҳам бузмади, аксинча, мутлақо тескариси бўлди – у ҳатто суюнди ҳам. «Дардисар кампирдан кўра ёши маъқулроқ», ўйлади у. Жилмайгани шунга эди. Дарров енгил тортди, гўёқи тушқунликнинг зим-зиё қаърига умид қуёшининг кичик бир зарраси ёриб киргандек бўлди. У қизнинг оғзига тиққан рўмолча ямлаб ташланганди – терговчи

қизнинг ўткір тишиларидан беихтиёр янада күпроқ миннатдор бўлди. Стулга боғлаб кўйилгани учун у жуда ҳам секин юраётганди. Ҳар қадам ташлаганда стулнинг орқа оёқлари зинага тегиб кетаётганди. У қизга им қоқди, қиз ҳам унга им қоқди. Қиз кампирнинг ёнига етиб келиб тўхтади, худди йўлбарс думини у ён-бу ёнга ургани каби танаси билан бир тўлғаниб кўйди ва кампирни стул билан қарсллатиб уриб, кичкириди:

– Ол кўлингни!

Бошини кўтариб, кампир унга тикилиб қаради, қарғаннамо нимадир деб ямланиб гапирди, бирок кўлларини олди. Ўзи ва кампир ўргасида маълум масофани ўрнатиш учун терговчи ўша заҳоти бир неча қадам ортга чекинди.

– Лоақал бунинг ким эканини биласанми? – кампирдан сўради ҳайдовчи қиз.

Кампир бошини чайқади.

– Шахар мэри!

Кампир шошиб ўрнидан турди ва аъзойи бадани қалт-қалт титраб, зина панжараасига тиранди.

Кампирга қараб туриб, терговчи ўзини тутиб туролмади:

– Барибир сизни касалхонага олиб бораман, онажон, кўриб кўйишисин.

– Ундан кўра мени ечиб кўй, – талаф қилди ҳайдовчи қиз.

Йигит уни ечди ва стул зинага қулади. Қиз шишган кўлларини ишқалай бошлади. Терговчи бурилди-да, жуфтакни ростлаб қолди. Қиз унинг орқасидан чопгани эшитилиб турарди.

Эшикдан сакраб чиқиб кетаётганида кимдир қолдирган велосипедга урилди. Велосипед жангирлаб ва шарақлаб ерга учиб тушди, пиджаги тар этиб йиртилди, ҳайдовчи қиз эса орқадан унинг бўйнига арқон сиртмок ташлади. Сўнг арқонни шундай тортдики, сал бўлмаса, терговчининг нафаси бўғилаёзди.

Қиз уни ит ёки бошқа биронта жониворни етаклагандай кўчага олиб чиқди. Ёмғир шигалаб ёгар, томчилар кўзга келлиб тушар, ҳамма нарса тумандагидек хирадлашиб кетганди. Бўғилиб қолмаслик учун терговчи арқондан ушлаб олди. Юзининг қаршисидан қандайдир думалоқ нарса учиб ўтди. Аввалига кўркиб кетди, лекин кейин шалаббо бўлган, лойга

ботган тақирибош ўсмирни күрди – у футбол түпи ортидан чопиб борарди.

– Күйиб юборсанг-чи, хоним, ахир одамлар күрса, нима дейди, нега керак бу... – бурилиб ялинди терговчи.

Янада қаттиқрок кисиш учун қыз арқонни силтаб қўйди.

– Тағин қочиб кетмайсанми?

– Қочмайман, қочмайман, ўлай агар.

– Сени ташлаб кетмайман, сени ёнимдан қўймайман, деб онт ич.

– Онт ичаман, онт ичаман.

Қыз арқонни бўшатди, терговчи уни итқитиб ташлади ва ғазабига эрк бермоққа чоғланган ҳам эдикси, бирдан лўппи юзли қизнинг юмшоқ дудоқларидан юракка тегувчи сўзлар эшилди:

– Худди ёш болага ўхшайсан-а, рости! Агар ёнингда бўлмасам, ҳар қандай одам сенинг адабингни бериб қўяди.

Мутаассир бўлган терговчи ичига оқиб кирган илиқликни ҳис этди, шифиллаган ёмғир пардаси билан уни баҳт қамраб олди, бундан унинг мижжалари эмас, балки кўзлари ҳам намланди.

Майда ёмғир чор атрофни – уйларни ҳам, дараҳтларни ҳам майда қалин тўр билан ўраб олганди. Қыз уни қўлтиқлаб олганини ҳис этди. «Ширқ» этган овоз эшитилди – қизнинг иккинчи қўлида пуштиранг соябон очилди ва у соябонни боши узра кўтарди. Мутлако табиий ҳаракат билан у қизнинг белидан кучоқлаб олди ва ўз мажбуриятларига сўzsиз риоя этувчи ғамхўр ва хушёр эр каби соябонни қизнинг қўлидан олди. Бу соябон қаёқдан келиб қолди ўзи? Кўнглида яна ғулғула хуруж қила бошлиди, бироқ баҳт туйғуси уларни суриб ташлади.

Осмон тунд бўлганидан хозир эрталаб ё кундуз эканини билиш душвор эди. Соатни ҳалиги иблисвачча аллақақон ўмарид кетганди – вакт неча бўлганини ким ҳам айта оларди. Майда томчилар соябон матосига урилиб, эшитар-эшитилмас шитирларди. Бу товушлар машхур «Шато Икем» оқ мусалласи каби ҳам тотли, ҳам қайғули, юракни орзиктириб, ҳаяжонга солгувчи эди. Қизнинг белидан маҳкам кучоқларкан, у нафис шойи тунги кўйлак орқали муздек баданни ва диркиллаб турган илиқ қоринни ҳис этди. Улар бир-бирига маҳкам қапишиб,



Мусалласпазлик академиясининг энсиз бетон йўлкасидан ке-тиб борардилар, йўлк ёқалаб саф тортган падуб дараҳтлари-нинг япроқлари танноз аёлнинг очсариқ бўялган тирноқчалари янглиғ ялтилларди. Шахта билан ёнма-ён қад кўтарган терри-конлар сутдай оппок, қайнок буғ чиқариб нафас олар, атрофга куюқ ҳиди тараларди. Баланд қувурлардан отилиб чиқаётган паға-паға тутун ҳаво таъсири остида қора аждарҳога айланиб, паст осилиб тушган осмонда бир-бири билан айқаш-уйқаш бўлиб айланиб юради.

Академия худудидан чиқиб, улар спирт ҳидли оқ тутун билан қопланган чоғроқ дарё қирғоги бўйлаб ўсиб ётган толлар соясидан одимлаб кетиши. Паст эгилган шохлар дам-бадам нейлон соябонга суркалиб шитирлар, улардан йирик-йирик томчилар думалаб тушарди. Йўлкада хазон тўшалиб ётарди, улар ёмғирда ивиб, заррин товланарди. Терговчи қўққисдан соябонни ёпди-да, толларнинг қорая бошлаган шохларига тикилди:

- Жюгуога келганимга қанча бўлди?
- Мендан сўрайсанми? Мен кимдан сўрай?
- Йўқ, бунақаси кетмайди, – хўрсинди терговчи. – Зудлик билан иш бошлаш керак.
- Лабларининг бурчаклари билан жилмайиб, қиз кесатди:
 - Менсиз мирикиб тергов килиб олишинг учунми?
 - Айтмоқчи, исминг нимайди?
 - Ана, холос! – ҳайрон бўлди қиз. – Буни энди ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмайди! Мен билан ётиб турсин-да, исмимни билмасин.
 - Кечир. Мен сўрагандим, лекин сен айтмагандинг.
 - Ҳеч нима сўраганинг йўқ.
 - Сўрагандим.
 - Йўқ, сўрамагансан. – Қиз уни тепиб қўйди. – Сўра-магансан.
 - Бўлти, сўрамаган бўлсам, сўрамагандирман. Энди сў-раяпман. Хўш, нима экан исминг?
 - Сўрашнинг ҳам кераги йўқ. Кел, сен Хантер бўл-да, мен Маккол¹ бўла қолай, биз иккаламиз шериклармиз, қалай?

¹ Рик Хантер, Диidi Маккол – 80-йиллардаги Америка детектив сериали қаҳрамонлари.



- Бўпти, шерик, – у қизнинг белидан юқорироғига шапатилаб қўйди.
 - Энди қаёққа йўл оламиз?
 - Сен ростданам тергов ишлари олиб бормоқчимисан?
 - Сенинг эржонгинанг бошчилигида болаларни ўлдирадиган ва уларни тановул қиласидаги ҳаромхўрларнинг жинояткорона фаолиятини ўрганмоқчиман.
 - Сени бир одамнинг олдига олиб бораман, Жюгуода нималар бўлаётганини у миридан-сиригача билади.
 - Ким у?
 - Бир ўп, кейин айтаман.
- Йигит енгилгина унинг юзидан чўлп этиб ўпди.
- Сени Юй Ичининг ҳузурига олиб бораман, у «Яrim аршин» ресторанининг бошқарувчиси.

Улар ўшандай бир-бирини кучоклаганча Эшак кўчасига чиқишиди, қош қорайиб қолганди ва қандайдир ўзига хос, ҳайвоний туйғу терговчига күёш аллақачон тоғ ортига беркинганини, йўқ, энди беркинаётганини айтгандек эди. Тасаввур кучи билан у кечки шафақнинг ажойиб манзарасини кўз олдига келтириди: жуда катта баркаш шиддат билан ерга интилади, унинг сонсиз нурларидан уларнинг томлари ҳам, дараҳтлар ҳам, йўловчиларнинг юzlари, Эшак кўчасининг ялтироқ яшил тош плиталари ҳам муңг рангига бўялган қаҳрамон учун қандайдир боши берк кўча бўлиб кўринади.

Чу салтанатининг мустабид шохи Сян Юй бир кўлида найза, иккинчисида кудратли суворий юганини тутган кўйи Уцзян дарёсининг кечаю кундуз тошиб турувчи долғаларига қараганча кирғока қимир этмай турарди. Аммо ҳозир Эшак кўчасида күёш йўқ ва терговчи шигалаб ёғаётган ёмғирга шўнгийди-да, маҳзун ва ғамгин хаёлларга берилади. У бирданига ўзининг Жюгуо сафари мутлако бемаъни, бошдан-оёқ ёпишмаган иш эканини англаб қолди, бундан фақат кулгига қолиш мумкин, холос. Ифлос хандақда бир жойга ғуж бўлиб, кўча фонусларининг хира ёғдусида яшилтоб, жигарранг ва кулранг жилваланиб, катта чирик қарам боши, ярим бош саримсоқпиёз ва мужилган эшак думи сузид юрибди. «Мана шу учта жонсиз буюмнинг ҳаммасини таназзулга юз тутган



сулола яловига тимсол қилиб олишим, – дилгир хаёллар сурарди терговчи, – ёки ўзимнинг қабртошимга ўйиб туширишм жоиз бўлур эди». Фонусларнинг сариқ нурида майдалаб ураётган ёмғир ипак толаларидек ҳар томонга қараб учарди. Пуштиранг соябон оппоқ пашшакуш замбуруғни эслатарди. Ҳаво совиб, қорни очқади – хандақдаги сарқитларга кўзи тушгани ҳамон шуни хис қилди. Айни вақтда шимининг орқаси ва пасти аллақачон ивиганини, туфлиси лойга ботганини, уларда ҳар одим ташлаганида сув ғўрқиллаб чиқишини сезди – дарё ўтлари орасида сувилонлар шунақа овоз чиқариб сузади. Бунга кўшимча тарзда ҳайдовчи қизнинг муздек танасидан қўли кесак бўлиб қолганди, кафти эса қизнинг қорнидаги ёқимсиз кулдирашни сезиб турарди. Биргина тунги кўйлакда ва латта тагчармли патли шиппакда қиз лой ва сувларни шалоп-шулуп кечганча кетиб бораркан, у ўзи кўрмаётганга, балки икки иркит мушук кўтариб олиб кетаётганга ўхшарди. Миясига эркаклар ва аёлларнинг узок давом этган муносабатлари синфий кураш тарихига ўхшайди, деган фикр келди: гоҳ эркаклар, гоҳ аёллар ғолиб келади, аммо ғолаба қозонган тараф айни дамда мағлуб бўлади. Ҳайдовчи қиз билан унинг муносабати ҳам гоҳ «сичқон-мушук», гоҳ «эркак ва ургочи бўри» ўйинига ўхшайди. Бир қарасанг, ялашиб-юлқашган, бир қарасанг, бир-бирининг гўштини еган; ювошлиқда ҳам, ёвузиликда ҳам уларга тенг келадиган йўқ – тарози палласи доим тенг туради. Мана бу бечора қиз, ха, у чиндан бечора эди, роса совқотган бўлса керак. Тирсиллаган ва ҳаяжонга тўла кўкраги энди узоқ вақт сакланган мева – фўра банаң ёки кўк олмага айланганди.

– Совқотдингми? – ахмоқона савол терговчининг оғзидан чиқиб кетди, шу заҳоти кўшимча қилди: – Балки бирпасга сенинига қайтармиз, исиниб олиб, кейин қидиувни давом этти-рармиз, нима дейсан?

– Йўқ! – деди қиз совуқдан тишлари такиллаб, карахт бир холатда инграниб.

– Сени совуқ олдириб кўймасам деб қўрқаман.

– Йўқ!

«Ўзининг яқин жанговар дўсти Макколнинг қўлидан тутганча изкувар Хантер майдалаб ураётган ёмғир остида, изғиринли куз тунида Эшак кўчасидан шошмай одимлаб

бормоқда...» Бу сүзлар тизмаси унинг миясида видео экранидаги караокедек милтираб ўтди. У – азамат ва жасоратли эркак, шериги – қийиқ, гоҳо ювош ва меҳр булоғи қайнаган аёл. Эшак кўчасида зоғ учмайди, чукурчаларда тўпланган сув хира ойнадек элас-элас йилтиллаб кўринади. У неча кундирки, Жюгуда ва унинг атрофида ивирсиб юрибди, лекин шаҳарнинг ўзи жумбоклигича қолмоқда, тунги шаҳар эса, алалхусус. Мана, охири у қоронғи тун кўйнида бу сирли шаҳарчага қадам кўймоқда ва кўхна Эшак кўчаси унинг кўз ўнгидаги ҳайдовчи кизнинг оёқлари орасидаги илоҳий сўқмоқдай намоён бўлади. У шу заҳоти бу қадар аҳмоқона иттифоқ учун ўзини қаттиқ койиди, бироқ рангпар ўсмир мисоли бетизгин хоҳиш тазиики остида миясида тинимсиз айланниб турган мана бу тасаввурнинг кушандаси бўлмиш қиёфадан ажралишга кучи етмади. Ҳайратомуз хотиралар бостириб келди ва ҳайдовчи қиз – тақдир берган азоб, уларнинг жисмлари оғир занжир билан боғлаб ташланган деган тушунча билинар-билинмас шаклла-на бошлади. У қизга нисбатан қандайдир туйғуни хис этмоқда эди – билиш қийин: нафратми бу ёки ачиниш, ёхуд кўркувми, – бу асли севгининг ўзи эди.

Фонуслар ҳаккам-дуккам учтарди, кўчанинг ҳар иккала томонидаги дўкончаларнинг кўпи ёпиқ. Аммо уларнинг ортидаги саҳнларда чироқлар ёник. Гоҳ унда, гоҳ бунда босиқ тўқиллаган овоз қулоққа чалинарди ва терговчи англолмай боши қотди – нима қилишаётганийкин?

– Эшакларни сўйишияпти, – шу заҳоти аста ирод қилди ҳайдовчи қиз.

Тош йўл бир соат ичидәёқ сирпанчиқ бўлиб қолганди, ҳайдовчи қиз сирпаниб кетди ва орқага ағдарилиб тушди. Терговчи унинг кўтаргани отилди ва у ҳам қизнинг ёнида чўзилиб қолди. Соябон синди ва қиз уни хандакқа улоқтириди. Майда ёмғир шивитга айланди. Тишлар орасидаги ёриклардан муздек шамол гувиллаб кира бошлади. Динг Гоуэр тезроқ юришни таклиф қилди. Энсиз ва зулматли Эшак кўчаси жиноятчилар уясидек юракка вахима соларди. «Маъшуқасининг кўлидан тутганча терговчи йўлбарс уяси томон яқинлашиб борарди» – бундан бошқа таъриф бериб бўлмайди. Кўп ўтмай «Ярим аршин» ресторанининг неон чироқларидан товланган



лавхаси күзга ташланди, бироқ шу топда қора юнгларини ялтиратиб, йўлни эшакларнинг бутун бир подаси тўсиб чиқди.

Эшаклар зич уймалашиб олди. Йигирма бешта бўлса керак, чамалади у, ҳаммасининг ранги бирдек қоп-қора, бир туки ўзгамас. Семиз-семиз, юzlари ёқимтой, шунга қараганда ёш бўлса, эҳтимол. Совуқданми ёки Эшак кўчасини чулғаган коронғидан кўркканиданми, улар кучлари борича бир-бирига кисиларди; орқадагилари эса қисиб келиб, ўртадан биттасини, албатта, суриб чиқаарди, Эшак териларининг бир-бирига ишқаланиб чиқкан овози баданга нинадай санчиларди. Терговчи эшаклардан бири бошини хам қилиб, бошқаси тумшугини осмонга қилиб олганига эътибор берди. Лекин барчалари катта-катта, юмшоқ қулоқларини диккайтириб олганди. Шу тариқа бир-бирини сиқиб, эшаклар олдинга ҳаракат қиласарди. Туёклари дуп-дуп қилиб, тош плиталарда сирпаниб-сирпаниб кетарди ва бу товушлар қарсакларга ўхшарди. Эшаклар подаси ҳаракатдаги қум тоғлари монанд уларнинг олдига келиб қолганди. Орқадан шошиб келаётган аллақандай боланинг кораси кўринди. Шошманг, шошманг, ахир бу унинг бор будини қоқишириб кетган ўша тангачали бола эмасми? Бироқ Динг Гоузр бир нима деб қичқиргунича, болакай бармоғини оғзига сұқди-да, қаттиқ хуштак чалди. Бу хуштак ўткир пичоқдай тун пардасини кесиб юборди ва эшаклар бошларини кўтариб, ҳанграй кетди. Терговчининг эсида қолган бир нарса шу эдики, қичқириққа тўлиқ эътибор бериш учун эшаклар ҳар доим оёқларини ерга тираб, бошларини кўтариб олади, булар эса юриб келаётib ҳанграётганди. Бу ғалати ҳолдан терговчининг юраги ҳатто бир тутам бўлди. Ҳайдовчи қизнинг кўлини кўйиб юбориб, эшакларни ҳайдаб келаётган қора болакайнин тутиб олиш ниятида жасорат билан олдинга ташланди, бироқ шу заҳоти бутун гавдаси билан ерга шалоплаб ағдарилди, бошининг орқаси яшилтоб плитага урилди. Кулокларида ғалати визиллаган товуш янгради, кўз ўнгидага эса иккита катта-катта сарик доира ўйнай кетди.

Унинг яна кўриш қобилияти тикланиб, кўзлари кўра бошлаганда эшаклар подаси билан чўпон боладан ном-нишон колмаганди. Рўпарасида фақат кимсасиз ва хувиллаган Эшак кўчаси ястаниб ётарди.



– Қаттиқ тушдингми? – меҳрибонлик билан сўради унинг қўлларини маҳкам ушлаб олган ҳайдовчи қиз.

– Ҳечқиси йўқ.

– Нима бўлганда ҳам қаттиқ урилдинг, – ҳиқ-ҳиқ йиглади қиз. – Миянг чайқалган бўлса керак...

Шу сўзлардан кейин у боши ростданам оғриқдан тарс ёрилгудек бўлаётганини хис этди, кўз олди эса худди фотонегативга ўхшарди: кизнинг сочи, кўзи – ҳамма-ҳаммаси симобдай оппоқ эди.

– Омон қолмасмикансан деб кўрқаман...

– Бу қанақаси, «омон қолмасмикансан», мен текширувни энди бошлайпман-ку! Нега ажалимдан беш кун бурун ўлдирмоқчи бўласан?

– Ким ўлдирмоқчи бўляпти? – чийиллади қиз. – Мен «омон қолмасмикансан» дедим, холос.

Бошининг зиркираб оғриши суҳбатни давом эттиришни йўқка чиқарди. Йигит кўлини узатди ва сулҳ маъносида қизнинг юзидан силаб қўйди. Кейин кўлини унинг елкасига қўйди. Худди жангдаги санитар аёлга ўхшаб, қиз унинг кўчани кесиб ўтишига ёрдам бериб юборди. Тўсатдан бежирим лимузиннинг чироқ кўзлари порлади, улов йўлкадан оҳиста бурилди, ҳар иккаласи ёрқин чироқ нурлари остида қолди. «Бизга сунқасд қилишишмоқчими?» У куч билан ҳайдовчи қизни итариб юборди, аммо қиз иккала қўли билан уни янада маҳкамроқ қучоқлаб олди. Аслида бунда ҳеч қанақа сунқасддан номнишон йўқ эди: лимузин кўча юзига чиқиб олди-да, парвоз қилгандек кўздан ғойиб бўлди. Мотор қувурчасидан отилиб чиқкан оппоқ тутун парчаси қизил габарит чироқлари ёғдусида жуда чиройли кўринарди.

Мана, нихоят, «Ярим аршин» ресторани ҳам келди. У ерда ҳашаматли зиёфат берилаётгандек ҳамма ёқда чироқлар порлаб турарди.

Гуллар билан безатилган катта эшикнинг ҳар икки тарафида бўйлари бир метр ҳам келмайдиган иккита дастёр қиз турибди. Эгниларида бир хилда оч қизил либос, бир хилда баланд соч турмаги, бир-бирига ўхшаш чехраларда эса бир хилдаги табассум. Улар шу қадар ўхшаш эдики, ҳақиқий эмасдек, пластик ёки ганчдан ясалган ҳайкалчалардек кўринарди.



Уларнинг орқа томонидаги янги очилган гуллар шу қадар чиройли эдики, улар ҳам хақиқий эмасдек – ҳаддан ташқари гўзаллиқдан ҳаётийлик сезгиси бой берилади.

– Хуш келибсизлар, сизларни кўрганимиздан мамнунмиз.

Чой рангидаги шиша эшиклар ланг очилди.

Танобийда шиша тахтачалар билан қопланган устунда у кўриниши бежо, лойга беланган аёл ушлаб турган кексароқ бир эркакни кўрди. Бу ҳайдовчи қиз иккаласининг акси эканига ақли етгач, терговчининг тарвузи қўлтиғидан тушди ва чиқиб кетишга чоғланган ҳам эдики, уларнинг олдига ақл бовар қилмас тезлик билан қизил либос кийган болакай сирпаниб келди – ўзи алпон-талпон юрадиганга ўхшарди. Унинг чийилдоқ овози қулоққа чалинди:

– Жаноблар, овқат ейдиларми ё чой ичадиларми? Рақс тушидиларми ё караоке куйлайдиларми?

Болача терговчининг базўр тиззасидан келарди, шу боис бирлари бошини кўтаришга, бирлари эгилишга мажбур бўлдилар. Улар бир-бирининг юзига қараб турар эдилар – катта ва кичик. Шундай бўлдики, терговчи унга тепадан туриб қарайди ва бу қандайдир лаҳзага маъюс кайфиятнинг олдини олишга ёрдам берди. Болачанинг юзида у қандайдир ёвуз ифодани пайқади, бундан орқаси муздай жимирилаб кетди. Ўз қадр туйғусига тўла, ресторандаги барча хизматчи ходимларга ўргатиладиган енгил табассум ортида адоват барибир сезилиб туради. Бу сиёҳнинг паст навли шоли қоғоз орқасига ўтиб кетганига ўхшайди.

– Ичимиз ҳам, овқатлангимиз ҳам келиб турибди, – олдинга сапчиб чиқди ҳайдовчи қиз. – Мен – бошқарувчингиз, жаноб Юй Ичининг самимий ўртоғиман.

– Мен сизни таниб турибман, хоним. – Болача эгилиб, чуқур таъзим қилди. – Илтимос, тепада алохида хона мунтазир.

Шундай дея уларни бошлиб кетди. Йўл бўйи терговчи бир нарсадан таажжубда эди – бу болакай «Фарбга саёҳат»даги митти иблисларга бунча ўхшамаса. Ҳатто унинг кенг шалвари ичиди тулки ёки бўри думи яширингандеги ўхшарди. У билан ҳайдовчи кизнинг пойабзали ялтиратиб тозаланган мармар полда акс этар ва янада ифлосроқ кўриниб кетмоқда



эди. Ўзининг номуносиб кўринишидан терговчи уялиб кетди. Танобийда бир нечта ясан-тусан қилган аёл келбатидан куч ёғилиб турган эркаклар билан кучоқлашиб рақс тушарди. Баланд стулда ўтирган қора фрак ва оқ капалакнусха бўйинбоғдаги пакана рояль чаларди.

Ҳамроҳлар ўзларининг йўлбошловчиси билан айланма зиндан тепага кўтарилишди ва дид билан жиҳозланган хонага киришди. Уларнинг олдига икки нафар митти дастёр қиз таомнома билан югуриб келди.

– Бошқарувчи Юйни таклиф қилсангиз, – деди ҳайдовчи қиз, – айтинг, «тўққиз рақами» келди, денг.

Улар Юй Ичининг келишини пойлаб ўтиришаркан, ҳайдовчи қиз ҳеч бир хижолатсиз шиппакларини отиб юбордида, лой оёкларини юмшоқ гиламга арта бошлади. Хона иссиқ бўлганиданми, унинг бурни ачишиб, бир неча марта қаттиқ-қаттиқ акса урди. Бир гал у акса урмаса бўлмайдиган ҳолда эди ва у ўзига ёрдам бериш учун бошини орқага олди, юзини чироқнинг ғашга тегувчи ёругига қўйди, кўзларини юмниб, оғзини очди. Қизнинг бу кўриниши терговчига ёқмади: бу ишқий эҳтиросга берилиб, ҳангининг моча пешобини ҳидлаганига ўхшаб кетарди.

Аксалар оралиғидаги танаффусларда терговчи ғижиниб гапириди:

- Нима бало, баскетбол ўйнаганмидинг?
- Апчу!.. Нима дединг?
- «Тўққиз рақами»га бало бормиди ҳозир?
- Мен унинг тўққизинчи ўйнаши эдим... Апчу!

2

Устоз Мо Ян, ассалому алайкум!

Мен Сизнинг мулоҳазаларингизни жсаноб Юй Ичига етказдим ва у мамнун бўлиб: «Нима бўлти? У менинг ҳасби ҳолимни ёзишига киришишади, деб айтмаганмидим, мана, киришишибдику», деди. Кўшиимча қилиб яна айтдики, «Ярим аршин» ресторанинг эшиклари Сиз учун ҳамиша очиқ экан. Яқинда шаҳар ҳокимияти унга пардоз ишлари учун озмунча маблаг ажратмабди, у ростдан суткасига йигирма тўрт соат иши-



лайди, жиҳозларга бой – бошдан-оёқ дабдабаю асъаса. Энг камтарона баҳолар бүйіча у аллақачон уч юлдузларға етиб олган... Улар яқында бир гурух японларни қабул қилишганди, қысталоқлар вактни яхши ўтказғанларидан шунчалық хұрсанد бўлишидик, уларнинг раҳбари «Турист» журналига дастхат ҳам ёзди ва ресторанга энг яхши тавсия тақдим этди. Шу боис Жюгуга келсангиз, «Ярим аршин» ресторанида бир чақа ҳам тўламай, ҳаёт гаштини сурасиз.

Сизга юборилган «далил адабиёти» руҳидаги «Ярим аршинлик қаҳрамон» ҳикоясига келсак, у ерда менинг қаламим ярагандан-яйради. Хатимда тушуңтириб айтгандимки, бу асарни Сизга совга қилиб топшираман, Сиз унга мақолаларингизни ёзганингизда мурожсаат қила оласиз. Танқидий фикрларингизни жоним билан қабул қилдим. Камчилигим – тасаввуримнинг ҳаддан ташқари бойлигиdir, шу боис кўпинча дуч келган нарсаларни баён этаман, қандайдир зиддиятли нарсаларга бериламан-да, адабиётнинг асосий тамойилларидан четга чиқиб кетаман. Ўч олии ва адабий меъёрларга мувофиқ ёзиш учун бутун юрак қўримни бериб, энди танқидингизни маълумот сифатида қабул қиласман.

Устоз, яқин вактлар ичидә Сиз Жюгуга келасиз деб умид қиласман. Агар бу ерда бўлмаган бўлса, ер юзида яшовчи ҳар бир инсон беҳуда яшабди, дейши мумкин. Октябрда Маймун мусалласининг биринчи фестивали очилади – мисли қўрилмаган улуг воқеа бўлади, ўшанда бутун ой давомида ҳар куни қизиқ бир нарса бўлиб ўтади ва Сиз буни ўтказиб юбормаслигингиз керак. Келаси йилда, албатта, иккинчи фестиваль бўлиб ўтади, аммо биринчисидек у қадар улугвор бўлмайди, таъбир жоиз бўлса, биринчисига етишиши имкониятини кўрмайсиз. Барча сирларини бишб олии ва Маймун мусалласини яратиш учун қайнотам уч йил шаҳардан жаңубдаги Байюанлин тогида маймунлар орасида яшади ва сал бўлмаса, ақлдан озаёзди. Бироқ яхши асар ёзолмаганинг каби Маймун мусалласини бошқача йўл билан яратолмайсан ҳам.

Сизга керак бўлган «Жюгудаги гайриоддий ишлар ҳақида қайдлар» китобини қайнотамдан олиб, бир неча марта ўқиб чиқдим, лекин кейинчалик уни топиб бўлмади. Мен шаҳар қўмитасининг таргигбот бўлимидағи ошналаримга қўнгироқ

қилдим ва қандай қилиб бўлмасин, Сиз учун бир нусха тошини илтимос қилдим. Бу китобчада бадниятли ишоралар тўлиб-тошиб ётибди ва уни бизнинг замондошимиз ёзганига шубҳа йўқ. Аммо бу Юй Ичи экани савол остида қолмоқда. Наздингизча, бу Юй Ичи деганлари чала фаришта ва чала иблис бир зот. Уни Жюгуда бир маломат қиласалар, бир кўкларга кўтарадилар, аммо-лекин у – пакана, оддий одамлар у билан очиқчасига олишолмайдилар. Шу боис уни ҳеч нарса тўхтатолмайди ва у кўнглига келганини қилаверади. Афтидан, у ўзида инсоний яхшилик ва инсоний ёмонликни шу қадар ривожлантириб олганки, бу хислатлар унда бор бўйича намоён бўлади. Камтарона истеъдод ва чекланган билимга эга Сизнинг шогирдингиз бу одамнинг ички дунёсини қамраб ололмайди. У ерда олтин бор, фақат бу олтин Сизнинг қачон келиб, қачон уни қўлга киритишингизга мунтазир, устоз.

...Ушибу мактубимга қўшиб ўзимнинг «Ошпазлик санъатидан сабоқлар» деган яна бир асаримни юбормоқдаман. Ушибу асарга қўл уришидан илгари мен бугунги кунда оммавийлашган «неореализм» услугида ёзилган деярли ҳамма нарсанни ўқиб чиқдим, муаллифлардан энг яхши нарсаларни олишига ва ўзимча ўзгартиришига ҳаракат қилдим. Устоз, ҳамон умид қилиб айтаманки, Сиз бу асаримни «Фуқаро адабиёти» муҳаррирларига ҳавола этишида ёрдамингизни аямайсиз, зоро, биламан: уларга ўз ишларимни тақдим қилишида давом этарканман, нефрит кошоналарда ва ёқут қасрларда истиқомат қиласидиган ва ҳар куни сочини тараидиган, Чан Эни кузатии имкониятига эга бўладидиган ушибу фаришталарнинг юракларини эза оламан.

Беташвии ижод тилайман!

Хурмат ила

шогирдингиз Ли Идоу

3

«Ошпазлик санъати сабоги»

Қайнонам ўрта ёшлардаги гоят мафтункор хоним бўлиб, ҳали аклу фаросатига путур етмаган, сохибжамол аёл эди. Бир вақтлар у ўз қизидан кўра ёшрок, ёқимлироқ ва шахвонийроқ



эди. Унинг қизи – менинг хотиним – фирт нодон эди, аммо бу хақда баъзи гапларни айтиб ўтмаса бўлмайди. Хотиним «Жюгую жибао» рўзномаси маҳсус рукнлари бўлимида ишлайди ва кескин фикрлар келиб чиқишига сабаб бўлувчи озмунча долзарб интервьюолар чоп этмаган. Жюгую – унча катта шаҳар эмас, хотиним эса, айтиш мумкинки, таниқли шахс эди. Хотинимнинг юзи буғдойранг ва қотмадан келган, сарғиши сочлари худди занг босганга ўхшарди, оғзидан эса айнигандан балиқ ҳиди анқиб туради. Қайнонам тўладан келган, нафис бадани оппок, сочлари мойлаб қўйилганда қоп-кора эди, оғзидан эса Худонинг бермиш куни қовурилган гўштнинг ёқимли ҳиди гупуриб туради. Хотиним билан қайнонам ўртасидаги ҳайратомуз бу тафовут, агар уларни ёнма-ён қўйилса, муқаррар тарзда синфий кураш ҳақида ўйлашга мажбур этарди. Қайнонам бой одамнинг емак-ичмагидан ғами йўқ чўрисига, хотиним эса кўл учидаги кун кўрувчи қашшоқ дехқоннинг қизига ўхшарди. Шунинг орқасидан хотиним билан қайнонам бир-бирини шунақангидан ёмон кўтардиди, уч йилдан бўён гаплашишмайди. Хотиним таҳририят хонасида тунаб қолишни афзал биларди, ишқилиб, уйга келмаса бўлгани. Ҳар гал қайнонамни кўргани борганимда шунақангидан жазавага тушардиди, дунёдаги энг ифлос сўзлар билан ҳақоратларди, бу сўзларни коғозга тушириб бўлмайди, бамисоли мен унинг тукқан онаси ҳузурига эмас, фоҳишини кига боргандайман.

Нафси заминини айтганда, ўша вактда кўнглимда қайнонам билан боғлик хира хаёлтлар туғилганди, лекин бу ноҳуш фикрлар минглаб йўғон пўлат занжирлар билан кишанбанд этилганди ва уларни ривожлантириш ёки ҳаётга татбиқ этишнинг асло иложи йўқ эди. Хотинимнинг қарғишилари эса бамисоли туриллаган оловдай бу занжирларни куйдириб юборарди. Бир куни менини ҳам тутиб кетди:

– Башарти, қачондир мен онанг билан бирга ётгудек бўлсам, ҳаммасига сен айбдор бўласан.

– Нима?! – тутақиб кетди хотиним.

– Агар сен эсимга солмаганингда, гўзал хотиннинг куёви билан ишқий ўйин ўйнаши мумкинлиги хаёлимга келмаган бўларди, – узиб-узиб олдим. – Онанг билан мени ёшимиз ажратиб туради, орамизда қон-қариндошлик риштаси йўқ.



Дарвоқе, яқинда рўзномангида бир гоятда мароқли мақола чоп этилганди, унда Жэк исмли нью-йорклик бир йигит ҳақида гап боради, у хотини билан ажрашиб, қайнонасига уйланади.

Хотиним қаттиқ чинкирди, кўзлари косасидан чиқди ва ҳушдан кетиб йиқилди. Дарҳол унга бир челак совуқ сув сепдим ва занглаган михни бурни ва юқори лаби ўртасига ҳамда бошмалдоғи билан кўрсаткич бармоғи ўртасига қададим. У менга кўзларини чақчайтириб қараганча ерда ётарди, энгил-боши хўл, лой-луй, худди қуриб қолган дараҳт танаасига ўхшарди. Кўзлари ялт-юлт қиласи, ғазабдан алангаланар, бу билан мени gox ўтга, gox сувга ургандек бўларди. Отилиб чиқаётган ёшлар қулоқлари томон жилдиради. Шу лаҳзада миямга келган ягона нарса шу бўлдики, кўлимдан келганча ундан ялиниб бўлса ҳам, ёлвориб бўлса ҳам кечирим сўраш, бас.

Уни жоним-жонимлаб ва кўнгилни бехузур қилувчи бадбўй ҳиддан бурнимни жийириб, мен унинг лабларини ўпдим. Димогимга эса қайнонамнинг лабларидан анқиб турувчи қовурилган гўшт хиди урилди. Бир қултум брендидан ютсангда, шу лаблардан бўса олсанг – дунёда бундан ўтадиган лаззатли ширинлик бўларканми. Бир бўлак қовурилган гўштни газак қилиб, бренди ичган билан баравар-да. Шуниси қизикки, йиллар бу лаблардан ёшлиқ жозибасини йўқотолмаганди, улар лаббўёқсиз ҳам ёқутдек товланиб, хўллигидан ширин тоғ узуми шарбати томиб турганга ўхшарди. Қизининг лабларини эса ҳатто шу узум пўстлоғи билан ҳам киёслаб бўлмасди.

– Мени аҳмоқ қиласман деб ўллама, – ингичка овозда чиyllлади хотиним. – Биласман, сен онамни севасан, мени эмас. Онамни севганинг учун ҳам менга уйлангансан. Мени онамнинг ўрнига алмашгансан, холос. Мени ўпасан-да, онамнинг лабларини тасаввур қиласан, мен билан ишкий ўйин қиласанда, онамнинг бадани ҳақида ўйлайсан.

Унинг сўзлари ўткир пичноқдай кескир эди. Фифоним фалакка чиқди, бироқ ясама жаҳл билан унинг юзидан енгил уриб кўйдим-да, дедим:

– Нималар деб алжираяпсан, жоним?! Оғзим бор деб ҳар нарсани гапираверасанми? Нималар келмайди хаёлингга, тав-



ба! Нуқул алахсирайсан. Одамлар эшитса, ўлгудай кулишади-ку. Онанг билиб қолса, ёмон жаҳли чиқади... Мусалласшунос-лик номзоди, обрўли одам, бундай қилиш учун одамда на уят, на виждан қолиши, ҳайвондан ҳам бадтар бўлиши керак.

– Бирорнинг кўзига чўп солиш бундан ортиқ бўладими? Аммо сен шуни хоҳлайсан! Балки сен ҳеч қачон бу ишни килмассан, аммо-лекин ҳар доим шуни ўйлайсан. Кундузи ўйламасанг, тунда ўйлайсан; бедорликда ўйламасанг, ухлаганингда ўйлайсан; тириклигингда қилмасанг, ўлганингдан кейин қиласан!

– Бу билан мени ерга уряпсан, – сакраб турдим, – онангни ерга уряпсан, ўзингни ўзинг ерга уряпсан!

– Қизишма. Бир вақтнинг ўзида ширин гапларни гапириш учун юзта оғзинг бўлганда ҳам барибир мени алдаёлмайсан. Ох, нима деган одам бўлдим, нега яшаб юрибман! Тўсиқ бўлиш учунми? Мени ёмон кўришлари учунми? Мени айбдор санашлари учунми? Ўлмоғим керақ, тамом, ўламан – ҳаммаси тамом бўлади... Ўламан, ана ундан кейин кўнглингизга келганини килинглар. – Хотиним эшак туёкларида қаттиқ муштумларини ўйнатганча сийналарини дўппослай кетди.

Ҳа, ҳа, у юзтубан ётарди ва қуриб қолган кўқрак қафасида факат бир-бирига ўхшаган икки қора хурмо – сийналар кўриниб турарди. Қайнонамнинг сийналари-чи – гуч, дуркун кизлардай; куримаган ҳам, шалвирамаган ҳам. Ҳатто қалин тўқимали юнг свитер тагидан ҳам улар тоғ чўққиларида қаттиқ тутиб чиқкан. Қайнонам ва хотинимнинг соҳт-сумбати бутунлай бир-бирига тескари ва ана шу тафовут күёвни гуноҳ жари ёқасига келтириб кўйганди.

– Бунда менинг нима айбим бор ўзи? – ўзимни тутиб туромай ўшқириб сўрадим.

– Мен сени эмас, ўзимни айблаяпман.

Муштумларини ёйиб, у ўзининг товук тангаларига ўхшаш кўллари билан эгнидаги кийимларини йиртишга тушди. Тугмалар ечилди ва сийнабанди кўзга ташлана бошлади. Эй Худойим-еў! Шу ҳолига тағин сийнабанд таққанига ўлайми?! Ахир бу оёқсиз одамнинг этик кийганига ўхшайди! Унинг қоқ суюқ, қуриб қолган сийналарини кўрмаслик учун мен ҳатто тескари ўгирилдим.



– Бўлди қил. Тентаклик ҳам эви билан. Ўлмайсан, ўлсанг, отанг нима бўлади?

Кўллари билан полга тираниб, хотиним туриб ўтириди ва кўзлари бежо чакнади:

– Менинг отам сизлар учун бир баҳона, унга мусалласдан бошқа нарса керакмас. Мусаллас, мусаллас ва яна мусаллас! Ҳатто хотинидан ҳам унга мусаллас азиз. Отам тузук одам бўлганда, бунақа азобларга қолармидим!

– Сендақа фарзандни мен биринчи марта кўриб турибман, – оғзимдан чиқиб кетди.

– Шунинг учун, илтимос, мени ўлдир. – Тўрт оёқлаб туриб, у ўзининг тошдай қаттиқ бошини цемент полга қайта ва қайта уаркан, тўхтовсиз гапиради: – Оёғингта бош уриб ёлбораман, ўлдир мени. Ошхонада янги ўткир пичоқ бор, қиличдай кескир, бор, ўшани олиб чик-да, мусалласшунослик номзоди, мени сўйиб ташла, ҳа, сўйиб ташла.

У бошини кўтариб, бўйинини чўзди, худди пати юлинган товуқ бўйининг ўзи, сиёхранг аралаш яшилтоб тусда. Териси ғадир-будир, учта кора холи бор, иргиб чиққан кўкиштоб қон томирлари тез-тез уради. Кўзлари гўлайган, оғзи осилган, манглайи чанг, чанг остидан қон томчилари сизиб чиқмоқда, соchlари қарға уясига ўхшаб боши устида тўзиб ётиби. Шу ҳам аёлми? Аммо бу аёл – менинг хотиним ва тўғрисини айтганда, унинг ўзини тутиши мени даҳшатга солди, даҳшатдан кейин нафрат пайдо бўлди. Мен нима қилишим керак, ўртоклар? Унинг кинояли табассумдан қийшайган оғзи автомобиль покришкасидаги кесикка ўхшарди ва ичимда у ақлдан озиб қолмаганмикан, деган ўй кечди.

– Хотинжон, – дедим, – мақол бор: «Эр-хотин бўлганлар юз кун меҳр-муҳаббатда яшайди. Юз кундан кейин эр хотинлик туйғуси уммондан чуқурлашади». Биз иккаламиз кўп йиллардан бери бирга яшаймиз, наҳотки, сени ўлдиришга қўлим борса? Бориб, товуқ сўйганим яхши эмасми: иккаламиз мазза қилиб товуқ шўрва ичармидик. Сени ўлдирысан-чи – битта ўқнинг маргиман. Сен ҳам аҳмогингни топибсан!

– Бундан чиқди, мени аниқ ўлдирмайсанми? – паст овозда деди у бўйинни силаб.

– Йўқ, ўлдирмайман!



– Мен эса сендан яна битта илтимос қиласын – ўлдир мени. – Шундай дея у гүё ҳамон ҳалиги ўткір пичоқни ушлаб турғандек, күлини бўйнидан юргизди. – Пих-х, аста пичноқ тортасан-да, томирларим кесилиб, қон фаввора бўлиб отилади. Ярим соатдан кейин мендан оппоқ тери қолади, холос ва шунда, – давом этди у қовоғини уйиб жилмаяркан, – сен чақалоқ гўшти ёйдиган мана шу қари алвости билан битта кўрпа остида ётасан.

– Бундоқ оғзингга қараб гапирсанг-чи, ифлос, қанжиқ! – кўпол сўқиндим.

Ўртоқлар, мендек бир тарбияли ва зиёли одамни жирканч сўкишгача олиб келиш осон эмас, аммо менинг хотинжоним туфайли пичноқ бориб суюкка қадалганди.

– Нималар деяпсан, ўзи, онангни... – жиғибийроним чиқди. – Сени нега ўлдиарканман? Менга бу керакми? Яхши иш билан менга мурожаат қиласын, мана бунақа нарсалар бўлса, марҳамат! Ўлдиргиси келганлар, келиб сени ўлдираверсин, мени эса тинч кўй.

Шу сўзларни айтиб, ғазаб билан бир четга ўтдим. «Сен билан қатиғимиз ивимаскан, – ўйладим, – наҳотки, сендан кочиб қутилишим қийин бўлса!» «Хунцзун лема» шишиасини бўйнидан тутдим-да, култиллатиб оғзимга куйдим. Кўзимнинг кири билан хотинимни кузатишни ҳам унугтаним йўқ. Шошмай ўрнидан турди-да, хотиним мийифида кулиб, ошхонага йўл олди. Жўмрақдан оқиб чиқаётган сув товушини эшитганимда юрагим шув этди. Мен аста орқасидан бордим: хотиним бошини куч билан отилаётган сув остига кўйиб тик турарди. Тўғри бурчак остида эгилиб ва қоқ суюк орқасини чиқариб, у иккала кўли билан чинничаноқнинг кир чеккаларига суюниб олганди. Хотинжонимнинг орқаси иккита озгин этли устихонни қайнонамнинг дум-думалоқ думбалари билан қиёсламаган бўлардим. Аммо ўша думбалар кўз олдимдан сира кетмасди ва охири шуни англадимки, хотинимнинг рашик қилаётгани бежиз эмас экан. Оппоқ ва ҳеч шубҳасиз муздек сув шовқин билан унинг энсасига келиб тушмокда ва ҳар томонга сачраб кетмоқда эди. Сочлари оқ пуфакчалар билан қопланган

хурмо қобигининг парчаларига айланганди, сув остидан эса пик-пик йиғи овози келарди, донга бўкиб қолган курк товук ана шундай фурқ-фурқ қиласди. Мен уни шамоллаб қолади деб қўрқдим ва қандайдир лаҳзада юрагимда ачиниш ҳисси пайдо бўлди. Назаримда бу нимжон аёлни бундай азобларга гирифтор қилиб, оғир жиноят содир этганга ўхшаб кетдим. Унга яқинлашдим ва орқасидан туртдим: бадани муздек эди.

– Бас қил, – тўнғилладим. – Ўзингни қийнаб нима қиласан? Яқин қариндошларни ташвишга соладиган ва душманларимизни суюнтирадиган аҳмоқликлар қилишимизга не ҳожат?

Қаддини кескин тик тутиб, у қонталаш кўзлари билан менга тешиб юборгудек қаради. Шу тахлит у чурқ этмай уч сонияча турди ва юрагимда шундай ваҳимали қўрқув пайдо бўлдики, нима қилишимни билмай қолдим. У эса тўсатдан шараклатиб пештахтадан яқинда маъдан буюмлар дўконидан сотиб олинган ялтироқ пўлат пичоқни олди-да, у билан сийнаси атрофида ярим доира чизди, сўнг томоғига қадаб, пастга қараб тортди.

Ўзимни йўқотиб, хотинимга ташландим, панжасидан тутиб, пичоқни тортиб олдим.

– Ифлос! – дедим унинг ҳозиргина содир этган қилиғидан қаттиқ жирканиб. – Ҳаётимни барбод этмоқчимисан! – Бор кучим билан пичоқни тўсиқ тахтага улоқтирдим. Пичоқ тифи ёғочга нақ икки энлик кириб кетди – уни чикариб олиш учун тузуккина тер тўкишга тўғри келарди. Кейин муштумим билан деворга шунақсанги қаттиқ урдимки, девор ҳатто гувиллаб кетди, қўшнилар эса қичқириб юбориши: «Нима бўлди, хой қўшнилар, тинчликми?!» Қафасдаги қоплондек ғазабнок гир айланардим.

– Ортиқ чидомайман, – ух тортдим. – Жин урсин, ортиқ бундай яшаб бўлмайди.

Ўн мартадан кўпроқ айланганимдан кейин яна бирмунча вақтгача у билан яшашим керак, деган хulosага келдим. Ҳозир ажрашишга ариза бериш крематорийда ўзимга жой бујортма қилиш билан баравар эди.

– Бугунок ҳаммасини жой-жойига кўяйлик! – дедим. – Ота-онангнинг олдига борамиз, ким ҳақ, ким ноҳақ, улар ҳал

қилсин. Орамизда бир нима бўлганми, йўқми, буни ўзинг онангдан сўрайсан.

– Нима бўпти, борамиз, – рози бўлди хотиним. Юзини сочиқ билан артаркан. – Конхўрлик қилиб туриб сизлар кўркмас экансизлар, менга чикора!

– Ким бормаса, ўша даюс ва ҳароми, – қўшимча қилдим.

– Тўппа-тўғри, – кувватлади хотиним. – Ўша даюс ва ҳароми.

Ошпазлик академиясига олиб борадиган йўлда бизга машиналар сафи дуч келди: шаҳар хокимиятидагилар чет эллик меҳмонларни қабул қилмоқда экан. Олдинда яп-янги кийинган полициячилар мотоциклларда боришарди, барчалари кора қўзойнак тақсан, опроқ қўлқоплар кийган. Биз бир муддат жанжални тўхтатдик ва йўл четидаги болут дараҳтлари каторида икки дараҳтдек котиб турдик. Хандақдан жасадлари ириган жониворларнинг бадбўй хиди димоқقا уриларди. Муздек совуқ қўллари билан хотиним қўлимдан журъатсиз ушлаб олди. Мен чет эллик меҳмонлар тушган машиналар сафига нафрат билан қаарканман, хотинимнинг совуқ бармоқларини дил-дилдан ёмон кўриб кетмоқда эдим. Бошмалдоғи ҳаддан ташқари узун, қаттиқ тирноқлари тагидан яшилтоб кирлар кўзга ташланарди. Лекин унинг қўлини ўзимдан силтаб ташлашга жасоратим етмади – зеро, чўкканга чўп мадад деганларидек, у ўзи билмаган ҳолда ҳимоя қидиради.

– Итдан тарқаган! – сўқиндим. Икки томонга чекиниб маҳобатли машиналар сафига йўл очиб бераётган оломон ичидан қандайдир тўқол кампир бошини буриб, менга қаради. Эгнига илиб олган қондай узун юнг камзулга кўплаб оқ пластмасса тугмалар қадалган – ҳаммаси йирик-йирик. Мен ўзи оқ пластмасса тугмаларни жинимдан ёмон кўрардим. Болалигимда тепки билан оғриганимдан буён шунақаман. Шифокор хотининг бурнидан қандайдир бадбўй хид келарди, халатининг кўкрагига эса катта-катта пластмасса тугмалар қадалганди. У саккизоёқ пайпаслагичига ўхшаш семиз, ёпишқоқ бармоқлари билан юзимга текканида, бирдан ўхшиб юборганман. Елкага шундок кўндириб кўйилган хумдек калла, дўмбок юз, мис тишига тўла оғиз. Кампир оломон ичидан туриб мен томонга қараганида, жоним нақ ҳиқилдогимга келди.

Кетмоқчи бўлиб, орқага бурилдим, аммо кампир йўргалаганча биз томонга йўналди. Билсам, бу хотинимнинг таниши экан. Кампир оҳиста хотинимнинг қўлидан тутди-да, обдон сийпалай кетди. Айни вақтда ўзининг семиз танаси билан хотинимга тирғалиб келмоқда, сал бўлмаса, бир-бири билан ачомлашиб, ялашиб-юлқашибашгача бориб қолишганди. Ё бафармони Худо! Хоҳласам, хоҳламасам, шу заҳоти қайнонам эсимга тушсами! Ундан мана бунаقا қиз туғилиши керак эди ҳам. Мен бир ўзим Ошпазлик академияси томонга одимлаб кетдим, ниятим – қизини тарбиялашга болалар уйидан олганми, балки туғруқхонада унга бошқа болани адашиб бериб юборишишганми – шуни зудлик билан тагига етиш эди. Борди-ю, ҳаммаси мен ўйлагандек бўлиб чиқса, унда нима бўлади?

Хотиним менга етиб олди ва гўё ҳозиргина сўй деб томоғига пичоқ тираганини унутиб юборгандай, хиринглаб гапириди:

– Хўй, номзод, биласанми, мана бу катта ёшдаги хотин ким?

Мен, йўқ, билмайман, дедим.

– Бу шаҳар кўмитаси ташкилий бўлим бошлиги Хунинг қайнонаси!

Ўзимнинг катта одам эканимни билдириб қўймоқчилик, ҳи-м, дедим.

– Нега «ҳи-м» дейсан? Одамларга баланддан туриб қараш одатингни ташласанг бўларди. Ўзингни ҳаммадан ақлли деб билганинг-билган. Гап бундай, бугундан бошлаб мен рўзномада маданият ва турмуш бўлимини бошқараман.

– Табриклайман, маданият ва турмуш бўлимнинг мудири! Энди сенга жанжал кўтариш тажрибангни баҳам кўрадиган мақола ёзиш қийин бўлмас деб умид қиласман.

Изоҳимдан тараффудланиб, хотиним тўхтади:

– Жанжал кўтариш дейсанми? Ахир мен энг одобли аёлман-ку. Мендақаси кундузи чироқ ёқиб қидирса, топилмайди. Менинг ўрнимда бошқаси бўлганида, кўз очиб кўрган эри қайнона билан ҳалигиндақа ишлар қилиб юришини билган заҳоти уни асфаласофилинга жўнатган бўларди!

– Қани, юр, тезроқ, – шартта кесдим. – Иккаламиздан қай биримиз ҳақ эканимизни ота-онанг ҳал қилсин!



– Мени ахмоқ деб ўйлајпсанми? – деди хотиним тўхтаб ва уйқудан уйғонгандек. – Нега сен билан борарканман? Ано-ви қари фоҳиша билан кўзларингни биё-биё қилишларингни томоша қилиш учунми? Сизларда на уят, на виждан борлиги етти иқлимга маълум, менга эса номус азиз. Ёруғ дунёда эр-как дегани Худо уриб ётибди – тутни қоқсанг, эркак тўкилади, хўш, сендан нима кўрибман? Ким билан хоҳласанг, ётавер. Мен ҳаммасидан қўлимни ювиф, қўлтиғимга суртдим. – Шу сўзларни айтиб, хотиним шартта орқага бурилди-да, кетди-кўйди.

Куз шамоли дараҳт шохларини чайқар, заррин япроқлар унсиз ерга тўкиларди. Хотиним нафосатли куз манзараси орасида одимлаб борар ва бу гўзаллик билан қора кўланка ўртасида қандайдир алоқа мавжуд эди. У мен билан шу қадар беэҳтирос ажрашдики, ҳатто бироз каловландим. Хотинимнинг исми – Юань Мэйли, Гўзал Юань. Унинг исми ва тўкилаётган кузги япроқ Янтай мусаллас заводи ишлаб чиқарган «Чжанъюй» мусалласининг хуш бўйи билан ғамгин лирик шеърни ташкил этади. Мен ундан кўзимни узмай караб турадим, лекин у бир марта ҳам қайрилиб қарамади: «Бурчнинг олий туйгуси ва масъулият орқага қарашга изн бермайди»¹.

Сирасини айтганда, мен, эҳтимол, у бурилиб қарайди, ҳеч бўлмаганда кўзининг қири билан бир карра нигоҳ ташлаб қўяди, деб умид қилгандирман, бироқ «Жюгуо жибао» рўзномасининг маданият ва турмуш бўлими мудири лавозимини бажаришга киришаётган аёл бошини бурмади. У лавозимини бажаришга кетмоқда. Мудира Гўзал Юань. Мудира Юань. Мудира.

Мудиранинг қораси Денгиз неъматлари кўчасидаги оқ де-ворлар ва яшилтоб томли бинолар ортида ғойиб бўлди. Ўша ёқдан мовий осмонга хилма-хил каптарлар галаси кўтарилиди. Кўқда учта катта-катта пушти, сариқ ҳаво шарлари сузиб юрарди, улардан йирик-йирик иероглифлар, кашта қилиб тикилган ол тасмалар осилиб туради, ерда эса бир паришонхотир эркак нима қилишини билмай тек турибди. Бу эр-

¹ Қадимги Хитой адиби Сима Сянжудан иқтибос.



как мен, мусалласшунослик номзоди Ли Идоу эдим. «Умид қиласманки, Ли Идоу, сен пұфакчалар билан қолланған Ли-циоанъэ дарёсининг алкоголь ҳидига тұла сувларига үзингни отиші ва ўз жонингга қасд қилиши дарајасында ҳали етганинг ийк. Ҳа-да, ўзи шу етмаётганди. Асабларим ҳұқиз терисидай мустаҳкам, глаубер тузы солинган қаустик сода билан ошланған – на ишқаланиб ейилади, на ийртиб бўлади. Ли Идоу, Ли Идоу...» Бошини азод кўтариб ва кўкрагини ғўдайтириб у олға одимлаб кетди. Мана, у Ошпазлик академияси худудида, қайнонасиининг эшиги олдида.

«Бу ишини албатта бир ёқлиқ құлмаса бўлмайди. Агар оптимдан кемани ёқиб юборсан, қайнонамдан бир иш чиқар, ҳолбуки, унинг менга тўғри келмаслиги эҳтимолга жуда яқин. Бу, ҳеч шубҳасиз, тўққизинчи долга каби жуда улуг ўзгариши бўлади, у бутун шахсий ҳаётимни остин-устин қилиб юборади». Эшикда хат осиғлиқ: «Ошпазлик бўйича эрталабки машгулот Maxsus ошпазлик марказининг амалий машгулотлар аудиториясида ўтади».

Қайнонамнинг бемисл ошпазлик қобилияти, Академияда уни юлдуз деб аташлари тўғрисида анчадан бери эшитар эдим, бироқ унинг машғулотларни қандай олиб боришини сира кўрмагандим. Ли Идоу ҳам қайнонасиининг маъруzasига тушиш, унинг сарвдек қоматидан лаззатланишга аҳд қиласди.

Мусалласшунослик академиясининг чоғроқ орқа дарвозасидан кириб, Ошпазлик академияси кампуси худудида пайдо бўлдим. Мусалласнинг хуш бўйлари ҳали анқиб турарди, аммо димокқа гўшт ҳиди келиб уриларди. Чор атрофда кўплаб хилма-хил гул ва дараҳтлар кулф уриб, яшнаб ётибди. Улар учун мусалласшунослик номзоди – калтабин жоҳил ва улар кўзларининг кири билан гердайганча ўзларининг кўзга ўхшайдиган япроқчалари билан менга қараб-қараб кўядилар. Ҳовлида тўқ кўк лиbos кийган ўнтача коровул эринибигина у ёқдан-бу ёкка бориб-келиб турибди. Менга кўзлари тушиб, худди йиртқич ҳидини олган този итлардек, улар жонландилар. Уларнинг чалпакдек юпқа кулоқлари динг бўлади, бурунларидан кескин пишқириқ отилиб чиқади. Лекин мен ҳеч нимадан кўрқмайман: қайнонамнинг исмини тилга олишим ҳамон улар ўша заҳоти ўзларининг суст ҳолатларига



қайтишларини биламан. Кампуснинг жойлашуви Сучжоудаги Камтар амалдор боғига ўхшаш қандайдир жумбокнамо эди.

Йўлка ўртасида негалиги номаълум чўчқа жигари рангидаги баҳайбат харсанг турибди, сарғиши лок билан унга: «Ажойиб қоя осмонга ишора қиласди», деб ёзиб қўйилган. Қоровуллардан рухсат олиб, маҳсус овқатланиш тадқиқот марказини топмагунимча йўлкалар бўйлаб кезинаман, пўлат тўсиклардан биттама-битта юриб ўтаман, «гўшт» болалари бокиладиган улуғвор бинони ҳам, фавворали кўтарма тепаликни ҳам, ноёб куш ва ҳайвонлар қўлга ўргатиладиган хонани ҳам ортда қолдирман, қандайдир қоронги ғорга кириб бораман ва айланма зинадан пастга тушиб, ҳамма нарса чароғон ёритилган жойга келиб қоламан. Бу ерга бегоналар киритилмайди. Ёш аёл менга эътибор беради ва кийимларими ни алмаштиришимни айтади.

– Сизниклар айни доцентни видеога олишапти, – дейди у мени шаҳар телеканалининг шархловчиси деб ўйлаб.

Цилиндр шаклидаги оқ ишчи қалпокни киярканман, янги совун ҳидини туяман. Шу топ аёл мени таниб қолади:

– Биз хотинингиз Юан Мэйли билан бирга мактабда ўқиганмиз. Мен ўшанда яхши ўқирдим, факат у таникли журналист бўлди, мен эса қоровулман. – У мунг билан гапиради ва нафратли нигоҳи билан юрагимни ўйиб-ўйиб олмоқда эди, гўё унинг порлоқ истиқболини мен барбод этгандек. Мен узр сўрагандек бош иргайман, шу заҳоти унинг чехрасидаги мунгли ифода мамнуният билан алмашади ва аёл мағрур оҳангда дейди:

– Иккита ўғлим бор, иккови ҳам бир-биридан ақлли.
– Сен уларни маҳсус овқатланиш бўлнимига топширмоқчи эмасмисан? – ғазаб билан сўрайман ундан.

Аёлнинг юзи бирдан қип-қизариб кетади. Аёл кишининг кизил чехрасига қарашиб аслида ҳавасманд эмасман ва каттакатта одимлар билан амалий машғулотлар аудиторияси томон йўл оламан. Орқамдан қоровул хотиннинг тишлари орасидан гапириб қолгани қулогимга етиб келади:

– Шошма ҳали, сен одамхўр йиртқичларнинг эсларингни киритиб қўядиганлар ҳам топилиб қолар.



Қоровул хотиннинг сўзларидан кўнглим алғов-далғов бўлиб кетади: одамхўр йиртқичлар деб у кимни айтяпти? Наҳотки, мен улардан бири бўлсам? Хотирамга шаҳар бошқармасининг масъул амалдорлари бу машҳур таом тортиладиган базми жамшиidlарда ирод этган сўзлари қалқиб чиқади: «Биз тановул қилаётган нарсалар ҳаргиз одам гўшти эмас, бу маҳсус технология бўйича тайёрланадиган тансик таом». Бу тансик таомни тайёрловчи ҳозир кенг, ёп-ёруғ хонада талабалар билан машғулот ўтказаётган менинг соҳибжамол қайнонамнинг ўзгинаси. У чироқларнинг чароғон нури остидаги минбар ортида турибди ва мен унинг чинни гулдондек силлиқ ва яркираган моҳтоб чехрасини кўриб турибман.

Маърузани ҳақиқатан ҳам шаҳар телестудияси операторлари тасвирга туширмоқда эдилар. Улардан Цян фамилияли, оғзи ва юзи маймунга ўхшаб олдинга туртиб чиқкан бирини биламан, у маҳсус мавзулар бўлими мудири бўлиб, бир вақтлар битта дастурхонда ўтириб ичганмиз. Елкасига камерани осиб олиб, аудитория бўйлаб у ён-бу ёнда кезиб юрибди. Унинг юзи оппоқ, бақалок ёрдамчиси чироқни кўтариб олганча орқасидан кора симни чувалтириб келади ва Цяннинг кўрсатмасига биноан чўғдай қизиган чироқ нурини gox қайнонамнинг юзига, gox диққат билан қулоқ солаётган талабаларга тўғрилайди. Қулайроқ жойни топиб, ўтириб оламан ва унинг кулранг-кора кўзларидағи нафис ёғучаларни хис этаман, бу кўзлар менда икки сониягина тўхтаб олади. Мен хиёл хижолат тортаман, бошимни солинтираман ва шу аснода столга пичоқ билан чуқур ўйиб ёзилган тўртта иероглиф кўзимга ташланади: «Мен сен билан ётишини истайман». Бамисоли тўртта тош шуурим баҳри муҳитига тушиб, кўпикли мавжлар кўтаради. Аъзойи баданим карахтлашгандек бўламан, заиф электр токи таъсирида нар бақанинг оёклари силкинганидек, қўл ва оёкларим диркиллай бошлайди, юрагимнинг аллақаेрида англаб бўлмас нотинчлик хуруж қиласи... Қайнонамнинг бир маромдаги, қулоқка хуш ёқувчи нутки тўлкин-тўлкин бўлиб, тобора бостириб келади, ўзининг ҳайбатли оқими билан танамни қоплаб олади ва орка миям бўйлаб олдинма-кейин лаззат спазмлари юриб ўта бошлайди...



– Қадрли талабалар, «тўрт модернизация»нинг шиддатли ривожланиши негизида халқ турмуш даражасининг доимий кўтарилиши шарофати билан тиқиб ейилган овқат эстетик лаззатга айлангани хусусида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Шу боис ошпазлик факат маҳоратгина эмас, юксак санъат ҳам. Тажрибали ошпазнинг қўли жарроҳнинг қўлидан кўра ишончлироқ, сезигирроқ бўлмоғи керак; рангни рассомдан ҳам нозикроқ идрок этмоғи, хидни полиция итидан кўра ўткирроқ сезмоғи, тили илон тилидан кўра харакатчанроқ бўлмоғи шарт. Бу барча сифатлар ошпазда жамулжам бўлиши лозим. Мижозларнинг мазали таом ейиш талаби муттасил ортиб боради. Уларнинг диди нозик бўлади, бироқ бекарорликларига бориб, улар янгиликка ўч бўладилар ва эскисидан воз кечадилар. Уларнинг кўнглини олиш, мамнун этиш осон эмас. Аммо биз уларнинг талабларини иложи борича яхшироқ кондиришимиз учун таомларимизга хилма-хиллик киритишимиз ва қунт билан, зўр бериб ўрганмоғимиз керак. Шахримизнинг гуллаб-яшнаши ҳам ва албатта, ҳар биримизнинг келажагимиз ҳам шу билан боғлиқ. Бугунги машғулотни бошлашдан олдин мен сизларга бир тансиқ таомни тавсия этмоқчиман.

Электрон дастакни қўлига олиб, у катта-катта қилиб оҳанрабо тахтасига бешта иероглифни ёзди: «циндун яцзуйшоу» – димланган ўрдакбурун. Талабаларга ёни билан қия бурилганча қоматини тик тутиб ва сиполик билан ёзди. Кейин стол тагидаги тугмачани босади, девордаги парда аста сурилади: жанговар харакатлар харитасини саркарда ана шундай очади. Парда ортида, маълум бўлишича, катта аквариум яширинган экан, унда ажойиб юнгли ва пардадор панжали бир нечта ўрдакбурун безовта сузид юради.

– Ҳозир мен сизларга таом рецептини бераман ва уни қандай тайёрлаш тафсилотларини ҳикоя қиласман, – дейди кайнонам, – шу боис, илтимос, ўзингизга қайд этиб боринг. Ўз вақтида мана шу миттигина, кўримсизгина жонивор туфайли пролетариатнинг буюк устози, кўпкіррали истеъод соҳиби Энгельс жуда нокулай аҳволда қолганди. Бу ҳайвонот олами эволюциясида ноёб тухум қўядиган сутэмизувчиларнинг ер юзида маълум бўлгандари ичida ягона ҳодиса хисобланади. Ўрдакбурун, шубҳасиз, ноёб жонивор, шу боис ундан таом



тайёрлаганда, айниқса, хүшёр бўлмоқ керак, чунки хато харакатлар бу қимматли маҳсулотни уволга чиқариши мумкин. Шу боис, кўлингиз ўрганиши учун ўрдакбурундан таом тайёрлашдан олдин барчангизга тошбақаларда машқ қилишингизни маслаҳат бераман. Ундан кейин сизларни таом тайёрлашнинг маълум усуллари билан таниширишга изн бергайсиз.

Демак, ўрдакбурунни оламиз, уни сўямиз ва қони оқиб чиқиши учун панжасидан тахминан ярим соатга осиб қўямиз. Эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман: кумуш пичоқдан фойдаланиш ва кирқим иложи борича кичик бўлиши учун тумшуқдан пастига қараб сўйиш керак. Қон оқиб чиқиб кетгач, ўрдакбуруннинг терисини шилиш учун тахминан етмиш беш даражали иссиқ сувга соламиз. Кейин авайлаб ичак-чавоқларини, жигарини, юрагини ва бор бўлса, тухумларини чиқариб ташлаймиз. Ўт қопи ёрилиб кетмаслиги учун, айниқса, жигарга жуда эҳтиёт бўлиш керак. Акс холда ўрдакбурун ейишга яроқсиз бўлиб қолади ва уни фақат ташлаб юбориш керак бўлади. Ичакларни олиб, намакобда яхшилаб ювиш учун уларни ағдарамиз. Тумшуқ ва панжаларини қайноқ сувга солиб ювамиз, тумшуқдаги қаттиқ ўсимтани ва панжадаги дағал терини обдан артамиз. Эҳтиёт бўлинг, панжадаги пардалар бус-бутун қолиши шарт. Ичак-чавоқларни ювиб, уларни қизиган ёғда бир қовуриб оламиз ва ўрдакбуруннинг ичига жойлаймиз. Кейин туз сепамиз, саримсоқпиёз, тўғралган занжабил, қалампир, кунжут мойи ва бошқа масаллиқлар соламиз – зинҳор чучук масаллиқлар сола кўрманг ва тўқ қизил рангга кириб, хушбўй ҳид пайдо бўлгунча паст оловда димлаймиз. Тухумлар ва ичак-чавоқларни одатда бир вақтнинг ўзида мойда қовурадилар, шуларни кўшиб лаҳм тўғралади. Анча катта ва етилган тухумлар кўпроқ бўлса, уларни алоҳида тансиқ таом сифатида тайёрлаш мумкин, унда димланган тошбақа тухумларини тайёрлаш рецептидан фойдаланилади.

Димланган ўрдакбурун рецептини тугаллаб, қайнонам ғоят мухим қарор эълон қилиш олдидан чоғланган бош қўмондон мисоли соchlарини тараб қўяди ва талabalарга диққат билан кўз югуртириб чиқади – ҳар ким унинг илиқ нигоҳини ўзича хис этади.



– Энди эса димланган бола рецептига ўтамиз, – расмий оханғда деди у.

Юрагимга занглаган бигиз сүқілгандай бўлди. Назаримда, у ёқдан отилиб чиқаётган совук суюқлик кўкрагимда тўплланмоқда ва ички аъзоларимни босмоқда эди. Вужудимни ваҳима чулғайди, кафтларимдан ёпишқоқ тер чиқади. Барча талабалар қизарадилар, инсон жинсий аъзолари ҳақидаги хикояни биринчи марта эшитаётган тиббиёт талабалари каби ҳаяжондан уларнинг юраги кучлироқ ура бошлади. Ўзларини бу уларга таъсир кильмаётгандай қилиб кўрсатиш учун кучларининг борича харакат қилмоқда эдилар, аммо натижага тескари бўлиб чиқаётганди: пир-пир учган юзлари ва нотабиий йўталиб қўйишлар ташвиш ва ҳаяжон даражасидан гувоҳлик берарди.

– Бу Ошпазлик академиясининг фахри, айтиш мумкинки, дастуримизнинг асос-негизи, – давом этади қайнонам. – Асос бўлувчи ашёни топиш хийла қийин ва унинг нархи ҳаддан ташқари баланд, шу боис биз ҳар кимга ҳамма нарсани ўз қўли билан қилиб кўриш имконини тақдим этолмаймиз. Мен ҳаммасини муфассал намойиш қиласман, сизлар эса диққат билан қараб боринглар. Уйда маймун ёки чўчқа боласида машқ килишингиз мумкин.

Биринчи галда, у таъкидлаб айтди, ошпазнинг юраги тош бўлиши ва кўнгилчанлик қиласлиги керак.

– Биз ўлдирадиган ва тансиқ таомлар тайёрлайдиган болачалар аслида ҳеч қанақа одамлар эмас, булар майда жониворлар, холос. Уларни қатъий қоидаларга мувофиқ ва Жюгуонинг ривожланаётган иқтисодиётининг маҳсус эҳтиёжларини қондириш ва шаҳарнинг равнақи учун ҳар икки томоннинг розилиги бўйича ишлаб чиқарадилар. Бундек олиб қараганда, улар аквариумда сузуб юрган мана бу ўрдақбурунлардан килча фарқ қиласмайди. Ўзингизни хотиржам тутишингизни ва ҳаёлотга эрк бермаслигинизни илтимос қиласман. Сиз ўзингизча минг, ўн минг марта, булар одамлар эмас, булар одам қиёфасидаги майда жониворлар, деб тақрорлашингиз мумкин. – Қайнонам таманно билан таёқчани қўлига олади ва аквариум қиррасига уриб қўйиб, яна бир марта қайтаради:

– Бундоқ олиб қараганда, улар билан ўрдакбурунлар орасыда ҳеч қандай фарқ йўқ.

Деворда осигуриқ телефон гўшагини олиб, у қандайдир кўрсатмалар беради, кейин эса талабаларга мурожаат қиласди:

– Бу аъло таом қачонлардир, шубҳасиз, бутун дунёни лол қилгувсидир, шу боис уни тайёrlашнинг бирон-бир боскичида биз тирноқча ҳам бегамликка йўл қўймаслигимиз керак. Умуман, уй ҳайвонларида ўлим олдидан ҳаддан ташқари ҳиссий зўриқиши гўштдаги гликоген таркибиға таъсир қилиши мумкин, моддалар алмашинуви бузилиши эса тайёр маҳсулот таъмини ёмонлаштиради. Шу боис тажрибали қассоб ҳар доим гўшт сифати яхшироқ бўлиши учун жониворнинг ҳаётини яшин тезлигида узишни афзал билади. Гўштга бораётган болалар оддий уй ҳайвонларига нисбатан анча юқори зеҳнга эга, бинобарин, ушбу аъло таом асосий зирвасининг юқори сифатини таъминлаш мақсадида уларда яхши кайфиятни тутиб туриш ғамини ейиш лозим бўлади.

Одатда уларни калтак билан уриб гаранг қиласдилар, аммо бунда юмшоқ тўқималарда қон қўйилиши содир бўлиб, ҳатто бош косаси учиб кетиши мумкин, бу тайёр маҳсулотнинг ташки қўринишида жиддий акс этади. Сўнгги вақтларда калтакдан фойдаланишдан аста-секин бош тортмоқдалар, унинг ўрнига этиль спирти билан этни ўлдирмоқдалар. Мусаллас-пазлик академиясининг яқинда олиб борган тадқиқотлари натижасида алкоголнинг янги тури кашф этилди – унинг таъми ширин, лекин у қадар ўткир эмас, бироқ таркибида спирт ҳаддан ташқари кўп – бу бизнинг барча талабаримизга жавоб беради. Тажриба шуни кўрсатадики, бундай эт ўлдириш чоғида спирт зарралари тўқима хужайраларига ёриб киради ва кўқрак сутининг ҳидини бирмунча сусайтиради, илгари бу нарса болалар гўштидан таом тайёrlаш чоғида озмунча ташвиш келтириб чиқармасди. Бундан ташқари, ўтказилган кимёвий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, этиль спирти билан эт ўлдирилгандан кейин ўлган болалар гўштининг озуқалик қиймати анча ошди. – Шундай дея қайнонам яна телефон гўшагини олади: – Олиб келинг!

Қайнонам гўшакка наридан-бери айтган бор-йўқ гап шу бўлди ва беш дақиқа ўтгач, эгнига оппоқ халат кийган ва

бошига оппоқ чорси қалпоқ қўндирган икки нафар ёш қиз маҳсус ясалган ўртача катталиқдаги замбилда қип-яланғоч «гўшт» гўдакни олиб киради. Тащдан қараганда қизларни чиройликкина деб айтиш мумкин эди, бироқ уларнинг ўлиқдек оппоқ юзларини кўриб, кайфингиз учиб кетади. Улар замбилини тўсиқ тахта устига қўядилар ва қўлларини тушириб, бир четга ўтадилар. Қайнонам назар солиш учун пуштиранг «гўшт» бола устига энгашади, юмшоқ қўрсаткич бармоғи билан унинг қўкрагига туртиб қўяди ва мамнун ҳолда бош ирғайди. Қаддини тиклаб, у яна кескин оҳангда эслатади:

– Бу одам қиёфасидаги кичкина жонивор эканини ҳаргиз унутмаслигингиз керак.

У шу гапни айтиши билан одам қиёфасидаги кичкина жонивор ўгирилди. Сесканиб кетган талабалар босиқ «вой!» деб юборди. Ҳамма, шу жумладан, мен ҳам гўдак ўтиришга харакат киляпти, деб ўйладик. Яхшиямки, бундай эмас экан: у фақат ўтирилди, холос ва аудитория бўйлаб унинг ширин, босиқ ва бир текис отаётган хуррак овози таралади. Думдумалоқ, дўмбоққина, қизил бетчаси талабалар томонга юзланганди. Табиийки, мен томонга ҳам. Рўпарамизда чиройли, бақувват, соchlари қоп-қора, киприклари узун-узун, бурни саримсоқпиёз бўлтагидай кичкина ва лаблари пуштиранг жажжи бола турарди. Тушида конфет сўраётгандек у шу лаблари билан тамшаниб қўяди. Уйланганимга уч йил бўлди, аммо хотиним билан орамизда фарзанд йўқ, мана бу гўдак менга шунақанги ёқиб кетдики, унинг олдига югуриб боргим, бетчаси ва киндигидан ўпид олгим, митти оёқчаларидан тишлигим келиб кетди. Оёқчалари дўмбоқ-дўмбок, оёқдан тўпиққа ўтадиган жойда бурмачалар бор. Унга талабалар, айникиса, талаба қизларнинг нечоғли ҳаяжон билан қараб турганларидан фаҳмлайманки, уларнинг қалби мана шу жажжиғина инсонга нисбатан беғубор меҳр билан тўлиб-тошган. Шу аснода гўдаккинанинг бир текис отаётган хуррагини аудитория бўйлаб янграган қайнонамнинг овози босиб кетади, унинг сўzlари бир-биридан совуқ ва ёқимсиз эди:

– Ҳар иккала қулоғингизга қўроғошиндай қуйиб олинг: юрагингиздаги носоғлом ҳисларни таг-туғи билан битта қўймай йўқотинг. Акс ҳолда биз машғулотни давом эттиrol-

маймиз. – Болани қўлидан тутиб, уни бир юз саксон даража айлантиради, бола ёнламаси билан талабалар томонга, юзи билан ўрдақбурунлар сузига юрган аквариумга қараб қолади. – У инсон эмас, – дейди муаллима, чақалоқни киндигидан туртиб. – Инсон эмас.

Бамисоли бу сўзларга норозилик билдиргандай, гўдак (ел чиқариб юборади) тағин шунчалик баланд овозда ел чиқардики, бу унинг гавдасига сира мос келмасди. Талабалар бир-бирларига қараганча ўн сонияча қотиб қолишади, кейин эса аудиторияни тўлдириб қаҳ-қаҳа янграйди. Қайнонам ўзини базур тутиб турарди, бироқ охири чидолмай, у ҳам талабаларга қўшилиб кула бошлади.

Талабаларни тинчлантиришга ҳаракат қилиб, у столни тақиллатади.

– Бу ярамас тирранчадан ҳамма нарсани кутса бўлади, – дейди қайнонам. Талабалар яна кулади, аммо қайнонам кулгини кесади: – Кулишиб олдик, етар. Барча тўрт йиллик ўқиш даврингиздаги бу энг муҳим машғулотингиз. Агар «гўшт» болани тайёрлаш санъатини яхши эгалласангиз, қаерга борманг, хеч нарсадан кўркмайсиз. Чет элга боришини хоҳламайсизми? Бундай таомни тайёрлашни ўрганиш доимий виза олиш билан баравар. Хоҳ янки бўлсин, хоҳ чулчит бўлсин, хоҳ бошқа биронтаси бўлсин, битта ҳам ажнабий олдингизда ип эшолмайди.

Афтидан, унинг сўзлари нишонга тегди, чунки талабалар яна диққатларини бир жойга тўплайдилар, ручкаларини оладилар, кўллари билан дафтарларини чанглайдилар ва нигоҳларини қайнонамга қадайдилар.

– «Гўшт» бола уйку холатида турибди, биз нима қилмайлик, у барibir хеч нарсани сезмайди, қаршилик кўрсатиши мумкинлигини айтмаса ҳам бўлади. У баҳтли уйку оғушида.

Қайнонам кўлинин силтайди ва кўрсатмаларга мунтазир оқ кийимли иккала қиз яқин келади ва унга ёрдам бера бошлайди. «Гўшт» болани тепасида илмоғи бор қуш қафаси шаклидаги маҳсус тагликка жойлайдилар. Илмоқ билан қафасни тахтаси устидаги ҳалқага осиш мумкин бўларди, оқ либосдаги ёрдамчи қизлар шундай қиладилар ҳам. «Гўшт» боланинг бутун танаси қафасда, тагликдан фақат оппоққина,

дўймбоққина бир оёқчаси осилиб қолади – қараб, кўзинг тўймайди.

– Қилиниши керак бўлган биринчи иш, – тушунтиради қайнонам, – бу қонни чиқариб юбориш. Айтиб қўяй, бир вақтлар айримлар, агар шундай қилинмаса, «гўшт» боладан кўпроқ хушбўй ҳид келади ва тўйимлилиги ортади деб билишган. Бунда улар бир нарсага таянганлар: кореяликлар ит гўштидан таом тайёрлаганда бир томчи ҳам қон чиқармаганлар. Бир неча карра қилинган синовлар ва таққослашлардан кейин биз шундай хулосага келдикки, қони чиқариб юборилган «гўшт» боладан келувчи хушбўй ҳид шу амал қилинмаган боланикidan анча кучлироқ экан. Мақсад оддий: қон қанчалик яхши чиқариб ташланса, гўштнинг ранги шунча тоза бўлади. Агар қон охиригача чиқариб ташланмаса, тайёр маҳсулотнинг ранги паст, ҳиди ўткир бўлади. Шу боис бу амалга бепарво қараб бўлмайди.

Кўлин чўзиб, қайнонам болани оёғидан тутади. Бола ўзининг қафасида бир нима деб чулдирайди ва талабалар унинг нима деётганини англаш учун диққат билан кулоқ соладилар.

– Кесадиган жойни танланг, – давом этади қайнонам, – «гўшт» бола бус-бутунлигини иложи борича яхши саклаб қолишини эсдан чиқарманг. Одатда оёқ панжасидан кесилади ва қизил қон томири аниқланади, қон чиқа бошлиши учун кейин у қирқилади.

Шу заҳоти унинг қўлида тол барги шаклидаги кумуш пичоқ ялтиради – у боланинг оёқчасига йўналтирилган эди... Мен кўзимни қисаман, назаримда, қафасдаги болакайнинг чинқириб йиғлаганини эшитгандек бўламан, айни вақтда сурилган стол ва стулларнинг тарақ-туруги остида талабалар баланд овозда бақириб-чақирганча аудиториядан чиқиб кета бошлайдилар. Кўзимни очиб, булар бари менга шундай туюлганини англайман. «Гўшт» бола йиғлагани ҳам, қичқиргани ҳам йўқ, оёқчасида эса кесиб олинган жой кўриниб турарди. Ипга тизилган гавҳардек қип-қизил қон томчилари оёқча тагидан қўйилган шиша идиш биргаликда қандайдир ажиб манзара ҳосил қилган. Аудиториядағайриоддий жимлик ҳукм сурарди. Ўғил-қиз – барча тала-

балар күзларини катта-катта очиб болакайга ва оёқчадан оқаётган қонга қимир этмай қараб туришарди. Шахар телеканали камераси ҳам оёқчага ва унинг остидаги қонга йўналтирилганди, чарақлаган ёғду остида қон томирчалари биллурдек ялтиради. Аста-секин талабаларнинг кирғоққа келиб урилган тўлқинга ўхшаш оғир ва чукур нафасларини, шиша идишга томаётган қоннинг қулоққа хуш ёқувчи, чукур дарада тошиб оқаётган ирмокнинг шарқирашига ўхшаш овозларини фарқлай бошлайман.

– «Гўшт» боланинг қони таҳминан ярим соатларда битта қолмай оқиб тушади, – қайнонамнинг овози янграйди. – Иккинчи босқич шундан иборатки, зиён-захмат етказмасдан ичак-чавоқлари чиқариб олинади. Учинчиси – бу ҳарорати етмиш беш даражадан кам бўлмаган иссиқ сув ёрдамида тук қопламасини йўқотиш.

Ростини айтсам, қайнонам ўтказаётган ошпазлик санъати дарсининг бу ёғини тасвирлашга хушим йўқ, тоқатим ток, кўнглим бехузур бўлиб кетди. «Кеч тушиб қолди, – ўйладим, – мусалласшунослик номзодининг одатдан ташқари фикрлар билан тўлиб-тошган миясини ичкилик билан қиздириб олмасам бўлмайди, кейин эса истеъдодимни одамхўрлар базми жамшидига исроф килмай, «Қалдирғоч уяси» номи остидаги ҳикоямни миямда пишитаман».

ЕТТИНЧИ БОБ

1

Ҳайдовчи қизнинг сўзлари юрагини наштардек тилиб ўтди. Кўкрагини ушлаб, худди ошиқ йигитдек, афтини аянчли бужмайтирганча икки букилиб қолди. Нигоҳи қизнинг пушти оёқларига тушди, кўлларидан ҳам кўра ҳаракатчанроқ шу оёқлари билан қиз у ёқдан-бу ёққа эмакларди. Газабдан юраги тарс ёрилай дерди.

– Суюқоёқ! – деди тишлари орасидан терговчи, кейин бурилди-да, эшик томон йўналди.

– Йўл бўлсин, ҳой, мижоз? – қичкирди қиз. – Аёлни алдадинг, одаммисан сен?!

Терговчи қадамларини түхтатмади. Қулоги ёнидан кумушранг шиша қадаҳ визиллаб учиб ўтди. Қадаҳ эшикка бориб урилди, сакраб кетди ва гиламга тушди. Бурилиб қараб, у қизнинг оғир-оғир нафас олиб тик турганини, қўйлаги ёқаси очилиб кетганини, кўзлари ёшга тўлганини кўрди. Минг хил азоблардан жони ҳалкумига келиб, Динг Гоуэр босиқ оҳангда деди:

– Сенинг бунчалар уятсиз эканингни билмагандим, пакана билан ётибсан-а. Пул учундир, ҳойнаҳой?

Қиз хириллаган овозда хўнграб йиғлаб юборди. Кейин бу хўнграшлар қулоқни тешиб юборгудек чинқириққа айланди, чинқириқнинг зўридан хира шиша қандилдаги темир шокилалар жингирлаб кетди. Қиз муштумлари билан сийнасини дўппослай, тирноқлари билан юзини тирнай, соchlарини юла, бошини оппоқ деворга ура кетди. Телбаларча ўзини азоблашга қулоқ пардасини йиртиб юборгудек жазавали қичқириқлар эш бўлиб кетмоқда эди:

– Йўқол бу ердан! Йўқол-йўқол-йўқол...

Терговчида жон-пон қолмади. Бунақасини у сира кўрманди. Назарида, қизил тирноқли қўли билан унга ажалнинг ўзи дахл қилганди. Оёғидан жилдираб пешоб оқиб туша бошлади, ҳолбуки, у иштонни хўллаш фавқулодда одобсизлик эканини тушунарди. Жуда чатоқ бўлди-да, бироқ бехуш бўлиб йиқилгандан кўра бу ҳам баҳарнав. Зеро, бу катта ҳиссий зўрикишдан кутулишга ёрдам берди.

– Илтимос, кераги йўқ... – ялинди у. – Илтимос...

Аммо унинг на ёлборишлари, на ўнгайсиз ахволга тушиши ҳайдовчи қизни на ўзини қийнашдан, на қаттиқ қичқиришдан тия олди. У бошини деворга янада қаттиқроқ ура бошлади, бундан девор ҳар гал қаттиқроқ гувиллаган овоз чиқарап, ҳозир қизнинг мия қатиги отилиб чиқадигандек туйилмоқда эди. Югуриб бориб, терговчи уни белидан кучоклаб олди. Қаддини ростлаб, қиз унинг қўлларидан чиқиб кетди ва ўзини энди бошқача йўл билан азоблай бошлади: ғазаб билан тишларини кафтининг орқа томонига ботирди. Қўркитиш учун жўрттага эмас, балки росманасига тишлади ва кўп ўтмай қўл қип-қизил жишига айланди. Мана шундай иложсиз ва тушкун бир ахволда терговчининг мия-

сига бир яхши фикр келди: у гуп этиб чўк тушди-да, кетмакет таъзим қила кетди.

– Онажоним, қалай, сени шундай атасам майлими, она-жонгинам, бу тубан гуноҳкор банданинг бир қошиқ қонидан кечинг! Муруват қилинг! Ахир айтадилар-ку, онанинг қалби шу қадар кенгки, унга ҳар икки олам сиғади, деб. Бу густоҳ нобакорнинг сўзини сўз деманг, унинг ўзи нимаю айтган сўзи нима бўларди.

Бу таъсир килди. Кўслини кемиришдан тўхтади, кўзларини кисди, оғзини иржайтириб, боладай хўнграб ыйғлай бошлади. Терговчи қаддини тиклади ва ўзининг юзига тарсаки тушира кетди – гоҳ ўнг, гоҳ чап юзига; кўриб, тавба қилиб, кинога тушаётган безори қаҳрамонми дейсиз.

– Одам эмассан, ҳайвонсан, ўғрисан, безорисан, қўтирип кўпраксан, гўнг тўлдирилган кутидаги қуртсан. Бу ҳаромини ўлгунча ур, абжафини чиқар... – ўзини сўка кетди терговчи.

Дастлабки бир жуфт зарбадан юzlари ёнди, бироқ кейинига хўқиз тулупига зарба бергандай туйилди: оғримайди ҳам, кўкармайди ҳам – фақат юzlари ҳеч нарсани сезмай, карахт бўлиб қолади. Салдан кейин эса бу карахтлик ҳам ғойиб бўлди, фақат ёқимсиз тарс-турс овози эшитиларди ва ўз юзингга уратётгандай эмас, балки туксиз чўчқа танасини дўппослаётгандай ёки марҳуманинг орқасига тепгандай бўласан. У қандайдир шафқатсизлик билан зарбалар беришда давом этди, бироқ аста-секин кўнглида севинч туйғуси ниш уриб, гўё бировдан қасдини ооломмай юриб-юриб, хумордан чиққандек бўлди. Бир муддат у ўзини уришдан тўхтади ва сўзларга жо қилган куч қўлларига ўтди, бундан ҳар бир зарба янада қаттироқ, тарсакилар эса жарангдорроқ чиқди. У қизнинг оғзи ёпилганини, йигидан тўхтаганини ва у сехрлангандек терговчига тумшайиб қараб қолганини кўрди. Терговчи ичида мамнун ва кинояли кулимсиради. Яна бир нечта қайноқ «қатлама» егандан кейин у қўлларини туширди. Йўлакай бўғиқ овозлар қулоққа чалинди.

– Мендан жаҳлингиз чиқмасин, ойимқиз! – қўрқа-писадеди терговчи.

Қиз оғзини очиб ва ундан кўзини узмай, тек тураверди, унинг юзида қотиб қолган, уни даҳшатли ҳайкалга ўхшатиб

күйгөн ифодадан терговчининг тела сочи тикка бўлди ва бадани жимирилаб кетди. У аста кўтарилидни ва ичида алган газабни ширин сўзлар билан хаспўшлашга ҳаракат қиларкан, аста-аста эшик томон чекина бошлади.

– Илтимос қиласман, ортиқ жаҳлинг чиқмасин мендан, ўзи оғзим шунақа шалоқ – оғизмас, сассиқ пиёс бу. Тилнинг сугиги йўқ, нима деганини ўзи билмайди. – У орқаси билан эшикка тиранди. – Олдингда ўзимни жуда ноқулай сезяпман, илтимос қиласман, мени кечир. – У куч билан эшикни итарди – эшикнинг фийқиллаши қулоғини тешиб юбораётди. – Чин виж-доний сўзим, жин урсин, мени нима деб атасанг ҳам майли, сигир ямлаб ташлаган латтаман, мушук ё итнинг қусуғиман, мендака маразни ёруғ олам кўрмаган ҳали, тўғриси ҳам маразман... – тўхтовсиз бидирларди терговчи ниҳоят орқасига муздек ҳаво келиб урилганини ҳис этиб. Аёлга сўнгги бор кўз ташлаб кўйди-да, ҳосил бўлган тиркишдан сирғалиб ўтди ва ўша заҳоти киздан четланиб, эшикни гурсиллатиб ёпди.

Узоқ ўйлаб ўтирамай, терговчи адашган итдан кўра кўпроқ даҳшатга тушган, тўрга илинган балиқдан кўра кўпроқ ти-пирчилаган кўйи йўлак томон учди. Қаршисида пўрим ки-йинган миттигина эркак киши пайдо бўлди, у йўргалаганча ўзидек митти дастёр қиз билан изма-из келарди. Бир силтанган терговчи сал бўлмаса ҳар иккала пакананинг бошли-ри оша ғувиллаб ўтди, кўрққанидан жон-пони чиққан дастёр кизнинг додлаб юборгани парвойига ҳам келмади. Йўлак бошидаги бурчак ортига бурилди ва ёғ босган эшикни очди. У ёқдан ширин, нордон, аччиқ, тахир хидлар димокқа уриларди. Эшикнинг нарёғида ҳамма нарсани паға-паға буғлар камраб олганди, буғлар ичида майда одамчалар у ёқдан-бу ёққа бориб-келар, шайтончалар сингари бир ғойиб бўлиб, бир пайдо бўларди. Бирори пичоқда нимадир кесар, бирори жун ва патларни юлар, яна бирлари идиш ювса, бошка бирорла-ри зирва тайёрларди. Бир қарашда ҳамма ёқда тартибсизлик хукмронга ўхшарди, аммо аслида эса ҳамма нарсада тартиб бор эди. Унинг оёғига нимадир илашди ва пастга қараб муз-лаб қолган қора эшак лаш-лушларига кўзи тушди – элликтача бордир-ов. Шу заҳоти «Аждархо ва қакнус – яхшилик алома-ти» таоми, эшак гўшти базми эсига тушди. Бир нечта одамча

ишини тұхтатиб, қизиқсинаң унга қараб қолди. Бу хонадан чиқди-да, терговчи олға югуриб кетди, зинапояға дуч келди ва ён тутқицдан тутганча пастта тушди. Қулоғига аёлнинг жон талвасасида қичкирган овози чалинди ва қолган пешоби бир йўла оқиб тушди. Кейин чўккан жимлиқда миясига ножёя фикр келди: «Ҳа-а, сен хотиннинг!» Лайян қизил мармар тўшалган ракс майдонида ўйнаётган башанг либосли жуфтликка парво қилмай, у ажойиб мусиқанинг босиқ оҳангига хилоф равишда калтакланган, қўски, қўтирип кўпак мисоли майдончани югуриб кесиб ўтди ва «Ярим аршин» ресторанинг жимжимадор улуғворлиги қўйнидан қора снаряд сингари отилиб чиқиб кетди.

Қандайdir кўчага етгандагина у эслади: ҳозиргина ресторандан чиқаверишда ундан чўчиб кетган эгизак паканалар қаттиқ чийиллаб юборганди. Нафасини ростлаб олгани деворга суюнди ва ресторанинг ёрқин чироқларига нигоҳ ташлади. Эшик тепасидаги неон лавҳадаги чироқлар турфа хил рангда чаракларди ва қиялаб ёғаётган ёмғир томчилари гоҳ қизил, гоҳ яшил, гоҳ сариқ тусда товланарди. Оқшом чўкканини, қиши яқинлигини, у муздек ёмғир остида орқаси билан сирпанчиқ тош деворга суюниб турганини фаҳмлади. «Фақат қабристондагина деворлар шунака хўл бўлиши мумкин, – ўйлади у. – Жюгуда мени шусиз ҳам муттасил шум қисмат таъқиб қиласди, бугунги оқшомда эса агар ажал комидан кутулиб чиқкан бўлсан-да, жилла курса, йўлбарс инидан омон чиқиб ололдим». Шитирлаган тунги ҳавода ажойиб мусиқанинг ресторандан келаётган овози сингиб кетмоқда эди. У қулоқ тутди ва юрагини ғам чулғади: юмуқ киприклари орасидан бир нечта аламнок совуқ ёш томчиси отилиб чиқди. Бир лахза у ўзини мусибатта ўйлиқкан шаҳзода деб тасавур қилди, аммо унга ёрдамга келиши мумкин бўлган меҳрибон малика йўқ эди. Ҳаво нам ва совуқ, кўл ва оёклари зиркираб оғриганидан ҳарорат нолдан пастта тушиб кетгани маълум бўлди. Жюгудаги об-ҳаво бирдан қаҳрига олди. Қиялаб ураётган ёмғир ҳавода музлаб, шивитга айланмоқда эди. Улар ерга тушиб ўзаро бирикарди-да, ер устида муз қатлами ҳосил бўлмоқда, узоқда чараклаб ёритилган шосседаги машина дам-бадам тойиб, йўл четига чиқиб кетмоқда эди. Худди бир



вақтлардаги тушга ўхшаб, миясига Эшак күчасидан чопиб бораётган кора эшаклар подаси қалқиб чиқди. «*Наҳотки, шулар бари ҳақиқатан бўлганди? Ростданам анави ажисубу гариб ҳайдовчи қиз бормиди? Болаларни ейши ҳақидаги иш муносабати билан Динг Гоуэр исм-шарифли терговчи Жюгуга жўннатилганиди? Наҳотки, ўша Динг Гоуэр деганлари мен ўзим бўлсанмиди?» У кўли билан деворни силади – муздай. Оёғи билан депсинди – ер қаттиқ. Йўталиб қўйди – кўкраги санчиб оғриди. Йўтал овозлари олис-олисларга таралди ва зулмат қаърига сингиб кетди. «Ҳаммаси аслида қандай бўлса, шундайлиги кўриниб турибди», – деди юрагига босиб келган оғирлиқдан қутулишга кучи етмай.*

Ёмғирнинг шивитли томчилари мушукнинг қичишган жойини тирнаётган тирноклари мисол юзга аччиқ-аччиқ келиб уриларди. Ёноклари яна карахт бўлиб колди, кейин эса яна куйдира кетди. Шу аснода кўз ўнгига ҳайдовчи қизнинг совуқ чехраси намоён бўлди. У бир томондан иккинчи томонга чайқаларди ва васвасадан ҳеч қутуломаётганди. Кейин совуқ чехра ўрнида меҳрибон чехра пайдо бўлди: у ҳам кўзи ўнгига чайқалар ва уни ҳам хайдаб юборишнинг иложи йўқ эди. Кейин ҳайдовчи қизнинг Юй Ичи билан ёнма-ён тургани кўринди, ғазаб ва рашк алганга олди, улар аралашиб кетди, ачиган мусаллас сингари юрагини ўйиб юбора бошлади. Ҳамон хуши батамом ўзига келмаган терговчи содир бўлиши мумкин бўлган энг расво иш амалга ошганини англади – у аёл қиёфасидаги бу иблисни севиб қолганди ва энди уларни биргина ришта боғлаб турарди.

Муштум кетма-кет қабристоннинг тош деворига келиб туша бошлади ёки бу ҳалок бўлган инқилоб курашчилари-нинг хотира ёдгорлиги эди.

– Суюқоёқ! Суюқоёқ! – барадла тақрорларди терговчи. – Учига чиккан суюқоёқ! Бир юан учун иштонини ечиб юборадиган фохиша! – кўлининг санчиб оғришидан юрагидаги дард тинди; у иккинчи кўлинини мушт қилиб тугди-да, куч билан деворга муштлади. Кейин эса деворга пешонасини ура кетди.

Ёрқин нурда унинг зулмат қўйнидаги гавдаси кўринди. Тунги қўриқчиликда юрган икки полициячи терговчи олдига келди.



– Бу нима қилганинг?

Аста бурилиб, у күли билан күзларини түсди. Тили айлан-маётганди, гапиролмаслигини англади.

– Тинтүв қил уни.

– Нимасини тинтүв қиласардим. Жиннилиги күриниб турибди-ку.

– Шовқин солма, тушундингми?

– Жұна уйингга. Безорилик қиладиган бўлсанг – бўлимга олиб кетамиз!

Уни зим-зиё коронғилик кўйнида қолдириб, полициячилар кетишиди. Ҳаво совуқ бўлиб, қорни очқаганди. Оғриқдан боши тарс ёрилай дерди. Қоронғиликда ҳуши жойига келди ва полициячиларнинг саволлари уни ўзининг жонли ўтмиши ҳақида эслашга мажбур этди. «Мен кимман? Мен – вилоят прокуратурасининг таниқли терговчиси Динг Гоуэрман. Динг Гоуэр ёш бола эмасди, у ишқий гўшаларда хумордан чиққунча даврини сурган ва пакана билан ётиб-турган аллақандай хотинни деб эсини емайди».

– Қандай расвогарчилик! – паст овозда ғудранди терговчи, пешонасидан чиқаётган қонни тўхтатиш учун рўмолчасини оларкан. Кейин бир неча марта қонли сўлак туфлади. – Бугунги килган ишларим ишхонадагиларнинг қулоғига бориб етсами, укахонларимнинг кулавериб ичаклари узилиши тайин. – У белини пайпаслаб кўрди, пўлат пақилдоқнинг жойида эканига ишонч ҳосил қилди ва енгил тортди. «Олга, меҳмонхона топиши, тамадди қилиши, бир кеча дам олии керак, эртага эса ишга, мана бу тўдани бутунича думидан тутмагунимча тинчимайман». У «Ярим аршин» ресторанини барча шайтоний ишлари билан қолдириб, олға ва орқага қайрилиб қарама, дея ўзига бўйруқ берди.

Терговчи коронғи йўлдан юриб кетди, аммо бир қадам юрар-юрмас сирпаниб тушди ва энсаси билан ерга қаттиқ урилиб йиқилди. Ерга қўллари билан таяниб, унинг нақадар совуқ ва сирпанчиқ эканини ҳис этди. Оҳиста ўрнидан турди ва чайқала-чайқала йўлида давом этди. Йўл нотекис, музлаган бўлиб, юриш ҳаддан ташқари оғир эди. Умрида бунақа йўлдан юрмаганди. Ногаҳон орқага бурилиб қараганди, ресторан чироқларининг ёрқин шуъласи



күзларини қамаштирии ва юрагига санчилди. Бамисоли ўқ еган ийрткіч хайвондек вой деб ерга қулади, миясида күк учқунлар ракс туша кетди, бошига қон урди, бош чаноғи ҳаво пұфагидек шишиб кетди – хар лаҳзада тарс ёрилиши хеч гап эмасди. Оғриқдан оғзи қақшайдио худди сув ташувчи аравасининг ёғоч ғилдирагидек бўғзидан отилиб чиккан қичқириқ йўлга терилган тошлар устидан тақиртукур қилиб думалаб кетди. Мана шу товуш таъсири остида у беихтиёр ўзи ҳам ағнаб тушди. Шу ғилдиракка етиб олиш учун у думалаб кетарди, тагида қолмаслик учун ўзини олиб кочарди, тош йўл, тош деворлар, одамлар, уйлар – чор атроф уч юз олтмиш даража айланар, чарх урар ва бу айланышга чек-чегара йўқ эди. «Тўппонча!» – эслади у. У тўппончани олиб, сопидаги таниш чизиқларни ҳис этиб, юраги бежо уриб кетди ва кўз олдидан ўтмишдаги жонли ишлар сузид ўтди. «Қандай қилиб бу қадар тубан кетдинг, Динг Гоуэр? Мастга ўхшаб, лойларга беланиб ётибсан. Пакана билан ётиб-турган аллақандай хотин туфайли бир уюм шаҳар ахлатхонасига айландинг. Ўша суюқёқ шунга арзирмиди? Албатта, йўқ! Қани, тур ўрнингдан, қаддингни ростла, эркак эркакдай бўлиши керак!» Кўлларига тиранниб, ўрнидан турди. Боши даҳшатли айланарди. Кўз олдидаги тағин «Яrim аршин» ресторанининг чироқлари намоён бўлмокда, яна ўша васваса. Уларга қаради дегунча бошида яшил учқунлар чарх ура бошлайди ва хуш чироғи ўчади. У наҳсли чироқларга карамасликка ўзини зўрлади: уларнинг ёғдулари нашабангилик ва фахшни, даҳшатли жиноятларни ўзида мужассам этарди, улар ўз жозибаси билан зўр гирдоб сингари одамини қирғоқдаги бир дона майсадай комига тортиб кетарди. Тўппонча оғзини сонига кўйиб, каттиқ оғриқ билан чарх урган фикрларни хайдаш учун бир-икки айлантириди ва инг-ранганча қоронғиликда одимлаб кетди.

Зулматга кўмилган йўлнинг охири йўққа ўхшарди. Фонуслар йўқ, факат юлдузларнинг хира ёғдуси хар иккала томонда тош деворлар борлигини билдириб турарди. Ёмғир аралаш кор зими斯顿 ичидаги тобора кучайиб борар, сирли ва ҳаяжонли шовқин соларди. Мана шу шовқинга қараб у тош деворлар ортида яширинган сонсиз ям-яшил қайнинлар ва зумрад сувлар-



ни кўз олдига келтиради, улар бир вақтлар шу шаҳарча учун жонларини фидо қилган қаҳрамонларнинг тимсолига айланганди. «Халқ фаровонлиги учун ўн минглаб қаҳрамон ҳаётини фидо қилди, тирикликда бартараф этиб бўлмайдиган қийинчилик борми?»¹ У ўзича сал ўзгартирилган, барчага таниш шу иқтибосни талаффуз этаркан, дилидаги оғриқ бироз қайтгандек бўлди. Ресторан чироклари бир-бирига орқа қилиб саф торгтан бинолар ортига яширинди, бошидан ошибтошиб ётган фикрлар тош деворлар ўртасида қисилиц қолган йўл ҳакида унугтишга мажбур этди, вақт шувиллаб ўтарди, тун коронғилиги муздек ёмғирнинг тартибсиз товушлари орасида шиддат билан олға думаларди, тун бағридаги шаҳарга итнинг хурган бўғиқ овози сирлилик баҳш этарди – ўзи ҳам сезмаган холда терговчи йўлнинг тош терилган қисмидан чиқиб олди ва парвонага ўхшаб, вишиллаб ёнаётган газ фонуси томон интилди.

Фонус ёргугида хунтун – пилак (узма) шўрва сотувчиси-нинг обкаши туради. Кичкина печкадаги кўмирдан заррин шуъла тарапларди, чарс-чурс қилиб ёнаётган тараашалардан учқунлар сочиларди, қовурилган ловия ҳиди димоқни қитиқларди, қозондаги пилакларнинг бикир-бикири қулоққа чалинарди, ундан шундай ёқимли бўй тарапларди, киши ўзини тутиб туролмасди. У охирги марта бундай овқатни қачон еганини ҳам эслолмайди. Қорни бураб оғрирди, қаттиқ қулдираш овози келарди, оёғи резинадан қилинганга ўхшар ва гавдани кўтаролмасди, ўзидан қаттиқ жирканиб кетди, манглайига реза-реза тер чиқди ва кесилган теракдек сотувчи олдидиа гурсиллаб йиқилди.

– Овқатингиздан озгина берсангиз, таксир, – деди у сотувчи чол қўлтиғидан кўтарганда.

Сотувчи уни буклама курсичага ўтқазди ва бир коса шўрва келтириди. Коса ва қошиқни олиб, шўрванинг иссиқсовуқлигини ҳам сезмай терговчи уни бир кўтаришда ичиб қўйди. Бироқ очлик хисси ортса ортдики, камаймади. У кетма-кет тўрт коса шўрвани пакъос урганидан кейин ҳам тўйганини билмасди, бироқ гавдасини сал эгганди, битта пилак ташқарига отилиб чиқди.

¹ Мао Цзедундан иқтибос.

- Яна ичасанми? – сўради чол.
- Йўқ. Қанча беришим керак?
- Нималар деяпсан, – меҳр билан унга қаради чол. – Мабодо, пулинг бўлса, тўрт фэн¹ бера қол, агар бўлмаса, сени меҳмон килдим, деб хисобла.

Бу терговчининг ҳамиятига тегди, у чўнтағидан янгиана, шилдирок, кирралари тиғдек ўтқир юз юанлик қофоз пулни чиқарганини, уни мана бу чолга итқитганини, унга тепадан қараб туриб бурилганини ва хуштак чалганча йўлида давом этганини тасаввур қилди. Бепоён тунги кенгликни кесиб ўтадиган бу хуштак чуқур, унугтилмас таассурот колдиради. Бироқ чўнтаклари бўм-бўш эди. Пилакка қўшиб, у ўзининг кўполлигини ҳам, қийин аҳволини ҳам ютиб юборганди. Пилаклар ошқозонидан бирин-кетин кўтарилиб келмоқда эди, терговчи уларни обдан кавшарди-да, яна ютарди. Уларнинг таъмини энди-энди ҳис қилаётганди. «Кавш қайтаргувчи ҳайвонга ҳам айланиб бўлдим», – ғамгин ўйлади у, катмони, соати, чақмоқтоши, хужжатлари ва устарасини «сирпантириб» кетган балиқ тангачали иблисваччани болохонадор сўкишлар билан эслаб. Олифта Жин Ганжуан ҳам, ҳайдовчи киз ҳам, машҳур Юй Ичи ҳам эсига тушди. Юй Ичини ўйлагани заҳоти кўз олдида ҳайдовчи қизнинг ғўч, таранг қад-қомати пайдо бўлар ва юрагида яна газабнок яшил олов гуриллаб ёна бошларди. Пилакларни еб ва ҳақини тўлашга имкони йўклигидан, тушиб қолган нокулай аҳволдан кутулиб чикиш учун ўзини бу хатарли хотиралар ичидан юлиб олиб чиқди. Бор-йўғи тўрт фэн керак, ахир бу шармандалик-ку, гадойдан баттар. Арзимаган нарса деб қийин аҳволга тушиб ўтириш – ана сенга қаҳрамонлик. У катмонини ағдарди – сарик чақа ҳам йўқ. Ички кийимлари ҳайдовчи қизнинг у ўт кўйгандек кочиб чиқкан уйидаги қандилда осилиб қолаверганди. Муздай тунги ҳаво суюкларини қақшатиб юбормоқда эди. Бошқа иложи йўқлигини англаб, тўппончани чиқарди-да, уни астагина зангори гулли оқ сопол пиёлага кўйди. Тўппонча пўлатга хос кўкиштоб тусда яраклаб кетди.

– Тақсир, – гап бошлади у, – мен терговчиман, вилоят марказидан юборишиди. Бу ерда қингир одамларга дуч келдим, шип-

¹ Юаннинг юздан бири, Хитой майда чакаси.

шийдам қилишди, факат шу түппонча қолди. Ўзимнинг ишсиз сандироқлаб, еганига пул тұламай юрадиган текинхүрлардан эмаслигимни факат шу билан исботлай оламан.

Чол шошиб чуқур таъзим қилди ва иккала қўли билан түппончали пиёлани олиб, сайрай кетди:

– Ҳой, яхши одам, ҳой, яхши одам, тағин ҳам омадингиз бор эканки, пилак шўрва сотувчи – менга дуч келибсиз, мана-ви нарсангизни олинг, кўриб юрагим увушиб кетяпти.

– Қария, – мурожаат қилди унга Динг Гоуэр түппончани олиб, – сиз атиги тўрт фэн сўрадингиз, демак, ёнимда ҳемирим йўклигини олдиндан билгансиз. Билгансиз, лекин билиб туриб пилак пишириб бердингиз, гарчи буни астойдил хоҳламасангиз ҳам. Мен ҳам сизнинг ҳимматингизни суи-истеъмол қилмоқчимасман. Агар бошингизга бирон иш туш-гудек бўлса, мени топишингиз учун исми шарифим ва манзилимни колдираман сизга. Ручкангиз борми?

– Оддий бир оми одамда ручка нима қилсин! Азиз раҳбар, ҳурматли бошлиқ, бир қараашдаёқ сизнинг оддий одам эмасли-гингизни, сирли равища, оддий халқнинг аҳволини ичидан билишга келганингизни дарҳол англагандим. Ҳеч қанақа исми шарифингизу манзилингиз керак эмас, факат бир нарсани сўрайман сиздан – мени ўз ҳолимга қўйсангиз.

– Қанақа сир, падарига лаънат ҳаммасининг! – алам билан мийифида кулди Динг Гоуэр. – Оддий халқнинг аҳволини ичидан билиш эмиш, бир замбил нажасман-ку! Дунёда мендан баҳтсиз одамнинг ўзи йўқ. Нима ҳам дердим, демак, пилакларингизни текинга ебман-да. Ундан бўлса...

У түппончани олди, обоймасини чиқарди, битта тилла-ранг патрончани суғурди-да, уни чолга узатди:

– Мана, эсадликка олинг.

Чол қўлларини силкиди:

– Икки-уч коса суюқ пилак оши экан, бошлиқ, гапиришга арзимайди. Сиз билан учрашганимнинг ўзи мен учун катта баҳт, шундай олижаноб ва адолатпарвар одам билан-а. Шу баҳт менинг уч умримга етади, ха, уч умримга...

Терговчи чолнинг қалт-қалт титраши тезроқ бошланишини хоҳларди, у чолнинг қўлидан тутди-да, унга патронни сукди. Чолнинг қўли иссиқдан ёнарди.



Шу топ орқада масхарали кулги янгради, худди қабртош устида ўтирган боййұғли увиллагандек түйилди. Күркәнідан терговчининг боши елкаси ичига кириб кетди, оёғидан эса илиқ суюқлик оқиб тушди.

– Терговчи эмиш! – кулоғига чалинди кекса одамнинг овози. – Қамоқдан қочиб келяпман, де, яхшиси!

Қалт-қалт қылганча у орқага ўгирилди ва баҳайбат чинор тагида эски ҳарбийча шинель кийган, құлида овборп қүшофиз милтиқ туттан қария, йўлбарсга ўхшаб кетувчи йўл-йўл паҳмоқ юнгли кўпрак турганини кўрди. Кўпрак генералга ўхшаб қимир этмай ўтирас, кўзлари иккита лазердай чаракларди. Ошхона эгасидан кўра терговчи кўпроқ шу кўпракдан даҳшатга тушди.

– Сизни яна ташвишга қўйдим, муҳтарам Цю... – деди хушомадгўйлик билан овқатфуруш чол.

– Сени неча марта огохлантирдим, Тўртинчи Лю, бу ерда савдо қилма, деб, сен бўлсанг яна билганингдан қолмайсан!

– Муҳтарам Цю, сизни тарикча хафа қилгим йўқ, лекин нима қиласай, камбагаллик... Қизимнинг ўқишига пул тўлашим керак, тўламаса бўлмаса... Болаларга нон олиб бориш керак... Шаҳарга бош суқишига юрак қолмаган, тутиб оладилар, жарима соладилар, бу жаримани ярим ойда тўлаб кутуловмайсан...

– Ҳой, сен! – милтигини дағдаға билан чайқади Цю. – Тўппончани бу ёққа ташла!

Динг Гоуэр итоаткорлик билан тўппончани унинг оёқла-рига итқитди.

– Қўлларингни кўтар! – навбатдаги буйруқ янгради.

Динг Гоуэр аста қўлларини кўтарди. Овқатфуруш муҳтарам Цю деб улуғлаётган қотма чол бир қўлини бўшатиб, иккинчи қўли билан милтиқни қоқ ўртасидан ушлаб олди – оёқлари тиззадан букилган, ҳар лаҳзада отиш мумкин бўлиши учун қаддини тик тутганди ва полициячиларнинг «олтмиш тўққиз»ини кўтарди.

– Даққионусдан қолган тўппонча-ку! – деди у кесатиқ билан тўппончанинг ҳамма томонини синчиклаб қараб.

– Қуролни яхши тушунаркансиз, – «пахта кўйиш» имкониятини бой бермади Динг Гоуэр.

– Бу гапни тўғри айтдинг, – яйраб кетди чол ва баланд, хирқироқ овозда сўзларни чертиб-чертиб гапиришда давом



этди: – Ўз вақтида қўлимдан озмунчаси ўтмаганди – элликта бўлмаса ҳам ўттизта курол аниқ ўтганди. Чех маҳсулотио ханянники, испан яримавтомат «астра»си ҳам, японларнинг саккиз зарядлигио «стовуқоёқ»лари ҳам, браунинглар, колътлар, мана бу. – У Динг Гоуэрнинг тўппончасини осмонга отди ва қўлини узатиб ёшига муносиб бўлмаган чаққон ҳаракат билан ҳавода тутиб олди. Чаккалари ёнидан ясси кетган, кўзлари киртайган, бурни илмоқсимон, на қош, на мўйлов, на соқол бор. Офтобда куйган, ажинлари тарам-тарам, юзи печкада ёниб битган дарахт танасига ўхшарди. – Бу тўппонча қизалоқлар ўйнайдиган ўйинчоққа ўхшайди! – деди у масхараомуз.

– Отганда мўлжалга аниқ тегади, – деди бепарвогина терговчи.

Чол тўппончани яна бир карра қараб чиқди-да, сиполарча деди:

– Ўн метрдан нишонга аниқ тегса, бордир, ўн метрдан ортифи – ортиқ.

– Сиз ўз ишингизни яхши биларкансиз, муҳтарам зот.

Чол Динг Гоуэрнинг тўппончасини белига кистирди-да, «Хм» деб кўйди.

– Муҳтарам Цю – кекса инқилобчи, – сотувчи чол гап котди. – У Жюгумиздаги ҳалок бўлган курашчилар ёдгорлигига қарайди.

– Ажабланмаса бўлади!

– Сен нима иш қиласан? – сўради кекса инқилобчи.

– Мен – вилоят прокуратураси терговчисиман.

– Ҳужжатингни кўрсат-чи.

– Ўғирлатиб қўйдим.

– Менга қолса, сен қочоқ жиноятчисан.

– Шунакага ўхшайман, лекин ундей эмас.

– Нима билан исботлай оласан?

– Сизларнинг шаҳар кўмитангизга, мэрингизга, полиция бошлиғига, шаҳар прокуратурасига кўнгироқ қилишингиз ва улардан Динг Гоуэр исм-шарифли маҳсус топшириклар бўйича терговчини биласизларми, деб сўрашингиз мумкин.

– Маҳсус топшириклар бўйича терговчи? – ҳиринглади кекса инқилобчи. – Сенга ўхшаган жипириққа маҳсус топшириклар бўйича терговчи лавозими тушиб қолибдими?



– Мен бир аёл қўлидан шу ҳолга тушдим, – деди Динг Гоуэр.

Аслида у ўзининг устидан ўзи кулмоқчи бўлганди ва бу сўзлар ўзининг юрагига ўқдай санчилишини кутмаганди. Ўзи хоҳламаган ҳолда овқатфуруш чол қаршисида чўк тушди-да, конли қўллари билан қонли бошини муштлаб дўппослай кетди ва қулокни батанг қилгудек қичқирди:

– Мен аёл қўлидан ҳалок бўлдим, пакана билан ётиб-турган аёл қўлидан ҳалок бўлдим...

Кекса инқилобчи унга яқин келди-да, муздек милтиғи оғзи билан унинг энсасига туртди ва баланд овозда буйруқ берди:

– Қани, тур ўрнингдан!

Динг Гоуэр ёш тўла кўзлари билан унинг чўзинчоқ қопкора бошига қараганча аста ўрнидан кўтарилди – қадрдон жойидаги эски дўстини учратиб қолганлар ана шундай қарайди. Тобе ходим бошлиғига, янада тўғрироғи, узок сарсон-саргардонликдан кейин уйга қайтиб келган гумроҳ ўғил ҳам отасига ана шундай қарайди. Қаттиқ таъсирланиб, инқилобчи чолнинг оёқларидан кучоклаб олди:

– Мен тамом бўлган одамман, тақсир, мана шу аёл қўлидан ҳалок бўлганман... – ғудранарди у пиқ-пиқ йиглаб.

Чол Динг Гоуэрнинг ёқасидан тутди, уни оёкка турғазди, кўзларига тешиб юборгудек тикилиб қаради. Қанча керак бўлса, шунча, ярим трубка тамакини чекиб бўлгунча қараб турди. Кейин тупурди, белидан тўппончани суғурди ва терговчининг оёғи тагига итқитди. Орқага бурилди-да, бир оғиз ҳам сўз айтмай, алпон-талпон юрганча у ердан узоклашди. Баҳайбат малла кўппак ҳам индамай унинг ортидан эргашди. Унинг юнглари узра сув томчилари марвариддай йилтиларди.

Овқатфуруш ялтироқ сарғиши патронни тўппонча ёнига кўйди, шошиб идишларини обкашга илди, фонусни ўчирди ва обкашни елкасига кўндириди-да, жимгина юриб кетди.

Зулмат кўйнида Динг Гоуэр кўздан ғойиб бўлаётган овқатфуруш ортидан қимир этмай қараб колди. Узокдаги кўча фонуслари хира дайди чироқлардай милтираб кўринарди. Энди бўлса коронғилик кўйнида баҳайбат чинор дарахти ёмғир томчилари остида унинг боши узра янада баландроқ



шовулларди. Бутунлай саросимага тушганча терговчи ўрнидан турди, аммо тўўпонча билан патронни олиш эсидан чиқмади. Нам ва совуқ ҳаводан барча суюклари зиркиради. Бу нотаниш шаҳарга бегона бўлмиш ўзини гўё сўнгги соати келгандек ҳис қилмоқда эди.

Инқилобчи чолнинг даҳшатли нигоҳида у ушалмаган армонлардан, таъбир жоиз бўлса, темирнинг пўлатга айлан-маслигидан бир аламни уқди ва унга юрагини очиб солиши ни хоҳлаб қолди. Шундай қисқа вақт ичиди пўлат симни ютиб, пружинадан ҳожат чиқарган эркакни думи қисик кўтирик кўпакка айлантирган куч қанақа куч экан? Наҳотки, Худо ҳусни жамолдан қисган бир ҳайдовчи қизнинг қўлидан шундай иш келса? Йўқ, бу зинҳор мумкин эмас, ҳаммасини бир аёл гарданига ағдаравериш ҳам инсофдан бўлмайди. Бу ерда қандайдир сир бўлиши керак ва бу кўпак етаклаган баджахл чол сабаб нимада эканини, албатта, билади. «Бундай доно бошни бошқа ҳеч ердан топиб бўлмайди», – деди терговчи ва чолни қидириб йўлга тушди.

Ёғочдай қотиб қолган оёқларини судраб босганча, Динг Гоуэр чол кўппаги билан кўздан ғойиб бўлган томонга юриб кетди. Аллақаерда узоқдан кўприқдан ўтаётган тунги поезднинг шовқини қулоққа чалинарди ва бу темир йўл шовқинидан янада коронгироқ ва сирлироқ туйилмоқда эди. Йўл бир баландга кўтарилиб, бир пастга тушарди ва айникса, бир баланд қияликда у сирпаниб, ўтириб қолди. Кўча фонуси ёғдусида бир уюм синик фишт кўриниб турарди. Яна бир неча қадам юрганди, катта эски дарвоза олдида пайдо бўлди. Пештоқдаги фонус пўлат панжарани ва катта-катта қизил иероглифлар билан «Жюгунинг ҳалок бўлган курашчилари ёдгорлик қабристони» деб ёзилган локли оқ ёғоч лавхани ёритиб турарди. У дарвоза олдига чопиб борди-да, худди маҳбуслардай панжара чивикларидан маҳкам ушлаб олди. Чивиклар қўлларга ёпишиб, кафт терисини шилгудай эди. Кагтакон малла кўпак вов-вов қилганча дарвоза томон ташланди, бироқ терговчи чекинмади. Охири чолнинг баланд, хирқироқ товуши эшитилди. Газаб билан сакраган кўпак тинчланди ва думини ликиллатди. Коронгилик ичидан унинг



эгаси пайдо бўлди. Елкасидаги қўшофиз милтиқ ва эгнидаги мис тутмали шинели унга салобат бағишиларди.

– Қандай шамол учирив келди сени бу ерга? – тўнғиллаб сўради у.

– Таксир, мен ростданам терговчиман, вилоят прокуратураси томонидан юборилганман, – деди бурнини тортиб Динг Гоуэр.

– Нега юборишганди?

– Фоят бир муҳим ишни аниқлаш учун.

– У қанақа муҳим иш экан?

– Жюгуонинг инсон қиёфасини йўқотган айрим раҳбарлари иши, улар болаларни ер эканлар!

– Мен ўзим уларни қаторлаштириб отиб ташлайман! – тутикашиб кетди кекса инқилобчи.

– Ўзингизни босинг, таксир, ичкарига киришга рухсат беринг, ҳаммасини миридан-сиригача айтиб бераман.

Чол ён томондаги унча катта бўлмаган эшикни очди:

– Ўт!

Эшик чивикларида малла кўпракнинг лахтак-лахтак юнгларига кўзи тушиб, Динг Гоуэр иккиланди.

– Кирасанми ё йўқми?

Етти букилиб, Динг Гоуэр ичкарига сирғалиб ўтди.

– Эҳ, текинхўрлар, сенлар менинг кўплагимни нима деб юрибсанлар!

Чол ортидаги Динг Гоуэр дарвозанинг чап томонида жойлашган коровулхонага кирди. Лошан конидаги навбатчихона эсига тушди ва у ердаги коровулнинг ит юнгларидай лахтаклахтак сочи кўз ўнгига гавдаланди.

Коровулхонада чироқ чараклаб ёнарди. Деворлар оппок, иссиқ кат. Кат энлигидаги тўсиқ уни қозон турган плитадан ажратиб турарди. Плитада олов гуриллаб ёнар ва ҳавони кайин сақичининг ҳиди тутганди.

Кекса инқилобчи милтиқни деворга осди, шинелини катга ташлади ва кўлларини ишқаларкан, сўради:

– Тараша ёқиб, иссиқ катда ухлаш – менинг имтиёзим! – У Динг Гоуэрга қараб кўйди. – Мен инқилобга бир неча ўнлаб йиллик умримни бердим, муштумга teng чандикларим еттита-

ми, саккизта – санаганим йўқ, қандайдир имтиёзга арзигулик хизмат кўрсатибманми?

– Хизмат кўрсатганда-чи, қотириб кўйгансиз бу ёғини, – тасдиқлади иссиқдан мудроқ босган Динг Гоуэр.

– Анави қанжиқнинг боласи, бўлим бошлиғи Юй эса қайин ёқиши бас қилиб, софорага ўтинг, деб талаб қилгани-қилган! Бор умримни инқилобга бердим, японларнинг пулемёти ўқига учдим, энди на бола-чақа бор, на невара-чевара кўриш орзуҳаваси, уч-тўртта қайин ёғочини ёқсан, осмон узилиб ерга тушармиди? Саксоннинг устидаман, колган умримда қанчагина қайин ёқардим? Мен сенга битта гапни айтаман: Парвардигорнинг ўзи осмондан туриб, бу ерга келсин, ҳеч бўлмаса, у менинг қайин ёқишимга тўскинлик қилмас! – Чол тобора авжига чиқиб кетмоқда эди. У қўлларини ҳар томонга силкитар, лабларининг бурчакларида кўпик пайдо бўлганди. – Боя сен нима деяётгандинг? Болаларни ейди дедингми? Одамларни! Эх, йиртқичлар! Кимлар экан ўшалар? Ҳаммасини эртага бориб отиб ташлайман! Кейин эса ўзим хабар қилиб, ҳаммасини айтиб бераман. Яна битта ўтириб чиқсан чиқарман – садқаи сар. Умрим мобайнида қанчаси билан олишиб, қанча ўлимдан қолмадим: сотқинлар, аксиликилобчилар, япон босқинчилари билан олишдим. Мана, энди қариганимда одамхўрлар билан олишарканман-да.

Динг Гоуэрнинг аъзойи-бадани қақшамоқда эди. Кийимларидан кўтарилаётган буғдан намиққан кирнинг ёқимсиз ҳиди анқирди.

– Худди шу ишни мен текширипман, – нидо солди у.

– Қанақа текшириш, падарига минг лаънат ҳаммасининг! – гумбурлади чол. – Олиб чиқиб, шартта-шартта отиб ташлаш керак, вассалом! Нимасини текширасан бунинг?

– Ҳозир, тақсир, конунчиллик ва ҳуқуқ-тартиботни соғломлаштириш даври. Рад этиб бўлмайдиган исботлар бўлмаса, бирони ҳе йўқ-бе йўқ, қандай отиб ташлайсиз?

– Унда тез текширгани жўна, бу ерда нега ўтирибсан аммамнинг бузогига ўхшаб? Сенинг синфий онгинг қаёққа гумдон бўлган? Мехнатга иштиёқинг-чи? Душманлар одам еяпти-ю, бу бўлса оловда исиниб ўтириби! Фирт буржуа унсурни, империалистларнинг думи экансан!

Кекса инқилобчи унинг роса пўстагини қоқди ва Динг Го-уэрнинг мудроғидан асар ҳам қолмади, юраги гурсиллаб ура бошлади. Мийифида кулганчча, кийимларини ечиб, охири қипяланғоч бўлди-қолди, фақат оёғидаги титиги чикқан туфлигина ўзида, холос. У печка олдида чордана қуриб ўтириб олдида, оловни кавлади ва бир нечта елимдор қайин тараашасидан ташлади. Оппок хушбўй тутун бурнига кириб, маза қилиб акса урди. Кийимларини тараашалар устига ёйиб, қуритгани оловга яқинроқ суриб кўйди. Улардан худди эшак терисидагидай бадбўй хид тараларди. Оловнинг ҳидидан бадани кучлироқ қичиша бошлади. У қашиниб, баданини ишқаларкан, маза кильмоқда эди.

— Хариш бўлиб қолганмисан, онангни... — жеркиди чол. — Менда ҳам бир гал шунақа бўлганди — пичан устида ухлаб колгандим. Бутун взвод хариш бўлиб қолганди, аъзойи-баданимиз қичирди. Қашийвериб, қон чиқиб кетарди, қичишиш эса босилиш ўрнига баттар авжига чиқарди, худди ичингдан чиқиб келаётгандай. Бу ахволда жанг қилиб бўларканми? Қанчалаб одамни жангиз йўқотдик. Шунда саккизинчи бўлим кўмондони ўринбосарининг миясига бир фикр келди. Кўкпиёз ва саримсоқпиёз сотиб олди, тош билан туйиб, атала қилди, туз, сирка қўшди, кейин ҳаммамизнинг баданимизга суртиб чиқди. Шунақанги ачитдики, теримиз ҳеч нарсани сезмай қолди, кейин мазаси бошланди, шундай маза килдикки, таърифига тил ожиз! Оддий халқ қўлбола табобатининг шарофатини кўринг — қичишишдан ном-нишон қолмади. Агар оғриб қолсам, мени давлат ҳисобидан даволашлари керак, инқилоб учун бошимни беришга тайёр эдим, шунинг учун ҳам мени давлат ҳисобидан даволашлари керак...

Кекса инқилобчининг сўзларида, инқилобий йиллардаги кийинчиликлар ва маҳрумиятлар ҳақидаги бу хикояда Динг Гоуэр алам ва норозилик оҳангларини очик ҳис этди. У чолга юрагини очмоқчи бўлиб келганди, натижада эса чолнинг ўзи унга дарду ҳасратларини дастурхон қиласпти. Ҳафсаласи пир бўлган терговчи ҳеч ким бу дунёда ҳақиқатни топишида ёрдам беролмаслигини англади. Ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бор, минг гапир — бекор, қорни тўқнинг қорни оч билан иши



йүқ. У кийимларини қоқди, котган лойларни күчириб ташлади, чертиб туширди ва кийинди. Иссиқ кийим баданини қиздиаркан, у арши аълода юргандек хузурланмокда эди. Бирок бир томондан вужудини ёқимли ҳаловат чулғаб келаётган бўлса, бошқа томондан юраги мислсиз изтироблардан тобора қийналмокда эди. Худди сувратдагидек, унинг кўз ўнгига қип-яланғоч ҳайдовчи қиз ва оёқлари айри, жўжа кўкрак, букри пакананинг тўшакда ишрат суреб ётишгани аниқ ва тиник намоён бўлди. Гўё у бир вақтлар уларни кулф тиркишидан ўз кўзи билан кўргандай. Ҳайдовчи қизнинг семиз урғочи илонбаликқа ўхшаш заррин баданидан заиф, аммо ноҳуш хид анқирди. У бу ҳақда қанча кўп ўйлагани сайин манзара шунча ёрқинроқ товланмокда эди. Қурбақага ўхшаб ҳаммаёғига сўгал тошган Юй Ичи барча тўртала тирноқдор панжаси билан қизни хирс-ла силаб-сийпайди, унинг оғзининг бурчакларида тупук кўпикланади, у босиқ вақиллайди... Динг Гоуэрнинг юраги шамолдаги баргдай титраб кетди, кўксини ёриб, уни сугуриб олгиси ва қизнинг башарасига қараб отгиси келди... «Суюқоёқ, суюқоёқ, мараз, суюқоёқ!» Шунда воқеалар ривожи унга алайна-ошкор аён бўлади: бамисоли мармар ҳайкалдек улуғвор терговчи туфлиси учи билан қаймокранг эшикни очади. Унинг кўз ўнгига катта каравот пайдо бўлади – бошқа ҳеч нарса йўқ – каравот устида ҳайдовчи қиз Юй Ичи билан қимир этмай ётибди. Юй Ичи каравотдан қурбақадек сакраб тушади – корни бошдан оёқ жирканчли қизил доф билан қопланган; у бурчакда турибди ва секин титрайти – жўжа кўкрак, тuya ўркачига ўхшаш букри оёқлари гоҳ ғилдирак бўлиб қайрилади, гоҳ тиззалири билан бир-бирига ёпишади, боши ҳаддан ташқари катта, кўзлари гўлайган, бурни киргийсимон, лаблар йўқ, сарғиш тишлари сийрак, оғиз чуқурлиги қоп-қора бўлиб кўринади, ундан аллақандай чиринди ҳиди гупиллаб туради, дуккаклилар сути бетидаги пардадай юпқа, қуриб қолган ва учиб турувчи, қарийб нарёқни кўрса бўладиган катта-катта кулок, худди орангутаннинг олд оёқларига ўхшаш ерга теккудек узун-узун қоп-қора кўллар, бутун баданини қалин жун қоплаган, оёқ тирноқлари илмок-илмок бўлиб қайрилиб ўсган, боз устига, улар керагидан ортиқроқ.

– Бунақа тасқараю тараққос билан бир түшакда ётиш-
га қандай күнглинг борди?! – ўзини тутиб туролмай овоз
чиқарып күчкіриб юборди терговчи.

– Нималар деб алжирайпсан? – түнғиллади мұхтарам
Цю. – Кимга гапирыпсан, онангни...

Бахайбат малла күппакнинг бўйин юнглари хурпайиб, дўқ
ургандек бир-икки хуриб қўйди.

...Киз кўркиб аста қичқиради ва яширинишга ҳаракат
килиб, наридан-бери адёлни ўз устига тортади – бунақасини
кинода тез-тез кўриш мумкин; қиз титрайди ва худди шу пал-
лада Динг Гоуэрнинг нигоҳи шундай бир таниш... шундай бир
ғўч... таранг... хушбўй танага тушади. Юраги қонга беланади –
қандай фожиа! Кўзларда кўкиштоб ёғдулар жилваланади,
тош қотган юзини пўлат рангидаги кўкиш тус қоплайди, лаб-
ларида нафратомуз табассум пайдо бўлади, бадани совуқдан
жунжикади... У тўппончани олади, бармоғи тепкига минади,
нозик ҳаракат, енгил туртки, нишон – пақ! – ўқ овози янграй-
ди. Юй Ичининг орқасидаги тошойна чил-чил бўлади, ял-
тиллаган ойна синиклари жаранглаб полга сочилади, пакана
кулайди. Терговчи тўппончани қинга яширади, бир оғиз ҳам
сўз айтмай хонадан чиқади – зинҳор-базинҳор орқага бури-
либ қарамаслиги керак! Шахдам одимлар билан «Яrim ар-
шин» ресторанини тарқ этади. «Кечир, кечир мени!» – алам-
ли қичқиради қиз, чўккалаб ўтирган ва адёл билан ўзини сал
яширган холда, орқага бурилиб қарама, зинҳор-базинҳор
орқага бурилиб қарама! Ана, у одамлар оқими ичиди қуёш
нурига кўмилган кўчадан одимлаб бормоқда, ҳамма – эркак-
лар, аёллар, чоллар, кампирлар – унга қарайди, уларнинг
нигоҳларида – эҳтиром ва кўрқув... Ҳов анави аёл унинг она-
сига икки томчи сувдай ўхшаш, кўзларида ёш... «Болажоним, –
кампирларча титроқ лаблари билан пицирлайди у, – бола-
жонгинам менинг...» Узун оқ кўйлак кийган киз – заррин соч
толалари елкаларига ёйилиб тушган – оломон орасини ёриб
ўтиб бормоқда, қалин эгма киприклар остидаги кўзлари ёш-
дан ялтирайди, сийнаси ҳаяжондан бир кўтарилиб-бир ту-
шади; бўғилади, у ёриб бораётган одамлар уммонининг чек-
чегараси йўқдай ва мафтункор, нолаларга тўла овозда чор-
лайди: «Динг Гоуэр! Динг Гоуэр!» – аммо терговчи қайрилиб

қарамайды, у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг қилмайды, гурс-гурс қадам ташлаганча ишонч билан кетиб бормоқда – фақат олға, қуёш истиқболига томон кетиб бормоқда – охир-пировардида ол баркаш билан құшилиб кетади...

Динг Гоуэрнинг елкасига кекса инқилобчининг вазмин қўли келиб тушди. Қуёш баркаши билан бир бутун бўлган терговчи сесканиб кетди ва фожиавий қаҳрамон тимсолидан ҳадеганда халос бўлавермади: юраги тинимсиз гурс-гурс қилар, қўзлари – ёшли.

– Ичингта, онангни... қанака жин кириб олган ўзи? – заҳархандалик билан қизиқсиниб сўради чол.

Қўзларини енги билан шоша-пиша артган терговчи хижолатомуз кулимсиради. Шиддат билан тошиб келган хаёллардан кейин ғамга тўлиб кетган сийна, афтидан, дарз кета бошлади, боши қўргошиндай оғир, қулокларида асаларилар ғўнгиллайди.

– Қаттиқ шамоллаганга ўхшайсан, ит эмган! – хотима ясади кекса инқилобчи. – Ўзингга мундоқ қара! Маймуннинг кетига ўхшаб қип-қизилсан! – Бир ёнга бурилиб, чол бурчакдан кизил ёрлиқли битта сопол шишани олди ва уни силкитди: – Хозир сенинг бу касалингни тузатаман. Ичсанг, баданинг тозаланади ва ҳамма иллат битта қолмай чиқиб кетади. Мусаллас – бу энг биринчи даво, мингта дарддан халос қиласди. Бир вақтлар мен Чишуй дарёсидан тўрт марта кечиб ўтганман ва икки марта Маотай шаҳарчасини кесиб чиқканман. Безгак туфайли ўзимизнилардан қолишимга тўғри келганди ва мусаллас қазноғига беркиниб олгандим. Кўчада улар тўғри келганини отиб ташляяпти, даҳшат, қалт-қалт титрайман. Ичсам, сал дадиллашсам керак, деб ўйлайман. Бир ўтиришда қулт-қулт-қулт қилиб, роса уч косани бўшатибман. Кейин тинчландимгина эмас, балки рухим кўтарилиди, қалтирамай қўйдим. Қандайдир сўйилни олдим-да, ертўладан отилиб чиқдим, иккита окни йиқитдим, винтовкалардан бирини олиб, Мао Цзедун қўшинигача етиб бордим. Ўша вақтларда «маотай»ни ҳамма ичарди – Мао Цзедун ҳам, Чжу Де ҳам, Чжоу Эньлай ҳам, Ван Цзесан¹ ҳам. «Маотай» ичгандан кейин Мао Цзедун-

¹ ХКП раҳбарлари.



нинг бошига күплаб буюк режалар кела бошларкан. Агар «маотай» бўлмаганда унинг бир ховуч жангчиларидан битта ҳам қолмаган бўларкан. Шунинг учун мусаллас хитой инқилобига шараф билан хизмат қилган. Сен уни ўзича миллий ичимлик бўлиб қолган деб ўйлагандирсан, ҳойнаҳой? Айнан шунинг хотирасига ичмоқ қерак! Мен бор умримни инқилобга берганман, «маотай»дан озгина бўлса ҳам ичмасам, гуноҳ бўлади. Анави қанжиқдан бўлғаннинг бошлиғи Юй бўлса «маотай» ўрнига менга нукул қаёқдаги «хунцзун лэма»ни тиқиширади, садқаи одам кет, ит!

Чол сири кўчган дўлчага мусаллас қўйди-да, бошини орқага ташлаб, оғзини тўлдириб-тўлдириб бир неча марта ютди.

– Энди сен томоғингни ҳўлла. Тоза «маотай», бир томчи ҳам ясамаси йўқ. – Динг Гоуэрнинг кўзларидаги ёшни кўриб, нафраторумуз лабини бурди: – Ичишга юрагинг бетламаяптими? Фақат сотқинлар ва иғвогарларгина кўрқадилар, ичиб олиб, сирларини гуллаб қўйишдан хавфсирайдилар. Ёки сен сотқинмисан? Ё иғвогармисан? Йўқ. Унда нимадан хайикасан? – У яна бир ҳўплади, арақ томоғида култ этди. – Ичмасанг, мен бундан ҳам хафа бўлмайман! Озгина «маотай» топиш мен учун ҳеч гап эмас деб ўйлаётгандирсан? Мени анави троцкийчи, бўлим бошлиғи Юй сикқани-сикқан, унга кучим етмайди. Ерга бир йиқилган қақнус бошқа турмайди ва йўлбарс ҳам текис жойда итларга teng келолмайди!

Арақнинг кўнгилни алғов-далғов қилувчи хиди Динг Гоуэрнинг хисларини жунбушга келтириб юборди – хозир ичмаса, қачон ичади? Кекса инқилобчининг қўлидан дўлчани юлқиб олди-да, уни лабларига тақади, чуқур нафас олди ва куйдирувчи суюқлик оқимини тўғри ошқозонига йўллади. Унинг кўз ўнгига қатор пуштиранг нилуфарлар япроқ ёзди ва уларни куршаб олган туманга ҳуш элтувчи нур келиб санчилди. Бу «маотай» нури, «маотай» моҳияти эди. Бир сониягина ичиди унинг атрофидаги борлиқ – осмон, ер, довдараҳтлар, Ҳимолай чўққисидаги одам оёғи тегмаган ялтироқ оқ қорликлар – барчаси ҳаддан ташқари гўзал бўлиб кетди.

Мийигида кулган кекса инқилобчи унинг қўлидаги дўлчани олди-да, яна қўйди. Арақ шиша бўғзидан қултиллаб



тушар, кулокларда акс садо бериб жаранглар, оғиз эса сүлакка тўларди. Чолнинг чехрасида ифода этиб бўлмас меҳрибонлик жилва қиласди. Динг Гоуэр кўлини чўзди ва ўз овози қулогига чалинди:

– Беринг бу ёкка, яна ичаман.

Чол болаларча қилиқ билан таранг қилган бўлди:

– Бошқа бермайман, кошки, уни топиш осон бўлса.

– Озгина беринг, илтимос! – ўқирди терговчи. – Ичим келяпти. Ўзингиз қизиқтириб қўйиб, энди қизғаняпсизми?

Чол дўлчани оғзига олиб борди-да, ютоқиб бир хўплади. Фазабланган терговчи дўлчага ёпишди, лекин чол уни маҳкам ушлаб турарди, фақат тишлари сопол идишни тирнаб ўтди ва муздек арақ қўлига тўкилди. Терговчи баттар ғазабга миниб, дўлча учун кураш олиб бораракан, бир жанговар усул унинг эсига тушди: букилган тизза билан ракибнинг чотига зарба бериш. Кекса инқилобчи «вой!» деб юборди, дўлча терговчининг қўлида пайдо бўлди ва ундаги бор аракни бир томчи ҳам қолдирмай, тоқатсизлик билан ўзининг ичига қуиди. Яна ичгиси келди ва шишани қидириб, у ёқ-бу ёкка аланглай бошлади. Жангда ҳалок бўлган азамат йигитдек у полда ётарди. Қизиқ устида йигитчани ўлдириб қўйгандек терговчининг кўнглини қаттиқ қайғу чулғади. Қизил белбоғли оқ шишага эгилиши ва уни ердан олиш, бу йигитчанинг ўрнидан туришига ёрдам бериб юбориш ниятида у нимагалигини англамаган ҳолда гурсиллаб чўқ тушади. Хушрўй йигит эса бурчакка, девор томонга думалаб кетди, у ерда ўрнидан турди-да, бир метрга етмагунча тез ўса бошлади – шу ерга келганда ўсишдан тўхтади. «Э-ҳа, девор ёнида турган мусаллас тири экан-да, менга масҳарали қараб турган «маотай» руҳи экан-да». Терговчи сапчиб турди, уни тутиш учун ташланди ва боши билан гумбурлаб деворга урилди.

Боши хиёл айланди, аммо шу заҳоти катта ва муздек кўл унинг сочидан тутганини ҳис этди. Кимнинг қўли экани аниқ эди. Ўзини тартибга келтиришга ҳаракат қилганда сирпанчик, айқаш-уйқаш, кўнгилни бехузур қилгудек бадбўй чўчқа ичакчавоқлари деб ҳис этган ва чол сал қўлини бўшатгудек бўлса, бу барча ёйилиб кетаётган лаки-луқилар қайта полга шалоплаб тушишини англаған ҳолда у оғриқдан ўтириб олди.

Боши қўл ҳаракати билан изма-из бурилди ва унинг рўпарасида кекса инқолобчининг офтобда куйган башараси намоён бўлди. Самимий табассум ўрнини тош ифода эгаллади ва чолнинг юзига қараб синфий зиддиятлар ва синфий курашнинг бутун ўткирлигини тасаввур килиш мумкин эди.

– Эҳ, идора кули, итдан тарқаган! Мен унга ичсин деб арақ сузай-да, у моягимга аямай тепсин! Сен итдан баттар экансан, шу арагимни итимга берганимда, у лоақал думини ликиллатарди.

Чолнинг оғзидан сачраган томчилар кўзларини куйдирди, терговчи ҳатто оғриқдан додлаб юборди. Шу топ унинг елкасига катта-катта бақувват панжалар келиб тушди, бўғзидан эса ит тишлари бўғиб олди. Бўйнида итнинг қаттиқ юнгини хис қилиб, хатарли дақиқаларда тошбақалардай беихтиёр калласини елкалари ичига тортди. Юзини қайнок нафас елпиб ўтди, кўпракнинг оғзидан айниган нарсанинг ачимсик хиди гупурарди. У ваҳима ичидаги қичқириб юборди ва кўз олдини коронгилик босди.

Кўп ўтдими-оз ўтдими, нима ва қандай бўлганидан қатъий назар, бирмунча вактдан кейин кўпрак ўзини кўр қилиб кўйганига ишонч ҳосил қилган терговчининг кўзларида яна нур жилвалана бошлади. Булат ортидан кўринган куёш каби нур кўзига ёриб кирмоқда эди, кейин эса кўз ўнгидаги қоровулхонада содир бўлган барча ишлар аниқ намоён бўлди. Чироқ остида ўтириб олган инқолобчи чол қўшофизни тозаларди. У бу юмушини қаттиқ берилиб ва расмиятчилик билан бажаарарди – ота ўзининг ягона боласини ана шундай чўмилтиради. Баҳайбат тарғил кўпрак бир кучоқ қайнин тарашаларига калласини кўйиб ва печкада чарх ураётган заррин учкунларга ўйчан тикилиб, олов олдида жимгина чўзилиб ётарди, шу туришида у университетнинг фалсафа профессорига ўхшаб кетарди. Қизиқ, у нима ҳақда ўйлаётганийкин? Мушоҳада юргизувчи бу кўпрак киёфасининг ўзи бир сехрли эди. Кўпрак печкадаги оловга кўз узмай қараб турарди, терговчи кўпракка шундай қарабарди ва итнинг миясида юзага келган манзара – умрида бунақасини асло кўрмаганди! – унинг ўз миясида аниқ-тиник намоён бўла бошлаганди: шу қадар ғаройиб эдики, юракни чуқур ҳаяжонга соларди ва бунинг устига, осмонда сузиб юрган булувлар-

га ўхшаб, паст мусика унга жўр бўлмоқда эди. Бу шу қадар таъсирчан эдики, бурни ачишди, гўё тили танглайига ёпишиб қолгандай эди – худди мушт билан зарба берилгандай юзларидан қайноқ кўз ёшлари шашқатор оқа бошлади.

– Ҳап, сени қара-ю, ошна! – жеркиди чол. – Қордан қутулиб, ёмғирга тутилди, деганлари худди шу бўлса керак.

Ёшларини енги билан артиб, терговчи хафа бўлган оҳангда тилга кирди:

– Мухтарам зот, мен бир аёл қўлидан ҳалок бўлганман...

Инқилобчи чол унга тикилиб қарадио шинелини эгнига ёпди, қўшофизни елкасига илди ва кўпагига қаратаги:

– Кетдик айлангани, қўппаквой, бу ичи бўш тулуп шу ерда пик-пиқ қилиб йиғлаб ўтираверсин, – деди.

Кўппак шошмай ўрнидан турди, терговчига чукур ҳамдардлик билан қараб қўйди ва чолнинг орқасидан эшик томон йўргалаб кетди. Пўлат пружинали ёғоч эшик нам ва совуқ тунги шамол эпкинини ичкарига қўйиб юбориб, гурсиллаб ёпилди. Терговчи титраб кетди, ёлғизлик ва қўрқув туйғуси вужудини қамради.

– Шошманглар! – қичқирди у. Терговчи эшикни очди ва чол билан қўппакнинг ортидан қувиб кетди.

Дарвазадаги фонус ёруғида уларнинг киёфалари хира сояларга ўхшарди. Муздай ёмғир ҳамон тинмаганди, аммо энди, тунга келиб, у яна-да кучайганди ва унинг товуши аллақаерда майда жондорлар галаси судралиб юргандек аниқроқ қулоққа чалинарди. Чол қабристоннинг тўрида, куюқ зулмат қўйнида одимлаб борарди. Унга юкиниб қўппак ҳаракат қиласар, қўппакнинг ортидан терговчи судралиб келарди. Аввалига фонуснинг хира ёғдусида тош тахтачалар ётқизилган энсиз йўлканинг ҳар икки тарафида саф тортган, ибодатхона шаклида кузалган сарвларни ҳали ҳам фарқласа бўларди, аммо-лекин бирмунча вактдан кейин чор атроф жаҳаннамий зулмат қаърига ғарқ бўлди. «Пешонангдан чертиб кетса, билмайсан», деган қоронғилик шу бўлишини терговчи энди англади. Қоронғилик қуюқлашгани сари муздек ёмғир томчилари нинг дараҳт шохларига келиб урилаётгани шундоққина эшитилиб турарди. Мана шу тартибсиз товушлар юракни кўпроқ ғашликка тўлдирмоқда эди. Кўппаги билан қоровул чолнинг



борлигини фақат ҳид ва шитирлашдан билса бўларди, у дилни бир тутам килувчи ёлғизликни хис этди. Зулматнинг азбаройи катта куч билан босиб тушиши, ха, тўғри маънодаги босиб тушиши одамни бир зувала хамирдай ёйиб юбориши ҳеч гап эмасди. Даҳшат чулғаган терговчи ям-яшил қайнинлар ва зумуррад сарвлар ортида яширинган қабрларнинг хидини туди. Дараҳтлар юзлари офтобда куйган ва лабларида риёкорона табассум ўйнаган, елкама-елка саф тортиб турган бакувват йигитларга ўхшарди, авзоларидан ниятлари бузук кўринарди; уларнинг пойларида, сарғайган ўтлар билан қопланган мозор дўйнгасларида қаҳрамонларнинг тўсли руҳлари савлат тўкиб ўтиради. Бутунлай хушига келиб, у савқитабий ила тўппончасига ёпишди, шунда кафти тердан намиққанини сезди. Қоронгида ғалати қичқириқ қулогига чалинди, ёнгинасида қанотларини пат-пат қилиб нимадир учеб ўтди. Унинг күшлиги аниқ эди, лекин қанақа күш? Бойўғлимикан? Қулогига чолнинг йўталгани ва кўппакнинг хургани чалинди. Тириклар олами ичида мана шу иккала овоз терговчини тинчлантириди, у ҳам атайлаб баланд овозда йўталиб кўйди ва бу йўтали нечоғли бемаъни эканини ўзи ҳам хис қилди. «Хойнаҳой, чол қоронгида мен томонга қараб кинояли кулиб кўйган бўлса керак, – ўйлади у, – ҳатто мана бу мутафаккирга ўхшаб кетадиган кўппак ҳам устимдан кулаётган бўлиши керак».

Қоронғилик кўйнида яшилтоб чироқчалар йилтиллаб кетди, агар кўппак бўлмаганида, уни бўри деб ўйлаши аниқ эди. Ўзини тутиб туролмай, у қаторасига яна бир неча марта йўталди ва шу аснода юзига фонус ёргуғи келиб урилди. Кўзларини қўли билан тўсиб, норози оҳангда сўзлашга оғиз жуфтлаганди, бироқ нур бошқа томонга сурилди ва оқ қабртошни ёритди. Афтидан, тош тахтига ўйиб ёзилган йирик-йирик иероглифлар якинда оч қизил рангга бўяб чиқилган. У буни кўриб ҳатто титраб кетди. Ёзувни-ку ўқий олмади, чунки қизил рангдан кўз олди қоронғилашиб кетди. Чироқ қандай тўсатдан ёнган бўлса, ўшандай ўчди, аммо кўз олдида ҳамон ранг-баранг нуқталар ракс тушарди, қоровулхонадаги печкада қайнин тараашлари гуриллаб ёнганидек миясида ҳам ҳамма нарса ланғиллаб ёнди. Олдинда қоровул чол оғир нағас оларди, ёмғирнинг ноғора қоқиши аста-секин тинди ва



бирдан шу яқин атрофда шунаканги даҳшатли гумбурлаган овоз тарқалдики, худди тоғлар қулаб, ер ёрилганга ўхшаб кетди. Терговчи ҳатто сапчиб тушди. Бу қанака портлаш эканини билиб бўлмасди, ха, сирасини айтганда, бу уни унчалик қизиқтирмасди. Мухим жиҳати шуки, нур ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг қабртошини ёритган пайтдан бўён унда ақл бовар қилмас бир жасорат тўлқини мавж урмоқда, мусалласга ўчликдан келиб чиқувчи рашк, «бевалик мусалласи»нинг жирканч бекарорлиги, муҳаббат мусалласининг саргардонликлари ва кечинмалари уни бутунлай тарқ этиб, шўртанг тер ва бадбўй пешобга айланганди. У эса қозоқ чўлидаги қизиққон суворийдек эпчил бўлиб қолганди, арақ абжир, тўхтатиб бўлмайдиган, айни вақтда нафис ва дағал, таваккал ва ҳазил-мутойибани жонидан яхши кўрувчи испан тореадорига ўхшаган конъякка айланганди. Бамисоли аччиқ қизил қалампирга оғзини тўлдириб, кўк пиёздан тишлаб, тишларини кўкиштоб саримсоқпиёз бўлтагига ботириб, куритилган занжабилни чайнаб ёки обдан туйилган қора мурчни ютиб юборган каби терговчи ўзини кучли оловда жизганак бўлаётган думба ёғдек, йўқ, янги узилган гуллардан тўкилган гулчамбардек ҳис қилди; коктейлли қадаҳ лабидаги кўпикка ўхшаб, руҳи кўтарилиб, ўзига келди ва «Цюансин дацой» шишасидек ажойиб шаклли тўппончасини олиб, паканабўй граппа сингари кескин ва маккорона ҳаракат ила ўқдай учиб, кўз очиб-юмгунча «Яrim аршин» ресторанига қайтиб келгандек, пахтадек оппоқ эшикни тепиб очгандек, тўппончани ҳайдовчи қиз ва унинг тиззасида ўтирган паканага ўқталгандек ва «пақ, пақ» отиб, уларнинг каллаларини учириб юборгандек бўлди. Булар барчаси бутун дунёга машҳур, аччиқ, ширин-нордон таъмли, ҳўплаб-ҳўплаб ошқозонга қуйладиган, ўткир қиличдек энг мушкул муаммони ҳам бир ҳамладаёқ ё у ёқлик, ё бу ёқлик қиласидиган «Даоцзю» мусалласининг таъсирига ўхшарди.

2

Иним Идоу!

Хатингни ва «Ошпазлик санъатидан сабоқлар» ҳикоянгни олдим.

Жюгугога боришишмага келсак, мен олдиндан бошлиқлар билан гаплашиб қўйдим. Қўйиб юборишига кўнгиллари йўқ, ахир,



мен ҳарбийман-да. Бунинг устига, яқинда майор унвонини олдим (икки юлдуз кам), бироқ битта планка қўшилди, қўшишмча қилиб берилган планкали учта юлдуз бошқача кўринардида, шу боис жуда хурсандман, деб ҳам айтмолмайман. Энди яшашига ҳам, ризқимизни топишга ҳам, ҳикоялар ёки янги замон ҳарбийларининг ҳаётини акс эттирадиган «репортаж адабиёти»ни ёзиши учун ротанинг бошига жангчилари қаторида сафда юриши машгулотлари билан шугулланишига тўғри келади. Гарчи сўнгги йилларда Жюгур тез ривожланнаётган бўлса-да, ҳужжатлар маъносида адабий ашёлар тўплаши учун бирон ёкка бории жуда нокулай. Сафардан бои тортмоқчимасман, бундан кейин бор кучим билан ҳаракат қиласман, қулай баҳоналар керагидан ортиқ тўлиб-тошиб ётибди.

Жюгудаги Маймун мусалласининг биринчи фестивали қизиқарли воқеа бўлиши куттимоқда. Умид қиласманки, ўша вақт келганда, мусалласдоши жуфтликлар орасида хушчакчақлик авж палласига етганда бошлари оғриган ва оёқларининг мадори кетган ичкилик шиқибозларининг чайқалган сафларида менинг ҳам семиз қиёфамни кўриши мумкин бўлади.

Хозир романнинг энг қийин жойига келиб қолганман. Бу бекарор шахс, маҳсус ишилар бўйича терговчи, у бутунлай издан чиқиб кетган. Ҳаттоси, у ўзини отиб ўлдирсинми, ё бўймаса, беажсал ўтиб кетсинми, билолмаяпман. Олдинги бобда у бўкиб ичиб олди. Ижодий машақватлардан қочиб кетолмаганим боис мен «бор-э» дедим-да, ўзим ҳам ичиб олдим. Бироқ талтайиб, тантиқланиб кетмадим, фариишталарга ўхшаб, кўкларга парвоз қилмадим, аммо-лекин нақ дўзах азобига гирифтор бўлганим рост. У ерда яхши нарсалар анқога шафе.

Сенинг «Ошпазлик санъатидан сабоқлар» асарингни бир оқиомда ўқиб чиқдим (яна бир неча қайталаб ўқидим). Сенинг бу ёзганларинг ҳақида бир нима дейшишим тобора мушкуллашиб боряпти. Борди-ю, бир нарса дейшига мажбур бўйсан, эҳтимол, тақрорлаган бўларман: ягона усул олдин ҳам йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ, – у ёқдан-бу ёкка ташлайверасан, ҳеч қандай меъёр туйгуси йўқ... хуллас, шундай кетаверади. Шу боис чайналган ҳақиқатни яна тақрорлашдан кўра

индамай құя қолганим маңқул. Аммо сенинг илтимосингни бажаралып да «Фүқаро адабиеті»га кираман: агарда Қжоу Баони жойында учратолмасам, құләзманы унинг столи устида қолдиралып да хат ёзаман. Чоп қилишга арзийдими-йүкми – бу ёғи энди омадга боғлиқ. Лекин тажриба шуны күрсатадыки, бу ҳикояни чоп этиши анов-манов иш эмас. Гарчи биз сен билан бирон марта күршишмаган бўлсак-да, барига бир самимий дўстлар бўлиб қолдик, шу боис қандай бўлса, шундай гапиряпман.

Эртами-кечми, «Фүқаро адабиеті»да құләзмаларни танлашынг мезонларига мувофиқ анча юқори савияда ёза олишиннга ишонаман. Буни вақт күрсатади, шу боис тушкунликка тушишинг кераги йўқ.

Ҳаммаси бўлиб сен олтита құләзма юбординг, жумладан, «Ярим аршинлик қаҳрамон»ни ҳам. Агар Жюгуга бориши насиб қилиб қолса, «Фүқаро адабиеті»га кириб, уларни олиб боралып. Почтадан юбориши хатардан холи эмас ва ортиқча даҳмаза ҳам. Бирор нарса юборгани ҳар гал почтага кирганимда, бир неча кунгача ҳаловатим бузилади. Дарча ортидағи анави ходимлар ҳар доим юзларини шундай бир қиёфага солиб ўтиришиадыки, гўё жосусни кузатаетган ёки бомба тошиб олгандек. Худди халтандыра аксилиңқилобий китобчалар бордек қарааб ўтиришиади.

«Жюгугодаги гаройиб ишлар ҳақида қайдлар»ни тополмаган бўлсанг, қўявер. Сўнгги бир неча йил ичида бунақа галати ва бемаъни китоблар озмунча чиқмадими! Уларнинг кўпичи бир чақага қиммат, ҳеч нарсага ярамайди.

Ижодий муваффақиятлар тилайман.

Мо Ян

3

Ассалому алайкум, устоз Мо Ян!

Сизнинг Жюгуга келмоқчи эканингизни билиб, ўзимда йўқ шодман. Шогирдингиз Сизнинг келишингизга шунчалар интиқки, шоир айтгандек, «юлдузларга қарайман, ойга қарайман, фақат олис төглар ортидан қуёши чиқшини кутаман яккаш».



Менинг бир нечта синфдошим шаҳар партия қўмитасида ва шаҳар бошқармасида ишилайди (оддий ишда эмас – уларнинг амалдорлик қалпоқларини у қадар катта деб бўлмасада, у қадар кичик ҳам эмас). Шу боис, агар у ёки бу ташкилотдан таклифнома ёки хат керак бўлса, шуларга мурожсаат қила оламан, улар дарров ҳожжатимни чиқарадилар. Хитойдаги бошлиқлар муҳрли ҳужжатимни жуда яхши кўрадилар ва ўйлайманки, ҳарбийлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳикояларга келсак, ростданам жуда бошим қотган. Боз устига, муҳтарам Чжоу Бао ва Ли Сяобаодан озгина хаман. Шунча қўллэзмани топшириб қўйибман, улар эса ҳеч нима бўлмагандай бемалол ўтиришибди – бир энлик жавоб ёзиб юборишига ярашмайди – бу гирт ҳурматсизлик-ку. Тўғри, уларнинг бош қашишга қўллари тегмайди, агар ҳар бир бошловчи ёзувчининг хатларига жавоб ёзишиша, бошқа ҳеч нарсага уларнинг вақти бўлмасди. Мен буни яхши тушунаман, аммо юрагим тобора зардобга тўлиб кетяпти. Ахир, бежиз айтмаганлар-да, «Роҳибга эмас, Буудага қара» деб. Яхши ёзганманми-ёмонми, нима бўлганда ҳам ёзувчи сифатида Сиз мени тавсия этяпсиз-ку! Мен, албатта, бу ярамас йўл эканини тушунаман, бу адабиётнинг ривожланишига хизмат қўлмайди, лекин шунга қарамай, бу кайфиятнинг олдини олиш учун бор кучимни сарфлайман. Мен сувни кўрмай этик ечадиганлардан эмасман, бирор ўзини томдан ташласа, орқасидан эргашадиганлардан ҳам эмасман. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, ёзавераман, ёзавераман.

Академиямизда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, Маймун мусалласи фестивалига тайёргарлик кўриши билан банд. Кўллиётда менга топшириқ берилган, унга кўра фестиваль вақтида сотиладиган хушибўй мусаллас учун асос сифатида бизда сақланётган шифобахи дамламанинг бир қисмидан фойдаланишим керак. Агар яхши чиқса, мўмайгина пул мукофоти тегиши тайин, бу эса мен учун гоят муҳим. Бироқ пулни деб, наҳотки, мен ёзишдан воз кечсан? Йўқ, мен бундан кейин ҳам ёзмоқчиман, қувватимнинг ўндан бир қисмини дамламага сарфласам, қолган тўйқуз қисмини – ижодга багишлайман.

Ўзимнинг сўнгги асаримни юборяпман, у «Қалдиргоч уяси» деб аталади. Сиздан илтимос, устоз, у ҳақда ўз фикрингизни



билдирсангиз. Ўзимнинг илк ижодимни таҳлил қилиб чиқдим ва шундай хуосага келдимки, асарларимнинг чоп этилиши-даги қийинчиликлар уларнинг ижтимоий муаммолар билан боғлиқ эканидир. Шундайин, «Қалдирғоч уяси»да ана шу муаммо бор. Ҳикоя сиёсатдан ҳам, пойтахтдан ҳам узоқ. Башарти, уни ҳам чоп этишининг иложи бўлмаса, демак, Парвардигорнинг мендан юз ўғиргани шу бўлади.

Сизга чексиз ҳаловат тилайман!

Шогирдингиз Ли Идоу

4

«Қалдирғоч уяси»

Қайнонам қалдирғоч уяларини тўпловчилар оиласида дунёга келган ва аввалига айнан мана шу туфайли у мендаги «Олоросо» шеррининг муаттар бўйи, унинг бир текис ва тўқ ранги, нафис ва нозик ҳиди ва юмшоқ таъми билан «йиглаб кўришган» деб билардим – бу шеррини узоқ саклаш мумкин, қанча кўп турса, шунча яхшиланиб бораверади, кишлока қопланган батат пояларидан ясалган қўлбола ичимлик эмасди зинхор, у лойка, аччиғи оғизни куйдиради, маҳкам қисқичдек томоғингдан олади – на ўликсан, на тирик.

Ҳозирда бадиий асарларда одат бўлиб қолганидек, айтишим мумкинки, бизнинг тарихимиз энди-энди бошланяпти. Бироқ менга ҳам, сизга ҳам тааллуқли қиссани тафсирлашга киришишдан олдин, муҳтарам ўқувчилар, бундан кейин мутолаангиз жараёнини енгиллаштириш учун уч дақиқани маҳсус ахборот муқаддимасига бағишлишимга изн берсангиз: унинг мутолаасига бир ярим дақиқа кетади, қолган бир ярим дақиқада эса ўқиб чиққанингизни хар томонлама ўйлаб кўришингиз мумкин. Кимдир, падарига қусур, карғага етаман деб, чумчук бути йирилиб ўлган экан, деб кулиши мумкин, яъни боланинг дарди кўзада, кампирнинг дарди фозада. Кулгидан бир неча юз миллиони қотиб ўлмайдими, қайтага туғилишни режага солишда ташвишнинг камайгани колади, шунда қайнонам менга чакалоқлар туғиб бериш учун қари бўлса ҳам дуркун вужудидан тўла равишда фой-

даланиши мумкин. «Сафсата сотовермасанг-чи! Бас, бунча вайсадинг!» – қулоғимга жаҳлли ўшқириқ чалинади, сиз-нинг тоқатсизлигингизни кўраман – Ички Монголияда ишлаб чиқариладиган «чўл мусалласи» – цаоюан байзцюэнинг куйиб қўйгандек ўзи. Секин айтасизми – Харбин гаолянидай шунағанги каллага тепадики, тўққизинчи долға дейсиз: олтмиш даража-я, ўх-хў, аччиқлигини унинг!

Салангган – жарқалдирғочнинг бир тури. Танасининг узунлиги тахминан ўн саккиз сантиметр келади. Танасининг юқори қисмидаги патлар корамтири ёки кўк аралаш тўқ кўнғир, пастки томони – кулранг-оқ тусда. Қанотлари ингичка ва анча қисқа, тўқ қизил тусли. Гала-гала бўлиб яшайди, ҳашаротлар билан озиқланади. Форларда уя куради; уяларини сўлак безларидан ажралиб чиқувчи қотаётган сўлакдан куради.

Салангнинг ватани – Тайланд, Филиппин, Индонезия, Малайзия. Хитойда улар Гуандун ва Фуцзян қирғоқбўйи виляятларида жойлашган кимсасиз ороллардагина учрайди. Ҳар йили июннинг бошида уя куради ва тухум кўяди. Бундан олдин, кўшилгандан кейин, нар ва мода салангган олдинма-кейин учеб ҳавода ағдарилганда, нари тош деворга келиб ёпишади ва сўлагини чиқариб, ипак қурти ипак ўрагандек, боши билан айлантира бошлайди. Тиник елим сўлак иплари деворга ёпишади ва уя ҳосил қилиб, қотади. Тадқиқотчиларнинг кузатишларича, уя қуриш вақтида нар салангган емайди ҳам, ичмайди ҳам. Бу кушдан ўта қаттиқ куч талаб қилувчи машаққатли жараён. Биринчи уя фақатгина сўлакдан қурилади, унда араплашмалар бўлмайди, оппок, тиник бўлиб, фоят баланд сифати билан ажралиб туради. Шу боис ҳалқ ичиди уни «оқ уя» – бай ян ёки «амалдор уяси» – гуан ян деб аташади. Агар одам уяни олиб ташласа, қуш яна биттасини қуриб олиши мумкин. Аммо энди сўлак етарли бўлмайди ва у ўз патларини ишга солишга мажбур бўлади. Сўлак ажратиб чиқариш анча саъй-ҳаракатни талаб қиласди, гоҳо унда ҳаттоки қонни кўришади, шу боис бу уялар нарх даражаси бўйича анча қуий гурухни ташкил этади, улар «патли уялар» – мао ян ёки «қонли уя» – сюэ ян дейилади. Борди-ю, салангнни бу уядан ҳам маҳрум қилишса, у учинчисини қуришдан бўйин товламайди. Бу холда қурилиш

воситалари сифатида у асосан сув йўсинларидан фойдаланади, сўлак ҳаддан ташқари кам бўлганидан бундай уянинг озуқалик аҳамияти бўлмайди.

Қайнонамни биринчи марта кўрганимда, у кўлидаги кумуш игна билан синчковлик ила содали эритмада ювилган қалдирғоч уясидаги аралашмалар – кон излари, патлар ва сув йўсинларини қидириб топарди. Бунинг «қонли уя» экани энди менга аён эди. Жаҳли чиқсан жажжи ўрдакбурундай лаблари ни шишириб, у вайсадри:

– Буни қаранглар, тағин қалдирғоч уяси эмиш! Нуқул патлар-ку. Қарға уясидан ҳеч фарқи йўқ.

– Бунинг нимасидан хафа бўласиз, – деди жавобан хотининг сўзларига менинг раҳбарим профессор Юан Шуанъюй. – Бизнинг кунларимизда ҳаммаёқни сохталик босиб кетган, ҳатто салангланлар ҳам буни ўрганиб олган. Менимча, яна ўн минг йилдан кейин, агар одамзод ўша замонларгача яшаб кололса, салангланлар итнинг ахлатидан ҳам уя қуришнинг уддасидан чиқади, – сўзини тугаллади у, ўзи маҳсус ясаган қоришмадан бир хўплаб – мусалласда орхидеянинг маст қилувчи ажойиб ҳиди сезилиб турарди.

Қўлида бу каттакон уяни ушлаганча, у нима қилишини билмай, эрига, менинг бўлажак қайнотамга қараб турарди ва унинг кўллари титрамоқда эди.

– Худо ҳакки, ҳатто ақлга сифмайди, қандай қилиб қанақадир итнинг мияси олтиндан қиммат бўлиши мумкин! Наҳотки, шу нарса кўпчилик айтиётгандай сирли бўлса? – Шундай дея қайнотам нафраторумуз уяни яна бир назардан ўтказди.

– Кошки, мусалласдан бошқа бирор нарсанинг фарқига борса! – пичинг қилди аёл сал қизариб, сўнг уяни суреб кўйди-да, миттигина қуюндан тинчили-қолди.

Ўша куни оқшомда уларнида биринчи марта меҳмон бўлдим. Хотинимнинг гапига қараганда, онаси ўзининг маҳоратини намойиш қилмоқчи экан, мен унинг уяни суреб ташлашини ва ўрнидан туриб кетишини кутмаганимдан хиёл саросималандим.

– Ташвиш қилманг, – тасалли берди менга чол, – қайтади. Мен мусалласларни яхши билганимдай, у ҳам уяларни билишда ягона. Бугунги кундагиси – дунёдаги энг яхши тажрибалардан бири бўлди.



Ҳақиқатан ҳам, қайнотам башорат қилганидек бирмунча вақт ўтгач, қайнотам қайтиб келди. У уядан барча коришмаларни олиб ташлади-да, ундан шўрва пишириди. Қайнотам ва хотиним шўрвани ичишдан бош тортишди. Қайнотам, бу шўрвадан товук ахлатининг хиди келяпти, деди, хотиним эса қон хиди келяпти, бу шўрвада ғараз ва тошюраклик аралашган, бу – инсоннинг ҳар қандай ёвузлик манбаи эканига гувоҳдир, деди. Хотинимнинг юраги ҳамдардлик хиссига тўлиб-тошганди, унинг Боннаги Жониворларни химоя қилиш Бутунжаҳон лигасига аъзо бўлиш учун ариза бериши бежиз эмасди.

– Сяо Ли, – деди менга қараб қайнотам, – бунақа бема-загарчиликларга эътибор қилма. Уларнинг муруввати – софриёкорлик. Конфуций айтгандини, «мард эркак ошхонага йўламаслиги керак», аммо столга ўтиргач, ўзи гўшт қайласига йўқ демаган экан. Гуручни теришга ҳам қаршилик қилмаган, гўштни эса қиймалашган, ўқиши ҳақи сифатида ўкувчилардан ўн тугунлик сурланган гўшт қабул қилишган. Истамасалар – кераги йўқ, ўзимиз еймиз, – давом этди қайнотам. – Хитойликлар қалдирғоч уясини минг йилдан бўён еб келишади. Бу дунёдаги куч берувчи энг қимматли восита. Ташки кўриниши у қадар кўркам эмас, лекин жудаям тўйимли таом. Болаларнинг бўйи ўсиши ва ривожланишига имкон беради, аёлларнинг ёшлиги ва жозибасини саклашда кўмаклашади, қарияларнинг эса умрини узайтиради. Гонконг Хитой университети профессори Хэ Голи яқинда қалдирғоч уясида ОИТС-дан сакловчи ва уни даволашда қўл келувчи модда борлигини аниқлади. Агар анави қиз, – қайнотам хотиним томонни кўрсатди, – қалдирғоч уяси шўрвасидан ичганда, манавиндақа чиллашир бўлиб юрмасди.

– Чиллашир бўламанми-миллашир бўламанми, барибир бу исқирт овқатингиздан емайман, – деди жирканиб хотиним ва менга тикилди: – Қалай, ширин эканми?

Қайнотамни ҳам, хотинимни ҳам хафа қилгим йўқ эди.

– Нимаям дердим... – дудмалландим.

– Тулки, – хотима ясади хотиним, қайнотам эса менга шўрвадан сузиб, кизига ўқрайиб қаради. – Сизнинг эса тушингизга жин-ажиналар кириб чиқади.



– Қанақа жин-ажиналар экан тағин? – қошларини күттарди қайнонам.

Хотиним ҳам тиниб-тинчийдиганлардан эмасди:

– Саланган галаси келиб, энсангиздан чўқийди.

Қайнонам ҳам бўш келай демасди:

– Е, ич, Сяо Ли, унинг гапларига парво қилма. Кеча у ҳўқиздай денгиз қисқичбақасини пакъос урди, аммо улар келиб қисқичлари билан бурнимдан қисиб олади деб қўркмади-ку. – Кейин сўзида давом этди. – Болалигимда қуш уяси йиғувчиларни кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ эди. Шахарга келиб эса уларни ёмон кўрганим учун ўзимни ёмон кўриб кетдим. Эндиликда қалдирғоч уяси шўрвасини тобора кўпроқ одамлар иштаҳа билан туширишмоқда, чунки бой одамлар кўпайиб кетди-да. Лекин шундаям пулларинг мил-мил бўлса-да, бу сенга биринчи даражали «амалдор уяси»ни манзират қилишади, бу биринчи навли мол бўлиб қолади, дегани эмас. «Сиам тортиқлари» деб аталувчи тайланд уялари Пекин бойларининг дастурхонини безамоқда. Бизга, яъни Жюгуога ўхшаган ўртacha шаҳар аҳолисига факат «конли уялар»гина насиб қиласди. Уларнинг бир килосини саккиз минг юандан сотишади, оддий одамларнинг ҳамёни чидамайди.

Бу гапларни қайнонам жудаям жиддий ва мақтанмасдан айтмоқда эди. Балки бу қалдирғоч уяси деган матоҳ ростданам ажойиб нарсадир, аммо вижданан айтадиган бўлсам, таъм қаёқда – бемазаки, нарёқ-берёғи йўқ. Менга қолса, бунинг олдида қовурилган чўчқа гўштининг ўлса, ўлиги ортиқ.

Қайнонам қалдирғоч уясининг афзалликларини миямга қўйишдан чарчамаётганди. Озуқалик қимматини тугатиб, уни пишириш усулларига ўтди, лекин бу мени унчалик ҳаяжонга солмади. Бироқ қалдирғоч уяларини қандай йиғишлари ҳақидаги ҳикоя, унинг ўзи ҳақидаги ҳикоя озмунча қизиқиш уйғотмади.

Қайнонам авлод-ажходи қалдирғоч уяси йиғувчи бўлган хонадонда дунёга келган. Ҳали она корнидалик пайтидаёқ у саланган қичқиригини эшитган, улардан озука моддалари олган. Онаси ўзи қалдирғоч уясини жонидан севган, бошқоронги вақтида-ку, Худо берган-кўйган. У кўпинча



калдирғоч уясини эридан яшириб еган ва бу ишда шунчалик устаси фаранг бўлиб кетганки, бир марта ҳам қўлга тушмаган. Қайнонамнинг гапларига кўра, унинг онасининг тишлари туғилганидан пўлатдай мустаҳкам бўлган ва ҳатто қайишқоқ калдирғоч уяларини бемалол чайнаб-чайнаб еб юраверган. У уяни ҳеч қачон бус-бутунича емаган – эрида хаммасининг миридан-сиригача ҳисоб-китоби бўлган – балки сал пастрофидан, уяларни йиғаётганда кесиклар қолган жойдан жуда усталик билан тишлаб узиб олган, шундай узганки, буни пичноқда ҳам килиб бўлмаган. Онаси биринчи даражали «амалдор уяси»ни ўғирлаб еган, уларга ҳали ишлов берилмаган ва ўз озуқалик хоссалари бўйича энг фойдалилари бўлган. Тайёрлаш жараённида ҳар қандай тансиқ таом фойдали моддаларнинг катта кисмини йўқотади.

– Ҳар қандай тараққиёт қандайдир зарар келтиради, – жағ уради қайнонам. – Оғиздаги таъм тотиши сезгиси кувончи учун одамлар ошпазликни ўйлаб топганлар, аммо айни вактда дадиллик ва жасурликни бой берганлар. Шимолий кутб доирасида яшовчи эскимосларнинг чиниқкан гавдалари, ҳаддан ташқари паст ҳароратга чидамликлари, шубҳасиз, уларнинг хом тюлень гўшти ейишлари билан боғлиқ. Вақти келиб улар хитойликларнинг мураккаб ва нозик ошпазлик санъатини эгалласалар борми, у ерда ортиқ яшаёлмайдилар. Қайнонамнинг онаси катта миқдордаги қайта ишланмаган калдирғоч уясини билдиримай еган, шу боис унинг қизи тўрт мучаси соғлиғи билан ажralиб туради, туғилишдан унинг соchlари қарға қанотидек қора, бадани пушти бўлган, у ҳар қандай ўғил чақалоқдан каттиқроқ қичқирган: туғилганда эса унинг оғзида тўртта тиш оқариб кўриниб турган. Қайнонамнинг отаси иримчи одам бўлиб, оғзида тиш билан дунёга келган фарзанд бехосият бўлади, деб эшитган экан, шу боис кизини денгиз бўйига олиб бориб, сувўтлар орасига ташлаб келган. Қишининг кок ўртаси бўлиб, гарчи Гуандунда каттиқ совуқ бўлмаса-да, декабрь тунларида суюклар чатнаб кетади. Қайнонам мана шу сувўтлар ичидаги туни билан маза килиб ухлаган ва яшаб қолган, бундан қаттиқ таъсиранган ота уни уйга қайта олиб келган.

Қайнонамнинг гапига қараганда, унинг онаси гўзал бўлган, отасининг эса қошлари бароқ, кўзлари чукур ботган, бур-



ни пачок, лаблари юпқа ва эчкисоқол, ияги туртиб чиққан одам бўлган. Худонинг бермиш куни тик қояларга тирмасиб ва ёриқлардан ситилиб ўтиб юргани боис озғин бўлган ва ўз ёшидан кексароқ кўринган, башараси илондай совуқ бўлган. Ҳар куни қалдирғоч уяси сотадиган одам билан Гонконгга қочиб кетганида, қайнонам энди бирга тўлган, қизалоқни отаси парвариш қилган экан. У ҳар куни қизига қалдирғоч уясидан шўрва пишириб берар ва шуни еб-ичиб ўсган экан. Хотинимга қайнонам олтмишинчи йиллар бошида ҳомиладор бўлган экан. Замон оғир бўлиб, ўша вақтларда у битта ҳам қалдирғоч уяси емаган ва хотинимнинг маймундай бадбашаралиги шундан экан. Агар хотиним қалдирғоч уяси еганида, ишни ҳали ҳам тўғриласа бўларкан, аммо у бунга кўнмайди. Аслида у рози бўлганида ҳам хеч иш чиқмаслигини мен тушунардим. Ошпазлик академияси маҳсус таомлар маркази бошлиқлигига қайнонам яқинда тайинланди, бошлиқ бўлмай туриб эса қалдирғоч уяси ни топиш осон иш эмасди. Мен учун тайёрланган паст навли қалдирғоч уясини ҳам у жудаям расмий йўл билан топмаганди. Шунинг ўзидангина бўлажак хотинимдан кўра ҳам мен унга кўпроқ ёкишимни англадим. Хотинимнинг отаси илмий раҳбарим бўлгани учун унга уйланганим рост. Ажрашишимнинг асосий сабаби эса қайнонамнинг менга ёкиб қолгани эди.

Қалдирғоч уяси шўрвасини ичиб, қалдирғоч боласи гўштини еб, у соглом ва бақувват ўсган. Тўрт ёшидаёқ жисмоний ва ақлий ривожланишда ўн яшар боладай эди. Қайнонам булар барчаси саланганинг хизмати эканига қаттиқ ишонарди. Қайсиdir маънода, дерди қайнонам, улар нар салангани ва унинг қимматбаҳо сўлагини еб катта бўлишган, чунки туғилганда оғзидағи тўртта тишдан ҳатто унинг ўз онаси ҳам кўрккан ва шу сабаб қизини кўкраги билан бокмаган. «Сутэмизувчи бўлмай кетсин!» – ёзгиради қайнонам ва инсонни энг бағритош, бемехр мавжудот деб биларди, чунки болаларини кўкраги билан боқишдан фақат инсон бўйин товлаган.

Қайнонамнинг онаси Жанубий Хитой дengизи сохиларидағи овлоқ пучмоқда яшаган. Ҳаво очиқ кунларни

қизалоқ денгиз соҳилида ўтказған, у ерда яшилтоб-кулранг ороллар силсиласи күриниб турған, баҳайбат серқояғорларда қалдирғоч уяларини түплашған. Қишлоқча ахолисининг күпчилиги балиқчилек билан кун күришгән, уяларни факат қайнонамнинг отаси ва унинг олти амакиси теришгән. Бу хатарлы, лекин ғоят фойдалы иш уларга отамерос. Агар жуда хоҳлаганида ҳам бу ишни улардан бошқа ҳеч ким уddyлай олмаган.

Қайнонамнинг айтишича, отаси билан амакиси жуда-ям чайир одамлар бўлған – баданида жирдан асар йўқ, вужудлари бой протеинлардан тўйинган, қип-кизил мушаклар эшиб чикилган тўнкани эслатиб турған. Бундай мушакли одамлар маймунлардан кўра чаққонроқ ва абжирроқ бўлади. Қайнонамнинг отаси бир жуфт маймун боққан экан ва улар, қайнонамнинг сўзларига қараганда, отаси ва тоғаларига ўқитувчи бўлиб хизмат қилган экан. Уя йиғиш мавсуми туғаганда, улар олдингиларидан келган даромад ҳисобига яшашған ва кейинги мавсумга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш билан машғул бўлишгән. Деярли ҳар куни улар мана шу маймунлар билан токқа йўл олганлар, уларни қоя ва дараҳтларга тирмашиб чиқишига мажбур этганлар, улар маймунлар харакатига тақлид қилганлар. Малай яриморолида қалдирғоч уяси йиғувчилар маймунларни шу ҳунарга ўргатмоқчи бўлишгән, бироқ иш чиқмаган. Маймунларнинг феълини тушуниб бўлмайди ва шу нарса бояги ҳаракатларнинг натижасида кўринган. Қайнонамнинг эслашича, отаси аллақачон олтмишдан ошганига қарамай, қалдирғочдай учқур, маймундай абжир бўлған, сирпанчик гаров таёғидан бемалол юқорига тирмашиб чиқаверганд. Умуман, мерос ва касбий малака туфайли қайнонамнинг оиласи қояларга тирмашиб, дараҳтларга ўрмалаб чиқиши усталари бўлған. Аммо-лекин энг кенж амакиси олдида бошқалари ип эшолмаган. Чакқон илонга ўхшаб, ҳеч қанақанги мосламаларсиз у уялар ортидан бир неча ўнлаб метр баландликдаги чўққиларга тирмашиб чиқолган. Қайнонам бошқа амакиларининг кўринишларини яхши эслолмасди, лекин кенжасини аник-тиниқ ёдга оларди: туклари тўқилганидан аъзойи бадани балиқ тангачаларига ўхшарди, юзи куруқ, чукур кўз косалари ичидаги катта-катта мовий кўзлар тинимсиз ўйноқлаб турарди.

Етти яшарлигидә қайнонам биринчи марта ёзда отаси ва амакилари билан қалдирғоч уяси тергани оролларга борган экан. Оиланинг катта икки мачтали қайиги бўлган экан. Унинг тўнг ёғи қалин қилиб суртилган қайн баргларидан ўрмон хиди келиб турган. Ўша қуни жануби-шарқдан шамол эсиб турган ва бирин-кетин қирғоққа шиддат билан тўлқинлар келиб урила бошлаган. Қуёш нурлари остида оппок қум ялтираб кўринган. Мана шу ўткир ёруғлик кейин унинг тушига кўп марталаб кирган ва бундан уйғониб кетаверган. Жюгуодаги ўрнида ётганча, у денгиз тўлқинларига қулоқ соглан ва уларнинг хидини туйган. Отаси трубка бурукситганча қайикқа озиқ-овқат, ичимлик суви, гаров таёкларини ортаётган укаларига кўрсатмалар бериб турган. Ниҳоят, амакиларидан бири шохларига бир парча қизил баҳмал мато илиғлик хўқизни етаклаб келган. Хўқизнинг кўриниши қўрқинчли бўлган: кўзлари қонга тўла, тумшуғида оқ кўпик. Қалдирғоч уяси тўплаш учун йўл олаётган қайиқни томоша қилгани баликчилар қишлоқчаси болалари югуриб келган. Улар орасида бирга-бирга кўча чангитиб катта бўлган тенгқурлари ҳам бўлган: Ҳай Ян – Денгиз Қалдирғочи, Чao Шэн – Тўлқин Фарзанди, Ҳай Бао – Тюлень... Қишлоқ чеккасидаги коя устида бир кампир пайдо бўлиб, митти Ҳай Баони чақира бошлаганда, болакайнинг кетишига ҳеч кўнгли бўлмаганини кўрсангиз. «Ян Ни, менга қалдирғоч тутиб келасанми? – деб илтимос қилиби Ҳай Бао. – Сен менга тирик қалдирғоч берсанг, мен сенга шиша зўлдир бераман». Ўша заҳоти кафтини ёзиб, кизга қўлида қисимлаб олган зўлдирни кўрсатган. Қайнонамнинг бунақа ажойиб болача – Ян Ни – Қалдирғоч Қиз исми борлигини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

– Мана шу Ҳай Бао ҳозир ҳарбий округга қўмондонлик қиласи, – хўрсинди қайнонам. Унинг сўзларида ҳаётдан кониқмаслиги, эридан норозилиги шундок билиниб турарди.

– Шу ҳам гап бўлди-ю, ҳарбий округ қўмондони эмиш, – онасини қайириб ташлади хотиним. – Мана, менинг дадам – олий ўқув юрти профессори, Мусалласпазлик академияси мутахассиси, бирон-бир ҳарбий уларга тенг келоладими?

Қайнонам мен томон ўгирилиб:

– Ҳар доим отасининг тарафини олиб, менга қарши туради, – деди ўқинч билан.

– Электр мажмуаси, – изоҳ бердим. Изоҳ бердим-у, хотинимнинг менга ўқрайиб қараган нигохини хис этдим.

– Қалдирғоч уяси түплашга сузид кетиш куни, – хикоясини давом эттири қайнонам, – энг ҳаяжонли воқеа хўқизни қайиққа ортиш бўлганди...

Хўқизлар жуда ақлли бўлади. Айниқса, ахта қилинмаганлари. Бу ерга нега олиб келишганини у билиб турарди. Бандаргоҳга яқинлашганда эса унинг кўзлари қонга тўлди. Оғир-оғир нафас олиб, ўжарлик билан бошини чайкар ва ерга шундай тиранардики, амаким оёқда базўр турарди. Қайиқ билан бандаргоҳнинг тош каллаги тагида лойқа сув шалоплаб турган энсиз эгма трап билан уланган. Олдинги оёқларини чеккага кўйган хўқиз ортиқ бир қадам ҳам юришни истамасди. Амаким сўргичга ёпишиб олган чақалоқдек бор кучи билан арқонни тортарди; ҳавочин шундай чўзилгандики, ҳозир жониворнинг бурнини йиртиб юборгудек эди. Оғриқ ҳаддан ташқари кучлилиги кўриниб турарди, аммо хўқиз ўламан саттор дегандай трапдан юришни хоҳламасди. Бурунни-ку, кўյаверинг, жони кил устида эди! Ёрдамга бошқа амакилар ҳам етиб келишди, бироқ улар ҳам хўқизни қайиқка судраб кириш учун ҳар қанча чиришишмасин, барибир бу ишни удалаш уларнинг ҳам қўлидан келмади. Боз устига, хўқиз ғазаб билан тепиниб, амакиларимдан бирининг оёғини чўлок қилиб кўйди.

Кенжа амаким фақат эпчил-чакқонлиги билан эмас, балки бошқалардан кўра ақллироқлиги билан ҳам ажралиб турарди. Арқонни тўнгич ака қўлидан олиб ва нималарнидир гапириб, хўқизни қирғоқ ёқалаб етаклаб кетди. Кумда қатор излар қоларди – уники ва хўқизники. Кейин у кўйлагини ечдию хўқизнинг бошига ташлади ва ёлғиз ўзи жониворни трапнинг олдига олиб келди. Хўқиз юриб бораракан, трап камоннинг ёйидай эгилди. Хўқиз хатарни сезди ва жуда эҳтиёткорлик билан қадам ташлай бошлади, арқондан юришга узоқ вақт ўргатилган тоғ такалари циркда ана шундай ҳаракатланади. Хўқиз қайиққа чиқиб олиши ҳамон трапни олиб ташлашди ва ниҳоят шатир-шутир қилиб, елканлар кўтарилди. Кенжа амаким хўқизнинг бошидан кўйлакни олди. Жонивор түёклари билан депсиниб, аъзойи бадани қалтираб кетди ва юракни эзадиган қилиб чўзиқ мўради. Аста-секин ер кўздан йўқола

бошлади, енгил туман пардаси тортилган орол эса эртаклардаги тилла қасрдай аста яқинлашиб келарди.

Қайиқ унча катта бўлмаган қўлтиқчада лангар ташлади ва яна ўша кенжা амаким хўқизни қайиқдан тушишга мажбур қилди. Худди ибодат қилаётгандай, ҳамма жиддий эди. Тиканли буталар ўсиб ётган чўл оролга қадам қўйиб, даҳшатли хўқиз қўйдай ювош бўлди-қолди. Унинг қон тўла кўзлари тиниклашди ва уларда кенжা амакимнинг кўзларини тўлдириб турган мовийлик каби баҳри муҳитнинг ложувард тузи акс этарди.

Аста-секин қош қорая бошлади. Денгиз юзасида қизил мавжлар ўйнарди, орол узра қулоқни батангга келтиргудек қичкириб қушлар парвоз қиласарди. Барча очиқ осмон остида тунади ва бутун тун ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмади. Эртаси куни тонгда нонуштадан кейин отам: «Қани, ишга!» – деб буйруқ берди ва қалдирғоч уяси тўплашдек сирли ва хатарли иш бошланди.

Оролда кўплаб коронғи форлар бор эди. Бир катта ғор олдиди отам меҳроб тиклади, бир даста қурбонлик пулини ёқди, бир неча бор етти букилиб таъзим бажо келтирди, кейин эса буйруқ берди: «Қурбонликка хўқизни келтиринглар!» Олтоловлон амаким югуриб бориб, хўқизни ерга йиқитишди. Шуниси ажабланарлики, хўқиз ҳеч қандай қаршилик кўрсатмади. Уни йиқитишди эмас, балки унинг ўзи тошлок ерга узала тушиб ётди, деса, тўғрироқ бўлади. Пўлат каби яшилтоп-кумушранг шохли баҳайбат бош курратли бўйинга шундай ўрнашгандики, гўё унга маҳкам пайвандлаб қўйилгандек. Унинг гавдаси яхши ният билан ўзини ғор пирига қурбон келтиришга азму қарор қилганини яққол намоён этиб турарди. Қалдирғоч уялари шу пирнинг мулки эканини ва баҳайбат хўқизни отам амакиларим билан унга бадал қилиб бағишлишганини мен ўшанда англаб етгандим. Борди-ю, пир бутун хўқизни ейишга кодир экан, унда унинг ашаддий даррандалиги турган гап. Ҳатто бу хақда ўйлаш ҳам қўрқинчли. Хўқизни ерга йиқитиб, амакиларим тезда ўзларини четга олишди. Отаси белбоғидан унча катта бўлмаган ялтироқ болтачани суғуриб олди-да, уни иккала қўли билан ушлаб, жонивор томон йўналди. Бамисоли улкан кафт қизалоқнинг юракчасини сиқди. Юракча гоҳ ураг, гоҳ тўхтаб қолар ва энди ҳеч қачон қайтиб урмайдигандек туйиларди.



Ота бир нима деб ғудранди, унинг чақноқ қора күзларида күркүв ва иккиланиш яширин эди. Шунда унинг отасига ҳам, хўқизга ҳам раҳми келиб кетди. Икки хор-зор бўлган хилқат – мана бу қоқшол маймунга ўхшаган эркак ҳам, тошлар устида қимир этмай ётган хўқиз ҳам. Болтани қўлига олган киши ҳам, унинг курбони ҳам мукаррар нарса содир бўлишини хоҳламаётганди, бироқ ҳар иккаласи ҳам қандайдир тийиб бўлмайдиган куч ҳукми остида эди. Қизнинг кўзи ғор оғзига тушди – ғоят ғалати шаклда эди, қулоғига у ёқдан келаётган ажаб товушлар чалинди, горнинг совуқ нафасини ҳис этди ва тўсатдан ҳар иккалови – отаси ҳам, хўқиз ҳам қоядор горнинг пиридан кўркди. Хўқиз кўзини юмиб ётарди ва узун киприклиарининг учи пастки қовоғи устига текис чизиқдай тушганди. Бир кўзининг хўл бурчагида кўк пашша изғирди. Пашша қизнинг шунақангি жонига тегдики, кўзи чеккаси қичишиб кетди. Хўқиз эса қимир этмади. Унга яқинлашаркан, отаси саросимага тушгандек атрофга алантлади. У нимани кўрмокчи бўлганди? Аслида у ҳеч нимани кўрмаётганди, унинг бошини кўтартгани ва атрофга алантлагани ички бўшлиқдан гувоҳлик берарди, холос. Болтачани чап қўлига олиб, ўнг қўлига туфлади, кейин унга болтачани ташлаб, чап қўлига туфлади. Охиди у иккала қўли билан болтани ушлади ва ўзини бардам тутишга ҳаракат килгандек, оёқларини керди. Сўнг чуқур нафас олди ва нафасини сақлаб турди. Унинг юзи бўзарди, кўзлари косасидан чиқди, болтани баланд кўтардию куч билан пастга тушириди. Болта хўқизнинг бошига санчилиб, жиқ этгани қизнинг қулоғига чалинди. Отаси нафасини чиқарди ва ичиди бир нима узилгандек иккала оёғида зўрга турарди. У эгилиб, болтачани чиқариб олишга ҳаракат қилгунича озмунча вакт ўтмади. Хўқиз бўғиқ овоз чиқарди, бир неча марта бошини кўтаришга уринди, аммо бўйин пайлари аллақачон чопиб ташланган бўлиб, бундай қиломади. Кейин унинг танаси силкина бошлади, мия бу ҳаракатларни назорат қилмаётгани аниқ эди. Отаси яна болтачани кўтарди ва шиддат билан яна бир марта чопди. Хўқизнинг бўйнидаги жароҳат кенгайиб борарди. Навбатдаги ҳар зарбадан болта бўйинга тобора чуқурроқ ботмоқда эди. Нихоят, қора қон фаввора бўлиб отилди ва унинг ҳиди қайнанамнинг димоғига келиб урилди. Отасининг қўли қонга беланганди, болтача сирпаниб кетмоқда эди, шу

боис болтачани дам-бадам майсага артарди. Қон унинг юзига ҳам сачраганди. Чопилган трахеядан қулқиллаб кўпик пуфакчалари отилиб чиқди ва қайнонам томоғидан ушлаб, тескари ўғирилди. У иккинчи бор хўқизга қарашга таваккал қилганида, хўқизнинг боши ниҳоят, танадан ажраб бўлганди. Болтачани итқитиб, отаси бошини қонли қўллари билан шохларидан кўтарди-да, гор олдидаги меҳроб олдига олиб борди. Ўлеми олдидан хўқизнинг юмуқ кўзлари энди катта-катта очилганини қайнонам тушунолмади. Кўзлар ҳамон ўшандай денгиз рангида – ложувард тусда эди ва уларда ён-атрофдаги одамларнинг қора қиёфалари акс этарди. Хўқиз бошини меҳроб устига қўндириб, отаси бир қадам ортга чекинди, бир неча жумла гапни гудраниб гапирди, кейин чўйкалаб олди-да, гор оғзи томонга бурилиб таъзим қила бошлади. Амакилар ҳам тошли ерга тиззалақ ўтирганча, қайта-қайта таъзим бажо келтиришди.

Курбонлик расми тугади, отаси билан амакилари ўз мосламаларини қўлларига олишиб-да, гор ичкарисига одимлаб кетишди, қайнонамни эса қайиқ ва озиқ-овқатларга кўз-кулоқ бўлиб туриш учун ташқарида қолдиришди. Улар бамисоли сувга чўйкан тошдек товушсиз, изсиз гор ичига кириб, кўздан гойиб бўлишди. Қайнонам кўзлари чакчайган хўқиз боши ва лоши билан ёлғиз қолди, лошдан эса ҳамон қон оққани-оққан эди, қайнонамни вахима чулғади. Атрофда чексиз денгизу осмон ястанган. Орол устида кўплаб йирик-йирик қушлар айланниб учиб юради, қайнонам уларнинг номини ҳам билмасди. Қоя тиркишидан бир нечта катта-катта семиз каламуш чиқиб келди ва чийиллаганча хўқиз лошига ташланди. Қайнонам уларни ҳайдашга ҳаракат қилди, лекин бу маҳлуклар роса ярим метрга сакраб, унга ташланди. Қизалоқ кўксида уларнинг тирноқларини ҳис этди ва қичкириб, форга отилди.

Зим-зиё коронгиликда пайпасланиб, йиглаб отасини ва амакиларини чакирди. Бирдан олд томон ёришиб кетди – у боши узра еттита гуриллаб ёниб турган машъалани кўрди. Ўлик мавсумда отаси бундай машъалаларни ўзи ясади, узунлиги бир метр келадиган, тишларида ушлаб туриш мумкин бўлсин учун хийла ингичка дарахт шохлари қора мойга ботириларди; у жудаям кўп машъалани олдиндан тайёрлаб қўярди. Ёруғни кўриб, қайнонам дархол йигидан тўхтади, чунки бу ибодатнинг ваҳимали муҳитидан томоғига бир нарса келиб



тиқилиб қолғанди. Отаси ва амакилари шугулланган ишга нисбатан унинг кўркуви хеч нимага арзимаслигини англади.

Фор жуда катта эди – баландлиги олтмиш ва эни саксон метр. Унинг ўлчамларини қайнонам кейин ўзининг болалик таассуротлари бўйича хотирасида қайта тиклашга ҳаракат қилғанди. Форнинг узунлигини, албатта, аниқ айтольмасди. Аллақаерда сув шалдирарди, тепадан тушаётган томчилар қаттиқ чакилларди ва рутубат хукм сурарди. Бошини орқага ташлаб, мана шу машъалалар ёниб турган хув тепага қаради. Олов отасининг, амакиларининг юзларини ёритиб турарди. Машъала ёғдусида кенжা амакисининг юзи ёқутдан ранг олгандек қип-қизил товланиб, ўзининг ғайриоддийлиги билан эътиборни тортарди. Бу гаройиб манзарани ўпкага чукур кириб борувчи ажойиб ҳид ва таъмли «Кликонинг беваси» шампан мусалласига қиёс қилиш мумкин – бу ҳид ва таъм асло бошқаларга ўхшамасди. Чарсиллаб ёниб турган машъалани ушлаган ва қоядор деворга қарийб ёпишиб олган амакиси пичноқ билан ялтиллаган сутдай оқ ўсимта томон чўзилди. Мана шу қалдирғоч уяси эди.

Умуман олганда, қайнонам форга кирганда юраги ўйнаб кетган ва нафаси бўғилғанди, бу қорамойли машъалалардан ҳам, кенжা амакисининг ғалати юзидан ҳам эмасди, балки форда изғиб юрган салангнлар галасига кўзи тушганидан эди. Безовталанган қушлар уяларидан учиб чиққан, бироқ учиб кетишга шошилмаётганди. Улар оппоқ капалаклар галасидек, турфа оҳангларда чуғурлаганча форда айланиб учарди ва бу нолакор товушлардан томирлардаги қон тўхтаб қолай дерди. Кушларнинг қичқириқларида қайнонамнинг қулоғига алам ва ғазаб нидолари чалинарди.

Отаси фор девори ёнида узун яшил гаров таёғида жойлашиб олганди, у ерда ўнтадан ортиқ аллақачон қотиб бўлган уялар бор эди. Оқ кийик танғилган бошини орқага ташлаб ва бурун парракларининг чукур жойларини шишириб, у оқ сопли пичноғи билан чўзилди-да, бир ҳаракат билан уяни кирқди. Ҳавода уни тутиб олди ва белига боғлаб олган халтачага солди. Бир нечта унча катта бўлмаган қора нарса пастга учди ва аста тўп-тўп этиб қайнонамнинг оёқлари остига келиб тушди. Эгилиб ва атрофни пайпаслаб қараса, улар пачоқланган тухумлар экан. Қайнонамнинг кўнгли вайрон бўлди. Бунинг устига,



отасидан қаттиқ хавотирда эди, у бир неча ўнлаб метр баландликда уя териб ва фақат силлиқ ғаров таёғигагина ишониб, хаётини хавф остига күйганди. Қалдирғочлар гала-гала бўлиб, данкур-дунқур машъалага ташланар, бу билан бамисоли уни ўчиришга ва ўз зурриётларини омон сақлаб қолишга ҳаракат қиласади. Аммо олов сўнгги дақиқада уларни чекинишга мажбур қиласади. Уларнинг кўкиштоб қанотлари оловга тегай-тегай деганда, улар шиддат билан бир томонга кетарди. Отаси эса бу ҳужумларга эътибор бермасди. Ҳатто қалдирғочлар қанотлари билан унинг бошига урганида ҳам нигоҳи факат уяга қадалган бўларди. Ишончли ва аниқ ҳаракатлар билан бирин-кетин уяларни қирқиб оларди.

Машъалалар ёниб битмоқда эди, отаси билан амакилари тош деворга сүёғлик ғаров таёклари бўйлаб пастга сиргалиб тушишди. Улар янги машъалалар ёкишди, белларидаги халталарни уялардан бўшатиши ва уларни оқ қийик устидан териб кўйишиди. Отаси одатда уяларни битта машъала ёниб тугагунча тўпларди. Укалари эса, айтиш мумкинки, уч навбат ишлашда давом этардилар. Отаси йигилган уяларни каламушлардан асраш ва эндилика сал кучдан қолган вужудига дам бериш учун пастда уяларга қоровуллик қилиб турарди. Барчалари қизнинг қаршиларида пайдо бўлганини кўриб, ҳам ҳайрон қолишди, ҳам суюнишиди. Отаси ўз билганича форга кириб келгани учун унга танбех бера бошлади ва қизалоқ ташқарида бир ўзи қолганидан кўрқиб кетганини очиқ айтди. «Кўрқиб кетдим», деган сўз оғзидан чиққани ҳамон отасининг чехраси бирдан ўзгарди. «Оғзингни юм!» – деди у вишиллаб ва қизга бир тарсаки туширди. Қалдирғоч уяларидан унинг кўли ёпишқоқ бўлиб кетганди. Фақат шундагина у форда «йиқилиб тушиши», «сирпаниб кетиши», «ўлиб қолиши», «кўрқиб кетиши» каби сўзларни тилга олмаслик кераклигини англади, акс ҳолда мусибат рўй беради. Киз хўнграб йиғлай бошлади. «Йиғлама, Ян Ни, – тасалли берди кенжা амаки, – сенга қалдирғоч тутиб бераман, дедим-ку».

Улар биттадан трубка чекишиди, белбоғ халтачалар билан терли баданларини артиши ва машъалаларни олиб, фор тўрига юриб кетишиди. «Модомики, шу ерда экансан, – деди отаси, – уяларга кўз-кулоқ бўлиб тур, мен эса ҳали тераман». Улар ҳар куни тўрт машъала навбати билан ишлашга келишиб олишди.



Отаси машъалани тишида тишлиб, нари кетди. Форда жилға оқарди, жилғада эса қайнонамнинг күзи илонларга тушди. Атрофда чурук ғаров таёклари ва чирмовуклар ётарди, тошларда эса қаш ахлатлари қатлам-қатлам бўлиб кетганди. Кенжә амакисидан кўзини узмасди: ахир, у қалдирғоч тутиб бераман, деганди-да. Бир нечта ғаров таёғидан тармашиб чиқиб, у ўн метрдан кўпроқ баландликда пайдо бўлди. Қояда турса бўладиган тиркишни топди, таёқни чўзди-да, уни тиркишга жойлади. Кейин яна бир таёқни чўзди, уни биринчисига қия кўйди, учинчисини эса ҳалиги иккаласининг тагидан жойлаштириди. Ўзига яраша шундай бир кўприкча ҳосил бўлдики, қараб юрагинг увушиб кетади. Кенжә амаки замбуруғ шаклидаги катта-катта оқ уялар ёпишган сумалакларга етиб олиш учун мана шу лиқилдоқ мосламага оёқ кўйди. Уялар ўнтадан кўпроқ эди. Форнинг бошқа жойларида қалдирғочлар ўз уяларидан учиб чиқди-да, кўрққанидан ҳавода айланиб юрди, мана шу уяларда қушлар тинч эди. Эҳтимол, улар уялари ҳар қандай хатгардан холи эканини англаб қолишган. Иккита уядан палапонларнинг бошлари кўринди. Яна бир нечта қалдирғоч сумалакларда бошларини пастига қилиб осилиб турар ва енгил, бежирим уя қуриладиган оппоқ, тиник ипни ажратиб, тумшуқларини тез-тез қимирлатарди. Кенжә амакиси форнинг совуқ ва сирпанчик деворига бармоқлари билан тармашиб, оёқлари билан тиранниб, улкан илон янглиғ аста-аста улар томон яқинлашиб келаётганини билмасди. Барча саланганлар саккиз тирноғи билан тошга маҳкам тармашиб олиб, қунт билан уя қуради. Мокидек калта тумшуқлари у ёқдан-бу ёққа чаққон бориб келар, уялар эни ва бўйига тез катталашиб борарди. Табиатда саланганларнинг уя қуришини жуда камдан-кам кўриш мумкин ва юқори лавозимдаги амалдорлар қалдирғочларга бу қанчалик қимматга тушишини тасаввур ҳам килолмайдилар. Уя йиғувчиларнинг меҳнати нечоғли оғир ва хатарли экани, нималар эвазига кўлга киритишлари уларнинг етти ухлаб тушига кирмайди.

Кенжә амаки мана шу замбуруғсимон сумалакнинг энг катта дўнглигига қарийб оёғи осмондан бўлиб осилиб турарди. Бундай аҳволда қандай ўзини ушлаб туриш мумкинлиги ҳеч кимнинг ақлига сиғмасди. Машъала алансаси унинг аллақаерида, бикин томонида лопилларди. Уя халтачаси эса

титифи чиққан, жиққа ҳўл байроққа ўхшаб белида осилиб турарди. Қирқилган уяларни халтага сололмаслиги тушунарли эди. Отаси эса девордан сирғалиб тушиб олганди ва бошини орқага қилиб, қўлида машъала билан кенжека укасини кузатарди, унинг ҳаёти гумбаз шифти остида, том маънода, кил устидага турарди. У қирқилган уяларни териб олишга чоғланарди.

Қайнонамнинг гапига кўра, бу қадар кўп уяни у бошқа ҳеч қачон кўрмаган. Маълумки, агар эски уялар бузилмаган бўлса, қалдирғочлар келаси йил савқитабий ила уларни «таъмирлаб» олади ва уялар похол шляпа катталигидек бўлиши мумкин. Заарланмаган уялар соғ, ҳеч бир қоришмасиз, сўлакдан қурилган, яъни уларнинг сифати юқори бўлган.

Кенжека амаки ўткир уч қиррали пичоқ тутган қўлини чўзди. Унинг гавдаси илонга ўхшаб, қўрқинчли чўзилди. Сочларининг учидан йилтиллаб тер томчиларди. Пичоқ қарийб улкан уянинг чеккасига тегай деб қолди, ана, тегди, деса ҳам бўлади... ха, тегди! Амаки пичоқни уя тагидан у ёқдан-бу ёққа караб юргиза бошлади. Ундан шаррос тер қўйиларди. Уядан учеби чиққан қалдирғочлар ғайриоддий жасорат ила данкур-данкур ғазаб билан унинг башарасига ташланарди. Уя тошда маҳкам туради, у кўп ёшга кирганди, қоя билан баравар ўсиб чиққанга ўхшарди. Шу боис кенжека амакининг олдидаги вазифа ғоят оғир эди: у ҳеч бир иккимасдан, кўзларини юмишга мажбур қилиб, ғазаб билан ҳужум қилаётган қушларга эътибор бермай, ўз ишини давом эттириши керак эди.

Бу улкан уя охири бир ёнга сурилгунча нақ юз йил ўтдиёв. Яна бир уринса, тамом, оқ олтин қўймаси тўғри пастга тушиб келади.

«Ҳа, амаки, бўш келманг, яна озгина!» – беихтиёр қайнонамнинг оғзидан отилиб чиқди бу сўзлар. Шу заҳоти кенжека амаки бутун гавдаси билан пастга шўнғиди, уя девордан ажралди ва аста айланиб, парвоз қилганча пастга туша бошлади. Унинг қайнонам ва отасининг оёқлари остига келиб тушгунича озмунча вақт ўтмади. Уя билан изма-из кенжека амаки ҳам йиқилди – унинг барча ноёб қобилиятлари бу гал бекор кетмаганди. Ҳа, у ўн метрдан ҳам баландроқдан йиқилиб тушиши ва шикаст емаслиги ҳам мумкин эди. Аммо бу гал жуда ҳам баланд эди ва ахволи ҳам мақтагулик эмасди. Унинг сочи-



либ кетган миялари қалдирғоч уясига сачраганди. Амакининг машъаласи ҳали ҳам ёнарди, фақат ғордан оқиб ўтувчи кичкинагина ариқча суви уни ўчирди.

Кенжә амакининг ўлимидан беш йил ўтиб қайнонам-нинг отаси йиқилиб нобуд бўлди. Бироқ қариндошларнинг ҳалокати уя йиғувчиларни тўхтатиб қололмади. Отасининг ишини қайнонам давом эттиrolmasdi, бироқ амакилари уйида боқиманда бўлиб қолиши ҳам истамасди. Иссиқ ёз кунларининг бирида у кенжә амакининг қонига бўялган катта-кон уяни орқалаганча, умрида биринчи марта мустақил ҳаёт йўлига қадам қўйди. Ўшанда у ўн тўрт ёшда эди.

Афтидан, қалдирғоч уяси тайёрлаш бобида таникли мутахассис бўлиб етишиш унга насиб этмаганди. Ҳар гал у нина билан уяларни қоришмалардан тозалаганда, кўз олдида юракни ларзага соловучи ва кўнгилни пора-пора қилувчи манзара пайдо бўларди. Ҳар бир уяни бунинг ортида қандай машаққатлар, одамларнинг ҳам, қалдирғочларнинг ҳам қон ва кўз ёшлари пинҳон эканини билган ҳолда чексиз ҳурмат ва диққат-эътибор ила пиширади. Қалдирғоч уяси тайёрлашнинг бебаҳо тажрибасини у ана шу тариқа эгаллаганди. Жиугуода ошпазлик бўйича ақл бовар қилмас юксакликка етишгандан кейингина, яъни «гўшт» болалар пишира бошлагандагина у мана шу азоблардан халос бўлди.

– Тўқсонинчи йилларда Хитойда қалдирғоч уясига талаб бениҳоя ошди, – чуқур изтироб ила баён этди қайнонам, – бу ҳунар эса мамлакат жанубида қарийб йўққа чиқди. Энди уя йиғувчилар ўзлари билан ғорга гидравлик ҳавозалар ва мустақил электр манбаларини олволадилар. Одамлар ўзлари учун бирон-бир ҳавфсиз уяларни осон кесоладиларгина эмас, балки бунда қалдирғочларни ўлдирадилар ҳам. Сира-сини айтганда, Хитойда ҳозир қалдирғоч уяси қолмаган ва тўплайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шу боис мавжуд талабларни кондириш учун Жануби-Шаркий Осиё мамлакатларидан жуда катта микдорда уялар олиб келишга тўғри келади. Нархлар осмонга чиқиб кетган. Гонконгда уяларнинг бир килограмми икки яrim минг Америка доллари туради ва нархлар янада ўсиб бормоқда. Бу бошқа мамлакатлардаги уя тўпловчилар орасида чинакамига талваса келтириб чиқарди. Ўша пайтлар отам укалари билан йилда бир марта тўпларди. Таиландда эса

уларни бир йилда түрт марта йигадилар. Яна йигирма йилдан кейин фарзандларимиз бу қанақа таом бўлди экан, деб хайрон бўлишлари мумкин, – хотима ясади қайнонам, қалдирғоч уяси шўрвасини охиригача ичиб қўйиб.

– Умуман, бугунги кунда ҳам қалдирғоч уяси шўрвасини кўпи билан мингтacha хитой боласи татиб кўрган, – эътиroz билдиридим. – Бу ўзи бор нарсами ё йўқ нарсами – халққа бунинг хеч қандай аҳамияти йўқ. Шу боис ташвишланмаса ҳам бўлади!

САККИЗИНЧИ БОБ

1

Хурматли иним Идоу!

Ҳикоя ва хатингни олдим. «Қалдирғоч уяси» мени ўйлантириб қўйди. Кичкиналигимда отам бойларнинг дастурхонида «Тўя пайпоги», «Айиқ панжаси», «Маймун мияси», «Қалдирғоч уяси» каби тансиқ таомлар бўлишини айтарди. Мен туяни кўрганман, унинг катта-катта гўштдор туёғи борлигига шубҳа йўқ, гарчи ейшишимга тўғри келмаган бўлсада, унинг таъми ёмон бўлмаса керак. Тўғри, болалигимда «От туёғи» таомидан тотиб кўрганман. Уни акам уйга олиб келган эди, ҳаром ўлган бир отдан билдиримай кесиб олган экан, уларнинг корхонасида бўлганман. Албатта, ҳеч қанақангি сардор ошпаз ҳақида гап бўлмаганди, ойим уни шўр сувда шунчаки қайнатганди. Гўшиши жуда оз чиққанди, лекин шўрваси – таърифга сўз йўқ! Ҳалигача эсимдан чиқмайди, мазаси оғзимда қолган. Янги йилда ака-укалар учрашганимизда, ҳар доим ўшани эслаймиз. Бу бир минг тўққиз юз олтмишинчи йилда бўлганди. Замон оғир эди, шу боис бундай воқеани унуттиб бўлмайди. Айиқ панжасига келганда эса, икки йил олдин бир саноатчи мени зиёфатга таклиф қилди ва охирги таомни олиб киришганда ликобчада қоп-қора нимадир турарди; мезбон гердаиб шундай деди: «Айиқ панжаси, ҳозиргина Хэйлунцзяндан олиб келишиди». Унинг гапига учиб, ўша заҳоти чўп билан бир бўлак узиб олдим-да, оғзимга солиб, шошмай чайнай бошлидим – таъмини билмоқчи эдим. Бу қандайдир шилимшиқ ва ёпишқоқ бир нарса бўлиб, айтарли ҳиди йўқ, бироқ бадхўр эмасди, қайнатилган чўчқа оёғига ўхшарди.



Ичимда шундай ўйласам ҳам таидан түхтөвсиз мақтардим – бүнча мазали таом бўлмаса! Мезбон ўзи ҳам тотиб кўрдида, рисоладагидек кўпчимабди, деди. Кейин эса сардор ошпазни сўка кетди. Мен «кўпчимабди» деган сўзинг маъносини тушунмагандим-у, аммо сўрашига иймангандим. Кейин Пекиндаги ресторанда ишлаган бир ошнамдан қизиқсиниб «кўпчимабди» деган сўзинг тагида қандай маъно бор деб сўрагандим, у менинг қоқланган айиқ панжаси еганимни, аслида уни аввал сувда кўпчитиб, намиқтириб олиши кераклиги ни айтганди. Агар панжса янги бўлса, бу талаб қилинмайди, аммо уни пишириши ҳам жўн иши эмас. Ерда чуқурча қазиш, оҳак сепиб чиқши, унга панжсани кўшиши, яна оҳак билан устидан ёпиши ва илиқ сувни чалптиб сепиши, уларни реакцияга киритиб, иссиқ ажратиб чиқартириши керак, панжсадан тукларни фақат шу йўл билан кетказиши мумкин. Унинг гапига қараганда, айиқ панжасини пишириши учун вақт ва сабр керак: у қанча кўт димланса, шунча яхши. Бу дегани, агар уни кечки дастурхонга тортмоқчи бўлсанг, эрта тонгдан ҳаракатингни қиласан. Умуман, кўп уринмайсан. Эсимда: отам айтгандики, қишида айиқ овқатланмайди, нафсини ором олдириши учун панжасини сўради, шу боисдан ҳам у жуда қадрли саналади. Менимча, бу пуч гап. Ё бўлмаса, «Маймун мияси» таомини олайлик. Мен буни ростданам маймун мияси деб ўйлабман. Кейинчалик менга айтишиларича, бу ўрмон замбуруғларининг бир тури экан. Бу нарсанинг ўзини емаганман, лекин замбуруғдан қилинган ошқозон дорисидан кўп ичганман. Яқинда поездда доришунослик корхонасида ишлайдиган бир мутахассис қиз билан танишиб қолдим. У бу ҳандорини бунча кўт миқдорда қандай ишлаб чиқаришиларини айтиб берди. «Маймун мияси»га боишқа ўрмон замбуруғларини аралаштираси ва яна одатдаги, қуритилган замбуруғлардан ҳам қўшарканлар. Мен лол қолдим, буни қаранглар-а, дориларга химикат кўшишилари хаёлимга келмаганди! Ҳатто дориларда ҳам қаллобликдан таш тортмайдиган бўлишиса, умуман ҳақиқий нарсанинг ўзи қолдимикан? Ниҳоят, бу даҳшатли «Қалдирғоч уяси» ҳақида айтмоқчиман. Мен ҳеч қачон уни кўрмаганман ҳам, емаганман ҳам. «Қизил кошонадаги уйқу» романидан бир лавҳа эсимда, сил касалига чалинганд Лин Дайюй айланиб келиб «Қалдирғоч уяси» шўрвасини ичаверади, демак,



бундан чиқди, ёмон нарса эмаскан, аммо унга оддий одамнинг ҳамёни чидамайди. Бироқ нима учун бу қадар қимматлиги миямга келмайди. Ярим умринг меҳнатда ўтиб ҳам бир неча жин тополмаслигинг мумкин. Сенинг ҳикоянгдан кейин «Қалдирғоч уяси» таомидан саккиз чақирим нарига қочаман: биринчидан, қиммат, иккинчидан эса, бу қадар шафқатсизлик айнан у билан боғлиқ. Мен қалдирғоч уяси овловчилари-нинг сурбет рақибларидан эмасман, аммо уларнинг сұлак ва қондан уя қўйишларини эслаганинг он бирдан галати бўлиб кетасан киши. Менинг нуқтаси назарим сенинг ҳикоянгдаги мана шу аёлникуга ўхшаши. Қалдирғоч уяларининг, қайнонанг айтганидек, қандайдир галати хоссалари борлигига шубҳа қиласман. Гонконгда улар жуда оммалашиб кетган, лекин бир қарагин-а, кўчаларда кимлар юрибди: дуч келган ҳар бир одам – ўткир бурунли ва япасқи юзли калтабақай. Биз, шандунликлар, кўк пиёзли картошка нони еймиз, шу боис бўйдан ҳам Худо берган, кўчаларда гўзал аёлларимиз кўрганларнинг кўзини куйдиради, тўғри, ёппасига гўзал деб бўлмаса ҳам, юздан битта, мингдан битта, албатта, топилади. Бу нимадан? Бу тансиқ таомларнинг озуқалик қимматини картошканинг ёнига қўйиб бўлмайди. Шундай ифлос нарсани тановул қилиши учун шунча тулни совуриш гирт аҳмоқлик эмасми? Салангланлар уйчаларининг шафқатсизларча йўқ қилиб юборилиши-чи? Бу энди шунчаки аҳмоқлик эмас. Сўнгги шиллар ичиди, айниҳса, ҳикоянгни ўқиганимдан кейин бир нарсани англадим: овқатга келганда, биз, хитойликлар, ўзимиздан ўзимиз ўтиб кетдик. Бирон гаройиб нарсадан лаззатланиши имкони борларнинг кўпчилиги бунинг учун ўз чўнтаклиридан тўламасликларини айтиб ўтириши шартмикин? Айни вақтда оддий ҳалқ ҳам қоринни нима биландир тўйдирини керак-ку. Биз атрофимизда гўштлар тоз-тоз бўлиб ётган ва мусалласлар дарё бўлиб оққан замонда яшаяпмиз ва сен ҳикояларингда тасвирлаган амалдорлар аёллардай тегманозик сичуан бой мустабид, мутлақо ўрдак панжасининг пардаларини тамадди қиласиган Лю Венцайдан ҳам ўтиб тушганлар. Бундай нарсалар кунда бўлиб турадиган ҳолга айланган аллақачон. Бир неча йил аввал рўзномаларда мана шу мавзудаги мақолалар кўзга ташланиб қолганди, бироқ улар ҳеч кимни ҳаяжонга согмаганди. Гоҳо кулгили қилиб расмларини чизишарди, энди эса шу ҳам йўқ.



Үзимизнинг асосий мавзумизга қайтадиган бўлсак, нуқтаи назаримча, «Қалдиргоч уяси»да сиёсий бўёқлар қуюқлашиб кетган. Сал газабингни босиб, ҳикоянгни бошқатдан ёзиб чиқсанг, яхши бўларди, деб биламан. Қалдиргоч уяси тўплашдек дунёнинг ўзидек қадимий ва сир-асрор билан йўғрилган гоят хавфли машғулот мавзусида анча жозибадор нарса яратши мумкин.

Жюгуга сафаримга келсак, бошиликлар, бир ҳисобдан қарши эмас. Аммо-лекин жўнагунимча ҳозир ишилаётган ро-маннимнинг қоралама нусхасини тугатиб қўймасам ҳечам бўлмайди. Сизларнинг маймун мусалласи биринчи фестивали санаси эсимдан чиққани йўқ ва бу вақтга келиб ишиларимни бир ёқли қиларман деб ўйлайман.

Кўллэзмангни тезкор почта орқали топшириши шарти билан қайтариб юборяпман. Олганинг ҳақида хабар берарсан.

Қаламинг бундан-да ўткир бўлсин!

Мо Ян


2

Устоз Мо Ян!

Хатингизни, тезкор юборган қўллэзмангизни ҳам олдим. Бундоқ қарагандা, шунча пулни сарф қилишингизнинг кераги йўқ эди, оддий буюртма билан ҳам юборсангиз бўларди. Бир неча кун кейинроқ келарди-ю, зарари йўқ эди. Барибир мен ҳозир «Мусаллас фаришта» номи остида асар ёзяпман ва «Қалдиргоч уяси»ни тўғрилашга ҳозирча киришаётганим йўқ.

Менинг «Қалдиргоч уяси» асарим Сизда қанчалаб туйгуларни жунбушига келтирибди, устоз! Сиз ҳатто қайнатилган от туёғи еганингиздаги ёшлик йилларни эслабсиз. Энди гарчи ҳикояни ҳеч қачон босмасалар-да, унинг ўзи тайёр ютуқ: агар у бўлмагандা, Сиз мана бундай узун хат ёзармидингиз!

Сиз ҳақсиз, қалдиргоч уясининг фойдалилигини жуда муболагалаштириб юборганман. Ўйлашимча, уларни протенига анча бой қуши чиқиндиси сифатида тавсифлаб ўтишим мумкин эди. Уларда, албатта, ҳеч қанақанги сеҳрли хусусият йўқ. Акс ҳолда улардан қунига учтадан ё бештадан еб юрган одам росманасига ўлмас бўлиб қоларди. Ҳикояда ёзил-



ганидек, «Қалдирғоч уяси» шүрвасидан атиги бир марта татиб күрганман. Жюгуга келсангиз, Сиз ҳам баҳраманд бўлишингиз учун, албатта, иложини қиласман. Таомнинг ўзи – ўнинчи ўриндаги иши, асосийси, бунинг нима эканини билганингиз қолади.

Мени жуда безовта қилаётган нарсага келсак, бундан қутулишга, албатта, ҳаракат қиласман. Ҳозирги вазиятда, жунубушга келган туйгуларни тутиб туриши қанчалик қийин бўлмасин, қилингган шиларни кўриб чиқмоқ зарур. Жамиятнинг бундай ўзгариб кетиши учун ҳар биримиз масъулмиз. Хизмат бурчим бўйича бутун дунёдан келтирилган машҳур мусалласлардан ичишимга тўғри келади. Қимматлиги бўйича улар «Қалдирғоч уяси»дан унча кўп фарқ қиласмайди ва одамлар ҳам уларни ўз кўзлари билан аниқ кўрмаган деб қўрқаман. Масалан, фарангларнинг «Жерве-Шанбертен» ва «Романи-Конти»си, олмонларнинг «Лэй» ва «Доктор»и, италянларнинг «Барбареско» ва «Лакрина-Кристи»си ва ҳ.к. Уларнинг ҳар бири чинакам хазина, ҳеч шубҳасиз, маъбуллар нўши этадиган обиҳаёт. Тезроқ келинг, устоз. Шогирдингиз бошқа ҳеч нарса билан мақтанингламайди, аммо машҳур мусалласлардан бир-бир қадаҳ отиб олишга келганда, Сизга бўлган ҳурматимни аъло даражада адо этурмен. Уялиш керак эмас, бу чайқовчи амалдорлар жисигилдонларига уришганидан кўра биз ичиб олганимиз яхши.

Гапирай десам, гапларим кўп, лекин Сиз барибир яқинда Жюгуга қадам ранжида қиласларкансиз, шахсан учрашунча чидайман. Бир-биримизнинг кўзимизга қараганча, қадаҳлар кўтарамиз ва хумордан чиққунча гаплашамиз!

Ўзимнинг янги асарим «Маймун мусалласи»ни юборяпман ва сизнинг танқидий фикрларингизни кутиб қоламан. Аввалига катта ҳажмни режсалаштиргандим, бироқ сўнгги кунларда шунақанги чарчадимки, бир амаллаб тугатиб кўя қолдим. Ўқиб чиққанингиздан кейин қайтариб юборманг. Жюгуга келганингизда ўзингиз билан бирга ола келарсиз. Бир кунгина дам оламан, кейин эса яна бир ҳикоя ёзишини бошлайман. Ана шундан кейин «Қалдирғоч уяси»ни тўғрилайман.

Ижодий муваффақиятлар тилайман.

Шогирдингиз Ли Идоу



3

«Маймун мусалласи»

Агар «Юанжю», «Маймун мусалласи»ки бошқа иероглиф билан шундай талаффузда ёзилса, «Юан мусалласи» бўлиб қолади. Уни ким ихтиро қилган? Менинг қайнотам, Юан Шуанюй, Жюгуодаги Мусалласпазлик академиясининг профессори ихтиро қилган. Жюгуони буюк ватанимиз харитасидаги тобдор дур деб аталса, Мусалласпазлик академияси – Жюгуомизнинг дури, қайнотам эса академиянинг энг ёркин, энг жилвагар дури. Бу ҳурматли инсоннинг шогирди, кейинчалик эса унинг кўёви бўлганимдан бир умр фахрланаман. Омадимга қанчаларнинг ҳавасио ҳасади келишини айтольмайман. Бу хикоямни «Маймун мусалласи» дейми ё «Юан мусалласи» – шунинг устида узоқ мулоҳаза қилдим. Гоҳ унисини айтиб кўрдим, гоҳ бунисини, барибир ҳам «Маймун мусалласи»да тўхтадим. Қайнотам қомусий билимга эга ва палаги тоза инсон. Маймун мусалласини қидириб топгани Байюанлин тоғига боришга ва у ерда маймунлар орасида яшашга, очиқ осмон остида овқатланиш ва ётиб-туришга, ўйлаган иши ба-рори учун ҳар қандай қийинчиликка чидашга тайёр эди.

Ичмайдиган ўқувчилар қайнотамнинг билимлари ҳақида қандайдир тасаввур ҳосил қила билмоклари учун маърузаларидан муфассал парчалар келтиришни мақсадга мувофиқ деб топаман. Уларнинг ёзма нусхаларини қайнотам бир неча йил муқаддам тарқатиб юборган, «Мусалласпазликнинг келиб чиқиши»дан таълим берганди.

У вактда мен ёш, мияси бўм-бўш талаба эдим. Бу мусалласпазлик эхромига камбағал дехқон оиласидан келиб қолган эдим, мусаллас нима эканини билмасдим. Қайнотам оқ костюмда, кўлида асо билан савлат ила минбарга кўтарилганида мен мусалласни зирвалар солинган сув деб билардим. Бу чол бизга нима каромат кўрсатаркан деб хайрон бўлгандик. У эса ҳали бирон қалима сўз оғзидан чиқмай туриб хиринглаб кулдида, ички киссасидан унча катта бўлмаган бир шишачани олди, тиқинини суғурди, бир қултум ютди ва лабларини чапиллатиб тамшанди: «Нима ичдим, ҳамкасабалар?» «Жўмракдан олинганд сувни», – кимдир жавоб берди. «Қайнатилган яхна сув», – уни тўғрилади бошқа бир талаба. «Тиниқ суюқлик», – яна

бир овоз аниқлик киритди. Кимдир эса: «Мусаллас», – деди. Бунинг мусалласлигини мен аниқ билардим – унинг хүшбүй хиди димогимга келиб урилганди, аммо босиқ овозда: «Пешоб», дедим. «Баракалла!» – чапак чалиб юборди қайнотам. – Мусаллас деган талаба ўрнидан турсин». Узун сочини оркага ташлаб олган киз ўрнидан турди. Чүғдай кизарип киз қайнотамга қаради, кейин нигохини пастга қаратди ва сочи учини ўйнай бошлади: кинода кўравериб, ўрганиб қолгани бор гап. «Бунинг мусалласлигини қаёқдан билдингиз?» – сўради қайнотам. «Хидидан билдим», – элас-элас қулоққа чалинди қизнинг овози. «Хид билиш қобилиятингиз ўткирлиги нимадан?» – давом этди профессор. Киз баттар кизарип кетди, юзи лов-лов ёнарди. «Хўш, нимадан?» – қисти-бастига олди қайнотам. «Мен... сўнгги бир неча кундан бери барча ҳидларни сезадиган бўлиб қолганман...» – деди киз янаям паст овозда. «Ҳа-а, тушундим! – зехн қулфи очилгандек қайнотам пешонасига шап этиб урди. – Ўтилинг!» Нимани тушунди? Сиз тушундингизми? Мен эса у айрим қизларда ой кўрганда ҳид билиш сезгиси кучайишини ва тасаввури фаолроқ ишлашини тушунтиргандан кейин англаандим. Шу боис башарият тарихида кўпгина буюк кашфиётлар ой кўриш даври билан узвий боғлиқ бўлган. «Энди пешоб деган талаба ўрнидан турсин!» – деди жиддий оҳангда қайнотам. Қулоқларим шанғиллаб кетди, кўз олдимда ранг-баранг учқунлар рақс туша бошлади, бошимга калтак келиб тушгандай бўлдим. Чолнинг қулоғи бунақа сезгиригини туш кўрибманми?! «Туринг, туринг, уялманг!» – такрорлади у. Менинг хижолатим бутун гурухнинг эътиборини тортганди ва албатта, ой кўрган анави узунсоч қизнинг ҳам. Унинг исми Жин Манли эди – соф жосусона от.

Кейин орамизда нималар бўлганини бошқа пайт ҳикоя қиласман. Кейинчалик у ҳам қайнотамга аспирант бўлди. «Лаънати, бу сассиқ тилим бошимга бало бўлди, тил эмас бу, бало. Эҳ, Ли Идоу, Ли Идоу, уйдан чиқиб кетаётганингда ота-онанг сенга нималар дейшишганди? Кам гапириб, кўп тингла, дейшишмаганмиди? Сен-чи? Оғзингга латта тиқса ҳам тийилмайсан-а. Қизилиштонни биласанми, дараҳтдаги тешикка тумшуғи тиқилиб ўлади, айнан тумшуғи унга панд беради». «Исминг нимайди?» – «Ли Идоу». – «Ҳа-а, демак, сен



мусалласнинг мужассам руҳи экансан: масавуринг бунчалик бойлиги бежиз эмас экан-да. Бу сўзлардан сўнг бутун гуруҳ котиб-қотиб кулди. Кўлини кўтариб, қайнотам кулгини босди, яна бир култум ютди ва чапиллатиб тамшанди: «Ўтири, Ли Идоу. Тўғрисини айтсам, сен менга ёқиб қолдинг. Бошқаларга ўхшамайсан».

Кўзларимни чақчайтириб, ўтиридим, қайнотам эса тикинни ёпди, шишачани чайқатди, уни баланд кўтарди, кўчадан тушган ёркин күёш нурлари оқимидағи пуфакчалардан завқланди ва баланд овозда чертиб-чертуб шундай деди: «Қадрли ҳамкасабалар, бу суюқлик муқаддас, бусиз инсон яшолмайди. Бугун ислоҳотлар ва ошкоралик даврида у янада каттароқ роль ўйнамоқда ва ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, агар у бўлмаганда Жюгунинг уйғониши ҳақидаги барча гаплар пуч бўлиб қоларди. Мусаллас, бу – мусика, рангтасвир, шеърият, рақс. Мусалласпаз ўзида кўплаб малакаларни мужассам этган санъаткордир. Умид қиласманки, сизлардан уста мусалласпазлар етишиб чиқажак, Барселонадаги Бутунжаҳон кўргазмасида олтин нишонни қўлга киритиб, мамлакатни шон-шуҳратга чулгаяжаксиз. Яқинда эшитиб қолдим, кимдир бизнинг касбимиз ҳақида ёмон фикр билдирибди, мусалласпазлик – истиқболсиз иш, дебди. Ҳамкасабалар, сизларга дангал айтоламанки, борди-ю, бир кун келиб ер курраси парчаланиб кетгудек бўлса, спирт молекулалари ўша-ўша коинотда айланиб юраверажак».

Гулдурос карсакларимиз остида қайнотам чехрасида ибодат чоғидагидек улуғвор тавфиқ ила шишачани баланд кўтарди, чехра киноқаҳрамон сингари яшнарди. Мен уялиб кетдим: нима жин уриб бундай мўътабар суюқликни пешобга тенглаб юрибман? Охири бориб пешобга айланса, айланиси ўлмасмиди.

«Бу муқаддас суюқликнинг келиб чиқиши ҳали-хануз жумбоқ, – давом этди қайнотам. – Бир неча минг йил муқаддам мусаллас ирмоқлари бирлашиб, Хуанхэ ва Янцзи дарёларини хосил килган. Аммо манбаларни қидириб топишнинг иложи бўлмаяпти. Фақат тимсолларга таяниш қолган, холос. Самовий кенгликнинг спектрал тадқиқоти ўтказилиши чоғида мамлакатимизнинг фалакшунослари очиқ коинотда катта миқдордаги спирт зарралари борлигини аниқлаганлар. Яқинда фазо ке-



масидаги парвози чогида америкалик астронавт аёл қуюқ мусаллас ҳидини туйибди, ширақайф бўлгандек, бир ажойиб хузурни хис этибди. Энди жавоб беринг-чи: спиртнинг бу зарралари қаердан келиб қолган? Америкалик астронавт аёл туйган хушбўйлик қандай пайдо бўлган? Бошқа сайёрадан келиб қолганми? Ё эҳтимол, бу зарралар шу ердан, ўзимизнинг Жюгудан бориб қолгандир? Тасаввурингиз қанотларини кенгрок ёйингиз, ҳамкаслар!

Аждодларимиз мусалласнинг кашф этилишини илоҳларга тақаганлар, – давом этди қайнотам, – ва бу ҳақда озмунча гўзал ва ҳаяжонли ривоятлар тўқимаганлар. Илтимос, сизларга тарқатилган варакларга бир назар солинг.

Қадимги мисрликлар мусалласни Осирис кашф этган дейишади, чунки бу илоҳ мархумлар салтанатининг ҳукмдори бўлган, мусалласни эса аждодлар рухини халос этиш йўлида қурбон келтириш мумкин бўлган, токи улар қанот чиқариб, жанинат сарҳадларига этиб боролсинлар. Ҳатто, биз тириклар ҳам ширақайф чоғимизда ўзимизни қушдек енгил хис эта-миз, худди ҳозир қанот қоқиб учуб кетадигандай бўламиз. Бинобарин, мусалласнинг моҳияти – парвозни хис этишда. Қадимги Месопотамия ахолиси биринчи мусалласпаз шараф тожини Нуҳ бошига кўндириган. Уларнинг эътиқодича, Нуҳ тошқинидан кейин одамзод наслини қайта яратгангина эмас, балки касалликларнинг олдини олиш воситаси сифатида мусалласни одамларга инъом ҳам қилган. Улар ҳатто Нуҳ мусалласпазлик билан шуғулланган жойни ҳам кўрсатишган.

Қадимги юононларда мусаллас маъбути Дионис бўлган. Олимпнинг барча маъбудлари ичida у хушчақчақлик, халоскорлик, эркин рух парвози рамзиdir.

Айрим динлар мусалласнинг келиб чиқишини бошқача изоҳлайдилар. Буддавийлик ва исломда мусалласга муносабат салбий, у турли-туман ёмонликлар манбаи. Насронийликда эса мусаллас Исо Масихнинг қони, унинг дунёни куткаришга интилиши зухури сифатида эъзозланади. Мусаллас нўш этиб, насроний Худо билан қўшилиб кетишга, у билан узвий алоқада бўлишга умид боғлади. Насронийликда мусалласга баланд рутба берадилар, у моддий бўлишига қарамай, Худо билан рухий бирлашувни акс эттиради. Лекин бир нарсадан огохлантириб қўйяй: мусалласни мутлақо моддий моҳият си-



фатида тушунган одам ҳеч қачон ҳақиқий уста бўлолмайди. Мусаллас руҳийдир ва бу ҳақдаги эслатма шу пайтгача кўплаб тилларда сақланиб қолган. Инглиз тилида ўткир ичимликларни spirits деб аташади, Францияда эса алкоголь таркиби юқори бўлган мусалласларни spiritueux тоифасига мансуб берадилар. Бу сўзларда ўзак битта – spirit, рух.

Аммо биз, нима бўлганда ҳам, моддиончилармиз ва мусалласни шунинг учун ҳам руҳий деймизки, у туфайли жонимиз қанот ёзиб, парвоз қиласиди. Бироқ парвоз қиласиди чарчаган жонимиз ерга қайтиб келади ва биз барибир мусалласнинг ибтидосини эски қўлёзмалардан қидиришимизга тўғри келади. Бу ҳаддан ташқари мароқли машгулот. Энг қадимги хинд диний-фалсафий битиклари Ведаларда сома ва яна бир баома деган алкоголли ичимлик эслатилади. Унисидан ҳам, бунисидан ҳам курбонликларда фойдаланганлар. Кўхна китобда «нордон мусаллас» ва «ширин мусаллас» кўп мартараб учрайди. Худди ўшандай қадимги Хитой битиклари тошбака косасида учрайди: «Бу мусаллас Да Цзя учун, Дин учун», бу – мархумлар Да Цзя ва Динга бағишлиланган маросими мусалласни билдиради. Ушбу битиклар орасида «chan» иероглифи ҳам учрайди, у Хан Бан Гунинг «Оқ йўлбарс танобийсидағи мулоҳазалар тўплами»га изоҳларида куйидагича талқин килинади: «Чан – юзта гиёҳ хушбўйини жамловчи ичимлик». Чан бу – ажойиб мусаллас. Ушбу иероглиф бошқа яна бир «chan»ни англатади – «бемалол», «ёқимли», «мириқиши», «саркаш», «қўнимсиз»; «chan» қўйидагича келиб чиқсан: чанда – «эркин, фаросатли», чанқуай – «руҳнинг қувноқ ва ёқимли жойлашуви», со юйян – «фикрларни эркин ифода этиш», чан уцзу – «тўсиксиз», чан-сян – «эркин фикр», чанъин – «хоҳлаганча ичиш»... Мусаллас, бу – эркинлик доираси. Жаҳоннинг бошқа минтақаларида бугунги кунда мусаллас ҳақида топилган энг қадимги ёзма гувоҳликлардан бири мусаллас шишаси тикини ҳисобланади, у Мисрдаги қадимги мозорлар қазилмаларида топилган, эрамизгача ўн иккинчи асрда таҳт юргизган фиръавн Рамзес Шнинг мусалласхонаси мухри билан яхши сақланган.

Нисбатан энг қадимги даврларнинг алкоголь ичимликлари ҳақидаги ёзма гувоҳликлардан яна бир нечтасини келтиришимга изн берсангиз. Бу хитой тилидаги «ен» сўзи бўлиб,



«ширин мусаллас»ни англатади, қадимги хинд «бўја»¹си эса кунжарарадан олинган ичимлик. Ҳабаш қабилаларидан бирининг тилидаги «бўса» сўзи арпадан қилинган ичимликни билдиради. Қадимги гаэлча «сервисна», қадимги немисча «пиор», қадимги скандинавча «юло», қадимги саксонча «бере» – бу тилларда пивони шундай аташган. Мўғул чўлларидаги кўчманчи чорвадорлар бия сутини азалдан «қимиз» деб келганлар, оссуряликлар эса «мацун» дейишган. Қадимги юоннлар асални «меликатон», қадимги римликлар – «аква мула», кельтлар эса «шушенъ» деб атаганлар. Қадимги скандинавлар кўпинча тўйга асал совға қилганлар ва «асал ойи» ибораси бутун дунёда ҳалигача кўлланади. Бундай гувоҳликлар турлиятуман қадимги тамаддуларнинг ёзма маданиятида мавжуд бўлиб, уларнинг барчасини келтиришнинг имкони йўқ».

Қайнотамнинг маърузасидан олинган муфассал иктибослар сизни каттиқ зериктириб қўйган бўлиши керак, шу боис сизлардан кечирим сўрайман. Мен учун ҳам бу ҳаддан ортиқ зерикарли, аммо на чора, яна бироз сабр киласиз, тезда тугайди, хотима бутунлай яқин қолган.

«Ёзма манбалар эрамиздан олдинги ўнинчи асрдан бошлибгина мусаллас тарихини кузатиш имконини беради ва бундан афсусланмай бўлмайди. Мусалласнинг бундан олдинроқ пайдо бўлганига эса шак-шубҳа йўқ. Қадимшунослик топилмалари бунга ишончли асослар тақдим этади. Луншандан топилган мусалласбоп сопол учоёқ, Даҳанкоудан топилган мусалласбоп ажойиб шакл-шамойилли «цзун» ва «цзя» деган идишлар, Испаниядаги Алтамир гори қоясига солингган тасвирлар мусаллас билан боғлиқликни кўрсатади. Булар барчаси мусаллас тарихини ўн минг йилдан кўпроқ деб ҳисоблашга асос бўлади.

Ҳамкасабалар, – давом этди қайнотам, – мусаллас – бу тирик жон бирикмаси, табиат ижодининг гултожи ва табиий равишда туғилиши мумкин. Мусаллас қанднинг ферментлар таъсири остида, бошқа моддалар кўшиш билан спиртга айланиш жараёнида олинади. Табиатда қанд таркибли ўсимликлар захираси битмас-туганмасдир, узумга ўхшаганлари эса ферментлар таъсирида осон парчаланади. Дейлик, қандайдир

¹ Биздаги «бўза» бўлиши мумкин.

нам чуқурчада узум доналари түпланиб қолди, уларни у ерга шамолми, сувми ё қушларми олиб келиб ташлаган, тегиши-лича сув ва иссиқлик миқдори мавжудлигиде узум меваси қобиғидаги ферментлар фаоллашуви мумкин ва узум шарбати ажойиб мусалласга айланади. Бизнинг мамлакатимизда азалдан «Маймунлар мусаллас қиласи», деган ибора кўлланиб келади, «Пэнлундаги тунги сухбатлар» номли қадимги асарда бундай ёзилган: «Хуаншан тоғида маймунлар кўп. Баҳор ва ёзда тош чуқурчаларга меваларни түплайди ва ўша ерда мусаллас бижгийди, хушбўй ҳиди юз қадам наридан димоққа урилади». «Син сулоласи хилма-хил маълумотларнинг норасмий түплами»даги тасодифий мақолаларда бундай дейилади: «Гуансида, Пинлэ туманида ва бошқа жойдаги тоғларда маймунлар қўп. Улар мевалар түплайдилар ва мусаллас қиласидилар. Ўрмон кесувчилар ўраларни топадилар, уларда бир неча хум мусаллас түпланади. Одатдан ташқари хушбўй ва таъми татимли бу мусалласни «Маймун мусалласи» деб аташган.

Модомики, маймунлар меваларни териш ва уларни тош билан чуқурчаларга жойлаш, улардан бижгитиб мусаллас олиш қобилиятига эга эканми, башарият аждодлари ҳам шундай қилган бўлишлари ҳеч гап эмас. Бошқа мамлакатларнинг ёзма манбаларида ҳам мусаллас қилувчи маймунлар ҳақидаги хикояларга ўхшаш ҳангомалар учрайди. Масалан, француз мусалласпазлари орасида шундай бир нақл бор: қушлар гоҳо инларига меваларни ийғадилар, бироқ баъзи сабаблар билан уларни чақишига улгурмайдилар ва вақти келиб бу инлар мусаллас идишига айланади. Эҳтимол, одамлар қуш ва ҳайвонларни кузатиб мусаллас қилишни ўргангандир. Балки, қанд таркибли ўсимликларнинг пайдо бўлиши мусалласнинг табиий пайдо бўлишига олиб келгандир, шу боис биз мусаллас бўйи инсониятдан анча олдин ер юзида анқирди, деб гапирамиз.

Одамлар қачондан мусаллас қила бошлаган? Биринчи навбатда, бу табиий мусалласнинг борлиги қачон аникланганига боғлиқ. Ўлимдан қўрқмаганлар ёки чанқоқдан ўлганлар тош чуқурчалар ва куш уяларидаги мусалласдан ичганлар. Бу сехрли ичимликдан татиб кўриб ва бундан кейин кувноқлик бошланишини англаган одамлар энди бу мусаллас омборларни қидириб топишга отланганлар. Барча мусаллас топилиб ва

ичилиб кетгандан кейин уни тайёрлаш хоҳиши пайдо бўлган. Хоҳишдан кейин тақлид қилишга ўтилган: маймунларга ўҳшаб, одамлар меваларни тош ўраларга босиб қўйганлар. Барча уринишлар ҳам самара беравермаган: баъзан мевалар шунчаки куриб қолган, ё бўлмаса ириб-чириб кетган. Одамлар мусаллас қилишни маймунлардан ўрганишдан бир неча бор воз кечган, аммо ичимликнинг жозиба кучи барибир уларни дадилроқ тажриба ўтказишга ундаиверган. Одамларнинг тажрибаси ортган ва табиат кучи шарофати билан мева мусалласи пайдо бўлган. Севинчлари ичига сифмаган одамлар ўз ғорларидаги гулханлар атрофида яланғоч бўлиб олиб, ракс тушганлар. Мусаллас қилишни эса кўчатлар ўтқазиб, ҳайвонларни кўлга ўргатгандан кейин ўрганганлар. Улар таомининг асосига гўшт ва балиқдан ташқари, донли экинлар кириб келгач, донни бижгитиши тажриба қила бошлаганлар. Балки одамлар тасодифан шунга келиб қолишгандир, балки бу тепадан юборилган амрдир. Лекин сопол тувакда спиртнинг дастлабки томчиси тўпланганда инсоният тарихида янги, ажойиб саҳифа очилган. Бу – порлоқ тамаддуннинг бошланиши бўлиб қолган. Маъруза тамом бўлди», – эълон қилди қайнотам.

У мусалласли шишачани қулт-култ қилиб охиригача сипкорди, лабларини чапиллатиб қўйди, кейин чўлпиллатди, ниҳоят, уни ички киссасига сўқди, жилдини қўлтиққа урди, менга совуккина қараб қўйди, унинг нигоҳи сермањно эди, бошини кўтарди, кўксини чиқарди ва тўғрига қараганча аудиториядан чиқиб кетди.

Тўрт йилдан сўнг мен бу бўлимни тутатдим ва қайнотамга аспирант бўлдим. Менинг «Афсунгарлик реализми, Лотин Америка насли ва мусалласпазлик» мавзусидаги магистр даражасидаги ишим қайнотамнинг олий мақтовига сазовор бўлди, химоя «шоҳ ва бутоқларсиз» ўтди, уни ҳатто «Мусалласпазлик академияси янгиликлари»нинг биринчи устунида чоп этиш учун тавсия қилишди. Шундан кейин қайнотам мени ўзига аспирант қилиб олганди. Мен мусалласлар ишлови жараёнида мусалласпаз ҳис-туйғуларининг физикавий ва кимёвий жиҳатлари ва уларнинг алкоголь маҳсулотининг асосий характеристикасига таъсири тадқиқоти билан машғул бўлдим. Қайнотам бу мавзуни маъқуллади, муаммонинг за-

монавийлигини таъкидлади ва уни ғоят муҳим ва қизиқарли иш дея эътироф этди. Диссертацияни ёзиб бўлишдан олдин у менга бу йилни кутубхонада ўтказишим, тегишли адабиётни ишлаб чиқишим, ашё тўплашим, кейин эса шошмасдан мавзуни баён этишга киришишим кераклигини тавсия этди.

Қайнотамнинг кўрсатмаларига амал қилиб, Жюгунинг шаҳар кутубхонасида хужжатлар тўплашга бошим билан шўнгигиб кетдим ва бир куни «Жюгуодаги гаройиб ишлар хақида қайдлар» номи остидаги китобга дуч келдим. Унданги бир воқеа менда бошқача қизиқиш уйғотди. Қайнотамга бу китобни кўриб чиқишини тавсия этарканман, китоб уни бу қадар ўзига ром қилиб олишини тасаввур ҳам қилмагандим: у маймунлар орасида яшаш учун Байюанлин тоғига жўнашга азму қарор қилди. Матнни бутунича келтираман: хоҳланг – ўкинг, хоҳланг – ўтказиб юборинг.

Жюгуода Сун Вэн деган бир одам яшаган, у катта мусаллас ишқибози бўлган экан. Жуда кўп ичаркан, бир ўтиришда бир неча доу мусалласни кўрдим демас экан. Бир вақтлар оиласи, ўн цин ҳосилдор ери, ўн хоналик, томи сополчаноқли данфиллама уйи бўлган экан-у, ҳаммасини ичиб тамомланган экан. Асли люлик бўлган хотини болаларини олибди-да, бошқа эрга тегиб кетибди. Сун Вэн эса соchlари тўзиган, кирчир ахволда кўчама-кўча юриб, тиланчилик қила бошлабди. Мусаллас сотиб олаётган одамларга ҳаваси келиб, уларга куллук қилас, пешонаси ёрилгунча оёқларига бош ураркан ва шу тариқа мусалласхўрларнинг раҳмини келтиаркан. Бир куни унинг олдига соқоли оппок, аммо чехраси ёш бир одам келиб шундай дебди: «Юз чакирим жануби-шарқий томонда Байюнлин номли тоғ тизмаси ётибди. Уни қалин ўрмон қоплаган, ўрмонда маймунлар яшайди, улар тош ўраларда мусаллас қиласди. Сен фурсатни қўлдан бермай, тўғри ўша ёққа бор ва мусалласдан тўйиб-тўйиб ич, бу ерда бир култум тилашиб юргандан кўра у ерда беминнат, хоҳлаганингча ичасан». Бу сўзларни эшишиб, Вэн чолга таъзим қилди ва раҳматни ҳам насия қилиб жўнади. Уч кун йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, тоғ этагига етиб келибди. Юқорига карабди, у ерда қалин дарахтзордан ўзга ҳеч вақо йўқ эмиш, ҳатто ёлғизоёқ йўл ҳам кўринмабди. Шу боис шох-шаббаю чирмовукларга тирмаша-тирмаша дарахтзор оралаб юриб кета бошлабди.

У ўрмоннинг энг қалин жойига бориб қолибди, бу ердаги қадимги дараҳтларнинг учи кўккача етиб, қуёшни тўсиб турар, ерга тангадай офтоб тушмас, чирмовуклар дараҳт шохларига ўралиб, кушлар қийқириғи қулоқни батангга келтиаркан. Бирдан унинг рўпарасидан катталиги хўкиздай келадиган бир маҳлук пайдо бўлибди, кўзлари яшиндай чакнармиш, момақалдириқдек ўкирармиш, бундан дараҳтлар титраб, майсалар хурпаярмиш. Вэн қаттиқ кўрқиб кетибди ва орқаолдига қарамай қочибди, бир вақт чуқур чоҳга дуч келибди, ўзининг бир дараҳт учида осилиб турганини кўрибди-ю, ёруғ дунёдан насибаси узилганига ишончи комил бўлибди, бироқ димоғига мусаллас ҳиди келиб урилибди-ю, сал ўзига келиб, дараҳтдан тушибди ва хушбўй ҳид келаётган томонга юриб кетибди. Чор атрофни қалин бутазор қоплаган, раъно гулларнинг бўйи хавони тўлдирган, дараҳтларнинг шохларида эса анвои мевалар хил-хил пишиб ётибди экан. Миттигина оқ маймунча гуж-гуж пушти меваларни узар ва сакраб-сакраб қочиб қоларкан. Вэн маймуннинг изидан тушибди ва шу пайт тўсатдан олдинда бир яланглик пайдо бўлибди. У ерда бир неча ўнлаб чи энлиқдаги ва бир чжан чукурликдаги ўйифи бор харсанг туармиш. Маймун меваларни ўйикقا гириллатаркан ва кошинга урилгандек жарангдор овоз тарапаркан. Мусаллас ҳиди димокни қитиклабди. Яқинроқ бориб, Вэн не кўз билан кўрсинки, ўйикнинг ичи тўла қип-қизил мусаллас эмиш. Кўлларида думалоқ елпигичга ўхшаш катта-катта япроқ тутган бир гала маймун пайдо бўлибди ва япрокларда мусалласдан пайдар-пай олиб, ича бошлабди. Бироздан кейин улар чайқалиб, тиржайишиб, кўзларининг пахтасини чиқара бошлабдилар, бу жудаям марокли кўринибди. Вэнга кўзлари тушиб, маймунлар чийиллаб юборибди ва бир неча чжан нарига чекинибди. Уларга эътибор бермай, Вэн ҳалиги чукурликка эгилиб, кит сувни хўплағандай, мусалласни симира бошлабди. У бошини кўтаргунча анча вақт ўтибди. Ичкари шипшийдам бўлибди, Вэннинг оғзида ажойиб ҳид қолибди ва ўзини осмону фалакда парвоз қилиб юрган фаришталардай ҳис қилибди. Кейин ширакайф маймунлар сафига бориб қўшилибди – у ҳам ирғишлаб, қаттиқ-қаттиқ қичқирибди, маймунлар билан тез киришиб кетибди. Шу тариқа у ҳалиги харсанг олдида қолибди, чарчаганда ухлар, бедор чогида эса мусаллас нўш



этар, гоҳо маймунлар билан күнгил очарди. Доим вақти чоғ бўлганидан одамлар олдига қайтишни ўйламай ҳам қўйибди. Қишлоқдагилар уни ўлдига чиқаришибди, бу ривоятлар барча болаларга ёд бўлиб кетган экан. Орадан йигирма-ўттиз йил ўтибди ва бир ўрмон кесувчи олис тоғларга бориб қолибди. Қалин ўрмон ичидаги унга кўзлари зийрак, зехни тийрак, сочсоқоли оппоқ бир қария дуч келибди. Ўрмон кесувчи уни тоғлар пири деб ўйлаб, қўрққанидан ер ўпид, тазарру қила бошлибди. Унга дикқат билан разм солгач, қария сўрабди: «Исминг Сан Сян эмасми?» «Ҳа, Сан Сянман», – тасдиқлабди ўрмон кесувчи. «Мен сенинг отангман», – дебди Вэн, бу унинг ўзи экан. Болалигига ўрмон кесувчи отасини ичкиликбоз, бир тийинга киммат, у тоғларда чириб кетган, деб эшигтан экан. Ҳозир эса уни кўриб, ҳайратдан лол қолибди. Вэн бошига тушган савдоларни сўзлаб берибди, ўғлининг кўнглигидаги иштибоҳларни тарқатиш учун исбот тариқасида қадимги замонларда оиласда рўй берган воқеаларни хикоя қилиб берибди. Ўрмон кесувчи унинг отаси эканига иқрор бўлибди ва уйга юринг, у ерда ўзим сизга ғамхўрлик киламан, деб ялинибди. Вэн бунга илжайиб қўйибди: «Мен хоҳлаганимча ича оладиган мусаллас кўлинг борми?» У ўғлига, шу ерда тура тур, дебди-да, маймундай чирмовукларга тирмашиб ўрмонга кириб кетибди. Кўп ўтмай у катта гаров таёғини кўтариб келибди, унинг ҳар иккала учига қизил гуллар тақилган эмиш, таёқни ўғлига бераётниб, Вэн бундай дебди: «Бу гаровда маймун мусалласи бор. Ич ундан, соғлифинг тикланиб, юзингга ёшлик таровати қайтиб келади». Уйга қайтиб келиб, ўғил таёқнинг учларидаги гул тикинларни суғуриб олиб, ичидагини тогорага куйибди. Бунақа кўм-кўк, зангори рангдаги хушбўй суюқликни одам боласи умри бино бўлиб кўрмаган экан. Ўрмон кесувчи ўзидан катталарни хурмат қиласиб экан, бу суюқликни қайнотасига, у эса ўз навбатида хўжайини Лю исмли бойга олиб борибди. Мусалласдан татиб кўриб, у озмунча ҳайратланмабди ва уни қаердан олиб келдиларинг, деб сўрабди. Қайнота куёвининг хикоясини унга такрор сўзлаб берибди, Лю доругага етказибди, доруға эса мўъжизавий ичимликни топиб келиш учун йигирма-ўттиз одамни тоққа жўнатибди. Узоқ қидиришибди, бироқ чор атрофда ўтиб бўлмас қалин ўрмонзору тиканли чакалакзордан

бошқа ҳеч нарса күрингенес экан. Улар икки қўлларини бурунларига тикиб қайтишибди.

Бу хужжатни ўқиб, ноёб хазинага дуч келганимни англадим, хизмат кўрсатиш бўлимида тезгина нусха кўчирдим, қайнотамнинг уйига олиб бордим ва унга топширдим... Бу уч йил аввал шом чоги рўй берганди. Қайнотам билан қайнонам дастурхон устида жигиллашиб ўтиришганди. Ташқарида жала авжга минганди – яшин чақнаб, момақалдироқ гумбурларди. Чакмокларнинг узун-узун, тўрсимон мовий ришталари дамбадам дераза ойнасида пайдо бўлар, унда ваҳимали титроқ шуълалар қолдиради. Сув томчиларини қоқиб тушириш учун бошимни силкидим. Мен дўлда қолиб кетгандим ва энди қошларим ўртаси ачишиб, кўзларимдан ёш қуйиларди.

– Чиққан қиз чигириқдан ташқари, – менга қараб, жахл билан пишиллади қайнонам. – Ўз аравангни ўзинг торт, бу ер сенга қозихона эмас.

Бу гапларни эшитиб, бу ерда бир англашилмовчилик борлигини англадим ва тушунтириб беришини талаб қилмоқчи бўлиб чоғланган ҳам эдимки, бунинг ўрнига қаттиқ акса уриб юбордим. Бурним қишишиб кетди, қайнонам эса пайтдан фойдаланиб қовоғини уйганча ғудурлади:

– Наҳотки, сен ҳам хотинини бир ютум мусалласга олмайдиганлардан бўлсанг? Наҳотки...

Унинг нимани назарда тутаётганини мен ўшанда тушунмагандим, аммо ҳозир, албатта тушунман. Ўшанда рўпарамда юзи чўғдай ёнган ва юраги нафратга тўла вайсақи хотингина бор эди. У менга мурожаат қилгандек туюлганди, қотиб қолган, қаҳрли нигоҳлари эрига қадалганди. Унинг бирорвга бунақа қараганини ҳеч қачон кўрмагандим ва ҳозир ҳам шуни ўйласам, баданим жимирилаб кетади.

Университет профессори киёфасини сақлаган ҳолда қайнотам столда сипо ўтиради. Чирокнинг илиқ нури остида унинг оппоқ соchlари ингичка ипак толаларига ўхшарди, бироқ чакмокнинг мовий ёғдусида яшилтоб соя уграсини эслатарди. У қайнонамга эътибор бермасди ва бутун фикри зикри мусалласда эди. Унинг олдида «Клико беваси» шишаси турарди – денгизорти қизининг илиқ сийнаси нафосати монанд тилларанг суюклиқ ва олдинма-кетин тепага кўтарилиб келаётган вишилдоқ пуфакчалар бу қизнинг пойинтар-сойин-

тар шивирлашига ўхшарди. Жонга ва туйгуларга ором бергүвчи ажайиб мева бўйи – ундан қанчалик ўпкангга чукур тортсанг, шунча ўзингда қолади. Дарҳақиқат, фазилати бўйича тенги йўқ мусаллас. Бундай мусалласга бир бор нигоҳ ташлаш ялангоч қиз баданини мириқиб томоша қилишдан кўра ёқимлирот, ундан бир карра бўса олиш қиз лабларини хирс или сўргандан-да аълороқ...

Бир қўли билан у яшмадек яшилтоб шишани эркалаб силарди, иккинчиси билан баланд оёқли қадаҳни ўйнарди. Қадаҳни меҳр билан кучоқлаб олган узун бармоқлари шиша бўйлаб харакат қиласарди. Ёрқин электр ёғдуси суюқликнинг майин рангини товлантириши учун қадаҳни кўзи баробар кўтариб ундан олам-олам завқ оларкан, чехрасида бетоқатлик акс эта бошлиганди. Кейин қадаҳни бурни учига олиб келди, унинг хидидан чукур нафас олди-да, лаззатдан оғзини ним очганча, нафасини бироз ушлаб турди. Сўнг тилининг уни ва лабларини хиёл хўллади ва кўзлари хаяжондан чақнаб кетди. Бир кўтаришда у қадаҳни бўшатди ва нафас олмай, мусалласни оғзида тутиб турди. Унинг юzlари думалоқлашди, ияги чўччайди. Шунда унинг юзида битта ҳам тук йўқлигини пайқаб, лол қолдим. Эркакнинг юзи эмасди. У ҳеч нарса билан қиёс қилиб бўлмайдиган лаззатдан баҳраманд бўлиш учун мусалласни оғзида айлантиради. Чехрасига қизил доғлар бўртиб чиқди – худди нотекис суртилган бўёққа ўхшарди. Унинг ютмасдан оғзида айлантириб турган мусалласи менда жисмоний нафрат уйғотмоқда эди: ўзимни ифлос сувга чўкиб кетаётгандек сезмоқда эдим. Яшин чақнаб, бутун хона яшил нурга тўлди. Мана шу яшил титроқ орасида у мусалласни ютиб юборди ва мен мусалласнинг томоғидан қандай оқиб ўтганини кўрдим. У лабларини ялади, кўзлари намланди – худди ҳозиргина ўқсиб-ўқсиб йиғлаб олганга ўхшарди. Мен аудиторияда унинг мусалласни қандай ичишини илгари кўргандим, аммо бунда ҳеч қанака гайритабиийлик бўлмасди. Унда эса бу қилигини шу қадар эзмалик ва хафсала билан адо этардики, кўрган одам ғалати бўлиб кетарди. Нима учунлигини билмадим-у, лекин қайнотамнинг қадаҳни ўйнаб ичишдан топган ҳузури бир жинсли мұхаббат билан шуғулланувчи эрқакларни эсимга тушириб юборганди. Бундай одамларни-ку кўзим билан кўрмаганман, аммо

танҳоликда қолиб, улар қайнотамнинг шиша ва қадаҳни ўйнаганидақа ишни қилсалар ва худди шундай лаззат олсалар керак, деб ўйладим.

– Қандай жирканч! – Қайнотам столдаги овқатчўпларни улоқтирди, болохонадор қилиб сўкинди, сўнг туриб, ётоқхонасиға кириб, эшикни тарақлатиб ёпди, мен нима қилишимни билмай ёлғиз қолдим. Ўшанда қайнотамнинг нимадан бу қадар дарғазаб бўлганини билмагандим, лекин энди биламан.

Қайнотамнинг таъби тирриқ бўлганди. У қўллари билан стол қиррасига таяниб ўрнидан турди ва қимир этмасдан ётоқхона эшигига жуда узоқ тикилиб қолди. Унинг чехрасидаги таассуф ўрнини зудлик билан алам ифодаси эгаллади, кейин эса ғазаб аланга олди. Таассуфни у чуқур нафас олиб, нафас билан чиқариб ташлади, тиқин билан шишани ёпди ва этсиз суюкка тўла қопдай чайқалиб қўйди-да, диванга чўқди. Чолгинага бирдан раҳмим келиб кетди, унга тасалли бермоқчи бўлдим, аммо мен нима дейишни билмасдим. Кейин портфелимдаги нусхани, бу ерга келишимдан мақсадимни эсладим. Қофозни шоша-пиша чиқариб, унга бердим. Барibir ҳам тилим уни дада деб аташга ўрганмаганди ва ҳар доим унга «устоз» деб мурожаат қиласдим. Бунга хотиним тишириноғи билан қарши эди, бироқ унинг ўзи, хайриятки, бунга монелик қилмасди. Унинг фикрича, уни устоз деб аташим қулайроқ ва табиийроқ чикармиш, кўёвнинг қайнотасини «дада» деб чақиришини эса у учига чиқсан иккисизламачилик деб биларди.

Мен чой дамладим, аммо сув чала қайнаганди ва янги солинган чой сув бетида сузиб юрарди. Ҳар қанча яхши дамланмасин, унинг чойни хушламаслигини билардим. Шундай бўлса-да, ташаккур маъносида кафтини дўлча қопқоги устига қўйди, кейин эса хаёли қочган ҳолда сўради:

– Яна айтишиб қолдиларингми? Жанжаллашавер, жанжаллашавер, сира ҳам бўш келма! – Бу сўзларда ҳар иккала авлоднинг оиласвий муносабатларида ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаслигига аламнок ишонч сезилиб турарди. Мўъжазгина мөхмонхона бўлмасини қайгули муҳит чулғаб олганди.

Унга нусхани бердим:

– Устоз, бугун кутубхонада мана бу ҳужжатни кўриб колдим, жуда ғалати эканми, бир қараб чикинг-а.



Унга мана бу хужжат ҳам, мен ҳам бир тийинга қиммат эканим яққол кўриниб турарди – бу меҳмонхонада қизининг эридан бошқа ҳамма бир пул эди. Нима бўлганда ҳам у менинг кетишимга ва диванга ўзини ташлаб, «Кликонинг беваси»дан, кейинги лаззатдан баҳраманд бўлиш илинжида эди. Хурмат юзасидангина, факат хурмат юзасидангина кувиб юбормади, пировард-оқибатда, ҳаддан ташқари кўп ишқий ишратлардан сўнг заифлашган қўлини узатиб, мендан қоғозни олди. Мен уни қизиқтиришга харакат қилдим:

– Устоз, бу мусаллас қиласиган маймунлар ҳақида. Улар Жюгудан унча узок бўлмаган Байюанлин тоғларида яшайди.

Шу сўзлардан кейин у истамайгина мен берган варакларни олди-да, эринчоқлик билан кўз югуртириб чиқа бошлиди, кўзлар менга тол баргидан эмаклаб борувчи икки кекса чигирткани эслатди. У шу ахвода қолганида эди, мен бутунлай ҳанг-манг бўлиб қолган бўлардим. Бу уни мутлақо билмаслигимни билдиради. Аммо мен уни тушунардим. Бу хужжат унда қизиқиши уйғотишини билардим ва эҳтимолки, кўнглини кўтаради ҳам. Мен уни рухлантирмокчи эдим ва зинхор ундан бир нарса тама қилмоқчимасдим. Ёши ўтинқираб қолган бу одамнинг юраги тубида кичкина ва қулгини қистатар дараҷада содда ҳирс яшириниб ётганига кўнглимда ишонч ортиб бормоқда эди: силлиқ тўкилиб тушган мўйна, ангишвонадек оғиз ва камбагалнинг супрасидек кулоқлар, қип-қизил турқ, калта оёқлар, на ит, на мушук – мен эсам мана шу маҳлук томон интилганим-интилган эдим, эгизакдай мени ўзига тортгани-тортган эди. Албатта, бу туйғулар – турган-битгани пучак, зеро улар ҳеч нарсага асосланмаганди. Худди кутганимдек, унинг кўзлари бирдан ёнди, шалпайган танаси силкиниб тушди, қизариб кетган кулоқлари ва титраётган бармоқларидан унинг қанчалик ҳаяжонга тушганини билса бўларди. Бу маҳлук унинг ичидан сакраб чиққандек, юкорига уч чи ўрмалаб кетгандек ва ипак ипига ўхшаш меҳвар бўйлаб унинг боши узра сакраётгандек ва сирпанаётгандек туюлиб кетди. Мен ҳаддан ташқари баҳтиёр эдим, ўзимда йўқ ҳаяжонда эдим, кувончим ичимга сифмай, чинакамига янграмоқда эди.

У яна бир карра мана шу варакларга кўз югуртириб чиқди ва кўзларини юмиб, ўзи билмаган ҳолда уларни бармоқлари билан черта бошлади. Кейин кўзини очди ва:



- Мен азму қарор этдим! – деди.
- Қанақа азму қарор?
- Шунча йиллар мен билан ишлаб, наҳотки, шугина нарсага фаросатинг етмаса?!
- Устозининг фикрларини бошдан-оёқ англаш учун шогирднинг истеъоди ва билимлари ҳамиша ноқисидир.
- Яна ўша сийқа гап! – деди у ғамгин оҳангда. – Маймун мусалласини топиш учун Байюанлин тогига бормоқчиман.

Вужудимни ғайриоддий бир туйғу чулғади ва тез орада мен азалдан кутиб келган нарса содир бўлажагини ҳис этиб, шу заҳоти ташвишга тушдим. Туриб қолган сувдек турғун ҳаёт ҳадемай осмонга сапчиган тўлқинга айланажак, сўнгиз гурунглар мавзуси тўсатдан янгроқ торлардай садо беражак, бутун шаҳар оёққа қалқажак ва бутун Жюгоу, бутун Ош-пазлиқ академияси ва мен ўзим бутунлай романтик адабиёти билан оддий халқ адабиёти чатишиб кетган муҳитга фарқ бўлажакмиз. Булар бари шаҳар кутубхонасидаги менинг тасодифий топилмам натижаси эди. Қайнотам маймун мусалласи қидириб Байюанлин тогига йўл олади, унинг ортидан олдинма-кейин унинг ўзини қидириб, гуррас-гуррас одамлар йўлга чиқади. Аммо овозимни чиқариб айтган гапим шу бўлди:

- Устоз, ўзингиздан қолар гап йўқ, бундай хангомаларни кўпинча бекорчихўжа адабиётчилар тўкиб чиқарган бўларди. Уларни хаёл меваси деб билмоқ керак, зигирча ҳам ичиди жиҳдий нарса йўқ.

У аллақачон ўрнидан туриб, ўзини жанг майдонига отишга шай жангчи каби иродасини жамлашга ҳаракат қиласади.

- Қарор қабул қилинди, энди бир сўз ортиқча.
- Устоз, бу жудаям қалтис қарор, аввал уни қайнонам билан бир маслаҳатлашиб олсангиз дуруст бўлармиди?

У менга совуқ караб кўйди:

- Унинг энди менга ҳеч қандай даҳли йўқ.

Худди уйкуга ётаётгандай, у соати ва кўзойнагини ечди-да, эшикка йўналди, ҳеч бир иккиланмай эшикни очди ва ўшандай шиддат ила ёпди. Гарчи бизни юпқа тахта ажратиб турса-да, бироқ бошқа-бошқа оламга тушиб қолгандик. Эшикни очганида ёмғирли оқшомнинг нам ҳавоси билан уйга шамол, ёмғир ва момақалдироқ овози ёпирилиб кирди, эшик ёпилганда эса барчаси бирдан тинди. Мен қимир этмай турар ва кумлоқда



узоқлашган сайн уй шиппагининг пасайиб бораётган шалоп-шулуп овозига кулоқ тутардим. Кўп ўтмай бу овоз ҳам тинди. У кетиши билан меҳмонхона бўлмасида чукур бўшлиқ вужудга келди. Гарчи хона ўртасида дароз ва барваста қоматли камина ўтирган бўлса-да, шундай сезги мавжуд эдики, мен одам эмасман ва бетон харичалик қимматим йўқдай. Ҳаммаси шу қадар тезлик билан содир бўлдики, худди тушда кўргандай. Аммолекин бу рўё эмасди. Хонтахтадаги қўл соатининг иссиғи ҳали кетиб улгурмаганди, диванда менинг ксеронусхаларим айқаш-уйқаш бўлиб ётарди, столда у меҳр билан эркалатиб силаган мусаллас шишаси ва қадаҳ серрайиб туради. Кундуз чироги гувилларди, девордаги эски русумли соат чик-чик киласарди. Ётоқхонаси эшигидан ҳойнаҳой ўзини қучоқлаганча каравотда юзтубан ётган қайнонамнинг бурни ва оғзи билан нафас олиши кулоққа чалинарди – қишлоқ аёли қайноқ ва суюқ ширгурчни хўриллатиб ичганда шунақа овоз чиқади.

Узок ўй суриб тургандан кейин унга ҳаммасини айтиб беришга қарор килдим. Аввалига эшикни қия очдим, кейин дадиллик билан ичкари кириб бордим. Тақиллашлар орасидаги танаффусда унинг пик-пик йиғлагани эшитилди, кейин йиғи тезда хўнграшга ва бурун қоқишига ўтди. Қизик, бурнини нимага қоқди экан? Бу мутлақо бемаъни савол хира пашибадай миямда айлангани-айланган эди. Аёлнинг не воеа содир бўлганидан воқифлигини билиб турадим, аммо мутлақо нотабий оҳангда гап қотдим.

– У кетди... Байюанлин тогига бораман, деди... Маймун мусалласини қидириб топармиш...

Қайнонам яна бурун қоқди. Нимага қоқяпти экан ўзи? Хўнгир-хўнгир тинди, элас-элас шитирлаш қулоққа чалинарди; унинг каравотдан турганини ва эшикка ё бўлмаса ўйма накшли ёғоч ромчага солинган уларнинг тўй суратлари осиғлик деворга хўмрайиб тикилиб турганини кўргандек бўламан. Мен ҳар доим қайнонамдан завқланиб келганман, чунки аждодларимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тасвирига ўхшарди. Қайнотам унга қараганда ёш ва кўркам кўринарди: лабларининг бўртиқ бурчаклари унинг қувноқлиги ва шўхлигидан дарак берарди, сочининг ўртасидан фарқ ўтган, ўткиричноқдан қолган чандиққа ўхшаш унинг оқ йўли бошни қоқ иккига бўлиб туради. У бир ёнига эгилди, қайнонамнинг

силлик таралган соchlаридан уч сантиметрлар наридаги унинг учли ияги эрининг ҳокимиyатини ҳам, унинг муҳаббатини ҳам тимсоллаб турарди. Мана шу ҳокимиyат ва муҳаббат юки остида қайнонамнинг чехраси – баҳтдан ял-ял ёнарди. У аёл кўйлагидан хушрўй йигитчани эслатарди. Чехрасида ҳали ҳам қалдирғоч уяси тўпловчилар наслига мансуб излар сакланиб қолганди – бу одамлар қийинчиликлару баланд қояларга тирмасиб чиқишдан кўркмасдилар, бу эса Янгуйфэй руҳидаги унинг ҳозирги ҳиссий ва назокатли гўзаллигига бутунлай зид эди. Бундай бўлишга у қандай эришди экан? Нима учун унинг қизи шу қадар тасқараки, бутун хитой ҳалқи шаънига иснод келтиради?! Она – фил суюгидан ясалган ҳайкал бўлса, киз – унинг лой нусхаси. Эртами, кечми, охири бу саволларга, албатта, жавоб топаман. Ромчадаги ойнага яқин орада латта тегмаган ва аллақаёқдан ўргимчак келиб, унда нафис тўрлар тўқиб ташлаганди, тўрлар устини ҳам юпқа кулранг чанг коплаган. Бу тарихий ёдгорликка қараб туриб, қайнонам нималарни ўйлаётган экан? Ўтган баҳтли кунларни эслатибдимикан? Лекин бундай кунлар умуман бўлган-бўлмаганидан бехабарман. Менинг тасаввуримча, биргаликда бир неча ўн ийлар яшаган эр ва хотин босик, ўз туйғуларини жиловлашга моҳир одамлар бўлиши керак. Уларнинг баҳти ҳам – агар баҳт нашидасини суришган бўлса – қандайдир нимранг, лоқайд, ноаник, алам таъмли, мусаллас тоғораси тагидаги лойқа чўкиндидай қуюқ ва ёпишқоқ эди. Тўйдан уч кун ўтгандан кейин ажрашиб кетадиганларнинг иши бошқа: бу қизиқон қизилёл чавандозлар, бу ҳисларнинг ловуллаган алангаси, унинг шағаги атрофидаги бутун оламни ёритишга ва то жири томчиламагунча яллиғи билан куйдиришга қодир. Бу жазиллаган тушки офтоб, тропик бўрон, ўткир қилич, аччиқ мусаллас, бўёғи қалин суртилган ёрқин рангтасвир. Бундай никоҳлар башариятнинг маънавий бойлигини ташкил этади. Юкорида тилга олинган, шилимшиқ бақатўнга айланганлар эса инсоннинг юрагидаги ғайратни сўндиради ва тарихий тараққиёт жараёнинг тўғаноқ бўлади. Шу боис олдинги тусмолларимдан бош тортдим: эски фотосуратга қараб тураркан, қайнонам ўтмишдаги баҳтли кунларни эсламаган, эрининг унда нафрат уйғотган сифатларини хаёлида ўгириб чиқаётган бўлса, эҳтимол. Кўп ўтмай воқеалар тахминларим тўғри эканини кўрсатажак.

Яна эшикни тақиллатдим:

– Айтинг-чи, сизнингча биз қандай иш тутишимиз керак? Уни қайтаришга ҳаракат қиласылымки ёки Академия раҳбариятини бундан воқиға этайликми?

Қайнонам бир дақиқа жим қолди. Ҳатто унинг нафаси эшилмасди ва мен ташвишлана бошладим. Кейин эса у қўққисдан каттиқ чинкириб юборди. Бундай товуш фақат мосо¹ гарови кесигига ўхшаган кенг очиқ оғиздан чиқиши мумкин эди ва бу на унинг ёшига, на қад-қоматига, на унга хос бўлган орасталикка муносиб эди. Бу зиддиятдан юрак беихтиёр увушиб кетарди. Ҳамма нарсани юракка бундай яқин олиб, у қовурилган оккушдай ялангоч қолиши ва деворга қоқилган михлардан бирига ўзини осиши мумкин эди. Фотосуратли ромча осилган жойдами? Ёки тақвим бор жойдами? Дастребки иккитаси заифроқ, сўнггиси ҳам қайнонамнинг гўзал танасини, қараб тўймайдиган бу гўзалликни кўтаролмайди. Менинг хавотирларим очиқасига муболагали эди. Лекин қайнонамнинг тасвирлаб бўлмайдиган фарёдидан аъзойи баданим музлаб кетгани рост. «Фақат тақиллатибгина эшикни жисм қилиши мумкин».

Мен эшикни шунчаки тақиллатмаётгандим, балки уни юпатиб, ақлини киргазиб қўйишга ҳаракат қилдим. У бу пайтда чалкашган түя юнги калавасини эслатарди, калаванинг учини топиш жўн иш эмас ва аниқ, бир маромдаги тақиллатиш ва «уцзяпицзю» дамламаси каби юпанч сўзлари билан чидам илиа ўзига келтиришга тўғри келди. Хўш, ўшандা мен айнан нима дегандим? Ўйлашимча, тахминан мана бундай гапларни айтмоқчи бўлгандим: қайнатам кўп йиллардан бери бир куни қош қорайганда Байюанлин тоғига бош олиб кетишини ўйлаб юрарди, мусаллас учун жонини гаровга қўйишга тайёр. Унинг кетишини қайнонам билан зинҳор боғлаб бўлмайди. Нима бўлганда ҳам у Маймун мусалласини кидириб топади ва бу билан бутун инсоният тараққиётига хисса қўшган бўлади, мусалласпазлик маданиятини янада бойитади, унинг тарихида янги давр очади, ҳалқ руҳини чиниктиради, мамлакат шаънини улуғлайди ва Жюгуога сармоявий фойда келтиришнинг янги манбасини мухайё қиласи. Яна айтдики, йўлбарс инига кирмасдан йўлбарсваччани кўлга киритиб бўлмайди. Май-

¹ Бамбукинг бир тури, кунига 40 см. ўсади.

мун мусалласини тоғдаги маймұнлардан бошқа қаердан топса бўлади? Мен яна ишонч билан айтдимки, хоҳ мусаллас билан бўлсин, хоҳ усиз бўлсин, қайнотам охири қайтиб келади ва хотини билан биргаликда ошини ошаб, ёшини яшайди, вассалом.

– Қайтиб келадими ё келмайдими, тупурдим ўша сассик такага! – чийиллади қайнотам. – Жуда кўзимиз учиб турибди, у қайтиб келсин деб. Ҳечам қайтиб келмасин! Тоғларда ўлиги чирисин! Баданидаги юнглар ўсиб, ўзи ҳам маймунга айланиб қўя қолсин!

Унинг сўзларидан сочим тикка бўлиб, баданимдан совуқ тер чиқди. Илгари уларнинг муносабати у қадар яхши эмаслигини ўзимча сал-пал тусмоллардим ва гоҳо ғижиллашиб қолишганини кўрардим. Бироқ қайнотамнинг қайнотамга қашшоқ деҳқонлар бойни, ишчи синфи сармоядорларни ёмон кўрганидан ҳам кўпроқ ёмон кўришини тасаввур ҳам қилмагандим. Неча ўнлаб йиллардан бери юрагимга чукур ўрнашиб қолган «синфий нафрат Тайшан тоғидан ҳам залворлирок» эканига бўлган эътиқод қулаб тушди. Бир одам бошқасини бу қадар ёмон кўриши бир хисобдан ажойиб ва шубҳасиз, бу қайсиdir маънода бутун инсоният хазинасига қўшилган ҳисса. Буни инсон туйгулари ботқоғида қийғос очилган заҳарли кўкнор гулига қиёс қилиш мумкин. Ахир унга тегинилмаса, истеъмол қилинмаса, у гўзаллик шакллардан бири сифатида яшайверади ва кишини қандайдир ёқимли, беозор гулдан кўпроқ ўзига маҳлиё этарди.

Қайнотам қайнотамнинг барча кирдиорларини ҳикоя қилишга тушди ва унинг ҳар бир сўзи юракни тешгудек жарангларди:

– Шу ҳам одам бўлдими! Шу ҳам эр бўлдими! Қанча йиллардан буён аёлни бир четга қўйиб, мусалласга шайдо. Аёл гўзаллигини мусаллас билан қиёслашдек мана бу чиркин амалиётни айнан шу жорий этди, энди унга мусаллас ҳам хотин, мусаллас шишалари ҳам хотин, кадаҳлар ҳам хотин... Аслида мен сенга ҳеч қанака қайнота эмасман, фан номзоди Ли. Бир марта ҳам бола түқкан эмасман – бу ахволда бола туғиб бўладими! Сенинг хотининг эса асранди, мен уни ахлат идиши ичидан топиб олганман.

Мана, ҳаммаси фош бўлди. Елкамдан оғир юк олиб ташлангандай нафас чиқардим.



– Сен, фан номзоди, жудаям фаросатли одамсан. Мен тирноқ остидан кир қидирадиганларни ёмон кўраман. У менинг қизим эмаслигини аллақачоноқ фаҳмлаган бўлишинг керак. Шу боис, менимча, биз сен билан яқин дўстлар бўлишимиз мумкин ва мен сенга кўп билмаган нарсаларингни айтиб бераман. Мен аёлман, Гугунг¹ дарвозаси олдиаги тош арслон-масман ёки томдаги флюгер² эмасман, аллақандай қўшалоқ жинсли маҳлук ҳам эмасман. Бир аёл нимани хоҳласа, мен ҳам шуни хоҳлайман, аммо худди шу нарсадан бебаҳраман... Менинг азобларим билан кимнинг неча пуллик иши бор...

– Нега ўшанда ажрашиб қўя қолмагансиз?

– Мен заиф аёлман, одамларнинг гап қилишидан қўрқканман...

– Қандай ваҳшийлик.

– Ҳа, ваҳшийлик. Нега ажрашмаганим сабабини айтишим мумкин. Чунки, у мен учун маҳсус «Симэн Цин» деган гиёҳдан аччиқ мусаллас тайёрлаганди. Ичсанг, мияга шунағанги ширин хаёллар кела бошлайдики, ҳар қандай висол лаззати бунинг олдидан ўтаверсин... – Аёлнинг овозида тотли хижолат оҳангি қулокқа чалинди. – Бироқ сен пайдо бўлгандан буён бу мусаллас негадир таъсир килмай қўйди...

Ортиқ эшикни чертгим келмади.

– Аёл неча ўнлаб йиллар давомида зирвада ивитилган айик панжасидек, паст оловда жизгин кабоб бўлиб юрди, энди эса, ниҳоят, етиб келди. Азизим фан номзоди, наҳотки, ундан келаётган муаттар бўй овози қулоғингга чалинмаётган бўлса...

Эшик катта очилди. Димланган айик панжасининг илохий бўйи ичкарига ёпирилиб кирди. Чўкаётган одам қайиқ четидан тутгани каби мен эшик кесакисидан ушлаб қолдим...

4

Ўқ буғдойранг паканага тегди ва худди парвозга шайлангандек, унинг танаси баландга отилди. Бироқ қўрғошиннинг иссиқ бўлтаги марказий асаб тизимини тез ишдан чиқарди

¹ Пекиндаги қадимги император саройи, хозирда музей.

² Шамол йўналишини кўрсатадиган асбоб.



ва күл-оёклар тартибсиз силкина бошлади. Ҳаммаси равшан бўлди: мусалласпазлик фанлари номзоди «Ярим аршинлик қаҳрамон» хикоясида тасвирлаган ўзининг сирли сеҳргарлик қобилиятини пакана энди намоён этолмасди – ҳавода сузолмайди ва кўлвор илондек шифтда ёпишиб туролмайди. Бунинг мутлако акси: бир неча сантиметр тепага сакраб, тана ҳайдовчи қизнинг тиззалиридан сирғалиб тушди-да, полга қулади. У полда шиддат ила чўзилди, юксак кучланишли линиянинг симлари қишки шамол остида сакрагани каби оёқ мушаклари таранглашди. Мум суртилган эман полда қон ва мия қатиги чаплашиб ётарди. Кейин пичоқ остидаги хўрозча бўйни каби битта оёқ бир чўзилиб, бир букила бошлади, бу шу қадар кучли содир бўлдики, бутун тана бир текис айланди. У ўн карра айланиб думалади, оёклар энди силкинмай қўйганди ва қолгани бундай бўлди: пакананинг танаси ҳаракатдан қолди ва уни туйиб бўлмас титроқ босди. Аввалига бутун тана ерга урилиб титради, кейин тананинг алоҳида-алоҳида қисмлари титрай бошлади. Шундай тасаввур уйгонардики, бир вакълардаги футбол ишқибозлари сингари мушаклар гурухлари «Мексика тўлқини» хосил қилди. Титроқ чап оёқ бармоқларидан бошланди, тўпиқдан сонга ўтди ва ундан юқорилаб, ёнламасига елкагача етиб борди, у ерда кураклардан юриб ўтиб, ўнг елкага етди ва у ердан сонга, тўпиқка ва ўнг оёқ бармоқларига тушди, кейин эса ҳаммаси тескари йўналишда такрорланди. Бу анча узок давом этди ва охири титроқ тўхтади. Пакананинг оғзидан «ух» деган товуш чиқди ва жонсиз тана бирдан шалпайди-қолди. У ўлган эди ва тропик ботқоқларида гужғон ўйнаган тимсоҳлар ичидаги кора тимсоҳга ўхшарди.

Пакананинг жон беришини кузатаркан, Динг Гоуэр иккала кўзини бир дақиқа ҳам ҳайдовчи қиздан олмаётганди. Пакана қизнинг силлиқ тиззалиридан сирғалиб тушди, киз пружинали матрац солингган, оппок чойшаб тўшалган каравотга юзтубан ағдарилди. Каравотда тартибсиз сочилиб ётган ғалати шаклли ёстиқ ва ёстиқчалар ўрдак патига тўлдирилганди ва қизнинг боши пушти гулли катта ёстиққа тушганида терговчи бир нечта майда пат ҳавога енгил кўтарилганини кўрди. Ҳайдовчи қизнинг кенг керилган оёклари каравотдан осилиб турарди, мана шу гавда ҳолати юрагида тўпланиб қолган ҳамма нарса-



ни алғов-далғов қилиб юборди. Ҳайдовчи қизнинг шиддаткор экътироси хотирига келди ва шу захоти юрагининг бир четида яшириниб ётган рашқ ҳисси ўртаниб қўйди. Терговчи лабини тишлади, аммо кўксига авж олган ғазаб алангаси ярадор йиртқичнинг азобларига монанд эди ва унинг ичидан ўтли бир оҳ отилиб чиқди. Пакананинг жонсиз танасини бир тепиб, у тутун чиқиб турган тўппончани кўлида тутганча ҳайдовчи қизга яқин борди. Қизнинг қип-яланғоч бадани янги куч билан ҳам муҳаббат, ҳам нафрат уйғотди: у қизнинг ўлганидан умидвор эди, ундан ҳам кўпроқ хушдан кетганига ишонгиси келмоқда эди. У қизнинг бошини кўтарди: ярим очиқ, юмшоқ, таранглиқдан асар йўқ лаблар ортида чиганоққа ўхшаган тишлар ялтиради. Терговчининг кўз ўнгидан бирдан Лошан кони олдидаги кузги тонг лип этиб ўтди, ўшанда қиз мана бу лаблари билан уни тўпориларча қаттиқ ўпган ва у лабларнинг муздай, юмшоқ, салқигина эканини – ғалати-да – худди эски увадага ўхшашлигини хис этганди. Шу топ қошлар оралиғида терговчининг кўзи мошдеккина қора тешикчага тушди, кўз косаси атрофида эса темир рангидаги майдадар зарраларни илғаш мумкин эди ва у бунинг ўқ илдизлари эканини англади. У чайқалиб кетди, томогига яна қўнгилни айнитувчи чучук суюқлик куйилиб келди. Ҳайдовчи қиз олдида чўк тушди ва томоғидан отилиб чиққан қон қизнинг ясси корнини оч қизил рангта бўяди.

«Мен уни ўлдирдим!» – қўрқиб кетди терговчи.

Кўлинни узатиб, кўрсаткич бармоғи билан тешикни туртди ва унинг иссиқлигини, йиртилган қирралар терини кираётганини хис этди. Сезги қандайдир ғоят таниш эди. Хотираларга кўмилиб, у охири бу сезги болалигидан қолганини, янги чиққан тиш устидан тилни юргизгандан шундай бўлишини эслади. Бунинг учун ўғлини сўккани ҳам эсига тушди. Бу лўппи юзли, думалоқ кўзли, тоза кийимда ҳам, ифлос кийимда ҳам бесаришта кўринувчи, елкасига китобхалта ортмоклаган, бўйинбоғини қинғир-қийшиқ қилиб таққан ва кўлида тол чивиги тутган болакай тилининг учи билан тишини туртиб, унинг олдига келганди. Терговчи унинг босидан силаб қўйди, у эса хафа бўлиб, хивич билан дадасининг оёғига бир тушириди: «Сизни қаранг-у! Нега тегинасиз? Бундан одам тентакка айлануб қолиши мумкинлигини бил-



майсизми?» Бошини бир томонга қийшайтириб, күзларини қисди, унинг жиддий гапираётгани шундок күриниб турарди. «Нодон болакай! – жилмайди терговчи. – Бундан тентакка айланиб қолмайсан, лекин агар тишларингни тилинг билан яласанг, қийшиқ ўсиб қолиши тайин...» Бостириб келган барча хотиралардан кўнглида қайноқ тўлқин кўтарили. У шошиб қўлини ҳайдовчи қиздан олди ва кўзларига ёш қалқди. Эшитилар-эшитилмас қилиб ўғлининг исмини шивирлаб айттида, муштумини тугди ва пешонасига шап уриб, сўкинди:

– Галварс! Қанақа галварссан, Динг Гоуэр, бундай қилишга қандай қўлинг борди!

Ўшанда болакай унга норози қиёфада қараб қўйган, бурилган ва кетганди. Маҳкамгина жажжи оёқчаларида тез ҳаракат қилганча, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган автомобиллар орасида жуда тез кўздан фойиб бўлганди.

«Энг аввало, икки ёқлама қотиллик учун ўлим жазоси берилши тайин. Аммо ўғлим билан кўришимогим керак». Сўнг хаёлан бамисоли ер юзининг нариги чеккасидай олис вилоят марказига кўчди.

Атиги биттагина патрони қолган тўппончани ушлаб, у ресторон эшигидан югуриб чиқди. Кираверишда турган митти хотин-қизлар унга ёпишиб олишди, бироқ уларни силтаб ташлади-да, ҳаётини таваккалга қўйиб, кўчадан физиллаб ўтиб турган машиналар оқимига кўндаланг тарзда олға интилди. Ҳар икки томондан дам-бадам тормозларнинг ёқимсиз фийкиллашлари эшитилди. Ҳатто бир машина орқадан келиб урилди, озгина тезлигини оширган ҳам эди, пиёдалар йўллагига учеб чиқди. Ресторан томондан кичкириқ овозлари янгради. У кучининг борича сўлган япроқлар коплаган йўлкадан чопиб кетди, ҳаёлида эса ҳозир каллаи сахар эканини ва ёмғир ювган кенгликларда кондай қип-қизил тонг булутлари уймалашаётганини тасаввур қилди. Совук ёмғир тун бўйи тинмади, ҳаммаёқ сирпанчик эди, тўс боғлаган бакалоқ дараҳтлар эса эртаклардагидек чиройли кўринарди. Улар ғўлалар ётқизилган таниш йўлдан чопиб кетаётганини бир қарашда англай олмади. Сутдай оппоқ буғ кўтарилиб турган ҳожат арикларида дудланган чўчқа калласи, қовурилган қайлалар, тошбака косаси, димланган креветкалар ва унинг соусида чўчқа оёқчалари сузуб юрарди. Латта-путталарга ўралган бир



қанча қария узун чўплар билан бу мазали таомларни тутиб олар эди. Уларнинг лаблари ёғдан осилиб турар, юzlари қип-кизил эди – бу чиқиндиларнинг озуқа қуввати анча баландлиги кўриниб турарди. Сал наридан ўтиб кетаётган велосипедчиларнинг юзи бирдан нафратомуз қийшайди ва улар ҳайратдан кичкирганча тартибсиз равишда велосипедлари билан тангу тор йўл бўйи зовурга йиқилиб тушишди. Велосипедлар ва таналар сувнинг текис юзасини жунбушга келтирди, ачиған мусаллас кунжараси ва ҳайвонлар ўлиги хидининг бирикуви шу даражада бадбўй эдик, у қайт қилиб юбораёзди. Деворнинг шундок ёнидан югуриб бораркан, аллақандай дўнгсага дуч келиб, ағдарилиб тушди. Орқадан бетартиб кичкириклар янгради: «Ушла уни, ушла!» Ўрнидан туриб, атрофига олазарак қаради: бир гала одам оёққа турган ва тинимсиз қичкирарди, бироқ ҳеч ким унинг орқасидан боришига юраги бетламаётганди. У олға югуриб кетди, лекин бу галгиси хиёл секинроқ эди. Ҳаяжондан юраги шунақанги қаттиқ уриб кетдики, кўкраги саншиб оғриди. Мана, ҳалок бўлган жангчиларнинг таниш ёдгорлиги. Ҳамишабаҳор дараҳтларнинг ибодатхонага ўхшаш шоҳлари айрича табарруклик ва поклик ҳисси уйғотарди.

«Нега югуриб кетяпман ўзи? – ўйлади у. – Қазо хукмидан кочиб кутуломайсан, жазони эса, бирданига бўлмаса ҳам, барибир оласан, ундан ҳеч ким кутулиб қолмаган!» Лекин оёқлари аввалгидек уни олға бошлаб кетарди. Шоҳдор чинор тагида таёқдай типпа-тик ҳалиги пилакфуруш турарди. Саватлардан буғ паға-паға бўлиб кўтарилади. Сийрак бу-лут лахтаклари орасидан ойнинг нуқсонли чехрасини дамбадам яширгандай, пилакфурушнинг юзи буғлар ортидан бир кўриниб, бир кўринмасди. Миясида сарғиш патрон тутган чолнинг қиёфаси элас-элас милтиллаб кўринди – патронни ейилган таом учун ҳақ эвазига олганди. «Ўша патронни ўзимда олиб қолсан бўларкан», – ўйлади у, аммо ошқозони унга шу пилакларнинг чўчқа гўшти ва кўкпиёз билан биргаликдаги таъмини эслатди, қишки кўкпиёз энг хуштаъм ва энг қиммат ҳисобланади... Уни кўлидан ушлаб, бозор айлантиради, яқиндаги қишлоқлардан келган дехқонлар молларини ерга ёйиб, чўнқайиб ўтирас ва совуқ бўғирсокларни кавшар эдилар, тишларида пиёз бўлаклари тикилиб қоларди. Чол кафтини очади, унга шу чиройли патронни кўрсатади ва енгил ту-

тун яширган чехрасида қандайдир ёлворганным оғода пайдо бўлади. Чолнинг нима истаётганини билишга ҳаракат қилиб, дикқат билан тикилади. Шу топ унинг фикрларини итнинг ҳуриши бузади. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, худди кўланкадек, рўпарасида йўлбарсга ўхшаган хув анавиндаги тарғил кўппак пайдо бўлсами. Хуриши узокдаги ўтлоқ майсалари учидан оша-оша аллақандай олистан келарди, бу ерда эса яқиндан, тенг ярмига паст эшитиларди. Кўппак жагини бир очиб, бир ёпиб, оғир бошини қандайдир ғалати ирғар эди, аммо у ёқдан тиқ этган товуш эшитилмасди, худди тушдагидай, ҳамма нарса аллақаёқка сирғалиб ғойиб бўлмоқда эди. Тонг чирогини ёқиб, қуёшнинг қизил баркаши энди-энди кўтарилиб келарди, лекин унинг нурлари чинорнинг сийрак япроқлари орасига киришга улгурган ва хира кўлкалар ҳосил қилганди, кўлкалар кўппакнинг сарғиш юнги устидан тўрдай қоплаб олганди. Кўппакнинг нигоҳида ғазаб ёки нафрат ифодаси йўқ эди, хуриши ҳам кўрқинчли эмасди, факат бўпти, биродар, энди йўлингдан қолмасанг бўларди, деяётгандай дўстона ишора қиласди, холос. Терговчи чайналиб, чолга бир нима деди, бироқ сўзини шамол учириб кетди. Чол баланд овозда қайта сўради ва ғудраниб: «Мен ўғлимни қидириб тошишим керак», – деди.

Кўппакка им қоқиб, ундан одоб доирасидаги масофага чекиниб, терговчи чинорни айланиб ўтди ва ҳалок бўлган жангчилар ёдгорлиги қоровулини кўрди. Қоровул дарахтга суюниб қўшогизни кўксига босиб тик турарди, милтиқ оғзи бурчак остида дарахт шохлари томон йўналганди. Чолнинг унга ташлаган нигоҳида у ҳам шошиш кераклигига сирли шамани уқди. Азбаройи эҳтиром илиа терговчи унга таъзим бажо келтирди ва рўпарада кўриниб турган бинолар томон елиб кетди. У ер осуда ва кимсасиз эди. Орқадан ўқ овози янгради, у савқитабиий илиа ерга ётди ва пуштиранг буталарнинг сўлган япроқлари ортига яшириниш учун бир томонга думалади. Яна бир ўқ овози янгради ва ўша томонга қараб, катта қора тошдек осмондан тушиб келган катта қора күшни кўришга улгурди. Чинор шохлари титраб кетди ва тонгнинг қизғиши яллиғида ерга бир нечта сариқ япроқ тўкилиб тушди – чина-камига гўзал манзара, кеч кузнинг таронаси эди бу. Қоровул чол дарахтга суюнганча ҳамон ҳаракатсиз турар, милтиқнинг

иккала нили учидан кўкиштоб тутун эшилиб чиқарди. Тарғил кўппак эса эгаси уриб туширган катта қора қушни тишларида тишлаб, дарахтнинг нариги томонидан чол томон чопиб келарди. Ўлжани ерга қўйиб, шу ерга жойлашиб олди – унинг кўзларида куёш нурлари олтиндай акс этарди.

Биноларга етгунча ўтлари ўсиб кетган хиёбонни кесиб ўтишга тўғри келарди, у ерда бир нечта ёши ўтинкираган одам қушларни тоза ҳавога олиб чиқсан, бир гала бола-бақра аргамчида сакрабодом ўйнарди. Тўппончани белига кистириб, у ўзини гашт қилиб юрганга солди ва улар олдидан ўтиб кетди. Бироқ уйларга яқинлашгач, жиддий хатога йўл қўйганини англади: у ерда эрта тонгданок шахарча бозори жонланиб кетганди. Кўплаб одамлар ерга ёйиб қўйилган моллари қаршисида чўнқайиб ўтиради. У ерда қўхна русумли девор соатлари, қўл соатлари, «маданий инқилоб» даврида кенг оммалашиб кетган Мао Цзедун тасвири туширилган нишончалар, Раиснинг ганч ҳайкалчалари ва карнайли граммофонга ўхшаш бошқа кўплаб эски буюмлар бор эди. Харидорлар йўқ ва сотувчилар ҳар замонда ўтиб турган йўловчига еб қўйгудек бўлиб қаарарди. Бунинг тузоқ, «халта» эканини ич-ичидан хис этди Динг Гоуэр, мана бу сотувчилар эса фуқаро кийимидағи полициячилар. Терговчи уларга узокроқ тикилиб қарагани сайин неча ўнлаб йиллар давомида тўплаган тажрибасига таяниб, бу ҳақиқатан ҳам шундайлигига шубҳаси қолмаётганди. У ҳушёрлик ила ўзини кумушранг терак панасига олди ва нималар бўлаётганини кузата бошлади. Иттифоко, уйлардан бирининг бурчаги ортидан етти-саккиз нафар ёш йигит ва қиз чиқиб келди. Уларнинг юзларидаги ифода ва ўзларини тутишларидан бу гурухнинг ўсмиrlари аллақандай ноқонуний иш билан шуғулланишини, уларга ўртада шаҳдам қадамлар билан юриб келаётган, эгнига тиззадан келадиган узун кулранг ҳалат кийган, бошига қизил қалпоқча қўндирган, бўйнига Син сулоласига оид мис мунҷоқ тақсан қиз етакчилик қилаётганини англаб етди. Ногаҳон унинг кўзи қизнинг бўйнидаги бир нечта ажинга тушди ва оғзидан чет эл тамакисининг ўткир ҳиди анқиётганини туйди. У нотаниш қизнинг юзига синчиклаб қарай бошлади, шунда аста-секин ўзининг юпқагина пилласидан чиқиб келаётган қуртга ўхшаб, ҳайдовчи қизнинг юз қиёфаси чиқиб кела бошлади, қошлари

оралиғидаги думалоқ тешикдан эса қизғиш қон тизиллаб отилди. Қон қошлар оралиғи бўйлаб пастга оқиб тушаркан, оғизни қоқ иккига бўлди, кейин оқишида давом этди, киндикка етди, яна қуйироқ тушди, сўнгра қизнинг танаси бирданига тенг иккига бўлинди ва ичак-чавоқлар билқиллаб ерга тўкилди. Қаттиқ қичқириб, терговчи бурилди-да, туёгини шиқиллатиб қолди. Аммо шаҳар бозорчасидан чиқиб олиш учун қилган барча уринишлари чиппакка чиқди. Пировард-оқибатда, у эски тўппончалар ғарами олдига келиб ўтириди ва ўзини харидорга ўхшатиб, занг босган бу қақир-куқурларни бир-бир айлантириб кўра бошлади. Қиз унинг орқасига келиб олгандай ва ўзининг қоқ иккига бўлинган танасини қандайдир яшил қофоз тасма билан айлантириб боғлаётгандай ҳис қилди. Бу ишни қиз ниҳоятда тезлик билан бажармоқда эди. Аввалига қаймоқ рангли пластик қўлқопчалардаги қўллари лип-лип қилаётгани кўриниб турганди, бироқ кўп ўтмай қўллардан факат иккита чаплашиб кетган дод қолди, холос, улар на-миқкан, сувдан чиқариб олинган сувўтларнинг нозик толала-рига ўхшаш феруза рангли қофоз тагига сингиб кетди. Мана шу ферузадан қудратли ҳаётий куч келиб чиқмоқда эди. Қофоз тасма ўз-ўзидан айланарди ва кўз очиб-юмгунча қизнинг аъзойи-баданини маҳкам ўраб чиқди. Терговчининг бадани жимиirlаб кетди, лекин хотиржам қиёфада чиройли кўри-нишдаги тўппончалардан бирини танлади ва занг босган ўқдонини айлантиришга ҳаракат қилди. Минг уринса ҳам ба-рибир ўқдон айланмади. «Узок турган шансай сиркаси бор-ми?» – сўради у. Сотувчи аёл йўқ дегандай бош чайқади. Тер-говчи афсусланганнамо хўрсинди. «Устасиман деб мақтана-сан-у, аслида ҳеч балони билмайсан, – деди сотувчи аёл. – Узок турган шансай сиркаси йўқ, лекин оқ корейс сиркаси бор, шансайникига қараганда зангни юз баравар яхши кетказади». Шундай дея оппоқ, нозик қўлини қўлтиғига сукди, нимани-дир кидириб, у ерни анча кавлади. Терговчининг нигохи ногоҳ аёлнинг гулдор пушти сийнабанди тагига яшириб қўйилган иккита шишачага тушди. Шишаchalар яшил рангда эди, бироқ тиник эмасди, қўпгина мамлакатларда русумли мусалласлар учун идишларни ана шунаقا хира шишадан ясашиди. Бундай шиша айниқса қиммат кўринади: унинг шишилиги аниқ, аммо қайси томондан қарама, шишага ўхшамайди, шу боис бундай



идишлар қандайдыр қимматбаҳо буюмдай эътиборни тортади. Шундай ўйларни күнглидан кечираркан, иккинчи ўй шуурини банд қилды: баркашда бола ўтирганагани аниқ эди, аммо қайси томондан қарама, боланинг ўзгинаси, шу боис гарчи бу нарса бола бўлмаса-да, лекин унинг баҳосини ўлчаб бўлмайди. Нихоят, кўл сийнабанд тагидан битта шишачани олиб чиқди. Ундаги эгри-бугри ҳарфларни ўқишининг иложи йўқ эди, аммо терговчининг нафсонияти қўзиб кетди ва худди ҳар қандай чет тилини биладигандай, сулукатли оҳангда гапирди: «Бу ё виски, ёки бренди?» «Бу сенга керак бўлган корейс оқ сирка-сининг ўзи», – деган жавоб эшитилди. Шишачани оларкан, терговчи кўзини кўтарди ва сотувчи аёлнинг чехрасида унга бир қутича сигаретани отган ўз бошлигининг чехрасидаги ифодани кўрди, бироқ тикилиб қараб англадики, улар бир-бирига у қадар ўхшаш эмас экан. Аёл илжайганди, оғзидан иккита сўйлоқ тиши чараклаб кўринди – соддаликнинг жонли тимсоли. Терговчи шишачани олганди, оғзига оқ кўпик тошиб чиқди. «Сирка эмиш, – деди терговчи, – пиводай кўпиришини каранглар». «Сенингча, бутун дунёда факат пиво кўпира-дими?» – истеҳзоли илжайди сотувчи аёл. Терговчи ўйланиб колди. «Сен ҳақсан, мен эса ноҳақман, – аёлнинг гапини маъкуллади терговчи. – Қисқичбақалар пиво эмас-у, лекин улар ҳам пуфакчалар чикаради». Шундай дея кўпирган суюқликдан тўппонча ўқдонига томизди. Димогига спирт хиди келиб урилди. Худди каттакон яшилтоб қисқичбақадек кўпик қоплаган револьвер чатнарди. Кўлини узатиб, бармоғидан чаён чакқандек оғриқ ҳис қилди. «Курол савдоси конунга хилоф эканини биласанми?» – деди овозини кўтариб. «Мени ростданам курол сотади деб ўйлаяпсанми?» – нафратомуз лабини бурди сотувчи аёл. Унинг кўли кўлтиғига шўнгиди, у сийнабандини сұғурди-да, бир-икки қоқди. Сийнабанд чок-чокидан сўқилиб кетди, терговчининг олдида зангламайдиган пўлатдан Америкада ясалган пружинали ажойиб кишанлар ялтираб кетди. Терговчининг кўз ўнгига сотувчи аёл кўзлари ирғиб чиккан, күшбурун, қошлари бароқ, чакка соқоллариmallаранг полициячига айланди-қолди. У Динг Гоуэрнинг кўлидан тутди-да, ўзининг ва терговчининг кўлига икки бор ширқиллатиб кишан кийдирди. «Энди бизни битта занжир боғлаб турибди, бир-бirimиздан ҳеч қаёққа

қочиб кетолмаймиз. Мени орқанды құтариб юриш учун түккізта ҳүкізнинг ёки иккита ійлібарснинг қуввати бўлмаса, албатта». Мана шу қалтис паллада Динг Гоуэрга Худонинг ўзи ғойибдан куч ато этди, шекилли, хиёл эгилиб, ҳалиги барзанги полициячини осонлик билан елкасига опичлаб олсами! Бу девқомат полициячи бамисоли қофоздан ясалган бўлиб, деярли вазни йўқдай эди. Бу орада кўпик ғойиб бўлган, занг бутунлай кетиб улгурганди ва тўппонча хозир заводдан чиққандай ярақлаб турарди. Ҳеч бир қийналмасдан у эгилдида, ердан револьверни олди, панжа бўғини билан унинг вазнини, кафти билан эса тафтини ҳис этди. «Чинданам қулинг ўргилсин курол-да!» – деди унинг елкасига осилиб турган полициячи. Кучли ҳаракат билан у барзангини тўс қоплаган дөвр томонга улоқтириди. Кўплаб ёш новдалар ва кекса бутоқлар чатишиб, бир гаройиб нақш ҳосил қилганди. Уларга илашиб туриб қолган қизил япроқлар ёрқин бўёқдек нақшни янаем очиб юборганди. Полициячи деворга урилиб, аста сакраганча унинг оёқлари остига шалоп этиб тушди. Аммо резина тасмадек чўзилган киshan ҳамон уларни билакларидан тутиб турарди. «Американики, дедим-ку! – тиржайди полициячи. – Ечиши ни хаёлингга ҳам келтирмай қўя қол!» Ич-ичидан ваҳимага тушиб, Динг Гоуэр револьвер оғзини мана шу чўзилган, деярли тип-тиниқ кишангага қўйди-да, тепкини босди. Қаттиқ силтовордан кўли сакраб тушди ва револьвер сал бўлмаса учеб тушаёзди. У пастга қаради, киshan лоақал тирналмабди ҳам. Яна бир ўқ узди, натижа ҳамон ўшандай. Бўш кўли билан полициячи чўнтағидан сигарета ва чақмоқтошни олди. Сигарета Американики, чақмоқтош Японияники – иккаласининг ҳам сифати аъло. «Жюгуода ўзларинг хон, кўланкаларинг майдон экан!» – деди Динг Гоуэр. «Бизнинг замонда пулдорлар ва очкўзлар қорни ёрилиб ўлса, кўли қалталар очдан ўлади, – деди полициячи хиринглаб. – Атрофда пуллар учеб юради, ҳамма гап уларни тутишда». – «Модомики, шундай экан, демак, сизларнинг Жюгуонгизда болалар гўштидан таом пиширишлари ҳақиқат экан-да?» «Сени қара-ю, бола гўштидан қилинган таомдан татиб кўрмаганмисан ҳали?» – кинояли тиржайди полициячи. «Сен-чи, еб кўрганмисан?» – «Сен чинданам емаганмисан?» – «Мен еган бола ҳақиқий эмасди, турли маҳсулотлардан тайёрланганди». – «Ҳақиқий эмаслигини

каёқдан билиб ўтирибсан? Прокуратурага сенга ўхшаган ов-сарларни келтириш керак экан!» – «Алдаб нима қиласман, оғайни, – икрор бўлди Динг Гоуэр, – мени бир аёл йўлдан урди бу ерда». «Биласман, биламан, уни ўлдирганингни ҳам биламан, бунинг учун ўлим жазоси берилади». «Бу турган гап, – маъқуллади Динг Гоуэр. – Аммо мен аввал вилоят марказига боришим ва ўғлим билан кўришишим керак, ундан кейин эса ўз ихтиёрим билан прокуратурада ҳозир бўламан». – «Сабаб жиддий, – хўрсинди полициячи. – Шўрлик ота-оналар. Бутун дунёда шу гап. Нима бўлса, бўлар, кўйиб юбораман!» Шу сўзларни айтиб, у эгилди, оғзини очди ва кишанни тишлаб узди. Ўқлардан бу кишанга жин ҳам урмаганди, полициячининг оғзида эса бўккан лағмондай узилиб тушди. «Ҳар қандай қийинчиликка қарамай, сени тириклайн тутиш буюрилган, оғайничалиш, лекин сени қўйиб юбораман – канчалик катта жавобгарликни бўйнимга олаётганимни биларсан. Лекин менинг ҳам ўғлим бор, юрагингдан нелар ўтаётгани менга кундай равшан, шунинг учун ҳам қўйиб юбораман». Динг Гоуэр унга чукур таъзим қилди: «Бу яхшилигингни у дунёю бу дунё эсимдан чиқармайман, биродар».

Терговчи шамолдай елиб кетди. Катта дарвозадан ўтиб, хашамдор лимузинлар қўйиб қўйилган бир ҳовлига кўзи тушди, лимузинларда башанг кийинган одамлар ўтиради. Бу ерда қандайдир иш борлигини ҳис этиб, у шошиб бир тор кўчага бурилди. У ерда ўз ўйлари билан банд бир этикдўз қиз ўтиради, юзида ҳеч қандай ифода йўқ. Ранг-баранг пластиқдан ясалган лавҳали ресторонча эшигидан қалин бўянган бир аёл отилиб чиқди-да, унинг йўлини тўсди. «Келсинлар, муҳтарам зот, – ўтинди аёл, – егулик-ичгуликларнинг ҳамма хилидан бор! Тўйгунингизча еб-ичинг, ҳаммаси йигирма фоиз чегирмаси билан». Шундай дея у юзи билан терговчига ёпишиб олди, юрагидан эҳтирос тошиб келмоқда эди. «Егим ҳам, ичгим ҳам келгани йўқ», – кўлини силтади Динг Гоуэр. Аёл унинг қўлидан тутди-да, ичкарига судради: «Егингиз-ичгингиз келмаётган бўлса, кераги йўқ, бирпас ўтириб, оёқларингизга дам берсангиз-чи!» Терговчи газабланиб уни итариб юборди ва аёл йиқилиб, йифламсираганча қичқирди: «Акажон, тез бу ёққа келинг, бир безори мени уряпти!» Динг Гоуэр аёлнинг устидан ҳатлаб ўтиб кетмоқчи эди, бироқ аёл

унинг оёқларидан кучоклаб олди. У бутун гавдаси билан аёлнинг устига ағдарилди, кейин ўрнидан турди-да, жаҳл билан бир тепди. Аёл қорнини ушлаб, ерда думалай кетди. Эшикдан чап қўлида шиша ва ўнг қўлида ошхона пичоги тутган бақувват йигитча отилиб чиқди. Иш чатоқлашганини кўриб, терговчи жуфтакни ростлаб қолди. У ўзини бардам сезмоқда эди, худди осмонда сузуб кетаётган булутдек ёки тошқин дарёдек кучанмасдан, оёқларини енгил ва бир текис ташлаб чопиб бораради, юраги ҳам бир текис урар, нафас олиши ҳам бир текис эди. Бироз югуриб орқага қаради: унинг ортидан қувган йигитча бетон симёғоч олдида тўхтади ва оёқларини кенг ёйиб, кичик ҳожатини чиқара бошлади. Шу аснода ўзида қаттиқ чарчоқ ҳис қилди, юраги қаттиқ-қаттиқ ура бошлади, аъзойи-баданидан совуқ тер қуйилди. Оёқлари пахтадай бўшашиб, унга бўйсунмаётганди.

Иштаҳани қитиқлаган хид уни уч филдиракли аравача олдига бошлаб келди. У ерда бир йигитча товада юпқа пиширас, ёнида турган кампир эса, кўринишидан онаси бўлса керак, харидорлар билан ҳисоб-китоб киларди. Қорни шунақсанги очқагандики, назариди, рўпарасидан фил чиқса, тириклайн еб кўйгудек эди, аммо овқат сотиб олишга ёнида ҳемири ҳам йўқ. Аллақаёқдан учиб келган яшил ҳарбий мотоцикл аравача олдида кескин тормоз бериб тўхтади. Кўркиб кетган терговчи шартта қорасини ўчирмоқчи бўлди, бироқ мотоцикл аравачасида ўтирган сержантнинг: «Бизга иккита юпқангдан пишир, хўжайин!» – деган қичқириғини эшилди-ю, енгил нафас олди.

Аскарларга разм солди: бири бўйдоррок, кўзлари каттакатта, қошлари қуюқ, наригисининг эса гавдаси ҳам келишган, истараси ҳам иссиққина. Улар аравача олдига келишдида, сотувчи билан у ёқ-бу ёқдан гап сота бошлашиди. Сотувчи жазиллаб турган юпқаларга аччик қизил қайла кўшиб берди ва аскарлар ея бошладилар. Юпқалар иссиқ бўлганидан, уларни у қўлларидан-бу қўлларига олиб, пуф-пуфлаб тишлар, лаззатдан ва қўллари куйганидан тинимсиз уф-уф қиласилар. Арзимаган вақт ўтганига қарамай, ҳар бири учтадан юпқани жигилдонга уриб бўлишиди. Бўйи пастроғи шинели чўнтагидан шиша олди-да, бўйдорига қараб: «Оласанми?» – деб таклиф қилди. «Оламан-да, нега олмай», – маъкуллаб жилмайди бўйдори. У шишадан оғзини тўлдириб хўплади, кейин ичига



хавони тортиб, лабларини қаттиқ чўлпиллатди: «Зўр нарса-да, гап йўқ». Шериги ундан шишани олди-да, лаззатланганидан кўзларини қисиб ича бошлади. «Тўппа-тўғри, – тасдиклади у. – Мана шу, менинг билишимча, энг керак нарса!» Бўйдори мотоцикл аравачасига чиқиб ўтириди, иккита каттакатта нўш пиёз олиб арчди ва бўйи пастроғи хизматдошига узатди: «Ма, газак қил, ҳақиқий шандун ароғи экан». – «Менда қалампир бор эди». Шундай дея бўйи пастроғи шинели чўнтағидан бир нечта чўғдай қизил қалампир чикарди: «Ҳақиқий хунан қалампири, кетадими?» Сўнг болаларча қўшиб қўйди: «Қалампир емаган одам – инқилобчи эмас, инқилобчи бўлмаган одам эса – аксилинқилобчи»¹. «Ҳақиқий инқилобчи деб, пиёз еганни айтишади», – унга эътиroz билдириди бўйдори. Кайфлари ошгач, улар бири нўш пиёзларни, иккинчиси ҳовучидаги қалампирларни силтаб, бир-бирига ҳужум қила бошлади. Бўйдори нўш пиёз билан шеригининг бошига туртди, униси эса қалампирни хизматдошининг оғзига тиқди. Юпқафуруш уларни ажратишга шошилди: «Нега уришасизлар ўртоқлар? Менга қолса, ҳар икковингиз ҳам аъло инқилобчисизлар». Аскарлар кайфи тирриқ ва у ердан ғазабланганча турли томонларга қараб кетишиди, уларни ажратиб қўйган юпқафуруш эса қотиб-қотиб кулди, Динг Гоуэр ҳам кулиб юборди. «Сен нега товуқдай қақағлаб куласан? – сотувчи унга ўшқириб берди. – Боядан бери қараб турибман – сен яхши одам эмассан!» «Йўқ, мен ёмон одам эмасман», – шошиб жавоб берди у. «Яхши одамлар сенга ўхшаб кулармиди?» «Бу қанақаси – менга ўхшаб?» – ҳайрон бўлди терговчи. Тез харакатлар билан кампир, худди ҳаводан олгандек, бир кичкина думалоқ кўзгуни олди-да, унга тутди: «Мана, ўзинг қара!» Терговчи кўзгуни олди, унга қаради ва даҳшатдан қотиб кулди: унинг қошлари ўртасида ҳам ўқ тегиб ҳосил бўлган дум-думалоқ тешик бор эди ва ундан қон сизиб турарди. Яна бош чаноғи орасидан бош миянинг иланг-билинг йўлларидан ялтироқ ўқ харакат қилаётгани кўринди. Қичкириб, у бир парча қизиган темир парчасидек кўзгуни улоқтириди. Кўзгу ерда думалаб кетди ва унниқсан қизил деворда қуёш аксини туширганча кирраси билан туриб қолди. Деворга катта-катта

¹ Мао Цзедуннинг кенг тарқалган мулоҳазаси.



иероглифлар билан нимадир ёзилганди. Тикилиб қараб, у ғалати шиор сўзларини ўқий олди: «Барча кучни ичкиликбозлик ва фаҳшни йўқотишга қаратайлик!» Шиорнинг маъноси кундай равшан эди, у деворга яқин келиб, иероглифларга қўлини теккизганди, худди чўғда қиздирилган темирдай, улар ҳам бармоқларини куйдирди. У ўгирилди: аскарлар аллақаёққа ғойиб бўлган, юпқафуруш билан онаси ҳам кораларини ўчиранди. Терговчи ташлаб кетилган мотоцикл олдига келди. Мусалласли шиша ўша-ўша мотоцикл аравачасида ётарди. У шишани олиб, чайқади, унинг тагидан сон-саноқсиз майдада пуфак инжулари кўтарилди. Худди заррин ловиядан сикиб олингандай қанакадир яшилтоб рангда эди. Ҳатто тикин орқали ҳам хушбўй хид димоққа уради. У шошиб, тикинни суғурди, сирпанчик ва муздек шиша оғзига ўзининг яллиғланган оғзини кўйиб, бемисл ҳузурни ҳис этди. Суртма мойга ўхшаб, яшил суюқлик гул тутган ўқувчилар каби уни кутиб олаётган ички аъзолар сари томогидан бемалол сирғалиб ўтди. У анча ўзиға келиб олди – узоқ курғоқчиликдан кейин саховатбахш ёмғирни олқишлиб, ўсимликлар ана шундай қад ростлайди – ва шиша қандай бўшаганини ҳам сезмай қолди. Уни қўлида бир-икки айлантириди ва унда ҳеч нарса қолмаганидан афсусланиб, шишани бир четга итқитди, мотоциклга ўтириб, рулдан тутди. Стартларни айлантириб, мотоциклнинг титрашини сезди, у бамисоли қаттиқ пишқириб, туёғи билан ер тепиниб ва ёлларини силкитган бедов отдек олдинга ташланишга шай эди. Педаль босилди – мотоцикли бир сакраб, йўлга чиқиб олди ва тариллаганча тезлигини ошира борди. Оёклари орасидаги механизм қандайдир олий зехнга эга-ю, уни бошқаришнинг ҳечам кераги йўқдек туйиларди – эгардан учиб кетмаслик учун рулдан ушлаб, маҳкам ўтирсанг бўлди. Моторнинг тариллаши отнинг кишинашигача бориб етди, оёклари тулпор танасининг илиғини шундок сезиб турарди, димогига эса от терисининг кайф берувчи хушбўй хиди келиб урилди. Бирин-кетин ялтироқ автоуловлар ортда қола бошлади, кўрқувдан паҳтаси чиқкан кўзлар ила қараб турган рўпарадагилар эса йўл четига қочиб чиқарди. У ўзини ҳар икки томонидан музлар отилаётган музёар кемадек, тўлкинни ёриб бораётган катердек ҳис қилмоқда эди. Бу сезги уни маст қиларди. Бир неча марта у ҳозир тўқнашиб



кетгудек бўлди, ҳатто ваҳимали қичқириқ қулогига чалинди. Бироқ энг сўнгги онда мусибатдан қутулиб қоларди: тўқнашувгача жуда-жуда оз қолганида бу ялтироқ рўдаполар унга ва унинг бедовига йўл берганча ажраб кетарди. Олдинда дарё кўринди, ундан ўтадиган кўпrik йўқ эди, чуқур дарада эса баланд-баланд қалпоклар ҳосил килиб, музлик дарёси қутуради. У рулни ўзи томон тортди, мотоциклъ ҳавога кўтарилиди, қофоздай енгил бўлиб қолган тана кучли эсаётган шамолдай айланиб кетди, ийрик-ийрик чақнок юлдузлар эса боши узра шу қадар яқин келиб қолгандики, кўл узатсанг, етгудай. «Наҳотки, осмонга учеб чиқсан бўлсам? Учиб чиқсан бўлсам, унда энди фаришта эканман-да?» – ўзича мулоҳаза килди у. Илгари кўлидан келмайдиган ҳамма нарса бу қадар осон бўлиб қолса-я! Шу заҳоти мотоциклнинг чириллаб айланётган бир фиддираги отилиб кетди, кейин яна биттаси ва яна биттаси отилди. Даҳшатга тушганидан у қичқириб юборди ва унинг қичқириги дарахт шохлари орасида эсаётган шабада сингари дарахтлар устидан бир тушиб, бир кўтарилиб сузиб кетди. Пировард-оқибатда у ерга кулаб тушди, фиддиракларидан ажралган мотоциклъ шохлар орасида беўхшов осилиб қолганди, аллақаёқдан пайдо бўлган бир гала олмахон унинг темирларини тишларди. У олмахонларнинг тиши темирни чирик пўстлоқдек кемира оладиган даражада ўткир ва каттиқ бўлишини тасаввур ҳам қилмаганди. У увшган оёқларини уқалай бошлади. Оёқлари олдингидай ўзиники бўлгач, на лат еганини, на бирон жойи тирналганини кўрди. Кейин саросима ичида олазарак бўла бошлади. Кўкка бўй чўзган дарахт таналарини ток занглари чулғаган, унинг бўғинларида эса кийғос очилган қизилгуллар бамисоли тарам-тарам букланган қофозга ўхшарди. Зангларда қирмизи ва яшил данакли узумга ўхшаш гуж-гуж мевалар осилиб турарди, улар гўё ажойиб яшмадан йўнилгандек янги ва ширадор эди. Нимранг пўстлоқларидан уларнинг ширага тўқлиги кўзга ташланарди – мусалласпазлик учун тайёр хомашё. Ҳайдовчи кизмиди ёки бошка биронта номсиз хонимчамиди-ей, гўё ҳозир тоғда бир оппоқ сочли профессор маймунлар билан биргаликда дунёдаги энг аъло мусаллас тайёрлаётганини айтганди. Бу мусалласнинг, бу сохибжамолнинг бадани Голливуд юлдузлари баданидан ҳам силлиқрок, нигоҳлари фаришталар

нигохидан ҳам мафтункорроқ, фусункор лаблари ҳам марғуб-роқ эмиш... Мусаллас эмас, балки илоҳ ато этган тош, буюк мусаввир мүйқаламидан чиққан дурдона асар. Айқаш-үйқаш шохлар орасидан боғлам-боғлам чароғон нур тушиб туради, уларда оқиши турун эшилади ва мана шу турун ичида унга маймун күринади. Улар сакрар, тишларини иржайтирада ва афтларини буриштирада, наслдошларининг битини қарапади. Оппоқ бароқ қошли бақувват эркаги – сардори бўлса керак – битта япрокни юлиб олди, найча килиб ўради ва пуллаб чалди. Хуштак товушини эшитиб, шу заҳоти қолган барчаси югуриб келди – шунчалик ҳам одамга ўхшаган бўладими, ё алхазар! – уч қатор бўлиб сафга тизилди: бири «эркин туриш» буйруғига, бири «ғоз туриш» ёки у ёқ-бу ёкка аланглаганча «тengлаш» буйруғига итоат этгандек эди. «Ана, томоша! – ўзича кулиб қўйди терговчи. – Оёқлари тарвакайлаган, бели буқчайган, бошлари олдинга туртиб чиққан – низомга мутлақо тўгри келмайди. Уларга қандай талаб қўйиш мумкин? Одамларни ҳам фахрий коровуллик ротасига ярим йиллик қаттиқ машқлардан кейин танлаб олишга рухсат берилади, машқларда иккала оёқни битта қилиб тушовлаб қўядилар, орқаларига тахта боғлайдилар ва ухлаганда бошга ёстиқ қўйдирмайдилар. Бу ерда эса – маймунлар!» Маймунлар думларига ҳассадай таяниб юрадилар. «Шохлари синиб кетмаслиги учун сермева дараҳтларинг шохларига тиргович қўядилар. Маймунларда ҳам худди шунаقا экан. Одамларга ҳам қариганда тутқичли ҳасса керак бўлади. Кўхна Пекин кўчалари – хутунлардан бири «Цянчуайгун» – Олд Ҳасса кўчаси деб аталган. Модомики, Олд Ҳасса бор экан, демак, Орқа Ҳасса кўчаси ҳам бўлиши керак. Барча қадимги хутунларга ҳам олд, ҳам орқа ҳассалар керак бўлади. Маймунларга ҳам керак, фақат улар ҳассаларига орқалари билан таянадилар, шу боис дараҳтга чиқаётганинида уларнинг оч қизил орқаси бор бўйича очилиб кетади». Кекса нар маймун бир нима деб буйруқ берди, маймунлар ҳар томонга тумтарақай қочиб кетди ва чирмовукларига тирмасиб чиққач, чайқалиб, ҳалиги қирмизи, яшилтоб, йирик-йирик узум бошларини уза бошладилар. Узумларнинг донаси ҳақиқатан ҳам жуда йирик эди, ҳар бири пинг-понг соккасидек келарди. Оғизга тишини қамаштирадиган нордон сўлак тўлиб келади; терговчи лабларини артди ва бир бош



узумни узгани кўлини узатди, аммо мевалар ҳаддан ташқари баланда осилиб туради: кўрмоқ бору емак йўқ, деганлари шу бўлса керак. Бошларига меваларни қўйиб олган маймунлар қудукка ўхшаш ўра олдига югуриб келишди, меваларни шалоплатиб ўрага ташлашди ва у ердан сулув жонондек жозибадор мусаллас ҳовури ёпишкок тумандай паға-паға бўлиб кўтарилимоқда эди. Бўйини чўзиб, терговчи ўша «ўра»га қаради: у ерда бамисоли бринж қўзгудек ойнинг тилларанг баркаши акс этарди. Маймунлар бир-бирига ёпишганча осилиб туради – худди эртаклардагидек. Гўзалликда тенги йўқ рангтасвир асари! Ичак узадиган даражада кулгили нозкарашмаларга тўлаки, тасанно айтмай иложингиз йўқ. «Эх, фотоаппарат бўлганидами, бу ажойиб манзарани чирқ этиб сувратга олардим! – хаёлидан ўтди. – Бутун журналистика олами донг қотиб қоларди! Бир миллион долларлик, агар юанда бўлса, саккиз миллион юанлик халқаро мукофотни олган бўлардим. Умримнинг қолганини яхши еб, яхши ичиб, дориламон яшаган, университетга кириши ва уйланиши учун ўғлимга ҳам қолдирган бўлардим. Ўғлимнинг барча тиши чиқиб бўлган ва қоқвош қизалоқдек, олдинги катта озиқ тишлари ўртасида кемтиги бор». Шу топ маймунлар олдинмакейин «ўра» ичига отилиб-отилиб туша бошлади. Ой акси парчаланиб кетди, тилла пистончалардек ялт-юлт қилиб ҳар томонга сочилди, маймунлар эса куюқлашган қанд қиёмининг томчиларига айланиб, шувиллаганча «ўра»нинг тўс қоплаган деворларига иниб келди. Деворда икки тасма бўлиб, тилларанг-қизил линчжи¹ ўсиб ётарди. Қизилбош турна учиб келди, шу ўтнинг поясидан тумшуғига илдириб олди, узун оёкларини чўзди, қанотларини қоқди ва ойдин ёруғида кўкка парвоз қилди. Ўтни тўғри ой маъбудаси Чан Эга совға қилгани олиб борди. Ой юзасини юмшоқ тилларанг кум қоплайди. Унда иккита йўл изи бор. Улар Америка астронавтларидан колган ва бу излар ҳатто ярим миллион йилдан кейин ҳам йўқолмайди. Бу астронавтлар арвоҳларга ўхшардилар. Ойда куёш шунақангি чараклайдики, кўзни очиб бўлмайди. Ана, у ойдинда турибди: бошида кумушранг соchlарнинг бутун бир боғлами, на мўйлов, на соқолдан нишона бор, жулдор кийим-

¹ Линчжи – замбуруғнинг бир тури.



да, юзи чандикларга тўла. Бир кўлида эман қовғаси, иккинчи сида – ёғоч чўмич. У қовғадан чўмични баланд кўтариб мусаллас олади ва мусалласни охиста ерга тўқади, у ерда мусаллас нимранг оч сарик ариқ бўлиб ҳар ёққа оқиб кетади ва худди ҳозиргина қазиб олинган каучук муми каби резинасимон моддадай тезда қотади. Азбаройи иштаҳани келтирадиган, шундоқ оғизга солгинг келади. «Сен Жюгуодаги Мусалласпазлик академиясининг ўша мияси айниган профессори эмасмисан?» – тилда савол айланади.

«Мен – ойнинг фусункор нурида турувчи Хитой кироли Лирман, – тилга кирди чол. – Кирол Лир даҳшатли бўрон орасида ер ва осмонни қаргаган, мен эса ойдинда туриб одамларга салавотлар ўқийман. Қадимги афсоналар ҳам бориб-бориб ҳақиқатга айланиши мумкин, мусаллас эса... Мусаллас – инсониятнинг буюк қашфиётидир. Мусаллас бўлмаганда, Библия бўлмасди, Миср эхромлари бўлмас эди, Буюк Хитой девори, мусика, қальвалар, бу қалъаларни олиш учун камал нарвонлари ва манжаниклар, ядронинг парчаланиши бўлмасди, Уссури дарёсидаги кета баликлари, баликлар ва кушларнинг кўчиши бўлмасди. Она қорнидан ҳомила мусаллас ҳидини туркан, аъло навли мусаллас мешларини тимсоҳ терисидан ясарканлар. Уста мусалласпазлар учун ус ҳарбий санъати ҳақидаги романлар чинакам қашфиётлар хисобланган. Цой Юан¹ қайғусининг сабаби нимада эди? Унда мусаллас йўқ, шундан дили хуфтон эди. Юннанда гиёхвандлик савдоси авж олган ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилганлар, бунга сабаб эса – яхши мусалласнинг йўклиги. Цао Цао ғаллани тежаш максадида мусаллас ишлаб чиқаришни тақиқловчи фармон эълон қилган – доно одамларнинг аҳмоқлик қилишларига ажойиб мисол. Мусалласни тақиқлаб бўларканми? Мусаллас ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни тақиқлаш – бажариб бўлмайдиган вазифа, бу одамларга қовушиш ва насл қолдиришни тақиқлаш билан баравар. Бунга барҳам бериш Ернинг тортишиш кучини йўқ қилишдан ҳам қийинроқ иш; Ньютон бошига тушган олма тепага кўтарилгандағина мусалласни тақиқлаш мумкин. Ойдаги кратерлар – ахир, булар бемисл гўзал қадаҳлар эмас-

¹ Қадимги Хитой шоири, «Мунзавийнинг дарду ноласи» достони муаллифи.

ми? Рим Колизейини эса улкан мусаллас омборхонасига айлантириш мүмкін зди. «Суанмәйжю», «Чуецин», «Чуанюанхун», «Тоупинсян», «Жинянчун», «Кансижуй», «Синхуасин», «Лянхуабай» – булар бари, умуман, ёмон мусалласлар эмас, аммо менинг Маймун мусалласимга нисбатан булар ер билан осмонча фарқ қиласы. Қайдидир каллаварам бир куни нима деганмиш – «мусалласга пешоб құшса бўлади» эмиш – унинг тасавур кучига оғаринлар бўлсин. Японияда уринотерапия кенг таркалган: ҳар куни наҳорда бир пиёладан пешобингни ичиб турсанг, кўплаб касалликлардан фориғ бўласан. Ли Шижэн ҳам асосли равишда таъкидлагандики, бола пешоби ички яллиғланишларда ёрдам беради. Чинакам шайдойилар эса мусалласдан олдин бирон нима тамадди қилганини ким кўрган? Жин Ганжуан сингари одамларнинг мусалласдан олдин бола гўшти ейишига келсак, бу шундан далолат берадики, ундейлар мусалласни қандай ичиш кераклигини билмайдилар...»

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

1

Устоз Мо Ян, ассалому алайкум!

Агар янгишишмаётган бўлсан, Сизга ҳаммаси бўлиб саккизта асар юбордим, аммо «Фуқаро адабиёти»нинг жсаноб муҳаррирларидан ҳамон сас-садо йўқ. Ёш адигга нисбатан бундай совукёнлик кўрсатиш ярашимайди, деб биламан. Модомики, бу дўйонни очдингми, муаллифларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиши керак. Аммо замонлар ўзгаряпти, яъни осмон буриляпти, ер айланяпти, сен кўтариласан, мен эса тушаман, дегандек гаплар. Гуллар юз кун очилиб турмаганидай, одамларга минг кун дориломон яшаши насиб этмаган, агар тогнинг тог билан кўришиши қийин бўлса, одамнинг одам билан учрашиши осон. Ким билади, балки бир кун келиб, мана шу икки ярамас, Чжоу Бао ва Ли Сяобао қармогимга илинар! Бундан кейин, устоз, «Фуқаро адабиёти»га, бунақа боқибегамлар бошқарадиган ушибу нашириётга бошқа қўлёзма юбормайман. Бизлар бой одамлар эмасмиз, лекин ўзимизга етганча ғуруримиз йўқ эмас. Дунё кенг, нашириёт деганлари Худо уриб ётибди. Ё гапим нотўғрими, устоз?

Биринчи Маймун мусалласи йиллик фестивалини ўтказишига тайёргарлик асосан тугалланди. Мен бу ерда бизда туриб қолган шифобахи дамламани қандай сотиб юборишини ҳам ўйлаб қўйғанман. Намуналарни мусаллас-ароқ маҳсулотлари бўйича шаҳар тажриба гурӯҳига олиб бориб бердим, бир нечта чаинагир олдин тишларини тозалаб ва оғизларини чайиб, уларни текширди ва якдиллик билан шундай якунга келдики, бу мусалласнинг ҳиди гоятда ноёб, қотмадан келган, қошларини гамгин чимиргган соҳибжамонни эслатиб туради. Мусаллас-ароқ маҳсулотларининг номларини тасдиқлаши бўйича шаҳар уюшмаси ушбу мусалласни «Бемор Си Ши» деб атасига қарор қилди. Мен бу номни ўринли деб томмадим, чунки «бемор» сўзи баҳтсиз сўз ва истеъмолчи-ларда салбий фикрлар пайдо қилиши муқаррардир, бу эса сав-дога таъсир қилмай қолмайди. Шунинг учун «Бемор Си Ши» номини «Гўзал Си қошини чимиради» ёки «Дай Юй гулларни дағи этади» номи билан алмашибтиришини таклиф қилдим. У номда ҳам, бу номда ҳам маъно – бемор соҳибжамол – сақлаб қолинади, бироқ анча мулойим жаранглайди ва кўп дараҷа-да ҳамдардлик ҳисси келтириб чиқаради. Уюшма аъзолари шунақанги ҳасадгўй ва қайсар ҳалқ эканки, ўламан саттор, ён берини истамаймиз, деб туриб олди. Сабр-косам тўлиб кетди ва шишини қўлтигимга тиқиб, мэр котибаси ҳузурига йўл олдим, менинг тортигимдан шунчалик суюниб кетдики, бир сўзлигимга шунчалик қойил қолдики, мени тўғри хона-сига олиб кирди. Ҳикоямни тинглаб, мэр муштумчаси билан столга урди, чиройли кўзларини чақчайтириб ва ҳайратдан терилган қошларини кўтариб, сакраб турди. Кейин столга яна бир мушт туширид, ўзини ўриндиқча ташлади ва телефонга ёпишиди. Бир дақиқача у кимнингдир пўстагини қоқди, кейин эса гўшакни олган Уюшма раиси сўроққа туттилди. Бўнисининг нақ жонини сугуриб олди, қаттиқ танқид қилди, лекин танқид ҳаққоний эди. Котиба ўзининг ҳақлигини тўла англаган, суҳбатдошига Тайшан тогидек босим ўтказиб гапиравди; у бамисоли чумоли инига қайнок сув қуяр, асалари уясига тутун буруқситар ёки қисқичбақалар гуж жойга чўп тиқарди. Мен пўстаги қоқилган раисни кўролмасам-да, уни ўзимча аниқ тасаввур қила олардим, у чордана қуриб полда ўтирибди ва унинг бошидан ҳар томчиси ловия донасидек ке-



ладиган тер қүйиляпти. Мэр мени мақтovларга күмиб юборди, нафақат Маймун мусалласи биринчи йиллик фестиваль олдидағи, балки бутун Жюгую олдидағи хизматларимни таъкидлади. Шундан кейин ҳаммасини астайдыл бир бошдан суриштира кетди: уйдаги ишларим қалай, иш жойымда қандай, шидан ташқари нималар билан шүгүлланаман, дўстларим билан муносабатларим... Юрагимга бамисоли баҳорий илиқтік қүйилгандай бўлди ва ҳеч нарсани яширмай, ҳаммасини очиб ташладим. Мэр Сизнинг шишингиз қандай кетаётганига ҳам қузиқди ва Маймун мусалласи фестивалида иштирок этишига Сизни шахсан таклиф этди. Гап хизмат сафари тўловлари ва овқату жой туллари тўлашга келганда, котиба фақат пишқириб қўя қолди: «Жюгуода ишлаб чиқарилган биргина яроқсиз мусаллас ўн беш-йигирмата Мо Янни қабул қилишига етади».

Устоз, бу янги мусаллас номини танлаш ҳуқуқини Сизга илиншига мен қатъий қарор қилдим. Бу энди «Соҳибжамол Си қошларини чимиради»ми ё «Дай Юй гулларни дафн этади»ми, қайси бири бўлиши Сизга боғлиқ. Борди-ю, Сиз бундан ҳам ажойиброгини тавсия қиласангиз, нур устига нур. Мэр ундағи ҳар бир иероглиф учун минг юандан тўлашга рози. Бундан ташқари, бу мусаллас учун реклама ёзишини Сиздан илтимос қилишига ботиндик. Қанча туришидан қатъий назар, бутун мамлакат, бутун дунё «Соҳибжамол Си қошларини чимиради» ёки «Дай Юй гулларни дафн этади» мусалласи ҳақида билиши учун марказий телевизион каналдаги прайм-таймда уни чиқаришга тайёр. Шу боис бу реклама матни жуда катта аҳамиятга эга. У қизиқарли ва ҳазиломуз, шунингдек, томошибинлар қизалоқ Лин Дайюй ёки эгачи Си Шини кўра олгулик ҳаяжонга солувчи рамзлар билан ёзилмоги керак: чимирилган қошлар, сийнага босилган кўллар, омоч елкада, олчадек инжса лаблар шамолда чайқалаётган мажнунтолдек ниманидир пичирлаёттир. Айниқса, ишқ азобига гирифтор бўлганлар орасидан баҳтисизлари, шунингдек, мумтоз адабиёт анъаналаридан тарбияланган, қаттиқ ҳаяжонланган ёшларнинг муайян типи орасидан уни сотиб олишига қурби етмаганлари охирги иштонини гаровга қўйиб бўлса ҳам сотиб олсинлар. Ичадилар – лаззатланадилар, у улар учун ишқ дардига даво ёки ўз мақсадига эришимоқ учун «шакар қобиқли снаряд» бўлади.

Сизнинг мутлақо таъсирчан, юракни пораловчи reklаман-гизнинг йўналтирувчи кучи остида мусалласнинг таъми ачинарли, эҳтимолки, дилни мафтун этувчи муҳаббатнинг мутаттар бўйи бўлиши, майда буржуазия қатламидан чиқкан жуда кўп ёш хитойликларнинг қалбларидағи дардининг олдини олиши мумкин, улар тақлид қилиши учун романтик адабий қаҳрамонлар орасидан намуналар қидириб топишни яхши кўрадилар, уларнинг қалбларини поралаётган түйгулар ўз жонларига қасд қилишгача олиб бормаслиги учун мусаллас уларга гўзал орзулар, умид, куч багишилаши мумкин. Шундагина бу мусаллас муҳаббат мусалласи бўла олади ва у дунёни ларзага солади. Ундаги камчиликлар эса ёрқин ифодаланган ўзига хосликка айланади, бу омма эътиборини ўзига жсалб этади. Аслида, устоз, таъмдаги афзалик бор-йўғи ўрганиб қолганлик оқибатидир. Атрофдаги барча одамлар нимани яхши деб атаса, бунинг нимаси яхши, деб оғиз очишга ҳеч ким журъят этолмайди. Омма афзал кўрган нарсаларда энг олий қудрат ва ҳокимият яширинган бўлади, бу шаҳар қўмитаси ташкилий бўлими мудирининг оддий партия ходими устидан ҳокимиятига ўхшаши бир нарса. Мабодо, у сен яхшисан деса, сен хоҳ яхши бўл, хоҳ ёмон, сен барибир яхши бўласан, бунинг акси ҳам худди шундай. Бундан ташқари, егулик ва ичгуликка ҳаддан ташқари ружу қўйилганда, улар ҳирсга айланади, эски-сидан янгисини афзал кўришади, қандайдир таваккалга боришини исташади, ўткир сезгиларни қидирайдилар. Ана шундай мазахўракларнинг кўпчилиги анъаналарни ўзгартирадилар, анъанавий усулларда пиширилган нарсаларга менсимай қарайдилар. Оппоқ, хушбўй сояли пишилоқ – доуфу жонга теккач, могор босган, ҳидли доуфуни истеъмол қила бошлиядилар; ажойиб юмишоқ чўчқа гўштидан зада бўлишгач, айнигана, қуртлаган чўчқа гўштини тановул қиласидилар. Худди шу маънода ҳақиқий, мўъжизавий мусалласлар ва тансиқ таомлар энди томоқдан ўтмай қолганда, маза-таъми галати, аччик, ўткир, шўр, нордон ниманидир қидириб қоладилар, нима бўлганда ҳам оғиздаги шиллиқ қопламани ва тилдаги таъм рецепторларини жунбиишга келтирса, бас. Шу боис, токи керакли томонга бошлиб кетаётган эканмиз, биз сотолмайдиган мусаллас бўлмайди. Модомики, роман ёзаётган экансиз, бир неча сатр қоралаб қўярсиз деган умиддаман. Мэrimiz ўз



нүктәи назарини бу қадар күйиб-пиишиб ҳикоя қилаётган экан, Сиз ҳеч шубхасиз катта қалам ҳақи оласиз ва эҳтимол, унча катта бўлмаган рекламага кетган тул романингиз устидаги ярим йиллик меҳнатингиз эвазига бериладиган қалам ҳақидан анча-мунча ортиқ бўлади.

Бундан ташқари, сўнгги вақтларда мен мэр билан суҳ-батлар натижасида тугилган оламиумул гоя устидаги кўп ишиладим: у «Мусаллас тузуклари» лойиҳасини ташкил этиши бўйича ижодий гурӯҳ тузишими ва бошчилик қилишимни хоҳляяпти. Кўриниб турибдики, «Мусаллас тузуклари» мусалласга дахлдор ҳамма нарса учун асосий қонун бўлиб қолади. Агар бунда мувваффақиятга эришадиган бўлсан, муболагасиз айтиши мумкинки, мусаллас учун янги давр очилади, у минг йиллар давомида поргаб туражсак ва кўплаб авлодлар фойдасига хизмат қиласжасак. Бу тарихий миқёсдаги фаолиятдир ва мен Сизни гурӯҳ ишида шитирок этишига чин қалбим билан таклиф этаман. Агар ёзишининг иложини тополмасангиз, жисла қурса, бизнинг боши маслаҳатчимиз бўларсиз. Магарки, бу ишишимиз жўнашиб кетса, умид қиласманки, Сиз йўқ демагайсиз.

Хатим бу қадар пойинтар-сойинтар ва бемаъни чиққани учун кечирим сўрайман, аммо бу пойма-пойлик асосан, табиийки, мусаллас туфайлидир. Мактубга «янги реаллик» руҳидаги, кеча кечкурун кайф остида, хаёлим жойида бўлмаган пайтда яратилган асаримни илова қиласман ва Сизнинг танқидий баҳонгизни кутиб қоламан. У чоп этишига муносибми ёки йўқми – буни ҳал этиши Сизга ҳавола. Мен уни баҳтли рақам чиқшиши учун ёздим. Ҳар доим «тўққиз» рақамига эътиқод қилиб келганман ва ушибу «Мусаллас шаҳри» номи остидаги ҳикоям тўққизинчисидир, «тўққиз» эса «мусаллас» – «жю» деб талаффуз қилинади. Унинг янги юлдуздай порлашини, менинг зулмат қоплаган ўтмишиимни, шунингдек, олдинда ётган, қадам изи тушмаган йўлни мунаvvар қилишини истайман.

Сизнинг келишингизни интизорлик билан кутаман, муҳтарам устоз. Бу ердаги тоғлар Сизга мунтазир, бу ердаги сувлар мунтазир, қирчиллама йигитлару дуркун қизлар мунтазир. Ёш аёлларимиз гулга ўхшашиди, уларнинг лабларидан самовий мусиқага монанд мусаллас бўйи уфуриб туради...

Эҳтиром ила тинчлик ва хотиржамлик тилааб қоламан!

Шогирдингиз Ли Идоу



«Мусаллас шахри»

Бизнинг мусаллас шахримиз Жюченгга ер куррасининг ҳар қандай нуктасидан тайёрада ҳам, кемада ҳам, туяда ҳам, эшакда ҳам, ҳатточи ургочи чўчқада ҳам етиб келиш мумкин. Барча йўллар Римга олиб борганидай, барча ахлат зовурлари Жюченгга қараб оқади. Дунёда гўзал жойлардан кўпи йўқ, лекин кўркамликда Жюченгдан ўтадигани мингтадан битта. Башарти, дудмал ифодаларни суистеъмол қилмай, тўғрисини айтадиган бўлсак, бундай шаҳар умуман йўқ! Бизнинг Жюченг одамларининг феъли тўп нилидек тўппа-тўғри. Фақат тўп нилида яна кирким бор, одамларимизнинг ҳатто қорнида ҳам йўқ бу нарса: оғзига таёни солсанг, нариги учи орқа тешигидан чиқиб турибди-да, лоакал афтлари бужмайиб кўйсачи. Бизнинг Жюченг одамларининг феъли шунақа. Яна ҳам тушунарли бўлиши учун шуни айтаманки, Жюченг Жюгунинг маъмурий маркази. Мабодо, ниманидир фаромуш қилган бўлсам, мени тўғри тушунишларингизни илтимос қиласман.

Жюченгдан юз ли нариданоқ ҳар томонга тараалаётган мусаллас ҳидини туясан, эллик ли наридан эса димоғи чатоқлар ҳам уни фарқлайдилар. Булар менинг хаёлотим меваси эмас, балки айни ҳақиқатдир: Жюченг устидан учиб ўтадиган «боинг»лар ҳар доим ҳе йўқ, бе йўқ бевосита ва жонли, кўрган кўзни ва эшигтан қулоқни кувонтириб, ширакайф ҳолатда доира ясадилар ва ўмбалоқ ошадилар. Шундай таассурот пайдо бўладики, гўё уларнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ, таъбир жоиз бўлса, булултарни шудгор қилиб, ёмғир экадилар, ўзларини мутлақо бошқача тутадилар, яъни луани¹ титратадилар ва қақнусни уриб туширадилар. Лекин барибири ҳам хавфсизлик таъминланган бўларди, ўртоқлар, хонимлар ва жаноблар, дўстлар, ташвишланишга хожат йўқ, тайёрада сиз ҳам худди мусалласга тўйиб олган кучукваччадай савимий ва қувноқ бўлиб қоласиз. Ушбу таърифдан ташқари, хушбўйлик, ердаги ва арши аълодаги энг ажойиб муаттар бўй бамисоли ҳаммани Жюченгга учиб келишга ва унинг таъсирини ўзида синаб кўришга чорлаб туради.

¹ Луань – афсонавий күш, фалак соҳиблари элчиси.



Жюченгнинг қок марказида мэрия ва партия шаҳар қўмитаси жойлашган. Шаҳар қўмитаси ҳовлисида катта оқ мусаллас тоғораси турибди, мэрия ҳовлисида эса – катта қориндор сопол мусаллас хуми, фақат унинг ранги қора. Тағин бунинг ортида қандайдир киноя бор, деб ўйламанг, хечам унақа эмас. Ошкоралик ва ислохотлар эълон қилинган вақтлардан бўён ҳалқ оммаси ҳаётини жадал яхшилаш мақсадида барча жойлардаги асил ҳолатни МҚ¹ қарорлари руҳига мувофиқ келтириш ғояларини илгари сурдилар, йўлларини ўйладилар, бош қотирдилар. Қанаканги йўллар ва шакллар юзага келмади, дейсиз: «тоғ ёнида яшасанг, ризқингни тоғдан топ», «сув бўлса, сув сот», «гўзал жойлар бўлса, туризмни ривожлантири», «тамаки ўssa, сигарета ишлаб чиқар»... Охири, ўн йилдан сал кўпроқ давом этган шиддатли кўтарилишдан кейин Гунченг – арвоҳлар шаҳри, Янду – тамаки шаҳри, Баочжуши – пакилдоқлар шаҳри ва ҳ.к. вужудга келди. Жюгумизнинг ўзига хослиги шундаки, бизда мусаллас кўп ва у жудаям сифатли, шу боис партия қўмитаси ҳам, мэрия ҳам унга маҳкам ёпишиб олишган: Мусалласпазлик академиясига асос солинди, мусалласпазлик музейи қурилишига тайёргарлик кетмоқда, ўн икки эски мусаллас заводларида ишлаб чиқариш кенгайтирилди, жуда ҳам йирик учта янгиси курилди, уларда энг яхши жаҳон технологиялари татбиқ этилди. Мусалласга зўр бериш маҳсус хизматлар бутун бир соҳаси ривожланишига олиб келди, ресторон хизматлари ва нодир ҳайвону паррандалар бокиши ҳам шунга киради. Энди мусалласнинг хушбўй хиди бутун Жюгую бўйлаб таралмоқда. Ҳар бир эшик ортида ажойиб мусалласни топиш мумкин, минглаб ресторанларни айтмайсизми, уларнинг ёрқин чироқлари кечаю кундуз ёниб туради, мусаллас ва пуллар дарёдай оқади. Машхур мусаллас ва тансиқ таомлар Жюгуга кўплаб хорижлик, ватандош хўрандаларни ўзига тортмоқда. Жюгуга дикқатга сазовор жойларни кўришга, мусалласдан тўйиб ичиб, яхши таомлар баҳам кўришга келганлар ичидан энг кўп эътибор, албатта, мусалласнинг улгуржи савдогарларига қаратилиди, уларнинг шарофати билан Жюченгнинг ажойиб мусалласи жаҳоннинг энг олис бурчакларида обрў-эътибор қозонмоқда. Биздан

¹ Марказий Қўмита.



уларга ажойиб мусаллас – «мэй жю» оқиб боради, улардан бизга эса долларлар – «мэй юан» оқиб келади.

Сўнгти йиллар ичida ҳар йили давлатга тўланадиган соликлар аллақачон юз миллионлаб юангга етди, бу эса озмунча хисса эмас. Айни вақтда Жюгуртага ахолисининг ҳаёт даражаси анча кўтарилиди. Ахоли аллавактдан бери нисбатан бекаму кўст яшамоқда, энди эса «ўртача тўқлик»ка харакат кетмоқда ва «катта тўқлик»ни орзу қилмоқда. «Катта тўқлик», деганда нима тушунилади, деб сўрашингиз ўз-ўзидан маълум, жавоб тайёр: коммунизм, ана гап қаерда. Энди, шу жойгача мутолаа қилиб келиб, азиз ўқувчилар, шаҳар партия қўмитаси ва мэрия ҳовлисидаги мусаллас тоғорасию мусаллас хуми замирида қанақа маъно ётганини тушунгандирсиз?

Хў-ўш, азиз ўқувчилар, шу ерда ўзимнинг бетайин валдирашларимни тугатаман-да, хикоямнинг мавзуси, Жюченгга ўтаман. Токи сиз, хонимлар ва жаноблар, Жюгурдан келтирилган ажойиб мусалласнинг рангидан завқ олиб, унинг хушбўй хидидан хидлаб, тилингизнинг учи билан мазасидан татиб кўргунингизча қулоқ тутиб турасиз, мен эса чарчоқ нималигини билмай у ҳақда ҳикоя сўзлайман, яна мусаллас ҳақида сулув қизлар ижро этадиган кўшиқлар тинглайсиз. Мириқиб лаззатланинг, уялманг: қадрдан дўстлар учрашиб қолса, минг чирпит мусаллас ҳам камлик қилиб қолади; фикрлар айри чиқиб қолган жойда эса сухбатни келган жойидан давом эттиришгина қолади, холос. Рўпарангиздаги токчаларда – Жюгуронинг энг аъло мусалласлари, столларда эса анвою ансим тансиқ таомлар. Қанча хоҳлассангиз ва нима хоҳлассангиз, ейверинг ҳам, ичаверинг ҳам, марҳамат! Ичкиликлар бепул, овқатлар ҳам. Ҳозирги тадбир – Жюченгдан келтирилган янги маҳсулот тақдимотини ўтказиш бўйича қўмита бошлиғи сифатида мен азалданоқ киши бошига овқат учун беш цзядон¹ олишни ният қилиб кўйгандим. Бироқ мэр айтдиларки, бу биз томондан сурбетлик қилинган бўлур эди, буни фоҳиша номига ёдгорлик иншооти тиклаган билан тенг бўлиб қолади, дедилар. Бу беш цзяога эшак хўжалигининг ярмини ҳам сотиб ололмайсан, шугина нарсани ундириб олиш раво бўлармикан? Бунинг устига, ҳозир дастурхон устида ўтирган барча одам-

¹ Цзяо – юаннинг ўндан бир қисми.



лар бу ерга келиш учун узок йўлда пайлари чўзилган бизнинг азиз меҳмонларимиз ва агар биз сизлардан еган овқатингизга пул оладиган бўлсақ, бундан хабар топган Арши аълодагилар ўттиз икки тишиларини баравар кўрсатиб кулмайдиларми? Тишилари тўкилиб, тиш дўхтирларининг чўнтаклари қаппайгани қолади, холос. Кези келганда айтиб қўяй, Жюченг стоматологик клиникасида зарбдор илмий-техник гурухи тадқиқотларининг натижалари бўйича яқинда протезлаш учун ашё ишлаб чиқилган, у ҳеч қачон ейилмас экан, шунинг учун агар кимдадир тиш борасида муаммо туғилгудек бўлса, зудлик билан ўша ёққа йўл олинг ва даволанинг – бу бепул. Ўзингизга шундайларини қўйдирингки, иссиқ ҳам, совуқ ҳам, аччиқ ҳам, ширин ҳам уларга писанд бўлмасин: қаттиқ нарсанни асалдай узиб оласиз, темирни сақичдай чайнайсиз, ўткир тишиларингиз орасида ҳар қанақангидан тошдай қаттиқ маҳсулот тегирмондаги буғдой каби янчилиб кетади. Буни гапнинг даромади учун айтдим-қўйдим, келинг; энди ўзимизнинг асосий мавзумизга қайтайлик. Бизнинг Жюченгдаги мусалласпазликтарихи ози ёки кўпи билан уч минг йил деб хисоб қилинади. Қадимшунослик қазилмалари ҷоғида топилган буюмлар олис замонлар ҳақида кўплаб маълумотлар тақдим этади. Мана бу видеолавҳани томоша қилинг: бу жой Юэгуандуй деб аталади. Унинг тагида – қадимги харобалар, у ердан уч мингдан ортиқ буюм олиб чиқилган. Шулардан ярми – мусаллас идишлари: хилма-хил қадаҳлар, косалар, катта-катта кориндор туваклар, кўзалар, учоёқ қадаҳлар – умуман, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Экспертларнинг ҳисоблашича, Юэгуандуйнинг ёши уч ярим минг йил бўлиб, бу ҳам сўнгги Ся сулоласи замони эди. Ҳатто ўша олис замонларда ҳам бу ерда мусаллас ва пул дарёдай оққан ва ажойиб мусаллас ҳиди таралиб турган. Бизнинг замонда мусалласпазлар орасида ифлос одат тарқалган: ҳар ким ўзининг йўлбарс терисига ўхшаган яловини баланд кўтаришга интилади, биттаси айтадики, унинг мусалласидан буюк Юй¹ тўйиб ичганмиш, иккинчиси дейдики, унинг мусалласидан Кансининг² кайфи ошиб қолганмиш, яна бирининг айтишича, Ян-гуйфэй унинг мусалласидан ичмаса туролма-

¹ Афсонавий Си сулоласининг ilk ҳукмдори.

² Канси (1654–1722) – Цин сулоласининг иккинчи ҳукмдори.



ганмиш, тўртингчи бирининг мақтанишича, хон У Ди унинг мусалласидан тотмагунча на кўли, на оёғи ҳаракатга келганиши. Таъбир жоиз бўлса, «сохта қарашлар кенг тарқалган» ва катта зарар келтироқда. Биз эса Жюченгда ҳақиқатнинг аниқ далилларини қидирмоқдамиз ва улар билан одамларни ишонтироқдамиз. Мана бу фиштни бир қаранг, дўстлар. Бу фишт ғайриоддий, сувратли, Шарқий Ханга тегишли ва шу ерда, Жюченгда топилган. Унда мусаллас ишлаб чиқариш тасвирланган. Шу нарсани мамнуният билан таъкидлаймизки, ўша вактдаги Жюгуода мусаллас ишлаб чиқарилаётгандада ёқ меҳнат тақсимоти ва ўзаро ҳамкорликка амал қилинган: тасвирнинг юкоридаги чап бурчагида бир аёл чап кўли билан ачитки тогораси узра катта думалоқ қозонни ушлаб турибди, ўнг кўли билан эса тогорадаги советилган сувни шопирмоқда. Мусаллас тогорасининг чап томонидаги киши мусалласни идишларга куйиш жараёнини диққат билан кузатяпти. Сувратнинг пастки қисмидаги анави киши обкашда қовгаларни олиб келяпти – у сувнинг меъёрини кузатиб борадиган мастьул хизматчи. Бу ерда бир неча минг йил муқаддамги мусалласни ишлаб чиқариш жараёни яққол намоён этилган. У устозим Мо Ян ўзининг машхур «Гаолян мусалласи» асарида тасвирлаган мусаллас тайёрлаш жараёнинг аниқ мос келади. Энди «Мусаллас дўкони» деб аталган иккинчи фиштга қаранг. Кўчадаги дўкон олдига мусалласли талай хум, дўкон орқасида хўжайнин турибди, юкоридан чап томонда суюнганидан иргишилаб-ирғишилаб иккита мижоз дўкон томонга келмоқда. Мана бу эса учинчи фишт, у «Зиёфат» деб аталади. Унда етти одам тасвирланган – учтаси ўргада, ўнг ва чап томонда иккитадан – барчалари бўйлари бўйича бир текис сафланган. Уларнинг олдига чирпитлар ва қадаҳлар қўйилган, дастурхонда нознеъматлар тўлиб-тошиб ётибди. Барчалари бир-бирига таом узатмоқда ва худди биз бугунги кунда қилганимиздек, «олинг-олинг», «ичинг-ичинг» қилганча чирпитларни қўтариб турибди. Шу ерда жагимни тиндираман. Ушбу учала фишт хитой халқининг мусаллас истеъмол қилиш маданиятига айнан Жюченгда асос солинганини узил-кесил ва асосли тарзда тасдиқлади. Улар мусаллас тарихи атрофида пайдо бўлган ёлғон уйдирмаларни бутунлай рад этади, буюк Юй шишаларини ҳам, Сян Юй чирпитларини ҳам чил-чил синдиради. Ян-

гүйфэйни Жюгуомиздан каниз қилиб берадилар ва ҳар гал у қайноқ булоқ сувида ғусл қилишга ҳозирланганда, бочкасига Жюгуомизда тайёрланган гаолян мусалласидан куйиб бергандар. Акс ҳолда қаёқдан унинг қўллари бу қадар силлиқ, унинг ўзи фараҳбахш баҳор ёмғири остидаги қийғос гуллаган олма дараҳтидай тароватли бўларди? Хан Гаосу – Жюгуо ахлининг ўлони. У туғилганда она кўкрагида сут бўлмаганди ва отаси уни илитилган мусаллас билан бокқанди. Ахир, ўткир мусалласда ўсган гўдакни она сути билан бокилган гўдакка тенглаштириб бўладими? Шу боис, мақтанчоқ ва ўтрукчилар, тезда мусалласларингизни дарёга тўкинглар. Тарих мусалласи – бу Жюченг мусалласи, айнан жюченгча мусаллас – мумтоз хитой маданиятининг эгаси.

Ўртоқлар, турли-туман ёлғон-яшикларни тўқийдиганлар барчага маълум ҳақиқатни эсларидан чиқарганлар – томчилатма спирт биринчи марта Хан сулоласи даврида пайдо бўлган, буюк Юй замонларида эса спиртни факат ачитиш жараённида олганлар. Хан сулоласи ғиштларидағи тасвирлар шуни тасдиқлайдики, мусалласпазлик тарихидаги инқилобий ўзгаришлар Жюгуода бошланган.

Дўстлар, Жюченгнинг ажойиб мусалласи Лисюанхэ – Мусаллас чашмаси сувларига ўхшаб кўп асрлардан бери куйилиб ётибди ва ўзининг етуклиқ палласига кириб бўлган. Син сулоласи бошида Фудатан мусалласпазлик корхонаси – «Катта шарофат танобийси», шунингдек, ким яратгани номаълум «Бубуцзяоцзу» – «Нозик хиромон» мусалласи пайдо бўлган. Бу Фудатан мусалласпазлик корхонасида ва умуман Жюченгда биринчи «Юнью дасюй» – «Булут ва ёмғир» аччик мусалласи пайдо бўлиши учун асос бўлди.

Ривоятга кўра, Син сultonни Шунжи хукмонлиги даврида фамилияси Юан, исми И, лақаби эса Санлю бўлган бир ўртахол сайёр дўкон очади, кейинроқ мусалласхона қурадида, мусаллас ишлаб чиқара бошлайди. Ўша замондаги Жюченг мусалласпазларининг анъянавий усуllibарини эгаллаб, ўз мусаллас русумини яратиш ҳақида орзу қила бошлади, аммо, афсуски, касал бўлиб, бевакт ўлиб кетди. Унинг эзгу орзузи уч авлоддан кейингина ушалди. Юаннинг Жю исмли эвараси аждодлар касбини давом эттириб, у бозор савдоси бўйича янада бой тажрибасига таяниб император Жянлун хукмонлиги

даврида Жюченгнинг шарқий дарвозаси ортида бир парча ер ажратиб олди – бу Нюэржин, яъни Қизқудук кўчасидаги Зурёдбахш Она эхроми ёнида жойлашган – ва у ерда ўз касби корини изга кўйди.

Миш-мишларга қараганда, Зурёдбахш Она эхроми остида «денгиз кўзи» жойлашганмиш ва агар уни безовта қилинса, бутун Жюченгни ер ютармиш. Бу фалокатдан кутулиб қолиш учун одамлар эхром қурганлар, олтиндан маъбуда ҳайкалча ясаганлар ва уни «денгиз кўзи»нинг қоқ устига ўрнатганлар. Эхромни кўплаб зиёратчилар зиёрат қилганлар, айниқса, ҳар йили тўртинчи камария ойининг саккизинчи кунида эхром байрамида одам тўлиб-тошиб кетган. Бу кунлари фақат тутатқилар тутатилмай, балки ҳамма жойда чинакам байрам руҳи хукмрон бўлган экан. У ерда зодагон хонадонларнинг хонимлари ва бекалари бўлиб, кўплаб фирибгарлар оломонга қўшилиб кетар, айёрлик билан хонимларнинг сийналариданғижимлаб ва думбаларидан чимчилаб олар, буни кўрганлар қотиб-қотиб кулар ва қийкирар эканлар. Фэн-шу́й¹ бўйича мусаллас ишлаб чиқариш ва сотиш учун қулай жой айнан мана шу эхром бўлиб чиқибди. Юан Жю эхромнинг ёнгинасидан таноб ер сотиб олибди, у ерда «Катта шарофат танобийси» номи остида дўкон қурибди, кейинчалик эса Қизининг қудуғи ёнидан шу номдаги кўчада мусалласпазлик устахонаси пайдо бўлибди.

Қизининг қудуғи Зурёдбахш она эхромидан атиги бир ли узокликда жойлашган экан ва унга сув Лисюанхэ дарёсидан оқиб келаркан. Шагал ва қумлардан сизиб чиққан қудуқ суви топ-тоза, тип-тиник, муздеклиги билан Жюченгдаги энг яхшиси саналаркан. Айтишларига қараганда, мана шу қудукқа бир вақтлар хуснда тенги йўқ аёл чўкиб кетган эмиш. Ўлимидан кейин у бир парча булатга айланганмиш-да, узоқ йиллар қудуқ устига соя ташлаб турганмиш. Эвара Юан қадимги замонларда Қизининг қудуғи машхур «Бубуцзяоцзю» мусалласи учун ажойиб сифатли сув манбаи бўлганини ҳам унутмаган экан. Ажойиб мусалласлар устаси, бошқалар орасида яна шуниси билан ажралиб турар эканки, у узоқ тарихни чукур биларкан.

¹ Фэн-шу́й – мақсади борлик билан ижобий куч-кувват излаш бўлган таълимот.



Қизининг кудугидаги сувни у Фудатан мусалласпазлик корхонасида янги мусалласлар яратиш учун танлашининг боиси сувнинг мусаллас қони экани ҳам эмаскан, балки айнан унинг асосида ўтмишда «Бубуцзяоцю» мусалласи яратилгани экан, шунингдек, ундан ҳам мухимроқ жиҳати шунда эканки, маъбудлар – мусалласнинг жони экан. Кудуқнинг ўзи ҳам бой маданият тарихига эгалиги дикқатга молик.

Жон-жаҳд билан бир мақсадга интилиш, етук маҳорат, сувнинг тенгсиз манбаи – булар барчаси, албатта, антиқа ташаббусга асос бўлган. Бозорда «Юнной дасюй» мусалласи пайдо бўлиши билан уни ақл бовар қилмас омад кутиб турарди. «Катта шарофат танобийси»да харидорларнинг кети узилмас эди: калта кўйлакли чорикорлар ҳам,узун барли кийимдаги олимлар ҳам, муттаҳаму фирибгарлар ҳам дарёдай ўша ерга оқиб келарди. Келиб-кетувчилардан бири, Ли Сандоу исмли шоир – Ли Уч Доу, – си жанрида «Юнной дасюй» мусалласини алқаб, иккита шеър ёзди:

*Узоқ замон маъбуда баҳорни асир айлаб
Ётмиши, қудуқ сувидан хушибўй булут таралар.
Ундан бир соҳибжамол оламга назар айлаб,
Одамлар май шиқида юрак-багрин поралар.*

*Сув – бу либос, хушибўй бүғ – ёр юзи лўптигина,
Мастона Лю Лин дарди шунчалик кўпмикин-а?*

*«Юнной»дан нўши этганга уйқу эрур бегона,
Тоғлардан ҳам баландда кезар мисли девона.*

Озгина шўхлиқдан холи бўлмаса-да, ушбу шеърлар мазкур мусалласнинг барча фазилатларини мукаммал акс эттириб турибди. Зурёдбахш она эхроми олдида қад ростлаган «Катта шарофат танобийси» дўкони ва унинг орқасидаги мусалласпазлик корхонаси маҳсулот истеъмолчига бевосита этиб бориши мумкин бўлган жой бўлиб қолганди. Маъбудага сифингани эхромга келувчиларнинг кўзи узоқдан зарҳал ранг устидан қора иероглифлар билан ёзилган катта лавҳага тушади. Тез ёзишнинг ҳадисини олган моҳир хаттот қўли билан ёзилган бежирим ва нафис хатлар бутун мамлакатга таниқли



буюк хаттот жаноб Жин Маогүй мўйқаламига мансуб эди. Кираверишдаги жуфт-жуфт нақшу нигорларни таникли олима хоним Ма Куни жаноби олиялари танлаганди. Мана, ўша хатлар:

*Кирсанг – чехрангни ўтдаи куйдургуси эҳтирос,
Чиқсанг – маҗруҳ қалбингни кафтга ол-да, олга бос.*

Дўкон ичидағи муҳит дид билан безатилгани, гўзалиги ва дабдабалилиги билан ажралиб турарди ва бу барчага ёқар эди. Кириб келган меҳмоннинг кўзи дарҳол жюгуолик рангтасвир устаси Ли Мэннен жаноби олиялари мўйқаламига мансуб каттакон рангдор сувратга тушади. Сувратдаги ширакайф Ян-гуйфэйнинг кийими икки томонга айрилиб, бўлиқ бадани, айникса, учи йирик кизил олчага ўхшаган сийналари очилиб қолганди. У ерга мусаллас нўш қилгани кирганлар чинакамига бадиий завқ оларди.

У ердаги идишларни оддий Жюченг мусаллас дўконидаги қақир-қуқурлар билан тенглаштириб бўлмасди: ҳар бир буюмда қандайдир ўзига хослик мавжуд. Мусаллас илитиладиган чойнаклар гўзал аёл оёқчалари шаклида эди ва ҳажм жиҳатидан ҳам хилма-хил эди, шу боис муштариyllар ўзларига керагича – бир лян¹, уч лян, яrim жин² сотиб олишлари мумкин эди, бу оёқчани кўлда ушлаб туриш, ундан мусаллас нўш этиш – бу кўнгилга озмунча хузур, озмунча лаззат баҳш этадими? Бундан ўтар гўзалиқ, бундан ўтар нафосату назокат бўладими?! Қойил қолмай илож йўқ.

Бу нафосату назокатга тўла дўконнинг шуҳрати ортгандан-ортди ва у ҳақда қанақанги ривоятлар, қанақанги латифалар тўқилмади.

Улардан бирида айтишларича, цинлик Гуансюй ҳукмронлиги даврида совуқ қиши оқшомларидан бирида қалин қор ёғиб, ҳамма ёқни кўрпсадай қоплаб олибди. «Катта шарофат танобийси» дўконининг мутасаддилари коронғилик ичдан ҳамма ёғи қор, кўлида фонус билан аллақандай одам чиқиб келибида-да, дўконга кирибди. Унинг айтишича, бир нозик-

¹ Лян – оғирлик ўлчови, 50 г.

² Жин – оғирлик ўлчови, 0,5 кг.



таъб аёл меҳмоннинг «Юнью» мусалласидан ичгиси келиб қолибди, шундай корли оқшом бўлишига қарамай, қийналиб келганининг боиси шу экан. Бироқ ўша куни дўкондаги ҳамма мусаллас сотилиб кетгани учун хўжайин астойдил узр сўрабди. Лекин муштарий оёқ тираб туриб олибди. Унинг оккўнгиллигидан кўнгли ийиб, дўкондор гумаштасини мусаллас келтиргани омборхонага юборибди. Аммо омборхона очилар-очилмас муштарий кутишга сабри чидамай, фонуси билан ичкарига ўзини отибди. Гумашта ҳарчанд уриниб ҳам уни тўхтатолмабди, фонус бир нарсага урилиб, устидаги қоғоз ёниб кетибди, кўз очиб-юмгунча олов бошқа нарсаларга ўтиб, омборхона тезда ўт ичидаги қолибди – бунака катта ёнгинни хеч ким яқин орада кўрмаган экан. Аллангаланган мусаллас ҳар томонга қараб оқа бошлабди. «Катта шарофат танобийси» омборхонаси ва бутун дўконни ўз домига тортиб, алана оқимлари биланглаётган аждархо каби, кўкиштоб учқунлар сачратиб, Зурёдбахш Она эхромига етиб борибди ва ҳаял ўтмай ундан бир уюм кул қолибди, холос. Шуни унутмангки, азиз ўкувчилар, ўша куни тунда жуда кўп қор ёққан экан, бамисоли яшма ва зумрад парчалари билан қоплангандай, ер бўйлаб оловнинг зангори ирмоқлари югуараркан, айниқса, бу оппоқ қор устидан ғоятда ажибу ғариб кўринар, буни тасвирлашга қалам тили ожиз экан. Бу даҳшатли ёнгиннинг сабаби ва унинг келиб чиқиш сири номаълумлигидан турли-туман мишишлару тусмоллар оғиздан-оғизга ўтаркан, ёнгин туфайли дўконнинг овозаси янада кўпроқ тарқалибди, «Катта шарофат танобийси» қайтадан барпо этилганда, ишлари олдингидан ҳам яхшироқ юришибди. Даҳшатли ёнгин унга ажойиб реклама вазифасини ўтабди, деяверинг.

«Юнью» дасюй» нафакат аччиқлиги, ширинлиги ва таъмининг зўрлиги билан, балки бекиёс хиди билан ҳам ажралиб туради. Бир куни баҳор охирида мусалласпазлик корхонасидаги ишчилардан бири мусаллас солинган тўқима саватни очаркан, эҳтиётсизлик билан уни тушириб юборибди. Мусаллас кўчага оқиб кетибди, кўчани зумдаёқ ширин хид тутибди ва ўша ерда сайр килиб юрган йигит ва қизларнинг кўзларидан ёш тирқирабди, юzlари қизарибди ва зеҳнлари умуман ўтмаслашиб қолибди. Сал наридан учиб ўтаётган кушлар галаси тўхтаб, бир жойда айланаверибди, қаёққа учиб



кетаётганлари эсларидан чиқиби ва тап-тап ерга туша бошлабди. Дархәқиқат, кайф балиқни сув тубига шүнгишга мажбур қиласы, учиб кетаётган ғозни ерга күндиради, күнгилни аврайди ва рухларни оёққа турғизади. Минглаб туйғуларни құзғатади. Ишқий туйғуларни санаб, адогига етиб бўлмайди. Күйидаги сатрлар бежиз эмас:

«Юній» пайманасидан томогин ҳўллаб олган
Одамнинг кўз олдида жиславалар қилас дунё.
Шунинг-чун фаршишталар осмонда масти-мустагриқ,
Бандаларга томчи ҳам насиб этмагай аммо.

Азиз меҳмонлар, дўстлар, мен «Юній» мусалласи хақида кўп гапларни айтдим. Фақат қўйидагиларни қўшиб қўймоқчиман, холос: менинг қайнотам Юан Шуанюй, Жюгую мусалласпазлиқ академиясининг профессори, «Юній»нинг муаллифи ўша жаноб Юан Жюнинг олтинчи авлодидаги невара хисобланади. Академия профессори сифатида у хонадонида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ноёб усулларни жону дили билан баҳам кўради. Унинг раҳбарлиги остида партия шаҳар қўмитаси ва шаҳар хукумати замхўрлиги ва кўрсатмалари шарофати билан ошкоралик ва ислохотлар сиёсатининг бедов тулпорида биз Жюгуда қандайдир ўн йил ичида ажойиб мусалласларнинг ўндан ортиқ турини яратдик, уларни «Юній»га таққосласа бўлади, бъязи жиҳатлари билан ундан ўтиб тушади. Масалан, «Люй и чунде», «Хунзун лема», «Ижиен чусин» – «Бир қарашда севиб қолиш», «Хошаоюн» – «Ёнаётган булут парчалари», «Синъен Син» – «Дайюй гулларни дафн этиди»... Қайнотам, профессор Юан бир ўзи Байюанлин тоғига соchlари тўзган ва кир-чир ахволда, бола юзли кекса чол – маймунлар билан дўстлашиш, бу жониворлардан ўрганиш, улардан олган билимларни вужудига жо этиб, «ажадодлари-нинг анъанавий касб-корини давом эттириш», «ташқарида ортирилган тажрибадан фойдаланиш», «ўтмишни бугунга хизмат қилишга мажбур этиш», хорижий нарсани Хитойга, маймунларни – одамзод хизматига қўйиш, пировард-оқибатда муваффақиятга эришиш, бир томчиси шаҳарларни вайрон этишга қодир Маймун мусалласи билан кўз очиб-юмгунча дунёда донг қозониш учун сафарга чиқиши янада кўпроқ илҳом бағишлиади!

Маймун мусалласининг тантанали тақдимоти Маймун мусалласи биринчи йиллик фестивалида бўлиб ўтади!

Маймун мусалласидан бир томчи татиб кўргандан минг лян тилла топиш осонроқ!

Ҳеч иккиланмасдан, дўстлар, зудлик билан Жюгуога келинг!

Фурсатни бой берманг!

3

Иним Идоу, асарингни олдим.

Хозиргина нашриётда ишлайдиган бир ошнам келиб қолди ва мен унга «Мусаллас шаҳри»ни ўқигани бердим. Ўқиб чиқиб, у кафти билан столга бир туширди ва: «Қойил! Мана буни тижорат дейдилар!» – деди. У яна айтдики, агар ҳикоя ҳажжмини етмиши-саксон минг белгига етказсанг ва расмлару фотосуратларни кўйиссанг, уни алоҳида китоб қилиб, нашр эттирса бўларкан. Унинг нашриёти шу ишга қўл ураркан. Сизларнинг шаҳрингиздан молиявий мадад талаб этилади, шунингдек, сен юз минг нусхасини сотиб олишини кафолат беришинг керак бўлади. У, модомики, Маймун мусалласи биринчи фестивалига келувчилар учун барибир реклама ашёлари тайёрлашинг керак экан, нима учун мана бу расмли нашр улар сирасига киритилмаслиги керак? Ўшанда фестиваль меҳмонлари китобни сотиб олишлари мумкин, унда Жюгуо тарихи ҳам, ажойиб мусалласлари ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлади – реклама маъносида ҳам қулай, ҳам салобатли, ҳам тежсамили, ҳам таъсирчан. Буни ажойиб гоя деб биламан ва сен уни мэр билан муҳокама қилишинг мумкин. Бу китоб учун нашриётга эллик мингни жарақлатиб тўлаб қўйишларингизга тўғри келади. Бор-йўғи эллик минг, ахир Жюгуода бу сизлар учун арзимаган нарса-ку. Бу масала қандай ҳал бўлгани ҳақида иложи борича тезроқ ҳабар беришингни илтимос қиласман. Менинг ошнам шунақсанги қизиқиб қолдики, кетишидан олдин унга сенинг манзилингни бердим ва у, ҳойнаҳой, сен билан бевосита боғланади.

Янги мусалласлар учун номлар тўқиши, шунингдек, «Мусаллас тузуклари» тузии гуруҳида шитирок этишишмага келганда, бу тадбирларда шитирок этишидан наф олии рўй-

рост күриниб турибди. Ўйлайманки, камтарликни бир четга ийгишитириб күйиб, бирмунча вақтдан кейин розилигимни билдираман. Романнинг охирги қисмини тугатаман-у, ҳайт деб Жюгуга йўл оламан. Ўшанда ҳаммасини гаплашиб оламиз.

Ижодий муваффақиятлар тилайман!

Mo Ян

4

...Ха-а-а! Жин Ганжуан ҳамда еб ташланган ва ҳожатхоналарга оқизиб юборилган гўдакларни ўйлаб, Динг Гоуэр кўнглида айикдек ухлаб қолган масъулият ва адолат туйғулари алангаланиб кетди, хушнинг барча томонларига ўрмалаб кетаётган зулматни чараклатиб юборди. Кулоқ супрасининг тунгунчасида ва буруннинг айни учидаги каттиқ оғрикни сезди, бамисоли уларга ҳалокатли заҳар суртилган ўткир бир нарса санчганга ўхшади. У беихтиёр туриб ўтириди. Кўз олдидаги барча нарса чир айланди, боши тол чивигидан тўқилган саватдай баҳайбат туйилиб кетди. Шишган қовоқларини базўр ажратиб, баданидан учтами ё тўрттами катта-катта кулранг хира кўланка отилиб чиққандек бўлди. Улар ерга бўғиқ, юмшоқ шалоплаб тушди ва чирсиллаган овозда каттиқ қичкириб юборди. Бу қанақа маҳлук бўлди экан – қушми ёки йиртқич ҳайвонми? Хаёлига булдуруқ кушлар ва ёввойи куёнлар, учар аждархолару қанотли олмахонлар келди – уларни Жюгуда боплаб тайёрлашади. Унинг рўпарасида яшилтоб кўзлар чараклади. У қум тўлиб қолгандек кўз олмаларини куч билан айлантиради ва шу тариқа уларни кўз ёши билан ҳўлламоқчи бўларди. Кўзларига арzon ароқ ҳидли ёш қалқди. У кафтининг орқаси билан ёшларни артди ва манзара сал тиниқлашгандай бўлди. Энг аввал етти-саккизта катта-катта кулранг каламушларга разм солди, улар ўзларининг жирканч қора кўзларини ғазаб билан йилтиллатиб, шу томонга қаради. Чўзинчоқ тумшуқлар, ликиллаган мўйловлар, салқи коринларуузун ва ингичка думлар юрагини бир тутам қилди, чўзилиб очилган оғзидан ажойиб ичимликлар, тансиқ таомлар ва одам нажаси оралиғидаги бадбўй суюклик отилиб чиқди. Томоғидан ўткир тиф тортилгандек бўлди, димоги қаттиқ ачишди, бурун



катақларига ҳам ўша ифлос нарса тиқилғандай эди. Кейин күзи деворда қия осиғлиқ турған қүшогизга тушди. Шу билан боғлиқ хотиралар эса уни парокандалик ҳолатидан олиб чиқди. Шу заҳоти бояги ваҳимали қочоқлик, арвохға ўшаган чол, ноқонуний пилакфурууш, кекса инқилобчи – жангда ҳалок бўлғанлар ёдгорлиги қоровули, шунингдек, қизил белбоғли «маотай»нинг рақс тушаётган рухи ва йўлбарс зотли баҳайбат малла кўпрак эсига тушди... Рамзлар беҳисоб, аммо тирмашиб туришга ҳеч нарса йўқ эди – гўё бирданига юзлаб очилган гулга қарагандайсан. Тушга ўхшайди-ю, бироқ ўхшамайди ҳам, ўнг ва рўё бир вақтда рўй бериб турғандай. Шу заҳоти яна ҳайдовчи қизнинг ҳашамдор шакллари эсга тушди. Унинг елкасига сакраб чиқиб олган ва бағоят эпчиллик билан бўйнига тишини ботирган каттакон қаламуш фикрларни чалғитувчи нарсалардан фориғ бўлиб, воқеликка қайтишга мажбур қилди. Бутун гавдаси билан силкиниб, қаламушни отиб юборди, лекин рўпарасида пайдо бўлган ҳайратомуз манзарани кўриши билан беихтиёр отилиб чиқкан аянчли фарёд лабларида қотиб қолганди. Оғзини катта очиб, у ўз катида юзтубан ётган кекса инқилобчига маъносиз қараб турарди, чолнинг устида эса ўнтача бакувват қаламуш ғужғон ўйнарди. Бу оч маҳлуқлар – қаламушлар оч бўлмагандир ҳам – чолнинг бурун ва қулоқларини бутунлай кемириб ташлаганди, бир вақтлар бу қадар доно мулоҳазаларни ирод қилган лабларсиз, милклари туртиб чиқкан оғизга қараб бўлмасди, қоплаб турған терисидан маҳрум бош чаноғи ҳам ҳаддан ташқари даҳшатли кўринарди, бу муртад маҳлуқлар бир вақтлар қуролни маҳорат билан ўйнатадиган қўлларини ғажиб ташлаганди, энди улардан пўстлоғи шилиб олинган тол новдасига ўхшаб, оппок суюкларгина қолганди. Терговчи жангларда тобланган кекса инқилобчига нисбатан муносабати яхши эди, нима бўлғанда ҳам кийин вазиятда унга ёрдам қўлини чўзганди, шуларни дилдан кечириб, қаламушларни ҳайдагани олдинга интилди. Бироқ у энди ташланмоқчи бўлиб турганида, қаламушларнинг кўзлари бирданига рангларини ўзгартира бошлади: копкорадан қип-қизилга, қип-қизилдан пуштига, ундан яшилга ўтди. Кўрқанидан Динг Гоуэр орқага тисланди ва деворга суюнди. Ортиқ чекинишга имкон қолмаганди. Қаламушлар сафга тизилиб, тишлигини иржайтириб ва мўйловларини

ўйнатиб, ҳар лаҳзада ҳужумга шай ҳолда унга ғазаб билан тикилиб турарди. Терговчи деворда осиғлиқ милтиққа орқаси билан урилди ва унинг бирдан мияси ишлаб кетди. Шартта бурилди-да, милтиқни қўлига олди, каламушларни мўлжаллади, бармоғи билан тепкини пайпаслаб топди – душманни қарши олгани тайёр эди.

– Жойингдан қимирлама! – қичқирди у. – Яна бир қадам боссанг, ҳаммангнинг калланг кетади!

Гўё калака килаётгандек, каламушлар бир-бирига карап ва дик-дик сакрарди.

Ғазабдан томоги бўғилиб, терговчи тишларини ғичирлатди:

– Оббо, ифлослар-ей! Менинг ким эканимни ҳозир биласанлар!

Шундай дея у тепкини босди, ўқ товуши момақалдироқдек гумбурлади ва порлаган олов ортидан хона бўйлаб пағапаға тутунлар суза кетди. Тутунлар тарқалгач, у каламушлар кўшинидан талайгинаси қирилганини кўриб, мамнун бўлди. Омон қолганлари уларни факат тўрт панжа билан дунёга келтирган ота-оналаридан миннатдор бўлганча тўсинлар ва бўғотлар орасига тумтарақай қочиб қолди ва зумда кўздан йўқолди. Бу ўқ билан каламушларни қочирибгина қолмай, кекса инқилобчининг башарасини илма-тешик қилиб юборганини кўриб, терговчини вахима босганча ўзини деворга ташлади, оёқлари букилди ва гангид полга сирғалиб тушди. Юзидан қаттиқ руҳий изтироб чекаётгани кўриниб турарди. «Албатта, чол аввал ўлган, кейин эса каламушлар унинг жасадини тасқараю тарақкос ҳолга келтирган, – ўйларди у. – Аммо унинг ғалвир қилиб ташланган бошини кўриб, ҳаммаси шундай бўлганига ким ишонарди?! Ҳамма, аввал уни отишган, ундан кейин эса каламушлар унинг дабдаласини чиқарган, деб ўйлайди. Эҳ, Динг Гоуэр, Динг Гоуэр, бу гал ҳатто Янцзи дарёси бўлса ҳам барибир энди ўзингни оқлай олмайсан, Янцзи Хуанхэдан ҳам лойқароқ бўлади». «Авалиё пайдо бўлганда, Хуанхэдан ҳам тиникроқ бўлади, фонуслар ҳамма нарсани ёритади, сув устидан олов ёқиб туширадилар. Ўша фонус нимадан экан? Қовоқ, қовун ва тарвуз. Фонус нимадан? Фонус нимадан? Ошқовоқ, бодринг билан бошқаси, сенинг калланг эса бўм-бўш». Рухи бутунлай чўқкан маҳсус ишлар бўйича терговчининг кулокларида бир вақтлар болали-



года тақрорлаб юрадиган, сирли маъно яшириңган мусиқий бу саноқ аввалига гўё узоқдан келаётгандек бўлиб, кейин эса яқиндай туйилиб, аввалига ноаниқроқ, кейин эса болалар овозларининг жўрлигида бутун улуғворлиги билан табиий равишда ва эркин қуишлиб келмагунча жаранглаб тураверди. Бир неча юз боладан иборат хор олдида дирижёр ўрнида эса у анчадан бери кўришмаган ўғли турарди. Оппоқ кўйлаги ва зангори калта иштони бир бўлиб, дengиз узра парвоз қилиб юрган танҳо чағалайдай, мовий осмонда сузид кетаётган бир парча оқ булутдай кўринарди. Терговчининг кўзларидан икки томчи илтилигган мусалласдек нимранг суюклик оқиб тушди, юзи ва оғзи чеккаларини хўллаб ўтди. У ўрнидан турди-да, кўлларини чўзиб ўғли томон интилди, лекин оқ-кўк қиёфа шошмайгина нарига сузид кетди. Кўзлари олдида эса яна каламушлар билан биргаликда ижод қилган ҳаддан ташқари шафқатсиз қотиллик манзараси пайдо бўлди, бу қотиллик бутун Жюгуони ларзага солиши аниқ эди.

Ўғлининг мафтункор қиёфаси қабристон коровулхонасидан олиб чиқди. Кўчада кўзи йўлбарсдек тарам-тарам рангдаги, уни ўтакаси ёрилгудек кўрқитиб юборган баҳайбат кўпракка тушди. У панжаларини олдинга узатиб, тўқ яшил террак остида ёнбошлаб ётарди ва оғзидан қон оқарди: афтидан, нимадандир заҳарланиб ўлганди. Ўлгудек кўрқиб кетган терговчи эгилди-да, дарвозадаги ит кириб чиқадиган туйнукдан сирғалиб ўта бошлади. Нотекис, ўйдим-чуқур асфальт кўчада зоғ учмасди. Фақат йўл устидаги бетон симёғочнинг сояси узун чўзилганди. Қаттиқ эсанкираганча тўхтади, ботаётган қуёшга тикилиб қаради, қуёш нуридан унинг юзи қип-қизил кўринарди. Нима қилсам экан, деб узок ўйланиб турди, бироқ миясига биронта жўяли фикр келмади.

Жюгуодан ўтадиган поезднинг тарақа-туруғидан унинг каёкка қараб юриши маълум бўлди. Темир йўл станцияси томонга қараб кетяпман, деган хаёлда битта-битта одимлаб йўлга тушди. Аммо дарё унинг йўлини тўсиб кўйди. Кечки ғубор қўйнида дарё тилларанг тусда товланарди ва эшқакларнинг элас-элас кулоққа чалинган шалоплашлари остида бир қанча сербезак қайиқлар ботаётган қуёш томон сузид бораарди. Афтидан, қайиқларда ёлғиз севишган жуфтликлар ўтиарди: зеро, фақат севишганларгина телбаларга ўхшаб,



бир-бирини күчоклаб, бир-бирига жим тикилиб ўтиришлари мүмкін. Қайылардан бирининг қуйруғида бўйини чўзган ва гавдасини тик тутганча ўрта бўйли, эски бичимли киймдаги барваста бир аёл эшкак эшарди. Эшкак заррин сув сатҳини қиймалабгина қолмай, балки ириган жасадлар бадбўйини ҳамда дарёда тўлиб ётган мусаллас қуйқасининг иссик ҳовурини кўтармокда эди. Аёл эшкакни жуда маромини келтириб эшарди, гўё у қайиқни бошқаряпти эмас, балки буни саҳнада тасвирлаётгандек. Қайқ яқингинадан ўтиб кетди, унинг ортидан яна бири ўтди, кейин яна ва яна. Барча йўловчилар ошиқ-маъшуқлар сингари бир-бирига қапишиб олган, қуйруқда ўтирган барча қайиқчи аёллар ҳам кайсиdir маҳсус ўкув юртида жиддий таълим олгандек. Ўзи сезмаган ҳолда терговчи саккиз бурчакли бетон тахтачалар ётқизилган йўлакдан мана шу қайиқлар лашкари билан изма-из қирғоқ ёқалаб юриб кетди. Куз адогига етай деб қолган, бу вақтга келиб, соҳилбўйи тераклар ва толларнинг барглари тўкилиб бўлган, шоҳдаги қолган-кутганлари эса заррин шалдироқ қоғоздан қирқилганга ўхшарди – худди қимматбаҳо тошга ўхшаб, фоятда чиройли эди. Қайиқлар ортидан одимлаб бораётган Динг Гоуэрнинг юраги сал-пал босилди ва барча дунёвий ташвишлар бирин-кетин, аста-секин хотирасидан ўча бошлади. Кимдир кўтарилиб келаётган қуёшга пешвоз юрса, у ботиб бораётган қуёш томон ҳаракат қиласиди.

Бурилишдан кейин дарё кенгайиб кетди. Кўплаб қадимги кошоналарнинг деразаларида чироқ ёқила бошлаганди. Қайиқлар олдинма-кейин қирғоқда боғлаб кўйилмоқда эди. Бир-бирини деб ақлдан озган бу барча жуфтликлар турнақатор бўлиб қирғоққа тўкилдилар ва терговчи ҳам бориб қолган шаҳарнинг гавжум кўчаларига сингиб кетди. Унга ҳаммаси тарихий қаллобликка ўхшаб кўринарди. Кўчалардаги одамлар соялар мисоли эди. Бу ўпирилишдан унинг жисми ҳам, жони ҳам ором олгандай бўлди ва у энди одимламаётганди, балки сузиб борарди.

Одамлар оқими ичиди юриб бораракан, Зурёдбахш она эхромига кирди, у ерда бир нечта чиройли-чиройли аёл юзлари қизил ва лаблари кирмизи маъбуданинг тилла ҳайкалчаси олдида чўк тушиб ўтирап ва чукур-чуқур таъзим қиласиди. Барчалари туфлиларининг пошнасига кетлари билан тираниб олганди. Терговчи ана шу учли пошналарга узоқ маҳлиё бўлиб қараб қолди,



миясида эса улардан қанча чукурликдаги ўйиқлар қоларкин, деган фикр айланарди. Устун панасида яшириниб олган тақирбош будда рохиби түнкайган думбаларга қараб лой юмалоқларини отарди. Лой ҳар бориб текканда тиз чўккан хонимлардан биттаси чийиллаб юборарди. Бундай пайтда роҳиб дарҳол кафтларини жуфтлаштирас, кўзларини юмар ва будда ибодатига жўр бўлиб гўнгилларди. Бу жиккак роҳибнинг хаёлида не борлигига ақли етмай, Динг Гоуэр унинг олдига борди ва букилган ўрга бармоғи билан унинг такир бошига нуқиб чертди. Роҳиб киз бола товушида чийиллаб юборди. Терговчи устига шу заҳоти бутун бир оломон ёпирилиб келди: Лу Син ҳикоясининг қаҳрамони А-Кю каби уни безорилиқда ва ёш кизчага тегажоғлик қилишда айблай бошлашди. Ёнида пайдо бўлган полициячи уни ёқасидан тутди, эҳромдан судраб чиқди ва бир тепиб, дарвазадан кўчага чиқариб юборди. Эҳром зинаси олдидаги арзимаган сарқитлар учун талашган итдай керишган Динг Гоуэр лаби ёрилганини, бир тиши қимиirlаб ётганини, оғзида эса қоннинг кўнгилни айнитувчи таъми борлигини сезди.

Кейин у букри кўприқдан юриб кетди ва тагидаги сувнинг жимирилашини, фонус ёғдуларининг аксланишини, бир ёниб, бир ўчишларини кўрди. Сувдан бир катта қайиқ сузиб келарди, ундан мусиқа ва қўшиқ янграрди, бамисоли бу фариштагарнинг тунги сайри эди.

Салдан кейин у ичкилик сотиладиган ошхоналардан бирiga кириб қолди. Стол атрофида кенг гардишли шляпалар кийган ўнтача одам ўтиради, улар мусаллас ичиб, балиқ тановул қилмоқда эди. Димоғига келиб урилган хушбўйдан оғзи шундоқ сувга тўлди-кўйди. Яқинроқ бориб, егулик у-бу нарса сўрамокчи бўлди-ю, бироқ ўзининг ташки кўриниши туфайли нокулай эди. Бироқ ялангоч сувдан тоймас, деганларидек, очлик ҳам ўз ишини қилди: пайт пойлаб туриб, у кутурган шердек столга ташланди, бир шиша мусаллас ва балиқни ушлади-да, жон ҳолатда кочиб қолди. Анча жойгача чопиб боргач, шовқин ва қичқириқлар келмаяптимикин, дегандек кулок тута бошлади.

Қандайдир девор панасига ўтиб, овқатланишга тутинди. Балиқдан факат қилтаноқлар қолганди, шуларни ҳам чайнаб-чайнаб ютиб юборди. Мусалласни бир томчи ҳам колдирмай сипкорди.



Сўнг атрофда кезинди, сувда юлдузлар аксининг жи-мир-жимир қилиши, каттакон қизил ой баркаши сув бетида заркокил болакайдай иргишилашидан завқланди. Сувдаги хушчақчақлик овозлари тобора баландроқ жарангламоқда эди. Овозлар келаётган томонга синчилаб қараб, дарё оқими бўйлаб яқинлашиб келаётган катта гулдор елканли кемани кўрди. Кема чироклардан ялт-юлт қиласади, палубада қадимги бичимдаги либосларда қизлар пип ва шэн¹ товушлари остида кўшиқ айтар ва ракс тушардилар. Бири биридан тансиқ таомлар билан тузалган столда ажойиб мусалласлар жуда мўл эди, ўнтача башанг кийинган эркак ва аёл бармокларида кўнгилочар ўйинлар ўйнар, жарима чирпиллари билан косалар айлантириларди. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам – барчалари бирдек очкўзлик билан овқатнинг чангини чиқаради. Аёллардан бири оғзини катта очиб, ургочи чўчқадай, хатто бошини кўттармасдан хаммасини пок-покиза туширади. Барини кўриб турган Динг Гоуэрнинг кўзлари тиниб, эсхонаси чиқаёзи. Кема якинроқ сузид келди, энди йўловчилар аниқ-тиник кўриниб, уларнинг бадбўй нафаслари, овози кулоққа чалина бошлаганди. Терговчи кўплаб таниш башараларни ажратади: Жин Ганжуан, ҳайдовчи қиз, Юй Ичи, бўлим мудири Ван, партия котиби Ли... Битта башара эса ҳайратомуз даражада унинг ўзини эслатарди. Афтидан, унинг жондек дўстлари, жазмани ва душманлари мана шу одамхўрлик оқшомида бирга тўпланишганди. Нима учун одамхўрлик дерсиз? Шунинг учунки, якунловчи таом сифатида тилла суви югуртирилган катта баркашда ўтирган, мойлари оқиб турган ва атрофга мўъжизавий хушбўй хид таратган, юзида мафтункор табассум ўйнаган дўмбоккина болакай олиб кирилганди.

«Бу ёққа, муҳтарам Динг Гоуэр, даврамизга кел...» – инжиқ, аммо истарали ҳайдовчи қизнинг нозик овози кулоққа чалинди. Қиз оппоқ қўлчасини баланд кўтариб, бир неча марта уни имлаб чакириди. Унинг ортида турган басавлат Жин Ганжуан миттикад Юй Ичига таъзим бажо келтириди ва унинг қулоғига бир нима деди. Жин Ганжуаннинг чехрасида самимий табассум ўйнади, Юй Ичи эса маъкуллагандек тиржайиб кўйди.

¹ Қадимий Хитой мусиқа асбоблари.



«Мен норозилик билдираман!» – деди Динг Гоуэр ва колган-кутган кучини түплаб, гулдор елканли кема томон интилди. Бироқ йўлда усти ёпилмаган катта ўрага дуч келди, у ерда ичкилик вақтидаги барча ейилган ва ичилган нарсалар, ундан кейин эса Жюгую аҳолисининг кусуклари ачиб-бижиб ётарди; уларнинг катта ва кичик ҳожатлари шу ерга келиб тўпланар ва тасаввур қилиш мумкин бўлган ҳар қанақанги жирканч ахлатлар сузид юради. Бу хилма-хил вируслар, бактериялар ва микроорганизмлар учун энг қулай жой, пашшалар учун жаннат, личинкалар учун дориламонлик эди. Бу жой унинг сўнгги қўналғаси бўлиши мумкин эмаслигини тушунарди ва иссиқ шалтоқ оғзига киришини ҳис этиб, шошиб: «Мен норозилик билдираман! Мен норози...» – дея олди, холос. Ахлат мутлақо ибосизлик билан унинг оғзига тикилди, ернинг тортиш кучи муттасил уни қуйига тортар эди ва бир неча сониядан кейин барча орзуладар, адолат, қадркиммат, номус, мухаббат ва кўплаб бошқа муқаддас тушунчалар алоҳида мухим ишлар бўйича жонкуяр терговчи ортидан ҳожатхонанинг энг тубига чўкиб кетди...

ЎНИНЧИ БОБ

1

Иним Идоу!

Мен 27 сентябрь куни Жюгуга борадиган поездга чипта буюриб қўйдим. Жадвал бўйича у 29 сентябрь куни тунги соат 2 дан 30 дақиқа ўтганда этиб боради. Жуда ноқулай вақт, аммо иложе қанча – бошқа поезд йўқ, шу боис сени бевзовта қилишига маҗбурман.

«Маймун мусаласи»ни ўқиб чиқдим ва шу муносабат билан фикрларим оз эмас. Учрашганимизда батафсил сўзлаб бераман.

Энг яхши тилаклар билан

Мо Ян

2

Ёзувчи *Мо Ян*, ўрта ёшлардаги киши, тўладан келган, соchlari сийрак, кўзлари киртайган ва оғзи қийшиқ, ётади-



ган қаттиқ ўринда – агар ўтирадиган қаттиқ ўрин билан қиёслаганды – нисбатан қулаій жойлашиб олған – ва күзіда уйқудан асар йўқ. Поездда ёритишнинг тунгы қоидасыга амал қилинганды, бош устидаги чироқ ўчирилған ва полдаги лампапар сарғии нур беріб мілтіллайды. Манови Мо Ян иккаламиз ўртмамызда умумийлик талаігина, аммо тафовутлар ҳам оз эмас. Мен, дейлік, дарвеш саратон бўлсан, Мо Ян эса мен әгаллаб турган чиганоқ. Мо Ян – мени шамол ва ёмғирдан ҳимоя құлувчи шляпа, совуқ қиши шамолы уриб кетмаслиги учун елкамга солиб оладиган им пўстаги, тагли-туғли хона-дон қызларини авраш учун тақиб оладиган ниқоб. Гоҳо шундай түйшладыки, бу Мо Ян дегендәр мен учун оғир юқдай, бироқ дарвеш саратон ўз чиганогини ташлаб кетолмагани каби мен ҳам уни ташлаб кетишім амримағол. Фақат қоронгилукда, у ҳам бўлса, қисқа муддаттагагина шундай қалишим мумкин, холос. Кўриб турибман, у энсиз ётоқ жой бўйлаб юмишоқ ёйилмоқда, жажжигина ёстиқча устида хұмдай калласи у ёқ-бу ёққа тинимсиз айланмоқда: узоқ ёзувчилик меҳнат ишлари давомида бўйин умуртқаларининг сүяклари чиқиб, қотиб қолган, шу боис бўйни қийинчилек билан бурилади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу Мо Янни кўрсам, кўнглім беҳузур булади. Ҳозир унинг миясида қанақанги бўлар-бўлмас ўйлар гужгон ўйнаётганини битта ўзи билади: мусаллас тайёр-лайдиган ва ой нурини сипқорадиган маймунлар; пакана билан олишган терговчи; ўз сўлагидан ин қурадиган салаган қалдирғочлари; гўзал хоним қорни устида рақс тушаётган пакана; ўз қайноаси билан ишқий ўйинлар ўйнаидиган мусалласпазлик фанлари номзоди; гўдакдан таом тайёрлашини видеотасмага муҳрлаётган шарҳловчи; қўллэзмалар учун қалам ҳақи, чет элга саёҳат, турлти-туман сўқишилар... Сира ақтим бовар құлмайды: миянг шунақа қаланғи-қасанғи фикрлар билан тўлиб ётганида лаззат ҳақида қандай гаплашиб булади?

– Жюгуга келдик, Жюгуга! – Чайқалганча ва компостер¹ билан кафтига урганча ушоққина, құлтириқ проводник аёл кўринди. – Жюгую, чипта олмаганлар бўлса, тезда олинглар, тезда.

¹ Чипта, чек кабиларга тешик-тешик белги қўядиган асбоб.



Бир лаңза *Мо Ян* билан қүшилиб кетаман, у ўзининг токчасида ўтирибди, мен ҳам, бинобарин, ўзимнинг токчамданман. Қорним дам бўла бошлайди, бўйнимни буролмайман, олдингидай хотиржам нафас ололмайман, оғзимда қанақадир bemаза таъм. Ана, у неча йиллардан бери эгнидан ташламайдиган кулранг тиджаги чўнтағидан жетонни чиқаради, чипта олади, сўнг ўз токчасидан бесўнақай сакраб тушади ва ўз чиганогини қидирган дарвеш саратонга ўхшаши ҳаддан ташқари сассиқ оёқлари билан ҳаддан ташқари сассиқ туфлисини пайласлаб қидира бошлайди. Бир-икки йўталауди, юзи ва оёқларини артадиган кир патли сочиқча ифлос пиёласуни шошиб ўрайди, уни кулранг сафар халтасига суқади, сўнг бир неча дақиқа тўнкадай жисум ўтиради, икки кўзини пастки токчада хуррак отиб ётган аёл – доришунослик фабрикаси билан савдо-сомтиқ қилиши бўйича агентга тикади, кейин ўрнидан туроди ва чайқала-чайқала вагон эшиги томон юриб кетади.

Перронга тушиб келарканман, фонусларнинг нимранг сариқ ёғдусида куз ёмғирининг оқ томчилари рақсини кўраман. Платформада жон асари кўринмайди, фақат кўк шинель кийган бир нечта киши шошмай у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Вагон эшиклари тагида азобли узун тундан кейинги товуқлар мисол проводник аёллар қунишибгина жисум туршиарди. Поезд ичи жисмжит, гўё у ерда тирик жон ўйқадай. Вагонларнинг нарёғида сув қаттиқ шариллайди: ҳойнаҳоӣ, цистерналарга сув олинмоқда. Олдинда пројектор чарақлаб ёниб туребди. Вагонлар ёнида френч кийган қандайдир одам учи ўткир болгача билан эринчоқ қизилиштон каби гилдиракларни уриб-уриб қўяди. Поезд ёмғирда ивиб кетганди, у нафасини ростлаб пишиқради, фонуслар ёғдуси остида ярақлаган, олис станциялар томон чўзилган темир излар ҳам ҳўл. Афтидан, ёмғир узоқ ёқкан, лекин вагонда буни пайқамагандим.

Жюго вокзали тинч ва жисмжит, бу қадар тинч ва жисмжит бўлади деб ўйламагандим. Куз ёмғири шивалаб ёзиб, фонуслар чарақлаб, ёрқин ва илиқ нур таратиб туриши, ҳўл темир излар ялтиллаши, мана бунақа сал-пал салқин ва тоза ҳаво ҳукм сурини, темир излар остидаги ерости ўйлаги бу қадар қоронеги бўлиши хаёлимга ҳам келмаганди. Бунда изқуварлик романларида учрайдиган майда станциялардан

нимадир бор ва бу менга ёқарди. «...Динг Гоуэр темир йўл тармоқлари тагидаги еrostи йўллагидан кетиб бормоқда, пиширилган боладан келувчи қуюқ хушибўй ҳид димогига маҳкам ўтириб қолганди. Тилларанг баданли боланинг юзидан тўйқ қизил мой томчилари йилтиллаб оқарди, оғзининг бурчакларида сирли табассум ўйнарди...» «Тақ-туқ, тақа-туқ» қилганча олга сузуб бораётган поездни кўзларим билан кузатиб қоламан, ниҳоят, муюлии ортида қизил дум фонуси кўздан гойиб бўлади. Фақат аллақандай жуда олисдан, тунги зулмат ичидан унинг жансир-жунгир қўлоқча чалингандан кейин халтамни оламан, еrostи йўлкасига тушаман ва унинг камқувват чироқлар хира ёритган нотекис қопламаси бўйлаб одимлай кетаман. Гилдиракли халтамни судраб юраман, лекин у ёмон тарақлайди, шу боис уни ортмоқлаб оламан. Ерости йўллаги жуда узун экан, қадамим товуши одатдагидан баландроқ жарангларди, кўнглим эса қандайдир бўмбўши эди. Динг Гоуэрнинг Жюгуодаги саргузашларини мана шу ерости йўллаги билан боғлаи керак. Мана шу атрофда «гўшит» болалари савдоси юрадиган маҳфий бозор бўлиши шарт, ичкиликбозлар, фоҳишалар, тиланчилар, қопагон имлар ҳам шу ердан келиб чиқиши лозим, жиноий шини очишига олиб борувчи муҳим ришиналарни у айнан мана шу ердан топади. Вокеа содир бўлган жойнинг ноёблиги – муҳим омил, у асарнинг муваффақиятини белгилайди, моҳир адаб ҳар доим ўз қаҳрамонларини муттасил алмашиб турадиган вазиятда ҳаракат қилишига мажбур этади, чунки бу нафақат муаллифнинг айрим сакталикларини хастўшлашга имкон беради, балки ўқувчи фаоллигини муттолаа жараёнига сафарбар ҳам қиласди. Шу тариқа мушоҳада юритаркан, Мо Ян бурчак томон бурилади ва титиги чиққан адёл тагида гужсанак бўлиб ётган чолни, унинг ёнгинасида яшилтоб мусаллас шишиасини кўради. «Жюгуода қашишоқларнинг ҳам ичадиган нарсаси борлигидан хабар топиб, ўзимни енгил ҳис қилдим. Манови мусалласиунослик фанлари номзоди Ли Идоу дегани бор-ку, қанча ҳикоя ёзган бўлса, ҳаммаси фақат ва фақат мусаллас ҳақида, қашишоқлар ҳақида лоақал тўрт қатор бир нарса ёзса-чи. Қашишоқ ароқхўрга на пул керак, на овқат керак, унинг кўрган билгани фақат ичишига пул сўраш, вассалом; ичиб олгандан кейин эса ашуласини вадаванг қўяди ё чарх уриб рақс туша-



ди, худди фариштадай ҳаволарда парвоз қиласы. Бу Ли Идоу дегендегілер қам қызық одам экан-да, тавба, унинг асли-насли нима ўзи, ажабо! Минг гапни айлантирганин, бир нарсаға тан берши керак: у юборған барча ҳикоялар, охир-оқибат, менинг романымни ўзгартириб юборди. Күзда тутилганига күра, менинг Динг Гоуэримдан Хантернинг супердетективига ўхшаган ажайыб қаҳрамон чиқиши керак эди, у эса эң тубан ароқхүрге ва бир тийинга қыммамтада одамга чиқиб ўтирибди. Бундан кейин Динг Гоуэр ҳақида ёзганинг билан ҳеч нарса чиқмайды, шунинг учун мен Жюгуга келдім: илҳом учун келдім ва алоҳида мұхым ишлар бўйича терговчининг жамоат ҳожатхонасида чўкиб ўлганидан дурустроқ якунга арзирли бирор нарса ўйлаб топши учун келдім».

Вокзалдан чиқаверишида у Ли Идоуни кўрди. Қандайдир ички туйғу билан ушибу қотма, юзи учбурсуқ дароз одам мусалласунослик фанлари номздоди ва айни вақтда ҳаваскор ёзувчи эканини пайқай олди. Киши юрагини сескантириб юборадиган даражада чақнаб турган мана шу катта-катта кўзлар томон ўйналди.

У темир тўсиқ ортидан узун ва ориқ қўлини узатди:

– Янглишимасам, устоз Мо Янсиз, шундайми?

Мо Ян унинг муз каби совуқ қўлини қисиб қўйди:

– Сени кўп ташвишига қўйдим, Ли Идоу!

Чиқаверишида чипталарни текширадиган навбатчи аёл Мо Янни танишишини таклиф қилганида Ли Идоунинг зардаси қайнаб кетди:

– Қанақа чипта? Олдингдаги одам кимлигини биласанми, ўзи? Бу менинг устозим Мо Ян, «Қизил гаолян» фильмі сценарийсини ёзган, шаҳар қўмитаси ва мэрияси таклифи бўйича келган фахрли меҳмон!

Мо Янга тикилганча аёл қотиб қолди. Му Ян ўзини ноқулай сеза бошлади ва шоша-пиша чиптасини чиқарди, аммо Ли Идоу уни турникетдан узатди-да:

– Унга эътибор қилманг! – деди жеркиниб.

У Мо Яннинг елкасидан халтасини олди ва ўз елкасига ташлади. Бўйи тахминан бир метр саксон сантиметрлар бор, Мо Яндан бир калла баланд. Лекин Ли Идоунинг эллик жинча енгиллигидан ўзига тасалли берди.



– Хатингизни олиб, устоз *Мо*, – илҳомланиб сўз бошлади *Ли Идоу*, – уни ўша заҳоти шаҳар қўмитасига маълум қилдим ва шаҳар қўмитаси котиби *Ху* шундай деди: «Хотирингиз жам бўлсин, қўнгилдагидек кутуб оламиз». Кечакунда мен сизни бу ерда машинада кутуб ўтирадим.

– Ахир хатда тигирима тўққизинчи куни тонгда етиб бораман деб кўрсатгандим-ку, – ҳайрон бўлди *Мо Ян*.

– Менинг қўркқаним – вактидан олдин келсангиз, нотаниши шаҳарда бир ӯзингиз қолиб кетасиз, деб ўйладим-да. Ӯзимча шундай тўхтамга келдимки, мен бекорга борсам борай, аммо сизни маҳтал қилиб қўйсак, бу яхши иши бўлмасди.

– Ҳақиқатан ҳам сизларни овора қилиб қўйибман-да, унда, – самимиж жислмайди *Мо Ян*.

– Шаҳар ҳокимиятидагилар сизни бўлим бошлиги ўринбосари *Жин* кутуб олишини хоҳлашганди, бироқ мен уларга икковимиз бир-биримизга бегона эмаслигимизни, ҳеч қандай маросим-паросимнинг кераги йўқлигини айтдим, шу боис мен сизни кутуб олганим – энг яхши йўл.

Биз майдонда турган дабдабали лимузин томон ўйналидик. Майдонни турли шаклдаги фонулар чарогон қилиб ёритиб турар, ёмғир ювган лимузин янада муҳташамроқ қўринарди.

– Машинада бош бошқарувчи *Юй* кутяпти, – деди *Ли Идоу*. – Бу улар ресторанининг машинаси.

– Бу қайси бош бошқарувчи *Юй*?

– *Юй Ичи*, албатта.

Мо Яннинг юраги гашланди, миасида *Юй Ичининг* кўплаб тавсифлари бирин-кетин милтиллай бошлади. Аввал бошиданоқ бу пакананинг терговчига ҳеч қандай алоқаси ўйқ, аммо тировард-оқибатда унинг кўринишларидан бирида ўлади ва воқеалар шундай давом этавергудек бўлса, айтиши мумкинки, арвоҳлар ва иблисларсиз бир иши чиқмаган. «Афтидан, менинг «Терговчи Динг Гоуэрнинг қайдлари» қўллэзмам ёқиб юборишига арзиркан, холос», – ўйлади у.

– Бош бошқарувчи *Юй*, албатта, келаман, деди, – давом этди *Ли Идоу*. – Сиз билан биринчи бўлиб танишишидан мамнун бўлишини айтди. Бу одам – ӯзимизники, сиз, устоз, ҳеч бир ҳолда... ташки қўринишига қараб мулоҳаза юритиш керак эмас. Сиз унга ҳурмат кўзи билан қарасангиз, у буни юз баравар яхшилик билан қайтаради.



Шу паллада машина эшиги очилди ва ундан пакана бир киши сақраб тушиби, дархәкүкәт бўйи бир метрдан ошмасди – бир жи экани аниқ. Бакувват гавдали, дид билан кийинган, маълумоти яхши жентельменга ўҳшарди-ю, бир айби – пакана.

– *Мо Ян, оббо ярамас-ей, охири келибсан-да!* – машинадан тушигани ҳамоноқ хунук хириллаганча томоги йиртилгудек қичқириб, деди у. *Мо Яннинг олдига югуриб борди, бир қўлидан тутди ва уни аямай силкий кетди, кўп йиллардан берни кўришмаган яқин дўстини учратиб қолгандек.*

Мо Ян бу таранг, тиним билмас қўлчани сиқаркан, ичини им тирнарди. Унинг романнда Динг Гоуэр паканани қандай ҳолатда ўлдиргани эсига тушиби. Бу нимага ҳам керак эди? Шундай галати одамча, баҳоси йўқ, худди мурвати охиригача бураб қўйилган ўйинчоқ. У ҳайдовчи қиз билан ишқий ўйинлар қилган бўлса, бунинг нимаси ёмон? Уни ўлдириб бекор қилган, уни Динг Гоуэр билан қалин дўстлаштириб қўйиши керак эди, болаларни ейши ҳақидаги ишини биргаликда ҳал қилишин эди.

Юй Ичи Мо Ян олдида машина эшигини катта очди ва оғзидан мусаллас ҳидини гупиллатиб, ёндаги ўриндиқча чиқиб олди:

– *Фан номзоди эртаю кеч фақат сен ҳақингда гапиради. Сени илоҳий санам деб билади бу нусха. Лекин энди бизлар танишиб олдик ва бундоқ қарасам, сен у қадар кўркам эмассан, ниманг биландир арzon арақфурушини эслатасан.*

Бундай ташбеҳдан Мо Яннинг дили оғриди ва унинг жавобида кесатиқ садо берди:

– *Ниҳоят, бош бошқарувчи Юй билан дўстлашиши имконига эга бўлдим.*

Юй Ичи болалардай қувноқ кулиб юборди, кейин эса шундай сўз қотди:

– *Қойил! Тасқара билан пакана дўстлашиб олди! Кетдик!*

Рулдаги аёл – ўрта бўйли, пакана эмас – индамай машинани ҳайдаб борарди ва чурқ этиб оғиз очмаётганди. Фонусларнинг оч сариқ ёғдусида вокзалолди майдонда Мо Яннинг кўзи ёқимли чеҳрага, ингичка ва силлиқ бўйинга тушиби-ю, беихтиёр юраги шув этиб кетди: романда Динг Гоуэрни чала ўлик ҳолига келтирган ҳайдовчи қизнинг ўзгинаси.

Фаралар кучли ёнди, уларнинг ёғдусида саҷраган сув яшилтоб-оқ рангда товланиб кетди, аёл моҳирлик билан



бошқараётган машина майдондан чиқди. Лимузиннинг ичи бошдан-оёқ дабдабаю асъасага тўла эди. Асбоб-ускуна таҳтаси устида патли ўйинчоқ йўлбарс чайқаларди. Худди тушидагидек мусиқа янгарди ва машина шу мусиқада сувдагидек сузуб борарди. Кенг ва текис кўчаларда ҳатто мушук кўринмасди. Жюгур катта шаҳар: кўчаларнинг ҳар икки томонидан замонавий бинолар қад кўтарган. Шаҳар гуллаб-яшинаш даврини бошдан кечиряпти, деганда мусалласунослик фанлари номзоди заррача муболага қўлмаганди.

Юй Ичи билан изма-из Мо Ян «Ярим аршин» ресторанига кириб борди, унинг ортидан халтасини ортмоқлаган Ли Идоу келарди. Рестораннинг ичи чинакамига утугвор экан. Танобийнинг поли ҳақиқатан ҳам мармардан бўлиб, мум суртилганидан ялтиради. Пештахта ортида дарбон – кўзойнак тақсан қиз ўтирибди, пакана эмас.

Юй Ичи уч юз ўнинчи хонани очишни буюрди. Кўлида калит билан қиз тұғмачани ҳаммадан олдин босииш ниятида лифт томон йўл олди. Лифт эшиги очилди, Юй Ичи сакраб лифтга кирди-да, ортидан Мо Янни тортиди. Мо Яннинг бутун авзоидан ҳеч қәёққа шошмаётгани кўриниб турарди. Унинг ортидан Ли Идоу ва кўзойнакли қиз кирди. Эшик ёпилди. Лифт кўтарила бошлиди ва унинг маъдан қопламасида ҳоргин, хунук башара акс этди. Кўриниши шунақа беўжшовлигини Мо Ян ҳатто тасаввур қўлмаганди. Ҳа, сўнгги бир неча йил ичида яхшигина қариганди. Унинг башараси билан ёнма-ён кўзойнакли қизнинг уйқули юзи акс этарди. Мо Ян шошиб кўзини олди ва деворда мілт-мілт қылган ракамларга тикилди. «Ўлгудай чарчаган терговчи лифтнинг тор хонасида ўзининг қон душмани Юй Ичи билан юзма-юз бўлиб қолди, – хаёлидан кечарди унинг. – Душманлар бир-бирига қараб қўяди, унисининг ҳам, бунисининг ҳам кўзлари қонга тўлган...» Унинг нигоҳи кўзойнакли қизнинг тұғмалари очиқ ёқаси остидан кўриниб турган бир парча оптоқ баданига тушиди; фикрларнинг шиддатли парвозида баданинг бу бўлажи уюшмалар силсиласига айланди-ю, қалби олис ўтган күнлар ишлари билан тўлди. «Ўн тўрт ёшида кўлим тасоди-фан қиз бола сийнаси устида пайдо бўлган». «Хо-о, – қиқирглаб кулганди ўша қиз, – бу нарсаларга тегадиган бўлиб қолдингми? Кўрмоқчимисан?» «Ҳа, кўрмоқчиман», – дедим мен шартта. «Бўпти, кўра қол», – кинояли жислмайди қиз. Мен безгак тут-



гандай титраб кетдім ва нимчаси тұғмаларини ечаётган қыз құйли билан кетма-кет қаршиимда балогатликнинг катта қызил дарвозаси дахшатлы гүмбұрглаб очилди. Ҳатто мени нима күтәётганини ўйлашга улгурмай, мен ўша ёққа талпиндим, сиғир ва қүйларни ҳайдаб юрган, қышларни томоша қылған бар-ча болалик шилларим бир зұмда ўтмишига айланды, энді у ёққа қайтиб бориши мүмкін эмас...

Лифт эшиги шөвқінсиз очилди. Күзойнакли қыз бизни уч юз ўнинчи хонага бошлаб борди, қалит билан эшикни очди ва бизни қүйіб юбориш үчүн бир четга ўтди. Ҳеч қачон бундай олий тоуфали меҳмонхонада яшаб күрмаган Мо Ян қувлик ила жылмайғанча бу даббабали хонага ғердайиб кирди-да, ўзини диванга ташлади.

– Бу біздегі әңг яхши хона, тирноқ остидан кир қидирмай, яшаб күр! – ҳамла қылды Юй Ичи.

– Ёмон эмас, – ҳамлани қайтарди Мо Ян. – Мен собық аскарман, тұғри келған жоіда яшай оламан.

– Шаҳар ҳокимиятидагилар аввал сизни шаҳар құмитасининг меҳмонхона уйига жойлаштырмоқчи әдилар, – аниқтік киритди Ли Идоу, – бироқ у ерда барча яхши хоналар хорижий меҳмонлар, Маймун мұсалласи биринчи шиллік фестивали шиширокчилари – гонконглик, макаолик ва тайванлик ватандошлари үчүн банд қилиб қўйилған.

– Бу ер ҳаммасидан яхши. Амалдорлар билан ош-қатық бўлишига тоқатим йўқ, – деди хитобан Мо Ян.

– Устоз тинчликни афзал кўриши ва озига қаноат қилишини билардим, – яна тирганди Ли Идоу.

– «Қызил гаолян»ни ёзған одам қандай қилиб тинчликни афзал биладио озига қаноат қиласди? – мийигида кулди Юй Ичи. – Ҳой, исқирт, тарғибот бўлимига ўтганингга бор-йўги икки кун бўлибди-ю, бу ёқдан хушомад қилишига тушибсанми?

– Тили заҳарликда бош бошқарувчи Юй бутун Жюгугога маълум, – деди хижсолатомуз Ли Идоу. – Сиз, устоз, эътибор қилманг.

– Ҳечқиси йўқ, – таъкидлади Мо Ян. – Менинг ҳам тилим ундан кам эмас.

– Ҳа, айтшини унутыбман, устоз, мени ўтган ойда шаҳар қўмитаси тарғибот қўмитасига ўтказишиди, – маълум қылды Ли Идоу. – Ахборот шиллари билан шугулланаман.



– Докторлик шишинг нима бўлди? – ажабсинди *Мо Ян*. – Тугатдингми?

– Докторлик қочиб кетмайди. Сўз билан ишлаш қўнглимга кўпроқ ёқади, янгиликлар ахбороти адабий ижодга яқин.

– Худди шундай, – маъқуллади *Мо Ян*.

– Ҳамисира *Ма*, *Мо Янга* иссиқ ванна тайёrlа, – фармийши берди *Юй Ичи*. – Яхшилаб ювиниб олсин, акс ҳолда ундан ачитқу ҳиди гупуриб турибди.

Кўзойнакли қиз имтоаткорона «ҳм» деб қўйди-да, ваннахонага йўналди. Кўп ўттай ўша ёқдан сувнинг чатиллаши эшигилди.

*Юй Ичи мусаллас бари эшигини очди, унда йигирма-ўттизтacha шишалар териб қўйилганди, кейин *Мо Янга* бурилди:*

– Нима ичамиз?

– Ўйлаб гапиряпсизми? – эътиroz билдиради *Мо Ян*. – Тунги соат уч – «Нима ичамиз»мии.

– Бу нима деганингиз? – бўши келмасди *Юй Ичи*. – Мусаллас нўши этмоқ – Жюгуга қадам ранжисида қилган ҳар қандай меҳмоннинг энг биринчи маҗбурияти.

– Яхшиси, менга чой беринг, – оёқ тираоб туриб олди *Мо Ян*.

– Жюгуда ҳеч қанақа чой-пой деган нарса йўқ, – ўзиникини маъқулларди *Юй Ичи*. – Бизда бунинг ўрнига мусаллас бор.

– Бирорвнинг ибодатхонасига ўзининг каломуллоси билан бормайдилар, устоз, – яна луқма отди *Ли Идоу*. – Айтадиларку, аравасига тушганнинг қўшигини айт, деб.

– Бўпти, бўпти! – таслим бўлди *Мо Ян*.

– Ўзингга ёққанини танла, – тақлиф қилди *Юй Ичи*.

Мо Ян барга яқин борди. Ёрлиқлари ярақлаган бу барча сара мусалласларга бир қарашибдаётқ боши айланиб кетди.

– Эшишишимча, ишишига келганда кўпларга имтиёз берар эмиссан? – гиж-гижлади *Юй Ичи*.

– Умуман олганда, ичкиликка ишқибоз эмасман ва мусалласларни яхши билмайман, – тан олди *Мо Ян*.

– Камтарлик ҳам эви билан-да, маҳмадона! – деди *Юй Ичи*. – Сен *Ли Идоуга* ёзган барча хатларни ўқиганман.



Мо Ян мусалласпазлик фанлари номзодига норозиларча нигоҳ ташлади.

– *Бош бошқарувчи Юй ўзимизнинг одам, – шошиб бидирлади у. – Хеч нимадан қўрқшининг кераги йўқ.*

Юй Ичи «Люй и чун де» шишиасини танлади:

– *Сен ҳозир поезддан тушдинг, шу боис, кел, унча аччиқ-ланмасдан ича қолайлик.*

– *«Люй и чун де» – ажойиб нав, – қувватлади Ли Идоу. – Қайнотамнинг ижодларидан бири. Мусалласнинг негизини тоза тилларанг ловия суви маҳсулоти ташкил этади, унга ўнлаб юқори баҳоли шифобахи, хушбўй гиёҳ қўшилади. Ичиб, қулогингга кунхоу¹ жўрлигидаги мумтоз қўшиқни ёши қиз ижро этаётгандай маза қиласан. Бу мусаллас чуқур бадиий маъно билан тўлиб-тошган, олис ўтмиши кунлардаги воқеаларни эслашига мажбур этади.*

– *Аллақандай чўпчакларингни бас қилсанг-чи, – унинг гапини чўрт кесди Юй Ичи. – Нима десам, шионаверади бу пайтавақулоқлар, деб ўйлаганмидинг?*

– *Мени шунинг учун ҳам тарғибот бўлимига ўтказишганда, – тиниб-тинчимасди Ли Идоу. – Тагин Маймун мусалласи фестивалида тарғибот эҳтиёжлари учун. Нима бўлганда ҳам мен фан номзодиман-да.*

– *Салкам номзод, – узиб олди уни Юй Ичи.*

Бирдан учта билтур қадаҳ олиб, уларни «Люй и чун де» билан тўлдириди. Қадаҳлардаги мусаллас зумрад рангда товланарди.

Жюгую сафарига отланишидан олдин Мо Ян мусаллас бўйича маҳсус китобларни варақлаб қўрган ва баҳолашнинг айрим қоидаларини билиб олганди. Қадаҳни олиб, аввал бурнинг учини унга теккизиб ҳидлади, кейин бурун катакларини тўлдиригган хушбўй ҳидни ҳайдаш учун кафтини силтаб қўйди, сўнг қадаҳни яна бурнига олиб борди, чуқур нафас олди ва нафасини ушлаб турди, кўзларини қисиб, чуқур хаёлга толган-дек қилиб қўрсатди ўзини. Орадан анча вақт ўтди, ниҳоят, кўзини очди ва тилга кирди:

– *Ростданам ёмон нарса эмас экан: қадимийлик ҳиди келиб турибди, жонон ва улугвор мусаллас. Ҳа, гап йўқ.*

¹ Кунхоу – чолғу асбоби.



– Ўзинг пандавақыга ўхшаган бўлсанг ҳам ақлинг балога етаркан, – мақтаб қўйди Юй Ичи.

– Мо Ян устозимнинг мусалласга нисбатан түгма истеъдоди бор, – луқма ташлади Ли Идоу.

Мамнун бўлган Мо Ян оғзининг таноби қочди. Шу лаҳзада кўзойнак таққан қиз қайтиб келди:

– Ванна тайёр, бош бошқарувчи.

– Қани, олдик. – Юй Ичи Мо Ян билан қадаҳ тўқишиширди.

– Ҷўмилиб олганингдан кейин бироз дам оласан. Икки соат ухлаб олишинг мумкин, нонушта еттида, ортингдан мана бу жонончалардан биттасини юбораман.

Қадаҳни сипқориб, у Ли Идоунинг тиззасидан чертди:

– Кетдик, номзод.

– Шу ерда ётаверсангиз ҳам майли, – таклиф қилди Мо Ян. – Туя чўкса, жой топар.

– Бу ердаги қоидаларга кўра эркаклар бир хонада ётиши тўғри келмайди, – им қоқди Юй Ичи.

Ли Идоу нимадир деб ёпишиштирмоқчи бўлди-ю, аммо Юй Ичи уни эшик томонга туртди:

– Бора қол энди.

Бу вақтда мен Мо Яннинг чиганогидан чиқиб олгандим, ҳомуза тортдим, туپурдим, туфлимни ва пайпогимни ечдим. Шу топ кимдир эшикни аста тақиплатди. Мен энди туширилган шимимни шошиб кўтардим, кўйлагимни тартибга солдим ва эшикни очгани йўналдим. Ичкарига кўзойнакли Ма суқулиб кирди. Унинг оғзи қулогида эди, уйқусираган кўзлари юмилиб-юмилиб кетмоқда эди. Мо Яннинг томирларидағи қон гупуриб кетди, лекин у ҳаддан ташқари жиодий оҳангда:

– Нима гап? – деб сўради.

– Бош бошқарувчи ваннага озгина «Люй и чун де» мусалласидан қўйишни буюрди.

– Ваннага мусаллас қўйиш?

– Бу бош бошқарувчимизнинг ихтироси. Унинг айтишича, ювингандада мусалласдан фойдаланиш соглиқ учун гоят фойдали эмииш, мусаллас вирус ва бактерияларни ўлдирапкан, мушакларни бўшашибириб, қон айланнишини яхшиларкан.

– Ҳа-да, бунинг ажабланарли ери йўқ, – хўрсинди Мо Ян. – Бу ерни Жюгую, Мусаллас мамлакати деб қўйибдишлар.



Ма очилган шишани олди-да, ваннахонаға йўл олди. Мо Ян унинг ортидан кетди. Ваннахона бүгга тўла эди, шифтда пага-пага буғлар сузарди ва шаҳватни қўзгатарди. Ма ваннага шишанинг ярмидан кўпрогини қўйди ва атрофни мусаллас-нинг эҳтиросни жунбушига келтирувчи хушбўй ҳиди тутди.

— Ана, бўлди, устоз Мо, тезда киринг!

Жилмайганча қиз эшик томон йўналди. Мо Ян унинг жилмайшиидаги ҳурсий ҳиссиётни элас-элас ҳис этди, уни ушлаб, ял-ял юзидан ўтиб олиши учун сал бўлмаса ташланадаёзди. Бироқ тишларини қисиб, бу ниятидан қайтди ва унинг чиқиб кетишига йўл берди.

Ваннадан чиқиб, юраги дук-дук қилганча бироз турди ва кийина бошлиди. Хона ичи баҳордагидай илиқ эди. Қипялангоч бўлиб ечинди-да, чиқиб қолган қорнини уқалади ва хушқад эмаслигини тан олганча ўзини ойнага солиб қаради. Ҳозиргина хато иши қилишидан қутулиб қолганидан ўзини табриклаб қўйди.

Кейин куйдирадиган даражадаги иссиқ сувга тушиди-да, аста чўка бошлиди. Сув устида фақат боши қолди ва уни ваннанинг айлана қиррасига қўйди. Мусаллас қўшилгандан кейин сув ҳарир яшилтоб тусга кирганди. Бамисоли сонсиз игналар санчилгандек аъзойи-бадани чимиллар, хиёл оғритаётган бўлса-да, аммо ҳаддан ташқари ёқимли эди.

— Оббо, падарингга қусур пакана-еї, ҳаётдан қандай роҳат олишини билади, абллаҳ! — деди қойил қолиб роҳатланганча.

Бир неча дақиқадан кейин оғриқ ўтиб кетди, томирларидаги қон равон югуриб оқди, бўғинлари жой-жойига тушибди. Яна бир неча дақиқадан кейин пешонасини тер томчилари қоплади. Аъзойи-баданини фақат яхши терлагандаги каби қандайдир ҳаловат чулгади. «Неча йиллардан бери бунақа терламагандим. Вужудимдаги барча хилллар битта қолмай чиқиб кетди... Динг Гоуэрни «Люй и чун де» мусалласли ваннага ўтқазиши, кейин эса, дейлик, бир аёлни киритиб юборииш керак эди. Триллеларда бунақаси камдан-кам учрайди...»

Мо Ян ювиниб бўлди, гиёҳ ҳиди анқиб турган халатни елкасига солди ва эринибгина диванга чўзилди. Ичгиси келди, бардан оқ узум мусалласли шишани олди ва энди очаман деб турганида хонага яна Ма хонимча учиб кирди. Бу галҳатто эшикни чертиб ҳам ўтирмади. Мо Ян хиёл асабийлаш-

ди, шошиб халати белбогини тортди ва оёқларини яшироди. Сирасини айтганда, «асабийлашди» деб айтиши унча түгри бўлмасди, бу кўпроқ баҳт ҳиссини туйши эди.

Қизгина ундан шишани олди, очди ва қадаҳни тўлдирап-кан:

– Устоз Мо, бои бошқарувчи Юй буйруғи билан келдим – сизни уқалаб қўярканман, – деди.

Мо Янни тер босди ва туттила-туттила:

– Зарурмикан шу? Ахир, ҳадемай тонг отиб қолади! – дея олди, холос.

– Бу бои бошқарувчининг буйруғи, илтимос, йўқ деманг.

Мо Ян каравотга узанди ва қиз уни уқалай бошлиди. Бирор кор-ҳол рўй бермаслиги учун Мо Ян бутун вужуди билан муздек совуқ кишинлар рамзига дикъатини жамлади.

Нонушта вақтида Юй Ичи нуқул ҳингир-ҳингир кулар, киноя қилар, бундан меҳмон ўзини жуда ноқулай ҳис этмоқда эди. Бир оғиз гап ортиқча, барибир уни сўз билан ифода қилиб бўлмасди.

Стол олдига пиширганча Ли Идоу югуриб келди. Унинг кўзлари остидаги кўк доираларга ва оқарган юзига қараб, Мо Ян раҳми келган оҳангда қизиқсаниб сўради:

– Мижжса қоқмаганга ўҳшиайсанми?

– Марказий рўзномага зудлик билан ашё керак бўлиб қолувди, шу билан шуғулланишимга тўгри келди, – уҳ тортди Ли Идоу.

Мо Ян унга мусаллас қўйди.

– Устоз Мо, – деди Ли Идоу қадаҳни бўшатиб, – шаҳар қўмитаси котиби Ху сизнинг эрталабдан шаҳарни томоша қилишингизни хоҳляяпти, куннинг иккинчи қисмida эса сизнинг шарафингизга зиёфат бермоқчи.

– Котиб Ху жуда банд одам – шу шартмикан?

– Бундай қилиб бўлмайди, ахир! Сиз бу ерда қадорли меҳмонсиз, бунинг устига, бизлар Жюгуда зўр донг таратиши умидида сизнинг ажойиб қаламингизга ишонамиз!

– Кўйсангиз-чи, қанақа ажойиб қаламим бор экан менинг? – хижолат тортди Мо Ян.

– Овқатдан ол, инум Мо Ян, овқатга қара! – тумшиук сукди Юй Ичи.



— Овқатга қаранг, олиб ўтиринг, — уни қувватлади Ли Идоу.

Мо Ян стулни суреб, оппоқ дастурхон ёзилган столга тирсакларини қўйди. Баланд деразалардан тушиб турмии чарақлаган қуёши нури унча катта бўлмаган ресторон танобийсининг ҳар бир бурчагини ёритарди. Худди олислардан келаетгандек, тепадан жазнинг майин овози қулоқча чалинарди. Труба юракни эзаб нола қиласарди. Унинг баданини уқалаган қўзойнакли Ма эсига тушиди.

Нонуштага олти нав газак тортилганди: улар оч яшил, оч қизил рангда товланиб, қўзни қувнатарди. Яна сут, чала пиширилган тухум, тортлар, мураббо, ширгуруч, гажак бўғирсоқлар... ҳаммасини санаб адо қилиши қийин. Хитой ва Европа таомлари аралаш эди.

— Менга бўғирсоқ ва бир коса бўтқа кифоя, — деди Мо Ян.

— Ноз қилмай, олдингга қўйганини еавер-да, — ҳужум қилди Юй Ичи. — Жюгуда овқат мўл.

— Мусалласнинг қанақасини хуши кўрасиз, устоз? — унга мурожсаат қилди Ли Идоу.

— Эрталабдан ва оч қоринга ичмайман.

— Бир қадаҳ олмасангиз бўлмайди, — оёқ тиради Юй Ичи. — Бизда қоида шунақа.

— Устозимиз Монинг ошқозони чатоқ, — деди Ли Идоу. — Уни занжасабилли қадаҳ билан қиздирдамиз.

— Сингилжоним Ян, мусалласжондан қуй бизларга! — қичқирди Юй Ичи.

Мадан ҳам юзи нозикроқ ва нафисроқ официантой пайдо бўлди. Унга қараб Мо Ян ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Дўстим Мо, менинг ресторонимдаги қизлар қалай экан? — деди Юй Ичи аста тирсаги билан туртиб.

— Арии аълодан тушиб келган фаришталар-ку, — бидирлаб гапирди Мо Ян.

— Жюгуда фақат ажойиб мусалласлари билан эмас, балки сулув аёллари билан ҳам машҳур, — гапга қўшилди Ли Идоу. — Си Шининг ҳам, Ван Чжаоцюннинг¹ ҳам онаси Жюгудан.

Юй Ичи ва Мо Ян қаҳ-қаҳ уриб кулишиди.

¹ Ван Чжаоцюн – узок ўтмишдаги тўрт соҳибжамоллардан бири, Фарбий Ханъ сулоласи (эрамиздан аввалги I аср) даврида яшаб ўтган.

– Нега куласизлар? – Ли Идоу мутлақо жиоддий эди. – Менда исботи бор буларнинг.

– Аравани қуруқ обқочма, – унинг гапини кесди Юй Ичи. – Чўпчак тўқишига келганда Мо Янга тенг келадигани ўйқ, у устаси фаранглардан!

– Ҳа-я, келиб-келиб устасининг олдида тилимдан илиниб ўтирибман, бу боланинг отага айт ўргатгани билан баравар, – Ли Идоу ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулди.

Шу тариқа кулги ва суҳбат билан нонушта ҳам ўтди. Кейин қизалоқ Ян келди-да, Мо Янга хушибўй ҳидли иссиқ патсочиқ берди. Мо Ян сочиқ билан юз ва қўлларини артди. Умрида ўзини бу қадар яхши ҳис этмаганди. Сочиқнинг силлиқ ва майинлигини түйиб, ёноқларини ҳам артди. Бундан кўнгли тогдай кўтарилди.

– Тушлик сеникида бўлади, хўжайин Юй! – эслатди Ли Идоу.

– Насиҳатларингни эшиштай деб ўлиб турувдим! – тўнгиллади Юй Ичи. – Дўстимиз Мо бизнинг узокдан келган меҳмонимиз, мезбон буни бир лаҳза бўлсин унумтишига ҳақи ўйқ!

– Устоз Мо, мен машина чақирирдим, – деди Ли Идоу. – Истассангиз – яёв юриб борамиз, истассангиз – машинада кетамиз.

– Ҳайдовчи ўзининг ишини қила қолсин, – қатъий деди Мо Ян. – Биз эса яёв томоша қилиб етиб оламиз!

– Буниси зўр бўлди, – хотима ясади Ли Идоу.

3

Мо Ян ва Ли Идоу Эшак кўчасидан кетиб бориши моқда.

Кўча чиндан ҳам эскирганидан яшиштот тусга кириб қолган тош таҳталаар билан қопланганди. Ўтган тунда ёққан ёмғирдан ҳўл бўлиб, оралиқлардаги тирқишилардан бадбўй ва муздек шабада эсарди. Ли Идоунинг ҳикояларини эслаб, Мо Ян тўйсатдан қизиқсиниб сўради:

– Бу ерда ҳақиқатан ҳам аллақаёқдан қора хўтиқ пайдо бўладими?

– Ривоятда шунақа дейилган, – жавоб берди Ли Идоу. – Аслида уни ҳеч ким кўзи билан кўрмаган.



– Бу күчадан минглаб әшак арвоғлар ўтиб-нетиб юрган бўлиши керак.

– Мана бу гап энди ҳақиқатдан узоқ эмас. Бу күчанинг ёши камида икки юз йил ва бу ерда қанча әшак ўлдирилганини масаввур ҳам қилиб бўлмайди.

– Ҳозир бир кунда нечта әшакни ўлдиришилари мумкин?

– Камида йигирмата бўлса керағ-ов!

– Шунча әшакни қаердан олишади?

– Күшхона бор эканми, демак, әшакни топиш ҳам қийин бўлмаса керак-да.

– Шунча әшак сўйиладиган бўлса, демак, ҳамма гўшит сарф бўлиб кетадими?

– Гоҳо бу ҳам етмай қолади.

Рўпарадан кўрининши деҳқонга ўхшаши, нўхта урилган иккита семиз әшак етаклаган одамга кўзлари тушибди.

– Эшагингни сотасанми, ҳамқишилоқ? – унга яқин бориб сўради Мо Ян.

Деҳқон Мо Янга совуқ қараши қилди, чурқ этмай, шахдам одимлаганча, йўлида давом этди.

– Эшакни қандай сўйишларини кўришини истайсизми? – сўради Ли Идоу.

– Албатта, истайман.

Улар бурилиб, деҳқонга эргашишиди. «Сун. Эшак гўшти савдоси» лавҳали дўконга етгач, деҳқон тўхтади-да, чийиллаб қичқирди:

– Эшаклар келди, хўжайин!

Дўкондан ўрта ёшлилардаги тепакал киши отилиб чиқди:

– Нега бунча ҳаялладинг, чол Жин?

– Солда ушланиб қолдим-да.

Тепакал дўкон ёнидаги ёғоч дарвозани ланг очди:

– Ҳайда ичкарига!

– Муҳтарам Сун... – унга яқин борди Ли Идоу.

Тепакал аввалига сал тисланди ҳам:

– Оббо, оғайнин-ей, эрталабдан отволибдишлар-да?

Ли Идоу Мо Янни кўрсатиб:

– Бу таниқли ёзувчи, Пекиндан келган, Мо Ян, устоз Мо. «Қизил гаолян» фильмси сценарийси муаллифи, – деди.

– Сени қара-ю, қўйсанг-чи, – хижсолатланди Мо Ян.

Тепакал Мо Янга бошидан-оёқ разм солди:



– Қызил гаолян, дейсанми? Биламиз, биламиз, ундан ажабтовор мусаллас олса бўлади.

– Устоз Мо эшакларнинг қандай сўйилишини кўрмоқчилар. Тепакал ошкора саросималанди:

– Бу... Бу... Ҳар томонга қон сачрайди, бекорга ҳамма ёгини қон юқи қилгани қолади-да.

– Бўпти, обқочма. Устоз Мо шаҳар қўмита котиби Хунинг меҳмони, Жюгуомиз ҳақида мақола ёзади.

– Э-ҳа, журналистми? Унда, келинг. Келинг, кўринг, – шошиб қолди тепакал. – Камтарона дўконимизга реклама бўладиган бўпти-да.

Мо Ян Ли Идоу билан эшакларга эргашиб орқа ҳовли томон йўл олди. Тепакал эшаклар атрофида парвона, эшаклар эса бундан ҳуркиб, орқага бурилар ва ўзларини ундан олиб қочарди.

– Эшаклар ундан азроилдан қўрққандай қўрқади, – изоҳ берди Ли Идоу.

– Бугунги молларинг бир тийинга қиммат, Жин бобо, – якун ясади охирида тепакал.

– Лаблари юпқа, бадани қора, ловия нони билан боқсанман

– бундан боиқа тагин қанақасидан керак сенга? – молини мақтарди Жин.

– Нон билан, дейсанми? Манави иккаласини гормонлар билан боқишиган экан, гўштининг бадбўйи димогингни ёради!

– Гормонларинг билан нима ишум бор, онангни!... – тутақди Жин. – Гапир, оласанми, йўқми? Олмасанг, мен кетдим. Эшак гўшти оламан, деганлар тиқилиб ётибди.

– Қизишмасанг-чи, биродар! Энди кўришиб турибмизми биз, ҳақиқий эшак эмас, қогоз эшак олиб келсанг ҳам оламан сендан, ёқиб, рўзгор пирига худойи қиласман ҳеч бўлмагандা.

– Қанча дейсан, айт! – қўлини чўзди Жин.

Тепакал ҳам қўлини узатди. Енг ичига яширингган қўллар бир-бирини сиқди.

– Ҳайвонлар билан савдо қилувчиларда шунака удум бор, – шивирлади Ли Идоу ҳайрон бўлган Мо Янга. – Ҳар доим бармоқлари билан ушлашиб, бор барака қилишиади.

Савдолашаётгандарнинг юзларида қанақанги ифодалар зоҳир бўлмади, худди пантомима театри актёrlарими, дейсиз.



Мо Ян уларни зүр қизиқши билан кузатиб турарди.

– Бўлди, ортиқ кўтаролмайман! – деди тепакал қўлини силтади. – Бир чақа ҳам кўтармайман.

– Менам бермайман! – сотувчи қўлини силтади.

Тепакал қўлини тортиб олди:

– Айтдим-ку, сариқ чақа ҳам кўтармайман деб. Бермасанг – ана, катта кўча!

Сотувчи хўрсинди:

– Эҳ, Тепакал Сун, биродарим, дўзахдан қўрқмадинг-а!

Сен кўрнамакнинг ёввойи эшаклар бир умр гўшитингни кемиришисин-да!

– Аввал сени кемиришади, э, садқаи эшакфуруши кетгур!

Сотувчи эшаклардан нўхталаарни ечиб ола бошлиди. Савдо пишганди.

– Энажоним Ман! – қичқирди тепакал. – Жаноб Жинга бир чирпит қўйиб бер.

Ўрта ёшлардаги, бошдан-оёғигача мойга белангани аёл пайдо бўлди, бир қўлида мусаллас солинган оқ коса бўлиб, уни эшак сотувчига берди.

Эшакфуруши косани олишига олди-ю, ишишига шошилмади, балки аёлга тикилди:

– Ана, келинжон, бугун бир жуфт қоп-қорасидан олиб келдим. Мана шу икки ажойиб эшакнинг ич-коринларини анча вақтгача эрмак қиласан.

Аёл унга томон тупуриб:

– Кошки бу жуда топилмайдиган матоҳ бўлса, лекин оғзинг тегмаса, қийин экан. Сенинг уйингдагилар-чи, оғизбурунларидан чикқунча ейшишади! – деди.

Жин бобо қаҳ-қаҳ уриб кулди ва хўрр-хўрр қилиб мусалласни ютоқиб ича бошлиди. Косани бўшатиб, бекага узатди, нўхталаарни белига чирмаб, баланд овозада:

– Тушдан кейин пулга кираман, калбош, – деди.

– Бор, ишингни қил, – жавоб берди тепакал. – Бева ойимтилла Суйга ҳурматингни билдириб қўйгани «муллаҗисиринг»дан сотиб олишини унумтма.

– У аллақачон ўзига эр топиб олган, шу боис кекса Жиндан кўнглинг тўқ бўлсин. – Шу сўзларни айтиб, Жин катта катта одимлаб, кўчадан юриб кетди.



Тепакал шошиб асбоб-ускуналарини тўплади-да, тайёлрана бошлади.

– Сизлар журналист билан ҳов, анави ерга бориб туринглар, биродар, – мурожсаат қилди у Ли Идоуга. – Бўлмаса, уст-бошларингга қон сачраши мумкин.

Мо Ян эшакларга қаради: улар нўхтасиз бўлиб, бурчакка гуж бўлиб олганди, ҳатто қочиб кетиши ёки ҳанграшига ҳам ҳаракат қўлмасди, фақат дир-дир қалтиради, холос.

– Эшак қанча ёвуз бўлмасин, – изоҳ берди Ли Идоу, – Сунни кўрганда, қалтирашдан бошқага ярамайди.

Кўлларида қон юқи ёғоч болгани тутганча тепакал эшаклардан бирининг орқасидан келди-да, унинг оёғига – туёғидан сал юқорига зарба берди. Жонивор орқаси билан ерга ўтириб қолди. Яна бир зарба тушиди – бу зарба манглайидан берилганди – ва эшак ерга чўзилиб қолди, тўрт оёғи тўрт томонга тарвақайлаб турарди. Наригиси ўша-ўша қочиб кетишига уринаётганди, бамисоли деворни ўйиб юбормоқчидай, у кучининг борича боши билан деворга тираниб турарди.

Тепакал темир тогора кўтариб келди ва ётган эшакнинг бўйни остидан қўйди. Кейин ихчам пичоқ олди, бўйиндаги қизил қон томирни қирқди ва тогорага пуштиранг қон фаворадай тизиллаб отилиб туша бошлади.

Эшакларнинг қандай сўйилишини кўриб, Мо Ян Ли Идоу билан бирга Эшак кўчасига чиқди.

– Даҳшатли манзара, – хўрсинди Мо Ян.

– Буниси ҳолва, илгариларига қараганда буниси анча шафқатли-ку!

– Илгари қанақа бўлганди?

– Син сулоласининг сўнгги йилларида бу ерда, Эшак кўчасида аъло эшак гўштининг донги кетганди. Улар бунга қандай эришишган? Ерда узун тўртбурчак хандақ қазишган, устидан қалин тахталар тўшаб чиқшишган, тўрттала бурчагидан ўйилган думалоқ тешикларига эшакларнинг оёқларини тиқшишган, шўрлик қимир этолмай қолган. Кейин устидан қайноқ сув қўйиб, террисини шилишган. Харидорлар гўштнинг хоҳлаган қисмидан танлашлари мумкин бўлган, қассоб харидорнинг истагини бир лаҳзадаёқ адo этган – баъзан шундай



бүлганды, гүштнинг бары сотиб олинган, эшак ҳали бутун-лай ўлмаган бүлганды. Буны ҳар қанча ёвузлик десанғиз арзиди, түгрими?

– Бундан ортиқ даҳшаты бүлмаса керак, – бидирлади Мо Ян лол қолғанчада.

– Яқинда Сюэ хонадони дүкөни эшак ўлдиришининг бу усулни янгилади ва бирмунча вакт улар құллары құлларига тегмай савдо қилишиди, бирок шаҳар ҳокимиятидагилар аралашиб, бу амалиётта чек қўйшиди.

– Чек қўйиб, яхши қилишибди!

– Фақат гүштнинг таъми унчалик яхши бўлмай қолди, бу томони ҳам бор.

– Қайнанганнинг сўзига қарагандо, гүштнинг сифатига жонивор ўлими олдидан ҳис қиласидиган қўрқув таъсир қиласи – ҳикояларингдан бирида сен ўзинг шу ҳақда ёзгандинг.

– Хотирангизга беш кетдим аммо-лекин, устоз!

– Мен бир вактлар тириклай қовурилган балиқ егандим, биласанми, ҳатто уни зирвада қовуриб пиширилаётгандандо ҳам худди бир нима демоқчи бўлаётгандек оғзини кашпа-кашпа очиб-юмаверган.

– Овқат тайёрлананаётгандаги тошибажирикларга истаганча мисол келтириши мумкин. Менинг қайнанам – бу борада тенгсиз мутахассис.

– Қайнанган билан қайнотанг ҳикояларда ва ҳаётда катта фарқ қиласидими?

– Осмон билан ерча, – қизариб кетди Ли Идоу.

– Ашаддий одамсан-да, дўстим, – деди тўлқинланиб Мо Ян. – Бинобарин, ҳикояларингни бир кун келиб чоп этишса борми, хотининг ва қайнотанг сени қайнанган билан ўша заҳоти тириклай қовуришади!

– Ишқалиб, чоп этишисин-да, у ёғи нима бўлса бўлар – хоҳ қовуриб есинлар, хоҳ буглатиб есинлар, хоҳ димлама қилиб!

– Сени еб нима барака топишарди?

– Топишмаса, ундан нарига.

– Кел, бу мавзу хусусида бугун кечқурун гаплашсак, – тақлиф қилди Мо Ян. – Сенинг қобилиятингга тан бермай илож ўйқ, истеъоддода мендан ўтишиннга келсак, бу бор гап.

– Мени жуда мақтавордингиз-ку, устоз.



Зиёфат «Ярим аришин» ресторанида ўтмоқда.

Мо Ян столнинг тўрида ўтирибди. Мезбоннинг ўрнида шаҳар қўмита котиби Ху жойлашган. Бундан ташқари зиёфатда шаҳар ҳокимиятининг бообруй вакиллари иштирок этмоқда. Юй Ичи ва Ли Идоу ҳам қатнашмоқда. Тажрибали Юй Ичи анча сипо кўринаади, Ли Идоу, аксинча, ўзини гоят ноқулай, паришонх хотир ҳис этмоқда эди.

Котиб Ху кўринишдан ўттиз ёшларда, «давлат» сўзининг иероглифи сингари семиз ва осилган юзи чорси шаклда, кўзлари катта-катта, сочи орқага тараған.

— Бирор нарса ижро этиб беринг, бўлим бошлиги Жин... – шипшийди Мо Ян.

— Кулги бўлишишни истасангиз, жоним билан! – жўртмага таранг қиласди у.

Жин ўрнидан туради, йўталиб қўяди ва ажойиб овозда рулада¹лар билан зўрикса ҳам қизармасдан ва оғзи билан ҳавони ушламасдан, Пекин операсидаги узун арияни ижро этиб беради. Ария ёргу дунё зўравонларидан қўрқмайдиган, парокандаликка қарши турадиган ҳамда ҳалоллик ва тўғриликка чорлайдиган бир амалдор ҳақида эди. Кейин мушт бўлиб тугилган қўлларини кўкрагига қўяди:

— Яхши чиқмаган бўлса, узр сўрайман!

Мо Ян ҳаяжонини шовқин билан ифода этади.

— Сизга бир саволим бор, устоз Мо, – мурожсаат қиласди бўлим бошлиги муовини Жин. – Мусалласга пешоб қўшиши нимага керак эди?

— Бу шунчаки... ўҳшатии... – қизаради Мо Ян. – У жисидий тушунишига арзимайди-ку.

— Агар устоз Мо «Сингилжон, олга қадам бос»ни² ижро этиб берса, уч қадаҳ мусаллас ичаман, – дейди Жин.

— Ўзи ичишига йўқман, – хижсолат тортади Мо Ян, – қўшиқ айтиши эса умуман қўлмидан келмайди.

— Ҳақиқий эркак, албатта, мусалласдан кейин қўшиқ айтади. Қани, бўла қолинг. Аввал ўзим ичидан бериш им мумкин! – тиқилинч қиласди Жин.

¹ Рулада – куйнинг, ашуланинг мохирона тез айтиладиган қисми.

² «Қизил гаолян» фильмидаги қўшиқ.



У ўз олдига учта қадаҳни қүяди ва лиммо-лим қилиб тұлдыради. Кейин әгилади-да, чуқур нафас олади. У бошини күттарғанды, учала қадаҳни тишлари билан ушлаб турғани құрінади. У аста бошини орқага ташлайды, қадаҳларнинг оёқчалары менеда бұлыб қолади, кейин бошини туширади ва қадаҳлар жойига қайтади.

– Қойил! – қыңқыради мәхмонардан бири. – «Мәйхуанинг уч япргоги!»

– Бу бўлим бошлиги Жиннинг шоҳона ижроси, устоз! – изоҳ беради Ли Идоу.

– Гап йўқ! – масанно айтади Мо Ян.

– Илтимос, ёзувчи Мо! – мурожсаат қиласи унга Жин.

Мо Яннинг олдига учта қадаҳни қўйшишади ва тўлдиришади.

– Менда «Мәйхуанинг уч япргоги» зинҳор чиқмайди, – дейди у ташвиши оҳангда.

– Биттадан кўтартсангиз ҳам бўлаверади, – бағрикенглик билан рози бўлади Жин. – Устоз Мони нокулай аҳволга солишимиз дуруст эмас.

Мо Ян учала қадаҳни сипқоради ва боши қаттиқ айланади.

Ҳамма уни қўшиқ айтишига ундаиди.

Мо Ян оғзига бир нима бўлгандаи ҳис қиласи ва тили ўзига бўйсунмайди.

– Бир нарса куйласангиз-чи, ёзувчи Мо, – бўлим бошлигининг муовини Жин унинг атрофида гиргиттон бўлади. – Бу ёқда мен «сувости кемаси»ни сиз учун ичаман.

Зўр-зўраки ва хириллаганча Мо Ян чўзиб хиргойи қиласи: «Сингилжон, дадил олга қадам бос, олга қадам бос ва орқага қарама...» Охиригача айттолмайди, чунки ичилган нарса ташқарига оқиб чиқади.

Ҳамма шовқин солиб, «Балли, балли», дейди.

– Бўларкан-ку, – дейди Жин. – Энди «сувости кемаси»ни ичши гали менга.

У катта бир қадаҳга пиво ва қадаҳчага ароқ қояди, ароқни пивога аралашибади, ана шу аралашимали қадаҳни кўтаратади-да, охиригача сипқоради.

Шу паллада ресторон танобийсига хандон отиб кулганча бир аёл кириб келади:



– Қани анави ёзувчи? Келинглар, унинг учун уч қадаҳ мусалласни ўзим кўтараман!

– Мэрнинг муовини Ван, – шивирлайди Мо Янга ёнида турган Ли Идоу. – Қани, ичиши ким қойиллатаркин?!

Мо Ян яқинлашиб келаётган мэр муовинини кўради: кенг юзли, оптоқ ва нозик, кузги тошиқин каби чехрасида латофат барқ уриб турибди, нам кўзлари чақнайди, либоси башанг – Хан ёки Тан давридаги рутбали хонимнинг худди ўзи.

Юксак одоб доирасидан чиқмаслик учун Мо Ян ўрнидан туради, лекин бунинг ўрнига ўзи ҳам истамаган ҳолда стол тагига кириб кетади. Стол тагида унинг қулогига жарангдор аёл саси келиб урилади:

– Ие, сизга нима бўлди, буюк ёзувчи? Ҳозирдан бутазорга шўнгигб кетдингизми? Йўқ, бунақаси кетмайди. Қани, чиқаринглар уни бу ёқка. Ичсин. Ичмаса, бурнидан чимчилаб, оғзидан қўяман.

Икки бақувват қўл уни стол тагидан сугуриб олади ва қарасаки, ўзининг ундаи оптоқ нилуфар илдизи янглиг мармар қўлчаси билан мэр муовини қалин ва катта чинни косани олади, у мусалласга лиммо-лим эди, гамза билан уни бурни тагига олиб боради:

– Қани, тагигача сипқорасан!

Мо Ян беихтиёр оғзини очади, фариштага ўхшаш мэр муовинига косадагининг ҳаммасини қўйишга имкон туғдиради. У мусалласнинг қулт-қулт қилиб томогидан оқиб ўтаётганини эшигади, аёлнинг қўлидан баданининг ҳиди анқиётганини ҳис қиласди. Юраги бирданига миннатдорлик туйегусига тўлиб-тошиади ва кўзларидан ёши жилгедай оқа кетади.

– Нима бўлди сенга, ҳой ёзувчи? – мэр муовини Ван ҳайрон бўлади унга мулойим нигоҳини қадаганча.

Ўзини қамраб олган ҳаяжонни базўр босиб, титроқ овозда тилга киради :

– Мен севиб қолганга ўхшайман.

Тамом.



МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ БОБ	3
ИККИНЧИ БОБ	45
УЧИНЧИ БОБ	87
ТҮРТИНЧИ БОБ.....	130
БЕШИНЧИ БОБ	182
ОЛТИНЧИ БОБ.....	214
ЕТТИНЧИ БОБ	252
САККИЗИНЧИ БОБ	300
ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ	343
ҮНИНЧИ БОБ	367

Адабий-бадиий нашр

МО ЯН

МУСАЛЛАС МАМЛАКАТИ

Роман

Таржимонлар: **А. Файзулла, С. Алижонова**

Мухаррир *С. Саидмуродов*
Рассом-дизайнер *Ш. Курбонов*
Техник мухаррир *Б. Каримов*
Кичик мухаррир *Г. Ералиева*
Мусаххих *М. Ишонхонова*
Компьютерда саҳифаловчи *К. Голдобина*

Нашриёт лицензияси АI № 158. 14.08.2009.
Босишига 2018 йил 23 майда руҳсат этилди.
Бичими $84 \times 108 / \frac{32}{32}$. «Газетная пухляя» қофози.
«Times New Roman» гарнитурасида оғсет
усулида босилди. Шартли босма табоғи 20,58.
Нашр табоғи 20,73. Адади 3000 нусха. Буюртма № 17-574.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz